

83-810)
P-17

Қўҳрамон РАЖАБОВ,
Баҳодир ҚАНДОВ

ТАРИХ ОЛАМИ

ЖАҲОН ТАРИХИДАГИ СУЛОЛА ВА ДАВЛАТЛАР

I



ТАРИХ ҒИЛМИ

Қахрамон РАЖАБОВ, Баҳодир ҚАНДОВ

ЖАҲОН ТАРИХИДАГИ

**СУЛОЛА ВА ДАВЛАТЛАР:
КИСКАЧА СИЁСИЙ ТАРИХИ
ВА МУҲИМ САНАЛАРИ**

(Энг қадимги давлрдан 1795 йилгача)



Қаҳрамон РАЖАБОВ, Баҳодир ҚАНДОВ

ЖАҲОН ТАРИХИДАГИ

**СУЛОЛА ВА ДАВЛАТЛАР:
ҚИСҚАЧА СИЁСИЙ ТАРИХИ
ВА МУҲИМ САНАЛАРИ**

(Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача)

(УЧТА КИТОБ)

А-17

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти

Қаҳрамон РАЖАБОВ, Баҳодир ҚАНДОВ

ЖАҲОН ТАРИХИДАГИ

СУЛОЛА ВА ДАВЛАТЛАР: ҚИСҚАЧА СИЁСИЙ ТАРИХИ ВА МУҲИМ САНАЛАРИ

(Энг қадимги даврлардан 1795 йилгача)

1-КИТОБ

Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи наشري



ТОШКЕНТ – «O'ZBEKISTON» –

2015rDU AR.IV

№ 396 314

УЎК: 94(100)

КБК 63.3(О)

P17

Масъул муҳаррир:

тарих фанлари доктори **Равшан АБДУЛЛАЕВ**

Такризчилар:

тарих фанлари доктори, профессор **Адхам АШИРОВ**,

тарих фанлари номзоди, доцент **Шухрат ЭРГАШЕВ**

*Мазкур китоб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
Тарих институти Илмий кенгашининг 2015 йил 23 сентябрдаги
№ 11-сонли қарори баённомасига асосан нашр этилди.*

Ражабов, Қахрамон

P 17

Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан 1795 йилгача). К. 1 / Қ. Ражабов, Б. Қандов; масъул муҳаррир Р. Абдуллаев; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти. – Тўлдирилган ва қайта ишланган 2-нашри. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2015. – 288 б.

Мазкур китобда жаҳон тарихидаги давлатлар, сулола ва подшоликларнинг қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари инсоният тарихининг энг қадимги даврларидан бугунги кунгача бўлган хронологияси билан биргаликда ихчам тарзда баён қилинган. Унда жаҳон тарихидаги муҳим воқеалар, давлат арбоблари, шоирлар, олимлар ва бошқа тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Китоб умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ўқувчилари ҳамда олий ўқув муассасалари талабаларига мўлжалланган. Шунингдек, китоб материалларидан жаҳон тарихи билан қизиқувчи барча китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

УЎК: 94(100)

КБК 63.3(О)



СЎЗБОШИ

Азиз ўқувчилар!

Тарих фани шундай бепоён уммонки, унинг сарҳадлари чексиз, мазмуни теран ва улўғвор ҳисобланади. Тарих фанининг ажралмас қисмини *Жаҳон тарихи* ташкил қилади. Бугунги кунда Ер юзида 193 та давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) аъзоси, 2 та давлат кузатувчи мақомидаги аъзо [Ватикан ва Фаластин Давлати] ҳисобланса ҳам аслида она сайёраимизда 195 та давлат эмас, балки 300 дан ортиқ турли мамлакатлар, республикалар ва мустикал ҳудудлар мавжуд бўлиб, уларнинг асосий қисми жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинган ёки қисман эътироф этилган. Беш қитъада ҳамда чексиз уммонлар бағридаги оролларда жойлашган ушбу давлатлар тарихи эса бугунги кунда кўпчиликни қизиқтиради.

Мана шу қизиқиш ва эҳтиёжни назарда тутган ҳолда биз 2011 йил «Ўзбекистон» нашриётида «*Жаҳон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача)*» номли китобни нашр этган эдик. Бундай китоб ҳозиргача нафақат Ўзбекистонда, балки Мустикал Давлатлар Ҳамдўстлигида ҳам яратилмаганлиги билан эътиборга лойиқ. Бу китоб нашр этилгач, Ўзбекистондаги илмий жамоатчилик ва китобхонлар ўртасида унга нисбатан катта қизиқиш ва талаб мавжуд бўлганлиги фикримизни янада тасдиқлайди.

Жаҳон тарихидаги муҳим саналарни ажратиб олишда ва китоб структурасини тузишда бугунги кунда Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларида ўқитилаётган «Жаҳон тарихи» дарсликлари ва турли ўқув қўлланмалари ҳамда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»га киритилган тегишли мақолалар ҳамда Интернет материаллари асос қилиб олинган эди. Бирок Жаҳон тарихига оид Ўзбекистонда нашр этилган дарсликларда мавжуд бўлган хронологик саналарга оид кўплаб турли чалкашлик ҳамда кўпгина хатолар бу китобда бошқа адабиётларга солиштирилган ҳолатда тузатилди ва тартибга солинди.

Китобга тартиб беришда Интернет ва даврий матбуот материалларидан ҳам унумли фойдаланилди. Ахборот ва информация асри бўлган ХХI аср-

да бундай бўлиши табиий ҳолдир. Шимолий Америка, Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатларининг президентлари, бош вазирлари ёки бошқа давлат арбобларини изчил бир тизимда кўрсатиш учун бугунги кунда Интернет маълумотлари муҳим аҳамият касб этади. Бу маълумотларни ушбу китобда келтиришдан аввал муайян давлатнинг тарихига оид яратилган турли тарихий тадқиқотлар билан ўзаро таққосланди, Интернет материалларидаги баъзи камчилик ва хатолар тузатилди.

Китобнинг муҳим жиҳатларидан яна бири, унда турли давлатларни бошқарган кўплаб сулолалар фаолиятини ёритишга муҳим ўрин ажратилди. Шарқ халқлари ва Туркистон тарихида ўтган сулолалар билан бирга Европада ўрта асрлар ва янги тарихда ҳокимият тепасида турган турли сулолалар вакилларининг номлари ҳам китобга киритилди. Хусусан, қадимда Турон ёки Туркистон минтақасида, ўрта асрларда Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросон ҳудудида ўзбек халқи ва унинг аждодлари томонидан асос солинган туркий сулолалар ва мусулмон сулолалар фаолиятини ёритишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, тарих фанида ҳозиргача Шарқ давлатлари ҳамда сулолалари тарихи бундай изчил тизимга солинмаган ва ўрганилмаган эди.

Мазкур китоб материалларини синчиклаб кўздан кечирган китобхон унда жаҳон тарихида ўтган ҳамда айни пайтда мавжуд бўлган мингдан ортиқ турли сулола ва давлатлар, ўн мингдан ортиқ шаҳарлар, юз мингга яқин тарихий шахслар (сиёсий ва ҳарбий арбоблар: подшолар, қироллар, императорлар, хоқонлар, хонлар, амирлар, беклар, ҳокимлар, президентлар, бош вазирлар, губернаторлар, лашкарбошилар, кўмондонлар; фан, маданият ва санъат арбоблари: олимлар, шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар ҳамда дин арбоблари ва уламолар: папалар, патриархлар, епископлар, кардиналлар, халифалар, муфтилар, эшонлар, козилар ва ҳоказо каби) хақидаги маълумотлар мавжудлигига гувоҳ бўлади.

Американинг нотижорат ташкилоти «*Викимедиа фонди*» томонидан 2001 йил январда ташкил қилинган *Википедия [Wikipedia]* эркин умумий универсал интернет энциклопедиясининг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги материалларидан бу китобни ёзишда унумли фойдаланилди. Бироқ бу маълумотлар бошқа манбалар ва тарихий адабиётлар, хусусан, Ўзбекистонда ҳамда узоқ ва яқин қўшни давлатлар бўлган Козоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғиз Республикаси, Озарбайжон (Азербайжан), Россия Федерацияси, Украина, Беларусь Республикаси, Молдова Республикаси, Арманистон, Латвия, Афғонистон, Туркия, Эрон, АҚШ, Германия, Франция, Австрия, Хитой, Корея ва бошқа давлатларда чоп этилган шу мамлакатлар

тарихига оид турли китоблардаги тарихий маълумотлар, далиллар ва саналар билан таққосланди. Хуллас, Википедия энциклопедияси материалларидан бу китобда унумли, бироқ танқидий равишда фойдаланилди.

Китобнинг 1914 – 2015 йилларга оид энг янги тарих қисми, хусусан, 1989 йилдан бошланган даври бутунлай қайта ёзилди ҳамда жиддий назарий фикрлар ва умумлашмалар билан тўлдирилди. Мазкур фундаменталь тадқиқотда XX аср охири ва XXI аср бошларида жаҳонда, жумладан, Шарқий Европа ва Ўзбекистон Республикасида юз берган жиддий сиёсий ўзгаришлар, социалистик тузумнинг инқирози, Берлин деворининг кулаши ва икки немис давлатининг бирлашуви, СССРнинг парчаланиши, собиқ Иттифоқ ўрнида ташкил қилинган мустақил давлатларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни, миллий озодлик ҳаракатларининг авж олиши ва кучайиши, янги сиёсий ўзгаришларга этник ва диний омилнинг шиддат билан таъсир қилиши, АКШнинг дунёга яқка ҳоким бўлиш сиёсати ҳамда Россиянинг кўшни мамлакатлар ички ишига кўпол равишда аралашуви ва ҳарбий тажовузи, дунё сиёсий харитасининг бугунги кўриниши тўғрисида янги маълумотлар ва далиллар мавжуд.

Мазкур китобда яна Ер юзидаги бугунги кунда мавжуд бўлган мамлакатлар ёки мустақил ҳудудлардан 250 та давлат ҳақида кўшимча тарзда умумий маълумот бериб ўтилди. Ҳажман кичик, бироқ ўзида тўплаган информация жиҳатидан катта ахборот берадиган бундай материаллар китобхон учун жуда муҳимдир. Шунингдек, китобнинг мазкур нашрида фан, таълим ва маданият, спорт (хусусан, футбол) ҳақидаги муҳим воқеалар ва саналарни ёритишга алоҳида эътибор қаратилди.

«Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача)» номли мазкур асарнинг бу нашри учта китоб шаклида алоҳида чоп этиладиган бўлди. *«Тарих олами»* сериясида нашр қилинаётган бу асарнинг *биринчи китобида* энг қадимги даврлардан то 1795 йилгача бўлган воқеалар ўз аксини топган. *Иккинчи китобда* эса 1796 – 1960 йилларга оид тарихий воқеалар солномаси тасвирланган. *Учинчи китобнинг* хронологик доираси эса 1961 – 2015 йилларни ўз ичига олади.

Шунингдек, учинчи китоб охирида махсус келтирилган *илова* мавжуд бўлиб, ундан жаҳон мамлакатларининг бугунги ҳолати ва халқаро ташкилотлар фаолияти ёритилган 26 та жадвал ўрин олган. Бу жадваллар илк марта муаллифлар томонидан турли материалларни маълум тизимга солиш ва системалаштириш асосида тайёрланган бўлиб, бу ўзига хос нодир ва мўъжаз жадваллар ўқувчига нафақат тарихий, сиёсий ва жуғрофий

жихатдан маълумот беради, балки уларнинг дунёқараши ва тафаккури шаклланишига хизмат қилади ҳамда чуқур мушоҳада қилишга ҳам ундайди, деган умиддамиз.

Ҳурматли китобхон! Агар ушбу китобни янада такомиллаштириш борасида бирон фикр пайдо бўлса, ўз мулоҳазаларингизни «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамда муаллифлар номига юборишингизни сўраймиз. Китобни янада мукамаллаштиришга қаратилган бундай фикр-мулоҳазалар кейинги нашрларда, албатта, эътиборга олинади.

Қаҳрамон РАЖАБОВ,
*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон ФА Тарих институти бўлим мудири*





ИБТИДОИЙ ЖАМОА ТУЗУМИ

6 миллион йил аввал – Ер юзида австралопитек афаренсислар (австралопитек африка одамлари) яшаган. Уларнинг қолдиқлари Африка қитъасидан (Сомалининг шимолида) топилган.

5 миллион йил аввал – Шарқий ва Жанубий Африкада австралопитеклар яшаган.

3 миллион йил аввал – Шарқий ва Жанубий Африкада австралопитек Африка одамлари яшаган. И.Коппанснинг фикрича, улар «ишбилармон одамлар»нинг аجدодлари бўлган.

3 миллион йил аввал – инсоният тарихида палеолит даври (қадимги тош даври) бошланди.

2,7 миллион йил аввал – илк палеолит (Олдувай маданияти) даври.

2,2 миллион йил аввал – Ер юзида «ишбилармон одамлар» (*Homo habilis*) яшаган. Улар Шарқий Африка (Кения, Танзаниянинг Олдувай дараси, Эфиопиянинг Омо дарёси воҳаси) ва Жанубий Африкада топилган. Археологлар томонидан дастлаб топилган бу одам қолдиқлари Танзаниянинг Зинж номли қишлоғида жойлашгани учун уни шу жойнинг номи билан зинжантроп одами деб ҳам атаганлар. Уларнинг суяк қолдиқлари ёнидан тош қуроллар ва ҳар хил ҳайвон суяклари ҳам топилган.

2 миллион йил аввал – Жанубий Африкада австралопитек робустуслар пайдо бўлган (Улар 1,5 млн. йил муқаддам йўқолиб кетган).

2 миллион йил аввал – Европада палеолит даври бошланди (Африка ва Осиёдан 1 млн. йил кейин).

1,9 миллион йил аввал Африкада «тўғри юрувчи одам» (*Homo erectus*) пайдо бўлган. Олимларнинг фикрича, улар бутун Ер юзига, хусусан, Осиё ва Европага тарқалганлар. Осиёда бу одамларнинг қолдиқлари илк бор Хитой ва Ява оролидан топилган (синантроп – «пекин одами» ва питекантроп – «ява одами»). Шунингдек, инсоният аجدодларининг қадимги излари Марказий ва Жанубий Европадан ҳам топилган. Улар одам тараққиётининг иккинчи босқичи вакиллари ҳисобланади.

1,7 миллион йил аввал – «ишбилармон одамлар» томонидан ясалган илк меҳнат қуроллари Эфиопиядан топилган.

1,4 миллион йил аввал – инсон томонидан оловдан фойдаланишнинг энг қадимги излари Кения ва Эфиопиядан топилган.

1,4 миллион йил аввал – Европада илк палеолит даври. Ашель маданияти бошланди.

1,2 – 1 млн. йил аввал – ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида илк палеолит даври (қадимги тош даври). Селунғур ғори (Фарғона водийси)дан тош қуроллар ва ибтидоий одам қолдиқлари топилган.

1 миллион йил аввал – Африка (Жанубий Африка ва Мағриб) ҳамда Якин Шарқда кремнидан меҳнат қуроллари тайёрланган.

Милоддан аввалги 900 минг йиллик – қадимги одамларнинг Европадаги дастлабки маконлари Франциянинг Юқори Лаура департаментида топилган.

Милоддан аввалги 700 минг йиллик – Ашель маданиятининг Европада тарқалган даври.

Милоддан аввалги 700 – 600 минг йилликлар – милоддан аввалги **40 минг йиллик** – Қўлбулоқ макони (Ўзбекистоннинг Тошкент вилояти) даги қадимий тош даври ёдгорлиги.

Милоддан аввалги 500 минг йиллик – «тўғри юрувчи одам»дан ақли одамзот (*Homo sapiens*)нинг куйидаги икки бўғини ажралиб чиққан: Европада пренеандерталлар ва Ўрта Шарқда протокроманьонлар. Ҳозирги Хитой ҳудудида Пекин *Homo erectus*лари яшаган, улар оловни ва унда овқат пиширишни билганлар.

Милоддан аввалги 200 минг йиллик – ўрта палеолит даври.

Милоддан аввалги 100 – 40 минг йилликлар – ўрта палеолитнинг Мустье даври. Ўзбекистонда неандерталь одами тўдалари яшаган давр: Тешиктош ғори (Сурхондарё вилояти), Омонқўтон ғори (Самарқанд вилояти), Обираҳмат ғори (Тошкент вилояти), Қалъача ва Сўх маконлари (Фарғона водийси), Учтут макони (Навоий вилояти), Бўзсув макони (Тошкент). Одам оловдан фойдаланишни ўрганган. Тешиктош горидан 9 ёшли неандерталь боланинг суяклари топилган.

Милоддан аввалги 80 минг йиллик – Европа ҳудудида неандерталлар (*Homo sapiens neandertalensis*) тарқалган. Улар биринчи бўлиб ўлган одамларни дафн этишган (Тахминан милоддан 30 минг йил аввал неандерталлар бутунлай қирилиб кетган).

Милоддан аввалги 80 минг йиллик – Европада Мустье маданияти. Турли меҳнат қуроллари ясалган.

Милоддан аввалги 70 минг йиллик – Обираҳмат ғори (Тошкент вилояти)дан 8 – 9 ёшли болага тегишли суяклар чиққан. Фанда ҳозирги замон одами инқилобий йўл билан пайдо бўлмай, балки эволюцион (тадрижий) йўл билан неандерталь одамидан *homo sapiens* одамига аста-секин айлан-

ган деган илмий хулосага келинди. Ўзбекистон ҳозирги одам пайдо бўлган ҳудудга кириши илмий жиҳатдан исботланди.

Милоддан аввалги 65 минг йиллик – Америка қитъасига дастлабки одамлар келиб ўрнашган. Олимларнинг фикрича, улар Осиёдан Беринг бўғози орқали бу янги қитъага ўтишган. Американинг туб аҳолиси – ҳиндулар билан Евроосиё даштларида яшаган туркий халқларнинг аجدодлари битта протохалқдан келиб чиққан.

Милоддан аввалги 40 минг йиллик – замонавий қиёфадаги одамлар яшаганлар, улар фан тилида кроманьонлар деб номланадилар. Уларнинг дастлабки қазилма суяклари ва маконлари Франция жанубидаги Кро-Маньон ғоридан топилган. Улар Европа, Осиё, Америка ва Австралияга тарқалишган. Улар дастлаб неандерталлар, сўнгра кроманьон одамлар дейилган. Улар ташки қиёфалари, жисмоний тузилиши, бош миясининг ривожланганлиги билан ҳозирги одамларга ўхшаш бўлишган. Уларнинг онги, тили ривожланган бўлиб, бир-бирлари билан сўзлашишни билганлар. Улар «ақл-идрокли кишилар» деб ҳам аталганлар. «Ақл-идрокли одамлар» пайдо бўлиши билан ибтидоий санъат юзага келди.

Милоддан аввалги 40 – 35 минг йилликлар – Ер юзига тарқалган одамзод учта катта ирққа: қора, сариқ ва оқ ирқларга бўлинган. Ирқ сўзи асли арабча бўлиб, томир, илдиз, асос деган маъноларни билдиради (Ирқ тушунчасини биринчи бўлиб, одамзодга нисбатан 1675 йилда француз олими Ф. Берне қўллаган. Сарик, оқ ва қора ирқ тушунчасини фанга 1800 йилда француз табиатшунос олими Жорж Кюве киритган).

Милоддан аввалги 40 – 35 минг йилликлар – энг қадимги одамларнинг тўда даври ўрнида уруғ жамоалари шаклланган (Тўда даври бир неча миллион йил давом этган).

Милоддан аввалги 40 – 12 минг йилликлар – сўнгги палеолит даври. Ҳозирги кўринишдаги одамнинг шаклланиши (кроманьон). Обираҳмат ғори (қадимги одам суяклари), Самарқанд макони, Учтут устахонаси (Навой вилояти), Оҳангарон устахонаси, Оқтош ғори (Тошкент вилояти). Диний тасаввурлар вужудга келган.

Милоддан аввалги 40 – 4 минг йилликлар – она уруғи (матриархат) жамоаси даври.

Милоддан аввалги 18 – 10 минг йилликлар – Мадлен маданияти тарқалган давр.

Милоддан аввалги 12 минг йиллик – Қўшилиш манзилгоҳи (Тошкент). Ёдгорлик Тошкент ҳудудида сўнгги палеолит давридан бошлаб узлуксиз одам яшаганлигидан далолат беради. Ёдгорликдан қўлга ўргатилган тур ҳайвонининг суяги топилган. Бу эса мезолит даври бошида Ўзбекистон ҳудудида одамлар чорвачилиқдан хабардор бўлганидан далолат беради.

Милоддан аввалги 12 – 11 минг йилликлар – Ўзбекистон худудидаги энг қадимги қоятош расмлари (Зараутсой) яратилди. Бу рангли суратлар Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбида, Кўхитанг тоғининг шарқий ён бағридаги Зараутсой дарасидаги ўнгири ва камар тошларига ишланган ибтидоий санъатнинг нодир намуналаридир (Зараутсой расмлари Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида жойлашган. Бу ердаги 200 дан ортиқ рангли расмлар мезолит, неолит ва кейинги даврларга (милодий X – XII асрларга) мансуб).

Милоддан аввалги 12 – 9 минг йилликлар – мезолит даври (ўрта тош даври). Бу даврда ўк-ёй ясалди, якка овчилик, кўчманчи ҳаёт юзага келди, ёввойи ҳайвонлар қўлга ўргатила бошланди, бошоқли ўсимликларни ўстириш ўрганилди, қоятош суратлари пайдо бўлди.

Милоддан аввалги 12 – 7 минг йилликлар – Ўзбекистон худудида мезолит (ўрта тош) даври. Ўк-ёй (камон) кашф этилган. Мачай ғори (Сурхондарё), Обишир ғори (Фарғона водийси) ҳамда Зараутсой (Зарауткамар) қоятош расмлари.

Милоддан аввалги 9 минг йиллик – Яқин Шарқдаги серҳосил ерлар – Дажла ва Фрот дарёлари ўртасида (бу худуд кейинчалик Икки дарё оралиғи ёки Месопотамия номи билан машҳур бўлган) неолит даврининг бошларида дехқончилик вужудга келди. Иерихон (Фаластин) ва Мурейбит (Сурия) каби қишлоқ хўжалик манзилгоҳларидаги аҳоли ўтроқ турмуш тарзига ўтди. Мурейбитда дастлабки уйлар қурилди. Неолит даври бошланди.

Милоддан аввалги 9 – 4 минг йилликлар – неолит даври (янги тош даври). Бу давр она уруги ривожланган давр бўлди; тош болта ва теша, сопол идишлар ясалди, дехқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик вужудга келди, ўтроқлашиш бошланди ва ишлаб чиқариш хўжалиги шаклланди.

Милоддан аввалги 8 минг йиллик – Яқин Шарқда ҳайвонлар (эчки, қўй)ни хонакилаштириш жараёни давом эттирилди ва чорвачилик ривожланди. Ганждара (Эрон) ва Мурейбит (Сурия)да биринчи кулолчилик устаноналари вужудга келди.

Милоддан аввалги 8 минг йиллик – Анатолия (Кичик Осиёнинг қадимги номи)да неолит даври бошланди, дастлабки манзилгоҳлар (Ҳожилар, Азикли) пайдо бўлди.

Милоддан аввалги 8 – 7 минг йилликлар – Ўрта Ер денгизининг шарқий соҳилидаги ўлкаларда илк ўтроқ дехқончилик маданияти, чорвачилик ва савдо-сотик қарор тонди.

Милоддан аввалги 8 – 6 минг йилликлар – Эроннинг ибтидоий қабилалари дехқончилик ва чорвачиликка ўта бошлаганлар.

Милоддан аввалги 7 минг йиллик – Анатолияда дастлабки йирик манзилгоҳ – Чатал-Гуюк пайдо бўлди.

Милоддан аввалги 7 минг йиллик охири – Ўзбекистоннинг Бухоро вилояти шимолидаги Оёқоғитма кўли ва Оёқоғитма қишлоғи яқинида (Шофиркон ва Гиждувон туманлари ҳудудида)ги неолит даврига оид энг қадимги ўтроқ деҳқончилик маданияти манзилгоҳи бўлган. У Калтаминор маданиятига мансуб Оёқоғитма манзилгоҳи сифатида машҳур. Бу ердан тур ва бошқа ҳайвонларнинг суяклари, деҳқончилик қуроллари топилган. Аҳоли асосан деҳқончилик, чорвачилик ва овчилик билан шуғулланган.

Милоддан аввалги 7 минг йилликнинг охири – ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги Қоратоғ (Навоий вилояти Навбахор тумани)нинг жанубий ён бағридаги Сармишсой дараси қоятошларига ўйиб ишланган расмлар (Сармишсой расмлари) яратилди. Бу ерда 4000 га яқин турли расмлар бронза, темир ва тош билан уриб ва чўкичлаб, схематик, контур, соя ва нақшлар услубида ишланган. Суратлар мезолит, неолит ва кейинги даврларга (милодий I – VII асрлар) мансуб.

Милоддан аввалги 7 – 6 минг йилликлар – Ўрта Осиёнинг неолит даврига оид энг қадимги ўтроқ деҳқончилик маданияти марказларидан бири Жойтун маданияти бўлган. Қадимги деҳқонлар ва чорвадорларнинг дастлабки ўтроқ маконлари бўлган Жойтун маданияти Ашхободдан 80 км шимолда жойлашган қадимги ўтроқ деҳқонлар қишлоғи харобаси номидан олинган. Уч маданий қатламдан иборат Жойтун манзилгоҳи тўла ўрганилган (1952 йилдан). Аҳоли асосан деҳқончилик, чорвачилик ва овчилик билан шуғулланган. У – ибтидоий деҳқончилик маданиятининг жаҳондаги ноёб обидаларидан бири.

Милоддан аввалги 7 – 3 минг йилликлар – Ўзбекистонда неолит даврига оид дастлабки археологик маданият (Калтаминор маданияти). Хоразмдаги Калтаминор кўли ёнидан топилган. Бу маданият Амударёнинг қадимги Оқчадарё дельтаси, Қизилкум, Қуйи Зарафшон, Бухоро воҳасининг шимоли, Юқори Ўзбой, Моҳондарё, Оролнинг шимоли-шарқий атрофи, Қозоғистон ва Шарқий Каспий, яъни Балхан ва Манғишлоқ ҳудудларигача тарқалган. Калтаминор маданияти уч даврга бўлинади (Оёқоғитма ва Каракота манзилгоҳлари 1-даврга мансуб).

Милоддан аввалги 6500 йил – Жанубий Месопотамияда дастлабки манзилгоҳ (бўлғуси Урук шаҳри ўрнида) пайдо бўлди.

Милоддан аввалги 6 минг йиллик – Ҳинд дарёси воҳасида лой (гил) дан идишлар ясалди. Бу пайтда Хитойда неолит даври бошланди.

Милоддан аввалги 6 минг йиллик – Эроннинг жануби-ғарбий ҳудудларида хўжалик ривожланиб, хусусий мулк, мулккий тенгсизлик ва табақаланиш жараёни содир бўлди.

Милоддан аввалги 6 – 5 минг йилликлар – Ўрта Ер денгизидаги Крит оролига Кичик Осиёдан одамлар сузиб келишди.

Милоддан аввалги 6 – 5 минг йилликлар – Мисрда аҳоли қўпайиб, дастлабки қишлоқлар пайдо бўлди. Хўжаликнинг ривожланиши натижасида Мисрда илк давлатларнинг ташкил топиши учун зарурий шароит вужудга келди.

Милоддан аввалги 6 – 4 минг йилликлар – Оссурияда дехқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожланди.

Милоддан аввалги 6 – 3 минг йилликлар – Ўрта Осиёда неолит (янги тош) даври. Илк ўтроқ қишлоқ харобалари Копетдоғ (Туркменистон) этакларида топилган. Дехқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши, сопол буюмлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш хўжалигига ўтиш. Калтаминор маданияти (Хоразм вилояти), Оёқоғитма, Тузкон маданияти, Каптарнинг куми (Бухоро вилояти), Узункўл, Тайпоққўл маконлари (Фарғона водийси), Жонбосқалъа (Қорақалпоғистон).

Милоддан аввалги 5500 йил – мис асри (ҳалколит) бошланди. Мис ва темир асрлари прототарихий давр (тарихгача бўлган давр) дейилган. Бу пайтда неолит маданияти тарқалди ва ривожланди.

Милоддан аввалги 5 минг йиллик – неолит даври бутун Ўрта Ер денгизи ҳавзасига тарқалди.

Милоддан аввалги 5 – 4 минг йилликлар – Ўрта Ер денгизининг шарқий соҳилида хўжалик янада ривожланиб, катта-кичик қишлоқлар пайдо бўлди. Дехқонлар экин майдонларини кенгайтириб, буғдой ва арпадан ташқари тарих ҳамда зиғир ҳам экканлар.

Милоддан аввалги 4 минг йиллик – Эрон (Сиалк-Тева) ва Месопотамияда мисдан меҳнат қуроллари (болта, кетмонча, пичоқлар) ясалди.

Милоддан аввалги 4 минг йиллик – мис асридан бронзага ўтиш даври: Месопотамияда (милоддан 3750 йил аввал), Эронда (милоддан 3200 йил аввал), Ҳинд дарёси воҳасида (милоддан 3000 йил аввал).

Милоддан аввалги 4 – 1 минг йилликлар – ота уруғи (патриархат) жамоаси даври.

Милоддан аввалги 4 минг йиллик ва 3 минг йилликнинг биринчи ярми – энеолит даври (тош-мис даври). Мисдан қуроллар ясалган. Матриархатдан патриархатга ўтилди.

Милоддан аввалги 3 минг йиллик ўрталари – милодий 1 минг йиллик бошлари – жез (бронза) даври. У инсониятнинг энг қадимги даврининг сўнгги босқичларидан бири ҳисобланади. (Жез қуроллардан фойдаланиш Жануби-Ғарбий Эрон, Месопотамияда милоддан аввалги III минг йиллик ўрталарида бошланган. Сурия, Кичик Осиё, Кипр ва Критда эса милоддан аввалги III минг йиллик охири – II минг йилликдан бошланган. Худди шу даврдан бошлаб Ўрта Осиё қабилалари ҳам жездан фойдалана бошлаганлар. Миср, Европа ва Ҳиндистон каби мамлакатларда бу маъдандан фойдаланиш милоддан аввалги II минг йилликка, Америкада милодий I минг йилликка тўғри келади).



ҚАДИМГИ ШАРҚ

Милоддан аввалги IV минг йиллик – милоднинг V асри – қадимги давр тарихи. Бу даврда Қадимги Шарқ инсоният маданиятининг бешиги бўлган.

Қадимги Миср

Милоддан аввалги IV минг йиллик – Мисрда дастлабки шифоҳоналар бўлган.

Милоддан аввалги IV минг йиллик бошлари – Мисрда 42 та шаҳар-давлатлар бўлган.

Милоддан аввалги 3600 йил – Мемфис шаҳрида афсонавий табиб Имхотеп шарафига махсус ибодатхона қурилди.

Милоддан аввалги 3200 йил – Нармер (уни Менес ҳам дейишган) Юқори ва Қуйи Миср подшоликларини бирлаштириб, фиръавнлар давлатига асос солган. Тин сулоласи даври бошланди.

Милоддан аввалги 3200 – 2778 йиллар – тин сулоласининг ҳукмронлик даври. Мисрда илк подшолик даври. Бирлашган давлатнинг янги пойтахти Мемфис шаҳри бўлди.

Милоддан аввалги 3200 йил – Мисрда иероглиф ёзуви пайдо бўлди, у папирус қоғозига ёзилган.

Милоддан аввалги 2778 йил – Мисрда III сулоланинг биринчи фиръавни Жосер марказий ҳокимиятни мустаҳкамлади (Қадимги подшолик даври бошланди). Жосернинг энг олий амалдори Имхотеп бўлган.

Милоддан аввалги 2778 – 2269 йиллар – Мисрда Қадимги подшолик даври давом этиб, унда 3 – 6-сулола фиръавнлари ҳукмронлик қилганлар.

Милоддан аввалги 2600 йил – Мемфис шаҳри яқинида тўртинчи сулола фиръавни Хуфу энг катта эҳром қурдирди. Мақбара ўзининг улканлиги ва ҳашамати билан кишиларни лол қолдирди. Ўз даврида унинг баландлиги 150 метрдан зиёд бўлган, ҳозирги ҳолати 146 метр.

Милоддан аввалги XXIV – XXIII асрлар – Мисрда подшолик кучсизланиб, Қадимги Миср давлати парчалана бошлади. Қадимги Миср майда давлатчаларга бўлиниб кетди.

Милоддан аввалги XXI аср охирлари – Мисрни кайтадан бирлаштириш учун кураш бошланди.

Милоддан аввалги 2160 – 1785 йиллар – Мисрда Ўрта подшолик даври. Фива XI сулоласининг ҳукмронлик даври.

Милоддан аввалги XIX аср – Арабистон шимоли-шарқида гиксосларнинг ҳарбий иттифоқи ташкил топди.

Милоддан аввалги XIX асрнинг иккинчи ярми – Ўрта подшолик таназулга юз тутди.

Милоддан аввалги 1785 – 1580 йиллар – Мисрда иккинчи ўтиш даври.

Милоддан аввалги 1750 йил – Мисрда оғир жабр-зулмга қарши меҳнаткаш халқ кўзғолон кўтарди.

Милоддан аввалги 1710 – 1580 йиллар – Миср гиксослар ҳукмронлиги остида. Мамлакатда ҳокимиятни гиксос қабилалари иттифоқи эгаллади. Гиксос сўзи мисрча бўлиб, «чўпонларнинг ҳокимлари» ва «чўл мамлакатининг ҳукмронлари» деган маънони билдирган. Бу даврда Мисрда 15 – 16-сулолага мансуб фиръавнлар гиксослардан эди.

Милоддан аввалги 1580 йил – фиръавн Яхмос I гиксосларни Мисрдан қувиб чиқарди. Пойтахт Фивага кўчирилди. Янги подшолик даври бошланди.

Милоддан аввалги 1580 – 1085 йиллар – Мисрда Янги подшолик даври. Унда 18 – 20-сулоладан чиққан фиръавнлар подшолик қилган. Янги подшолик даврида Миср давлати ва маданияти ўзининг юқори чўққисига чикди.

Милоддан аввалги XVI аср ўрталари – Мисрда аҳвол оғирлашган. Сурия, Фаластин ва Нубия мамлакатлари Мисрга итоат этмай қўйган. Ана шундай оғир шароитда номархларнинг зодагон уруғидан бўлган Хоремхеб тўнтариш қилиб, Миср тахтига ўтирди.

Милоддан аввалги XV аср бошлари – Миср фиръавни Тутмос III кўшинлари гиксосларни енгиб, Фаластин, Финикия ва Сурияда ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

Милоддан аввалги 1380 йил – Луксорда фиръавн Аменхотеп III томонидан Амон ибодатхонаси барпо қилинди.

Милоддан аввалги 1372 – 1354 йиллар – Миср фиръавни Аменхотеп IV (Эхнатон)нинг ҳукмронлик даври. Мамлакатда ягона маъбуд Атонга сиғиниш жорий қилинди, Атон куёшни ифодалаган. Давлат пойтахти Ахетатон (Тель-эль-Амарна) шахри бўлган.

Милоддан аввалги 1350 йил – Мисрда Атон эътиқоди тақиқланди, эски Амон-Ра эътиқоди тикланиб, унинг руҳонийларига катта имтиёзлар берилди.

Милоддан аввалги 1338 йил – фиръавн Хоремхеб вафот этди. Унинг ворислари Рамзес I, Сети I даврида Миср ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий жиҳатдан кучайди.

Милоддан аввалги 1337 – 1317 йиллар – фиръавн Сети I нинг Мисрда хукмронлик даври.

Милоддан аввалги 1301 – 1235 йиллар – фиръавн Рамзес II нинг Мисрда хукмронлик даври. Рамзес II даврида Миср таракқий этди. Давлат пойтахти Пер-Рамзес шаҳри Нил ҳавзасида, мамлакат шимолида эди.

Милоддан аввалги 1296 йил – Рамзес II Кичик Осиёдаги хеттлар билан бўлиб ўтган жангда мағлубиятга учради.

Милоддан аввалги 1296 – 1280 йиллар – Миср ва Хетт давлатлари ўртасида беаёв жанглар бўлиб ўтди.

Милоддан аввалги 1283 йил – Рамзес II билан Хетт подшоси Хаттусили III ўртасида тинчлик ва дўстлик битими тузилди. Битим ўзаро никоҳ ришталари билан мустаҳкамланди.

Милоддан аввалги 1250 йил – Библия ривоятларига кўра, яхудийлар Мусо бошчилигида Мисрни тарк этишди.

Милоддан аввалги 1235 йил – Рамзес II вафот этди. Тахтга унинг ўғли Мернептаҳ ўтирди. Фиръавн Мернептаҳ даврида Мисрнинг куч-қудрати сусайди.

Милоддан аввалги XIII аср охири – ғарбдан Кичик Осиё, Ўрта Ер денгизининг шарқий соҳилидаги мамлакатлар ва «денгиз халқлари» Мисрга хужум бошладилар.

Милоддан аввалги 1198 – 1166 йиллар – Сетнахтнинг ўғли Рамзес III хукмронлик қилган йиллар.

Милоддан аввалги 1166 йил – Мисрда фитначилар Рамзес III га суикасд қилиб, уни ўлдирганлар.

Милоддан аввалги 1085 йил – Рамзес XI вафотидан сўнг, ягона Миср давлати иккига бўлиниб кетди. 21-сулола фиръавнлари мамлакатни Қуйи Миср (пойтахти – Танис) ва Юқори Миср (пойтахти – Фива)га бўлиб юбордилар. Миср чет элликлар таъсирига тушиб қолди.

Милоддан аввалги 1085 – 332 йиллар – Мисрда Сўнгги подшолик даври. Бу давр Ливия-Саис ва Эрон даври ҳам дейилади.

Милоддан аввалги 950 – 730 йиллар – Ливия сулоласи Мисрда хукмронлик қилган. Бубастис шаҳри давлат пойтахти қилиб танланди.

Милоддан аввалги 930 йил – Миср фиръавни Шешонк I кўшинлари Фаластинга бостириб кириб, шаҳар ва кишлоқларни вайрон қилди.

Милоддан аввалги VIII аср – Мисрда хукмронлик қилган 24-сулола вакилларида Бокхорис даврида (мил. авв. 721 – 715 й.) мамлакатни инкироздан чиқариш учун айрим ислохотлар ўтказилди.

Милоддан аввалги VIII – VII асрлар – Юқори Миср жанубида Эфиопия (Куш) давлати равнақ топди. Эфиопия подшоси Пианхи ва унинг вориси Шабак даврида (мил. авв. 740 – 720 й.) Миср давлати Эфиопия кўшинлари томонидан босиб олинди.

Милоддан аввалги 715 йил – Миср кўшинлари Эфиопия кўшинлари томонидан тор-мор қилиниб, фиръавн Бокхорис асир олинди.

Милоддан аввалги 715 – 664 йиллар – эфиопия сулоласи Мисрни бошқарди.

Милоддан аввалги 569 йил – Миср тахтини саркардалардан бўлган Яхмос II эгаллади ва мил. авв. 569 – 525 йилларда подшолик қилди.

Милоддан аввалги 525 йил – Эрон кўшинлари Пелусия ёнида бўлган жангда Миср кўшинларини тор-мор этди.

Милоддан аввалги 404 йил – Мисрда маҳаллий сулолалар ҳокимияти тикланди. Саис хукмдори Амиртей форсларни қувиб юбориб, 23-сулолага асос солди. Миср ўз мустақиллигини мил. авв. 343 йилгача сақлаб турди.

Милоддан аввалги 341 йил – 30-сулоланинг сўнгги фиръавни Нектанеб II Эрон шоҳи Артаксеркс III томонидан ҳокимиятдан маҳрум қилинди. Мисрда Эрон хукмдорлигининг 2-босқичи Александр Македоний (Македониялик Александр, Искандар) босқинигача давом этди.

Милоддан аввалги 332 йил – Миср Александр Македоний (Македониялик Александр, Искандар) давлати таркибига кириб, Александр вафотидан кейин бу ерда унинг саркардаси ва маҳрами Птолемей Лаг томонидан асос солинган птолемейлар сулоласи қарор топди.

Милоддан аввалги 323 – 30 йиллар – Қадимги Мисрда птолемейлар (логийлар) сулоласи хукмронлик қилган давр. Сулоланинг сўнгги вакили Миср маликаси Клеопатра VII бўлган.

Птолемейлар сулоласи: Сотер [Птолемей I] (мил. авв. 323 – 283), Филадельф [Птолемей II] (мил. авв. 285 – 246), Евергет [Птолемей III] (мил. авв. 246 – 222), Филопатор [Птолемей IV] (мил. авв. 221 – 204), Епифан [Птолемей V] (мил. авв. 204 – 180), Филометор [Птолемей VI] (мил. авв. 180–145), Неос Филопатор [Птолемей VII] (мил. авв. 145), Евергет II [Птолемей VIII] (мил. авв. 144 – 116), Сотер II [Птолемей IX] (мил. авв. 116 – 108; 88 – 80), Александр I [Птолемей X] (мил. авв. 108 – 88), Александр II [Птолемей XI] (мил. авв. 80), Неос Дионис [Птолемей XII] (мил. авв. 80 – 51), Дионис– [Птолемей XIII] (мил. авв. 51 – 47), Филопатор [Птолемей XIV] (мил. авв. 47–44), Клеопатра VII (мил.авв. 44 – 30).

Милоддан аввалги 48 йил – Искандария кутубхонасида катта ёнғин бўлди.

Милодий 395 йил – Миср Византия таъсирига тушиб қолди.

Қадимги Миср тарихида фиръавнларнинг 30 сулоласи хукмронлик қилган:

Қадимги Миср хукмдорлари.

Илк подшолик. 1-сулола: Менее, Жер, Ден, Семерхет, Ка. 2-сулола: Хотеп-Сехемун, Небра, Перибсен, Хасехем, Хасехемуи.

Қадимги подшолик. 3-сулола: Жосер, Сехемхет, Неферка. 4-сулола (мил. авв. 28 – 26 аср ўрталари): Снофру, Хеопс (Хуфу), Хафра (Хефрен), Микерин (Менкаура), Шебеескаф. 5-сулола (мил. авв. 26 – 25 асрлар): Усеркаф, Нефериркара, Неусерра, Исеси, Уна. 6-сулола (мил. авв. 25 – 23 аср ўрталари): Тети I, Пиопи I, Меренра I, Пиопи II, Меренра II. 7, 8, 9-сулолалар (мил. авв. 23 – 22 аср ўрталари). 10-сулола (мил. авв. 22 – 21 аср ўрталари). 11-сулола: Антеф I Сехертауи, Менхухотеп III Небхепетра.

Ўрта подшолик. 11-сулола: Ментухотеп IV Санхкара (мил. авв. 2015 – 2007), Ментухотеп V Небтауира (2007 – 2000). 12-сулола (2000 – 1787): Аменемхет I (2000 – 1970), Сенусерт I (1970 – 1934), Аменемхет II (1934 – 1896), Сенусерт III (1884 – 1849), Аменемхет III (1849 – 1801). 13-сулола (1785 – 1700). 14-сулола (1680 йилгача). 15 ва 16- (гиксослар) сулола (1700 – ?). 17-сулола (1680 – 1580): Сенененра, Камос.

Янги подшолик. 18-сулола: (1580 – 14 аср ўрталари): Яхмос I (1580 – 1559), Аменхотеп I (1559 – 1538), Тутмос I (1538 – 1525), Тутмос II ва Хатшепсут (1523 – 1503), Тутмос III (1503 – 1491), Аменхотеп III (1455 – 1419), Аменхотеп IV (Эхнатон, 1419 – 1400), Тутанхамон (1400 – 1392), Хоремхеб (14 аср ўрталари). 19-сулола (1342 – 1206): Сети I (1337 – 1317), Рамзес II (1290 – 1224). 20-сулола (1204 – 1085): Рамзес IV (1204 – 1180), Рамзес XII (1112 – 1070).

Сўнги подшолик. 21-сулола (1085 – 950): Херихор (Фива), Смендес (Танис) (1035 – 1054). 22-(ливиялик) сулола (950 – 730): Шешонк I (950 – 929), Осоркон I (929 – 893), Такелот I (893 – 870), Осоркон II (870 – 847), Шешонк III (823 – 772). 23-сулола (817 – 730): Педубаст (817 – 763), Шешонк IV (763 – 757). 24-сулола (730 – 715): Бокхорис (720 – 715). 25-(нубийлар) сулола (751 – 656): Пианхи (751 – 716), Шабака (716 – 701), Шабатака (701 – 689), Тахарка (689 – 663), Танутамон (663 – 656). 26-(саис) сулола (663 – 525): Псамметих I (663 – 610), Нехо II (610 – 594), Псамметих II (594 – 588), Априй (588 – 569), Яхмос II (569 – 525). 27-(форслар) сулола (525 – 404); 28-сулола (404 – 398); 29-сулола (398 – 378); 30-сулола (378 – 341).

Қадимги Месопотамия

Милоддан аввалги IV минг йиллик бошлари – Месопотамияда янги ерлар ўзлаштирилиб, катта-кичик арна (канал), ариқ, сув омборлари ва иншоотлар қурилди.

Милоддан аввалги IV минг йиллик ўрталари – Месопотамияда катта-кичик қишлоқлар ўрнида Урук, Ур, Эреду, Ларса, Лагаш, Исин ва Киш каби дастлабки шаҳар-давлатлар вужудга келди. Улар Ер юзидаги илк давлатлар эди.

Милоддан аввалги IV минг йиллик ўрталари – дастлабки ёзув Шумерда кашф этилди. Шумер (Сумер) Жанубий Месопотамия (hozирги Ирокнинг жанубий қисми)даги тарихий вилоят. Бу ерда шумерлар ва қисман шарқий самийлар – аккадлар яшаган. Кейинчалик Шумер Қадимги Бобил давлати таркибига қўшиб олинган.

Милоддан аввалги IV – II минг йилликлар – Урук, Эл-Убайд, Аккад, Ур, Эшунна, Мари ва бошқа жойларда ибодатхоналар қурилди.

Милоддан аввалги 3500 йил – Жанубий Месопотамияга Шарқдан шумерлар келиб ўрнашди. *Шумер* сўзи туркча бўлиб, *сув+ер* ёки *сув+эр* маъноларини билдиради. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, *шумерларнинг аждодлари прототурклар (кўхна турклар) бўлган.*

Милоддан аввалги 3300 йил – Ўрта Шарқ халқлари (асосан шумерлар)да дастлабки ёзув пайдо бўлган.

Милоддан аввалги III минг йиллик – Шумерда арифметика (ўнлик ва олтмишлик саноқ тартиби) пайдо бўлди. Шумер тилида астрономиядан илмий асарлар яратилди.

Милоддан аввалги III минг йиллик – фаластинликлар жезни, кейинчалик темирни кашф этишди.

Милоддан аввалги III минг йилликнинг иккинчи ярми – Оссурияда дастлабки давлат ташкил топди.

Милоддан аввалги III – II минг йилликлар – Фаластинда деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик ва чорвачилик ривож топди.

Милоддан аввалги 2900 – 2300 йиллар – Яқин Шарқда ҳукмронлик учун Шумер жанубидаги шаҳар-давлатлар (Урук, Ур, Нишпур, Лагаш) Шимолий Месопотамиядаги семит шаҳарлари (Киш, Мари, Эбла) билан ўзаро кураш олиб борди.

Милоддан аввалги 2800 – 2700 йиллар – Месопотамияда Киш шаҳар-давлати кучайди.

Милоддан аввалги 2700 – 2600 йиллар – Урук шаҳар-давлати кучайди.

Милоддан аввалги 2700 – 2300 йиллар – Киш подшолари Жанубий Месопотамияда ҳукмронлик қилдилар.

Милоддан аввалги 2700 – 2300 йиллар – Шумер давлатида илк сулолалар ҳукмронлиги даври.

Милоддан аввалги 2450 йил – Фрот дарёси ўрта оқимида жойлашган Мари шаҳри Икки дарё оралиғидаги кучли давлат пойтахтига айланди.

Милоддан аввалги 2400 йил – Месопотамияда Ур шаҳар-давлати кучайиб, Ур I сулоласи вакиллари Шумерда ҳукмронлик қилди.

Милоддан аввалги XXIV аср ўрталари – шумерлар билан аккадлар ўртасида шиддатли урушлар бўлиб ўтди.

Милоддан аввалги XXIV аср охири – Месопотамияда Лагаш шаҳар-давлати кучсизланиб, мамлакатда норозилик кучайди. Лагашда давлат

тўнтариши бўлиб, ҳокимият тепасига Уринимгин келди. У Лагашда миллоддан аввалги 2318 – 2312 йилларда ҳукмронлик қилди; Месопотамияда Умма шаҳар-давлати кучайиб, Шумер устидан ҳукмронлик қилди.

Миллоддан аввалги XXIV – XXII асрлар охири – Аккад давлати Месопотамия ва Эламда фаолият юритди. Аккад давлатининг маркази Аккад шаҳри бўлган. Аккад (Агаде) шаҳри ҳозирги Бағдоднинг жануби-ғарбидаги Абу-Хабба ўрнида жойлашган. Аккад номи кейинчалик Жанубий Месопотамиянинг бутун шимолий ҳудудига ўтган.

Миллоддан аввалги 2316 йил – ҳарбий саркарда Саргон I Аккад давлатига асос солди.

Миллоддан аввалги 2250 йил – Бобил (Вавилонда) бўлгуси Пифагор теоремасининг дастлабки белгилари шаклланган.

Миллоддан аввалги 2200 йил – Аккадда Нарам-Суэна ёдгорлик тоши ўрнатилди.

Миллоддан аввалги XXII аср бошлари – Аккад ҳукмдори Нарам-Суэн ўз давлати таркибига Суза шаҳри ва Эбла (Сурия) давлатини кўшиб олди. Бу пайтда Аккад подшолиги ва маданияти ўзининг энг юқори чўққисига чиқди.

Миллоддан аввалги XXII аср охири – ярим кўчманчи гутий қабилалари Аккад подшолигига бостириб кирдилар ва уни ўзларига тобе қилдилар.

Миллоддан аввалги 2111 йил – Ур-Намму Урдаги III сулоланинг асосчисига айланди; Ур шаҳрида зиккурата (дастлабки ибодатхона) қурилди.

Миллоддан аввалги 2109 йил – Урук подшоси Утухенгал гутейларни енгиб, уларнинг ҳукмдори Тириканни асир олди.

Миллоддан аввалги 2109/2093 – 2046 йиллар – Ур III сулоласи вакили Шулги ҳукмронлиги даврида Сурия, Фаластин, Элам, Кичик Осиё ва бошқа ўлкалар ҳисобига Шумер ва Аккад подшолиги ерларини кенгайтди.

Миллоддан аввалги III минг йиллик охири, – Мари шаҳар-давлатида сарой қурилди.

Миллоддан аввалги II минг йиллик бошлари – Сурияда 29 белгидан иборат алифбе кашф этилди.

Миллоддан аввалги II минг йиллик бошлари – Месопотамияга шимоли-ғарбдан аморий қабилалари бостириб кирдилар.

Миллоддан аввалги II минг йиллик бошлари – миллоддан аввалги **538 йил** – Месопотамиянинг жанубий қисми (ҳозирги Ироқ ҳудуди)да Қадимги Бобил [Вавилон] давлати мавжуд бўлди. Давлатнинг номи унинг пойтахти Бобил шаҳри номидан олинган. Бобил сўзи шумерча Кадингирра, аккадча Бабилу бўлиб, айнан таржимаси «тангри дарвозаси» демакдир. Бу шаҳар ҳозирги Хилда шаҳри (Ироқ) ўрнида бўлган.

Миллоддан аввалги XX аср охири – XIX аср бошлари – Месопотамияда Шумер – Аккад подшолиги парчаланиб, кучсизланди.

Милоддан аввалги XX – XVIII асрлар – Оссурия давлатининг кучайиши.

Милоддан аввалги XX – XVI асрлар – Финикия ва Суриянинг айрим шаҳар-давлатлари, хусусан, Библ Мисрга тобе бўлди.

Милоддан аввалги XX – VII асрлар – Месопотамиянинг шимоли ва Дажла дарёсининг юқори оқимида *Оссурия* давлати [аккадча ва арабча: *Ашшур*; оромейча: *Ашур*] мавжуд бўлган. *Оссурия* сўзи *Ашшур* [Ассур] шаҳар-давлати номидан олинган. Оссурия давлати Шимолий Месопотамия [ҳозирги Ироқ худуди]да ташкил қилинган. У Мидия ва Бобил томонидан мил. авв. 609 йилда тугатилди. Оссурия тарихи уч даврга бўлинади: 1. Қадимги Оссурия даври (мил. авв. XX – XVI асрлар). 2. Ўрта Оссурия даври (мил. авв. XV – XI асрлар). 3. Янги Оссурия даври (мил. авв. X – VII асрлар). Пойтахти – Ашшур, Ниневия (100 000 киши). Тили – аккад, оромей, шумер. Аҳолиси – 12 млн. киши.

Милоддан аввалги XIX – XVII асрлар – Фаластин шаҳарлари ривож топди.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярми – Бобил марказлашган давлатга айланди.

Милоддан аввалги 2000 йил – Суриядаги Эбла шаҳри Аморийлар давлатининг пойтахтига айланди.

Милоддан аввалги 1895 – 1595 йиллар – Месопотамияда Қадимги Бобил подшолиги ҳукм сурди. Биринчи Бобил сулоласи даври.

Милоддан аввалги 1895 – 538 йиллар – Қадимги Бобил подшолиги фаолият юритди. Подшоликни 10 та сулола вакиллари 1357 йил давомида бошқарганлар.

Қадимги Бобил подшолигининг сулолалари: 1. Бобил (аморийлар) сулоласи (мил. авв. 1895 – 1595 й.). 2. Бобил сулоласи [денгиз мамлакатлари I сулоласи]. 3. Бобил (кассетлар) сулоласи (мил. авв. 1595 – 1157 й.). 4. Бобил сулоласи [исин II сулоласи] (мил. авв. 1156 – 1026 й.). 5. Бобил сулоласи [денгиз мамлакатлари II сулоласи] (мил. авв. 1025 – 1004 й.). 6. Бобил (бази) сулоласи (мил. авв. 1004 – 984 й.). 7. Бобил (элам) сулоласи (мил. авв. 984 – 979 й.). 8. Бобил (элам) сулоласи (мил. авв. 979 – 732 й.). 9. Бобил сулоласи (мил. авв. 732 – 627 й.). 10. Янги Бобил (холдейлар) сулоласи (мил. авв. 626 – 538 й.).

Милоддан аввалги 1822 – 1763 йиллар – Элам подшоси Римсин яшган, у Шумерни истило қилган.

Милоддан аввалги 1800 йил – шумер-аккад тилида Гильгамиш ҳақидаги афсона яратилди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, «Гильгамиш» ва «Алпомиш» эпосларининг илдизи битта.

Милоддан аввалги XVIII аср охирлари – Ямхад давлати емирилиб, ўз мустақиллигини йўқотди.

Милоддан аввалги XVIII – XVII асрлар – Ямхаддан жанубдаги улкан худудда гиксос кабилаларининг ҳарбий иттифоқи ташкил топди.

Милоддан аввалги 1792 – 1750 йиллар – Бобил подшоси Хаммурапининг ҳукмронлик даври. У аморийлар сулоласининг 6-ҳукмдори ҳисобланади.

Милоддан аввалги 1785 йил – Хаммурапи Бобилда мустаҳкам ҳокимият ўрнатиб, Месопотамиянинг Иссин, Ларса, Мари шаҳар-давлатларини ўзига бўйсундириб, Кўҳна Бобил подшолигига асос солди. Кўҳна Бобил давлатининг пойтахти Бобил шаҳри бўлган. Хаммурапи томонидан ўша йили қонунлар тўплами қабул қилинган.

Милоддан аввалги 1759 йил – Хаммурапи собиқ иттифоқчиси Зимрилим қўшинларини енгиб, Марини босиб олди.

Милоддан аввалги 1750 йил – Хаммурапи вафот этди. Бобил подшолиги тахтига унинг ўғли Самсуилун ўтирди.

Милоддан аввалги 1600 йил – Шимолий Месопотамия (ҳозирги Шимолий Сурия)даги қадимги Хурритлар подшолиги ўрнида Митанни давлати ташкил топди.

Милоддан аввалги XVI аср охири – шимолдан хеттлар Шимолий Сурияга бостириб кириб, уни ўзларига тобе қилиб олдилар.

Милоддан аввалги XVI аср охири – XV аср бошлари – Оссурия кучая бориб, Бобил ва Митанни асоратидан озод бўлди.

Милоддан аввалги XVI – XV асрлар – Месопотамиядаги Митанни давлатига Оссурия подшолиги қарам бўлган. Митанни подшоси Шаушшатар оссуриялик Ашшур қўшинларини тор-мор этиб, подшо саройининг олтин ва кумушдан ясалган дарвозасини ўз юртига олиб кетган.

Милоддан аввалги XVI – XIII асрлар – Финикия ва Сурияни талашган Миср билан Хетт давлати ўртасида қаттиқ жанглар бўлди.

Милоддан аввалги 1595 йил – Кўҳна Бобил давлати шимоли-ғарбдан хеттлар, шарқдан эса кассит кабилаларининг шиддатли ҳужумлари натижасида таназзулга учради. Бобил шаҳри вайрон қилинди. Кўҳна Бобил подшолигидаги аморийлар сулоласи барҳам топди.

Милоддан аввалги 1595 йил – Месопотамияда касситлар ҳукмронлиги бошланди.

Милоддан аввалги XV аср – Митанни давлати гоҳ Миср, гоҳ Хетт, гоҳ Бобил, гоҳ Оссурия давлатлари билан урушлар олиб борди.

Милоддан аввалги XIV аср охири – XIII аср бошлари – Месопотамияда касситлар ҳукмронлиги кучсизланди.

Милоддан аввалги 1365 йил – хеттлар томонидан Митанни забт этилди.

Милоддан аввалги 1365 – 1330 йиллар – Ашшур-Убаллит I ҳукмронлиги даврида Оссурия давлати вужудга келди. Хеттларга қарши кураш бошланди.

Милоддан аввалги 1350 йил – Вавилоннинг Кассит подшолари Сузани эгаллашди. Вавилон ва Оссурия ўртасида ракобат пайдо бўлди.

Милоддан аввалги XIII аср – Фрот дарёси ортида яшаган кўчманчи яхудий қабилалари Фаластинга бостириб кирди.

Милоддан аввалги XIII аср – оссурия қўшинлари Бобил ва Элам устига бир неча бор талончилик урушларини уюштирди.

Милоддан аввалги XIII аср – аморий қабилаларининг катта гуруҳи Шимолий Сурияга бостириб кирди.

Милоддан аввалги 1290 йил – эламликлар Вавилондан Сузани тортиб олишди.

Милоддан аввалги 1127 – 1105 йиллар – Навуходоносор I нинг ҳукмронлик даври. У эламликларни Бобилдан қувиб чиқарди ва Бобилнинг шуҳратини қисман қайта тиклади.

Милоддан аввалги XII аср – Оссурия подшоси Тиглатпаласар I Ван кўли атрофига бостириб кириб, ўз жанговар аравалари ва саройлари бўлган 23 нафар подшо устидан ғалаба қилганлиги ҳақида қоятошга битик ёздирди.

Милоддан аввалги 1084 йил – Месопотамияга арамейларнинг босқини натижасида биринчи Оссурия давлати кулади.

Милоддан аввалги X аср охирилари – Арамейлар давлати кучсизланиб, тангликка учради. Бу вазиятдан фойдаланган оссурийлар ўзларини ўнглаб олдилар ва Янги Оссурия подшолигига асос солдилар.

Милоддан аввалги 965 – 936 йиллар – Хирам I даврида Тир-Сидан подшолиги равнақ топди.

Милоддан аввалги IX аср бошлари – Форс қўлтиғи соҳилида яшаган холдей қабилалари Жанубий Месопотамияга келиб жойлашдилар.

Милоддан аввалги IX аср охири – VIII аср бошлари – Финикияда 24 белгидан иборат ёзув-алифбо кашф этилди.

Милоддан аввалги 883 йил – Оссуриянинг иккинчи марта юксалиши. Ашшур-Насирпал II ўз давлати чегараларини Ўрта Ер денгизигача кенгайтди.

Милоддан аввалги 853 йил – Оссурия билан Сурия ҳарбий кучлари Фаластин – Миср бирлашган қўшинлари билан Қарқара шаҳри яқинида тўқнашдилар.

Милоддан аввалги 745 – 727 йиллар – Оссурия давлатининг Тиглатпаласар III даврида учинчи марта юксалиши (Мидиянинг бож тўлаши, Урартуга қарши ҳарбий юришлар).

Милоддан аввалги 729 йил – Оссурия подшоси Тиглатпаласар III Вавилонни босиб олди.

Милоддан аввалги 721 йил – Оссурия подшоси Саргон II Самарияни вайрон қилди (Исроил подшолигининг охири).

Милоддан аввалги 720 йил – Эламнинг Дер қалъаси ёнида бўлган жангда эламликлар Оссурия кўшинларини енгди.

Милоддан аввалги 710 – 709 йиллар – Оссурия подшоси Саргон II Бобилни иккинчи марта эгаллади. Оссуриянинг янги пойтахти Дур-Шаррукин (ҳозирги Хорсабод) шахри бўлди.

Милоддан аввалги 703 йил – Халдейлар давлати подшоси Мардук-апал-иддин оссурийларга зарба бериб, Бобилни озод қилди.

Милоддан аввалги 669 – 627 йиллар – Ашшурбанипал ўзидан аввалги ҳукмдорлар бошлаган босқинчилик юришларини якунлади. Бу даврда Оссурия давлати ўз шухрат чўққисига чиқиб, унинг худуди Нилдан Форс кўрфазигача кенгайиб борди.

Милоддан аввалги 663 йил – Оссурия кўшинлари билан Тахарканинг вориси Танутамон кўшинлари ўртасида бўлган жангда оссурийлар ғалаба қозондилар. Мамлакат 20 ном (вилоят)га бўлиниб кетди.

Милоддан аввалги 648 йил – оссурийлар билан бўлган жангда Бобил вайрон этилди.

Милоддан аввалги 631 йил – Кирена (Ливия) шахрига дорийлар манзилгоҳи ўрнида асос солинди.

Милоддан аввалги 628 йил – оссурийларнинг зулмига қарши Холдей ҳукмдори Набопаласар бошчилигида кўзғолон кўтарилди.

Милоддан аввалги 627 йил – Бобилда холдейлар ёки Янги Вавилон сулоласи ҳокимият тепасига келди.

Милоддан аввалги 614 – 612 йиллар – Мидия шоҳи Киаксар Ашшур (мил. авв. 614 й.) ва Ниневия (мил. авв. 612 й.) шаҳарларини эгаллаб, Буюк Оссурия давлатини мағлуб этди. Ўрта Шарқда Бобилнинг ҳукмронлик даври.

Милоддан аввалги 612 – 609 йиллар – Бобил ва Мидия кўшинлари оссурий кўшинларини енгиб, Оссуриядаги Ниневия ва Ашшур шаҳарларини яна вайрон қилдилар.

Милоддан аввалги 605 йил – Мидия – Бобил кўшинлари Миср – Оссурия кўшинларини тор-мор этдилар. Шу билан Яқин Шарқ мамлакатларига хавф солиб турган Оссурия давлати барҳам топди.

Милоддан аввалги 605 йил – Набопаласар вафот этди, тахтга унинг ўғли Навуходонсор II (ҳукмронлик даври: 605 – 562) ўтирди.

Милоддан аввалги 587 йил – Бобил подшоси Навуходонсор II Қуддуси Шариф (Иерусалим)ни босиб олди. Яхудий подшолиги таназзулга учради. Яхудийларнинг Бобилдаги асирлиги (1-Диаспора) бошланди.

Милоддан аввалги 562 йил – Янги Бобил подшолигининг сўнги подшоси Навуходонсор II оламдан ўтди. Бобил тахтига Набонид ўтирди.

Милоддан аввалги VI аср – милетлик машҳур математик, физик, астроном ва файласуф Фалес яшаган. У асли финикиялик бўлган.

Милоддан аввалги V аср ўрталари – Карфаген Финикия давлатининг марказига айланди.

Милоддан аввалги III аср – Карфагенда «илоҳ» Молох санами (хайкали) олдида болаларни гулханга ташлаб, қурбон қилганлар.

Милоддан аввалги II асрнинг биринчи ярми – римликлар Месопотамияга икки марта бостириб кириб, унинг пойтахти Ктесифонни талаб, вайрон қилдилар.

Милодий 380 – 620 йиллар – Хирта (Шарқий Арабистон)да Лахмидлар давлати фаолият юритди. Давлат пойтахти – Аль-Хира шаҳри. Бу давлат Византия ва Сосонийлар Эрони ўртасида буфер давлат бўлган.

Лахмидлар сулоласи: Имрул Қайс (милодий 380 – 405), Нуъмон ибн Имрул Қайс (405 – 433), Мундар ибн Нуъмон (433 – 473), Асвад ибн Мундар (473 – 494), Мундар ибн Мундар (494 – 500), Нуъмон ибн Асвад (500 – 503), Абу Ёафур (503 – 505), Мундар ибн Нуъмон (505 – 554), Амр ибн Мундар (554 – 569), Қобус ибн Мундар (569 – 574), Мундар ибн Мундар (574 – 580), Нуъмон ибн Мундар (580 – 602).

Кичик Осиё ва Олд Осиё мамлакатлари

Милоддан аввалги IV минг йиллик – Троя шаҳри Трояда вилоятининг маркази бўлган. Милоддан аввалги XXII асрда шаҳар душманлар томонидан таланиб, вайрон қилинди. Кейинчалик Троя ўзини тиклаб олди.

Милоддан аввалги IV минг йиллик охири ва III минг йилликнинг биринчи ярми – Крит оролида деҳқончилик, хунармандчилик ва савдосотик анча ривожланди.

Милоддан аввалги 3200 йил – Эгей денгизи атрофида илк Эллада цивилизацияси ривожланди. Бу цивилизация мил. авв. 2000 йилгача давом этди.

Милоддан аввалги III минг йиллик охири ва II минг йиллик бошлари – ҳинд-европа ва туркий тилларда гаплашадиган халқлар оммавий равишда кўчишди: юнонларнинг аجدодлари Эгей денгизи атрофларига ўрнашди, хеттлар ва лувийлар Анатолияга жойлашдилар. Протоэронийлар Эроннинг шимоли-ғарбига ўрнашди. Прототурклар Олтой ва Уралдан Кавказ ва Эрон худудига ҳамда Ҳинд дарёси воҳасига кўчди. Кейинчалик прототуркларнинг бир қисми орийлар деб номланди.

Милоддан аввалги III минг йиллик охири ва II минг йиллик бошлари – Кичик Осиёда яшаётган жуда кўп қабилалар бирлашиб Неса, Каниш Бурусханд, Куссар ва Хаттуса каби алоҳида шаҳар-давлатларни ташкил этганлар.

Милоддан аввалги 2300 – 2100 йиллар – Эгей денгизи атрофида Троя II (тўққизта маданий қатламнинг иккинчиси) гуллаб-яшнаган.

Милоддан аввалги 2230 йил – Элам ҳукмдори Хита Аккад подшоси Нарам-Суен билан шартнома тузди.

Милоддан аввалги XXI аср охири – Элам давлати кучайиб, мустақилликка эришди, у Урни ўзига қаратди ва Жанубий Шумерни босиб олди.

Милоддан аввалги 2000 йил – Эгей денгизи соҳилларида крит цивилизацияси вужудга келди. Ўрта миной даври (бронза асри)нинг бошланиши (мил. авв. 1600 йилгача давом этди).

Милоддан аввалги II минг йиллик – Кичик Осиёда йилқичилик ва отларнинг турли зотларини етиштириш ривожлантирилди.

Милоддан аввалги II минг йиллик ўрталари – Македония ва Фригиядан жуда кўп қабилалар Кичик Осиёга кўчиб келиб, ўзларини фригейлар деб аташган.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми – фригейлар Фригия подшолигига асос солдилар.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми – Урартуда от, кейинчалик туялар қўлга ўргатилди.

Милоддан аввалги XIX – XVIII асрлар – хеттлар Хаттусас (Халис дарёси ҳавзаси)ни эгаллашди ва бу ерда ўз давлатларига асос солишди.

Милоддан аввалги XVIII аср бошлари – Куссар ҳукмдори ўзини подшо деб эълон қилди.

Милоддан аввалги XVIII – XIII асрлар – Троя подшолиги раванк топди. Троя подшолигида деҳқончилик, хунармандчилик, чорвачилик ва савдо-сотик ривожланди.

Милоддан аввалги 1730 – 1700 йиллар – Элам кўшинлари Месопотамияга бостириб кириб, Аккадгача бўлган ерларни босиб олдилар.

Милоддан аввалги 1680 – 1650 йиллар – подшо Лаборна (Таборна) мамлакатни бирлаштиришни охирига етказди. Кейинчалик подшо Хаттусили I ва Мурсили I даврларида, шунингдек, подшо Телепен даврида ҳам Хетт подшолиги кучайди. Телепен вафотидан сўнг унинг ўғиллари ўртасида тож-тахт учун кураш бошланди.

Милоддан аввалги 1640 йил – хеттлар подшоси Хаттусили I ўз давлатини бирлаштиришни яқунлади ва Шимолий Суриядаги аморийларнинг шаҳар-давлатлари (Эбла, Алеппо)ни эгаллади.

Милоддан аввалги 1600 – 1100 йиллар – Критда сўнгги миной даври. Критлик денгизчилар Ўрта Ер денгизида ҳукмронлик қилишган.

Милоддан аввалги XV – XIV асрлар – Кавказ тоғлари ортидаги Севан, Ван ва Урмид қўллари атрофида урарту номи билан машҳур бўлган кўплаб жанговар қабилалар яшаган.

Милоддан аввалги 1440 йил – Хетт давлати қайта тикланди. У кўшниси хурритларнинг Митанни давлати юксалган пайтда (мил. ав. 1490 йиллардан бошлаб) таназулга юз тутган эди.

Милоддан аввалги 1440 – 1198 йиллар – Янги Хетт подшолиги даври.

Милоддан аввалги 1400 – 1200 йиллар – Микен цивилизацияси равақ топди. Бу цивилизация Қадимги Юнонистон худудидан ташқари унга қўшни бўлган Крит, Кипр, Сицилия, Жанубий Италияда ҳам кенг тарқалди.

Милоддан аввалги 1300 йил – Трояда каттик зилзила бўлиб, шаҳар катта талафот кўрди.

Милоддан аввалги 1280 йил – Троя вайрон қилинди (VI қатлам). Троя қайта тикланди (VII қатлам). Гомер поэмасида тасвирланган Троя уруши шу даврга тўғри келиши тўғрисида илмий тахминлар мавжуд.

Милоддан аввалги XIII аср – Сарди шаҳри Ассува (Осиё) мамлакатининг пойтахти бўлган.

Милоддан аввалги XII аср охири – Фригия қўшинларининг Шарққа уюштирган ҳужумлари оссурийлар томонидан тўхтатилган.

Милоддан аввалги 1190 йил – «денгиз халқлари»нинг лашкарлари Хетт подшолиги маркази Хаттусани ишғол қилиб, уни вайронага айлантди.

Милоддан аввалги 1029 – 1005 йиллар – Қадимги Исроилнинг биринчи подшоси Саулнинг ҳукмронлик даври.

Милоддан аввалги 1005 – 965 йиллар – Исроил-Яхудий подшолигида пайғамбар ва подшо Довуднинг ҳукмронлик даври. У иккинчи Яхудий подшоси бўлган. Давлатнинг пойтахти – Қуддус.

Милоддан аввалги 965 – 928 йиллар – учинчи Яхудий ҳукмдори Сулаймоннинг подшолик даври. Довуд пайғамбарнинг ўғли Сулаймон пайғамбар ва подшоҳ бўлган. У Қуддусда Биринчи ибодатхонага асос солган.

Милоддан аввалги 928 йил – Сулаймон вафот этганидан сўнг унинг подшолиги 2 қисмга ажралди: Исроил (пойтахти – Самария) ва Яхудия (пойтахти – Қуддус).

Милоддан аввалги IX аср охири – Ўрта Ер денгизида финикияликларнинг мавқеи кучайди (Кипр ва Эгей атрофларида).

Милоддан аввалги IX аср ўрталари – Шарқий Анатолияда (Ван қўли атрофида) Урарту давлати ташкил топди. Тез орада Урарту йирик давлатга айланди. Урарту давлатининг пойтахти Тушпа шаҳри (ҳозирги Туркиядаги Ван шаҳри ўрнида) бўлган.

Милоддан аввалги IX – VI асрлар – Ғарбий Осиёда Урарту давлати мавжуд бўлган. Давлат пойтахти – Тушпа шаҳри бўлган.

Милоддан аввалги 825 – 810 йиллар – Урарту давлати мустақкамланди. Ишпуинининг ўғли Менуа даврида Урарту давлати ҳар жиҳатдан кучайди.

Милоддан аввалги 814 йил – финикияликлар томонидан Карфагенга асос солинди.

Милоддан аввалги 768 – 764 йиллар – Аргишти I Урартуда ҳукмронлик қилди. Аргишти I даврида Урарту давлати янада кучайди.

Милоддан аввалги 764 – 735 йиллар – Сардури II (Аргишти I нинг ўғли) Урартуда ҳукмронлик қилди. У давлатнинг қудратини мустаҳкамлаш борасида отасининг сиёсатини юритди.

Милоддан аввалги VIII асрнинг иккинчи ярми – Урарту жанубидаги Оссурия кучая бошлади. Тиглатпаласар III милоддан аввалги 743 йилда Суриянинг Арпада шаҳри яқинида бўлган жангда Сардури II иттифоқчилари қўшини устидан ғалаба қозонди.

Милоддан аввалги 753 йил – Мидия шоҳи Каштарити оссурийлар устига қўшин тортди, бу жангда Мидия қўшинлари енгилди.

Милоддан аввалги 735 йил – Оссурия қўшини Урартуга бостириб кириб, Урарту қўшинини енгди. Сардури II вафотидан сўнг Урарту тахтига унинг ўғли Руса I ўтирди.

Милоддан аввалги 714 йил – Оссурия подшоси Саргон II Урартуга қарши қўшин тортди келган.

Милоддан аввалги 700 йил – юнонлар Троя ўрнида Янги Илион шаҳрини барпо қилишди.

Милоддан аввалги VII аср бошлари – Фригия подшолиги кучсизланиб, дастлаб Лидия таъсирига, кейинчалик эронийлар, юнон-македонлар, римликлар ва византияликларнинг таъсирига тушиб қолди.

Милоддан аввалги 692 – 654 йиллар – Лидия подшолигининг равақ топган даври мермнад сулоласининг асосчиси Гигес подшолик қилган пайтга тўғри келган. Лидияда шоҳ Гигес даврида олтин ва қумушнинг табиий қотишмаси электрумдан танга зарб этилган.

Милоддан аввалги 654 – 605 йиллар – Гигеснинг ўғли Ардис ҳукмронлик қилган давр.

Милоддан аввалги 540 йил – Коринфда Аполлон ибодатхонаси қурилди.

Милоддан аввалги 520 йил – яҳудийлар томонидан Қуддус ибодатхонаси [Иккинчи ибодатхона] қурилди.

Милоддан аввалги 300 йил – Салавка I томонидан Салавкийлар давлатининг пойтахти бўлган Антиохия [ҳозирги Туркиядаги Анталия] шаҳрига асос солинди.

Милоддан аввалги 253 йил – Птолемей II Филадельф Кичик Осиёни Антиох II га беришга мажбур бўлди.

Милоддан аввалги 223 йил – Салавка III Сотер Пергам подшоси Атгала I га қарши ҳарбий ҳаракатлар пайтида ўлдирилди. Антиох III Буюкнинг ҳукмронлик даври бошланди. Бу пайтда Салавкийлар давлати ўз қудратининг чўққисига чиқди.

Милоддан аввалги 198 йил – Салавкийлар подшоси Антиох III Неон Сурияга бостириб кирди ва уни эгаллади.

Милоддан аввалги 188 йил – Апамея сулҳи (ҳозирги Туркиянинг Динор шаҳрида) тузилди. Сулҳга кўра Салавкийлар подшоси Кичик Осиёдаги ўз мулкларидан воз кечишга мажбур бўлди. Бу ҳолат Рим ва унинг тарафдорлари (Родос, Пергам)га қўл келди.

Қадимги Турон ва Эрон

Милоддан аввалги IV минг йиллик – Турон минтақасида Қорақумнинг шимолидаги Унгуз макони мавжуд бўлган.

Милоддан аввалги IV минг йиллик – Эроннинг Карун ва Керха дарёлари бўйларида яшовчи аҳоли суғорма деҳқончилик билан шуғуллана бошлаган.

Милоддан аввалги IV – III минг йилликлар – Зарафшон водийсининг энеолит ва илк жез даврига оид қадимги деҳқончилик маданиятига тегишли Саразм археологик ёдгорлиги. Унинг асосида кейинчалик Саразм қишлоғи таркиб топган. У Зарафшон дарёсининг тоғлар орасидан кенг водийга чиқиш жойида, Ойимқўл ёнида жойлашган. Саразм атмаси суғдча саризамин бўлиб, яъни ернинг бошланиши ёки воҳанинг бошланиши демакдир. Ёдгорлик ясси тепачалар кўринишида, 100 гектарга яқин жойни эгаллаган. Бу жойда ҳаёт энеолитнинг ривожланган босқичидан илк жез даврига қадар давом этган. Саразм аҳолисининг иқтисодий турмушини деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик ташкил этган. Ёдгорликда 4 та тарихий босқич борлиги аниқланган.

Милоддан аввалги IV минг йиллик – III минг йилликнинг ўрталари – Турон ҳудудида энеолит (мис-тош) даври: Намозгоҳтепа (Туркменистон), Саразм (Тожикистон).

Милоддан аввалги III минг йиллик – эламликлар 150 белги-расмдан иборат мустақил ёзувга эга бўлди.

Милоддан аввалги III – II минг йилликлар – Ўрта Осиё халқлари Шимолий Ҳиндистон, Месопотамия, Миср билан савдо муносабатлари ўрнатган. Бадахшон лаъли (лазурит) машҳур бўлган.

Милоддан аввалги III – II минг йилликлар – Эрон ҳудудида, хусусан, Элам ва Мидияда деҳқончилик, чорвачилик янада ривож топди.

Милоддан аввалги II минг йиллик бошлари – Эроннинг жанубигарбида Элам давлати (пойтахти Суза) ташкил топди. Бу давлат дастлаб Шумер ва Аккад давлатларига қарам бўлиб қолди.

Милоддан аввалги II минг йиллик – Турк атмаси хитой битикларида илк марта қайд этилди.

Милоддан аввалги II минг йиллик – Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида деҳқончилик билан шуғулланувчи жез даври қабилаларининг Сополли маданияти мажмуаси. Бу маданият ёдгорликлари Ўзбекистоннинг

Сурхондарё вилояти ҳудудидан топилган (Сополлитепа, Жарқўтон, Мўлалитепа, Бўстон, Бўйрачи, Нурек, Тандирийўл. Унинг энг қадимги ва биринчи бор топиб ўрганилган ёдгорлиги Сурхондарё вилоятининг Музрабод туманидаги Сополлитепа бўлиб, ушбу археологик маданият ҳам шу ёдгорлик номи билан аталади).

Милоддан аввалги II минг йиллик – Турон ҳудудида Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиш жараёни бошланди. (Бу жараён минг йилдан ортиқ тарихий даврни ўз ичига олди ва Алп Эр Тўнга [Афросиёб] томонидан милоддан аввалги 654 йилда минтақада Турон давлатига асос солиниши билан ўз якунига етди. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди Турон минтақасининг марказида жойлашган).

Милоддан аввалги II минг йиллик – Қозоғистон ва Жанубий Сибирь, Энасой (Енисей)дан Ўрол (Урал) дарёсигача бўлган ҳудудларда кенг тарқалган чорвадор қабилаларнинг Андроново маданияти.

Милоддан аввалги II минг йиллик охири – хом ғишт ва пахсадан қурилган қалин мудофаа деворлари бўлган йирик қишлоқлар (Чуст, Далварзин) барпо этилди.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярми – Ўзбекистонда дастлабки жез даври уруғ жамоасининг Замонбобо маданияти. Бухоро вилояти Қоракўл тумани марказидан 15 км шимоли-ғарбда жойлашган Замонбобо қўли (номи шундан) соҳилидаги макон (майдони 170 м²) ва қабристон (44 қабр) ўрганилган. Одамлар ярим ертўлаларда, енгил чайлаларда яшаганлар. Ертўла ўтов шаклида, устунлари чуқурчаларга ўрнатилган, усти қамиш билан ёпилган ва сомонли лой билан сувалган. Ўчоқ ва дон сақланадиган ўралар девор яқинида бўлган. Қабрларда мурдалар якка, жуфт, айрим ҳолда учтадан (эркак, аёл, бола) ёнбошлатиб кўмилган. Чақмоқтошдан ишланган қадама ўроқлар, ёрғучоқ бўлақлари, ҳовонча дасталар ва кўмирга айланган буғдой, арпа донлари, сигир, қўй, эчки суяклари топилган.

Милоддан аввалги II минг йиллик ўрталари ва иккинчи ярми – Тозабоғёб маданияти (Хоразм вилояти).

Милоддан аввалги II минг йиллик – I минг йиллик бошлари – Замонбобо маданияти (Бухоро вилояти), Сувёрган маданияти (Қорақалпоғистон), Чуст маданияти (Наманган вилояти), Амиробод маданияти (Хоразм вилояти), Кучуктепа макони (Сурхондарё вилояти) вужудга келди.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярми – I минг йиллик бошлари – Хоразм воҳасининг чўл зонасига оид жез даврининг Сувёрган археологик маданияти (Амударёнинг қадимги дельтаси ўнг томондаги чўл ичига ёриб киргани учун Сувёрган номи билан аталган). Сувёрган маданияти қабилалари Ўрга Осиёнинг жануби-ғарбий вилоятларидан Хоразмга келган янги этник гуруҳ бўлиб, уларнинг моддий ма-

данияти жанубнинг ўтроқ деҳқончилик маданиятига ўхшаш бўлган. Сувёрган маданияти ўз тараққиётида 3 босқични (Қамишли, Бозорқалъа, Қовунчи) босиб ўтган. Милоддан аввалги I минг йилликнинг бошларига келиб, Сувёрган маданияти ўрнига Амиробод маданияти пайдо бўлган.

Милоддан аввал II минг йилликнинг иккинчи ярми – Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги Шеробод тумани (Шеробод дарё ирмоғи Бўстонсой ўзанининг чап соҳили) ҳудудида жойлашган Жарқўтон қадимги шаҳар харобаси. Сополли маданиятига мансуб қабилаларнинг жез даври ёдгорлиги. Жарқўтон аҳолиси суғорма деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Жарқўтон (майдони 100 гектар) мудофаа девори билан ўралган марказий кўрғон, оташпарастилар ибодатхонаси (Жарқўтон оташкадаси), кабристон (майдони 20 гектар), бир неча даҳалардан иборат бўлган. Жарқўтонда турар жой қолдиқлари, ибодатхона, кулолчилик маҳалласи, металл эритиладиган устахоналар, 1000 дан ортиқ қабрлар очиб ўрганилди. *Жарқўтон ёдгорлиги* – Ўзбекистон ҳудудида биринчи бор шаклланган қадимги шаҳар маданияти (Сурхондарё).

Милоддан аввалги 1180 йил – Элам шоҳи Шутрук-нахунта I Бобил қўшинларини мамлакатдан қувиб чиқарди.

Милоддан аввалги 1155 – 1115 йиллар – Элам подшолигининг равақ топган даври.

Милоддан аввалги 1115 йил – эламликлар бобилликлардан енгилб, ўз мустақиллигини йўқотди.

Милоддан аввалги XII – VIII асрлар – *Камта Авеста* (зардуштийлик динининг муқаддас китоби)га дастлабки тартиб берилди. Кейинчалик *Зардушт* томонидан (милоддан аввалги VII – VI асрлар) Авеста матни яхлит ҳолатга келтирилди. У фанда *Кичик Авеста* (асосий қисми яштардан иборат) деб аталади. Авестада илк марта Қадимги Турон мамлакати ва унинг асосий халқи – *турлар* тилга олинади. Турлар прототурк халқ бўлиб, ҳозирги туркий халқларнинг аجدодлари.

Турон [*Авестада: Tuirianam Dahgunem; паҳлавийча: Turan; туркий (ўзбекча): Турон – турлар мамлақати*] – Евросиё даштларида ҳамда Эрондан шимоли-шарқда жойлашган мамлакат, бу ерда чорвадор прототурк қабилалари яшаган ҳамда улар умумий ном билан *турлар* деб аталган. *Тур* этноними илк марта Авестада 2 хил шаклда келади: энг қадимги шакли *tuirianam* (Турон ва туронликлар) бўлиб, у арийлар [*Авестада: airiinanam*] ва сомиёлар [*Авестада: sairimanam*] этнонимлари сингари қўлланади. Кейинги шакли *tura [tur]* бўлиб, у этнонимнинг ўзаги – турни билдиради. Бизнинг фикримизча, турлар туркларнинг қадимги аجدодлари бўлгани сингари, кейинчалик тур этнонимидан турк этноними келиб чиққан. Турлар яшаган Турон мамлакатининг дастлабки ҳукмдори Алп Эр Тўнга [*Афросиёб*] бўлган. Турон давлати Алп Эр Тўнганинг ўлимидан сўнг парчаланиб кет-

ган. Турон минтақаси ҳудудида мил. авв. VIII – VI асрларда Қадимги Суғд, Қадимги Хоразм, Қадимги Бактрия, Қадимги Марғиёна каби прототурк давлатлар вужудга келган. Турон тарихий минтақаси кейинчалик Туркистон ва Мовароуннаҳр деб аталган. Аҳолиси – туронликлар [прототурклар]. Ҳудуди – тахминан 5 – 6 млн. км². (Кейинчалик Турон / Туркистон давлати ҳудудига бостириб кирган боскинчилар томонидан мамлакат номи бир неча марта уларнинг талаффузига мослаб ўзгартирилган. Масалан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси [Турон / Туркистон давлатининг марказида жойлашган] ҳудуди юнонлар томонидан Трансоксиана, Грек-Бактрия давлати, форслар томонидан Хуросон, араблар томонидан Мовароуннаҳр, мўғуллар томонидан Чигатой улуси, руслар томонидан Ўзбекистон ССР деб янглиш тарзда номланди. Афсуски, бугунги кунда ҳам Ўзбекистонда бу нотўғри атамаларни ишлатиш ҳоллари мавжуд. Ҳолбуки, 1991 йил 31 августда мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикаси ва ўзбек халқи айнан Турон / Туркистон ҳамда бу ҳудудда ташкил қилинган турли давлатларнинг қонуний ворисидир).

Ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг марказий қисмида Қадимги Турон давлати ташкил топган. Ундан ташқари Ўзбекистон ҳудуди [Турон давлати ҳудуди]да қадимги ва ўрта асрларда кейинчалик ташкил топган энг йирик давлатлар:

1. Қадимги Суғд давлати (милоддан аввалги VIII – IV асрлар).
2. Қадимги Хоразм давлати (милоддан аввалги VIII – VI асрлар).
3. Қадимги Бактрия давлати (милоддан аввалги VIII – II асрлар).
4. Қадимги Марғиёна давлати (милоддан аввалги VII – VI асрлар).
5. Фарғона ва Чоч (милоддан аввалги VII – III асрлар).
6. Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида Қанғха давлати [Қанғ, Кангюй, Кангдиз, Кангуй давлати] (милоддан аввалги III – милодий V аср ўрталари).
7. Салавкийлар давлати (милоддан аввалги 312 – 250 йиллар).
8. Юнон-Бактрия давлати (милоддан аввалги 256 – 55 йиллар).
9. Парфия давлати [аршакийлар] (милоддан аввалги 250 йил – милодий 227 йил).
10. Кушон подшолиги (милодий I – III / IV асрлар).
11. Эфталитлар давлати (420 – 579 йиллар).
12. Буюк Турк ҳоконлиги (552 – 603/745 йиллар).
13. Ўғуз давлати (750 – 1055 йиллар).
14. Аббосийлар халифалиги (750 – 1258 йиллар).
15. Қарлуқ ҳоконлиги (766 – 940 йиллар).
16. Тоҳирийлар амирлиги (821 – 873 йиллар).
17. Сомонийлар амирлиги (874 – 999 йиллар).
18. Ғазнавийлар султонлиги (962 – 1186 йиллар).
19. Қорахонийлар хонлиги [ҳоконлиги] (940 – 1212 йиллар).

20. Буюк Салжукийлар султонлиги (1037 – 1194 йиллар).
21. Хоразмшоҳлар султонлиги [ануштегинийлар] (1077 – 1231 йиллар).
22. Чигатой улуси (1220 – 1370 йиллар).
23. Турон давлати [темурийлар; Темурийлар султонлиги] (1370 – 1507 йиллар).
24. Ўзбек улуси (1428 – 1470 йиллар).
25. Бухоро хонлиги [шайбонийлар] (1500 – 1601 йиллар); [аштархонийлар] (1601 – 1756 йиллар).
26. Хива хонлиги [шайбонийлар] (1512 – 1804 йиллар); [кўнғиротлар] (1804 – 1920 йиллар).
27. Қўқон хонлиги [мингла] (1709 – 1876 йиллар).
28. Бухоро амирлиги [манғитлар] (1756 – 1920 йиллар).
29. Туркистон Мухторияти (1917 – 1918 йиллар).
30. Хоразм Халқ Совет Республикаси (1920 – 1924 йиллар).
31. Бухоро Халқ Совет Республикаси (1920 – 1924 йиллар).
32. Ўзбекистон Республикаси (1991 йил 31 августдан).

Милоддан аввалги XI – III асрлар – Даштиота (Дуньхуан) ва Наньшан (Чиланьшан) тоғлари атрофида туркий қавм *ди* томонидан ташкил қилинган Юечжи давлати фаолият юритди. Бу давлат турли манбаларда юэчжи, юйчжи, ёвчи, рутзиё, рузие номи билан ҳам тилга олинади. Хитой манбасида бу давлат Улуғ Юечжи (Даюечжи) давлати деб номланган. Кейинчалик Бактрия, Кушон, Эфталийлар, Тоҳаристон давлатларини Улуғ Юечжилар барпо этган. Милоддан аввалги III асрда бу давлат *хуннлар* томонидан тугатилган. Бактрияни эгаллаган Улуғ Юечжилар, хитой манбаларида ёзилишича, бу ҳудудни куйидаги 5 ёбғулик (жабғулик)ка бўлиб идора этишган: 1) Вахан (Сюми), маркази – Мўченг шаҳри; 2) Шуангми (Сямака), маркази – Шуангми шаҳри; 3) Кушон (Гуйшуанг), маркази – Кандут (Хуцао) шаҳри; 4) Парвон (Сидун), маркази – Бичжу шаҳри; 5) Думи ёбғулиги. Орадан 100 йил ўтгач, Кушон ёбғулиги 5 ёбғуликни бирлаштириб, Кушон подшолигига асос солган.

Милоддан аввалги IX – VIII асрлар – темир даврига ўтиш, кўчманчи чорвадор қабилаларнинг ажралиб чиқиши. Турон ҳудудида Авестанинг энг қадимги қисмларига тартиб берилди.

Милоддан аввалги VIII аср охири – Мидияга киммерийлар, кейинчалик эса скиф қабилалари бостириб келган.

Милоддан аввалги VIII аср – Элам мустақиллигини тиклади ва Бобил билан иттифоқ тузиб, оссурийларга қарши кураш бошлади.

Милоддан аввалги VIII – VII асрлар – Каспий денгизидан жануби-шарқий ҳудудларда парндах-парн (парфия) қабилалари яшаган.

Милоддан аввалги VIII – VII асрлар – Ўрта Осиё вилоятлари малика Семирамида даврида Оссурия таркибига кирган.

Милоддан аввалги VIII – VI асрлар – Ўзбекистон худудида темир даври ёдгорликлари. Улар Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Фарғона водийсида ўрганилган. Кўзалиқир, Қалъалиқир ва Дингилжа сингари қадимги қалъа, қишлоқ, шаҳар харобалари, Тагискен ва Уйгарак қабристон-қўрғонлари, Бўкантов қоятош суратлари шулар жумласидандир. Кўктепа, Ерқўрғон ва Узунқир каби нодир обидалар ҳам улар сирасига киради.

Милоддан аввалги VIII – VI асрлар – Турон худудида дастлабки давлат бирлашмалари (Суғд [Суғдиёна], Бактрия, Хоразм) ташкил топди. Илк шаҳарлар [Афросиёб (Смараканса), Бухоро, Узунқир, Ерқўрғон, Кўктепа, Қизилтепа, Кўзалиқир] вужудга келди. Ўрта Осиёда зардуштийлик дини тарқалди ва Авеста китобига тартиб берилди.

Милоддан аввалги 727 – 675 йиллар – Дейок Мидия подшолигига асос солиб, унинг биринчи ҳукмдори бўлган (юнон тарихчиси Геродот маълумоти).

Милоддан аввалги 720 йил – Элам кўшинлари Дер яқинида бўлган жангда оссурийларни тор-мор этди.

Милоддан аввалги 720 йил – сак-массагетлар тазйики остида Фарбий Туркистон (Амударёнинг шимоли)дан қувилган киммерийлар Дон ва Днепр дарёлари атрофига бориб ўрнашган.

Милоддан аввалги VII – VI асрлар – Гава Суғди вилояти *Навтака* деб аталган. Навтака вилояти Зарафшон тизмасидан бошланиб Ўрадарё воҳасигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Вилоят маркази Узунқир қалъаси бўлган.

Милоддан аввалги VII – VI асрлар – форслар Парсуа (кейинчалик Форс) вилоятига кўчиб, пасаргад уруғидан чикқан сардор – Ахмон атрофида бирлашган. Улар Шимолий Эламни бошқарганлар (У милоддан аввалги 600 – 559 йилларда ҳукмронлик қилган. Уларнинг дастлабки подшолари Кайхусрав I (Кир I) бўлган).

Милоддан аввалги VII аср ўрталари – VI аср ўрталари – Ўрта Осиё худудининг Мидияга тобе бўлиши. Зарина бошчилигидаги сакларнинг Мидияга қарши кураши.

Милоддан аввалги VII аср – милодий IV аср – Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида Қадимги Суғд (Суғдиёна) давлати мавжуд бўлган. Суғд мамлакати кейинчалик 3 тарихий-географик худуд (Самарқанд Суғди, Бухоро Суғди, Кеш-Нахшаб Суғди)ни бирлаштирган. Суғднинг пойтахт шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Кеш ва Нахшаб шаҳарлари бўлган.

Милоддан аввалги VII аср – милодий IV аср – Қадимги Хоразм (Катта Хоразм) давлати мавжуд бўлган. Хоразм ҳақидаги илк маълумотлар Авеста, Доро I нинг Биҳистун китобалари, қадимги юнон ва рим муаллифлари милетлик Гекатей, Геродот, Страбон ва бошқаларнинг асарларида учрайди.

Милоддан аввалги VII – II асрлар – Қадимги Бақтрия давлати мавжуд бўлган. У Амударёнинг юқори ва ўрта оқимидаги тарихий вилоятда жойлашган. Асосан Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий вилоятлари ҳамда Афғонистоннинг шимолий қисмини ўз ичига олган. Шимолда Суғд, жанубда ва жануби-шарқда Арахосия, Гандхара, ғарбда Марғиёна билан чегараланган. Марказий шаҳри Бақтра (Зариаспа) бўлган (Бақтрия мил. авв. VI – IV асрларда Ахоманийлар, Александр (Искандар), Салавкийлар салтанатлари, сўнгра мил. авв. III аср ўртасидан Юнон-Бақтрия подшолиги таркибига кирган; мил. авв. II асрда тохарлар томонидан босиб олингач, Тохаристон деб атала бошлаган).

Милоддан аввалги 672 йил – мидияликлар Каштарит раҳбарлигида оссурийларга қарши кураш бошлаб, уларни Мидиядан ҳайдаб чиқаришди.

Милоддан аввалги 670 йил – Мидия давлати ташкил топди, у Қадимги Шарқдаги қудратли давлатга айланди. Бироқ орадан кўп ўтмай скифлар таъсирига тушиб қолди (Мидия давлати мил. авв. 550 йилда Ахоманийлар давлати асосчиси Кир II томонидан тугатилди). Пойтахти – Эқбатана [ҳозирги Ҳамадон]. Тили – мидия тили. Аҳолиси – форсий тилли ва семит халқлари.

Милоддан аввалги 670 – 550 йиллар – Мидия давлати мавжуд бўлган.

Мидия давлати подшолари: Фравартиш, Киаксар [Увахшатра] (мил. авв. 625 – 585 й.), Астиаг ва бошқалар.

Милоддан аввалги 654 йил – саклар қавмининг етакчиси ва ҳарбий саркарда Алп Эр Тўнга [Афросиёб] томонидан Турон даштларида сак [шак] ёки скифлар [прототурк кавмлар]нинг дастлабки давлатига асос солинди. Бу давлат Турон давлати номи билан машҳур бўлган (Турон давлати кейинчалик Европа тадқиқотчилари томонидан прототурк [кўхна турклар] давлати деб номланган. Турон давлати ўрнида кейинчалик Туркистон давлати ташкил топди).

Турон давлати ҳукмдорлари: Алп Эр Тўнга [Афросиёб] (мил. авв. 654 – 626), Аморг, Тўмарис, Шу ва бошқалар.

Милоддан аввалги 639 йил – Элам оссурийлар, кейинчалик бобилликлар ва эронийлар томонидан босиб олинди.

Милоддан аввалги 626 йил – Турон давлати ҳукмдори Алп Эр Тўнга [Афросиёб] ўз давлатининг ғарбий қисми (ҳозирги Озарбайжон ҳудуди) да Мидия давлати (эронликлар)га қарши бўлган жангларнинг бирида ўлдирилди. Турон давлатини унинг ўлиmidан сўнг Аморг, Тўмарис, Шу ва бошқалар бошқарганлар.

Милоддан аввалги 625 – 585 йиллар – Мидия подшоси Киаксарнинг ҳукмронлик даври. У Мидиянинг энг буюк подшоси бўлган. Ҳарбий ислохотлар ўтказган.

Милоддан аввалги 618 – 554 йиллар – зардуштийлик динининг асосчиси Зардушт [Заратуштра] яшаган ва фаолият юритган давр.

Милоддан аввалги 614 йил – Киаксар қўшинлари Оссурияга бостириб кириб, унинг пойтахти Ашшурни вайрон қилди ва талади.

Милоддан аввалги 605 йил – Миср ва Оссурия қўшинлари билан Мидия ва Бобил қўшинлари ўртасида Кархимеш ёнида жанг бўлди.

Милоддан аввалги 590 йил – Мидия томонидан Урарту босиб олинди ва барҳам топди.

Милоддан аввалги 590 – 585 йиллар – Мидия ва Лидия уруши содир бўлди.

Милоддан аввалги 585 йил 28 май – Мидия – Лидия сулҳ шартномаси тузилган пайт қуёш тутилиши вақтига тўғри келди.

Милоддан аввалги 585 йил – подшо Киаксар вафот этди, Мидия тахтини унинг ўғли Астиаг эгаллади.

Милоддан аввалги 558 йил – Кайхусрав II (Кир II) томонидан Форс давлати [Ахоманийлар давлати]га асос солинди. Кайхусрав II Форсда Ахоманийлар салтанатини барпо этган (тахминан мил. авв. 558 – 550 й.). У Парсуа (Форс) тахтига мил. авв. 558 йилда ўтириб, Пасаргада шаҳрини барпо этди ва уни давлат пойтахтига айлантирди. У Мидия подшолигига барҳам берган. Ахоманийлар салтанати дунёдаги биринчи империя ҳисобланади. (Александр Македоний томонидан мил. авв. 330 йилда Ахоманийлар давлати тугатилди.) Пойтахти – Персеполь (50 000 киши), Пасаргада, Экбатана (50 000 киши), Суза (100 000 киши), Бобил (200 000 киши). Ёирик шаҳарлари – Персеполь, Бобил, Бақтра [Балх] (200 000 киши), Сарда (100 000 киши), Суза, Пасаргада, Экбатана, Мемфис (50 000 киши), Милет (40 000 киши), Дамашқ (40 000 киши), Мароқанд [Самарқанд] (40 000 киши), Сур (40 000 киши). Тили – қадимги форс, оромей, элам, аккад тиллари. Пул бирлиги – дарик. Аҳолиси – 50 млн. киши (мил. авв. 480 йил). Сулоласи – ахоманийлар. Давлат раҳбари – шаҳаншоҳ. Маъмурий бўлиниши – 20 сатраплик.

Милоддан аввалги 558 – 330 йиллар – Форс давлатида ахоманийлар сулоласининг ҳукмронлик даври.

Ахоманийлар [хохоманишлар] сулоласи: Ахоман [Хохоманиш] (? – мил. авв. 675), Теисп [Чишпиш] (мил. авв. 675 – 640), Арьярамна I (мил. авв. 640 – ?), Кир I [Куруш I] (мил. авв. 640 – 580), Камбиз I [Камбужия I] (мил. авв. 580 – 559); Буюк Кир II [Куруш II] (мил. авв. 558 / 550 – 530; Форс ва Аншанда мил. авв. 558 йилдан ҳокимлик қилган), Камбиз II [Камбужия II] (мил. авв. 530 – 522), Доро I [Дарий I; Дараявахуш I] (мил. авв. 522 – 486), Ксеркс I [Хшаяршан I] (мил. авв. 486 – 464), Артаксеркс I [Артахшатра I] (мил. авв. 464 – 424), Ксеркс II [Хшаяршан II] (мил. авв. 424), Согдиан [Суғдёна] (мил. авв. 423), Доро II [Дарий II; Дараявахуш II] (мил. авв.

423 – 404), Артаксеркс II [Артахшатра II] (мил. авв. 404 – 358), Артаксеркс III [Артахшатра III] (мил. авв. 358 – 337), Артаксеркс IV [Артахшатра IV] (мил. авв. 337 – 335), Доро III [Дарий III; Дараявахуш III] (мил. авв. 335 – 330); Артаксеркс V Бесс [Артахшатра V] (мил. авв. 330 – 329).

Милоддан аввалги 553 – 549 йиллар – ўзаро урушларда Кайхусрав II бобоси Астиаг қўшинларини енгиб, Мидия ва Эламни Парсуа (Форс)га қўшиб олди.

Милоддан аввалги 546 йил – Эрон шоҳи Кайхусрав II подшо Крезни Сарди ёнидаги жангда мағлубиятга учратиб, Лидияни босиб олди (Анатолиядаги Форс мулклари мил. авв. 333 йилгача мавжуд бўлган). Муросасиз жанглардан сўнг 150 йил ҳукм сурган Лидия подшолиги барҳам топди.

Милоддан аввалги 539 – 538 йиллар – Кайхусрав II Бобилни забт этиб, яҳудийларга қайта тикланган Қуддусни топширди.

Милоддан аввалги 530 – 529 йиллар – массагетлар маликаси Тўмариснинг Туронга бостириб кирган ахоманийлар шоҳи Кир II га қарши кураши ва ғалаба қозониши (юнон тарихчиси Геродот маълумотиغا кўра, бу жанг мил. авв. 530 йил июлда бўлган).

Милоддан аввалги 529 – 522 йиллар – Эрон шоҳи Камбиз II ўз фаолияти давомида тобе мамлакатлар ва Эрондаги исёнларни шафқатсизлик билан бостирди.

Милоддан аввалги 525 йил – Камбиз II Мисрни босиб олди (Миср мил. авв. 404 йилгача Форс давлати таркибида бўлди).

Милоддан аввалги 522 йил – Камбиз II Мисрда эканида Гаумата бошлиқ эронийлар исён кўтардилар, исённи бостириш учун Эронга қайтаётган Камбиз II йўлда ўлдирилди. Камбиз II ўлдирилгач, Гаумата Эрон тахтига ўтирди ва кўп ўтмай у ҳам фитначилар томонидан ўлдирилди.

Милоддан аввалги 522 – 486 йиллар – Доро I нинг Эронда ҳукмронлик даври. Бу даврда Форс империяси худуди Ҳинд дарёсидан Дунайгача чўзилди. Давлат сатрапликларга бўлинди. Солиқ тизими йўлга қўйилди. Империя учун ягона пул бирлиги – дорика қабул қилинди. Янги пойтахт – Парсуа (Форс)га асос солинди (мил. авв. 513 й.).

Милоддан аввалги 519 йил – Доро I нинг саклар устига юриши. Чўпон **Широқ** жасорати. Биҳистун қоя ёзувларида Турон қабилалари (саклар, суғдийлар, бактрияликлар, хоразмийлар) ҳақида ёзма маълумотлар.

Милоддан аввалги VI аср бошлари – Турон ва Эроннинг шарқида Зардушт – Заратуштра (юнонча Зороастр) томонидан зардуштийлик динига асос солинди. Зардуштийликнинг диний ислохотлари мидиялик коҳинлар томонидан ҳам қувватланди.

Милоддан аввалги V аср – сак тилида ёзилган энг қадимги манба – Иссиқ мозорқўрғони (Қозоғистон)дан топилган кумуш идишдаги ёзув (Иссиқ ёзуви).

Милоддан аввалги V – IV асрлар – Бухорода ҳукмдорларнинг дастлабки қароргоҳи Аркка илк марта асос солинди.

Милоддан аввалги 490 йил – Ўрта Осиё халқлари иштирокида юнонлар билан ахоманийлар ўртасида Марафон жанги бўлиб ўтди.

Милоддан аввалги 486 йил – Доро I 64 ёшида вафот этди.

Милоддан аввалги 486 – 465 йиллар – Ксеркс Эронда подшолик қилди.

Милоддан аввалги 484 – 481 йиллар – Миср ва Месопотамияда катта исёнлар кўтарилди. Ксеркс уларни қийинчилик билан бостирди.

Милоддан аввалги 480 йил – Ксеркс катта қўшин билан Юнонистонга бостириб кирди.

Милоддан аввалги 465 йил – Ксеркс ўлдирилди. Эрон тахтига Артаксеркс I ўтирди (ҳукмронлик йиллари мил. авв. 465 – 424 й.).

Милоддан аввалги 449 йил – Юнон – Эрон уруши эронийларнинг маглубияти билан якунланди.

Милоддан аввалги 449 йил – Сузада бўлган «Каллий сулҳи»га кўра, Эрон Кичик Осиёдаги кўп жойлардан ажралиб, унинг ҳарбий денгиз флоти Эгей денгизида сузишдан маҳрум этилди.

Милоддан аввалги IV аср – Ўрта Осиёнинг шимолида хунн қабила-ларининг ҳарбий иттифоқи ташкил топди.

Милоддан аввалги IV – III асрлар – шак кавмларига мансуб юечжи қабиалари Марказий Осиёнинг ғарбий қисмида яшаган.

Милоддан аввалги 358/354 – 280 йиллар – саркарда ва давлат арбоби Салавк I Никатор (Музаффар) яшаган ва фаолият юритган давр.

Милоддан аввалги 331 йил 1 октябрь – Гавгамела ёнидаги жангда эрон қўшинлари юнон қўшини томонидан яна тор-мор этилди.

Милоддан аввалги 329 йил – Александр Македоний (Македониялик Искандар) Ўрта Осиёга бостириб кирди. Саркарда *Спитамен* Зарафшон дарёси бўйида юнон-македон қўшинини тор-мор қилди.

Милоддан аввалги 329 – 328 йиллар – Ўрта Осиё халқлари машҳур саркарда Спитамен бошчилигида Александр Македонийга қарши кураш олиб бордилар.

Милоддан аввалги 329 – 327 йиллар – Александр Турон худудининг бир қисмини, кейинчалик эса Ҳиндистоннинг ғарбий вилоятларини босиб олди.

Милоддан аввалги 325 йил – Александр Икки дарё оралиги (Месопотамия)га қайтиб, Бобилни буюк салтанатининг пойтахтига айлантирди (Александр салтанатни янги пойтахтдан туриб 2 йил бошқаргач, мил. авв. 323 йилда вафот этди).

Милоддан аввалги 321 йил – Бақтрия ва Суғдиёна бир ҳокимликка бирлаштирилди.

Милоддан аввалги 315 йил – Александр томонидан тайинланган маҳаллий сатраплар юнон-македон сатраплари билан алмаштирилди.

Милоддан аввалги 312 йил октябрь – Бобил лашкарбоши Салавка I Никатор томонидан босиб олинishi билан Салавкийлар давлати ҳукмронлиги бошланган. Бу давлатга Александр Македонийнинг саркардаси Салавка (Салавк I) асос солган.

Милоддан аввалги 312 – 250 йиллар – Ўрта Осиёда Салавкийлар давлатининг ҳукмронлиги.

Милоддан аввалги 293 йил – Салавкийлар давлати асосчиси Салавка I ўғли Антиох I ни Ўрта Осиё ерларига ҳоким қилиб тайинлайди.

Милоддан аввалги 256 йил – Салавкийлар давлатининг Бақтриядаги сатрапи Диодот томонидан Юнон-Бақтрия подшолигига асос солинди. Бақтрия ва Суғдиёнадаги ҳукмрон юнонлар Салавкийлар подшолиги таркибидан чиқиб, ўз мустақил давлатларини тузишди. Диодот ўзини Бақтрия подшоси деб эълон қилди. Пойтахти – Бақтра [Балх], Александрия Эсхата [Чеккадаги Александрия; аввалги Кирополь; ҳозирги Тожикистондаги Истаравадан шаҳри].

Милоддан аввалги 256 – 55 йиллар – Юнон-Бақтрия подшолигига асос солинди.

Юнон-Бақтрия подшолари. Диодотлар сулоласи (Бақтрия, Суғдиёна, Фарғона ва Арахозияда ҳукмронлик қилишган) : Диодот I (мил. авв. 256 – мил. авв. 248), Диодот II (мил. авв. 248 – мил. авв. 235). *Евтидемидлар сулоласи (Бақтрия, Суғдиёна, Фарғона ва Арахозияда ҳукмронлик қилишган)*: Евтидем I (мил. авв. 235 – мил. авв. 200), Деметрий I (мил. авв. 200 – мил. авв. 185), Евтидем II (мил. авв. 200 – мил. авв. 190), Панталеонт (мил. авв. 185 – мил. авв. 175), Агатокл [Агафокл] (мил. авв. 180 – мил. авв. 165), Поликсен (? – мил. авв. 130), Зоил I (? – мил. авв. 125), Лисий (мил. авв. 120 – мил. авв. 115), Теофил (? – мил. авв. 85). *Антимахидлар (Арахозия, Гандҳара ва Панжобда ҳукмронлик қилишган)*: Антимах I (мил. авв. 190 – мил. авв. 180), Деметрий II (мил. авв. 180 – мил. авв. 165), Менандр [ҳиндча: Миллинда] (мил. авв. 155 – мил. авв. 130), Эпандер (? – мил. авв. 130), Антимах II (мил. авв. 130 – мил. авв. 125), Стратон I (мил. авв. 130 – мил. авв. 95), Филоксен (мил. авв. 125 – мил. авв. 115), Аполлодот (мил. авв. 115 – мил. авв. 95), Никий (мил. авв. 95 – мил. авв. 85), Зоил II (мил. авв. 95 – мил. авв. 80), Дионисий (мил. авв. 95 – мил. авв. 80), Аполлофан (мил. авв. 95 – мил. авв. 80), Гиппострат (мил. авв. 85 – мил. авв. 70), Стратон I (мил. авв. 80 – мил. авв. 75), Стратон II (мил. авв. 80 – мил. авв. 75). *Евкрадитлар сулоласи (Бақтрия ва Суғдиёнада ҳукмронлик қилишган)*: Евкрадит I (мил. авв. 171 – мил. авв. 166), Платон (мил. авв. 166 - ?), Гелиокл I (мил. авв. 155– мил. авв. 140), Евкрадит II (мил. авв. 140 – ?), Архебий (мил. авв. 130– мил. авв. 120), Гелиокл II (мил. авв. 120– мил. авв. 115), Антиалкид (мил. авв.

115– мил. авв. 95), Артемидор (? – мил. авв. 95), Певколай (? – мил. авв. 95), Диомед (мил. авв. 95 – мил. авв. 85), Телеф (мил. авв. 95 – мил. авв. 80), Аминта (мил. авв. 85 – мил. авв. 75), Гермей (мил. авв. 75 – мил. авв. 55) ва бошқалар.

Милоддан аввалги 250 йил – Салавкийлар давлатидан Парфия худуди ажралиб чиқди ҳамда мустақил Парфия давлати вужудга келди. Бу давлатга кўчманчи сак қавмларидан *парндах-парн* қабиласининг бошлиғи Аршак асос солган ва давлатни аршакийлар сулоласи бошқарган. *Аршак* сўзи *шакларнинг ботири* маъносини англатади. (Милодий 224 – 227 йилларда аршакийлар сулоласи бошқарган Парфия давлати худудини Сосонийлар босиб олди). Пойтахти – Нисо, Ктесифон (500 000 киши), Салавкия. Тили – парфия тили. Дини – зардуштийлик, митраизм. Аҳолиси – 20 млн. киши. Сулоласи – аршакийлар.

Милоддан аввалги 250 – милодий 227 йиллар – Парфия давлатида *аршакийлар* сулоласи ҳукмронлик қилган давр. Аршакийлар сулоласининг *аршакунгани* ёки Иберия аршакийлари ва *арроншоҳлар* ёки Кавказ Албанияси аршакийлари каби тармоқлари ҳам ҳукмронлик қилган.

Парфия подшолигидаги аршакийлар сулоласи: Аршак I (мил. авв. 250 – мил. авв. 211), Аршак II [Тиридат I] (мил. авв. 211 – мил. авв. 191), Фрияпатий [Приапат] (мил. авв. 191 – мил. авв. 176), Фраат I (мил. авв. 176 – мил. авв. 171), Митридат I (мил. авв. 171 – мил. авв. 138), Фраат II (мил. авв. 138 – мил. авв. 128), Артабон I [Артабон II] (мил. авв. 128 – мил. авв. 123), Митридат II (мил. авв. 123 – мил. авв. 88), Готарз I (мил. авв. 95 – мил. авв. 90), Ород I (мил. авв. 90 – мил. авв. 87), Аршак Теопатор Эвергет (мил. авв. 105 – мил. авв. 88; мил. авв. 80 – мил. авв. 70), Санатрукт (мил. авв. 77 – мил. авв. 70), Фраат III (мил. авв. 70 – мил. авв. 57), Ород II (мил. авв. 57 – мил. авв. 37), Митридат III (мил. авв. 56 – мил. авв. 55), Пакор I (? – мил. авв. 38), Фраат IV (мил. авв. 38 – мил. авв. 2), Тиридат II (мил. авв. 32), Митридат IV (мил. авв. 12 – мил. авв. 10), Фраат V [Фраатак] (мил. авв. 2 – милодий 4), Муза Парфия, Фраат Vнинг онаси; Ород III (милодий 4 – 7), Вонон I (7 – 12), Артабон II [Артабон III] (12 – 38), Фраат VI (35), Тиридат I (35 – 36), Киннам (37 – 38), Вардон I (39 – 47), Готарз II (41 – 51), Вонон II (51), Вологез I (51 – 78), Вардон II (55 – 58), Вологез II (77 – 80), Пакор II (78 – 110), Артабон III [Артабон IV] (80 – 81), Вологез III (105 – 147), Хосрой [Ороз] (109 – 128), Партамаспат (116), Митридат IV (128 – 147), Вологез IV (148 – 192), Ороз II (190), Вологез V (191 – 208), Вологез VI (208 – 228), Артабон I V (212 – 224) ва бошқалар.

Милоддан аввалги 240 йил – милодий 216 йил – Улуғ Хунн хоқонлиги (Хуннлар давлати) мавжуд бўлган. Бу давлат *Тангриқут Хунн* давлати номи билан ҳам машҳур. Европа манбаларида бу давлат Гуннлар давлати номи билан келтирилади. [Милодий 48 йилда Улуғ Хунн хоқонлиги давлати ик-

кига: Шарқий Хунн Тангрикут давлати ва Ғарбий Хунн Тангрикут давлатига бўлиниб кетди.]

Хунн Тангрикут ҳукмдорлари (мил. авв. 240 – милодий 48 йиллар): Туман (мил. авв. 240 – 210/209), Ботур Тангрикут (Модэ хоқон; Ўғузхон – мил. авв. 210/209 – 174), Қўкхон (мил. авв. 174 – 161), Кунхон (мил. авв. 161 – 126), Элчиши (мил. авв. 126 – 114), Ови (мил. авв. 114 – 105), Уйшилар (мил. авв. 105 – 102), Кулигу (мил. авв. 102 – 101), Кутигу (мил. авв. 101 – 96), Гулику (мил. авв. 96 – 85), Гуянди (мил. авв. 85 – 68), Шолой Канкуй (мил. авв. 68 – 60), Уякути (мил. авв. 60 – 58), Когошар (Хухейи I – мил. авв. 58 – 38), Кутиош (мил. авв. 38 – 31), Пожулоноти (мил. авв. 31 – 20), Шужуноти (мил. авв. 20 – 12), Кияноти (мил. авв. 12 – 8), Ужилоноти (мил. авв. 8 – милодий 13), Улуноти (13 – 18), Гудуарши Давганоти (18 – 21), Удатку (21 – 46/48).

Шарқий Хунн Тангрикут ҳукмдорлари (48 – 216 й.): Бай (Хухайи II – 48 – 56), Чупуноти (56 – 57), Илга Улути (57 – 59), Шитонси Суйготи (59 – 63), Кучи Килинди (63), Гуши Шису Кути (63 – 85), Илту Улути (85 – 88), Шулан Шису Кути (88 – 93), Арку (93 – 94), Тинду Шису Кути (94 – 98), Ванчи Шису Кути (98 – 124), Ужику Шису Кути (124 – 128), Кутино Шису Кути (128 – 140), Горанно Шису Кути (143 – 147), Иллин Шису Кути (147 – 172), Утино Шису Кути (172 – 178), Гужин (178 – 179), Канкуй (179 – 188), Кизи Шису Кути (188 – 195), Гучукан (195 – 216).

Ғарбий Хунн Тангрикут ҳукмдорлари (48 – 216 й.): Пану (48 – 83), Санмоло Отзи (83 – 84), Улук (84 – 89), Шимолий Тангрикут (89 – 91), Эл Текин (91 – 93), Пангу (93 – 118) ва бошқалар.

Милоддан аввалги 230 йил – Сугдиёна ноиби Евтидем I қўшинлари Диодот II қўшинларини енгиб, Бактрия тахтини эгаллади.

Милоддан аввалги 209 – 174 йиллар – Улуғ Хунн хоқонлиги [Хуннлар давлати] асосчиси Модэ хоқон [Ботур Тангрикут; Ўғузхон] ҳукмронлик қилган давр.

Милоддан аввалги 209 йил – Салавкийлар давлати подшоларидан Антиох III Парфия устига қўшин тортди. Жангда Парфия қўшинлари енгилди.

Милоддан аввалги 208 – 206 йиллар – салавкийлар подшоси Антиох III билан Евтидем I ўртасидаги юзага келган уруш сулҳ билан тугади.

Милоддан аввалги III аср – милодий V аср ўрталари – Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида Қанғха [Кангюй, Кангдиз, Кангуй] давлати мавжуд бўлган. Бу давлат дунёга Қанғ давлати номи билан машҳур бўлган.

Милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярми – Бактриянинг юнон подшоси Менандр Юқори Гангадан Паталипутра (ҳозирги Патна) худудигача бостириб кирди. У томонидан қабул қилинган буддавийлик дини эллин маданияти билан уйғунлашиб кетди.

Милоддан аввалги II аср – Буюк Ипак йўлининг очилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Милоддан аввалги II аср – сак қабилалари жанубга силжиб, Эрондаги Дранғиёна вилоятининг Хамун кўли атрофида жойлашди, шунинг учун, бу худудни Сакистон (Сейстон) деб аташди.

Милоддан аввалги II аср – милодий III аср – Фарғона водийсида Довон [Даван] давлати мавжуд бўлган. Бу давлат хитой манбаларида Даюань номи билан юритилган. Довон шаҳар ва воҳа ҳокимларининг эркин иттифоқидан иборат давлат эди. Улуғ хукмдор қароргоҳи Гушан ёки Эршида бўлган.

Милоддан аввалги II аср – милодий VI аср – Қовунчи маданияти мавжуд бўлган давр. Тошкент воҳасидаги Қовунчитепа харобасидан илк марта топиб ўрганилган. Қовунчи маданияти Тошкент воҳаси, Сирдарёнинг ўрта оқими ва Фарғонанинг шимоли-ғарбий қисмида тарқалган. Қовунчи маданияти даври икки босқичга бўлинади: 1-босқич – милоддан аввалги II – I асрлар; 2-босқич – милодий I – VI асрлар.

Милоддан аввалги 171 йил – Евкратит билан ўғли Гелиокл ўртасида низо чиқди. Евкратит ўғли Гелиокл томонидан ўлдирилди. Гелиокл Юнон-Бактрия давлати хукмдори бўлди.

Милоддан аввалги 171 – 138 йиллар – Парфияда шох Митридат I хукмронлик қилди.

Милоддан аввалги 165 йил – кўчманчи туркий қавм юечжилар хуннлар томонидан тор-мор қилинди; юечжи қабилалари Фарғона водийси ва Сирдарё хавзаси орқали ўтиб, Суғдни эгаллади ва Бактрияга хужум қилди.

Милоддан аввалги 162 йил – Юнон-Бактрия подшоси Евкратит Панжобга қўшин тортиб, уни босиб олди.

Милоддан аввалги 141 йил – Парфия шоҳи Митридат I Мидия билан Бобилни босиб олди ва ўзини Бобил подшоси деб эълон қилди. У Бобилдан салавкийларни кувиб чиқарди.

Милоддан аввалги 140 – 130 йиллар – Юнон-Бактрия давлатига шимоли-шарқ ва шимол томондан сак ва юечжи қабилаларининг шиддатли хужумлари бошланди. Бу хужумлар натижасида Юнон-Бактрия давлати ағдариб ташланди.

Милоддан аввалги 123 – 87 йиллар – Митридат II хукмронлиги даврида Парфия қўшинлари салавкийлар қўшинларини енгди. Улар Эрон ва Месопотамияни ишғол қилди.

Милоддан аввалги 101 йил – Даван пойтахти Эршининг хитойликлар хужумидан мудофааси.

Милоддан аввалги 100 йил – юнон ҳокимлари Бактриянинг жанубий худудларидан сиқиб чиқарилди.

Милоддан аввалги I аср охири – милодий I асрнинг биринчи ярми – Кушон подшолигининг асосчиси Кужула Кадфиз [Кадфиз I] яшаган давр.

Милоддан аввалги 53 йил – саркарда Красс бошлиқ Рим қўшинлари билан Парфия подшоси Ород (хукмронлик даври: милоддан аввалги 55 – 37) қўшинлари ўртасида жанглар бошланиб кетди.

Милоддан аввалги 38 йил – парфияликларнинг Мидияга қилган юришлари мағлубият билан тугади.

Милодий I аср бошлари – Кушон подшолиги ташкил топди. Бу давлатга кўчманчи юечжилар [тохарлар]нинг гуйшуан [кушон] кабиласи етакчиси Кужула Кадфиз [Кадфиз I] асос солган. Кушонларнинг дастлабки мулкларига Шимолий Бақтрия (ҳозирги Тожикистон ҳамда Ўзбекистоннинг жануби ва Туркманистоннинг жануби-шарқидаги ерлар) кирган. Ўрта Осиёда Кушон мулкларининг шимолий чегараси Ҳисор тизмаси бўйлаб ўтган, у ерлардаги тоғ дараларида ғоятда мустаҳкам чегара деворлари қурилган.

Милодий I – III / IV асрлар – Кушон подшолиги даври.

Кушон подшолари (Л.А. Боровкова талқини): Кужула Кадфиз [Кадфиз I] (20 – 80), Вима Кадфиз [Кадфиз II] (80 – 103), Канишка (103 – 125), Васишка (125 – 131), Хувишка (131 – 162), Васудева (166 – 200).

Кушон подшолари (Роберт Брэс талқини): Санаб (мил. авв. 30 – милодий 10), Кужула Кадфиз (10 – 60), Вима Такто (60 – 80), Вима Кадфиз (80 – 115), Канишка I (115 – 137), Хувишка (137 – 155), Васишка I (155 – 163), Канишка II (163 – 180), Васишка II [Васудева] (180 – 233), Канишка III (230 – 250), Васудева II ва Васишка (250 – 260), Васудева II (260 – 300), Шака (300 – 330), Гадахара (320 – 350), Ксандеш (335 – 336), Кипанада (330 – 360), Кидара (360 – 380) ва бошқалар.

Милодий 48 йил – Улуг Хунн хоқонлиги давлати Шарқий Хунн Тангрикут давлати ва Фарбий Хунн Тангрикут давлатига бўлиниб кетди.

58 йил – Парфия шоҳи Вологез I Рим империясига қарши курашди.

78 – 123 йиллар – Кушон подшоси Канишка I нинг ҳукмронлик даври. Бу даврда кушон-бақтрия тили давлат тили сифатида қабул қилинди, буддизмнинг янги мазҳаби – махаяна расмийлаштирилди. Давлат пойтахти Далварзинтепа (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шўрчи тумани худуди) дан Пешовар шаҳрига кўчирилди.

89 – 134 йиллар – Хунн хоқонлиги билан хитойликлар ўртасидаги уруш хитойликларга ғалаба келтирган. Торим воҳасидаги асосий шаҳарлар хуннлардан тортиб олинган (Хуннлар Қанғ давлати худудига чекиниб, икки асрга яқин мазкур давлат ерларида яшаганлар).

99 йил – Кушон элчилари Римга келди.

164 йил – Парфиянинг пойтахти Ктесифон римликлар томонидан вайрон қилинди ва ёндириб юборилди.

II аср охири – III аср бошлари – ўзаро ички урушлар Парфия давлатининг кучсизланиб қолишига олиб келди.

208 йил – Парфия давлати икки қисмга бўлинди.

216 – 277 йиллар – диний арбоб Моний ибн Фатак яшаган ва монийлик таълимотига асос солган.

224 йил – Сосонийлар давлати [пахлавийча: Эроншаҳр] ташкил топди. Сосонийлар уруғидан бўлган Форс шоҳи Ардашер Парфия шоҳи Артабон IV ҳокимиятига қарши чиқди. Ардашер I Ктесифонни босиб олиб, ўзини шаҳаншоҳ [шоҳлар шоҳи] деб эълон қилди ва бутун Эронда ҳокимиятни эгаллади. У пойтахтни Стаҳр шаҳридан Дажла дарёси бўйидаги Ктесифонга кўчирди. Парфиянинг жануби-ғарбида Парсуа [Форс] вилояти қайта юксалиб, сосонийлар сулоласи асос солган давлат ташкил топди (Сосонийлар давлати 651 йилда Араб халифалиги томонидан тугатилди). Пойтахти – Ктесифон. Тили – ўрта форс ва оромей тиллари. Дини – зардуштийлик, қисман манихейлик ва христианлик. Аҳолиси – форслар, арманлар, туркийлар, араблар, оссурийлар, яҳудийлар, иверлар. Сулоласи – сосонийлар. Давлат раҳбари – шаҳаншоҳ.

224 – 651 йиллар – Сосонийлар давлатида сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги даври. Сулолага Сосон ва давлатга Ардашер I асос солди. Сулоланинг номи Парсуа вилояти (Форс)нинг сосонийлар уруғидан бўлган биринчи шоҳи Папакнинг отаси Сосон номи билан аталган.

Сосонийлар сулоласи: Сосон [Анахита қоҳини], Папак, Сосон ўғли [Анахита қоҳини] (Истаҳрдат шоҳи: 209 – 219), Шопур, Папак ўғли (Истаҳрдат шоҳи: 219 – 220), Ардашер I Папакан, Папак ўғли (Истаҳрдат шоҳи: 220 – 224; Эроннинг буюк шаҳаншоҳи: 224 – 239), Феруз I, Ардашер I Папакан ўғли (Эроннинг буюк шаҳаншоҳи: 239), Шопур I, Ардашер I Папакан ўғли (Эроннинг буюк шаҳаншоҳи: 239 – 260; Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 260 – 274), Хурмузд I [Ормизд Ардашер], Шопур ўғли (Арманистон шоҳи: 260 – 274; Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 274), Хвармиздак (Арманистоннинг буюк шоҳи: 274), Шопур, Шопур I ўғли (Мешан шоҳи: 272), Хвармизд, Шопур ўғли (Ҳиндистон, Сакистон ва Тохаристон шоҳи: 276 – 291), Баҳром I, Шопур I ўғли (Гилон шоҳи: 260 – 262; Кирмон шоҳи: 262 – 274; Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 274 – 276), Баҳром II, Баҳром I ўғли (Ҳиндистон, Сакистон ва Тохаристон шоҳи: 274 – 276; Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 276 – 293), Баҳром III, Баҳром II ўғли (Ҳиндистон, Сакистон ва Тохаристон шоҳи: 291 – 293; Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 293), Атурфарнбаг (Мешан шоҳи: 282 – 293), Нарсех, Шопур I ўғли (Ҳиндистон, Сакистон ва Тохаристон шоҳи: 260 – 274; Арманистоннинг буюк шоҳи: 274 – 293; Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 293 – 302), Хурмузд II, Нарсех ўғли (Ҳиндистон, Сакистон ва Тохаристон шоҳи: 293 – 302; Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи:

302 – 309), Шопур II, Хвармизд II ўғли (Ҳиндистон, Сакистон ва Тохаристон шоҳи: 302 – 309; Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 309 – 379), Ардашер II, Шопур II ўғли (Кушоннинг буюк шоҳи: 330 – 379; Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 379 – 383), Шопур III, Шопур II ўғли (Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 383 – 388), Баҳром IV, Шопур II ўғли (Кушоннинг буюк шоҳи: 379 – 388; Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 388 – 399), Баҳром [Баҳром Гўр], Баҳром IV ўғли (Кушоннинг буюк шоҳи: 388 – 421), Яздигард I, Шопур III ўғли (Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 421 – 439), Яздигард II, Баҳром V ўғли (Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 439 – 457), Хурмузд III, Яздигард II ўғли (Кушоннинг буюк шоҳи: 421 – 457; Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 457 – 459), Феруз, Яздигард II ўғли (Кушоннинг буюк шоҳи: 457 – 459; Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 459 – 484), Балаш, Яздигард II ўғли (Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 484 – 488), Бачаган II, Яздигард II ўғли (Албания шоҳи: 487 – 510), Кубод I, Феруз II ўғли (Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 488 – 496; 498 – 531), Замасп, Феруз II ўғли (Арманистоннинг буюк шоҳи: ? – 496; Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 496 – 498), Нарсех, Замасп ўғли (Арманистоннинг буюк шоҳи: 496 – ?), Сурхоб, Замасп ўғли (Албания шоҳи: 496 – ?), Хусрав I [Ануширвон], Кавад I ўғли (Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 531 – 579), Хурмузд IV, Хусрав I ўғли (Эрон ва Анэраннинг буюк шаҳаншоҳи: 579 – 590), Хусрав II [Парвиз] (591 – 628), Кубод II (628), Ардашер III (628 – 632), Яздигард III (632 – 651).

Сосонийлар сулоласига мансуб бўлмаган шаҳаншоҳлар: Баҳром Чўбин [Баҳром VI] (590 – 591), Фаррухон Шаҳарваз (629).

239 йил – Ардашер I вафотидан кейин сосонийлар сулоласи тахтига унинг ўғли Шопур I ўтирди.

242 – 243 йиллар – сосонийлар шоҳи Шопур I Кушон подшолиги устидан галаба қозонди.

244 – 251 йиллар – сосоний кўшинлар Жанубий Арманистонни ва Қадимги Оссурияни босиб олди.

255 йил – Эрон шоҳи Шопур I Пешовар (Покистон)ни босиб олди. Айрим тарихчилар ёзишларича, унинг кўшинлари Самарқанд, Бухоро ва Тошкент (ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди)га ҳам бостириб кирган.

260 йил – Шопур I Рим императори Валерианни Месопотамиянинг шимолидаги Эдесса шаҳри яқинида бўлган жангда асирга олди.

274 йил – Эрон тахтига Хурмузд I нинг ўрнига унинг укаси Баҳром I (хукмронлик даври: 274 – 276) ўтирди.

III асрнинг иккинчи ярми ва IV аср – Форсдаги сосонийлар сулоласи Шарқдаги энг қудратли давлатга айланди.

III аср охирилари ва IV аср бошлари – ички қурашлар ҳамда ғарбдан сосоний кўшинлари ва шимолдан туркий қабилаларнинг шиддатли

хужумлари туфайли Кушон салтанати емирилиб, унинг ўрнида катта-кичик давлатлар ташкил топди.

305 йил – Хоразм Қанғ давлатидан ажралди. Африғ томонидан янги африғийлар сулоласига асос солинди. Давлат раҳбари – хоразмшоҳ. Пойтахт – Тупроққалъа, Ал-Фир [Кат].

305 – 995 йиллар – Хоразм давлатида африғийлар сулоласининг ҳукмронлик даври. Сулолага асос солган Африғ хоразмшоҳ Амударё соҳилида Ал-Фир шаҳрига асос солди ва пойтахтни кўчирди (997 йилда бу шаҳарни Амударё ювиб кетди). Туркистон ҳудудида ўрта асрлар тарихида энг кўп (690 йил) ҳукмронлик қилган сулола. Африғийлар сулоласи 995 йилда Маъмун ибн Муҳаммад томонидан тугатилди.

Африғийлар сулоласи (Беруний маълумотлари бўйича): Арсамух ибн Бузгор ибн Хомгорий ибн Шовуш Сихр ибн Аскожвор ибн Аскажмук ибн Саххасак ибн Бағра ибн Офриғ [Африғ].

309 – 379 йиллар – Эронда сосонийлар шоҳи Шопур Пнинг ҳукмронлик даври.

325 йил – Шопур II миллий синод (диний кенгаш) чақириб, зардуштийликнинг муқаддас китоби Авестанинг сўнгги таҳрирдаги матнини қабул қилди.

353 йил – хионийлар Суғд вилоятига кириб келди. Улар илк бор тарихий манбаларда қайд этилди (Аммиан Марцеллин маълумоти).

370 йил – V асрнинг иккинчи ярми – Хионийлар давлатининг ҳукмронлик даври. Ўрта Осиёда хионийлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Бу давлатга туркий қабилалардан хионийлар (европа манбаларида *оқ хунлар*) асос солган, давлатнинг маркази Зарафшон воҳасида бўлган (Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, дастлаб улар Олтой тоғлари атрофида яшаганлар ва IV асрнинг биринчи ярмида жануби-ғарбга силжиб, Амударё ва Сирдарё оралиғига кириб келишган. Бу ерда улар дастлаб Зарафшон воҳасини эгаллаб, жанубга ҳаракат қилишган ва анча заифлашиб, сосонийлар Эронига қарам бўлиб қолган Кушон подшолиги ўрнини эгаллаганлар. Маркази Тохаристон бўлган Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Хуросоннинг бир қисмини ҳам ўз ичига олган Хионийлар давлатини барпо қилишган).

394 – 555 йиллар – Биринчи Авар хоқонлиги ташкил топди. Бу давлат баъзи манбаларда Авар хонлиги (Жужан хонлиги) ҳам дейилади. Хонлик ҳудуди шарқда Корея, шимолда Байкал кўли, жанубда Мўғулистон чўллари, ғарбда Қорашаҳаргача бўлган ҳудудни эгаллаган (Айрим манбаларда бу давлат 402 – 555 йилларда мавжуд бўлганлиги айтилади).

Авар хоқонлари: Толун I (394 – 410), Холиу (410 – 414), Талан (414 – 429), Ути (429 – 444), Тогачин (444 – 464), Учин (464 – 485), Толун II (485 – 492), Нагай (492 – 506), Токхан (506 – 508), Чуну (508 – 520), Бирахман

(520 – 521), Ай Нагай (521 – 552), Тоба (552 – 553), Динхо (553), Кут (553), Диншузи (553 – 555) ва б.

399 йил – Эрон тахтини Баҳром IV ўрнига Яздигард I (Шопур III нинг ўғли) эгаллади.

V аср бошлари – Иссиққўлнинг ғарбида хуннлар Юебань (Яйпан) давлатини ташкил этган. Бу давлат кейинчалик Или водийси ва унинг жанубидаги ерларни ўз назорати остига олган.

418 – 468 йиллар – Кидарийлар давлати фаолият юритди. Кўчманчи чорвадор аҳоли – тохарлар кушонларнинг авлодларидан бўлиб, Кидар исмли ҳукмдор уларнинг йўлбошчиси эди. Шунинг учун улар кидарийлар номи билан тилга олинади. Кидарийлар Амударё хавзаси ҳамда Ғарбий ва Жанубий Сирдарё ерларини ишғол этиб, Хионийлар давлатининг жанубий қисмида ўз давлатларига асос солганлар. Давлат пойтахти аввал Қашқадарё воҳасида, сўнгра Балх шаҳри бўлган.

420 – 579 йиллар – прототурк Эфталитлар давлати қарор топди. Бу давлат манбаларда Оқ хуннлар давлати деб ҳам айтилади. Унга эфталитлар, хайталлар, абдаллар, йе-да каби турли номлар билан айтилган эфталит қабилалар иттифоқи асос солган. Эфталитлар давлатига Суғдиёна ва Бактрия, Афғонистон ва Гандхара (Шимолий Ҳиндистон) ҳудуди кирган. Эфталитлар Эрон ҳудудининг катта қисми ва Панжобни ҳам эгаллашган. Турк ҳоконлиги томонидан тугатилган. Давлат пойтахти аввал Бухоро яқинидаги Пойкенд ва Варахша шаҳарлари, сўнгра Ҳиндистондаги Шакала шаҳри (ҳозирги Сиалкат) бўлган.

Эфталитлар давлати ҳукмдорлар: Оқ Сивар (420 – 470), Эфталон (470 – 490), Тороман [Тўрамон] (490 – 515), Миҳиракула [Меҳрикор] (515 – 540), Гатфар (540 – 565), Фаганиш (565), Вахшунвор [Ахшунвар; Хушнавоз] (565 – 579) ва бошқалар.

421 – 439 йиллар – Эронда Яздигард I нинг ўғли Баҳром V (Баҳром Гўр)нинг ҳукмронлик даври.

434 – 453 йиллар – хуннлар подшоҳи Атиланнинг ҳукмронлик даври.

435 – 800 йиллар – Суғд ихшидлари [*ҳукмдорлари*] конфедерацияси мавжуд бўлган. Суғднинг марказий пойтахтлари Самарқанд, Бухоро ва Кеш шаҳарлари бўлган (Бу пайтда Бухоро тарихий вилоятини туркий эларслонийлар сулоласи подшолари бухорхудотлар ҳамда вардонхудотлар бошқарганлар. Суғд мамлакати [Самарқанд Суғди, Бухоро Суғди, Кеш-Нахшаб Суғди] VII аср охирларида Араб халифалиги томонидан тугатилди).

Суғд ихшидлари (435 – 800 йиллар): Гайвуди (435 – 440); Шифу-ти (VI аср сўнгги чораги); Тайшеби (VI аср охири), Каймочжо [Кюе-му-чжи; Чю-мучжи; Цюймучжи] (600 – 620); Шишпир [Шашеби; Шишбир] (640/642 –

650/655), Авархуман [Вархуман; Фухуман] (650/655 – 675), Урк Вартрамука (675 – 695), Тукаспадак [Дусабаты] (695 – 698), Мастич Унаш [Ўнўк] ва Нинешиш [Нинйешиши] (698 – 700); Тархун [Тухун] (700 – 710), Ғурак [Улэга] (710 – 738), Турғар [Улэга] (738 – 750); Баничур [Мо-чжо; Ёазид] (780 – 800) ва бошқалар.

Кеш ихшидлари (640 – 760 йиллар): Тичо (640 – 642), Шишпир (642 – 655), Чжаоу Шиагйе (656 – 660); Хуттал подшосининг амакиваччаси (660 – 680); номаълум ҳукмдор (700 – 720); Вик (720 – 727), Ахубидо [Ахурпат] (727 – 730), Ёаньтунь (731 – 738), Хубо Ёаньтунь ўғли (738 – 739), Сицзиньги – ал-Ишканд (739 – 746), Ихрид (747 – 752), Таран (752 – 760) ва бошқалар.

435 – 893 йиллар – Уструшона мулки мавжуд бўлган ва уни афшинлар идора этган. Уструшона вилояти Сирдарёнинг чап қирғоғи билан Сангзордарё оралиғидаги худуд (ҳозирги Ўзбекистоннинг Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг асосий қисми ҳамда Тожикистоннинг шимоли-ғарбий қисми)ни ўз ичига олган. Уструшона дастлаб 435 йилда Хитой манбаларида Цао номи билан тилга олинган. Бу мулк ҳам аввал Эфталитлар давлати ва Турк хоқонлиги, сўнгра Араб халифалиги таркибида бўлган. Уструшона афшини Ҳайдар бошчилигидаги халифалик кўшини 835 – 837 йилларда Озарбайжондаги Бобек кўзғолонини бостирган. Сомонийлар давлати томонидан 893 йилда Уструшона мулки тугатилди. Давлат раҳбари – афшин. Пойтахти – Бунжикат. Тили – суғд. Дини – зардуштийлик.

Уструшона афшинлари [ҳукмдорлари]: Чирдмиш, Сатачари I, Раханч I; Сатачари II, Сатачари III, Раханч II, Раханч III; Харабуға [Қорабуға] (720 – 738), Ханахара [Хонқора] (738 – 800), Кобус (800 – 825), Ҳайдар [Афшин] (825 – 840), Ҳасан (840 – 860), Абдуллоҳ (860 – 880), Сайр (880 – 893) ва бошқалар.

451 – 452 йиллар – Аттила бошчилигидаги хуннлар Рим империяси кўшинларини тор-мор қилиб, Шимолий Италиянинг Аквилея вилояти, Альтинум, Педую, Милан ва бошқа шаҳарларини эгаллашган; Рим қамал қилиниб, катта бож эвазига омон қолган. Сўнгра Аттила кўшинлари Дунай дарёси ортига қайтган.

457 йил – эфталийлар шоҳи Вахшунвор Чағониён, Тохаристон ва Бадахшонни забт этди.

460 йил – IX аср ўрталари – Турфонда дастлабки давлат мавжуд бўлган. У тош битикларда Кўчў (Кужу), хитой манбаларида Гаочан давлати деб номланган (Кўчў давлатининг пойтахти ҳозирги Турфон шаҳридан 40 км шарқда жойлашган Қора-Кўчў шаҳри бўлган. Бу давлат асосида 850 йилда Уйғур Эдикут ёки Турфон давлати пайдо бўлган).

470 – 529 йиллар – маздакийлик таълимотининг асосчиси ҳамда ва маздакийлар ҳаракатининг раҳбари Маздак ибн Ҳамадон яшаган ва фаолият юритди. Зардушт коҳинлари ҳамда зодагонларига қарши деҳқон ва хунармандлар кўзғолонига бошчилик қилган Маздак 529 йилда кўзғолон бостирилгач, қатл этилган.

Қадимги Ҳиндистон

Милоддан авалги III минг йилликнинг иккинчи ярми – қадимги Панжоб ва Ҳинд дарёси водийси тепасида подшо бошқарадиган давлатлар вужудга келди.

Милоддан аввалги III – II минг йилликлар – Ҳинд воҳасида ҳисобнинг ўнлик тизими мавжуд бўлган.

Милоддан аввалги 2400 – 1800 йилликлар – Ҳинд дарёси соҳилларида (ҳозирги Ҳиндистон ва Покистонда) кўплаб шаҳарлар бўлган. Уларнинг энг йириклари: Хараппа ва Моҳенжо-Доро шаҳарлари ҳисобланган.

Милоддан аввалги XVI – XIII асрлар – Хараппа ва Моҳенжо-Доро шаҳарлари харобага айланиб, инқирозга юз тутди.

Милоддан аввалги 1500 йил – Турондан келган орийлар Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий ҳудудларига бостириб кирди. Уларнинг бир қисми Помир, Ҳиндикуш ва Жанубий Бадахшондан ўтиб, Панжоб вилоятини босиб олди.

Милоддан аввалги I минг йиллик ўрталари – деҳқончилик Ганг водийси хўжалигининг асосий тармоғига айланди.

Милоддан аввалги I минг йиллик бошлари – Ҳиндистонда подшо бошқарадиган давлатлар қайтадан ташкил топди.

Милоддан аввалги IX – VI асрлар – Ганг воҳаси ва Шимолий Ҳиндистонда хўжалик аста-секинлик билан ривожланди.

Милоддан аввалги IX – VII асрлар – Ҳиндистонда браҳманизм дини вужудга келган. Браҳманизмда асосан уч худо: Браҳма, Шива ва Вишну эътиборли ҳисобланган. Браҳма яратувчи ва бошқарувчи олий худо ҳисобланган.

Милоддан аввалги 623 – 544 йиллар – буддавийлик динининг асосчиси Сиддхартҳа Гаутама [Будда] яшаган ва фаолият юритган.

Милоддан аввалги VI аср бошлари – Ҳиндистонда буддавийлик дини вужудга келган. Унга Будда асос солган. Ҳинд шаҳзодаси Сиддхартҳа Гаутама Бодхи қишлоғида ўз янги таълимотини эълон қилиб, Буддага айланди. Сиддхартҳа Гаутама буддавийлик динининг асосчиси ҳисобланган. *Будда* санскритча сўз бўлиб, хотиржам, нурланган, олий ҳақиқатга эришган маъносини беради.

Милоддан аввалги VI аср – Ганг-Жамна воҳаси ва Шимолий Ҳиндистонда 20 дан ортиқ катта-кичик давлатлар бўлган.

Милоддан аввалги VI – V асрлар – Шимолий Ҳиндистонда ҳукмронликни кўлга олиш учун давлатлар ўртасида шиддатли жанглар бўлди. Подшо Бимбасара даврида Магадха кучайди ва у Ганг воҳасидан Бенгалгача бўлган ҳудудни босиб олди.

Милоддан аввалги VI аср охири – V аср бошлари – Ҳиндистонда кумуш тангалар зарб этилди.

Милоддан аввалги VI – IV асрлар – Ҳиндистондаги давлатлар сув ва қуруқлик орқали савдо-сотик ишларини олиб борганлар.

Милоддан аввалги V аср – Ҳиндистонда браҳми, кхарошти, арамей, гупта ва бошқа ёзувлардан фойдаланилган.

Милоддан аввалги 527 йил – Ҳиндистонда жайнизм таълимотининг асосчиси Махавира вафот этди.

Милоддан аввалги IV аср бошлари – санскрит тилидаги ҳинд эпоси «Маҳобхарата» яратила бошланди. Бу эпосга мил. авв. IV асрдан милодий IV асргача тартиб берилган.

Милоддан аввалги 345 йил – Уграсен Нанд Магадха подшосини енгиб, тахтни эгаллади. У қудратли Нанда подшолигига асос солди.

Милоддан аввалги 329 – 327 йиллар – Македония подшоси Александр Македоний Турондаги жанглардан сўнг, 120 минг кишилик кўшин билан Ҳиндикуш ва Помир тоғларидан ошиб ўтди.

Милоддан аввалги 325 йил – Александр Ҳинд ва Панжобда озрок кўшин тортиб тургач, Ҳиндистонни тарк этиб, Бобилга қайтди.

Милоддан аввалги 317 йил – Ҳиндистонда Чандрагупта бошчилигида кўзғолон кўтарилиб, юнон-македон кўшинлари Ҳинд воҳасидан бутунлай қувиб чиқарилди. Магадха ҳукмдори Чандрагупта катта кўшин билан Нанд шоҳи аскарларини енгиб, тахтни эгаллади ва дастлабки буюк ҳинд давлати – Маурья империясига асос солди (мил. авв. 180 йилда Маурья империяси тугатилди). Пойтахти – Паталипутра [ҳозирги Патна]. Тили – ҳинд-орий тиллари: магадҳи, пракрит, санскрит. Дини – ҳиндуийлик [индуизм], буддизм, жайнизм, аживика. Майдони – 5 млн. км².

Милоддан аввалги 317 – 180 йиллар – Маурья империяси мавжуд бўлган давр.

Маурьялар [Маурья] сулоласи: Чандрагупта Маурья (мил. авв. 320/317 – 298), Биндусара (мил. авв. 298 – 272), Ашока (мил. авв. 268 – 232), Дашаратха (мил. авв. 232 – 224), Сампрати (мил. авв. 224 – 215), Салишука (мил. авв. 215 – 202), Деваварман (мил. авв. 202 – 195), Сатадханван (мил. авв. 195 – 187), Брихадратха (мил. авв. 187 – 180) ва б.

Милоддан аввалги 317 – 298 йиллар – Ҳиндистонда подшо Чандрагуптанинг ҳукмронлиги даври.

Милоддан аввалги 298 – 272 йиллар – Маурия подшоси Биндусара ҳукмронлиги даври.

Милоддан аввалги 268 – 232 йиллар – Маурия подшоси Ашока ҳукмронлиги даври. Бу даврда Мауриялар сулоласининг ҳукмронлиги ўз чўққисига чиқди. Ашока будда динини қабул қилди ва унинг кенг тарқатилишига ҳомийлик қилди.

Милоддан аввалги 200 йил – милодий **400 йил** – Ҳинд-Скиф подшолиги мавжуд бўлган. Бу давлат Ҳиндистон ва Турон ҳудудида ташкил қилинган. Пойтахти – Сигал, Таксила, Матхура. Тили – скиф-сармат, форс, санскрит тиллари. Дини – ҳиндуийлик, буддавийлик, зардуштийлик.

Милоддан аввалги 180 – 10 йиллар – Шимолий Ҳиндистонда Ҳинд-Юнон давлати мавжуд бўлган. Давлатни Евтидем авлодлари бўлган юнон подшолари бошқарган.

Милоддан аввалги 180 – 68 йиллар – Ҳиндистонда шунглар сулоласи мамлакатни бошқарди. Лашкарбоши Пушьямитра томонидан мауриялар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Брихадратха ўлдирилган ва янги шунглар сулоласига асос солинган.

Милоддан аввалги 175 йил – подшо Деметрий Ҳиндистонда жанг олиб борди.

Милоддан аввалги I аср – саклар томонидан Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбидаги Гандҳара вилоятида Ҳинд-Сак давлати барпо этилди.

Милодий 320 йил – Шимолий Ҳиндистонда гупталар сулоласига Чандрагупта I асос солган. Сулола томонидан Гупта давлати ташкил қилинди. Бу пайтда ҳиндуизм таълимоти пайдо бўлди (Тахминан 600 йилда Гупта давлати тугатилди). Пойтахти – Паталипутра [ҳозирги Патна]. Тили – санскрит. Дини – ҳиндуийлик, буддавийлик. Давлат раҳбари – маҳарожа.

320 – 350 йиллар – Ҳиндистонда Чандрагупта I ҳукмронлиги даври.

320 – 600 йиллар – қадимги ҳинд империяси Гупталар давлати мавжуд бўлган.

Гупталар сулоласи: Шри-Гупта (275 – 300), Гхатотача (300 – 320); Чандрагупта I (320 – 350), Самудрагупта (350 – 376), Чандрагупта II Викрамадитья (376 – 415), Кумарагупта I (415 – 455), Скандагупта (455 – 470), Кумарагупта II (470 – 475), Будхагупта (475 – 500), Вайньягупта (500 – 515), Нарасимхагупта (515 – 530), Кумарагупта III (530 – 540), Вишнугупта (540 – 550) ва б.

376 – 415 йиллар – Чандрагупта II подшолик қилган давр. Бу пайтда Гупталар давлати равақ топди.

415 – 455 йиллар – Ҳиндистонда Кумарагупта I нинг ҳукмронлик даври. У мамлакатнинг шимоли-ғарбига ҳужум қилган кўчманчи эфталит қабилаларига қарши кураш олиб борди.

465 – 550 йиллар – Ҳинд дарёси воҳасини эгаллаган хуннлар бу ҳудудни бошқардилар.

V аср охири – VI аср ўрталари – Ҳиндистонда Эфталитлар давлати фаолият юритган. Бу давлат Тўрамон ва унинг вориси Михиракула даврида кудратли бўлган.

Қадимги Хитой

Милоддан аввалги III минг йиллик – Хитойдаги қабилалар таркок ҳолда яшаганлар.

Милоддан аввалги III – II минг йилликлар – хуннларнинг аجدодлари овчилик, дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, тирикчилик ўтказганлар.

Милоддан аввалги II минг йиллик бошлари – ся хонадонига мансуб кишилар қабилаларни бирлаштириб, Шарқий Хитойда давлат барпо этди.

Милоддан аввалги II минг йиллик – Хитойда дастлабки ёзув кашф этилди ҳамда астрономик кузатишлар бошланди.

Милоддан аввалги XXI – XVI асрлар – Хитойда афсонавий ся сулоласи ҳукмронлик қилди.

Милоддан аввалги XVIII аср охири – 1025 йиллар – шанг-инь сулоласининг ҳукмронлиги даври. Хитойда бронзадан буюмлар ясалган.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярми – хуннларнинг асосий қисми кўчманчи чорвадор кўринишида яшаган.

Милоддан аввалги 1766 – 1122 йиллар – Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимида даставвал Шанг, сўнгра Инь деб номланган (Шанг-Инь даври) илк давлат тузуми ташкил топди. Бу давлатни Чен Тан исмли шахс барпо этиб, уни ўз қабиласи Шанг номи билан атади. Бу давлатни кейинчалик инь сулоласи бошқарди.

Милоддан аввалги XVI – XI асрлар – Хитойда инь (шанг-инь) сулоласининг ҳукмронлиги даври. Милоддан аввалги 1027 йилда Чжоу қабиласи инь сулоласи ҳокимиятини ағдариб ташлади.

Милоддан аввалги 1500 йил – милоднинг V асри – хуннлар Осиё ва Европа тарихида муҳим роль ўйнади. Бу даврда хуннлар Хитойдаги қадимги давлатлар: ся сулоласи (мил. авв. 21 – 16 асрлар), инь сулоласи (мил. авв. 16 – 11 асрлар), чжоу сулоласи (мил. авв. 11 аср – мил. авв. 256 йил), цинь сулоласи (мил. авв. 221 – 207 йиллар), хань сулоласи (мил. авв. 206 йил – милоднинг 220 йили) билан кўшничилик муносабатида бўлишди.

Милоддан аввалги XIII аср охири ва XII аср бошлари – Хитойда Шанг-Инь давлати кучсизланиб қолди.

Милоддан аввалги XII аср бошлари – Хитойда чжоу қабилалари ҳукмдор Чан (Маърифатпарвар ҳукмдор) бошчилигида бирлашиб кучайди.

Милоддан аввалги XII – VIII асрлар – Хитойда Ғарбий Чжоу подшолиги даври.

Милоддан аввалги 1027 йил – У-Ван (Жанубий хукмдор) бошчилигида катта қўшин Шанг-Инга бостириб кирган.

Милоддан аввалги 1027 – 256/247 йиллар – Хитойда чжоу сулоласининг хукмронлик даври. Сулолага Чжоу қабиласининг сардори У Ван томонидан милоддан аввалги 1027 йилда асос солинди. Чжоу сулоласи икки даврга бўлинади: ғарбий чжоу сулоласи (милоддан аввалги 1027 – 771 йиллар) ва шарқий чжоу сулоласи (милоддан аввалги 770 – 256/249 йиллар). Чжоу сулоласи Цинь подшолиги томонидан тугатилди.

Милоддан аввалги VIII аср бошлари – Хуанхэ дарёсининг юқори оқимида яшаган кўчманчи жун қабилалари Чжоу ерларига бостириб кирди. Ю-Ван подшолиги даврида чжоулар ярим кўчманчи жунлар билан жанг олиб борди.

Милоддан аввалги VIII – III асрлар – Хитойда Шарқий Чжоу подшолиги даври.

Милоддан аввалги 770 йил – подшо Пин-Ван жунлар ҳужумидан доимий хавфда бўлган подшолик пойтахтини Хаодан Лоянга, яъни шарққа кўчирди.

Милоддан аввалги VII – IV асрлар – Шарқий Хитой майда подшоликларга бўлиниб кетди.

Милоддан аввалги 517 йил – Хитойда даосизм таълимотининг асосчиси Лао-Цзи вафот этди.

Милоддан аввалги V аср – хитойликлар ипакдан тайёрланган мато парчасига битиклар ёзишган.

Милоддан аввалги 479 йил – Хитойда конфуцийлик таълимотининг асосчиси Конфуций вафот этди.

Милоддан аввалги 403 – 221 йиллар – Хитойда чжоу сулоласи хукмронлиги пайтида Чжаньго (Курашаётган подшоликлар) даври. Чжаньго даврида мамлакатда хукмронлик қилиш учун курашаётган еттита подшолик ажралиб чиққан. Еттита кудратли хукмдор минтақада гегемон бўлиш учун ўзаро курашдилар. Ўзаро урушлар Цинь империясининг барпо этилиши билан якунланди.

Милоддан аввалги 361 – 338 йиллар – Хитойда подшо Сао-чун даврида Син подшолиги кучайди.

Милоддан аввалги III – II асрлар – Хитойга Ҳиндистондан Ўрта Осиё орқали будда дини кириб келди ва кенг ёйилди.

Милоддан аввалги 246 йил – Хитойда Син подшолиги тахтига 13 ёшли Ин Чжэн [Цинь Шихуанди] ўтирди.

Милоддан аввалги 230 йил – Син подшоси Ин Чжэн Хан подшолиги кўшинларига қаттиқ зарба бериб, унинг ерларини босиб олди.

Милоддан аввалги 228 – 221 йиллар – Син подшоси Ин Чжэн томонидан олиб борилган шиддатли урушлар натижасида Шарқий Хитойдаги Чжао-Вэй, Чу, Си, Ян подшоликларининг қўшинлари тор-мор этилди.

Милоддан аввалги 221 йил – Шарқий Хитойни бирлаштириш жараёни ниҳоясига етди. Бу ишни биринчи Хитой императори Цинь Шихуанди [Ин Чжэн] амалга оширди. Цинь империяси ташкил топди; Буюк Хитой деворининг қурилиши Цинь Шихуанди ҳукмдорлиги даврида бошланди. Бу девор Хитойни хуннлар ва бошқа кўчманчи қабилалар ҳужумидан ҳимоя қилди (Девор бундан 2300 – 2200 йиллар илгари қуриб битказилганига қарамай, унинг қўп қисми ҳозиргача ҳам яхши сақланиб қолган).

Милоддан аввалги 221 – 206 йиллар – Хитойда цинь императорлар сулоласи ҳукмронлик қилди. Сулолага Цинь Шихуанди асос солди. Пойтахти – Сяньян шаҳри. Цинь сулоласи ҳукмронлиги даврида Хитойда илк марта марказлашган давлат тузилди (Милоддан аввалги 206 йил октябрида қўзғолончиларнинг Лю Бан бошчилигидаги қўшини цинь сулоласига барҳам берди).

Цинь сулоласи ҳукмдорлари: Цинь Ши-хуанди (Ин Чжэн: милоддан аввалги 221 – 210 йиллар; Цинь подшолиги ҳукмдори: милоддан аввалги 246 йилдан); Эрши-хуанди (Ин Хухай: милоддан аввалги 209 – 207 йиллар); Цзиин (Ин Цзиин: милоддан аввалги 207 йил).

Милоддан аввалги 220 йил – милодий 200 йил – қадимги чорвадор халқ бўлган прототурк хунн [мўғулча: *хунну*, *хун гурэн*; хитойча: *сюнну*] қабилалари Турон пасттекислигидаги даштлардан келиб, Хитойнинг шимолий қисмида ўрнашдилар. (Хуннлар томонидан милоддан аввалги 240 йилда Улуғ Хунн хоқонлиги [Хуннлар давлати]га асос солинди. Бу давлат милодий 216 йилгача мавжуд бўлган.)

Милоддан аввалги 210 йил – Хитой подшоси Цинь Шихуанди оғир касалликдан сўнг 48 ёшида вафот этди. У Шэньси музофотидаги Чаньянь масканида (Сиань шаҳридан 33 км шарқда) дафн этилди (Тарихчи Сима Цзяннинг ёзишича, император вафот этганидан сўнг унинг ёнига рафикалари, қариндошлари, хизматкорлари ва соқчилари, жами 70 мингга яқин киши ўлдирилиб, биргаликда қўмилган. Император Цинь Шихуанди жасади билан биргаликда лойдан ясалган 8099 жангчининг ҳайкали, 2 та бронза арава ҳамда бошқа қимматбаҳо буюмлар қўшиб дафн этилган. Археологлар томонидан 1974 йилда мазкур ер остидаги улкан мақбара топиб ўрганилди).

Милоддан аввалги 209 йил – Хитойда подшоликнинг турли жойларида қўзғолонлар бошланиб кетди.

Милоддан аввалги 207 йил – Хитойда қўзғолончилар Саньян шаҳрини ишғол қилди.

Милоддан аввалги 206 йил – кўзғолончилар ўз раҳбарлари Лю Банни «Хань вани (ҳокими)» деб эълон қилишди. Хитойда цинь сулоласи тугатилди, Лю Бан (у кейинчалик Хань Гао цзу деб аталган) янги хань сулоласига асос солди. Хань империяси ташкил топди. Пойтахти – Чанъань, Лоян. Сулоласи – хань.

Милоддан аввалги 206 йил – милодий 220 йил – Хитойда хань императорлар сулоласи ҳукмронлик қилди. Хань сулоласи Хань давлатини бошқарган ва Хитой халқининг номи ҳам хань (хани) бўлган. Сулола икки босқичдан иборат бўлган: катта хань сулоласи ва кичик хань сулоласи. Хань сулоласи уч даврга бўлинади: Фарбий Хань – Сихань (милоддан аввалги 206 йил – милодий 8 йил); Янги Синь – Цяньхань (милодий 9 – 23 йиллар); Шарқий Хань – Дунхань (25 – 220 йиллар). Биринчи хань сулоласининг асосчиси Лю Бан, у Гао цзу номи билан милоддан аввалги 206 – 195 йилларда, иккинчи хань сулоласининг асосчиси Лю Сю бўлиб, у Гуян У-Ди номи билан милодий 25 – 57 йилларда мамлакатни бошқарган. Ҳар икки сулола деҳқонлар кўзғолонлари натижасида юзага келган ва тугатилган. «Сарик белбоғликлар» кўзғолони натижасида Хань сулоласи милодий 220 йилда тугатилган ва Хитойда Уч подшолик даври бошланган.

Милоддан аввалги 202 йил январь – Гайся ёнидаги жангда Лю Бан кўшинлари Сян Юй кўшинлари устидан ғалаба қозонди.

Милоддан аввалги 200 йил – Хитойда Лю Бан – Гао цзу билан хуннлар устига бостириб борган. Ўша йили хань сулоласи ҳукмдорлари пойтахтни Чанъань (ҳозирги Сиань) шаҳрига кўчирдилар.

Милоддан аввалги 200 йил – Хань подшоси Лю Бан хуннлар устига кўшин тортди.

Милоддан аввалги II асрнинг биринчи ярми – Хуннлар давлатининг энг кучайган даври.

Милоддан аввалги II аср – Хитойда «Математиканинг тўққиз китоби» номли асар яратилди.

Милоддан аввалги II аср ўрталари – I аср бошлари – Хань кўшинлари ҳарбий юришлар уюштириб, салтанат чегараларини кенгайтди.

Милоддан аввалги 197 – 10 йиллар – Усун кунбеклари (гуньмолари) давлати фаолият юритди. Бу давлатга кўчманчи туркий усунлар (усун қабиласи) асос солган (Тангритоғнинг шарқида яшаган усунлар мил. авв. III аср охири – II аср бошларида шарққа силжиб, хуннлар орасига, ҳозирги Гансу ўлкасининг шимоли-шарқидаги Эрсин яйлови) бориб жойлашган. Усунларнинг гуньмоси (кунбеги, хони) Нандубей юэйжилар томонидан ўлдирилган. Усунлар кейинчалик ўзбек халқи таркибидаги уйшун уруғини ташкил этган).

Усун кунбеклари: Надоми [Нандубей] (мил. авв. 197 – 177); Лие-Жиаобек (177/160 – 150); Рагоми (мил. авв. 150 – 104), Куншуми (мил. авв. 104 – 93),

Унгуми (мил. авв. 93 – 60), Ними (мил. авв. 60 – 53), Уйгут (мил. авв. 53 – 33), Янгуми (мил. авв. 53 – 51), Шинми (мил. авв. 51 – 33), Жисуми (мил. авв. 33 – 16), Эл Коми (мил. авв. 16 – 10) ва б.

Милоддан аввалги 174 – 161 йиллар – хуннлар йўлбошчиси Маошин подшолик қилган (Унинг даврида юэйжилар билан 25 йил давомида олиб борилган уруш бошланди).

Милоддан аввалги 145 – 90 йиллар – Хитой тарихчиси Сима Цянь яшаган давр. У «Тарихий хотиралар» китобини ёзган. Бу китобда Хитойнинг энг қадимги даврдан бошлаб милоддан аввалги II аср охиригача бўлган тарихи баён этилган.

Милоддан аввалги 140 – 87 йиллар – Хитойда Хань салтанатида У-Ди подшолик қилган.

Милоддан аввалги 138 – 125 йиллар – Хитой сайёҳи Чжан Сянь Қанг, Юэйжи, Кушон, Довон ва Бактрия ҳукмдорлари ҳузурида бўлган.

Милоддан аввалги 130 – 111 йиллар – Хитой императори У-Ди жануби-ғарбдаги кўчманчилар устига икки марта қўшин юборган.

Милоддан аввалги 127 – 119 йиллар – хитойликлар хуннларни енгиб, дастлабки ғалабага эришган.

Милоддан аввалги 126 йил – Хань қўшини Ганьсуни босиб олди ва Шарқий Туркистонда тўхтатилди.

Милоддан аввалги 123 йил – Хитой қўшинлари хуннларни Хань салтанатининг шимолий чегараларидан суриб чиқардилар.

Милоддан аввалги 120 – 119 йиллар – Хань қўшинлари Дунхуангача бўлган ерларни босиб олдилар.

Милоддан аввалги 119 йил – кўчманчи хуннлар Шимолий Хитой ҳудудида Хань давлатидан мағлубиятга учради. Буюк Ипак йўли устидан назорат вақтинча Хань империяси ихтиёрига ўтди.

Милоддан аввалги 115 йил – хитойлик Чжан Сянь илгари ўзи юрган йўлдан Ўрта Осиёга яна қайтиб борган.

Милоддан аввалги 109 йил – Хань давлати (Хитой) қўшини Чосон мамлакати (биринчи корейс давлати)ни босиб олди.

Милоддан аввалги 104 – 101 йиллар – Хитой императори У-Ди қўшинлари Довон (Фарғона) мамлакатига ўтиб, унинг пойтахти Эршини камал қилди.

Милоддан аввалги 99 – 90 йиллар – хуннлар билан хитойликлар ўртасида кўплаб қақшатқич урушлар бўлиб ўтди ва унда кўпинча хуннлар ғолиб чиқдилар.

Милоддан аввалги 71 йил – хитойликлар Енисей бўйидаги туркий қабилалар билан ҳарбий иттифоқ тузиб, хуннларга уч томондан ҳужум қилдилар.

Милоддан аввалги 37 йил – Когурё давлати ташкил топди. Когурё корейс уруғларидан бирининг номи бўлиб, улар Кореядаги энг қадимги давлатга асос солишди. (Когурё давлати милодий 668 йилда тугатилди.) Пойтахти – Чольбон (мил. авв. 37 – милодий 3), Куннэ (3 – 427), Пхеньян (427 – 668). Тили – когурё. Дини – мусок, конфуцийлик, даосизм, буддизм. Аҳолиси – 3,5 млн киши (668).

Милоддан аввалги 37 йил – милодий 668 йил – Когурё давлати мавжуд бўлган давр.

Милоддан аввалги 32 – 39 йиллар – тарихчи Бан Гу яшаган. У «Хань подшолари тарихи» асарини ёзган.

Милоддан аввалги I аср – хитойликлар қоғозни кашф этишган.

Милодий 8 йил – Хитойда кўтарилган кўзғолон натижасида ҳокимият тепасига чиққан Ван Ман бир қанча ислохотлар ўтказди.

18 йил – Шандунда Фан Чун бошчилигида кўзғолон бошланган. У «Қизил қошлар» кўзғолони номини олган.

22 йил – Хитойда император Ван Ман кўзғолончилар устига юз минг кишилик кўшин юборди.

23 йил – Ван Ман кўшинлари билан кўзғолончилар ўртасида аёвсиз жанг бўлиб, подшо кўшинлари тор-мор этилган. Кўзғолончилар Чаньянь шахрини эгаллаган. Подшо Ван Ман ўлдирилган.

25 йил – Хитойда Лю Сю ўзини подшо деб эълон қилган ва пойтахтни Чаньяндан Лоянга кўчирди. Шарқий ёки кичик хань сулоласи ҳукмронлиги бошланди.

25 – 220 йиллар – Хитойда кичик хань сулоласи ҳукмронлик қилган (Унинг асосчиси Лю Сю Гуан У-Ди номи билан подшоликни 25 – 57 йилларда бошқарган).

58 – 75 йиллар – Хитойда Мин Ди (Лю Чжуан)нинг императорлик даври. Бу пайтда хитойликлар Тарим дарёси воҳасини босиб олишди, лашкарбоши Бань Чао хуннлар кўшинини енгиб, Шарқий Туркистонни босиб олди.

87 – 93 йиллар – хитойлар сяньби ва динликлар билан иттифоқ бўлиб, хуннларни тор-мор келтирди.

148 – 535 йиллар – Сяньби (сайибиллар) подшолиги даври. Бу давлат Сяньби салтанати ҳам дейилган. Бу давлатга қадимги Хитой шимолида яшаган туркий қабилалар иттифоқи сяньби (сайибиллар) асос солган. (Сяньби атамаси Хитойнинг шимоли-шарқидаги тоғ номидан олинган. Сяньбиларнинг тўба сяньби деб аталган қисми Мўғулистонда қолиб, Сўнги Ян (Хоуян), Ғарбий Ян (Сиян), Жанубий Ян (Нанян) каби хонликларни барпо этган. Сяньбиларнинг мурун қабиласи III асрнинг биринчи ярмида ҳозирги ХХРнинг Кўкйўл ўлкасига кўчиб, у ердаги чянларни тобе қилган ва Ту-йохун давлатини ташкил этган. Тўба Сяньбилар 386 йили Тўба Гўй бош-

чилигида Шимолий Вэй хонлиги (Тўба хоқонлиги)ни ташкил этишган; хоқонлик 386 – 535 йилларда мавжуд бўлган).

Сянби империяси хоқонлари (148 – 235 йиллар): Таншигуй (148 – 181), Горан (181 – 216), Куйту ва Будокин (216 – 233; биргаликда), Кибанин (233 – 235).

Тўба сянби хукмдорлари (235 – 394 йиллар): Кипан (236 – 261), Ливи (261 – 277); Лифу, Чав, Фу (учаласи 277 – 297 йилларда хукмрон бўлган), Ута (Йиту; 297 – 310), Йилу ва Лагван (310 – 316; биргаликда), Юлу (316 – 325), Гоно (325 – 330), Кекина (330 – 335; 337 – 338), Йихэй (335 – 337; 338 – 376), Текин (378 – 380), Фугин (380 – 386), Кейи (386 – 394).

Тўба давлати хоқонлари (386 – 535 йиллар): Тўба Гўй (Дао У-ди; 386 – 409), Тўба Си (Мин Юань-ди; 409 – 423), Тўба Тав (Тай У-ди; 423 – 452), Тўба юй (Инь; 452), Тўба Цзюнь (Вэнь Чэн-Ди; 452 – 465), Тўба Хун (Сянь Вэнь-Ди; 465 – 471), Юань Хуан (Сяо Вэнь-Ди; 471 – 499), Тўба Ко (Сюань У-Ди; 499 – 515), Тўба Сюй (Сяо Мин-Ди; 515 – 528), Тўба Цзи-ю (Сяо Чжуан-Ди; 528 – 531), Юань Е (Дунхай-Ван; 530 – 531), Цзэ Минь-Ди, Юань Гун (Цянь Фэй-Ди; 531 – 532), Юань Лан (Хоу Фэй-Ди; 531 – 532), Юань Сю (Сяо У-Ди; 532 – 535).

184 йил – Хитойда кўзғолон бошланиб, унга «оқил ва шахсий муаллим» деб ном олган машхур табиб Чжан Сзяо ва унинг икки укаси раҳбарлик қилган (Кўзғолон 20 йил давом этган ва мағлубият билан тугаган).

185 йил – Хитойда кўзғолончилар билан бўлган жанглار натижасида кўзғолон раҳбари Чжан Сзяо ҳалок бўлган, кейинчалик кўзғолончилар ҳам енгилган.

188 – 207 йиллар – Хитойда Хань подшолигининг кўп ҳудудларида йирик кўзғолонлар бўлиб ўтди.

I – II асрлар – кўшни туркий халқларнинг арфасимон мусика асбоблари Хитойга кириб борган.

II асрнинг иккинчи ярми – Хань салтанатида истибодод кучайиб, ижтимоий-сиёсий вазият кескинлашган.

III аср бошлари – Хань подшолигидан Вэй, Шу, У каби давлатлар ажралиб чиқди.

220 – 265/280 йиллар – Хитойда Уч подшолик ёки Саньго даври. Уч подшолик (Вэй подшолиги – 220 – 225 йиллар; Шу подшолиги – 221 – 263 йиллар; У подшолиги – 222 – 280 йиллар) даври 265/280 йилда тугаб, мамлакат ғарбий цзинь сулоласи хукмронлиги остига бирлаштирилди.

220 – 581 йиллар – Хитойда ички можаролар даври бошланди. Уч подшолик даври (220 – 280 й.)да империя учта мустақил давлатга бўлинди: шимолий – Вэй (пойтахти – Лоян), уни Цао Цаонинг ўғли Цао Пэй бошқарди; марказий – Шу (пойтахти – Чэнду), шаҳзода Хань Лю Бэен томонидан асос солинди; жанубий – У (пойтахти – Вуманг, сўнгра Нанкин).

229 йил – Нанкин шаҳри Хитойдаги У давлатининг пойтахти деб эълон қилинди.

265 йил – Вэй подшолиги тугатилди. Ҳокимиятни эгаллаган Сима Ян янги ғарбий цзинь сулоласига асос солди. Пойтахти – Лоян; Цзянькан (ҳозирги Нанкин). Сулоласи – цзинь.

265 – 420 йиллар – Хитойда цзинь императорлар сулоласи ҳукмронлик қилган. Цзинь сулоласи икки даврга бўлинади: ғарбий цзинь сулоласи (265 – 316) ва шарқий цзинь сулоласи (317 – 420). Ғарбий цзинь сулоласига лашкарбоши Сима Ян асос солди, у У-Ди номи билан 265 – 280 йилларда император бўлди. Давлат пойтахти – Лоян шаҳри. Кўчманчи хуннлар томонидан 316 йилда ғарбий цзинь сулоласи ағдариб ташланди. Империя амалдорларидан бири Сима Жуй 317 йилда шарқий цзинь сулоласига асос солиб, Юань-Ди номи билан тахтга ўтирди. Шимолий Хитойда 386 йилда хитой бўлмаган сулолалар ҳокимият тепасига келди. Ички курашлар оқибатида шарқий цзинь сулоласи тугатилиб, 420 йилда сун сулоласи ҳокимиятга келди.

280 йил – Ғарбий цзинь сулоласи императорлари Хитой ҳудудининг яхлит бутунлигини тиклади.

308 йил – жанубий хуннлар Шимолий Хитойни эгаллади.

313 йил – Когурё давлати (Корея)дан хитойликлар суриб чиқарилди. Кейинчалик Когурё ҳар жиҳатдан ривожланган давлатга айланди.

316 йил – Лоян шаҳри Чаньянь (Сиань) [Шимолий Хитой]дан бўлган хуннлар лашкарбошиси томонидан эгалланди.

330 йил – Жужан хоқонлиги [мўғулча: Нирун] ташкил топди (Хоқонлик 555 йилда тугатилди). Тили – жужан. Дини – шомонизм, буддизм. Майдони – 4 млн. км² (405). Сулоласи – юйцзюлюй.

330 – 555 йиллар – Жужан хоқонлиги мавжуд бўлган давр.

386 йил – Тўба Гўй бошчилигида туркий сяньби қабилалари Шимолий Хитойда Шимолий Вэй давлатига асос солдилар. Хитойда шимолий вэй сулоласи ўз давлатининг пойтахти қилиб Чаньянь (Хоэндан ғарбда жойлашган) шаҳрини эълон қилди.

386 – 535 йиллар – Тўба сяньбиларнинг Шимолий Вэй хонлиги (Тўба хоқонлиги) фаолият кўрсатди.

386 – 581 йиллар – *Шимолий Хитойда шимолий сулолалар ҳукмронлиги даври* (Шимолий сулолалар кўчманчи туркий халқлар томонидан тузилган):

Шимолий Хитойда Шимолий Вэй (Тўба Вэй ёки Юань Вэй) сулоласи ва давлати (386 – 535 йиллар)нинг ҳукмронлик даври. Бу давлатнинг асосчиси туркий сяньби қабилалари иттифоқига кирган тўбалар қабиласининг дохийси Тўба Гўй ҳисобланади. У Дао У-Ди номи билан давлатни 386 – 409 йилларда бошқарди. Тўба хоқонлиги (Тўба Вэй давлати) 534 – 535 йил-

ларда икки подшолик: Шарқий Вэй (534 – 550) ва Ғарбий Вэй (535 – 557) давлатларига ажралиб кетди;

Шимолий Хитойда Шарқий Вэй (Тўба Вэй) сулоласи ва давлати (534 – 550 йиллар)нинг ҳукмронлик даври. Бу сулолага Сяо Цзин-Ди (Юань Шань-Цзянь) асос солиб, 534 – 550 йилларда ҳукмронлик қилди;

Шимолий Хитойда Ғарбий Вэй (Тўба Вэй) сулоласи ва давлати (535 – 557 йиллар)нинг ҳукмронлик даври. Бу сулолага Вэнь-Ди (Юань Бао-Цзюй) асос солиб, 535 – 551 йилларда ҳукмронлик қилди.

Ғарбий вэй (тўба вэй) сулоласи: Вэнь-Ди (Юань Бао-Цзюй) (535 – 551), Фэй-Ди (Юань-Цинь) (552 – 554), Гунн-Ди (Юань Ко) (554 – 557);

Шимолий Хитойда шимолий ци сулоласи (550 – 577 йиллар)нинг ҳукмронлик даври. Бу сулолага Минь-Ди (Юйвэнь Цзюэ) 557 йилда асос солган. 581 йилда шимолий чжоу сулоласи ҳам суй сулоласи томонидан тугатилган. **Шу билан Хитойда икки аср ҳукмронлик қилган кўчманчи туркий халқларнинг сулоалари тугатилди.**

Шимолий Хитойда шимолий чжоу сулоласи (557 – 581 йиллар)нинг ҳукмронлик даври.

Бу сулолага Минь-Ди (Юйвэнь Цзюэ) 557 йилда асос солган. 581 йилда шимолий чжоу сулоласи ҳам суй сулоласи томонидан тугатилган. **Шу билан Хитойда икки аср ҳукмронлик қилган кўчманчи туркий халқларнинг сулоалари тугатилди.**

386 – 589 йиллар ва 420 – 589 йиллар – Хитойда жанубий ва шимолий сулоалар даври. Жанубий Хитойда сун сулоласи (420 – 479), ци сулоласи (479 – 502), лян сулоласи (502 – 556), чэнь сулоласи (557 – 589) фаолият юритган. Пойтахти – Цзянканг (ҳозирги Нанкин) шаҳри. Шимолий Хитойда ажнабий халқларнинг сулоалари ҳукмронлик қилган. Сэньби туркий қабилалари Шимолий Хитойда Тўба Вэй ёки шимолий вэй сулоласи (386 – 535), шарқий вэй сулоласи (534 – 550), ғарбий вэй сулоласи (535 – 557), шимолий ци сулоласи (550 – 577), шимолий чжоу сулоласи (557 – 581) га асос солдилар. Бу сулоаларнинг пойтахтлари Пинчэн (ҳозирги Датун), Лоян, Йе (ҳозирги Хэнань музофотида), Чаньянь шаҳарлари бўлган.

420 – 589 йиллар – *Жанубий Хитойда жанубий сулоалар ҳукмронлиги даври:*

Жанубий Хитойда Сун сулоласи ва давлати (420 – 479 йиллар)нинг ҳукмронлик даври. Сун сулоласига ҳарбий қўмондон Лю Юй томонидан асос солинди, у У-Ди (жанговар хоқон) номи билан 420 – 422 йилларда тахтга ўтирди. Сун сулоласи халқ ўртасида лю сунг сулоласи деб ҳам номланади. Давлат пойтахти – Цзянканг шаҳри. Бу сулола ўзаро низолар натижасида ци сулоласи томонидан 479 йилда тугатилди;

Жанубий Хитойда Ци сулоласи ва давлати (479 – 502 йиллар)нинг ҳукмронлик даври. Бу сулолани нань ци (жанубий ци) сулоласи деб ҳам

айтишади. Сулолага Сяо Даогэн асос солди, у Гао-Ди номи билан 479 – 482 йилларда давлатни бошқарди. Пойтахти – Цзянканг шаҳри. Бу сулола 502 йилда лян сулоласи томонидан тугатилди;

Жанубий Хитойда Лян сулоласи ва давлати (502 – 557 йиллар)нинг хукмронлик даври. Сулолага Сяо Янь асос солиб, у У-Ди номи билан 502 – 549 йилларда давлатни бошқарди. Лян сулоласи 557 йил чэнь сулоласи томонидан тугатилди;

Жанубий Хитойда Чэнь сулоласи ва давлати (557 – 589 йиллар)нинг хукмронлик даври. Лашкарбоши Лэн Чэнь Ба-сянь томонидан сулолага асос солинган, у У-Ди номи билан 557 – 559 йилларда давлатни бошқарди. 589 йилда чэнь сулоласи суй сулоласи кўшини томонидан тугатилиб, Хитойни бирлаштириш тугалланди.



ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОН ВА РИМ

Қадимги Юнонистон

Милоддан аввалги IV – III минг йилликлар – Жанубий Юнонистонда ибтидоий уруғ жамоаси емирила бошлади.

Милоддан аввалги III минг йиллик охири – Юнонистонда Микен шаҳар-давлатига Дунай бўйидан келган ахей ва маҳаллий юнон қабилалари асос солди.

Милоддан аввалги III минг йиллик охири ва II минг йиллик бошлари – Юнонистонда қулчилик вужудга келди. Юнонистон худудида дастлабки қулдорлик давлатчалари ташкил топди.

Милоддан аввалги III минг йиллик охири – II минг йилликнинг биринчи ярми – Юнонистонда Пилос шаҳар-давлати ташкил топди.

Милоддан аввалги III – II минг йилликлар – крит-микен маданияти равақ топди.

Милоддан аввалги II минг йиллик – Аттиканинг ғарбидаги текислик ўртасидаги тепалиқда катта қалъа қурилди. Юнонлар уни Акрополь дейишган. Кейинчалик у Афина шаҳрига асос бўлди.

Милоддан аввалги 2000 йил – Критда Кносс ҳукмдорининг улкан ва муҳташам саройи қурилди.

Милоддан аввалги 1750 йил – Критда қаттиқ zilзила бўлиб, Кносс саройи ҳам вайрон бўлди.

Милоддан аввалги XVI – XV асрлар – Крит Ўрта Ер денгизи ҳавзасида энг кучли қулдорлик давлатига айланди.

Милоддан аввалги XVI – XIII асрлар – Юнонистонда Пилос давлати равақ топди.

Милоддан аввалги XV асрнинг иккинчи ярми – Крит давлати zilзила, вулқон ва денгиз тўлқинлари натижасида емирилди.

Милоддан аввалги XV – XIII асрлар – Юнонистонда Микен қулдорлик давлати ривожланди.

Милоддан аввалги XIII – XII асрлар – Дунай бўйидаги дорий қабилалари ибтидоий жамоа тузумининг сўнгги босқичидан ўтишди. Дорийлар Юнонистонга ҳужум қилиб, уни босиб ола бошладилар.

Милоддан аввалги XII – XI асрлар – Юнонистонга темир қириб келди ва ундан фойдаланиш ҳунармандчиликнинг ривожига жуда катта таъсир кўрсатди.

Милоддан аввалги XI – IX асрлар – Афинани оксоқоллар кенгаши ва шу кенгаш сайлаб қўйган 9 хоким идора қилди.

Милоддан аввалги IX – VIII асрлар – Афина Аттиканинг бош шаҳри ва марказига айланиб, тез ривожлана бошлади.

Милоддан аввалги IX – VIII асрлар – юнонлар Қора ва Ўрта Ер денгизи соҳилларида ўзларининг дастлабки манзилгоҳларини қуриб, маҳаллий аҳоли билан савдо-сотик ва мол айирбошлаш ишларини олиб бордилар.

Милоддан аввалги VIII аср – юнонларда «ўрта асрлар даври» тугади. Юнон дунёси эндиликда шаҳар полислари асосида қуриладиган бўлди.

Милоддан аввалги VIII – VII асрлар – Афинада истибдодга асосланган давлат қарор топди.

Милоддан аввалги VIII – V асрлар – Ўрта Ер денгизининг шимолий соҳиллари – Корсика, Сардиния, Сицилия ороллари, Апеннин ярим ороли соҳилларида ташкил топган манзилгоҳ шаҳарлар ривожланди.

Милоддан аввалги 776 йил – Юнонистон [Греция]да биринчи Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. У Олимпия шаҳрида худо Зевс шарафига уюштирилган эди. Ўйинлар 5 кун давом этган. Олимпиада ўйинлари ҳар 4 йилда мунтазам равишда ўтказиб турилди (милодий 394 йилгача).

Милоддан аввалги 750 йил – юнон колониялари вужудга келди: Кум (Жанубий Италияда), Киклид архипелагидаги Наксос ороли, Сиракуз ва Сицилия (Буюк Грецияда).

Милоддан аввалги VII аср охирлари – Юнонистонда бойлар ва аслзода деҳқонлар Атикадаги ерларнинг катта қисмини эгаллаб олдилар.

Милоддан аввалги VII аср – Афинада Драконт исмли хоким томонидан тузилган «Драконт қонунлари»да жинойтчиларни жазолаш учун каттик жазолар белгиланди.

Милоддан аввалги VII аср – Мессения (Юнонистон)да катта қўзғолон кўтарилди.

Милоддан аввалги VII – VI асрлар – Спартада кучли қулдорлик давлати вужудга келди.

Милоддан аввалги VII – VI асрлар – қадимги юнон театри пайдо бўлди.

Милоддан аввалги VII – IV асрлар – Юнонистон Гомер, Гесиод, Геродот, Демокрит, Протагор, Гиппократ, Сукрот, Платон (Афлотун) ва Аристотель (Арасту) каби улуғ сиймоларни инсониятга етказиб берди.

Милоддан аввалги 660 йил – Босфор бўғози [туркча: Истанбул бўғози]нинг Европа соҳилида Византий шаҳри дастлаб юнон полиси сифатида ташкил топди. Бу шаҳар кейинчалик Янги Рим, Константинополь, Истанбул номлари билан ўрта асрларда Европадаги энг машҳур пойтахт шаҳар бўлди.

Милоддан аввалги 600 йил – Олимпия шаҳрида Гера ибодатхонаси қурилди.

Милоддан аввалги VI аср бошлари – шиддатли жанглار ва ўтказилган ислохотлар натижасида Аттика демоси (оддий халқи) катта ғалабани қўлга киритди.

Милоддан аввалги VI – V асрлар – Кичик Осиёнинг ғарбий соҳилидаги Милет шаҳри илм-фан марказига айланди.

Милоддан аввалги VI – II асрлар – санъатда скиф «хайвон услуби» шаклланди.

Милоддан аввалги VI – I асрлар – Лаконика вилояти (Пелопоннес ярим ороли)да Спарта (Лакедемон) юнон шаҳар-давлати фаолият юритган. Спартани агидлар ва еврипонтидлар сулоласи вакиллари бошқарган (Спарта давлати римликлар томонидан босиб олинган ва мил. авв. 27 йил Рим империясининг Ахайя провинцияси таркибига кирган).

Спарта шаҳар-давлат подшолари (агидлар сулоласи): Лев (мил. авв. VI аср); Анаксандрид (мил. авв. 560 – 520 й.), Клеомен I (мил. авв. 520 – 491 й.), Леонид I (мил. авв. 491 – 480 й.), Плистарх (мил. авв. 480 – 459 й.), Плистоанакт (мил. авв. 459 – 409 й.), Павсаний (мил. авв. 409 – 395 й.), Агесиполид I (мил. авв. 395 – 380 й.), Клеомброт (мил. авв. 380 – 371 й.), Агесиполид II (мил. авв. 371 – 370 й.), Клеомен II (мил. авв. 370 – 309 й.), Арей I (мил. авв. 309 – 265 й.), Акротат (мил. авв. 265 – 262 й.), Арей II (мил. авв. 264/262 – 254 й.), Леонид II (мил. авв. 254 – 243 й.), Клеомброт II (мил. авв. 243 – 241 й.), Леонид II (2-марта; мил. авв. 241 – 235 й.), Клеомен III (мил. авв. 235 – 221 й.), Эвклид (мил. авв. 221 – 219 й.), Агесиполид III (мил. авв. 219 – 215 й.) ва бошқалар;

Спарта шаҳар-давлат подшолари (еврипонтидлар сулоласи): Агасикл (VI аср бошлари); Аристон (мил. авв. 550 – 515 й.), Демарат (мил. авв. 515 – 491 й.), Левтихид (мил. авв. 491 – 469 й.), Архидам II (мил. авв. 469 – 427 й.), Агис II (мил. авв. 427 – 399 й.), Агесилай II (мил. авв. 399 – 360 й.), Архидам III (мил. авв. 360 – 338 й.), Агис III (мил. авв. 338 – 331 й.), Эвдамид I (мил. авв. 331 – 305 й.), Архидам IV (мил. авв. 305 – 275 й.), Евдамид II (мил. авв. 275 – 244 й.), Агис IV (мил. авв. 244 – 241 й.), Евдамид III (мил. авв. 241 – 228 й.), Архидам V (мил. авв. 228 – 227 й.), Евклид (мил. авв. 227 – 221 й.); Ликург (мил. авв. 219 – 212 й.), Маханид (мил. авв. 212 – 206 й.), Пелоп (мил. авв. 212 – 200 й.), Набис (мил. авв. 195 – 192 й.) ва бошқалар.

Милоддан аввалги 594 йил – Афинада шоир Солон ҳоким (архонт) этиб тайинланди. У зодагонларга хос барча имтиёзларни тугатиб, қулдорлик демократияси тараққиёти учун катта йўл очиб берди.

Милоддан аввалги 525 – 456 йиллар – юнон адабиётининг йирик намояндаларидан бири Эсхил яшаган. У «трагедия отаси» сифатида машҳур.

Милоддан аввалги 500 – 480 йиллар – Афайи (Эгина)да Афина ибодатхонаси қурилди.

Милоддан аввалги V аср – Мирон, Поликлет ва Фидий каби ҳайкалтарошлар яшаб ижод этган давр. Улар Юнонистоннинг энг машҳур ҳайкалтарошлари ҳисобланадилар.

Милоддан аввалги V аср – Афина кулдорлик демократияси ўзининг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Милоддан аввалги V – IV асрлар – Афина ва Юнонистоннинг бошқа шаҳарларида тепаси очик театр бинолари қурилди. Бу даврда юнон ҳайкалтарошлиги ва рассомчилиги ўз тараққиётининг юқори босқичига кўтарилди.

Милоддан аввалги V – II асрлар – Боспор подшолари сулоласи спартокийлар ҳокимият тепасида турган. Сулолага Спартак I асос солган.

Спартокийлар сулоласи: Спарток I (мил. авв. 438 – 433), Сатир I (мил. авв. 433 – 389), Левкон I (мил. авв. 389 – 349), Спарток II (мил. авв. 349 – 344), Перисад I (мил. авв. 344 – 310), Евмел (мил. авв. 310 – 304), Спартак III (мил. авв. 304 – 284), Перисад II (мил. авв. 284 – 245), Спартак IV (мил. авв. 245 – 240), Левкон II (мил. авв. 240 – 220), Спартак V, Перисад III, Перисад IV; Перисад V (мил. авв. 125 – 109) ва бошқалар.

Милоддан аввалги V – II асрлар – Болқон ярим оролининг шимоли-шарқида Қадимги Македония давлати мавжуд бўлган. Аргеадлар (теменидлар) сулоласи вакиллари дастлаб ҳокимият тепасида бўлишган. Александр I даврида Қуйи Македония худуди бирлаштирилган. Сўнгра Македония давлатини антипатридлар, антигонидлар ва бошқа сулола вакиллари бошқарган (Македония худуди мил. авв. 148 йилда Эпир ва Жанубий Иллирия билан биргаликда Рим вилоятига айлантирилган).

Аргеадлар (теменидлар) сулоласи: Аминта I (мил. авв. 547 – 498 й.), Александр I (мил. авв. 498 – 454 й.), Пердикка II (мил. авв. 454 – 413 й.), Архелай (мил. авв. 413 – 399 й.), Орест (мил. авв. 399 – 396 й.), Аероп II [Архелай II] (мил. авв. 396 – 393 й.), Павсаний (мил. авв. 393 й.), Аминта II (мил. авв. 393 – 392 й.), Аминта III (мил. авв. 392 – 369 й.), Александр II Македоний (мил. авв. 369/368 й.), Птолемей I Алорит (мил. авв. 368 – 365 й.), Пердикка III (мил. авв. 365 – 359 й.), Филипп II Македоний (мил. авв. 359 – 336 й.), Буюк Александр III Македоний (мил. авв. 336 – 323 й.), Филипп III Арридей (мил. авв. 323 – 317 й.), Александр IV (мил. авв. 316 – 309 й.).

Антипатридлар сулоласи: Кассандр (мил. авв. 316 – 298 й.), Филипп IV (мил. авв. 298 – 295 й.), Антипатр I (мил. авв. 295 – 294 й.), Александр V (мил. авв. 295 – 294 й.).

Антигонидлар сулоласи: Антигон II Гонат (мил. авв. 277 – 273 й.), Пирр I (мил. авв. 273 – 272 й.), Антигон II Гонат (мил. авв. 272 – 239 й.), Демет-

рий II (мил. авв. 239 – 229 й.), Антигон III Досон (мил. авв. 229 – 221 й.), Филипп V (мил. авв. 221 – 179 й.), Персей (мил. авв. 179 – 168 й.) ва бошқалар.

Милоддан аввалги 496 – 406 йиллар – Юнонистоннинг яна бир шоир ва драматурги Софокл яшаб ижод этган давр.

Милоддан аввалги 490 йил – биринчи юнон – эрон уруши бошланди. Стратег Мильтиад Эрон шоҳи Доро I қўшинларини Марафон жангида мағлубиятга учратди.

Милоддан аввалги 490 – 425 йиллар – тарихчи олим Геродот Кичик Осиёдаги Галикарнас шаҳрида ва Афинада яшаб ижод этган. У машҳур «Тарих» асарининг муаллифи.

Милоддан аввалги 481 йил – Афина билан Спарта ўртасида иттифок тузилди. Бу иттифокқа бошқа полислар ҳам қўшилдилар.

Милоддан аввалги 480 йил – иккинчи юнон – эрон уруши. Ксеркс I қўшини Геллеспонт бўғози [ҳозирги *Дарданелл*; туркча: *Чаноққалъа бўғози*] ни кесиб ўтди. Афина форслар флотини Саламана жангида мағлубиятга учратди [Чаноққалъа бўғози Европа ва Кичик Осиёни Эгей денгизи ва Мармара денгизи орқали боғлаган].

Милоддан аввалги 479 йил – Мардоний бошлиқ эрон қўшинлари Атикага бостириб кириб, Афинани вақтинча ишғол қилишди.

Милоддан аввалги 478 йил – юнон – эрон урушида иштирок этган юнон полислари, Кичик Осиёдаги юнон шаҳарлари ва Эгей денгизидаги орол-давлатлар Афина бошчилигида иттифок тузди.

Милоддан аввалги 477 – 455 йиллар – Геродот Миср, Бобил, Сурия ва Қора денгиз сохилларидаги мамлакатларга саёҳат қилди.

Милоддан аввалги 470 – 399 йиллар – файласуф Сократ (Сукрот) яшаган ва ижод қилган. Сукрот номи кейинги даврлар учун донишмандлик тимсоли бўлиб қолган.

Милоддан аввалги 460 – 400 йиллар – юнон тарихчиси Фукидид яшаган ва фаолият юритган давр.

Милоддан аввалги 460 – 377 йиллар – табиб Гиппократ яшаган ва фаолият юритган давр.

Милоддан аввалги 460 – 370 йиллар – файласуф олим Демокрит яшаган ва фаолият юритган давр. У ўша даврда мавжуд бўлган ҳамма фанлар билан шуғулланган.

Милоддан аввалги 449 йил – юнон-эрон урушлари тугади. Сузада сулҳ тузилиб, у юнон томонининг вакили Каллий номи билан Каллий сулҳи деб аталди.

Милоддан аввалги 446 йил – тарихчи олим, географ ва этнолог Геродот Афинага келди.

Милоддан аввалги 445 – 385 йиллар – юнон комедия жанрининг йирик намояндаларидан бири шоир Аристофан яшаб ижод этган. У «комедия отаси» сифатида машҳур бўлган.

Милоддан аввалги 443 – 429 йиллар – аслзода ва бадавлат оиладан чиққан Перикл халқ йиғини томонидан Афинанинг бош стратеги қилиб сурункасига 15 марта шу лавозимга сайланди. Перикл даврида юнон классик санъати юқори даражага чиқди.

Милоддан аввалги 431 йил – Афина билан Спарта иттифоқига бирлашган давлатлар ўртасида низолар кучайиб кетди. Пелопоннес уруши бошланди. У икки босқичдан иборат бўлди.

Милоддан аввалги 431 – 421 йиллар – Пелопоннес урушининг биринчи босқичи.

Милоддан аввалги 431 – 404 йиллар – Афина ва Спарта ўртасида Пелопоннес уруши бўлди. Афина стратеги Перикл Афина ва Аттика аҳолисини ўзаро бирлаштирди.

Милоддан аввалги 430 – 426 йиллар – Афина кўшинлари Пелопоннеснинг ғарбий соҳилларида ғолибона урушлар олиб бориб, Кефалления ва Закинф ороллари, Навпакт ва Соллий шаҳарларини босиб олди.

Милоддан аввалги 429 йил – Афина бош стратеги Перикл юқумли касаллик натижасида вафот этди.

Милоддан аввалги 427 – 424 йиллар – афиналиклар Сицилияга қарши бир неча бор муваффақиятли юриш қилишди.

Милоддан аввалги 427 – 347 йиллар – юнон файласуфи Платон (Афлотун) яшаган. У платонизм асосчиси, Сукротнинг шоғирди сифатида машхур бўлган.

Милоддан аввалги 426 йил – Лесбос оролидаги Митилена шаҳрида Афинага қарши кўзголон кўтарилди.

Милоддан аввалги 425 – 424 йиллар – афиналиклар Коринф ва Деллинда бўлган жангларда енгилди.

Милоддан аввалги 422 йил – Амфиопол афиналиклар қўлидан кетди.

Милоддан аввалги 421 йил – Афина билан Спарта ўртасида 50 йилга мўлжалланган сулҳ шартномаси – Никия битими тузилди (Бу битим мил. авв. 415 йилгача амал қилди).

Милоддан аввалги 415 йил – афиналиклар 260 ҳарбий кема, 32 минг кишилик катта кўшин билан Сицилия ороли томон юриш қилди.

Милоддан аввалги 415 – 404 йиллар – Пелопоннес урушининг иккинчи босқичи.

Милоддан аввалги 413 йил – Демосфен бошлиқ Афина флоти Спарта ва иттифоқчилари томонидан тор-мор этилди.

Милоддан аввалги 413 йил – Спарта кўшинлари Афинадан 22 км наридаги Декелея қишлоғини босиб олдилар.

Милоддан аввалги 405 йил – Спарта ва унинг Форс иттифоқчилари Афина устидан Эгоспотомах жангида галаба қозонди. Сиракузада ҳокимият

тепасига мустабид Дионисий I Катта (хукмронлик даври: мил. авв. 405 – 367 й.) ўтирди.

Милоддан аввалги 404 йил – афиналиклар спарталикларга ўз флотларини топширишга мажбур бўлишди ва аристократ (олигарх) бошқарувига рози бўлишди. Ўттизлар истибдоди ўрнатилди. Пелопоннес уруши тугади. Спартанинг гегемонлик даври бошланди.

Милоддан аввалги 403 йил – Фрассибул Афинада демократияни қайта тиклади.

Милоддан аввалги 399 йил – Сукрот (Сократ) сохта айблов натижасида ўлимга ҳукм қилинди ва қатл этилди.

Милоддан аввалги 387 йил – Афинада Платон (Афлотун) томонидан академия очилди. У Афлотун академияси номи билан машҳур бўлди.

Милоддан аввалги 384 – 322 йиллар – машҳур файласуф Аристотель (Арасту) яшаб ижод этди.

Милоддан аввалги 359 йил – Македония тахтини Филипп II эгаллади.

Милоддан аввалги 356 йил 20 июль – 323 йил 10 июнь – саркарда ва давлат арбоби Александр Македоний яшаган ва фаолият юритган давр. У юнон файласуфи Аристотель қўлида тарбияланди. Буюк Александр сифатида жаҳон тарихига кирди.

Милоддан аввалги 338 йил – Македония қўшинлари Филипп II бошчилигида Беотияга бостириб кирди. Херония шаҳри яқинида юнон иттифоқи қўшини билан Македония аскарлари ўртасида жанг бўлди. Юнон шаҳарларининг мустақиллиги тугади. Улар эндиликда Филипп II бошчилигида Коринф иттифоқига бирлашди.

Милоддан аввалги 337 йил – Коринфда юнон шаҳар-давлатларининг конгресси чакирилди.

Милоддан аввалги 336 йил – Филипп II ўз кизининг никоҳ тўйи вақтида фитначилар томонидан ўлдирилгач, Македония тахтига унинг 20 ёшли ўғли Александр ўтирди. У кейинчалик Буюк Александр, Македониялик Александр сифатида дунё тарихига кирди.

Милоддан аввалги 336 – 334 йиллар – Македонияга туташ бўлган давлатларни, шунингдек, бутун Юнонистонни Александр Македоний ўзига тобе қилди.

Милоддан аввалги 335 йил – Александр Македоний Иллирия ва Фракия устига қўшин тортиб, ўзига қарам қилди.

Милоддан аввалги 334 йил – Александр Македоний 30 минг пиёда, 5 минг отлик, 165 та ҳарбий кемадан иборат қўшин билан Геллеспонт бўғозидан сузиб, Кичик Осиё соҳилларига ўтди.

Милоддан аввалги 334 – 332 йиллар – Александр Кичик Осиёни ҳамда Киликия, Сурия, Финикия ва Фаластин каби давлатларни босиб олди.

Милоддан аввалги 333 йил – эрон ва македон қўшинлари Киликиянинг Исса шаҳри яқинида тўқнашди. Бу жангда Александр Македоний Эрон шоҳи Доро III қўшинини тор-мор қилди.

Милоддан аввалги 332 йил – Александр Македоний қўшинлари Мисрга кириб борди. Унинг буйруғи билан Мисрда Искандария [Александрия] шаҳрига асос солинди.

Милоддан аввалги 331 йил – Александр Мисрдан чиқиб, Месопотамияга қўшин тортди. Гавгамела [Оссурия] жангида Александр Эрон шоҳи Доро III қўшинини тор-мор келтирди ва уни Эрон худудида таъқиб қила бошлади. Доро III ўз сатрапи Бесс томонидан ўлдирилди. Александр Парси шаҳрини вайрон қилди. Бу шаҳар кейинчалик Персеполь [вайрона шаҳар] номини олди.

Милоддан аввалги 330 йил – Эрон шоҳлиги [Ахоманийлар сулоласи] барҳам топди.

Милоддан аввалги 329 йил – Александр Амударёни кечиб ўтиб, Навтака шаҳрида Бессни қўлга тушириб, қатл эттирди.

Милоддан аввалги 329 – 327 йиллар – Александр Туронда қонли жанглар олиб борди. Суғдиёна ва Бактрияда Александр Македоний босқинига қарши саркарда Спитамен бошчилигида кўзғолон кўтарилди.

Милоддан аввалги 327 йил – Александр Ҳиндикуш тоғларидан ошиб Панжоб ва Ҳинд воҳасига кириб борди. У ахоманийларга илгари тобе бўлган бу худудларни ўзига бўйсундирди.

Милоддан аввалги 325 йил – Александр Ҳиндистонда озгина қўшин қолдириб, Бобилга қайтди. У асос солган катта салтанатни янги пойтахт – Бобилдан туриб бошқарди.

Милоддан аввалги 323 йил 10 июнь – Александр Македоний 33 ёшида янги пойтахти Бобил шаҳрида номаълум касалликдан вафот этди. Шарқ мамлакатларини унинг ҳарбий саркардаси Пердикка, Юнонистон ва Македонияни Антипатр бошқара бошлади.

Милоддан аввалги 321 йил – ҳокимият учун курашда ҳарбий саркарда Пердикка ўлдирилди. Буюк Александрнинг давлати унинг ҳарбий лашкарбошилари (диадохлар) ўртасида тақсимланди: Антипатр – Македонияни; Салавка – Сурия, Эрон ва Туронни; Антигон Биркўзли – Кичик Осиёни; Птолемей – Мисрни; Ласимах – Фракияни қўлга киритди. Александр Македонийнинг қудратли давлати ҳарбий лашкарбошилар ўртасида тақсимлангач, эллин даври бошланди. Юнон маданияти Шарққа ҳам кенг ёйилди.

Милоддан аввалги 312 йил – Салавкийлар давлати ташкил топди. Яқин ва Ўрта Шарқ (асосан Сурия худуди) Салавкийлар давлатининг маркази бўлган. Бу давлатни салавкийлар сулоласи бошқарган. Александр Македоний тузган салтанат таназзулга учрагач, у пайдо бўлган. Давлат

пойтахтлари – Дажла дарёси соҳилидаги Салавкия (мил. авв. 212 – 299), Оронт дарёси бўйидаги Антиохия (мил. авв. 300 йилдан). Бу давлат баъзан асосий худудининг номи билан Сурия подшолиги деб ҳам юритилган. Давлат асосчиси Салавка I Мидия, Сузиана, Форсия (Персида), кейинчалик Ўрта Осиёнинг жанубий қисми бўлган Бақтрияни босиб олган. (Мил. авв. 301 йил Месопотамия ва Сурия, мил. авв. 281 йил Кичик Осиё ҳам Салавкийлар давлатига қўшиб олинган. Мил. авв. 64 йилда Салавкийлар давлатининг охириги худуди Сурия ҳам Рим провинциясига айлантирилди. Мил. авв. 64 йилда бу давлат Рим империяси томонидан тугатилди). Пойтахти – Селевкий [Салавкия] (мил. авв. 305 – 240), Антиохия (мил. авв. 240 – 64). Тили – қадимги юнон. Дини – қадимги юнон диний эътиқоди. Майдони – 4 млн. км². Аҳолиси – 30 млн. киши. Сулоласи – салавкийлар [селевкийлар].

Милоддан аввалги 312 – 64 йиллар – Салавкийлар давлати мавжуд бўлган давр.

Салавкийлар сулоласи (мил. авв. 312 – 64 йиллар): Салавка I Никатор [Селевк I Никатор] (мил. авв. 312/305 – мил. авв. 281), Антиох I Сотер (мил. авв. 281 – мил. авв. 261), Антиох II Теос (мил. авв. 261 – мил. авв. 246), Салавка II Каллиник (мил. авв. 246 – мил. авв. 225), Салавка III Керавн (мил. авв. 225 – мил. авв. 223), Буюк Антиох III (мил. авв. 223 – мил. авв. 187), Салавка IV Филопатор (мил. авв. 187 – мил. авв. 175), Антиох IV Эпифан (мил. авв. 175 – мил. авв. 164), Антиох V Евпатор (мил. авв. 164 – 162), Деметрий I Сотер (мил. авв. 162 – 150), Александр Балас (мил. авв. 150 – 145), Деметрий II Никатор (мил. авв. 145 – 140), Антиох VI Дионис Эпифан (мил. авв. 145 – 142), Диодот Трифон (мил. авв. 142 – 138), Антиох VII Сидет (мил. авв. 138 – 129), Деметрий II Никатор (мил. авв. 129 – 126), Александр II Забина (мил. авв. 126 – 123), Салавка V Филометор (мил. авв. 126 – 125), Клеопатра Тея (мил. авв. 125 – 121), Антиох VIII Грип (мил. авв. 125 – 96), Антиох IX Кизикий (мил. авв. 116 – 95; баъзи худудларда), Салавка VI Эпифан Никатор (мил. авв. 96 – 95), Антиох X Евсеб Филопатор (мил. авв. 95 – 83), Антиох XI Филадельф (мил. авв. 95 – 92), Филипп I Филадельф (мил. авв. 95 – 83), Деметрий III Эвкер (мил. авв. 95 – 88), Антиох XII Дионис (мил. авв. 87 – 84), Антиох XIII Дионис Каллиник (мил. авв. 68 – 64), Филипп II Филоромэй (мил. авв. 65 – 64) ва бошқалар.

Милоддан аввалги 306 йил – ҳар бир македон лашкарбошиси ўзини подшо деб эълон қилди. Птоломей I Сотер Мисрда лагидлар сулоласига (мил. авв. 305 – 30 й.), Салавка I Никатор Сурия, Эрон ва Мисрда салавкийлар сулоласига асос солди.

Милоддан аввалги 306 йил – Эпикур Самос Афинада фалсафа мактаби (Эпикур боғи)ни ташкил қилди ва эпикуризм ривожланди.

Милоддан аввалги 303 йил – Сурияни ўз давлатининг маркази деб эълон қилган Салавка I хинд ҳукмдори Чандрагуптага Афғонистон ва Белужистон (ҳозирги Покистон) худудларини беришга мажбур бўлди.

Милоддан аввалги 301 йил – Ипса (Кичик Осиё)да бўлган жангда Антигон Биркўзли бошқа диадох иттифоқчилари қўшинини енгди. Македония ва Юнонистон учун ўзаро жанглар кучайди. Салавкийлар ва лагидлар ўртасида Жанубий Сурияни эгаллаш учун кураш жадаллашди.

Қадимги Рим

Милоддан аввалги II минг йиллик охири – I минг йилликнинг биринчи ярми – Апеннин ярим оролида лигур, этруск, венит, лотин, самнит ва бошқа қабилалар яшаганлар. *Этрусклар ўзларини турша (турклар) деб аташган. Айрим итальян олимларининг фикрича, этрусклар ҳам худди шумерлардек прототурклар бўлган.*

Милоддан аввалги IX аср – Финикиянинг Тир шаҳри ҳукмдорлари Шимолий Африкадаги кичик ярим оролда ўз манзилгоҳларини барпо этиб, уни Кар-Хадашев [Янги шаҳар] деб атаганлар.

Милоддан аввалги VIII – VII асрлар – этруск, оск ва лотин ёзувлари яратилди.

Милоддан аввалги 753 йил – Рим шаҳрига ака-ука Ромул ва Рем томонидан асос солинди.

Милоддан аввалги VII – VI асрлар – этрусклар кучайиб, Ласийни, унинг бош шаҳри Римни, кейинчалик Кампанияни босиб олиб, Капуя шаҳрини барпо қилганлар.

Милоддан аввалги VI аср охирлари – шимолдан галлар, жанубдан эса юнонларнинг хужумлари натижасида этрусклар давлати кучсизланди.

Милоддан аввалги VI аср бошлари – этрусклар Рим ерларига бостириб кириб, унинг баъзи жойларини босиб олдилар.

Милоддан аввалги VI – V асрлар – Римда плебейлар ўз ҳимоячилари – халқ трибунларини сайлаш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Милоддан аввалги VI – V асрлар – Италиянинг шимолидаги Альп тоғлари ортида жанговар галл-кельт қабилалари яшаган.

Милоддан аввалги VI аср охири – III аср бошлари – Римнинг куллардан бошқа барча аҳолиси тенг ҳуқуқли бўлган.

Милоддан аввалги 575 йил – Рим Тарквиний Приск бошчилигида этрусклар ҳокимияти остига ўтди. Этрусклар ҳукмронлигининг чўққиси.

Милоддан аввалги 509 йил – римликлар сўнгги этруск қироли Тарквиний Такабурни қувиб юбордилар. Бу сана Рим Республикаси вужудга келишининг бошланиши деб қабул қилинди.

Милоддан аввалги V – III асрлар – Рим кулдорлар ва аслзодалар республикасига айланди.

Милоддан аввалги 449 йил – плебейлар манфаатини ҳимоя қилувчи 12 та мис лавҳага ёзилган қонунлар форумга – халқ йиғиладиган майдонга қўйилган ва қабул қилинган.

Милоддан аввалги 390 йил – кельтлар Рим устига қўшин тортиб, Аллия дарёси бўйидаги жангда италия кабилаларининг бирлашган қўшинини тор-мор этганлар.

Милоддан аввалги 343 йил – Апеннин ярим оролидаги самнитлар Кампанияга бостириб кирганлар. Самнит уруши бошланди.

Милоддан аввалги 343 – 341 йиллар – римликларнинг қадимги италия кабилаларига қарши биринчи Самнит уруши даври.

Милоддан аввалги 343 – 290 йиллар – Самнит урушлари 53 йил давом этиб, самнитлар ва иттифоқчиларининг мағлубияти билан тугаган.

Милоддан аввалги 341 – 288 йиллар – Рим қўшинлари Шимолий Италияни ўзларига тобе қилиб, По дарёсидан Луканиягача бўлган ерларни Рим Республикаси таркибига қўшиб олганлар.

Милоддан аввалги 340 – 338 йиллар – лотин иттифоқига кирган Италия шаҳарлари Римга қарши кураш бошлади.

Милоддан аввалги 326 – 304 йиллар – иккинчи Самнит уруши. Самнитлар бир қанча кабилалар билан бирлашиб, Римга қарши кураш олиб бордилар.

Милоддан аввалги 326 йил – плебейлар янги қонун қабул қилдилар. Унда «қарз учун қарздорнинг тан-жони эмас, мол-мулки жавобгар бўлиши керак» дейилган.

Милоддан аввалги 321 йил – самнит қўшинлари Кавдий шаҳри яқинидаги тоғ-ўрмон дарасида Рим қўшинларини ўраб олиб, тор-мор этди.

Милоддан аввалги 298 – 290 йиллар – учинчи Самнит уруши. Самнитлар кельт ва италия кабилалари билан иттифоқ бўлиб, учинчи Самнит урушида қатнашдилар.

Милоддан аввалги 290 йил – учинчи Самнит уруши тугади. Бу урушда ғалаба қозонган Рим бутун Марказий Италияни ўзига бўйсундирди, унинг мулклари юнонларнинг Жанубий Италиядаги шаҳарлари билан ўзаро chegarаланди.

Милоддан аввалги 281 йил – Рим Тарэнтга қарши уруш эълон қилди.

Милоддан аввалги 280 йил – Эпир подшоси Пирр ўзининг сараланган отлик аскарлари ва жанговар филларидан иборат қатта қўшини билан Тарэнтга ёрдамга келди. Гераклия яқинида бўлган жангда Пирр қўшини римликларни тор-мор этди.

Милоддан аввалги 279 йил – Пирр қўшинлари Аускул шаҳри яқинидаги муросасиз жангда Рим қўшинларини тор-мор этди.

Милоддан аввалги 275 йил – Пирр Италияга қайтиб келиб, ўзининг суворийлари ва жанговар филларини Рим қўшинларига қарши қўлади.

Милоддан аввалги 270 – 260 йиллар – римликлар Жанубий Италияни босиб олди.

Милоддан аввалги 264 – 241 йиллар – биринчи Пуни уруши. Сицилия ҳаврасида ҳукмронлик учун Рим ва Карфаген ўртасида уруш бошланиб, у 23 йил давом этди.

Милоддан аввалги 260 йил – Мила бурнидаги денгиз жангида римликлар Карфаген устидан ғалаба қозонди.

Милоддан аввалги 256 йил – римликларнинг 360 та ҳарбий кемаси Карфаген томон йўл олди.

Милоддан аввалги 255 йил – Карфагеннинг ёлланма аскарлари Рим кўшинларига ҳужум қилиб, уларни тор-мор этди.

Милоддан аввалги 251 йил – Егада ороли яқинидаги денгиз жангида Карфаген флоти Рим флотидан мағлубиятга учради. Карфаген Римга сулҳ тузишни таклиф этди.

Милоддан аввалги 241 йил – Рим – Карфаген сулҳи тузилди. Биринчи Пуни уруши тугади. Унда ғалаба қилган Рим Сицилия, Корсика ва Сардинияни босиб олди.

Милоддан аввалги 237 йил – Карфаген лашкарбошиси Гамилкар ўз кўшинлари билан Иберияга келиб жойлашди ва Янги Карфаген шаҳрини барпо этди.

Милоддан аввалги 229 йил – карфагенлик Гамилкар жангда ҳалок бўлди.

Милоддан аввалги 219 йил – Карфаген кўшини саркардаси Ганнибал Рим билан иттифоқда бўлган Сагнут шаҳрини босиб олди ва шаҳар аҳолисини қул қилиб сотиб юборди.

Милоддан аввалги 218 – 201 йиллар – иккинчи Пуни уруши Рим – Карфаген ўртасида бўлди. Уруш аввал Испания ва Италия, сўнгра Африка худудида бўлди. Уруш тугагач, Карфаген билан Рим ўртасида сулҳ тузилди. Бу урушда Рим ғалаба қозонди. Карфагеннинг Испаниядаги мулклари Рим ихтиёрига ўтди.

Милоддан аввалги 218 йил – Ганнибал ўз кўшинлари ва жанговар филлари билан Янги Карфагендан йўлга чиқиб, Пиреней тоғларидан ошиб ўтди.

Милоддан аввалги 217 йил – Карфаген саркардаси Ганнибал Трази-мен кўли атрофи (Этрурия)да римликлар кўшини устидан ғалаба қозонди.

Милоддан аввалги 216 йил – Ганнибал кўшинлари римликларнинг кичик-кичик ҳужумларини қайтариб, Жанубий Италияга ўтиб олишга ҳаракат қилди. Ганнибал кўшинлари Жанубий Италиядаги Канна қишлоғига кириб келди. Унинг ихтиёрида 40 минг пиёда ва 10 минг отлик жангчи бўлган. Канна (Апулия)да бўлган жангда Ганнибал римликлар кўшинини мағлуб этди.

Милоддан аввалги 206 йил – римликлар Иберия соҳилларини эгаллаш учун келиб, маҳаллий аҳолининг қақшатқич зарбасига дуч келишди.

Милоддан аввалги 204 йил – Карфаген – Рим ўртасидаги уруш ҳаракатлари Шимолий Африкага кўчди.

Милоддан аввалги 202 йил – Зама шаҳри яқинида (Нумидия) Ганнибал бошлиқ карфагенликлар билан Пубний Корнелий Суипион Африкалик кўшини ўртасида аёвсиз жанг бўлди. Бу жангда Ганнибал енгилди.

Милоддан аввалги III – II асрлар – Римда кулчилик ўзининг энг юқори поғонасига кўтарилди. Римликлар олиб борган урушлар натижасида Ўрта Ер денгизи ҳавзасидаги мамлакатларнинг кўпчилиги вайрон этилди.

Милоддан аввалги 197 йил – римликлар айрим юнон полислари билан иттифоқ тузиб, Фессалияга кўшин туширдилар.

Милоддан аввалги 195 йил – қочқинда юрган Ганнибал римликлар таъқибидан қутулиш учун салавкийлар подшоси Антиох III ҳузуридан паноҳ топди.

Милоддан аввалги 190 йил – римликлар билан Салавкийлар подшолиги кўшинлари Магнесия шаҳарчаси ёнида тўқнашди.

Милоддан аввалги 188 йил – римликлар ва салавкийлар ўртасида сулҳ тузилди.

Милоддан аввалги 183 йил – Ганнибал римликлар қўлига тушмаслик учун заҳар ичиб ўзини ўлдирди.

Милоддан аввалги 168 йил – Персей кўшинлари билан Рим легионлари ўртасида қаттиқ жанг бўлиб, унда македонияликлар енгилди.

Милоддан аввалги 162 – 133 йиллар – Тиберий Гракх яшаган ва фаолият юритган. У Римда ер ислоҳоти тарафдори бўлган.

Милоддан аввалги 154 йил – иберияликлар Римга қарши кўзғолон кўтарди.

Милоддан аввалги 153 йил – Рим сенатори ва ёзувчиси Марк Катон Карфагенга келди.

Милоддан аввалги 153 – 121 йиллар – Гай Гракх яшаган ва фаолият юритган. У акаси Тиберийнинг ишини давом эттирди.

Милоддан аввалги 150 йил – Пиреней ярим оролининг ғарбидаги Лузитания вилоятида Вириат раҳбарлигида римликларга қарши жуда катта кўзғолон бошланди.

Милоддан аввалги 149 йил – учинчи Пуни уруши бошланиб, римликлар Карфаген шаҳрини қамал килди.

Милоддан аввалги 149 – 146 йиллар – учинчи Пуни уруши бўлди.

Милоддан аввалги 148 йил – Македония, Эпир ва Фессалия Римнинг провинцияларига айланди.

Милоддан аввалги 146 йил – Ахея иттифоқи давлатлари римликларнинг зулмига қарши кўзғолон кўтарди.

Милоддан аввалги 146 йил – Рим кўшинлари Суипион Эмилиан бошчилигида Карфагенга ҳар томондан ҳужум қилиб, бостириб кирди. Кар-

фаген шаҳри ер билан яксон қилинди. Шаҳар худуди Африка музофотига айлантирилди. Пуни урушлари тугади.

Милоддан аввалги 146 йил – Рим ҳокимиятига қарши чиққан Коринф шаҳри сенат буйруғи билан вайрон қилинди ва ёндирилди. Юнонистон [Греция] бутунлай Римга бўйсундирилди.

Милоддан аввалги 138 – 132 йиллар – Сицилия оролида римликларга қарши кўзғолон бўлди.

Милоддан аввалги 133 йил – Испанияга Римнинг машҳур саркардаси Публий Корнелий Сеисон юборилди.

Милоддан аввалги 133 йил – Тиберий Гракх Римда халқ трибуни лавозимига сайланди.

Милоддан аввалги 132 – 130 йиллар – Пергамда Аристаник бошлик катта кўзғолон бўлиб ўтди.

Милоддан аввалги 123 йил – Римда Гай Гракх халқ трибуни бўлиш учун ўз номзодини қўйди ва бу лавозимга сайланди. У Тарент, Карфаген ва Коринфда колониялар ташкил қилиш ҳамда ғалла нархини камайтириш тарафдори бўлган.

Милоддан аввалги 121 йил – ислохотчи, камбағаллар ва кулларнинг дўсти Гай Гракх ўз буйруғига биноан хизматкори томонидан ўлдирилди.

Милоддан аввалги 106 – 48 йиллар – машҳур Рим саркардаси ва сиёсат арбоби Гней Помпей яшаган ва фаолият юритган.

Милоддан аввалги 102 йил – Рим лашкарбошиси Гай Марий Аквах Секстиев (ҳозирги Экс-ян-Прованс)да тевтон қабилаларини тор-мор қилди.

Милоддан аввалги 100 йил 12 июль – 44 йил 15 март – саркарда ва давлат арбоби Гай Юлий Цезарь яшаган ва фаолият юритган.

Милоддан аввалги 92 йил – Фрот дарёси Парфия ва Рим ўртасидаги чегара чизиғи қилиб белгиланди.

Милоддан аввалги 87 – 85 йиллар – Рим консули этиб сайланган Сулла Парфия подшоси Митридат VI га қарши уруш олиб борди.

Милоддан аввалги 86 йил – узоқ давом этган қамалдан кейин Сулла Афинани эгаллади.

Милоддан аввалги 82 – 79 йиллар – Римда Сулла диктатураси ўрнатилди. У ўз душманларини шафқатсизларча жазолади.

Милоддан аввалги 74 йил – Италияда курғокчилик туфайли экинлар ҳосил бермади ва очарчилик бошланди.

Милоддан аввалги 74 йил – Капуядаги қамоқ-мактабнинг гладиаторлари фракиялик Спартак бошчилигида Везувийга қочиб кетишди.

Милоддан аввалги 73 – 71 йиллар – Спартак бошчилигида Римда кулларнинг катта кўзғолони кўтарилди.

Милоддан аввалги 71 йил – Спартак Испания ва Фракиядан келган Рим қўшинлари билан Красс қўшинлари қўшилмаслиги учун жанг бошлади. Бу

жангда Спартак лашкари (тахминан 60 000 киши) мағлубиятга учради ва унинг ўзи жангда ҳалок бўлди. Қўзғолон тарқоқ ҳолда яна бир неча йил давом этди.

Милоддан аввалги 70 йил – Гней Помпей ва Марк Лициний Красс Рим консуллари қилиб сайландилар.

Милоддан аввалги 64 йил – Помпей Сурияни Римнинг яна бир музофотига айлантирди. Салавкийлар сулоласининг ҳукмронлиги тугатилди.

Милоддан аввалги 63 йил – Цицерон Рим консули бўлди. Помпей Қуддусни эгаллаб, Фаластинни Римга бўйсундирди. Унинг ҳаракатлари билан янги музофот (провинция) – Понт-и-Вифиния ташкил топди.

Милоддан аввалги 63 йил – милодий 14 йил – саркарда ва давлат арбоби Октавиан Август яшаган ва фаолият юритган давр.

Милоддан аввалги 62 йил – саркарда Помпей Кичик Осиё, Кавказ, Сурия ва бошқа жойлардаги урушлардан сўнг Римга қайтди.

Милоддан аввалги 60 йил – Римда Помпей, Красс ва Цезар Сенатга қарши кураш учун ўзаро махфий иттифок (биринчи триумвират) тузишди.

Милоддан аввалги 59 йил – Римда Красс ва Помпейнинг тавсияси билан Гай Юлий Цезарь консулликка сайланди.

Милоддан аввалги 58 йил – Рим лашкарбошиси Цезарь ўз легионларини Галлия, Германия ва Британия устига бошлаб борди.

Милоддан аввалги 55 – 54 йиллар – Цезарь Британия оролига икки марта юриш қилди.

Милоддан аввалги 53 йил – Рим лашкарбошиси Публий Красс Карр (Месопотамия)да парфияликлар билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Рим кўшини (7 легион) янчиб ташланди.

Милоддан аввалги 52 йил – консул Помпей Римда тартиб ўрнатишга ҳаракат қилди. Бу пайтда Цезарь Галлияда жанг қилди.

Милоддан аввалги 49 йил – Цезарь Италиядан ўз легионлари билан Рим томон юрди.

Милоддан аввалги 49 – 44 йиллар – Гай Юлий Цезарь Рим диктатори бўлди.

Милоддан аввалги 48 йил – Фарсалда Цезарь ўз рақиби Помпей армиясини мағлубиятга учратди ва Рим давлатининг ягона ҳукмдорига айланди. Мисрга қочган Помпей Птолемей III юборган центурион (хос соқчи) томонидан ўлдирилди.

Милоддан аввалги 46 йил – Рим диктатори Юлий Цезарь мисрлик астроном Созигеннинг маслаҳатига кўра, Рим тақвими ислоҳ қилди. Юлий Цезарь йил бошини 1 январга кўчирган, шу кундан бошлаб консуллар хизмат вазифасига киришган ва Рим империясининг хўжалик йили бошланган. Бу тақвим Юлий тақвими номи билан машҳур (Юлий тақвим (календар)ига 1582 йил 4 октябргача амал қилинган).

Милоддан аввалги 44 йил 15 март – Гай Юлий Цезарь Шарқ юриши олдидан Юпитер байрами куни Сенат мажлисига борди. Кассий ва Брут бошлиқ фитначилар Цезарни ўраб олиб, кийимлари остига яширган ханжарлари билан уни 23 жойидан ярадор қилиб ўлдирдилар.

Милоддан аввалги 43 йил – Римда Октавиан (Гай Юлий Цезарнинг тутинган ўғли), Марк Антоний ва Лепидлардан иборат учлар иттифоқи (иккинчи триумвират) ташкил топди.

Милоддан аввалги 43 – 31 йиллар – Римда император тарафдорлари билан республика тарафдорлари ўртасида шиддатли кураш давом этди. Бу кураш фуқаролар уруши даражасига кўтарилди.

Милоддан аввалги 43 йил – милодий 18 йил – рим шоири Овидий яшаган ва фаолият юритган давр.

Милоддан аввалги 42 йил – Октавиан ва Марк Антоний қўшинлари Македонияга йўл олди ва Цезарнинг котилларига қарши курашга ваъда берди. Кейинчалик Марк Антоний ва Октавиан ҳокимият учун курашда ашаддий рақибга айланди. Филиппдаги жангда республикачилар армияси мағлубиятга учради. Брут ва Кассий ўз жонларига қасд қилишди.

Милоддан аввалги 41 йил – Марк Антоний билан Миср маликаси Клеопатра учрашди.

Милоддан аввалги 36 йил – Марк Антоний парфияликларга қарши юриш қилди.

Милоддан аввалги 31 йил – Юнонистоннинг ғарбидаги Ақций буруни яқинида Октавиан Август ва Марк Антоний қўшинлари ўртасида ҳал қилувчи денгиз жанги бўлди. Бу жангда Октавиан Август ғалаба қозонди.

Милоддан аввалги 30 йил – Клеопатранинг ўлимидан сўнг Миср бутунлай Рим ҳокимияти ихтиёрига ўтди.

Милоддан аввалги 27 йил – Рим империяси ташкил топди. Октавиан Римда ўзининг ягона ҳукмронлигини ўрнатди ва ғалаба байрамини ўтказди. Император Октавиан ўзига Август номини олди. Давлат ҳокимияти ва музофотлар Октавиан ва Сенат ўртасида тасдиқланди. Римда республика бошқаруви йўқолиб, у империяга айлана борди (Милодий 476 йилда Рим империяси тугатилди). Пойтахти – Рим; Константинополь (330 йилдан). Тили – лотин, қадимги юнон, маҳаллий тиллар. Давлат дини – қадимги рим диний эътиқодлари, 381 йилдан христианлик. Майдони – 4 790 000 км² (милодий 117 йил). Аҳолиси – 88 млн. киши (милодий 117 йилда Ер юзи аҳолисининг 25 фоизи). Сулоласи – 5 та сулола, 22 та алоҳида вакил.

Милоддан аввалги 27 йил – милодий 14 йил – Рим императори Октавиан Августнинг ҳукмронлик даври.

Милоддан аввалги 27 йил – милодий 476 йил – Рим империяси мавжуд бўлган даврда императорларнинг ҳукмронлик йиллари.

Рим императорлари. Юлий-Клавдийлар сулоласи (мил. авв. 27 йил – милодий 68 йил): Август [Октавиан] (мил. авв. 27 йил – милодий 14 йил), Тиберий (14 – 37), Калигула (37 – 41), Клавдий I (41 – 54), Нерон (54 – 68). *Фуқаролар уруши даври императорлари (68 – 69):* Гальба (68 – 69); Отон (69), Вителлий (69). *Флавийлар сулоласи (69 – 96):* Веспасиан (69 – 79), Тит (79 – 81), Домициан (81 – 96). *Антонинлар сулоласи (96 – 192):* Нерва (96 – 98), Траян (98 – 117), Адриан (117 – 138), Антонин Пий (138 – 161), Марк Аврелий (161 – 180); Луций Вер (161 – 169), Коммод (180 – 192). *Фуқаролар уруши даври императорлари (193 – 197):* Пертинакс (193); Дидий Юлиан (193), Клодий Альбин (193 – 197); Песценний Нигер (193 – 194). *Северлар сулоласи (193 – 235):* Септимий Север (193 – 211), Каракалла (211 – 217); Гета (211 – 212), Макрин (217 – 218); Элагабал (218 – 222), Александр Север (222 – 235). *Солдат императорлари даври (235 – 284):* Максимиан (235 – 238), Гордиан I (238), Гордиан II (238), Пупиен (238), Бальбин (238), Гордиан III (238 – 244), Филипп Араб (244 – 259); Филипп Кичик (247 – 249), Деций (249 – 251), Деций Кичик (251), Гостилиан (251), Требониан Галл (251 – 253); Волузиан (251 – 253), Эмилиан (253), Валериан (253 – 260), Галлиен (253 – 268); Постум (Галлияда; 258 – 268), Викторин (Галлияда; 268 – 270), Клавдий II (268 – 270), Тетрик (Галлияда; 270 – 273), Квинтилл (270), Аврелиан (270 – 275), Тацит (275 – 276), Флориан (276), Проб (276 – 282), Кар (282 – 283), Карин (283 – 285), Нимериан (283 – 284), Диоклетиан (284 – 305), Максимиан (286 – 305; 307 – 310), Галерий (293 – 311), Констанций Хлор (298 – 306), Караузий (Британияда; 286 – 293), Аллект (Британияда; 293 – 296), Флавий Север (305 – 307), Максимиан II Дая (305 – 313), Максенций (307 – 312), Александр (Африкада; 308 – 311), Лициний (308 – 324), Константин I (306 – 337), Константин II (337 – 340), Констант (337 – 350), Констанций (337 – 361), Магненций (350 – 353), Юлиан (361 – 363), Иовиан (363 – 364), Валентиниан I (364 – 375), Валент (364 – 378), Грациан (367 – 383), Валентиниан II Кичик (375 – 392), Магн Максим (383 – 388), Флавий Виктор (384 – 388), Евгений (392 – 394), Феодосий I (379 – 395). *Ғарбий Рим империяси императорлари:* Гонорий (395 – 423), Константин III (407 – 411), Приск Аттал (409 – 410; 414 – 415), Констанций III (421), Иоанн (423 – 425), Валентиниан III (425 – 455), Петроний Максим (455), Авит (455 – 456), Майориан (457 – 461), Либий Северус III (461 – 465), Прокопий Антемий (467 – 472), Олибрий (472), Глицерий (473 – 474), Непот (474 – 475), Ромул Августул (475 – 476).

Милоддан аввалги 12/4 йиллар – Исо Масих таваллуд топган (Европа олимлари Исо пайғамбар туғилган санани hozирги кунда шундай белгилашмоқда. У Рим империясига қарашли Яҳудия (Иудея) подшолигидаги Вифлеем деган жойда туғилган деб фикр билдиришмоқда). У яҳудий қавмига мансуб бўлган. У Исо пайғамбар сифатида дунё тарихига кирган.

Исо пайғамбар (Иисус Христос)нинг туғилган кунидан бошлаб кейинчалик Европада, ҳозирги пайтда деярли бутун дунёда юритиладиган милодий йил ҳисобининг боши ва йил ҳисоби тизими киритилган. Милод сўзи арабча бўлиб, туғилиш маъносини билдиради. 25 декабрь Исо туғилган кун (Рождество Христов) деб қабул қилиниб, кейинчалик милодий биринчи йилнинг бошланиши деб белгиланган. Тарихнинг мана шу санасигача даври эски эра (милоддан аввал), кейинги даври янги эра (давр), бизнинг эра (милодий, милодий йил) деб аталади.

(Кейинчалик Исо пайғамбарнинг туғилган куни юлий таквими бўйича христианлик динидаги православ мазҳаби ҳамда григорий таквими бўйича христианлик динидаги католик мазҳаби вакиллари томонидан ҳар йили 25 декабрда нишонланди. Бу сана янги ҳисобда 7 январга тўғри келади).

Милоддан аввалги 12/4 йиллар – милодий 26/36 йиллар – пайғамбар Исо Масих (Иисус Христос) яшаган ва фалолият юритган давр. Ислонда Муҳаммад (с.а.в.)дан олдинги пайғамбар сифатида алоҳида эъзозланади. Қуръонда тилга олинган пайғамбарлардан бири. Қуръонга кўра, Исо Масих – Аллоҳнинг ўғли эмас, худо ҳам эмас, у пайғамбар. Исога Инжил нозил қилинган.

(Христианликда у Иисус Христос номи билан юритилиб, бу диннинг асосчиси ҳисобланади. «Христос» сўзи юнонча бўлиб, ўзбек тилида халоскор маъносини англатади. Инжилга кўра, Исо Вифлеем (ҳозирги Бейт Лакм) шаҳрида дурадгор Иосиф (Юсуф)нинг хотини Мариядан туғилган. У яҳудийларни нотўғри йўлдан қайтариб, ҳалол ва ҳаромни тушунтира бошлади ҳамда янги дин масихийлик (христианлик)ка даъват этди).

Милодий 6 йил – Яҳудия Рим провинциясига айланди.

14 йил – Октавиан Рим шаҳри яқинидаги Ноле шаҳарчасидаги қароргоҳида вафот этди.

26 йил – Понтий Пилат Яҳудия (Исроил)нинг прокуратори (ноиб) бўлди.

26 – 27 йиллар – Тиберий Римни тарк этиб, Капри оролига ўрнашди.

37 – 41 йиллар – Тиберийнинг ўлимидан сўнг Калигул Римда императорлик қилди. У 41 йилда фитначилар томонидан ўлдирилди ва Клавдий император бўлди.

38 йил – Византияда епископлик жорий қилинди.

Византия епископлари (38 – 325 й.): Андрей (асосчиси), Стахий (38 – 54), Онисим (54 – 68), Поликарп I (71 – 89), Плутарх (89 – 105), Седекион (105 – 114), Диоген (114 – 129), Елевтерий (129 – 136), Феликс (136 – 141), Поликарп II (141 – 144), Афинодор (Афиноген) (144 – 148), Евзой (148 – 154), Лаврентий (154 – 166), Алипий (Олимпий) (166 – 169), Пертинак (169 – 187), Олимпиан (187 – 198), Марк (198 – 211), Филадельф (211 – 217), Кириак (Кириллиан) (217 – 230), Кастин (Константин) (230 – 237), Евгений I (240 – 265), Руфин (284 – 293), Митрофан (306/307 – 326);

Константинополь архиепископлари (325 – 451 й.): Александр (326 – 337), Павел I (337 – 339), Евсевий (339 – 341), Павел I (2-марта) (341 – 342), Македоний I (342 – 346), Павел I (3-марта) (346—350), Македоний I (2-марта) (351 – 360), Евдоксий (360 – 370), Евагрий (370), Димофил (370 – 379), Григорий I (379 – 381), Максим (381), Нектарий (381 – 397), Иоанн I (398 – 404), Арсакий (404 – 405), Атик (406 – 425), Сисиний I (426 – 427), Несторий (428 – 431), Максимиан (431 – 434), Прокл (434 – 447), Флавиан (447 – 449);

Константинополь патриархлари (451 – 886 й.): Анатолий (449 – 458), Геннадий I (458 – 471), Акакий (472 – 489), Фравита (489 – 490), Евфимий (490 – 496), Македоний II (496 – 511), Тимофей I (511 – 518), Иоанн II Каппадокий (518 – 520), Елифаный (520 – 535), Анфим I (535 – 536), Мина (536 – 552), Евтихий (552 – 565), Иоанн III Схоластик (565 – 577), Евтихий (2-марта) (577 – 582), Иоанн IV (582 – 595), Кириак (595/596 – 606), Фома I (607 – 610), Сергей I (610 – 638), Пирр I (638 – 641), Павел II (641 – 653), Пирр I (2-марта) (654), Петр (654 – 666), Фома II (667 – 669), Иоанн V (669 – 674), Константин I (675 – 677), Феодор I (677 – 679), Георгий I (679 – 686), Феодор I (2-марта) (686 – 687), Павел III (688 – 694), Каллиник I (694 – 706), Кир (706 – 712), Иоанн VI (712 – 715), Герман I (715 – 730), Анастасий (730 – 754), Константин II (754 – 766), Никита I (766 – 780), Павел IV (780 – 784), Тарасий (784 – 806), Никифор (806 – 815), Феодот (Милиссин – Касситера) (815 – 821), Антоний I (Кассимата) (821 – 837), Иоанн VII Морохарзаний (Грамматик) (837 – 843), Мефодий I (843 – 847), Игнатий (Никита) (847 – 858), Фотий (858 – 867), Игнатий (2-марта) (867 – 877), Фотий (2-марта) (877 – 886);

Шарқий ва Ғарбий черков ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви (886 – 1453 й.): Стефан I (886 – 893), Антоний II Кавдеа (893 – 901), Николай I Мистик (901 – 907), Евфимий (907 – 912), Николай I (2-марта) (912 – 925), Стефан II (925 – 927), Трифон (927 – 931), Феофилакт (933 – 956), Полиевкт (956 – 970), Василий I Скамавдрин (970 – 974), Антоний III Студит (974 – 979), Николай II Хрисоверг (979 – 991), Сисиний II (995 – 998), Сергей II Мануилит (1001 – 1019), Евстафий (1019 – 1025), Алексей Студит (1025 – 1043), Михаил Кируларий (1043 – 1058), Константин III Лихуд (1059 – 1063), Иоанн VIII Ксифилин (1064 – 1075), Иерусалимлик Козьма I (1075 – 1081), Евстратий Гариди (1081 – 1084), Николай III Кирдиниат Грамматик (1084 – 1111), Иоанн IX Агапит (1111 – 1134), Лев Стипп (1134 – 1143), Михаил II Курку (Оксеит) (1143 – 1146), Козьма II Атик (1146 – 1147), Николай IV Музалон (1147 – 1151), Феодот II (1151 – 1153), Неофит I (1153), Константин IV Хлиарин (1154 – 1157), Лука Хрисоверг (1157 – 1170), Михаил III (1170 – 1178), Харитон Евгениот (1178 – 1179), Феодосии Воредиот (1179 – 1183), Василий II (Филакопул) (1183 – 1186), Никита II

Мунтан (1186 – 1189), Леонтий Феотокиит (1189), Досифей (1189 – 1191), Георгий II Ксифилин, (1191 – 1198), Иоанн X (1198 – 1206), Михаил IV Авториан (1208 – 1214), Феодор II Ириник (Копа) (1214 – 1216), Максим II (1216), Мануил I (Харитопул), (1217 – 1222), Герман II (1222 – 1240), Мефодий (1240), Мануид II (1244 – 1254), Арсений Авториан (1255 – 1259), Никифор II (1260), Арсений (2-марта) (1261 – 1265), Герман III (Лаз Маркуца), (1265 – 1266), Иосиф I (1266 – 1275), Иоанн XI Векк (1275 – 1282), Иосиф I (2-марта) (1282 – 1283), Кипрлик Григорий II (Георгий), (1283 – 1289), Афанасий I (1289 – 1293), Иоанн XII (Козьма) (1294 – 1303), Афанасий I (2-марта) (1303 – 1309), Нифонт I (1310 – 1314), Иоанн XIII Гликис (1315 – 1319), Герасим I (1320 – 1321), Исаяя (1323 – 1332), Иоанн XIV Калека (1334 – 1347), Исидор I (1347 – 1350), Каллист I (1350 – 1353), Филофей (1353 – 1355), Каллист I (2-марта) (1355 – 1363), Филофей Коккин (2-марта) (1364 – 1376), Макарий (1376 – 1379), Нил (1379 – 1388), Антоний IV (1389 – 1390), Макарий (2-марта) (1390 – 1391), Антоний IV (2-марта) (1391 – 1397), Каллист II Ксанфопул (1397), Матфей (1397 – 1410), Евфимий II (1410 – 1416), Иосиф II (1416 – 1439), Митрофан II (1440 – 1443), Григорий III (Мамма), Милиссин Стратигопул (1443 – 1450), Афанасий (1450) ва б;

Энг янги давр патриархлари (1918 – 2014 й.): Дорофей Прусий (1918 – 1921), Николай Цезарий (1921), Мелетий IV (1921 – 1923), Григорий VII (1923 – 1924), Константин VII (1924 – 1925), Василий III (1925 – 1929), Фотий II (1929 – 1935), Вениамин (1936 – 1946), Максим V (1946 – 1948), Афинагор (1948 – 1972), Димитрий I (1972 – 1991), Варфоломей I (1991 йил 22 октябрдан).

49 йил – Клавдий яхудийларни таъқиб қилди. У ўз хотини Мессалинани ўлдириб, жияни Агриппинага уйланди.

50 йил – Рейн дарёси бўйида Кёльн шаҳрига асос солинди.

54 йил – Римда Клавдийнинг ўғай ўғли Нерон император деб эълон қилинди. Клавдий заҳарлаб ўлдирилди.

55 йил – император Нерон Клавдий ва Агриппинанинг ўғли Британикани ўлдирди.

56 – 117 йиллар – Публий Корнелий Тацит яшаган ва фаолият юритган.

68 йил – Нероннинг ўлимидан сўнг Римда фуқаролар уруши бошланди.

69 йил – Римнинг шарқий вилоятлари аслзодалари Флавий Веспасианни император этиб сайладилар. У ҳокимиятни бошқараётган юлий клавдийлар сулоласини (27 – 69 й.) флавийлар сулоласига (69 – 96 й.) айлантирди.

70 йил – Куддуси шариф [Иерусалим] шаҳри Веспасианнинг ўғли Тит бошчилигидаги Рим легионлари томонидан эгалланди ва вайрон қилинди. Шаҳар ва иккинчи Ибодатхона бузилди.

79 йил – Италияда табиий офат юз бериб, Везувий вулкони отилди. Помпей, Геркуланум, Стабия шаҳарлари кул остида қолди.

79 – 81 йиллар – Римда Тит Флавий тахтга ўтириб, императорлик қилди ва отасининг ишини давом эттирди.

96 йил – Римда суикасд уюштирилиб, император Домициан ўз саройида фитначилар томонидан ўлдирилди. Домициан ўлдирилгач, сенатор Нерва император деб эълон қилинди. Нерва антонинлар сулоласи (96 – 192 й.)га асос солди.

98 – 117 йиллар – Рим тахтини Траян бошқарди.

I аср охири ва II аср бошлари – Исо пайғамбар хақидаги ривоятлар ёзиб олинди. Бу ривоятлар юнонча «Евангелие» [«Хушхабар»] деган маънони билдиради.

101 йил – Рим императори Траян Дакия шоҳи Десебал билан уруш олиб бориб, уни мағлубиятга учратди.

106 – 107 йиллар – Траян қўшинлари Дакия (Руминия)ни қайтадан истило қилди.

114 – 116 йиллар – Траян дастлаб Арманистонни босиб олди, кейинчалик Месопотамияга қўшин тортди. Рим қўшинлари Парфия пойтахти Ктесифонни эгаллаб, Месопотамияни Римга қўшиб олди. Оссурия, Арманистон ва Месопотамия провинция (музофот)лари ташкил қилинди.

116 – 117 йиллар – шарқий музофотларда Рим империяси зулмига қарши кўзғолон бошланди.

117 йил – Рим императори Траян Римга қайтаётиб, Кичик Осиёнинг Киликия вилоятида касалга чалиниб вафот этди. Адриан Рим императори бўлди ва давлат ислохотларини ўтказди.

132 – 135 йиллар – римликларга қарши Қуддусда бўлган Симон бошлик яҳудийлар кўзғолони шафқатсизларча бостирилди.

138 йил – Рим императори Адриан вафот этди. Адриан даврида Римда ҳар жиҳатдан юксалган шаҳар барпо қилинди. Унинг тутинган ўғли Антонин Пий император бўлди (У 138 – 161 йилларда «Рим дунёси»ни бошқарди).

II аср ўрталари – Ғарбий Испания, Галлия ва Британияни ўз ичига олган мустақил Галлия давлати ташкил топди.

161 – 180 йиллар – Марк Аврелийнинг Римдаги императорлик даври.

169 – 175 йиллар – Марк Аврелий Марказий Европада маркоман, квад ва сарматларга қарши жанглар олиб борди.

192 йил – Рим императори Коммод фитначилар томонидан ўлдирилди ва сўнгги империя даври бошланди. Рим тахтини Шимолий Африканинг Улуғ Лептис шаҳридан чиққан Септимий Север эгаллади.

196 йил – Септимий Север Византияни босиб олиб, шаҳар деворларини бузиб ташлади.

197 йил – Септимий Север Парфияга қарши ҳарбий юришлар қилди.

II аср охири – III аср боши – Рим салтанати таназзулга юз тутди.

211 йил – Септимий Север Эбуракум (Йорк) шахрида ўз ажали билан ўлди. Унинг ўғли Каракалла Рим императори бўлди. Каракалла Пальмира шахри (ҳозирги Сурия худуди)га Рим колонияси мақомини берди.

215 йил – Рим кўшинлари Месопотамияга бостириб кирди.

216 – 217 йиллар – Каракалла бошлиқ римликлар Парфияга қарши қайта уруш эълон қилди.

217 йил – Рим императори Каракаллага суиқасд уюштирилиб, у ўлдирилди. Римда ҳокимиятни суиқасд ташкилотчиси претория префекти Макрин эгаллади.

235 – 238 йиллар – Рим тахтини ҳарбийлардан бири Максим бошқарди. Ўзаро урушлар даврида Максим ҳам ҳалок бўлди.

235 – 284 йиллар – Рим тахтига 19 император ва 30 дан ортиқ ҳукмдор келиб кетди. Тарихчилар бу даврни «солдат императорлар» даври деб аташади.

253 – 268 йиллар – Император Галлилен Римни таназзулдан қутқариб қолишга уриниб кўрди. Унинг ҳаракатлари беҳуда кетди.

270 – 275 йиллар – Римда императори Аврелиан халқ ҳаракатларини бостириб, салтанат бирлигини тиклашга уриниб кўрди.

272 йил 27 февраль – 337 йил 22 май – давлат арбоби Буюк Константин I яшаган ва фаолият юритган давр.

273 йил – Аврелиан кўшинлари Суриядаги Пальмира шахрини вайрон қилди.

276 йил – Римда Проб император деб эълон қилинди. Аммо Проб фаолиятдан норози бўлган ҳарбийлар орадан кўп ўтмай уни ҳам ўлдиришди (282 йил).

284 йил – ҳарбий легионерлар кўшин қўмондонларидан бири Диоклетианни император деб эълон қилдилар (У Римни 21 йил давомида бошқарди).

III асрнинг иккинчи ярми – Миср билан Пальмира Римдан ажралиб чиқди.

III аср – готлар номи билан танилган герман қабилалари Скандинавиядан Қора денгиз шимолидаги ерларга келиб жойлашди.

301 йил 3 сентябрь – Сан-Марино давлати ташкил топган (Уни кўпинча Ер юзининг энг кекса республикаси деб аташади).

306 йил август – 337 йил 22 май – Константин I Рим империясини бошқарди.

313 йил – Милан эдикти (шартномаси) қабул қилиниб, унга кўра христианлик Рим империяси худудида эркин эътиқодга айланди.

324 йил 18 сентябрь – Византия империяси ташкил топди.

324 – 1453 йиллар – Византия империяси мавжуд бўлган.

Византия императорлари: Константин I (324 – 337), Констанций I (337 – 361), Юлиан (361 – 363), Иовиан (363 – 364), Валентиниан I (364 йил февраль – март), Валент (364 – 378), Феодосий I (379 – 395), Аркадий (395 – 408), Феодосий II (408 – 450), Маркиан (450 – 457), Лев I (457 – 474), Лев II (474 йил январь – ноябрь), Зенон (474 – 475; 476 – 491), Василиск (475 – 476), Анастасий (491 – 518), Юстин I (518 – 527), Юстиниан I (527 – 565), Юстин II (565 – 578), Тиберий (578 – 582), Маврикий (582 – 602), Фока (602 – 610), Ираклий (610 – 641), Константин III – Ираклий (641 йил февраль – май), Ираклион (641 йил май – сентябрь), Констас II (641 – 668), Константин IV (668 – 685), Юстиниан II (685 – 695; 705 – 711), Леонтий (695 – 698), Тиберий III (698 – 705), Филиппик (711 – 713), Анастасий II (713 – 715), Феодосий III (715 – 716).

Исаврийлар (Сурия) сулоласи: Лев III (716 – 741), Константин V (741 – 742; 743 – 775), Артавазд (742 – 743), Лев IV (775 – 780), Константин VI ва Ирина (780 – 790), Ирина (790 йил январь – декабрь), Константин VI (790 – 797), Ирина (797 – 802), Никифор I (802 – 811), Ставракий (811 йил июль – октябрь), Михаил I (811 – 813), Лев V (813 – 820), Михаил II (820 – 829), Феофил (829 – 842), Фёдор ва Михаил III (842 – 856), Михаил III (856 – 867).

Македония сулоласи: Василий I (867 – 886), Лев VI (886 – 912), Александр (912 – 913), Константин VII [Туғма Қирмизи] (913 – 920; мустақил ўзи: 945 – 959), Роман I [Лакапин] (920 – 944), Роман II (959 – 963), Василий II (963 йил март – август; 976 – 1025), Никифор II Фока (963 – 969), Иоанн I Цимисхий (969 – 976), Константин VIII (1025 – 1028), Роман III Аргир (1028 – 1034), Михаил IV Пафлагонлик (1034 – 1041), Михаил V Калафат (1041 – 1042), Зоя (1042 йил апрель – июнь), Константин IX [Мономах] (1042 – 1055), Феодора (1055 – 1056), Михаил VI [Стратиотик] (1056 – 1057), Исаак I Комнин (1057 – 1059), Константин X Дука (1059 – 1067), Евдокия (1067 йил май–декабрь; 1071 йил август – октябрь), Роман IV (1068 – 1071), Михаил VII Дука [Парапинак] (1071 – 1078), Никифор Вотаниат (1078 – 1081).

Комнинлар сулоласи: Алексей I (1081 – 1118), Иоанн II (1118 – 1143), Мануил I (1143 – 1180), Алексей II (1180 – 1183), Андроник I (1183 – 1185).

Ангеллар сулоласи: Исаак II Ангел (1185 – 1195), Алексей III (1195 – 1203), Исаак II ва Алексей IV (1203 – 1204), Алексей V Мурдуфл (1204 йил январь – апрель).

Никея императорлари: Феодор Ласкарис (1204 – 1222), Иоанн III Ватадзис (1222 – 1254), Феодор II (1254 – 1258), Иоанн IV (1258 йил август – декабрь), Михаил VIII Палеолог (1258 – 1261).

Константинополь императорлари. Палеологлар сулоласи: Михаил VIII (1261 – 1282), Андроник II (1282 – 1328), Андроник III (1328 – 1341), Ио-

анн V (1341 – 1354; 1355 – 1376; 1379 – 1390), Иоанн VI Кантакузин (1341 – 1355), Андроник IV (1376 – 1379), Иоанн VII (1390 йил апрель – сентябрь), Мануил II (1391 – 1425), Иоанн VIII (1425 – 1448), Константин XI Драгас (1449 – 1453).

Трапезунт императорлари (Комнинлар): Алексей I (1204 – 1222), Андроник I (1235 йилгача), Иоанн I Акзух (1238 йилгача), Мануил I (1263 йилгача), Андроник II (1267 йилгача), Георгий I (1280 йилгача), Иоанн II (1297 йилгача), Алексей II (1330 йилгача), Андроник III (1332 йилгача), Мануил II (1332 йилгача), Василий I (1340 йилгача), Ирина Палеолог (1341 йилгача), Анна ва Михаил (1342 йилгача), Иоанн III (1342 йилгача), Михаил (1349 йилгача), Иоанн Алексей III (1390 йилгача), Мануил III (1412 йилгача), Алексей IV (1429 йилгача), Иоанн IV (1458 йилгача), Давид (1461 йилгача).

Константинополдаги Лотин империяси императорлари: Болдуин I, Фландрский (1204 – 1205), Генрих (1216 йилгача), Пётр де Куртне (1217 йилгача), Иоланта (1219 йилгача), Роберт Куртне (1221 – 1228), Болдуин Куртне (1228; мустақил ўзи: 1240 – 1261).

325 йил 22 май – 25 август – биринчи Никей жомеси (Вифиния)да император Буюк Константиннинг талаби билан ария [арианчилик] таълимоти муҳокама қилинди.

330 йил 11 май – Буюк Константин Византий шаҳри ўрнида янги шаҳар – Янги Рим [кейинчалик Константинополь]га асос солди. У Рим империяси пойтахтини Рим шаҳридан Шарққа томон, яъни Янги Рим шаҳрига кўчирди. Бу шаҳар кейинчалик Константинополь ва Истанбул номи билан бутун дунёга машҳур бўлди.

337 йил – Рим империяси Буюк Константиннинг учта ўғли: Констанций II – шарқий қисм, Констант I – ғарбий қисм ва Константин II ўртасида тақсимланди.

353 йил – император Констанций II Рим империяси яхлитлигини қайта тиклади.

360 йил – Шарқий Европада прототурк Хуннлар империяси (рим манбаларида: Гуннлар империяси) давлати ташкил топди. Унга ҳоқон Баламбер [Баламир] асос солди (Кейинчалик бу давлат Аттила империяси деб аталган. Аттила вафотидан кейин орадан кўп ўтмай Хуннлар империяси худуди ўрнида Авар хоқонлиги, Хазар хоқонлиги, Турк хоқонлиги, Булғор хоқонлиги каби туркий давлатлар ташкил топди). Тили – хунн. Аҳолиси – хуннлар, сарматлар, герман қабилалари, славян қабилалари.

360 – 470 йиллар – Хуннлар салтанати [Аттила империяси] давлати мавжуд бўлган.

Гуннлар империяси [Хуннлар давлати] ҳукмдорлари (360 – 470):

Баламбер [Баламир] (360 – 378), Улдин (379 – 410), Донат (410 – 412), Харатон (412 – 425), Октар (425 – 430), Мундзук (390 – 434), Ругила [Руа] (433 – 434), Аттила (434 – 453), Бледа (434 – 444), Эллак (453 – 454), Денгизик (454 – 470) ва бошқалар.

361 йил – Констанций II вафотидан сўнг Юлиан ягона император бўлди. У христианликдан воз кечди ва мажусийликни тиклади.

374 йил – Амвросий Медиолан Миланнинг епископи бўлди.

375 йил – хуннлар томонидан вестгот ва остготлар мағлубиятга учратилди. Вестготларнинг катта қисми Дунай дарёсини кечиб ўтишга мажбур бўлди.

375 йил – хуннлар сардори Баламбер ўз қўшинлари билан Шимолий Қора денгиз бўйларини эгаллади.

378 йил – Готлар Константинополь томон йўл олдилар.

378 йил – Адрианонополь [ҳозирги Туркиянинг Эдирна шаҳри] яқинида Шарқий империя императори Валентнинг сараланган қўшини билан готлар ўртасида шиддатли жанг бўлди. Бу жангда Валент ҳалок бўлди.

379 – 395 йиллар – Феодосий императорлик қилди. У готлар билан сулҳ тузиб, Иллирияни уларга берди.

381 йил – Григорий Назионзик Константинополь патриархи деб эълон қилинди.

384 йил – Рим епископи биринчи марта ўзини «папа» деб атади. (Сирий 384 – 399 йилларда Рим папаси бўлди.)

Рим папаларининг понтификлик даври:

Рим епископлари Черковнинг шаклланиш даврида: 1. Муқаддас Пётр (33 – 64/67). 2. Муқаддас Лин (67 – 76 /78). 3. Муқаддас Клет (76 – 88/90). 4. Муқаддас Климент I (88 /90) – 97 /99). 5. Муқаддас Эварист (97 – 105/107). 6. Муқаддас Александр I (105 – 115). 7. Муқаддас Сикст I (115 – 125). 8. Муқаддас Телесфор (125 – 136). 9. Муқаддас Гигин (136 – 140). 10. Муқаддас Пий I (140 – 155). 11. Муқаддас Аникет (154 – 166). 12. Муқаддас Сотер (165 – 175). 13. Муқаддас Элевтерий (175 – 189). 14. Муқаддас Виктор I (189 – 199). 15. Муқаддас Зефирин (199 – 217). 16. Муқаддас Каликст I (217 – 222). 17. Муқаддас Урбан I (222 – 230). 18. Муқаддас Понтиан (230–235). 19. Муқаддас Антер (235–236). 20. Муқаддас Фабиан (236–250). 21. Муқаддас Корнелий (251 – 253). 22. Муқаддас Луций I (253 йил 25 июнь – 254 йил 5 март). 23. Муқаддас Стефан I (254 – 257). 24. Муқаддас Сикст II (257 – 258). 25. Муқаддас Дионисий (259 – 268), 26. Муқаддас Феликс I (269 – 274). 27. Муқаддас Евтихий (275 – 283). 28. Муқаддас Гай (283 – 296). 29. Муқаддас Марцеллин (296 – 304). 30. Муқаддас Марцелл I (308 – 309). 31. Муқаддас Евсевий (309 – 310). 32. Муқаддас Мильтиад (311 – 314).

Папаликнинг тан олинishi ва шаклланиш даврида: 33. Муқаддас Сильвестр I (314 – 335). 34. Муқаддас Юлий I (337 – 352). 35. Либерий (352–

366). 36. Муқаддас Дамасий I (366 – 384). 37. Муқаддас Сириций (384 – 399). 38. Муқаддас Анастасий I (399 – 401). 39. Муқаддас Иннокентий I (401 – 417). 40. Муқаддас Зосима (417 – 418). 41. Муқаддас Бонифаций I (418 – 422). 42. Муқаддас Целестин I (422 йил 10 сентябрь – 432 йил 27 июль). 43. Муқаддас Сикст III (432 – 440). 44. Муқаддас Лев I Буюк (440 – 461). 45. Муқаддас Гиларий (461 – 468). 46. Муқаддас Симплиций (468 – 483). 47. Муқаддас Феликс III (483 – 492). 48. Муқаддас Геласий I (492 – 496). 49. Муқаддас Анастасий II (496 – 498). 50. Муқаддас Симмах (498 – 514). 51. Муқаддас Гормизд (514 – 523). 52. Муқаддас Иоанн I (523 – 526). 53. Муқаддас Феликс IV (III) (526 – 530). 54. Бонифаций II (530 – 532). 55. Иоанн II (533 – 535). 56. Муқаддас Агапит I (535 – 536). 57. Муқаддас Сильверий (536 – 537). 58. Вигилий (537 – 555). 59. Пелагий I (556 – 561). 60. Иоанн III (561 – 574). 61. Бенедикт I (575 – 579). 62. Пелагий II (579 – 590). 63. Муқаддас Григорий I Буюк (590 – 604). 64. Сабиниан (604 – 606). 65. Бонифаций III (607 – 607). 66. Муқаддас Бонифаций IV (608 – 615). 67. Муқаддас Адеодат I Деуседит (615 – 618). 68. Бонифаций V (619 – 625). 69. Гонорий I (625 – 638). 70. Северин (640 йил 28 май – 2 август). 71. Иоанн IV (640 – 642). 72. Теодор I (642 – 649). 73. Муқаддас Мартин I (649 – 653). 74. Муқаддас Евгений I (654 – 657). 75. Муқаддас Виталий (657 – 672). 76. Адеодат II (672 – 676). 77. Домн (676 – 678). 78. Муқаддас Агафон (678 – 681). 79. Муқаддас Лев II (682 – 683). 80. Муқаддас Бенедикт II (684 – 685). 81. Иоанн V (685 – 686). 82. Конон (686 – 687). 83. Муқаддас Сергей I (687 – 701). 84. Иоанн VI (701 йил 30 октябрь – 705 йил 11 январь). 85. Иоанн VII (705 – 707). 86. Сизинний (708 йил 15 январь – 4 февраль). 87. Константин (708 – 715).

Папалик илк ўрта асрларда: 88. Муқаддас Григорий II (715 – 731). 89. Муқаддас Григорий III (731 – 741). 90. Муқаддас Захарий (741 – 752). 91. Стефан II (752 йил 23 март – 25 март). 92. Стефан II (752 – 757). 93. Муқаддас Павел I (757 – 767). 94. Стефан III (768 – 772). 95. Адриан I (772 – 795). 96. Муқаддас Лев III (795 – 816). 97. Стефан IV (816 – 817). 98. Муқаддас Пасхалий I (817 – 824). 99. Евгений II (824 – 827). 100. Валентин (827 йил август – сентябрь). 101. Григорий IV (827 – 844). 102. Сергей II (844 – 847). 103. Муқаддас Лев IV (847 – 855). 104. Бенедикт III (855 – 858). 105. Муқаддас Николай I Буюк (858 – 867). 106. Адриан II (867 – 872). 107. Иоанн VIII (872 – 882). 108. Марин I (882 – 884). 109. Муқаддас Адриан III (884 – 885). 110. Стефан V (885 – 891). 111. Формоз (891 – 896). 112. Бонифаций VI (896 йил 4 апрель – 19 апрель). 113. Стефан VI (896 – 897). 114. Роман (897 йил август – декабрь). 115. Теодор II (897 йил декабрь). 116. Иоанн IX (898 – 900). 117. Бенедикт IV (900 – 903). 118. Лев V (903 йил июль – сентябрь). 119. Сергей III (904 – 911). 120. Анастасий III (911 – 913). 121. Ландон (913 – 914). 122. Иоанн X (914 – 928). 123. Лев VI (928 йил май –

декабрь). 124. Стефан VII (928 – 931). 125. Иоанн XI (931 – 935). 126. Лев VII (936 – 939). 127. Стефан VIII (939 – 942). 128. Марин II (942 – 946). 129. Агапит II (946 – 955). 130. Иоанн XII (955 – 963). 131. Лев VIII (963 – 965). 132. Бенедикт V (964 йил 22 май – 23 декабрь). 133. Иоанн XIII (965 – 972). 134. Бенедикт VI (973 – 974). 135. Бенедикт VII (974 – 983). 136. Иоанн XIV (983 – 984). 137. Иоанн XV (985 – 996). 138. Григорий V (996 – 999). 139. Сильвестр II (999 – 1003). 140. Иоанн XVII (1003 йил июнь – декабрь). 141. Иоанн XVIII (1004 – 1009). 142. Сергей IV (1009 – 1012). 143. Бенедикт VIII (1012 – 1024). 144. Иоанн XIX (1024 – 1032). 145. Бенедикт IX (1032 – 1044). 146. Сильвестр III (1045 йил 20 январь – 10 март). 147. Бенедикт IX (1045 йил 10 март – 1 май). 148. Григорий VI (1045 – 1046). 149. Климент II (1046 – 1047). 150. Бенедикт IX (1047 – 1048). 151. Дамасий II (1048 йил 17 июль – 9 август). 152. Муқаддас Лев IX (1049 – 1054). 153. Виктор II (1055 – 1057). 154. Стефан IX (1057 – 1058).

Папаликнинг кучайиши: 155. Николай II (1059 – 1061). 156. Александр II (1061 – 1073). 157. Муқаддас Григорий VII (1073 – 1085). 158. Виктор III (1086 – 1087). 159. Урбан II (1088 – 1099). 160. Пасхалий II (1099 – 1118). 161. Геласий II (1118 – 1119). 162. Каликст II (1119 – 1124). 163. Гонорий II (1124 – 1130). 164. Иннокентий II (1130 – 1143). 165. Целестин II (1143 – 1144). 166. Луций II (1144 – 1145). 167. Евгений III (1145 – 1153). 168. Анастасий IV (1153 – 1154). 169. Адриан IV (1154 – 1159). 170. Александр III (1159 – 1181). 171. Луций III (1181 – 1185). 172. Урбан III (1185 – 1187). 173. Григорий VIII (1187 йил 21 октябрь – 17 декабрь). 174. Климент III (1187 – 1191). 175. Целестин III (1191 – 1198).

Папалик ҳокимият чўққисида: 176. Иннокентий III (1198 – 1216). 177. Гонорий III (1216 – 1227). 178. Григорий IX (1227 – 1241). 179. Целестин IV (1241 йил 25 октябрь – 10 ноябрь). 180. Иннокентий IV (1243 – 1254). 181. Александр IV (1254 – 1261). 182. Урбан IV (1261 – 1264). 183. Климент IV (1265 – 1268). 184. Муқаддас Григорий X (1271 – 1276). 185. Иннокентий V (1276 йил 21 январь – 22 июнь). 186. Адриан V (1276 йил 11 июль – 18 август). 187. Иоанн XXI (1276 – 1277). 188. Николай III (1277 – 1280). 189. Мартин IV (1281 – 1285). 190. Гонорий IV (1285 – 1287). 191. Николай IV (1288 – 1292). 192. Муқаддас Целестин V (1294 йил 5 июль – 13 декабрь). 193. Бонифаций VIII (1294 – 1303). 194. Бенедикт XI (1303 – 1304).

Папалик Авиньон асирлигидан Констанца соборигача: 195. Климент V (1305 – 1314). 196. Иоанн XXII (1316 – 1334). 197. Бенедикт XII (1334 – 1342). 198. Климент VI (1342 – 1352). 199. Иннокентий VI (1352 – 1362). 200. Урбан V (1362 – 1370). 201. Григорий XI (1370 – 1378). 202. Урбан VI (1378 – 1389). 203. Бонифаций IX (1389 – 1404). 204. Иннокентий VII (1404 – 1406). 205. Григорий XII (1406 – 1415).

Папалик Ренессанс даврида: 206. Мартин V (1417 – 1431). 207. Евгений IV (1431 – 1447). 208. Николай V (1447 – 1455). 209. Каликст III (1455 – 1458). 210. Пий II (1458 – 1464). 211. Павел II (1464 – 1471). 212. Сикст IV (1471 – 1484). 213. Иннокентий VIII (1484 – 1492). 214. Александр VI (1492 – 1503). 215. Пий III (1503 йил 22 сентябрь – 18 октябрь). 216. Юлий II (1503 – 1513). 217. Лев X (1513 – 1521). 218. Адриан VI (1522 – 1523). 219. Климент VII (1523 – 1534). 220. Павел III (1534 – 1549).

Папалик Реформация ва Контрреформация даврида: 221. Юлий III (1550 – 1555). 222. Марцелл II (1555 йил 9 апрель – 30 апрель). 223. Павел IV (1555 – 1559). 224. Пий IV (1559 – 1565). 225. Муқаддас Пий V (1566 – 1572). 226. Григорий XIII (1572 – 1585). 227. Сикст V (1585 – 1590). 228. Урбан VII (1590 йил 15 сентябрь – 27 сентябрь). 229. Григорий XIV (1590 – 1591). 230. Иннокентий IX (1591 йил 29 октябрь – 30 декабрь). 231. Климент VIII (1592 – 1605). 232. Лев XI (1605 йил 1 апрель – 27 апрель). 233. Павел V (1605 – 1621). 234. Григорий XV (1621 – 1623). 235. Урбан VIII (1623 – 1644).

Папаликнинг емирилиши. Вестфаль сулҳидан Италиянинг бўлинишигача: 236. Иннокентий X (1644 – 1655). 237. Александр VII (1655 – 1667). 238. Климент IX (1667 – 1669). 239. Климент X (1670 – 1676). 240. Иннокентий XI (1676 – 1689). 241. Александр VIII (1689 – 1691). 242. Иннокентий XII (1691 – 1700). 243. Климент XI (1700 – 1721). 244. Иннокентий XIII (1721 – 1724). 245. Бенедикт XIII (1724 – 1730). 246. Климент XII (1730 – 1740). 247. Бенедикт XIV (1740 – 1758). 248. Климент XIII (1758 – 1769). 249. Климент XIV (1769 – 1774). 250. Пий VI (1775 – 1799). 251. Пий VII (1800 – 1823). 252. Лев XII (1823 – 1829). 253. Пий VIII (1829 – 1830). 254. Григорий XVI (1831 – 1846). 255. Пий IX (1846 – 1878) ва бошқалар.

387 – 390 йиллар – Арманистон Рим ва сосонийлар Эрони ўртасида тақсимланди. Бу иш Эрон шоҳи Шопур III ёки Баҳром IV Чўбин ва Рим императори Феодосий I битимиға биноан амалга оширилди.

391 – 406 йиллар – Библия лотин тилига таржима қилинди. Бу таржимани Иероним бажарди, у «Вульгат» номи билан машҳур бўлган. Рим черкови таржиманинг қонунийлигини тасдиқлади.

392 йил – Феодосий I христианлик динини Рим империясида ягона диний эътиқод сифатида эълон қилди.

395 йил – Қадимги Рим империяси икки қисмга: шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетди. Шарқий Рим Византия империяси, ғарбий қисм Рим империяси номини олди.

395 йил – Ғарбий Рим империяси ташкил топди (Ғарбий Рим империяси 476 йилда кулади). Пойтахти – Медиолан, Равенна, Рим. Йирик шаҳарлари – Рим, Карфаген. Тили – лотин. Дини – христианлик.

395 йил – Византия империяси [Шарқий Рим империяси] ташкил топди (Византия империяси 1204 йилда Лотин империясига айланди, 1453 йилда Константинополь шахрининг Усмонли турк султонлиги томонидан олиниши билан империя бутунлай қулади). Пойтахти – Константинополь [ҳозирги Истанбул]. Тили – лотин, ўрта грек. Дини – христианликнинг православ йўналиши. Пул бирлиги – солид, византия тангаси, дукат. Майдо­ни – 3,5 млн. км² (VI аср). Аҳолиси – 35 млн. киши (VI аср). Сулоласи – 20 дан ортиқ.

395 – 453 йиллар – хуннлар йўлбошчиси Аттила (лақаби: Худонинг қазаби) яшаган ва фаолият юритган давр.

395 – 476 йиллар – Ғарбий Рим империяси мавжуд бўлган давр.

395 – 1453 йиллар – Византия империяси [Шарқий Рим империяси] мавжуд бўлган давр.

396 йил – руҳоний Августин Гиппон (ҳозирги Анноба) шаҳри епископи бўлди.

397 йил – руҳоний Иоанн Златоуст Константинополь патриархи бўлди.

IV аср ўргалари – Римни тахт учун кураш, порахўрлик, фахш ва дабдаба, разолат ва ўғрилиқ ҳамда табақавий курашлар заифлаштириб юборди.

IV асрнинг иккинчи ярми – Рим, Константинополь, Антиохия, Болқон яримороли, Кичик Осиё, Искандария ҳамда салтанатнинг бошқа шаҳар ва кишлоқларида ҳам тез-тез ғалаёнлар бўлиб турди.

IV аср охири – Римда Зевсга бағишланган Олимпия ўйинлари ўтказиш тақиқланди.

IV – VI асрлар – Европада халқларнинг буюк кўчиш даври.

400 – 534 йиллар – Вандаллар давлати мавжуд бўлган.

Вандаллар қабиласи етакчилари [Вандал қироллари]: Годагисл (? – 407), Гундерих (407 – 428), Гейзерих (428 – 477), Кунерих (477 – 484), Гунтамунд (484 – 496), Тразамунд (496 – 523), Хильдерих (523 – 530), Гелимер (530 – 534).

402 йил – шарқий герман қабилаларидан бири готларнинг Италияга биринчи ҳужуми уюштирилди.

402 йил – император Гонорий томонидан Равенна шаҳри Ғарбий Рим империясининг пойтахти деб эълон қилинди.

406 йил – вандал, свев, алан каби герман қабилалари Рейн дарёсини кечиб ўтиб, Галлияга бостириб кирдилар. Улар ўз йўлларидаги барча нарсани талаб, Испаниягача бордилар.

407 йил – Рим легионлари Британияни тарк этиб, варварларга қарши курашга йўл олди.

408 – 450 йиллар – Шарқий Рим империяси тахтини отаси Аркадий ўрнига Феодосий II бошқарди.

408 йил – вестготлар Аларих бошчилигида Римга бостириб кириб, уни талаб қайтдилар.

410 йил – вестготлар Аларих бошчилигида Римга учинчи марта бостириб кириб, шаҳарни 3 кун талаб, Италия жанубига қараб қўшин тортишди.

418 йил – Рим вестготларнинг Аквитаниядаги ҳокимиятини тан олишга мажбур бўлди. Ғарбий империя ҳудудида биринчи Варвар давлати пайдо бўлди. Унинг ҳукмдори Теодорих I эди.

419 йил – вестготларнинг Тулуза қироллигига асос солинди.

420 йил – вандаллар Бетикага чекинди. Бу жой ўша пайтдан бошлаб Андалусия (Вандалусия – вандаллар мамлакати) деб аталди.

425 йил – Феодосий II томонидан Константинополда христиан университети ташкил қилинди.

425 – 455 йиллар – Гонорийнинг ўлиmidан сўнг Валентиниан III Ғарбий империя ҳукмдори бўлди.

429 йил – Испанияни эгаллаган вандаллар ва аланлар Гибралтар бўғози орқали Шимолий Африкага ўтиб жойлашдилар.

434 йил – амакиси Ругила вафот этгач, тахтга Аттила (Мундзукнинг ўғли) ўтирди ва Хуннлар давлати подшоси бўлди. Аттила ҳукмронлиги даврида Марказий Европанинг жуда кўп қабилалари хуннларга тобе бўлди. Хуннлар давлати империяга айланди.

434 йил – лашкарбоши Аэций Флавий Ғарбий Рим империясининг амалдаги ҳукмдорига айланди.

439 йил – аланлар ва вандаллар Шимолий Африкада пойтахти Карфаген бўлган Алан-Вандал подшолигини туздилар.

441 – 443 йиллар – англ, ют ва сакс қабилалари Британия оролларини босиб олди. Британия аҳолисининг бир қисми Арморика (Британиянинг кельтча номи) дан бошпана топди.

441 – 447 йиллар – Аттила Шарқий Рим империяси (Византия)га қарши уруш олиб борди.

449 йил – хуннлар подшоси Аттила Ўрта Дунай пасттекислигида жойлашиб, Шарқий империянинг ғарбий ерларини тарк этишга розилик берди.

449 йил – Британия англосакслар томонидан бутунлай забт этилди.

450 – 457 йиллар – Византия императори Марцианнинг ҳукмронлик даври.

451 йил 15 июнь – Ғарбий Рим империяси ва унинг иттифоқчилари (франклар, вестготлар, бургундлар, аланлар ва б.) ҳамда Аттила бошчилигидаги хуннлар ва уларнинг иттифоқчилари (остготлар, гепидлар ва б.) ўртасида Шимоли-Шарқий Франциянинг Труа шаҳри гарбидаги Каталаун яланлигида жанг бўлиб ўтди. Каталаун жанги тарихда халклар жанги номи билан машҳур бўлган. Унда 180 000 киши ҳалок бўлди. Жангдан кейин Аттила Рейн ортига қайтди ва янги куч билан Шимолий Италияга бостириб кирди.

451 – 454 йиллар – Евроооииё даштларида ташкил топган Хуннлар империяси кучайди. Аттила Ғарбий Рим империясига қарши уруш олиб борди.

452 йил – Аттила қўшинлари Италияга бостириб кириб, унинг шимолидаги шаҳар ва қишлоқларни талаб, Дунай дарёси орқасига кайтди.

453 йил – Аттила қўшини Галлияга юриш қилди. Аттила никоҳ кечаси янги хотини томонидан заҳарлаб ўлдирилгач, Хуннлар давлати кучсизланди. Унга тобе бўлган қабилалар мустақил бўлиш учун кўзғолон кўтарди. Хуннлар Париж ва Рим атрофларидан орқага чекиндилар. Хуннлар давлати таназулга юз тутди (455 йилда Паннонияга, 469 йилда Болқон ярим оролига қилган юришлари мағлубият билан тугади. V аср охирида Европадаги Хуннлар давлати барҳам топди).

454 йил – император Валентиниан III лашкарбоши Аэцийнинг кучқудрати ва мавқеидан кўркиб, уни қатл эттирди.

455 йил – Аттиланнинг ўлимидан сўнг Гейзерих бошчилигидаги қадимги герман халқларининг шарқий тармоғига мансуб қабилалар – вандаллар Италияга бостириб кирдилар ва Римни ишғол қилиб, икки ҳафта давомида бойликларини талаб, шаҳарни вайрон қилдилар [Шу туфайли маданий қадриятларнинг ваҳшиёна йўқ қилинишини англатувчи *вандализм* тушунчаси пайдо бўлди].

457 – 474 йиллар – Лев I нинг ҳукмронлик даври. У Константинополь патриархи томонидан тож кийдирилган дастлабки Шарқий Рим императори бўлди.

457 – 751 йиллар – Франк давлатидаги меровинглар биринчи қироллик сулоласининг ҳукмронлик даври. Сулоланинг афсонавий асосчиси – Меродей (сулола номи шундан). Сулоланинг амалдаги асосчиси Хильдерик I. Сулола вакили Хлодвиг I эса Франк давлатига асос солди.

Меровинглар сулоласи: Хильдерик I (457 – 481), Хлодвиг I (481 – 511); Хильперик I (561 – 584; маркази Суарсон бўлган франклар ерининг бир қисмида); Сигеберт (561 – 575; Австризияда); Хлотар II (584 – 629; Нейстрияда – 613 йилгача); Дагоберт I (629 – 639); Хильдерик III (743 – 751; Пипин Пакана томонидан тахти эгалланган) ва бошқалар.

474 – 491 йиллар – Византия императори Зеноннинг ҳукмронлик даври.

476 йил – вандаллар йўлбошчиси Гейзерих Шарқий Рим империяси томонидан Африка, Корсика, Сардиния ва Балеар оролларига ўз ҳукуқининг тан олинишига эришди.

476 йил – герман ёлланма аскарлари сардори Одоакр Рим шаҳрига бостириб кириб, Ғарбий Римнинг сўнгги императори 15 ёшли Ромул Августулни тахтдан ағдарди. Ғарбий Рим империяси тугатилди (Шарқий Рим империяси Византия номи билан яна 1000 йилга яқин мавжуд бўлган).

Рим империясининг қулаши билан инсоният тарихининг қадимги даврига яқун ясалди.

ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ (V – VIII АСРЛАР)

476 йил – Европада илк ўрта асрлар даври бошланди.

479 йил – Хитойда сун сулоласи ўрнига ци сулоласи ҳокимиятга келди.

481 йил – меровинглар уруғидан бўлган франклар қироли Хильдерик I вафот этди. Тахтга унинг ўғли Хлодвиг ўтирди.

481 – 511 йиллар – Франклар қироли Хлодвиг I ҳукмронлик қилди.

486 йил – Франклар давлати Хлодвиг I томонидан ташқил топди. Хлодвиг I Римнинг Галлиядаги сўнги мулкларини эгаллади ва Шимолий Галлияда назоратни ўз қўлига олди. Франклар Шимолий Галлияни Луара дарёсигача истило қилди.

487 – 541 йиллар – Биринчи Уйғур хоқонлиги даври («Аравалилар» давлати).

Биринчи Уйғур хоқонлари: Ай Ужру (487 – 508), Бариян (508 – 510), Ботур (510 – 516), Эл Бек (516 – 520), Юку (520 – 537), Багчи (537 – 541).

493 йил – остготлар дохийси Теодорих I томонидан Одоакр ўлдирилди. У бутун Италия (пойтахти – Равенна)нинг ҳукмдорига айланди.

493 – 555 йиллар – Италияда Остготлар давлати.

496 йил – руҳоний Реми (Ремигий) Рейнс шаҳрида Хлодвигни чўқинтирди. Варвар давлатлари ичида энг йириги бўлган Франк қироллиги христиан динини католик шаклида биринчи бўлиб қабул қилди.

502 йил – Хитойда лян сулоласи ци сулоласини ағдариб ташлади. Император У-Ди мамлакатда буддавийликни кенг тарғиб қилди.

507 йил – франклар Жанубий Галлияни босиб олди. Вестготлар Пиреней ортига сиқиб чиқарилди.

508 йил – остготлар томонидан Прованс босиб олинди.

517 йил – Дунай атрофида славянлар илк марта пайдо бўлишди.

518 – 527 йиллар – Византия императори Юстин I нинг ҳукмронлик даври.

527 – 565 йиллар – Византияда император Юстиниан I нинг ҳукмронлик даври. Бу даврда Византия империяси равнақ топди. Византиянинг биринчи олтин асри.

532 йил – Константинополдаги Ника кўзғолони император Юстиниан I томонидан бостирилди. Император Эрон шоҳи Хусрав I билан абадий тинчлик сулҳини имзолади.

532 – 537 йиллар – Константинополда Муқаддас София ибодатхонаси қурилди. Меъморий обида ижодкорлари меъмор Траллийлик Анфелий ва математик Милетлик Исидор бўлган.

534 йил – франклар Бургундияни босиб олди.

535 – 555 йиллар – Италиядаги Остготлар давлатининг худуди Византия томонидан босиб олинди.

536 йил – франклар томонидан Прованс вилояти ерлари босиб олинди.

536 – 546 йиллар – Константинополда Муқаддас Апостол ибодатхонаси қурилди.

538 йил – буддавийлик дини Кореядан Японияга кириб келди. Бу сана Япония тараққиётида қадимги давр (кўрғонлар даври)нинг тугаши ва тарихий даврнинг бошланиши сифатида эътироф этилади.

Япония императорлари: 1. Дзимму Камуямато Иварэбико (милоддан аввалги 660 – милоддан аввалги 585 йиллар). 2. Суйдзэй Камисама Гава Мимино Микото (мил. авв. 581 – мил. авв. 549). 3. Аннэй Сикицухико Тама Дэмино (мил. авв. 549 – мил. авв. 511). 4. Итоку Охо Яматохико Суки Томонау (мил. авв. 510 – мил. авв. 476). 5. Косё Мина Цухико Каэсинэно (мил. авв. 475 – мил. авв. 393). 6. Коан Охо Ямато Тарасихико Куниоси Хито (мил. авв. 392 – мил. авв. 291). 7. Корэй Охо Ямато Нэкохико Футони (мил. авв. 290 – мил. авв. 215). 8. Когэн Охо Ямато Нэкохико Куни Куроно (мил. авв. 214 – мил. авв. 158). 9. Кайка Охо Вакай Ямато Нэкохико Охо Бибино (мил. авв. 157 – мил. авв. 98). 10. Судзин Мимаки Ирихико Исати (мил. авв. 97 – мил. авв. 30). 11. Суйнин Икумэ Ирихико Исати (мил. авв. 29 – милодий 70 йиллар). 12. Кэйко Охо Тарасихико Осивакэ (милодий 71 – 130). 13. Сэйму Вакай Тарасихико (131 – 191). 14. Тюай Тараси Накацухико (192 – 200). 15. Одзин Фондано Мико / Отомовакэ / Фумудавакэ [Хатиман унвонини олган биринчи император] (270 – 310). 16. Нинтоку Охо Садзаки (313 – 399). 17. Ритю Исаво Вакэ (400 – 405). 18. Хандзэй Мису Вакэ (406 – 410). 19. Ингё О Ацумано Вакако Сукунэ (411 – 453). 20. Анко Анахоно (453 – 456). 21. Юряку Охо Хацунэно (456 – 479). 22. Сэйнэй Сирага Такэхиро Куни Оси Вакай Ямато Нэко (480 – 484). 23. Кэндзо Охокэ (485 – 487). 24. Нинкэн Охо Ай Адзана Симано Иракко (488 – 498). 25. Бурэцу О Фацусэ Вакай Садзаки (498 – 506). 26. Кэйтай О Офу Атонохико Фудо (507 – 531). 27. Анкан Хирокуни Оситакэ Канахи (531 – 536). 28. Сэнка Такэхи Хирокуни Оситакэ (536 – 549). 29. Киммэй Амэкуни Осихараки Хиронива (539 – 571). 30. Бидацу Нумакура Футотамасики (572 – 585). 31. Ёмэй Татибана Тоёхи (585 – 587). 32. Сусюн Хацусэбэ (587 – 592). 33. Суйко Тоёмикэ Касикия хоним [Биринчи император аёл] (593 – 628). 34. Дзёмэй Тамура (629 – 641).

35. Когёку Такара хоним (642 – 645). 36. Котоку Кару (645 – 654). 37. Когёку Такара хоним (655 – 661). 38. Тэндзи Амэ Хираки Вакэ (661 – 672). 39. Кобун Отомо (672). 40. Тэмму Оама (672 – 686). 41. Дзито Такэ Ама Вара Хиро Химэ хоним (686 – 697). 42. Момму Аманомо Мунэ Тоё (697 – 707). 43. Гэммэй Ямато Нэко Амацу Ми Сиро Тоё Куни Нариги Химэ хоним (707 – 715). 44. Гэнсё Хидака хоним (715 – 724). 45. Сёму Амэ Сируси Куни Оси Хираки Тоё Сакура Хико (724 – 749). 46. Кокэн Такано хоним (749 – 758). 47. Дзюннин Охо Ино Охокими (758 – 764). 48. Кокэн Такано хоним (764 – 770). 49. Конин Сира Кабэна Охокими (770 – 781). 50. Каму Ямато Нэко Субэраги Такаратэру но Микото (781 – 806). 51. Хэйдзэй Ямато Нэко Амахираки Куни Такахики (806 – 809). 52. Сага Ками Сино (809 – 823). 53. Дзюнна Оходоми Сино (823 – 833). 54. Ниммё Масара (833 – 850). 55. Монтоку Митиясу Синно (850 – 858). 56. Сэйва Корэхито (858 – 876). 57. Ёдзэй Садааки (876 – 884). 58. Коко Токиясу (884 – 887). 59. Уда Садаёси (887 – 897). 60. Дайго Ацухито (897 – 930). 61. Судзаку Хироакира (930 – 946). 62. Мураками Нариакира (946 – 967). 63. Рэйдзэй Норихира (967 – 969). 64. Энъю Морихира (969 – 984). 65. Кадзан Моросада (984 – 986). 66. Итидзё Канэхито (986 – 1011). 67. Сандзё Суэсада (1011 – 1016). 68. Го-Итидзё Ацунари (1016 – 1036). 69. Го-Судзаку Ацуёси (1036 – 1045). 70. Го-Рэйдзэй Тикахито (1045 – 1068). 71. Го-Сандзё Такахито (1068 – 1073). 72. Сиракава Садахито (1073 – 1087). 73. Хорикава Ёсихито (1087 – 1107). 74. Тоба Мунэхито (1107 – 1123). 75. Сутоку Акихито (1123 – 1142). 76. Коноэ Тосито (1142 – 1155). 77. Го-Сиракава Масахито (1155 – 1158). 78. Нидзё Морихито (1158 – 1165). 79. Рокудзё Тосихито (1165 – 1168). 80. Такакура Норихито (1168 – 1180). 81. Антоку Котохито (1180 – 1185). 82. Го-Тоба Таканари (1183 – 1198). 83. Цутимикадо Тамэхито (1198 – 1210). 84. Дзюнтоку Моринари (1210 – 1221). 85. Тюкё Канэнари (1221). 86. Го-Хорикава Тоёхито (1221 – 1232). 87. Сидзё Хидэхито (1232 – 1242). 88. Го-Сага Кунихито (1242 – 1246). 89. Го-Фукакуса Хисахито (1246 – 1260). 90. Камэяма Цунэхито (1260 – 1274). 91. Го-Уда Ёрихито (1274 – 1287). 92. Фусими Хирохито (1287 – 1298). 93. Го-Фусими Танэхито (1298 – 1301). 94. Го-Нидзё Кунихару (1301 – 1308). 95. Ханадзоно Томихито (1308 – 1318). 96. Го-Дайго Такэхару (1318 – 1339). 97. Го-Мураками Нориеёси (1339 – 1368). 98. Тёкэй Ютанари (1368 – 1383). 99. Го-Камэяма Хиронари (1383 – 1392). 100. Го-Комацу Мотохито (1392 – 1412). 101. Сёко Михито (1412 – 1428). 102. Го-Ханадзоно Хикохито (1428 – 1464). 103. Го-Цутимикадо Нарихито (1464 – 1500). 104. Го-Касивабара Кацухито (1500 – 1526). 105. Го-Нара Томохито (1526 – 1557). 106. Огимати Митихито (1557 – 1586). 107. Го-Ёдзэй Катахито (1586 – 1611). 108. Го-Мидзуно Котохито (1611 – 1629). 109. Мэйсё Окико хоним (1629 – 1643). 110. Го-Комё Цугухито (1643 – 1654). 111. Го-Сай Нагахито (1655 – 1663). 112. Рэйгэн Сагохито (1663 – 1687). 113.

Хигасияма Асахито (1687 – 1709). 114. Накамикадо Ёсихито (1709 – 1735). 115. Сакурамати Тэрухито (1735 – 1747). 116. Момодзоно Тохито (1747 – 1762). 117. Го-Сакурамати Тосико хоним (1762 – 1771). 118. Го-Момодзоно Хидэхито (1771 – 1779). 119. Кокаку Томохито (1780 – 1817). 120. Нинко Аяхито (1817 – 1846). 121. Комэй Осахито (1846 – 1867) ва бошқалар.

550 – 800 йиллар – Марказий ва Жанубий Ҳиндистонда паллавлар сулоласи хукмронлик қилди. Бу пайтда ҳинд тамаддуни Жанубий Осиёга тарқалди.

VI аср ўртаси – VIII аср охири – Иккинчи Авар хоқонлиги даври. Паннония (ҳозирги Венгрия, Югославия ва Австрия ҳудудининг бир қисми)да аварларнинг давлат бирлашмаси бўлган. Давлатга йирик саркарда Баёнхон асос солган.

552 йил – Буюк Турк хоқонлиги [Турк хоқонлиги, Туркют хоқонлиги, Кўктурк хоқонлиги] давлати ташкил топди. Бу давлатга Бумин хоқон томонидан асос солинди. Бумин туркий ашина уруғидан бўлиб, ўз уруғи бошчилигидаги турк қабилалари иттифоқини тузди ҳамда мустақил туркий давлатга пойдевор қўйди. Давлатнинг маркази Олтойда бўлган. Буюк Турк хоқонлиги тез орада Хитойдан Қора денгизгача бўлган ҳудуд (Мўғулистон, Олтой, Манжурия, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Шимолий Кавказ)ни эгаллаб, қудратли давлатга айланди. Хоқонлик бош кенти – Суёб шаҳри (ҳозирги Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳри атрофида) ва ёзги қароргоҳи – Мингбулоқ шаҳри (ҳозирги Қозоғистоннинг Туркистон шаҳри яқинида) бўлган. Пойтахти – Суёб (552 – 603). Тили – қадимги турк. Давлат раҳбари – хоқон. Майдони – 13 млн. км². Аҳолиси – 13 млн. киши. Туркютлар; усун, дулу, нушибилар (Еттисувда), уйғурлар (Шарқий Туркистонда), телелар (Олтойда), киданлар (Манжурияда), суғдийлар (Ўрта Осиёда).

552 – 603 йиллар – Биринчи Турк хоқонлиги даври.

552 – 745 йиллар – Буюк Турк хоқонлиги мавжуд бўлган (Бу давлат 603 йилда Шарқий Турк хоқонлиги ва Ғарбий Турк хоқонлигига бўлиниб кетди. Тадқиқотчилар хоқонлик мавжуд бўлган тарихий даврни қуйидаги икки босқичга ажратишади: *Биринчи Турк хоқонлиги даври (552 – 603)*; *Иккинчи Турк хоқонлиги даври (682 – 745)*).

Буюк Турк хоқонлигининг икки шохобчаси (қаноти) бўлган: *Ғарбий Турк хоқонлиги (568 – 740)*; *Шарқий Турк хоқонлиги (682 – 745)*. Тарихий манбаларда ёзилишича, Ғарбий Турк хоқонлари Ўн ўк будун (Ўн ўк мамлақати)га раҳбарлик қилганликлари учун ҳам Ўн ўк бошқаруви ҳукмдорлари дейилади.

Буюк Турк хоқонлари: Бумин хоқон [Бумин элхон] (552 – 553), Қора Иссиқхон (553 – 554), Муқан хоқон (553 – 572), Тобохон (572 – 581), Амрақ (581), Баға Ишбарахон [Эрбекшод] (581 – 587), Чоллиғ жабғухон Бағахон

(587 – 588), Юн Улуғ [Тўнга Турон] (588 – 599), Қора Чурич Турк [Тарду хоқон] (599 – 603).

561 – 584 йиллар – франклар қироли Хилперикнинг ҳукмронлик даври.

562 йил – туркий Авар хоқонлиги ташкил топди. Хоқонлик ҳозирги Венгрия, Словакия, Хорватия, Руминия, Сербия ва Украина ҳудудида мавжуд бўлган. Пойтахти – Хринг [Тимишоар]. Тили – авар ва славян икки тиллиги. Давлат раҳбари – хоқон.

562 – 823 йиллар – Авар хоқонлиги мавжуд бўлган.

Авар хоқонлари: Кандик (552 – 562), Баян I (562 – 602), Баян II (602 – 617); Тудун Кажд (795 – 814), Аврам (814 - ?), Исҳоқ (? – 835); Менуморот (? – 899) ва бошқалар.

568 йил – туркий қабилалар вакили аварлар ҳозирги Венгрияга келиб жойлашди.

568 йил – лангобардлар Шимолий Италияни истило қилди.

568 – 740 йиллар – Ғарбий турк хоқонлиги даври.

571 йил 22 апрель – 632 йил 8 июнь – Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) яшаган ва фаолият юритган давр.

572 йил – 634 йил 23 август – мусулмонларнинг биринчи халифаси, пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг сафдоши ва қайнотаси Абу Бакр Сиддик Абдуллоҳ ибн Усмон ал-Қурайший (р.а.) яшаган ва фаолият юритган давр.

574 йил – 656 йил 17 июнь – мусулмонларнинг учинчи халифаси, Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг яқин сафдоши Усмон ибн Аффон Умавий ал-Қурайший (р.а.) яшаган ва фаолият юритган давр.

581 йил – Хитойда саркарда Ян Цзянь томонидан Суй империяси вужудга келди. Хитой бирлаша бошлади. (Суй империяси [сулоласи] 618 йилда тугатилди. Пойтахти – Чаньянь. Тили – хитой. Дини – буддизм, даосизм, конфуцийлик. Сулоласи – суй).

581 – 618 йиллар – Хитойда Суй империясини суй сулоласи бошқарди. Суй сулоласига Ян Цзянь (Янҗян) асос солди, у император Вэнь-Ди номи билан 581 – 604 йилларда ҳукмронлик қилди. 589 йилда Хитой жануби ва шимолини бирлаштириб, хитойлик бўлмаган элатларнинг шимолдаги ҳукмронлигига чек қўйди. Давлат пойтахти – Чаньянь (ҳозирги Сиан) шаҳри бўлган. Деҳқонлар қўзғолонлари ва ички низолар натижасида суй сулоласи барҳам топиб, 618 йилда Тайюань (ҳозирги Шаньси вилояти) ноиб Ли Юань ҳокимиятни эгаллаб, янги тан сулоласига асос солди.

Суй сулоласи: Вэнь-Ди (Ян Цзянь) (581 – 604), Ян-Ди (Ян Гуан) (605 – 617), Гун-Ди (Ян-Ю) (617 – 618).

585 йил – Бухорхудотлар подшолиги [ҳокимлиги]га асос солинди. Бу туркий давлат Ғарбий Суғд (Бухоро воҳаси)да бўлган. Кейинчалик у Араб халифалиги томонидан тугатилди. Пойтахти – Бухоро, Варахша. Давлат

бошлиғи – бухорхудот. Сулоласи – эларслонийлар. Тили – суғд. Дини – зардуштийлик.

585 йил – 644 йил 3 ноябрь – мусулмонларнинг иккинчи халифаси, таникли давлат арбоби Умар ибн Хаттоб ал-Фарук (р.а.) яшаган ва фаолият юритган давр.

585 – 782 йиллар – Бухоро шаҳри ва унинг атрофида Бухорхудотлар подшолиги [ҳокимлиги]нинг ҳукмронлик даври.

Бухорхудотлар туркий [эларслонийлар] сулоласи подшолари: Эларслон [Шери Кишвар] (585 – 605); Шелидин [Шели] (605 – 620), Нишу Гяна Шад [Кано] (620 – 630), Хелинце (630 – 639), Ша [Шаба] (640 – 660), Бидун (660 – 673), Малика Хотун [Қабаж Хотун; Хўтак Хотун] (673 – 692), Тағшода I ибн Бидун (692 – 724), Тағшода II (724 – 738), Қутайба ибн Тағшода (738 – 753), Тағшода III (753 – 768), Сукон (768 – 775), Бунёд (775 – 782) ва бошқалар.

590 – 604 йиллар – Григорий I Рим папаси бўлди.

599 йил 17 март – 661 йил 24 январь – мусулмонларнинг тўртинчи халифаси, таникли давлат ва жамоат арбоби, пайгамбар Муҳаммад (с.а.в.) нинг жияни ва куёви Али ибн Абу Толиб ал-Қурайший (р.а.) яшаган ва фаолият юритган давр.

600 йил – қора порох Хитойда илк марта тилга олинди.

VI аср охири – VIII аср бошлари – Бухоро воҳасининг шимоли-ғарбий қисмида туркий Вардонхудотлар подшолиги [ҳокимлиги] фаолият юритди. Кейинчалик у Араб халифалиги томонидан тугатилди. Пойтахти – Вардона [Вардонзе] шаҳри. Давлат раҳбари – вардонхудот. Тили – суғд. Дини – зардуштийлик.

Вардонхудотлар подшолари: Вардонхудот ва бошқалар.

603 йил – Буюк Турк хоқонлиги давлати Шарқий Турк хоқонлиги ва Ғарбий Турк хоқонлигига бўлиниб кетди.

603 йил – Ғарбий Турк хоқонлиги ташкил топди (704 йилда Ғарбий Турк хоқонлиги тугатилиб, ҳокимият тепасига туркашлар келди. Улар Туркаш хоқонлигига асос солишди). Пойтахти – Суёб (603 -704). Тили – қадимги турк. Аҳолиси – турклар, усунлар, қанғиллар, туркашлар, дулатлар.

603 – 704 йиллар – Ғарбий Турк хоқонлиги мавжуд бўлган.

Буюк Турк хоқонлиги ғарбий қисмининг ҳукмдорлари [Ўн ўқ бошқаруви хоқонлари]: Истами ябғу хоқон (552/554 – 576), Қора-Чурин Турк [Тарду хоқон; Қора-Чурин Турк Боқийхон] (576 – 599), Нилихон [Элтегин Буюрук] (599 – 603); *Аймақ Або:* Тўрамон Апахон [Або хоқон] (581 – 587);

Ғарбий Турк хоқонлигининг хоқонлари: Нилихон [Элтегин Буюрук] (603 – 604), Басил тегин (604), Таманхон [Гуло хоқон] (604 – 612), Шегуйхон [Шегуй хоқон] (612 – 618), Тун ябғухон [Тонг ябғу хоқон] (618 – 630), Кюлюг Сибирхон [Баходур Сепи хоқон] (630 – 631), Си ябғухон [Си ябғу

хоқон] (631 – 633), Нишу Дулухон [Бағаша Тулу хоқон] (633 – 634), Ишбара Толис шадхон [Ишбара Териш Тўнга хоқон] (634 – 639); Халли Ишбара ябғухон [Улуғ Ишбара хоқон] (653 – 657), Ашина Дучжихон [Эжина Туржа хоқон] (676 – 679), Ашина Хушэлошад [Кушрак Бўришад] (693 – 704);

Фарбий Турк хоқонлигининг нушиби хоқонлари: Эл-Кюлюгшад Ирбисхон (639 – 640), Ирбис Ишбара ябғухон (640 – 641), Ирбис Шегуйхон (642 – 650), Халлиг Ишбара ябғухон (650 – 657), Ашима Бучженшад (657 – 667), Ашина Хушэлошад (679 – 704);

Фарбий Турк хоқонлигининг дулу хоқонлари: Юкук Ирбис Дулухон (638 – 653), Халлиг Ишбара ябғухон (653 – 657), Ашина Мишешад (657 – 662), Ашина (679 – 693), Юанькиншад, Ашина Хушэлошад (693 – 704).

Кувгинликдаги хоқонлар: Ашина Хуайдао (704 – 708), Ашина Сянь (708 – 717), Ашина Синь (740 – 742) ва бошқалар.

605 – 741 йиллар – Турк хоқонлиги таркибида Чоч мулки мавжуд бўлган.

Чоч ҳукмдорлари (605 – 741 йиллар): Тегин Тяньчжини (605 – 609); Ган-тудун [Тўн тудун] (658); Мохеду тудун [Баходур тудун; Бадар тархон] (713 – 740), Инай тудун Кюйле [Инай тудун Кюлюк] (741) ва бошқалар.

605 – 846 йиллар – Иккинчи Уйғур хоқонлиги даври (Уйғур – Ўрхун хоқонлиги). Шарқий Турк хоқонлиги худудида Иккинчи Уйғур хоқонлиги 605 йилда ташкил топди. Унга Текин Аркин асос солди. Хоқонлик пойтахти – Қоракурум шаҳри (Ўрхун дарёсининг чап қирғоғида). Уйғурлар ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтди (Баъзи адабиётларда бу давлат Уйғур хоқонлиги деб аталиб, Босмил хоқонлиги (742 – 744) дан сўнг, 745 йилда ташкил топган ҳам дейилади).

Иккинчи Уйғур хоқонлари: Текин Аркин (605 – ?), Пуса (646 – ?), Тумид (646 – 648), Баян (648 – 661), Базхан (661 – 681), Тогучи (681 – 715), Утибек (715 – 719), Чинзон (719 – ?), Утинан (727 – ?), Гошу (727 – ?); Етиммиш (742 – 747), Баянчур (747 – 759), Эл Текин (759 – 779), Тон Бага (779 – 789), Тарас (789 – 790), Айчур (790 – 795), Қутлук (795 – 805), Ҳазар Текин (824 – 832), Ху Текин (832 – 839), Кичик Текин (839 – 840), Уги Текин (841 – 844), Инан Текин (845 – 846) ва б.

607 йил – Япониянинг Нара шаҳри агрофида Хоруид-жи номли будда ибодатхонаси қурилди.

610 йил – Муҳаммад ибн Абдуллох (с.а.в.)нинг пайғамбарлик фаолиятлари бошланди.

610 йил – император Ираклий ҳукмронлиги даврида Византия империясининг расмий тили бўлган лотин тили ўрнини юнон (грек) тили эгаллади.

610 – 641 йиллар – Византия императори Ираклийнинг ҳукмронлик даври. У варварларга ва форсларга қарши курашди.

611 – 613 йиллар – Эрон шоҳи Хусрав II Антиокия, Каппадокия, Сицилия ва Фаластинни эгаллади.

614 йил – Хусрав II Қуддуси Шарифни босиб олди ва Эронга муқаддас буюмларни олиб кетди.

618 – 750 йиллар – Турк хоқонлиги таркибида Тохаристон [Тўхористон] мулки мавжуд бўлган. Тохаристон тарихий вилоятига ҳозирги Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудлари кирган. VII аср бошларида Тохаристон 27 та алоҳида мулк: Балх, Қундуз, Термиз, Чағониён, Хутталон ва бошқалардан иборат бўлган. Кейинчалик у Араб халифалиги томонидан тугатилди.

Тохаристон ябғулари [ҳукмдорлари] (618 – 750 йиллар): Тарду шод ябғу [Дату ше] (618 – 630), Ишбара ябғу [Шабало шеху] (630 – 650); Ашина Учебо (653 – 660); Гун Ишбара ябғу (VII аср сўнги чораги), Надунили (700 – 720), Қутлуғ Тун Тарду [Гудулу Тун Дату] (720 – 730); Шилиман Гало [Сулаймон – ?] (750) ва бошқалар.

618 йил – Хитойда дастлабки чинни буюмлар тайёрланди (чинни буюмлар тайёрлаш техникаси X асрда юксак даражага чиқди).

618 йил – Хитойда Ли Юаню томонидан Тан империяси ташкил қилинди (907 йилда Тан империяси тугатилди). Пойтахти – Сиань (618 – 904), Лоян (904 – 907). Тили – хитой. Дини – буддизм, даосизм, конфуцийлик. Аҳолиси – 100 000 000. Сулоласи – тан.

618 – 907 йиллар – Хитойда тан сулоласи ва марказлашган давлати ҳукмронлиги даври. Тан сулоласига 618 йил ноиб Ли Юань асос солди, Гао-цзу номи билан 618 – 626 йилларда давлатни бошқарди. У туркий кавмлар ёрдамида ҳокимиятни эгаллади. Бу сулола суй сулоласидан кейин ҳокимиятга келди. Тан сулоласи ўзаро низолар ва халқ қўзғолонлари натижасида 907 йил 15 та майда ҳокимликларга бўлиниб кетди.

Тан сулоласи вакиллари (618 – 907): Гао цзу [Ли Юань] (618 – 626), Тай-цзун [Ли Шиминь] (627 – 649), Гао-цзун [Ли Чжи] (650 – 683); Чжун-цзун [Ли Сянь] (684), Жуй-цзун [Ли Дань] (684/690); Цзэ Тянь-хоу [У Чжао] (684/690 – 705); Чжун-цзун [Ли Сянь/Ли Чжэ] (705 – 710), Вэнь-ван [Ли Чун-мао] (710), Жуй-цзун [Ли Дань] (710 – 712), Сюань-цзун [Ли Луи-цзи] (712 – 756), Су-цзун [Ли Хэн] (756 – 762), Дай-цзун [Ли Юй] (763 – 779), Дэ-цзун [Ли Гуа] (780 – 805), Шунь-цзун [Ли Сун] (805), Сянь-цзун [Ли Чунь] (806 – 820), Му-цзун [Ли Хэн] (821 – 824), Цзин-цзун [Ли Чжань] (825 – 827), Вэнь-цзун [Ли Ан] (827 – 840), У-цзун [Ли Чань] (841 – 846), Сюань-цзун [Ли Чэнь] (847 – 859), И-цзун [Ли Цуй] (860 – 873), Си-цзун [Ли Янь/Сюань] (874 – 888), Чжао-цзун [Ли Е/Цзе] (889 – 904), Чжао Сюань-ди [Ли Чжу] (904 – 907).

622 йил – Византия императори Ираклий форсларни Кичик Осиёдан қувиб чиқарди.

622 йил 16 июль – Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг Маккадан Мадинага ҳижратлари. Шу кундан мусулмонларнинг ҳижрий йил ҳисоби бошланди.

629 йил – буддавийлик дини Тибетга тарқалди.

629 – 645 йиллар – хитойлик будда роҳиби Сюань Цзан Ҳиндистонда бўлди.

630 йил – Турк хоқонлигининг шарқий қисми Хитойнинг Тан империяси томонидан истило қилинди.

630 йил – араб қабилалари пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) томонидан ягона давлатга бирлаштирилди.

630 йил – Марказий Осиё ва Хитойда несториан христиан жамоалари вужудга кела бошлади.

630 – 745 йиллар – Турк хоқонлиги таркибида Фарғона мулки мавжуд бўлган ва уни афшинлар идора этган. Кейинчалик у Араб халифалиги томонидан тугатилди.

Фарғона афшинлари [ҳукмдорлари] (630 – 745 йиллар): Ашина Шуни (630 – 645), Йебочжи (645 – 660), Аляоцен [Хуминда] (640 – 660), Алагар [Алутар] (700 – 720/726), Арслон Тархон [Асилян-даган] (726/739 – 745) ва бошқалар.

632 йил – Ислом халифалиги [Европа ва Россия адабиётларида: Араб халифалиги] ташкил топди. Халифаликнинг марказий шаҳри Мадина бўлган (1258 йилда мўғуллар томонидан Бағдод босиб олинди ва Ислом халифалиги тугатилди). Пойтахти – Мадина (630 – 656), Макка (656 – 661), Дамашқ (661 – 754), Эл-Куфа (754 – 762), Бағдод (762 – 836), Самарра (836 – 892), Бағдод (892 – 1258). Давлат раҳбари – халифа. Тили – араб. Аҳолиси – араблар, форслар, туркийлар, ироклик ажаллар, сурияликлар ва б. Дини – ислом. Сулоласи – умавийлар, аббосийлар.

632 – 634 йиллар – халифа Абу Бакр Сиддиқ ҳукмронлиги даври.

632 – 661 йиллар – *Хулафои рошидин даври:* Абу Бакр Сиддиқ (632 – 634), Умар ибн Хаттоб (634 – 644), Усмон ибн Аффон (644 – 656), Али ибн Абу Толиб (656 – 661).

632 – 1258 йиллар – Ислом халифалиги мавжуд бўлган давр.

1. Мадина жамоаси. 2. Хулафои рошидин (632 – 661). 3. Умавийлар халифалиги (661 – 750). 4. Аббосийлар халифалиги (750 – 1258).

634 – 644 йиллар – халифа Умар ибн Хаттоб ҳукмронлиги даври. Бу даврда Сурия, Миср, Месопотамия ҳамда Эрон халифалик таркибига киритилди ва ислом динини қабул қилди.

637 йил – араб қўшинлари Кадесия яқинида бўлган жангда Эрон сосонийлари қўшинини енгиб, Месопотамияни қўлга киритди.

637 – 651 йиллар – Эрон араб қўшинлари томонидан босиб олинди.

639 йил – илк марта манбаларда *Туркистон* атамаси шу шаклда тилга олинади. Суғд тилида ёзилган бу манбада (бу ҳужжат 1969 йилда Турфон атрофидан хитой ҳужжатлари билан бирга топилган) сўз самарқандлик кизнинг чўриликка сотилганлиги хусусида боради (Туркистон ҳудуди аввал *Турон* деб номланган. XIX аср ўрталаридан бошлаб Туркистон шартли равишда Ғарбий Туркистон [Рус Туркистони], Шарқий Туркистон [Хитой Туркистони], Жанубий Туркистон [Афғонистон ва Эроннинг шимолий қисми]га бўлинди. Ғарбий ва Шарқий Туркистонда кўпроқ туркий аҳоли, Жанубий Туркистонда эса эроний аҳоли яшайди. Бугунги кунда Туркистон минтақасига Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон республикалари каби мустақил давлатлар, Хитойнинг Синьцзян – Уйғур мухтор тумани, Сибирь жанубидаги туркий тилли минтақа, Шимолий Афғонистон ва Шимолий Эрон ҳудуди киради. XX аср бошларидан бошлаб *Туркистон* тарихий атамаси *Ўрта Осиё* истилоҳи билан, XXI аср бошидан эса *Марказий Осиё* термини билан алмаштирилди).

640 – 642 йиллар – Византия Мисри араблар томонидан босиб олинди.

642 йил – Нехавонд яқинида бўлган жангда араблар сосонийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Яздигард III кўпинини тор-мор келтирди.

644 – 656 йиллар – халифа Усмон ибн Аффон ҳукмронлиги даври. Бу даврда халифа Умарнинг сиёсати давом эттирилди. Қуръони карим матнига тартиб берилди.

647 – 649 йиллар – мусулмонларнинг биринчи денгиз экспедицияси Кипрни эгаллади.

650 – 969 йиллар – туркий Хазар хоқонлиги фаолият юритди. Бу давлат Ғарбий Турк хоқонлиги парчаланиши натижасида Қуйи Волгабўйи ва Шимолий Кавказнинг шарқий қисмида вужудга келган туркий халқларнинг илк ўрта аср давлати. Давлат раҳбари – хоқон. Хоқонлик пойтахти – Самандар (ҳозирги Доғистон), сўнгра Итил (Қуйи Волга) шаҳарлари бўлган. Хоқонлик тили – хазар тили. Аҳоли тангричилик, ислом, мажусийлик, яхудийлик, христианлик динларига эътиқод қилган. Шунингдек, бу даврда хазарлар (туркий тилли қабилалар) Дон дарёси қирғоқларига келиб ўрнашди.

Хазар хоқонлиги ҳукмдорлари:

Хоқонлик тузилган давргача: Хазар (сурияча: Хазариг), Қодир Косар (VI аср 2-ярми), Жебуқаган [византияча: Зиевил] (626 – 630).

Хазар хоқонлари: Ибузир Глеван (705 – 711), Барджил [Барсбек] (722 – 731), Парсбит (731), Вирхор (732 – 750), Багатур [Баҳодур] (759 – 763), Захария (860 – 861) ва бошқалар.

Хазар беклари: Обадия, Езекия, Манассия I, Ханукка, Исҳок, Завулон, Манассия II (Мусо), Нисси, Аарон I, Менахем, Вениамин (880 – 900), Аарон II (900 – 930), Иосиф [Юсуф] (932 – 960) ва бошқалар.

651 йил – сосонийлар сулоласининг сўнгги шохи Яздигард III ўлдирилди. Сосонийлар давлати тугатилди. Эрон узил-кесил араблар хокимиятини тан олди. Зардуштийлик ўрнига ислом дини жорий қилинди.

656 – 661 йиллар – халифа Али ибн Абу Толиб ҳукмронлиги даври.

657 йил 26 – 28 июль – Сиффин жанги. Унда халифа Али ибн Абу Толиб қўшинларига қарши халифаликнинг Шом (Сурия)даги исёнчи ноиб Муовия I лашкари курашди. Бу жангда Муовия ҳарбий ҳийла ишлатгач, халифа Али ноилож жангни тўхтатди. Алининг қатъиятсизлигидан норози бўлган 12 000 киши унинг қўшинини тарк этди. Улар тарихий адабиётларда *хорижийлар* деб номланади (Хорижийлар (арабча – ажралиб чиққан, исёнчи) фирқаси халифа Али тарафдорлари ўртасидан ажралиб чиқиб, исломда илк оқимни вужудга келтирди. Халифа Али билан умавийлар ўртасида ҳокимият учун курашда улар ҳар икки томонга қарши муросасиз курашганлар. Хорижийлар фирқаси кескин фикрлари билан кўпчилик мусулмонларнинг норозилигига сабаб бўлган. Халифа Али кейинчалик хорижийлар юборган қотил томонидан ўлдирилди).

660 – 688 йиллар – Силла давлати томонидан Корея бирлаштирилди. Хитойнинг тин сулоласи вакиллари бу ишда кўмак бердилар.

661 йил 24 январь – Куфа (Ироқ) шаҳридаги масжидда намоз ўқиётган халифа Али унга душманлик ниятида бўлган хорижийлар вакили Абдуррахмон ибн Мулжам томонидан ўлдирилди. Али тарафдорлари кейинчалик ўзларини шиалар деб аташди ҳамда уларнинг фикрича, ҳазрат Али шиаларнинг биринчи имоми бўлган. Уларнинг айтишича, сўнгги имом Маҳдий аслида ўлмаган, балки у ғойиб бўлган ва келажақда Ерга қайтиб, адолат ўрнатади.

Шиаларнинг ўн икки машҳур имоми:

1. Али ибн Абу Толиб (599 – 661; Куфадаги масжидда қотил Абдуррахмон ибн Мулжамнинг заҳарланган қиличидан ўлдирилди; Эроннинг Нажаф шаҳридаги Имом Али масжидида дафн этилган).

2. Имом Ҳасан ибн Али (624 – 670; Мадинада ўз хотини томонидан заҳарлаб ўлдирилган).

3. Имом Ҳусайн ибн Али (626 – 680; Карбало жангида ўлдирилган).

4. Имом Зайнобиддин (658 – 712; Мадинада халифа буйруғи билан заҳарлаб ўлдирилган).

5. Имом Муҳаммад Боқир (677 – 732; Мадинада халифа буйруғи билан заҳарлаб ўлдирилган).

6. Имом Жаъфар Содик (702 – 765; Мадинада халифа буйруғи билан заҳарлаб ўлдирилган).

7. Имом Мусо Козим (744 – 799; Бағдодда ҳибсда халифа буйруғи билан заҳарлаб ўлдирилган).

8. Имом Али Ризоий (765 – 817; Машҳадда заҳарлаб ўлдирилган).

9. Имом Муҳаммад Тақий (810 – 835; Бағдодда халифанинг кизи бўлган ўз хотини томонидан заҳарлаб ўлдирилган).

10. Имом Али Ҳодий (827 – 868; Самаррада халифа буйруғи билан заҳарлаб ўлдирилган).

11. Имом Ҳасан Асқарий (846 – 874; Самаррада халифа буйруғи билан заҳарлаб ўлдирилган).

12. Имом Муҳаммад Маҳдий (868 йилда туғилган; 874 йилда бедарак йўқолган).

661 йил – Умавийлар халифалиги [Дамашқ халифалиги] ташкил топди (750 йилда Умавийлар халифалиги тугатилгач, хонадоннинг тирик қолган вакиллари аввал Миср, сўнгра Мағрибга жўнаб кетишди. 755 йилда умавийлардан Абдуррахмон Кордова халифалигига асос солди). Пойтахти – Дамашқ. Давлат раҳбари – халифа. Тили – араб. Дини – ислом. Пул бирлиги – динар. Майдони – 15 000 000 км². Сулоласи – умавийлар.

661 – 750 йиллар – умавий халифаларининг ҳукмронлиги даври. Халифа Али ибн Абу Толиб 661 йилда ўлдирилгач, халифаликда умавийлар сулоласи ҳокимият тепасига келди. Муовия I зўравонлик билан диний ва дунёвий ҳокимиятни эгаллади. Халифалик пойтахти Дамашққа кўчирилди. Бу даврда ислом Шимолий Африкага кенг тарқалди, халифалик пойтахти Дамашқ бўлган. Шу туфайли бу халифаликни Дамашқ халифалиги деб ҳам аташади.

Умавий халифалари: Муовия I ибн Абу Суфён (661 – 680), Язид I ибн Муовия (680 – 683), Муовия II (683 – 684), Марвон I (684 – 685), Абдулмалик (685 – 705), ал-Валид I (705 – 715), Сулаймон (715 – 717), Умар II (717 – 720), Язид II (720 – 724), Ҳишом (724–743), ал-Валид II (743 – 744), Язид III (744), Иброҳим (744), Марвон II (744 – 750).

661 – 755 йиллар – Умавийлар халифалиги томонидан тайинланган Хуросон ва Мовароуннаҳр ноиблари фаолияти.

Умавийлар давридаги Хуросон ноиблари (ҳижрий 41 – 132/ милодий 661 – 755 йиллар): Қайс ибн ал-Хайсам (41 – 42/661 – 663), Абдуллоҳ ибн Хазим ибн Забйон ас-Сулайми (43/663 – 664), Ибн Амир Аслам ибн Зуръа ал-Килабий (43 – 44/664 – 665), Ҳакам ибн Амр ал-Ғифорий (45/665 – 666), Хулайд ибн Абдуллоҳ ал-Ҳанафий (45 – 51/666 – 671); Ғолиб ибн Фадал ал-Лайсий (48/668 – 669); Рабиъ ибн Зиёд ал-Хорисий (51 – 53/671 – 672), Убайдуллоҳ ибн Рабиъ ибн Зиёд (53 – 55/672 – 675), Сайид ибн Усмон ибн Аффон (56 – 58/676 – 678), Абдуррахмон ибн Зиёд ибн Сумайя (58 – 61/677 – 680), Салим ибн Зиёд [Абу Ҳарб] (61 – 63/680 – 682), Абдуллоҳ ибн Хазим ибн Забйон ас-Сулами (64 – 72/683 – 692), Букайр ибн Вишах ас-Саъдий (73 – 74/693 – 694), Умайя ибн Абдуллоҳ ибн Холид (74 – 78/694 – 697), Мухаллаб Абу Суфра ал-Аздий (78 – 82/698 – 702), Йазид ибн ал-Мухаллаб ибн Абу Суфра (82 – 85/702 – 704), Муфаддал ибн ал-Мухаллаб ибн Абу

Суфра (85/704 – 705), Кутайба ибн Муслим ал-Боҳилий [Абу Хафс] (86 – 96/705 – 715), Ўзид ибн ал-Мухаллаб ибн Абу Суфра (97 – 99/715 – 717), Жарроҳ ибн Абдуллоҳ ал-Ҳақамий (99 – 100/717 – 719), Абдуррахмон ибн Нуайм ал-Ҳамидий (100 – 101/719), Саид ибн Абдулазиз ибн ал-Хорис [Хузайна] (101 – 102/719 – 721), Саид ибн Амр ибн ал-Асвад ал-Хароший (103 – 104/721 – 723), Муслим ибн Саид ибн Аслам ибн Зуръа ал-Килабий (104 – 105/723 – 724), Асад ибн Абдуллоҳ Абу Мунзир (105 – 109/724 – 728), Ашрас ибн Абдуллоҳ ас-Суламий (109 – 111/728 – 730), Жунайд ибн Абдуррахмон ал-Муррий (111 – 115/730 – 734), Асим ибн Абдуллоҳ ибн Ўзид ал-Ҳилолий (115 – 117/734 – 736), Асад ибн Абдуллоҳ Абу Мунзир (117 – 120/736 – 738), Жудия ибн Али Кирмоний (120/737 – 738), Наср ибн Сайёр ал-Лайсий (121 – 131/739 – 748), Абу Муслим Абдуррахмон (132 – 137/749 – 755).

670 йил – тибет ва хитойликлар Марказий Осиёда ўзаро тўқнашдилар.

673 – 677 йиллар – Константинополь мусулмонлар флоти томонидан биринчи марта қамал қилинди.

680 йил 10 октябрь [ҳижрий 61 йилнинг 10 муҳаррами] – Карбало жанги. Бу жангда Алининг ўғли Имом Ҳусайннинг 75 кишилик кичик бўлинмасига умавийларнинг 4 000 кишилик катта қўшини қарши турди. Умавийлар халифаси Язиднинг лашкарбоши Убайдуллоҳ ибн Зиёд бошчилигидаги қўшини томонидан 72 киши, жумладан, пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом оиласига мансуб бўлган имомзода саййидлар (Имом Ҳусайн, Аббос ибн Али, Алининг 1,5 яшар чевараси Али Асгар ва б.) ўлдирилди. Карбало фожиаси ислом динида суннийлик ва шиалик оқимларининг узил-кесил ажралишига сабаб бўлди (Хар йили мазкур кунда шиалар томонидан Имом Ҳусайнни хотирлаш маросими ўтказилади. 2012 йил бошларида Карбалодаги мотам маросимида 15 млн. киши қатнашган, бу миқдор ўша йили Макка ва Мадинага Ҳаж зиёратига борган мусулмонларга нисбатан тахминан 10 баравар кўп ҳисобланади).

681 йил – булғорлар (туркий халқ) Византия армиясини мағлубиятга учратиб, Дунай воҳасига кирди ва Биринчи Булғор подшолигини тузди (Булғорлар кейинчалик христиан динини қабул қилиб, ўз туркий тилларини унутди ва жанубий славян халқи – болгарларга айланди).

681 – 1018 йиллар – Биринчи Булғор подшолиги. Булғорларнинг дастлабки давлати Болқон ярим оролининг шимолида ташкил топди. Давлат пойтахти Плиска, 893 йилдан Преслов шаҳри бўлган.

Биринчи Булғор подшолиги хукмдорлари:

Аспарух (668 – 701), Тервел (701 – 721), Кормесий (721 – 738), Севар (738 – 753), Кормисош (753 – 756), Винех (756 – 761), Телец (762 – 765), Сабин (765 – 766), Умор (766), Токту (767), Паган (768 – 772), Телериг (772 – 777), Кардам (777 – 802), Крум (802 – 814), Омуртаг (814 – 831), Маламир

(831 – 836), Пресиан I (836 – 852), Борис-Михаил I (852 – 889), Владимир Расате (889 – 893), Симеон I (893 – 927), Пётр I (927 – 969), Борис II (969 – 977), Давид, Моисей, Аарон, Самуил (биргаликда: 970 – 977), Роман (977 – 997), Самуил (997 – 1014), Гавриил Радомир (1014 – 1015), Иван Владислав (1015 – 1018); Пётр II Делян (1040 – 1041), Пётр III (Константин Бодин; 1072) ва бошқалар.

682 йил – Хитойнинг Тан империясига карши қаратилган Қутлуқ бошчилигидаги қўзғолон муваффақият қозонди ҳамда хоқонликнинг шарқий қисмида Шарқий Турк хоқонлиги қайта тикланди. *Шарқий Турк хоқонлиги бу даврдан бошлаб Кўк Турк хоқонлиги деб ҳам аталди.* Қутлуқ Элтариш хоқон ҳокимият тепасига келди. Иккинчи турк хоқонлиги даври ҳам бошланди. (745 йилда Кўк Турк хоқонлиги уйғурлар томонидан тугатилиб, Уйғур хоқонлигига асос солинди.) Пойтахти – Ўрда Балиқ (682 – 744). Тили – қадимги турк. Майдони – 4 млн. км². Аҳолиси – туркютлар; уйғурлар (Шарқий Туркистонда), киданлар (Манжурияда), енисей қирғизлари (Енисей дарёси атрофида).

682 – 745 йиллар – Иккинчи Шарқий турк хоқонлиги даври.

Шарқий Турк хоқонлиги хоқонлари: Жангар Кимин хоқон [Жангар; Кимин хоқон] (603 – 608), Шибирхон Туркшад [Туркшад; Шибирхон] (608 – 619), Чулохон Силикбекшад [Силикбекшад; Чулохон] (619 – 620), Кат Элхон Баҳадуршад [Баҳадуршад; Кат Элхон] (620 – 630); *Тан ҳокимияти остидаги Шарқий Турк хоқонлиги:* Толихон Шибоби (630 – 631), Толихон Хэлочу (631 – 639); Иминишусиликэхон (639 – 644), Элчур Кюбэхон (644 – 649);

Кўк Турк хоқонлиги хоқонлари: Элтариш хоқон [Қутлуқ; Элтариш билга хоқон] (682 – 693), Қапаган хоқон [Мочур; Қапаган хоқон] (693 – 716), Билга хоқон [Богю; Инел хоқон] (716), Билгахон Богю [Богю] (716 – 734), Йўллик тегин Ижанхон [Ижан; Йўллик тегин Ижан хоқон] (734 – 739), Билга Қутлуғхон [Қутлуғ; Билга Қутлуғ тегин хоқон] (739 – 741), Озмиш тегинхон [Озмиш; Озмиш хоқон] (742 – 743), Баймэйхон Кулунбек [Кулунбек; Бомей тегин хоқон] (743 – 745) ва бошқалар.

685 – 687 йиллар – Эроннинг Куфа шаҳрида камбағаллар ва хунармандлар қўзғолон кўтарди.

690 йил – дастлабки мусулмон олтин тангалари зарб қилинди.

690 йил – ирланд денгизчилари Фаррер ороллари очишди.

691 – 692 йиллар – Қуддуси шарифда дастлабки ислом обидаси – Умар масжиди қурилди.

698 йил – араблар Карфагенни Византия империясидан бутунлай тортиб олдилар.

699 йил 5 сентябрь – 767 йил 14 июнь – ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Абу Ханифа [Собит ибн Нўъмон] яшаган ва фаолият юритган давр. У Имом Аъзам сифатида мусулмон дунёсида машхур бўлган.

VII – VIII асрлар – Африкада Нигер ва Сенегал дарёлари ҳавзасида илк давлатлар: Гана, Мали, Сонгаи ташкил топди.

700 – 1100 йиллар – Америка қитъасида Анасизи маданияти: публо кабилалари.

700 – 1334 йиллар – Чад кўли ҳавзаси ҳудудида Канем давлати пайдо бўлди. Канем давлати таназзулга учрагач, XIV аср охирида Борну давлати ташкил топди. Ҳозирги Чад ҳудудининг турли қисмларида Багирми (1522 – 1892), Вадаи (1603 – 1909), Раббаҳ (1893 – 1900), Убанги-Шари (1903 – 1960) давлатлари мавжуд бўлган.

704 йил – Ғарбий Турк хоқонлиги тугатилди ҳамда ҳокимият туркашлар кўлига ўтди. Туркаш хоқонлиги ташкил қилинди. Бу туркий давлат ҳудуди Шош[Тошкент]дан Жунғориягача бўлиб, унга туркаш кабилаларининг бошлиғи Ушлиқ асос солган. Туркаш хоқонлиги ички хавф: қора ва сарик туркашлар ўртасидаги биродаркушлик уруши ҳамда ташқи хавф: Хитойнинг Тан империяси босқини натижасида 756 йилда тугатилди. Еттисув 759 йилга келиб бошқа туркий халқ – қарлуқлар кўлига ўтиб кетди. Пойтахти – Суёб, кичик қароргоҳи – Кунгут. Давлат раҳбари – хоқон.

704 – 756 йиллар – Туркаш хоқонлиги мавжуд бўлган. Туркашлар томонидан 704 йилда Ғарбий Турк хоқонлиги тугатилди ва янги давлатга асос солинди.

Туркаш хоқонлиги хоқонлари: Ушлиқ (699/704 – 706), Соға [Соғэ] (706 – 711), Чжен (711 – 715), Сулук (715 – 738), Кутша [Тукварсен Кутшор] (738 – 739), Боға тархон (739 – 742), Билга [Эл Идмиш Кутлуғ] (742 – 753), Тангри Илмиш (753 – 756).

705 йил – Дамашқда Умавийлар масжиди қурилди.

705 – 715 йиллар – Қутайба ибн Муслим – Хуросон ноибни бўлган давр.

707 йил – Қутайба Бухоро воҳасига бостириб кирди; Пойкенд қамали. Маҳаллий ҳокимлар ва туркларнинг ёрдамга келган кўшини билан Қутайба кўшини ўртасида Тороб ва Ромитан оралиғидаги жанг; Ромитан истило қилинди.

709 йил – мусулмонларнинг Марказий Осиёга (Эрондан) юриши натижасида Мовароуннаҳр (Туркистон) босиб олинди.

709 йил – Қутайба томонидан Варахша, Вардона ва Бухоро истило қилинди, Бухоро шахристонига араб кабилалари жойлаштирилди; Бухородаги қадимий зардуштийлар ибодатхонаси Жомеъ масжидига айлантирилди.

710 йил – Қуддуси Шарифда Ал-Ақсо масжиди ва бошқа меъморий обидалар қурилди.

710 йил – Қутайба кўшинлари томонидан Шуман, Насаф ва Кеш истило қилинди.

710 – 737 йиллар – Суғд ихшиди Ғуракнинг ҳукмронлик даври.

711 йил 19 ёки 23 июль – Торик ибн Зиёд [Жабал ут-Торик] бошчилигидаги араб (мусулмон) қўшини Гибралтар бўғозини кечиб ўтиб, вестготлар кироли Родерихни енгиб, Пиреней ярим оролидаги Испанияни эгаллади [Гвадалете ёнидаги жанг]. Араблар Жабал ут-Торик бошчилигида Испанияни босиб олди ҳамда мусулмон Испанияси – Андалусия [ал-Андалус]га асос солди (Гибралтар бўғозининг номи унинг исми шарифидан олинган).

711 – 712 йиллар – Кутайба Хоразмга юриш қилди. Хурзод кўзғолони бостирилди ва Хоразм тобе қилинди.

711 – 714 йиллар – Испания араблар томонидан эгалланди.

711 – 1492 йиллар – Андалусия [мусулмон Испанияси] мавжуд бўлган.

712 йил – Кутайба Самарқандга юриш қилди. Арбинжон мавзеидаги жанг. Самарқанд таслим бўлди. Суғд ихшиди Ғурак ва араблар қўшини кўмондони Кутайба ўртасида Самарқанд шартномаси тузилди.

712 – 713 йиллар – Турк хоқонлиги ҳамда Суғд, Чоч ва Фарғона арабларга қарши курашда ўзаро иттифок тузди.

712 – 713 йиллар – араблар Ҳиндистонга бостириб кириб, Синд ва Панжобнинг бир қисмини эгалладилар.

713 йил – Кутайба қўшинлари томонидан Чоч, Уструшона, Хўжанд ва Косон истило қилинди.

714 йил – Кутайбанинг Исфижобга юриши.

715 йил – халифалик томонидан Фарғона водийси забт этилди ва араб қўшинлари Кошғаргача кириб борди. Кутайба ибн Муслим исён кўтарган араблар томонидан Кох кишлоғида (ҳозирги Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида) ўлдирилди.

715 – 741 йиллар – франклар кироли Карл Мартелл ҳукмронлиги даври.

717 йил – Лев III Византияда ҳокимиятни босиб олди ва исаврийлар (Сурия) сулоласига асос солди.

718 – 755 йиллар – машҳур давлат арбоби ва ҳарбий саркарда Абу Муслим Марвазий яшаган ва фаолият юритган давр.

719 – 783 йиллар – давлат арбоби ва ҳарбий саркарда Муқанна (Ҳошим ибн Ҳаким) яшаган ва фаолият юритган давр.

720 – 723 йиллар – Суғд ихшиди Ғурак бошчилигидаги кўзғолон. Кўзғолон мағлубиятга учрагач, Ғурак билан араблар ўртасида сулҳ тузилиб, Ғурак араблар томонига ўтади.

721 – 722 йиллар – тўрт юз суғд савдогари жуда кўп мол билан Хитойдан келган.

721 – 722 йиллар – Панжикентда араблар зулмига қарши Панжикент ҳокими Деваштич бошчилигида кўзғолон бўлиб ўтди; кўзғолон мағлубиятга учрагач, Деваштич қатл этилди ва 400 суғд савдогари Хитойга жўнаб кетди.

724 – 743 йиллар – умавийлар сулоласи халифаси Ҳошимнинг ҳукмронлик даври.

732 йил – франклар қироли Карл Мартелл араблар ҳужумларига чек қўйди. Пуатье жангида араблар мағлубиятга учради. Пуатье мусулмонларнинг оёғи етган ғарбдаги энг чекка ҳудуд бўлди.

736 – 1122 йиллар – Шарқий Грузияда Тифлис амирлиги мавжуд бўлган. Амирлик умавийлар сулоласининг шуъубийлар шоҳобчаси, сўнгра жаъфарийлар томонидан бошқарилган. Пойтахти – Тифлис (ҳозирги Тбилиси). 1122 йили Тифлисга грузин Довид кирди ҳамда шаҳарни Багратийлар давлати пойтахтига айлантирди.

740 – 1075 йиллар – Кавказда Дарбанд амирлиги мавжуд бўлган. Пойтахти – Дарбанд. Тили – лезгин ва араб тиллари. Сулоласи – бану-сулайми.

741 – 768 йиллар – франклар қироли Пипин Пакана ҳукмронлиги даври.

742 – 743 йиллар – илк ўрта асрлар даврида сўнгги оммавий вабо эпидемияси.

742 йил 2 апрель/747 йил – 814 йил 28 январь – франклар қироли Карл I яшаган ва фаолият юритган давр.

745 йил – Эронда шиалар қўзғолони.

745 йил – уйғурлар ўз қавмдошлари туркларни енгишди ҳамда Шарқий Турк хоқонлиги ҳудудида Уйғур хоқонлиги [Учинчи Уйғур хоқонлиги] ташкил топди. Хоқонлик Энасой [Енисей] қирғизлари томонидан 847 йилда тугатилган. Бу мағлубиятдан сўнг уйғурлар Шарқий Туркистон томон чекинганлар. Давлат раҳбари – хоқон. Пойтахти – Хара-Балғас (745 – 847). Тили – ўрхун-енисей [руний]. Аҳолиси – уйғурлар; киданлар (Манжурияда), енисей қирғизлари (Енисей дарёси атрофида).

745 – 847 йиллар – Уйғур хоқонлиги (Учинчи Уйғур хоқонлиги) мавжуд бўлган давр. Бу хоқонлик Шарқий Турк хоқонлиги ўрнида унинг ҳудудида 745 йилда ташкил қилинди (Биринчи Уйғур хоқонлиги 323 йили Хангайда ташкил топган бўлиб, икки асрга яқин умр кўрган. Иккинчи Уйғур хоқонлиги 523 – 603 йилларда мавжуд бўлиб, Турк хоқонлиги томонидан 603 йилда тугатилган эди). *Уйғур хоқонлиги (Учинчи Уйғур хоқонлиги) хоқонлари:* Қутлуғ I Билга (745 – 747), Моянчур (747 – 759), Идигян (759 – 780), Дунмага (780 – 789), Пангуан (789 – 794), Ачжохон (794 – 795), Қутлуғ II (795 – 805), Қутлуғ [Қуллук] Билгахон (805 – 808), Бойхон (808 – 821), Чиндэхон (821 – 824), Чжаолихон (824 – 839), Қуллукбекхон (839 – 840), Угехон (840 – 846), Экяндэлэхон (846 – 847).

747 – 749 йиллар – Хуросонда Абу Муслим қўзғолони. Бу қўзғолон Араб халифалиги ҳокимиятига қарши кўтарилди.

750 йил – Сирдарё хавзаси ва Орол денгизи атрофида туркий Ўғуз давлати ташкил топди. Пойтахти – Янгикент. Тили – ўғуз. Майдони – 1,5 млн. км². Аҳолиси – ўғузлар.

750 йил – туркий Қумоқ хоқонлиги ташкил топди. Хоқонлик ҳозирги Қозоғистон ва Жанубий Сибирь ҳудудида ташкил топган. Пойтахти – Хоқон-Қумоқ ва Имакия (750 – 1035). Тили – турк. Майдони – 1,5 млн. км². Аҳолиси – қумоқлар. Дини – тангричилик, кейинчалик ислом.

750 йил – Аббосийлар халифалиги [Бағдод халифалиги] ташкил топди. Умавийлар ҳокимият тепасидан кетди. Аббосийлардан 37 киши халифа бўлган. Улар ўз келиб чиқишларини Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакиси Аббос билан боғлашади (Аббосийлар халифалиги 1258 йилда мўғуллар томонидан тугатилди). Пойтахти – Дамашқ (750 – 762), Бағдод (762 – 836), Самарра (836 – 892), Бағдод (892 – 1258). Тили – араб. Дини – ислом. Сулоласи – аббосийлар.

750 – 869 йиллар – мутасаввуф Ҳаким Термизий [Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Али Термизий] яшаган ва фаолият юритган давр.

750 – 1035 йиллар – Қумоқ хоқонлиги мавжуд бўлган.

750 – 1055 йиллар – Ўғуз давлати мавжуд бўлган.

750 – 1174 йиллар – Бенгалия ва Бихара [ҳозирги Бангладеш ва Ҳиндистон]да ўрта аср будда роҳибларининг пала сулоласи ҳокимият тепасида турган. Сулолага Гопала (ҳукмронлик даври: 750 – 770) томонидан асос солинган.

750 – 1258 йиллар – Аббосийлар халифалиги [Бағдод халифалиги] мавжуд бўлган. Бу пайтда пойтахт Бағдодга кўчирилди (Аббосийлар 1258 йилгача ҳақиқий, 1517 йилгача эса номигагина халифалик қилишди).

Аббосий халифалар: Абул-Аббос ас-Саффоҳ (750 – 754), Абу Жаъфар ал-Мансур (754 – 775), Муҳаммад ал-Маҳдий (775 – 785), Муса ал-Ҳодий (785 – 786), Ҳорун ар-Рашид (785 – 786, 786 – 809), Муҳаммад ал-Амин (809 – 813), Абдуллох ал-Маъмун (809 – 813, 813 – 819), Иброҳим ибн ал-Маҳдий (817 – 819), Муҳаммад ал-Мутаъсим (833 – 842), Ҳорун ал-Васиқ (842 – 847), Жаъфар ал-Мутаваккил (847 – 861), Муҳаммад ал-Мунтасир (861 – 862), Аҳмад ал-Мустаъин (862 – 866), Зубайр ал-Муътазз (866 – 869), Муҳаммад ал-Муҳтадий (869 – 870), Аҳмад ал-Мўътамид (870 – 892), Абдуллох ал-Муътазид (892 – 902), Али ал-Муқтафий (902 – 908), Жаъфар ал-Муқтадир (908 – 929, 929 – 932), Абдуллох ибн ал-Муътазз (908), Муҳаммад ал-Қаҳр (929, 932 – 934), Аҳмад ар-Радий (934 – 940), Иброҳим ал-Муттақий (940 – 944), Абдуллох ал-Мустақфий (944 – 946); *Буйдлар ҳокимияти остида:* Абул-Қосим ал-Мутий (946 – 974), Абу Бакр ат-Тойи (974 – 991), ал-Қодир (991 – 1031), ал-Қойим (1031 – 1075); *Салжуқийлар ҳокимияти остида:* Абдуллох ал-Муқтадий (1075 – 1094), Аҳмад ал-Музтазхир (1094 – 1118), Абу Мансур ал-Мустаршид (1118 – 1135), Абу

Жаъфар ар-Рашид (1135 – 1136), Муҳаммад ал-Муктадий (1136 – 1160), Юсуф ал-Мустанжид (1160 – 1170), ал-Мустадий (1170 – 1180), Аҳмад ан-Носир (1180 – 1225), аз-Зоҳир (1225 – 1226), ал-Мустансир (1226 – 1242), ал-Мустасим (1242 – 1258).

751 йил июль – Талас жанги. Бу жангда Зиёд ибн Солиҳ қўмондонлиги остидаги араб қўшини Гао Сяньжининг хитойлар, фарғоналиклар, кошғарликлар, кўчарликлар ҳамда қарлуқлардан иборат йирик қўшини (араб манбаларига кўра 70000 киши) билан Талас (Тароз) дарёси бўйида тўқнашди. Жанг 5 кун давом этди. Тўқнашув жараёнида Тан қўшини таркибидаги қарлуқлар арабларга қарши курашдан бош тортди ва хитойликлар қўшинига орқа томондан зарба берди. Хитой қўшини бутунлай яқсон қилинди. Ибн ал-Асирнинг ёзишича, жангда хитойликлардан 50000 киши ўлдирилиб, тахминан 20600 киши асир олинган. Тан империяси (Хитой) нинг Ўрта Осиёга қарши тажовузкор сиёсати барбод бўлди. Ислом Марказий Осиё худудига ёйила бошлади.

751 йил – Карл Мартелнинг ўғли Пипин Пакана меровинглар уруғидан бўлган қирол Хильдевик III ни тахтдан ағдарди. Пипин Пакана Франк давлатининг қироли деб эълон қилинди. Каролинглар сулоласи ҳокимият тепасига келди.

751 – 987 йиллар – каролинглар сулоласининг Франк давлатида қироллар (751 йилдан) ва императорлар (800 йилдан) сифатида ҳукмронлик даври. Пипин Пакана каролинглар сулоласининг биринчи қироли бўлган. Сулола меровинглардан кейин ҳокимият тепасига келган. Каролинглар номи Буюк Карл номидан олинган. Буюк Карл империяси парчалангач (843), каролинглар Италия (905 йилгача), Германия (911 йилгача), Франция (987 йилгача) худудларида ҳукмронлик қилишган. X аср охирида сулола тугатилган.

Каролинглар сулоласи қирол ва императорлари:

Франк қироллари ва императорлари (751 – 840): Пипин Пакана (751 – 768), Буюк Карл (768 – 814 йилларда қирол; 771 йилгача укаси Карломан билан биргаликда; 800 – 814 йилларда император); Людовик I Тақводор (814 – 840; император).

Каролингларнинг француз бўғини (843 – 987): Карл II Кал, қирол (843 – 877), император (875 – 877); Людовик II Дудук, қирол (877 – 879); Людовик III, қирол (879 – 882); Карломан II, қирол (879 – 884; биргаликда); Карл Бақалоқ, қирол (884 – 887); Карл Оддий, қирол (898 – 923); Людовик IV Заморский, қирол (936 – 954); Лотарь, қирол (954 – 986); Людовик V Дангаса (986 – 987).

Каролингларнинг герман бўғини (843 – 911): Людовик Немис, қирол (843 – 876); Карломан, қирол (876 – 880, герман ерларининг бир қисмида); Людовик III Кичик (876 – 882, герман ерларининг бир қисмида); Карл Бақалоқ, қирол (876 – 887, 882 йилгача герман ерларининг бир қисмида), император

(881 – 887); Арнульф, қирол (887 – 899); Людовик Болакай, қирол (900 – 911).

Каролингларнинг итальян бўғини (840 – 905): Лотарь I, қирол (844 йилгача), император (840 – 855); Людовик II, қирол (844 – 875), император (855 – 875); Лотарь II, Лотарингия қироли (855 – 869); Карл, Бургундия қироли (863 йил ўлган); Карл Бақалоқ, қирол (879 – 887); Людовик III Кўр, Прованс қироли (887 – 905/928), Италия қироли (900 – 905), император (901 – 905).

754 – 775 йиллар – аббосийлар сулоласидан бўлган халифа ал-Мансурнинг ҳукмронлик даври.

756 йил – Хитойда Ань Кушонь Чаньянь шахрини эгаллаб, тан сулоласи императори Сюань Цуна (Луицзи)ни тахтдан ағдарди.

756 йил – франклар қироли Пипин Пакана томонидан Рим лангобардлар қўлидан озод қилинди. Қирол озод қилинган ҳудудларни папа ихтиёрига берди ва Папа вилояти ташкил қилинди.

756 йил – Испанияда Абдуррахмон I ибн Муовия ибн Хишом ибн Абдулмалик томонидан арабларнинг Қурдоба амирлиги ташкил топди. Абдуррахмон I умавийлар сулоласидан бўлган. Амирлик пойтахти – Қуртуба ёки Қурдоба (ҳозирги Кордова) шаҳри (Қурдоба амирлиги 929 йилда Қурдоба халифалигига айлантирилди).

756 – 940 йиллар – туркий Қарлуқ хоқонлиги мавжуд бўлган. Қарлуқлар давлатига Жунгория Олатовидан то Сирдарёнинг ўрта оқимигача, Балхаш ва Иссиққўл ўртаси, Или, Чу, Талас дарёлари воҳасидан Исфижоб вилояти ва Ўтторгача бўлган ҳудуд қараган. Хоқонлик ҳудуди кейинчалик Қорахонийлар давлати таркибига қўшиб олинган. Давлат раҳбари – ябғу (жабғу). Пойтахти – Суяб, Боласоғун. Тили – қарлуқ тили. Дини – ислом. Аҳолиси – қарлуқлар.

756 – 1031 йиллар – умавийлар халифалигининг Андалусия (Испания) да ҳукмронлик даври (756 – 929 йилларда Қурдоба амирлиги, 929 – 1031 йилларда Қурдоба халифалиги мавжуд бўлган).

Андалусиядаги Қурдоба амирлари: Абдуррахмон I ад-Дохил (756 – 788), Хишом I (788 – 796), ал-Ҳакам I (796 – 822), Абдуррахмон II ал-Мутавассит (822 – 852), Муҳаммад I (852 – 886), ал-Мунзир (886 – 888), Абдуллох (888 – 912); Абдуррахмон III ан-Носир (912 – 929).

762 йил – халифа Мансур томонидан Бағдод (мадинат ус-салом – тинчлик шаҳри)га асос солинди. Бағдод Аббосийлар халифалигининг пойтахтига айлантирилди. Аббосийлар халифаликнинг сиёсий ва ҳарбий ҳаётида араблар мавқеини пасайтириб, форслар ва туркларнинг нуфузини оширдилар.

763 йил 17 март/766 йил февраль – 809 йил 24 март – халифа Ҳорун ар-Рашид яшаган ва фаолият юритган давр.

767 – 832 йиллар – ислом оламининг буюк фикхшунос олими, Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳанафийлик мазҳабининг дастлабки назариётчиси, Имом Бухорийнинг катта замондоши ва устози Абу Ҳафс Кабир Бухорий яшаган ва фаолият юритган давр. Унинг катта ўғли Абу Ҳафс Сағир Бухорий [Кичик Бухорий] (вафоти: 877) отаси фаолиятини давом эттирган.

768 йил 24 сентябрь – Пипин Пакана вафот этди. Унинг икки ўғли: Карл ва Карломан франклар қироли бўлишган.

768 йил 24 сентябрь – 814 йил 28 январь – Франк давлати қироли Буюк Карлнинг ҳукмронлик даври.

771 йил – Карломаннинг вафотидан сўнг унинг акаси Карл франк давлатининг тўлақонли ҳукмдори бўлди.

772 йил – франклар қироли Карл Лангобардлар қироллигига қарши уруш ҳаракатлари олиб борди.

772 – 802 йиллар – франклар қироли Карл Саксонияда урушлар олиб борди.

774 йил – Карл томонидан лангобардлар қироли Дезидерий бутунлай тор-мор қилинди.

776 йил – Карл Италия ерларини ўз қироллигига қўшиб олди.

776–784 йиллар – Мовароуннаҳрда Араб халифалигига қарши Муқанна («Оқ кийимлилар») кўзғолони кўтарилди (Айрим манбаларда бу кўзғолон 769 – 783 йилларда бўлганлиги ёзилган).

776 – 822 йиллар – тоҳирийлар сулоласининг асосчиси Тоҳир ибн Хусайн ибн Мусаб яшаган ва фаолият юритган давр.

778 йил – Карл араблар Испаниясига қарши биринчи ҳарбий юриш қилди.

781 йил – араблардан мағлубиятга учраган Византия уларга катта миқдорда солиқ тўлай бошлади.

782 – 831 йиллар – Бухоро воҳасида Канпир девор қурилди.

783 – 850 йиллар – математик олим, астроном ва географ Муҳаммад Хоразмий [Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий] яшаган ва фаолият юритган давр.

785 йил – Карл томонидан Саксония эгалланди. Саксонлар қироли Ви-дукинд чўқинтирилди.

785 – 812 йиллар – Карл босиб олган Испания худуди (ҳозирги Каталония) мусулмонлар ҳужумидан Каролинглар империясини сақлаб турди.

785–987 йиллар – Курдоба (Кордова)да катта Жомеъ масжиди қурилди.

786 йил 14 сентябрь – 809 йил 24 март – халифа Ҳорун ар-Рашиднинг ҳукмронлик даври. У бармакийлар хонадонининг вазирлик сулоласига чек қўйди.

788 йил – Карл Баварияни ўз ҳокимиятига бўйсундирди.

789 йил – Карл халқ мактабларини жорий этиш ҳақида қонун (капитулярий) чиқарди.

789 – 985 йиллар – Шимолий Африкада идрисийлар араб сулоласи ҳукмронлик қилди. Улар Тлемсен, Фес, Малакада турли давлатлар тузишди.

794 йил – император Камму-тэнно Хэйан (ҳозирги Киото) шаҳрига асос солиб, уни Япониянинг янги пойтахтига айлантирди.

796 йил – ўн йиллик ҳарбий ҳаракатлардан сўнг Карл аварларни ўзига бўйсундирди.

797 – 865 йиллар – математик олим, астроном ва географ Аҳмад Фаргоний яшаган ва фаолият юритган давр.





РИВОЖЛАНГАН ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ (IX АСР – XV АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ)

800 йил 25 декабрь – Рим папаси Лев III томонидан Франк давлати кироли Буюк Карл император деб эълон қилинди. Рим черкови Византия дунёсига эмас, балки каролинглар сулоласига ишонч билдирди. Каролинглар салтанати ташкил топди (887 йилда империя парчаланиб кетди). Пойтахти – Ахен. Сулоласи – каролинглар.

800 йил 25 декабрь – 814 йил 28 январь – Франк давлати императори Карлнинг ҳукмронлик даври.

800 – 887 йиллар – Каролинглар империяси мавжуд бўлган.

IX аср бошлари ва XIII аср бошлари – Бухоро шахри исломни тарғиб қилиш ва қарор топтириш йўлида муҳим роль ўйнаган. Бухородан исломият ва ҳадис илмининг йирик тарғиботчилари ва таснифчилари (Кабир Бухорий, Имом Бухорий ва б.) етишиб чиқди. Ислом ҳуқуқшунослигининг Бухоро мактаби ташкил топди. Бухоронинг ислом дини, мусулмон ахлоқи, маданияти ва ҳуқуқшунослигининг Шарқдаги кучли марказларидан бирига айланиши туфайли унга IX аср бошларидаёқ *Куббатул-ислом*, яъни *Ислом динининг гумбази* деган сифат ҳам берилади. Наршахийнинг гувоҳлик беришича, машҳур фикҳшунос (ҳуқуқшунос) олим Имом *Абу Ҳафс Кабир Бухорий* (767 – 832) туфайли Бухоро Куббатул-ислом деб аталган. Абу Ҳафснинг ўзига Кабир Бухорий, яъни Бухорийларнинг каттаси ва Ҳожатбарор имом унвонлари берилган.

Ўрта асрларда Бухоро исломиятда, илму маърифат ва маданият тарқатишда Мовароуннаҳрда йирик марказ сифатида шухрат топди. *Шайх Сайфиддин Боҳарзий* (1190 – 1261) фаолияти туфайли Бухоронинг шухрати ислом оламида яна ҳам кўпроқ тарқалди. Шу сабабли *XIII аср бошларида* унга яна бир сифат – шариф сўзи кўшилиб, у *Бухоройи шариф*, яъни *Шарофатли Бухоро* номи билан юритиладиган бўлди. Бухоро ҳукмдорлари томонидан «Зарби Бухоройи шариф», яъни «Бухоройи шарифда зарб этилди» деган сўзлар битилган тамғалар билан олтин ва кумуш тангалар муомалага чиқарилган. Жаҳоннинг етти муқаддас шахрига *шариф шаҳар* унвони берилган. Шунингдек, ислом динининг шиа йўналишидаги мусулмонлар учун ҳам Эронда айрим муқаддас шаҳарлар мавжуд.

Жаҳоннинг муқаддас шариф шаҳарлари: 1. Бухоройи шариф [Қуббатул-ислом]. 2. Қуддуси шариф [Иерусалим]. 3. Макка [Маккаи Мукаррама, Маккатиллоҳ]. 4. Мадина [Мадинаи Мунаввара]. 5. Бағдоди шариф [Мадинатус-салом]. 6. Шоми шариф ёки Тоифи шариф [Дамашқ]. 7. Мозори шариф.

Шиаларнинг Ироқ ва Эрондаги муқаддас шаҳарлари: 1. Карбало. 2. Нажаф [Машҳади Али]. 3. Машҳад. 4. Қум.

IX – XIII асрлар – туркий Волга Булғорияси давлати мавжуд бўлган. Бу давлатни Ўрта Волга ва Қуйи Кама хавзасида Волга булғорлари, фин-угор халқлари ва бошқалар барпо этган. Бу давлат аҳолиси туркий қавмлардан иборат эди. Пойтахти – Буюк Булғор, Биляр [ҳозирги Татаристоннинг Булғорлар қишлоғи]. Тили – булғор, волгабўйи туркийлари. Дини – тангричилик, ислом (922 йилдан). Пул бирлиги – сўм, динор. Аҳолиси – 2 млн. киши.

802 – 1431 йиллар – Камбуджадеша [Кхмер империяси] мавжуд бўлган. Бу давлат ҳозирги Камбожа, Вьетнам, Таиланд ва Лаос ҳудудида ташкил қилинган ҳамда унинг пойтахти Анкор шаҳри бўлган.

803 йил – Карл томонидан Марказий Европа (ҳозирги Австрия) ҳудуди босиб олинди.

803 йил – Ҳорун ар-Рашид ўз вазири Жаъфар Бармакийни қатл эттирди.

804 – 874 йиллар – Боязид Бистомий яшаган ва фаолият юритган давр.

806 йил – аббосийлар халифаси Ҳорун ар-Рашид император Никифор I қўшинларини янчиб ташлади ва Византия қайта солиқ тўлашга мажбур бўлди.

806 – 810 йиллар – Рофе ибн Лайс бошлиқ Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳолисининг аббосийларга қарши қўзғолони кўтарилди.

809 йил 24 март – халифа Ҳорун ар-Рашид вафот этди. Унинг ўғиллари Амин ва Маъмун ҳокимият учун кураш бошладилар. Кейинчалик бу курашда туркийларнинг ёрдамида Маъмун ғолиб чиқди.

809 йил – булғорлар томонидан София босиб олинди.

810 йил 21 июль – 870 йил 31 август – ислом оламининг йирик мутафаккири, буюк муҳаддис Имом Бухорий [Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий] яшаган ва фаолият юритган давр.

814 йил – Карл ўзи қурдирган Ахен (Экс-ля-Шапель) шаҳрида вафот этди. Ҳокимият унинг ўғли Людовик Такводор қўлига ўтди.

814 – 840 йиллар – Карлнинг ўғли Людовик Такводорнинг ҳукмронлик даври.

815 – 837 йиллар – Озарбайжонда арабларга қарши Бобек қўзғолони бўлди. Бу қўзғолонни бостиришда халифаликка ҳарбий саркарда фарғоналик Уструшона афшини Ҳайдар катта ёрдам берди.

819 йил – Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳокимият тепасига сомонийлар сулоласи келди. Сомонийлар хонадонининг вакиллари бўлган Асаднинг ўғиллари ва невараси Нух ибн Асад Самарқанд, Аҳмад ибн Асад Фарғона, Яхё ибн Асад Шош ва Уструшона, Илёс ибн Аҳмад Ҳирот вилоятлари волийлари килиб тайинланди. Улар дастлаб тоҳирийлар сулоласи орқали аббосийлар халифалигига бўйсуннишган. Сомонийлар сулоласининг оилавий нисбаси, яъни номи уларнинг аждоди (бобокалони) бўлмиш Сомонхудоёт исми билан боғлиқ. Тарихий манбаларда ёзилишича, Сомонхудоёт [Сомон-йабғу] (VII – VIII асрлар) Сосонийлар давлатининг машҳур туркий саркардаси Баҳром Чўбин (VI аср)нинг тўртинчи ёки бешинчи поғонадаги авлоди бўлган. Баҳром Чўбиннинг келиб чиқиши ўғуз турклари ва туркий эфталлийлар билан боғлиқ. Сомонхудоётнинг ҳақиқий исми Арқуқ ёки Арқоқ бўлган, уни Кокилдор деб ҳам аташган. Сомонхудоётнинг отаси Жаббохон исломгача Балх ҳокими бўлиб, унвони йабғу [жабғу], исми эса Тўғрул бўлган. Унинг она томонидаги қариндошлари Фарғонанинг Кубо шаҳрида (ҳозирги Фарғона вилоятининг Кува туманида) истикомат қилган (Сомонийлар сулоласи вакили Исмоил Сомоний томонидан 874 йилда Бухорода янги туркий давлат – Сомонийлар амирлиги давлатига асос солинди. Қорахонийлар томонидан 999 йилда Сомонийлар амирлиги давлати, 1005 йилда сулола ҳукмронлиги тугатилди). Давлат бошлиғи – амир. Пойтахти – Самарқанд (819 – 874), Бухоро (874 – 999). Йирик шаҳарлари – Бухоро, Самарқанд, Ҳирот, Балх, Марв, Нишопур. Тили – форс [дарий]; туркий [кўшинда]. Дини – исломнинг суннийлик оқими. Майдони – 2 850 000 км². Аҳолиси – туркий ва эроний халқлар. Сулоласи – сомонийлар.

819 – 1005 йиллар – Мовароуннаҳр ва Хуросонда сомонийлар сулоласи ҳамда давлати ҳукмронлиги даври.

Сомонийлар сулоласи вакиллари: Нух ибн Асад (819 – 842), Аҳмад ибн Асад (842 – 864), Наср I ибн Аҳмад (864 – 892);

Сомонийлар сулоласи амирлари: Исмоил Сомоний (874 – 907), Аҳмад ибн Исмоил (907 – 914), Наср II ибн Аҳмад (914 – 943), Нух ибн Наср (943 – 954), Абдулмалик I ибн Нух (954 – 961), Мансур ибн Наср (961 – 976), Нух ибн Мансур (976 – 997), Мансур ибн Нух (997 – 999); Абдулмалик II ибн Мансур (999 – 1000), Исмоил Мунтасир (1000 – 1005).

Аббосийларга тобе ҳамда мустақил бўлган Сомонийлар сулоласи амирлари:

Самарқанд вилояти волийлари: Нух ибн Асад (829 – 842), Аҳмад ибн Нух (842 – 864), Наср ибн Аҳмад (864 – 875).

Фарғона вилояти волийлари: Аҳмад ибн Асад (819 – 842); Исҳоқ ибн Аҳмад (864 – 907); Муҳаммад ибн Исҳоқ (914), Муҳаммад ибн Асад (915).

Шош ва Уструшона вилояти волийлари: Яхё ибн Асад (819 – 855), Муҳаммад ибн Нух (855), Ёқуб ибн Аҳмад (855).

Ҳирот вилояти волийлари: Илёс ибн Аҳмад (819 – 856), Иброҳим ибн Илёс (856 – ?).

Бухоро вилояти ҳокими: Исмоил ибн Аҳмад [Исмоил Сомоний] (874).

821 йил – халифа Маъмуннинг харбий саркардаси Хуросон зодагонларидан Тоҳир ибн Хусайн Хуросон ва Мовароуннаҳр ноиби қилиб тайинланди (Тоҳирнинг отаси Хусайн [814 йилда вафот этган] Ҳирот вилоятидаги Бушенг шаҳрини назорат қилган. Тоҳир Самарқандда Рофеъ ибн Лайс бошчилигида аббосийларга қарши кўтарилган кўзғолонни бостиришдаги фаоллиги учун Маъмун назарига тушган. У ака-ука Амин ва Маъмун ўртасида сиёсий ҳокимият учун кечган курашда бўлғуси халифа Маъмунни қўллаб-қувватлагани учун шундай тақдирланган). Давлат раҳбари – амир. Пойтахти – Марв, Нишопур. Йирик шаҳарлари – Нишопур, Марв, Бухоро, Балх, Самарқанд. Тили – форс [тожик]. Дини – исломнинг суннийлик оқими. Майдони – 1 млн. км². Сулоласи – тоҳирийлар.

821 – 822 йиллар – тоҳирийлар сулоласининг асосчиси Тоҳир ибн Хусайн ибн Мусаб ҳукмронлик қилган давр.

821 – 873 йиллар – Хуросонда Тоҳирийлар сулоласи ва давлати ҳукмронлиги даври. Тоҳир ибн Хусайн расман Аббосийлар халифалигига тобе бўлган Тоҳирийлар сулоласи ва давлатига асос солди. Ёқуб ибн Лайс бошчилигидаги саффорийлар кўшини томонидан Тоҳирийлар давлати 873 йилда тугатилди.

Тоҳирийлар сулоласи амирлари: Тоҳир ибн Хусайн (821 – 822), Талҳа ибн Хусайн (822 – 828), Али ибн Тоҳир (828 – 830), Аблуллоҳ ибн Тоҳир (828 – 844), Тоҳир II ибн Абдуллоҳ (844 – 862), Муҳаммад ибн Тоҳир (862 – 873).

824 – 892 йиллар – буюк муҳаддис Имом Термизий [Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий] яшаган ва фаолият юритган давр.

829 йил – Англия ягона давлатга бирлаштирилди.

Англия қироллари: Уэссекс Экберт (802/829 – 839), Этельвульф (839 – 858), Этельбальд (858 – 861), Этельберт (860 – 866), Этельред I (866 – 871), Уэссекс Альфред (871 – 899), Эдуард Катта (899/900 – 925), Этельстан (925 – 939), Эдмунд (939 – 946), Эдред (946 – 955), Эдви (955 – 959), Эдгар Тинчликсевар (959 – 975), Эдуард Жафокаш (975 – 978/979), Этельред II Қулоқсиз (978/979 – 1016), Эдмунд Темирбиқин (1016), Канут Даниялик (1016 – 1035; Данияликлар сулоласи), Гарольд Куёноёк (1035 – 1040), Гартакнут (1040 – 1042), Эдуард Тавба қилувчи (1042 – 1066; Англо-саксонияликлар сулоласи), Вильгельм Уильям I (1066 – 1087; Норманлар сулоласи), Вильгельм II Малла (1087 – 1100), Генрих I (1100 – 1135), Стефан Блуа (1135 – 1153), Генрих II (1154 – 1189; Плантагенетлар сулоласи асосчиси) ва б.

832 йил – Бағдодда халифа ал-Маъмун томонидан «Донишмандлик уйи» ташкил қилинди. У тарихда Бағдод Маъмун академияси номи билан

машхур. Бу академия фаолиятига ўзбек олимлари Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад Фарғоний раҳбарлик қилишди.

834 – 841 йиллар – норманлар (викинглар) Фризияга бостириб киришди.

836 – 892 йиллар – янги қурилган Самарра шаҳри (ҳозирги Ирок худуди) Аббосийлар халифалигининг пойтахти бўлди. Самаррада жуда улкан Жомеъ масжиди қурилди. Бу ерда турк аскарларидан иборат махсус гвардия мавжуд бўлган.

838 йил – халифа ал-Мутаъсим Византия империясидан Анкир (ҳозирги Анкара) шаҳрини тортиб олди.

840 йил – Туркистонда туркий қорахонийлар сулоласининг ҳукмронлиги бошланди.

840 – 924 йиллар – туркий Қирғиз хоқонлиги мавжуд бўлган. Уйғур хоқонлигини тугатган Энасой қирғизлари Марказий Осиё (Мўғулистон, Тува) ва Ғарбий Сибирда Қирғиз хоқонлигини ташкил қилишди. Кейинчалик қирғизлар икки асосий худуд: Юқори ва Ўрта Энасой ҳамда Олтой ва Иртишни ўзларида сақлаб қолишди. Энасой қирғизлари ва бўлажак Тяньшань қирғизлари этник жихатдан бир-биридан эркин ривожланди. 924 йилдан қирғизлар Қорахонийлар ҳамда Қорахитойлар давлати таркибига сингиб кетишди. Пойтахти – Ўрда-Балиқ (840 – 924). Тили – қадимги қирғиз. Аҳолиси – енисей қирғизлари [Енисей], уйғурлар [Шарқий Туркистон], киданлар [Манжурия].

840 – 1212 йиллар – Туркистонда қорахонийлар сулоласининг ҳукмронлик даври. Сулолага Кул Билга Қорахон томонидан асос солинди (Қорахонийлар сулоласи вакиллари 940 – 1212 йилларда Буюк Қорахонийлар давлатини бошқаришган).

843 йил 10 август – Верден шартномасига кўра Каролинглар салтанати бўлиниб кетди. Бўлғуси Франция Карл Калга, бўлғуси Германия Людовик Немисга, Лотарингия Лотар I га (у императорлик тожини ҳам сақлаб қолди) насиб этди.

843 йил – Шотландия қироллиги ташкил топди (1707 йилда у Англия давлати таркибига қўшиб олинди. Айна пайтда Шотландия худуди Буюк Британия ва Шимолий Ирландия қўшма қироллиги таркибига киради). Расмий тили – инглиз, гэль-шотланд, инглиз-шотланд. Пойтахти – Эдинбург. Йирик шаҳри – Глазго. Биринчи министр – Алекс Салмонд. Худуди – 78 772 км². Аҳолиси – 5 295 400 киши (2011). Пул бирлиги – фунт стерлинг.

843 – 1707 йиллар – Шотландия қироллиги мавжуд бўлган. Пойтахти – Скун (843 – 1452), Эдинбург (1452 – 1707). Йирик шаҳри – Глазго. Тили – гэль, шотланд. Пул бирлиги – шотланд фунти. Худудди – 78 782 км². Аҳолиси – 1,1 млн. киши (1707).

844 йил 20 август – сентябрь – норманлар Лиссабонни вайрон қилишди. Кадис ва Сидонияни босиб олишди.

845 йил – Гамбург викинглар томонидан таланди.

845 йил – Парижни норманлар вайрон қилишди ва катта миқдорда ўлпон олишди.

846 йил – араблар томонидан Римдаги Муқаддас Пётр жоме черкови таланди.

847 йил – уйғурларнинг Гансуда Ганжау давлати ташкил топди.

848 – 908 йиллар – *Тохаристон ва Балхда Сомонийлар давлати номидан ҳукмронлик қилган уларга тобе банижурийлар (абу довудийлар) сулоласи вакиллари:* Ҳошим ибн Банижур [Хутталонда] (?), Довуд ибн Аббос Ҳошим [Балхда] (848 – 874), Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Банижур [Андароб ва Панжшерда] (874 – 899), Аҳмад ибн Муҳаммад [Балх ва Андаробда] (? – 908).

849 йил апрель – 897 йил 24 ноябрь – Сомонийлар давлатининг асосчиси Исмоил Сомоний яшаган ва фаолият юритган давр.

850 йил – уйғурларнинг учинчи давлати – Уйғур Эдикут [Идикут] давлати (қўп манбаларда Турфон давлати) ташкил топди. Тибетликларнинг Шарқий Туркистондаги ҳукмронлиги барҳам топди.

850 – 1335 йиллар – Уйғур Эдикут [Идикут] ёки Турфон давлати мавжуд бўлган.

Уйғур Эдикут давлати хоқонлари: Пан Текин (850 – 866), Боко Текин (866 – 871), Ирдимин (940 – 948), Арслонхон (948 – 985), Билга Текин (1126 – ?); Исан Томур [Баурчуқ Арт Текиннинг отаси]; Баурчуқ Арт Текин (1208 – 1235), Кусмайин (1235 – 1245), Салун Текин (1246 – 1255), Огрунж Текин (1255 – 1265), Мамурак Текин (1265 – 1266), Кожигар Текин (1266 – 1275), Нолин Текин (1275 – 1318), Томур Буқа (1318 – 1327), Санги Текин (1327 – 1331), Тайпан (1331 – 1335) ва б.

852 йил – Папа Лев IV томонидан Ватиканга асос солинди.

858 – 941 йиллар – машхур тожик-форс шоири Рудакий [Абу Абдуллох Рудакий] яшаган ва фаолият юритган давр.

859 – 955 йиллар – Қорахонийлар давлатининг асосчиларидан бири Абдулкарим Сотуқ Бугрохон яшаган ва фаолият юритган давр.

861 – 1538 йиллар – Озарбайжон ҳудудида Ширвон давлати мавжуд бўлган. Бу давлатни ширвоншоҳлар сулоласи бошқарган. Давлат ҳукмдори – ширвоншоҳ. Пойтахти – Ширвон шаҳри.

861 – 880 йиллар – мазяйдлар сулоласи (ширвоншоҳлар)нинг асосчиси Хайсам ибн Халид ҳукмронлик қилган давр.

861 – 1027 йиллар – мазяйдлар сулоласи (ширвоншоҳлар) Ширвон давлатини бошқарган. Шайбон араб қабиласидан келиб чиққан Мазяд ибн Зайд сулола асосчиси, Хайсам ибн Халид дастлабки ширвоншоҳ бўлган.

Ширвоншоҳларнинг биринчи мазядидалар сулоласи: Хайсам ибн Халид (861 – 880), Муҳаммад ибн Хайсам (881 – 912), Хайсам ибн Муҳаммад (912 – 913), Али ибн Хайсам (913 – 917), Муҳаммад ибн Ҳазид (917), Абу Тоҳир Ҳазид ибн Муҳаммад (917 – 948), Муҳаммад ибн Ҳазид (948 – 956), Аҳмад ибн Муҳаммад (956 – 981), Муҳаммад ибн Аҳмад (981 – 991), Ҳазид ибн Аҳмад (991 – 1027).

862/882 йил – Киев Руси давлати ташкил топди. Унга қадимги скандинав қабилаларидан бўлган варяг дружиналарининг конунги [йўлбошчилари] уч ака-ука: Рюрик, Синеус, Труворнинг каттаси Рюрик асос солган, деган қараш мавжуд. Рус йилномаларида ёзилишича, дастлаб Рюрик Новгородда, Синеус Белоозерода, Трувор Изборскда ўз дружиналари билан қўним топган. Рюрик аввал Ладогани бошқарган, 862 йилда у Новгородда ҳокимиятни эгаллаган. Новгород шаҳри (ҳозирги Россия)га варяглар дружиналари конунги Рюрик асос солди. У ҳокимиятни эгаллаган ва қадимги Русда илк сулолага асос солган. Россия тарихчилари бу санани Россия давлатчилиқ тарихининг бошланиши сифатида тан олишади. Рюрик 862 – 879 йилларда Новгородда ҳукмронлик қилди (Рюрик вафот этгач, варяг конунги Олег Аскольдни ва Дирни маҳв этиб, 882 йилда Киевни босиб олган ва давлат пойтахти қилган. Биринчи рус давлати IX аср охирида славянларнинг икки асосий маркази: Новгород ва Киевда шаклланган). Пойтахти – Буюк Новгород (862 – 882), Киев (882 – 1240). Тили – қадимги рус тили. Пул бирлиги – куна, гривна, ногата. Майдони – 1 330 000 км² (1000). Аҳолиси – 5,4 млн. киши. Сулоласи – рюриковичлар.

862/882 – 1132/1240 йиллар – Киев Руси [Қадимги Русь] давлати мавжуд бўлди. Бу давлат 1132 йилда парчаланиб кетди. Киев Русидан Новгород республикаси, Владимир-Суздаль, Галич-Волинь, Рязань князликлари ва бошқа майда давлатчалар ажралиб чиқди.

Рюриковичлар сулоласининг Русда ҳукмронлик даври (862/882 – 1598 йиллар): Рюрик (862 – 879), Олег (879/882 – 912), Игор (912 – 945), Ольга (945 – 964), Святослав Игорьевич (964 – 972), Ярополк (972 – 978/980), Владимир I Святославович (980 – 1015), Ярослав Доно [Мудрий] (1019 – 1054); Изяслав Ярославич, Святослав Ярославич, Всеволод Ярославич (1054 – 1078; триумвират); Всеволод Ярославич (1078 – 1093); Святополк II Изяславич (1093 – 1113), Владимир II Всеволодович Мономах (1113 – 1125), Мстислав Владимирович (1125 – 1132), Ярополк (1132 – 1139), Юрий Владимирович Долгорукий (1125/1132 – 1157), Андрей Боголюбский (1157 – 1174), Всеволод Катта Уя (1176 – 1212); Юрий Всеволодович (1219 – 1238), Александр Ярославич Невский (1238 – 1263), Даниил Александрович (1263/1276 – 1303), Юрий Даниилович (1303 – 1325), Иван I Даниилович Калита (1325 – 1340; 1328 йилдан Москванинг Буюк князи), Семён Маггур (1340 – 1353), Иван II Қизил (1353 – 1359), Дмитрий Ивано-

вич Донской (1359 – 1389), Василий I Дмитриевич (1389 – 1425), Василий II Қорамтир [Тёмный] (1425 – 1462), Иван III Васильевич (1462 – 1505), Василий III (1505 – 1533), Иван IV Қахрли [Грозный] (1533 – 1584), Фёдор Иванович (1584 – 1598) ва бошқалар.

863 йил – ака-ука Кирилл ва Мефодий томонидан юнон алифбоси асосида кирилл алифбоси яратилди. Улар Моравия славянлари ўртасида давлатчилик фаолиятини бошлашди.

863 – 867 йиллар – Рим папаси билан Византия ўртасида биринчи ажралиш бўлди. Рим папаси Николай I Константинополь патриархи Фотийни Византия императори Михаил III ни қўллаб-қувватлаганлиги учун ўз ваколатидан маҳрум қилди.

864 йил – булғорлар (болгарлар) князи Борис христианлик (православ) динини қабул қилди ва чўқинтирилди.

864 – 928 йиллар – Табаристонда шиа амирларининг алавийлар сулоласи ҳукмронлик қилди. Алавийлар ўзларини Ҳасан ибн Алининг авлодлари деб даъво қилишган. 916 йили алавийлар сомонийлар тарафдорлари ва сомонийларга қарши бўлган икки гуруҳга бўлинди. Сулола Сомонийлар давлати томонидан 928 йилда тугатилган.

Табаристондаги Алавийлар давлати амирлари: Ҳассан ибн Зайд (864 – 883), Муҳаммад ибн Зайд (883 – 900); Ҳасан ибн Али (913 – 916), Ҳассан ибн Қосим (916 – 928).

Сомонийлар тарафдорлари бўлган алавий амирлари: Аҳмад ибн Ҳасан (916 – 923), Жаъфар ибн Ҳасан (916 – 924), Муҳаммад ибн Аҳмад (924 – 927), Ҳасан ибн Аҳмад (927).

867 йил – Византиянинг иккинчи олтин асри бошланди (Император Юстиниан даврида биринчи олтин аср бўлган).

867 йил – Византия императори Михаил III Василий I томонидан ўлдирилди. Василий I ҳокимиятни эгаллаб, Македония сулоласига асос солди.

867 – 1056 йиллар – Византияда Македония сулоласининг ҳукмронлик даври.

868 йил – Тулунийлар давлатига Аббосийлар халифалигининг Мисрдаги ноиб Аҳмад ибн Тулун асос солди (Аҳмад ибн Тулун туркий саркарда бўлиб, унинг отаси IX аср бошларида Бухородан халифалик марказига ғулом сифатида жўнатилган). Пойтахти – Фустат [Эски Қоҳира]. Давлат раҳбари – амир.

868 – 905 йиллар – Тулунийлар давлати Миср, Сурия, Ироқда қарор топди. Бу давр Миср тарихида олтин аср ҳисобланади.

Тулунийлар сулоласи: Аҳмад ибн Тулун (868 – 884), Ҳуморавайх (884 – 896), Жейш (896), Ҳорун (896 – 904), Шайбон ибн Аҳмад (904 – 905).

870 – 944 йиллар – машҳур фикҳ олими, калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси Имом Мотуридий [Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳанафий Мотуридий Самарқандий] яшаган ва фаолият юритган давр.

872 йил – Норвегия қироллиги ташкил топди.

872 – 979 йиллар – Қоҳирада тулунийлар даври санъатининг энг ёрқин намунаси – ибн Тулун масжиди қурилди.

873 йил – Тоҳирийлар давлатининг парчаланиб кетиши натижасида Хуросонда Саффорийлар давлати ташкил топди. Бу давлатга Яъқуб ибн Лайс ас-Саффор томонидан асос солинди.

873 – 901 йиллар – Саффорийлар давлати фаолият юритган давр. Сомонийлар томонидан бу давлат 901 йилда тугатилди (Кейинчалик саффорийлар сулоласи вакиллари фақат Сейистонда бошқа давлатларга тобе худуд сифатида 1495 йилгача мавжуд бўлиб турган).

Саффорийлар сулоласи: Яъқуб ибн Лайс (861/873 – 879), Амр ибн Лайс (879 – 900) ва бошқалар.

Сейистонда Сомонийлар ва бошқа давлатларга тобе саффорийлар сулоласи вакиллари (901 – 1495): Тоҳир ибн Муҳаммад (901 – 908), Лайс ибн Али ибн Лайс (908 – 910), Муҳаммад ибн Али ибн Лайс (910 – 911), Амр ибн Ёқуб ибн Муҳаммад (912 – 913), Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Халаф (922 – 963), Халаф ибн Аҳмад (963 – 1003), Тоҳир ибн Халаф (1003 – 1029), Наср ибн Аҳмад ибн Халаф (1029 – 1073), Тоҳир ибн Наср (1073 – 1090), Халаф ибн Наср (1090 – 1103), Наср ибн Наср (1103 – 1164), Муҳаммад ибн Наср (1164 – 1167), Тождин ибн Иззулмулк ибн Наср (1167 – 1215), Шамсиддин Баҳромшоҳ (1215 – 1221), Тождин Наср III (1221), Рукниддин Абу Мансур (1221 – 1222), Шаҳобиддин Маҳмуд I (1222 – 1225), Али I (1225 – 1229), Шамсиддин Али II (1229 – 1254), Насриддин (1254 – 1328), Нусратиддин (1328 – 1331), Муҳаммад II (1331 – 1346), Тождин I (1346 – 1350), Маҳмуд II (1350 – 1362), Иззиддин (1362 – 1382), Қутбиддин I (1382 – 1386), Тождин II (1386 – 1403), Қутбиддин II (1403 – 1419), Шамсиддин (1419 – 1438), Низомиддин Яҳё (1438 – 1480), Муҳаммад III (1480 – 1495) ва б.

873 – 950 йиллар – улуғ мутафаккир ва қомусий олим Абу Наср Форобий яшаган ва фаолият юритган давр.

874 йил – шиаларнинг ўн иккинчи имоми Муҳаммад Маҳдий ғойиб бўлди.

874 йил – Исмоил Сомоний Бухорода халифаликдан мустақил Сомонийлар амирлигига асос солди. Туркий давлат ҳисобланган Сомонийлар давлатининг пойтахти Бухоро шаҳри бўлган (У бошқа бир туркий давлат бўлган Қорахонийлар давлати томонидан 999 йилда тугатилди).

874 – 897 йил 24 ноябрь – Сомонийлар давлатининг асосчиси Исмоил Сомонийнинг ҳукмронлик даври.

875 йил – Дания томонидан Гренландия кашф қилинган (982 йилдан шу номда).

875 – 884 йиллар – Хитойда Хуан Чао бошчилигида дехқонлар кўзғолони бўлиб ўтди.

879 йил – ғурийлар сулоласига асос солинди.

879 – 900 йиллар – саффорийлар сулоласининг амири Амр ибн Лайс ҳукмронлик қилган давр.

879 – 929 йиллар – Жанубий Озарбайжонда туркий сожийлар сулоласи ҳукмронлик қилди. Сулола вакиллари афшин унвонини олишган. Сожийлар Туркистондаги Уструшона вилоятидан бўлган қадимги туркларга мансуб эди. Машҳур саркарда Афшин Ҳайдар ибн Ковус ушбу уруғ вакили бўлган. Сожийлар сулоласи асосчиси Абу Сож Девдод аббосийлар қўшинининг энг тажрибали саркардаларидан эди. Ҳокимият учун курашда сожийлар сулоласи парчаланиб кетди. Пойтахти – Мароға, Ардабил. Давлат раҳбари – афшин.

Сожийлар сулоласи ҳукмдорлари: Абу Сож Девдод (879 – 899), Муҳаммад ибн Абу Сож (899 – 901), Девдод ибн Муҳаммад (901), Юсуф ибн Абу Сож (901 – 919; 923 – 928), Абулмусофир (928 – 929).

880 – 955 йиллар – Қорахонийлар давлатининг асосчиларидан бири Абдулқарим Сотук Буғрохон ҳукмронлик даври.

882 йил – Шимолий Африка ҳудудлари араблар томонидан босиб олина бошланди.

886 – 912 йиллар – Византия императори Лев VI Донишманднинг ҳукмронлик даври.

887 йил – Франция қироли Карл III Бақалоқ ҳокимиятдан четлаштирилди. Каролинглар империяси кулади.

892 йил – Бағдод яна Аббосийлар халифалигининг пойтахтига айланди.

892 – 946 йиллар – давлат арбоби Муҳаммад Ихшид ибн Туғж [Тағаш] яшаган ва фаолият юритган давр.

894 – 1078 йиллар – Қарматлар давлати Шарқий ва Марказий Арабистонда бўлган. Қарматлар исмоилийларнинг асосий шохобчаларидан бири бўлган. Қарматлар ҳаракати ашаддий шиаларнинг маҳдийлик ғояларига асосланган. Бу давлатни вужудга келтирган одам қарматлар ҳаракатининг асосчиси Ҳамдон ибн Ашъас (лақаби Қармат)нинг доийси (тарғиботчиси) Абу Саъид эди. Давлат маркази денгиз соҳилидаги Баҳрайнда бўлган. 1078 йилда Қарматлар давлати пойтахти Ахсо шахрини бану мурра араблари босиб олишган.

Қарматлар давлати ҳукмдорлари: Абу Саъид Ҳасан ибн Баҳром Жаннобий (886/894 – 913), Абулқосим Саид ибн Абу Саъид (913 – 917), Абу

Тоҳир Сулаймон ибн Абу Саъид (917 – 944); Абу Саъиднинг тўрт ўғли: Абу Мансур Аҳмад, Абулқосим Саид, Абул Аббос Фазл, Ябу Яъқуб Юсуф ва Сабур ибн Абу Тоҳир Сулаймон (944 – 962); Ҳасан ибн Аҳмад ибн Абу Саъид ва Абу Али Аъсом (962 – 972), Абу Яъқуб Юсуф (972 – 977), Абу Саъид Ҳасаннинг 6 невараси биргаликда (977 – 1078) ва б.

896 йил – венгерлар (мадьярлар) Карпатдан ўтиб, Дунай воҳасига ўрнашдилар. Болгария князи Симеон (хукмронлик даври: 893 – 927) Византия устидан ғалаба қозонди.

899 – 959 йиллар – бухоролик тарихчи олим Наршахий [Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий] яшаган ва фаолият юритган давр.

X аср – Африкада Чад кўли атрофида сао маданияти равнақ топди.

X – XI асрлар – Мали давлати мавжуд бўлган.

X – XII асрлар – Европада феодал жамияти даври кучая бошлади.

902 – 908 йиллар – венгерлар Буюк Моравия (Богемия, Моравия, Силезия ва Краков атрофлари)ни вайрон қилишди.

902 – 1009 йиллар – салжуқийлар бобокалони, ҳарбий саркарда Салжуқ [Салжуқбек ибн Дўкак] яшаган ва фаолият юритган давр. Салжуқнинг 5 нафар ўғли бўлган. Унинг неваралари Тўғрулбек, Чағрибек Довуд, Алп Арслон кейинчалик машҳур саркардалар бўлиб етишди.

905 йил – Мисрда тулунийлар сулоласи тугатилди. Аббосийлар халифалигининг ҳокимияти яна қарор топди.

906 – 1004 йиллар – Шимолий Ироқ ва Сурияда шиа арабларининг ҳамдонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган. Улар ўзларининг тағлиб қабиласи (насроний араблар)дан келиб чиққанларини таъкидлашади. Сулола асосчиси Анатолия жануби-шарқида жойлашган Мардинга 890 йили аббосийлар ноиб этиб тайинланган Ҳамдон ибн Ҳамдун эди. Унинг ўғли Абдуллоҳ 906 йилда Мосулга ноиб этиб тайинланган. 1004 йилда фотимийлар Ҳалабдаги ҳамдонийлар ҳукмронлигига чек қўйди.

Ҳамдонийлар сулоласи ҳукмдорлари:

Ҳазира (Мосул)даги ҳамдонийлар: Абдуллоҳ ибн Ҳамдон (906 – 929), Носируддовла Ҳасан (926 – 967), Адидуддавла (967 – 980); Иброҳим ибн Ҳасан ва Ҳусайн ибн Ҳасан (биргаликда) (989 – 997).

Ҳалабдаги ҳамдонийлар: Сайфуддавла (945 – 967), Саъдуддавла (967 – 991), Саъидуддавла (991 – 1002), Абулҳасан Али (1002 – 1004), Абул Маълий Шариф (1004) ва бошқалар.

907 йил – Шимоли-Шарқий Хитойда Ляо давлатига [мўғулча: Кидан Улуси]га асос солинди (Бу давлат 1125 йилда парчаланиб кетди). Пойтахти – Шанцзин. Тили – кидан, хитой. Дини – тангричилик, даосизм, конфуцийлик, буддизм. Майдони – 2 600 000 км² (947), 4 000 000 (1111). Сулоласи – ляо.

907 – 960 йиллар – Хитойда бешта сулола ҳукмронлиги даври [Бу давр У-дай ишго (беш сулола ва ўнта хоқимлик) даври деб аталади]:

Лян сулоласи ҳукмронлиги (907 – 923 йиллар). Сулолага Тай-цзу (Чжу Вэнь ёки Хуан) асос солиб, 907 – 912 йилларда ҳукмронлик қилган;

Тан ёки хоу тан сулоласи ҳукмронлиги (923 – 937 йиллар). Сулолага Чжуан-цзун (Ли Цунь-суй) асос солиб, 923 – 926 йилларда ҳукмронлик қилган;

Цзинь сулоласи ҳукмронлиги (936 – 947 йиллар). Сулолага Гао-цзу (Ши Цзин-тан) асос солиб, 936 – 942 йилларда ҳукмронлик қилган;

Хань сулоласи ҳукмронлиги (947 – 950 йиллар). Сулолага Гао-цзу (Лю Чжи-юань) асос солиб, 947 – 948 йилларда ҳукмронлик қилган;

Чжоу сулоласи ҳукмронлиги (951 – 960 йиллар). Сулолага Тай-цзу (Го Вэй) асос солиб, 951 – 954 йилларда ҳукмронлик қилган.

907 – 1211 йиллар – Хитойда Ляо Кидан [Кидон]лар давлатининг ҳукмронлиги даври. Киданлар мўғул қабиласи бўлиб, 907 йил қабилла бошлиғи Ела-Буға ўзини император деб эълон қилди ва Кидан давлатига асос солди. Кидан салтанати 947 йилдан Бюу Ляо, 983 йилдан Киданларнинг Буюк давлати, 1066 йилдан яна Буюк Ляо деб аталган. Киданлар Хитойни енгиб, бу ерда ўз давлатларини ўрнатишган. Хитойликлар Кидан салтанатини 937 ёки 947 йилдан Ляо давлати, 1124 – 1211 йилларда Ғарбий Ляо давлати деб аташган. Киданлар давлатига 1125 йилда чжурчжэнлар (жужанлар) кучли зарба беришган. Киданларнинг бир қисми Ғарбий Туркистонга қоракиданлар (улар қорахитойлар сифатида танилишган) номи билан кўчиб ўтган. Кидан номидан кейинчалик Хитой давлатининг русча номланиши – Китай келиб чиққан бўлиб, бу атама мўғул ва туркий халқлар орқали русларга ўтган.

907 – 1125 йиллар – ляо сулоласи Хитойда ҳукмронлик қилган.

Ляо сулоласи императорлари: Тай-цзу [Ела Буға] (907 – 926), Тай-цзун [Елюй Дэгуан] (926 – 947), Ши-цзун [Елюй Жуань] (947 – 951), Му-цзун [Елюй Цзин] (951 – 969), Цзин-цзун [Елюй Сянь] (969 – 982), Шэн-цзун [Елюй Лунсуй] (982 – 1031), Син-цзун [Елюй Цзунчжэнь] (1031 – 1055), Дао-цзун [Елюй Хунци] (1055 – 1101), Тяньцзо-ди [Елюй Яньси] (1101 – 1125).

909 – 1171 йиллар – Фотимийлар халифалиги ташкил топди (Бу давлат 1171 йилда айюбийлар томонидан тугатилди). Пойтахти – Махдия (909 – 969), Қоҳира (969 – 1171). Давлат раҳбари – халифа. Тили – араб. Дини – исломнинг исмоилий оқими. Пул бирлиги – динар. Майдони – 5 000 000 км². Сулоласи – фотимийлар.

Фотимийлар халифалиги Шимолий Африкада, сўнгра Миср ва Сурияда фаолият кўрсатди. Шимолий Африкада Фотимийлар халифалиги ташкил топди. Бу давлатга 909 йилда Убайдуллоҳ ал-Махдий томонидан асос со-

линди. У 909 – 931 йилларда бу давлатни бошқарди. Фотимийлар ўзларини ҳазрати Алининг авлодлари деб ҳисоблаганлар ва номларини пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг кизлари, тўртинчи халифа Алининг хотини Фотима номидан олганлар (Уларни исмоилийлар ёхуд убайдийун халифалари деб ҳам аташади). Бу давлат ўзининг энг қудратли даврида Миср, Мағриб, Фаластин ва Сурия ҳудудларини назорат қилди. Давлат пойтахти – Маҳдийя (909 – 969), Қоҳира (969 – 1171). Аббосийлар халифалигидан ажралиб чиккан Фотимийлар давлати айюбийлар сулоласи томонидан 1171 йилда тугатилди.

Фотимий халифалар: Абу Муҳаммад Убайдуллоҳ ал-Маҳдий (909 – 934), Абу Қосим Муҳаммад ал-Қойим (934 – 946), ал-Мансур (946 – 953), ал-Муъизз (953 – 975), ал-Азиз (975 – 996), ал-Ҳаким (996 – 1021), аз-Зоҳир (1021 – 1036), ал-Мустансир (1036 – 1094), ал-Мустаълий (1094 – 1101), ал-Амир (1101 – 1130), ал-Ҳафиз (1131 – 1149), ал-Зафир (1149 – 1154), ал-Фаиз (1154 – 1160), ал-Адид (1160 – 1171).

913 – 1002 йиллар – *Хуросон ва Сейстонда Сомонийлар давлати номидан ҳукмронлик қилган уларга тобе симжурийлар сулоласи вакиллари:* Симжур Даъватий [Сейстонда] (913 – 914), Иброҳим ибн Симжур [Хуросонда] (922 – 926; 945 – 946), Муҳаммад I ибн Иброҳим [Хуросонда] (956 – 960; 961 – 982), Муҳаммад II ибн Муҳаммад I [Хуросонда] (984 – 987; 985 – ?), Али ибн Муҳаммад [Хуросонда] (? – 1002).

918 – 1392 йиллар – Корё давлатини ван сулоласи бошқарган. Сулоланнинг 24 ҳукмдори (Вонжонгача) жон қўшимчаси билан тугайдиган исмлар билан номланган. Чхуннёлдан бошлаб қолган барча Корё ҳукмдорлари ван (кирол) унвонига эга бўлишган.

Корё ҳукмдорлари: Тхэжон (918 – 943), Хэжон (943 – 945), Чонжон (945 – 949), Кванжон (949 – 975), Кёнжон (975 – 981), Сонжон (981 – 997), Мокжон (997 – 1009), Хёнжон (1009 – 1031), Токжон (1031 – 1034), Чонжон (1034 – 1046), Мунжон (1046 – 1083), Сунжон (1083), Сонжон (1083 – 1094), Хонжон (1094 – 1095), Сукжон (1095 – 1105), Йежон (1105 – 1122), Инжон (1122 – 1146), Ийжон (1146 – 1170), Мёнжон (1170 – 1197), Синжон (1197 – 1204), Хийжон (1204 – 1211), Канжон (1211 – 1213), Кожон (1213 – 1259), Вонжон (1259 – 1274); Чхуннёл (1274 – 1308), Чхунсон (1308 – 1313), Чхунсук (1313 – 1330), Чхунге (1330 – 1332), Чхунсук (1332 – 1339), Чхунге (1339 – 1344), Чхунмок (1344 – 1348), Чхунжон (1348 – 1351), Конмин (1351 – 1374), У (1374 – 1388), Чхан (1388 – 1389), Конян (1389 – 1392).

925 йил – Хорват давлати (кироллик) вужудга келди.

928 йил – Англия киролиги ташкил топди (1707 йил 30 апрелда Англия киролиги Буюк Британия киролига айлантирилди). Расмий тили – инглиз. Пойтахти – Лондон. Йирик шаҳарлари – Лондон, Бирмингем, Лидс, Шеффилд, Ливерпуль, Манчестер, Ковентри, Лестер. Қиролича – Елизавета

та II (1952 йилдан). Бош вазир – Дэвид Кэмерон. Давлат дини – англикан. Худуди – 133 396 км². Аҳолиси – 53 012 456 киши (2011). Пул бирлиги – фунт стерлинг.

928 – 1042 йиллар – Эронда зиёрийлар сулоласи ҳукмронлик қилган. Сулола асосчиси Мардовиж ибн Зиёр аббосийларнинг ноиби ҳисобланган. У 928 йилда халифаликдан мустақил Зиёрийлар давлатига асос солди. Унинг вафоти (935)дан сўнг бу давлат кичик қисмларга бўлинган ва сомонийларга тобе бўлган.

928 – 1090 йиллар – Каспий денгизининг жанубий соҳилидаги худудлар (Табаристон ва Журжон)да зиёрийлар (дайлабийлар) сулоласи ҳукмронлик қилган. Форс тарихчилари уларни бану зиёд ёки бану зиёр деб атайдилар. Сулола асосчиси дайламлик Мардовиж, шунинг учун сулола дайлабийлар деб ҳам номланади. 1090 йилда Зиёрийлар давлатининг мулклари ғазнавийлар ва бувайхийлар қўлига ўтиб кетган.

Зиёрийлар (дайлабийлар) сулоласи вакиллари (Табаристон ва Журжон)да: Мардовиж ибн Зиёр (928 – 935), Вушмагир ибн Зиёр (935 – 967), Бисутун ибн Вушмагир (967 – 978), Қобус ибн Вушмагир (978 – 981; 998 – 1012), Манучеҳр ибн Қобус (1012 – 1029), Анушервон ибн Манучеҳр (1029 – 1049), Кайковус ибн Манучеҳр (1049 – ?), Гилоншоҳ ибн Кайковус (? – 1090).

928 – 1707 йиллар – Англия қироллиги мавжуд бўлган.

929 йил – Қурдоба амирлиги ўрнида Қурдоба халифалиги ташкил топди. Қурдоба амири Абдурраҳмон III (ҳукмронлик даври: 912 – 961) ўзини халифа деб эълон қилди. Қурдоба Пиреней ярим оролидаги мусулмон давлати бўлган. Қурдобада араб-андалус цивилизацияси пайдо бўлди. Халифалик пойтахти Қурдоба [Кордова] шаҳри ўз пайтида Бағдод ва Константинополь билан рақобатлашган (Қурдоба амирлиги 1031 йилда бир нечта мустақил кичик амирликларга бўлиниб кетган) Пойтахти – Қурдоба [Кордова]. Давлат раҳбари – халифа. Тили – араб, мосараб. Майдони – 600 000 (1000).

929 – 1031 йиллар – Қурдоба халифалиги мавжуд бўлган давр. Бу давлатни Испаниядаги умавий халифалари бошқарган.

Қурдоба халифалари: Абу Мутарриф Абдурраҳмон III ибн Муҳаммад ан-Носир (912 – 961; 929 йилда халифа унвонини олди.); Абул-Ғозий Ҳакам II ибн Абдурраҳмон ал-Мустансир (961 – 976), Абул-Валид Ҳишом II ибн Ҳакам ал-Муваййад (976 – 1009; 1010 – 1013), Абул-Валид Муҳаммад II ибн Ҳишом ал-Махдий (1009; 1010), Абу Айюб Сулаймон ибн Ҳакам Мустаъин (1009 – 1010; 1013 – 1016), Али ан-Носир (1016 – 1018), Абдурраҳмон IV ибн Муҳаммад ал-Муртазо (1018), ал-Қосим ибн Ҳаммуд ал-Маъмун (1018 – 1021; 1022 – 1023), Яхё ибн Али ал-Муъталиий (1021 – 1022; 1025 – 1027), Абу Мутарриф Абдурраҳмон V ибн Ҳишом ал-Мустазхир (1023 – 1024),

Мухаммад III ибн Абдурраҳмон ал-Мустақфий (1024 – 1025), Абу Бақр Ҳишом ибн Абдурраҳмон ал-Муътадд (1027 – 1031).

930 йил – исмоилийлар мазҳабига мансуб бўлган қарматлар Аббосийлар халифалигига қарши қўзғолон кўтариб, Маккадаги муқаддас қора тошни олиб кетишган (Бу тош ўз ўрнига фақат 20 йилдан кейин қайтарилган).

932 – 968 йиллар – *Кирмонда Сомонийлар давлати номидан ҳукмронлик қилган уларга тобе илёсийлар сулоласи вакиллари*: Мухаммад ибн Илёс (932 – 934; 936 – 967), Аляса ибн Мухаммад (967 – 968).

932 – 1055 йиллар – Фарбий Эрон ва Ироқда бувайҳийлар сулоласи ҳукмронлик қилди. Сулолага ака-ука Аҳмад, Ҳасан ва Али асос солганлар. Уларнинг отаси Бувайҳ (сулола номи унинг исмидан олинган) Эрон подшоҳи Баҳром Гўр наслидан бўлиб, Дайлам (Гилон вилоятининг тоғли қисми)даги жангари қавмлар сардори эди. Шу боис мазкур сулола вакиллари дайлабийлар деб ҳам аталган. Бувайҳийлар шиа амирлари бўлган. Улар ўзларига шаҳаншоҳ унвонини олган. Давлат пойтахти Шероз эди (1055 йилда салжуқийлар Бағдодни олиб, халифани бувайҳийлар зулмидан қутқардилар. 1062 йилда бувайҳийлар (дайлабийлар)нинг сўнгги мулки ҳам тугатилди).

Бағдодни истило қилиб аббосийлар устидан назорат ўрнатган бувайҳий амирлари (бувайҳийлар сулоласига мансуб шаҳаншоҳлар): Аҳмад ибн Бувайҳ (945 – 967), Бахтиёр ибн Аҳмад (967 – 978), Фано Хусрав ибн Ҳасан (978 – 983), Марзубон ибн Фано Хусрав (983 – 987), Ширдил ибн Фано Хусрав (987 – 989), Феруз ибн Фано Хусрав (989 – 1012), Абу Шужоъ ибн Феруз (1012 – 1021), Ҳасан ибн Феруз (1021 – 1025), Ширдил ибн Феруз (1025 – 1044), Марзубон ибн Феруз (1044 – 1048), Хусрав Феруз ибн Марзубон (1048 – 1055).

933 – 954 йиллар – *Хуросон ва Чағониёнда Сомонийлар давлати номидан ҳукмронлик қилган уларга тобе туркий муҳтожийлар сулоласи вакиллари*: Мухаммад ибн Музаффар ибн Мухтож (933 – 939), Аҳмад ибн Мухаммад (939 – 945; 946 – 947; 952 – 954), Фаҳруддовла Мухаммад (954 – ?).

935 йил – Ван Гон мамлакатни бирлаштириб, Корё (Корея номи шундан) давлатига асос солди.

935 йил – туркий ҳарбий оиладан келиб чиққан Мухаммад Ихшид ибн Туғж Мисрда Ихшидийлар давлатига асос солди. Унинг аждодлари фарғоналик – Фарғона ихшидлари наслидан бўлган. Мухаммаднинг бобоси Жофф. Фарғона амирларидан бўлиб, халифа Муътасим кўшинида хизмат қилган.

935 – 969 йиллар – Ихшидийлар давлати Миср ва Сурияда мавжуд бўлган.

Ихшидийлар сулоласи вакиллари: Муҳаммад Ихшид ибн Туғж (935 – 946), Абулқосим Унгур ибн Ихшид (946 – 960), Абулҳасан Али ибн Ихшид (960 – 966), Абулмиск Кофур (966 – 968), Абулфаворис Аҳмад ибн Али (968 – 969).

935/940 – 1020 йиллар – машхур форс шоири Фирдавсий [Абулқосим Мансур Ҳасан Фирдавсий Тусий] яшаган ва фаолият юритган давр.

936 йил – Оттон I (Генрих I Қуштутарнинг ўғли) Германия қироли деб эълон қилинди.

936 – 946 йиллар – Кайфин (Хитой)да сўнгги цзинь сулоласи ҳукмронлиги даври.

937 йил – Сомонийлар давлати пойтахти Бухорода ёнғин бўлиб, унда Шарқдаги дастлабки мадраса – Фаржак мадрасаси ёниб кетганлиги илк бор манбаларда қайд этилди (Наршахий маълумоти).

938 – 1253 йиллар – Хитойда Дали давлати мавжуд бўлган. Унинг пойтахти Дали шаҳри бўлиб, мўғуллар томонидан тугатилган.

940 йил – Абдулкарим Сотуқ Буғрохон томонидан Туркистон минтақасида янги туркий давлат Буюк Қорахонийлар давлатига асос солинди. (1212 йилда Қорахонийлар давлати тугатилди.) Давлат раҳбари – хоқон, қорахон, буғрохон, хон. Пойтахти – Боласоғун (940 – 1130), Кошғар (940 – 1042, 1130 – 1211), Бухоро (999 – 1130), Самарқанд (1130 – 1212), Ўзган (1141 – 1212). Тили – туркий [хоқония туркчаси], дарий [форсий]. Дини – тангричилик, исломнинг суннийлик оқими (960 йилдан). Майдони – 3 млн. км². Аҳолиси – туркий халқлар [яғмо ва чигилларнинг қарлуқ конфедерацияси]. Сулоласи – қорахонийлар.

940 – 997 йиллар – Ғазнавийлар давлатининг асосчиси Сабуктегин яшаган ва фаолият юритган давр.

940 – 1212 йиллар – Буюк Қорахонийлар давлати мавжуд бўлган. Давлат асосан Шарқий Туркистон, Еттисув ва Тяньшаннинг жанубидаги ҳудудларда ташкил қилинди. У туркий қарлуқ, чигил, яғмо қабилалари иттифоқидан ташкил топган. Сотуқ Буғрохон 940 йилда Боласоғундаги қарлуқлар хони тахтдан ағдариб, ўзини ҳукмдор (хоқон) деб эълон қилди. Бу давлатни қорахонийлар сулоласи вакиллари бошқарди. 1040 йилда Қорахонийлар давлати ғарбий ва шарқий қисмларга: Ғарбий Қорахонийлар хонлиги ва Шарқий Қорахонийлар хонлиги давлатларига бўлиниб кетди. 1212 йилда найманлар хони Кучлук Ўзган ва Кошғардаги Шарқий Қорахонийлар давлатини, ўша йили Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад Самарқанддаги Ғарбий Қорахонийлар давлатини тугатди.

Қорахонийлар сулоласи: Кул Билга Қорахон (840 – 880), Бозирхон (? – 910), Абдулкарим Сотуқ Буғрохон (920 – 940); *Буюк Қорахонийлар давлати хоқонлари:* Абдулкарим Сотуқ Буғрохон (920/940 – 955), Мусо Бойтош Буғрохон (955 – 970), Ҳорун Буғрохон (970 – 993), Ҳасан Али I [Арслонхон]

(993 – 998); *Буюк Қорахонийлар давлати хоқонлари* (Боласоғун шахридан туриб бошқарган буюк хонлар): Тўғонхон Аҳмад ибн Али (998 – 1016), Арслонхон Мансур ибн Али (1016 – 1025), Тўғонхон Муҳаммад ибн Ҳасан/Ҳорун (1025 – 1026), Қодирхон Юсуф ибн Ҳасан/Ҳорун (1026 – 1031), Арслонхон Сулаймон ибн Юсуф (1031 – 1040).

942 йил – 997 йил август – Ғазнавийлар давлати асосчиси Сабуктегин яшаган ва фаолият юритган давр.

944 – 961 йиллар – сомонийлар сулоласи вакили Абдулмалик I ибн Нух яшаган ва фаолият юритган давр.

945 йил – аббосийлар халифаси Абдуллоҳ ал-Мустақфий бувайҳийлар (буийлар) сулоласидан бўлган Эрон шиа амирларига ўз ваколатини бериб қўйди (Бу ҳолат 100 йилча давом этди).

Бувайҳийларга тобе аббосий халифалари (945 – 1055): Мустақфий (944 – 946), Мутийбуллоҳ (946 – 974), Тоиллоҳ (974 – 991), Қодир (991 – 1031), Қоим (1031 – 1055/1075).

945 – 1055 йиллар – бувайҳийлар сулоласининг Гилон [Дайлам] вилоятида ҳукмронлик даври.

947 – 1124 йиллар – Хитойда ляо сулоласи ҳукмронлиги даври. Киданлар 947 йилда Хитой шимолида ляо сулоласига асос солишди.

948/950 – 978/983 йиллар – форс-тожик шоири Дакикий яшаган ва фаолият юритган давр.

949 – 983 йиллар – бувайҳийлар сулоласидан Адудуддавланинг ҳукмронлик даври. Бу пайтда бувайҳийлар томонидан Эрондаги барча улуслар бирлаштирилди.

950 йил – араб тарихчиси ва саёҳатчи Маъсудий Эрон, Ҳиндистон, Мовароуннаҳр, Цейлон (Шри Ланка) ва Хитой денгизи соҳилларига саёҳат қилди.

X аср ўргалари – «Минг бир кеча» араб эртаклари биринчи марта таҳрир қилинди.

951 йил – Италия қирол Оттон I томонидан босиб олинди.

954 – 961 йиллар – сомонийлар сулоласи вакили Абдулмалик I ибн Нух ҳукмронлик қилган давр.

960 – 1222 йиллар – туркий Қарлук хонлиги мавжуд бўлган. Хонлик аввал қорахонийларга тобе бўлган, сўнгра 1200 йилдан мустақил давлат. Мўғуллар давлати томонидан 1222 йилда босиб олинган. Пойтахти – Қўйлик (960 – 1222), Олмалик (1200 – 1222). Тили – қарлук тили. Аҳолиси – қарлуқлар.

960 – 1279 йиллар – Хитойда Сун сулоласи ва давлати ҳукмронлиги даври. Сун сулоласига (шимолий сун) Сўнгги Чжоу хонлиги саркардаси Чжао Куан-инь (Куангйинг) томонидан 960 йилда асос солинди. У Тай-цзу номи билан ҳокимиятни 960 – 976 йилларда бошқарди. Давлат пойтахти –

Кайфин (Кайфэн) шахри. Сун сулоласи икки даврга бўлинади: шимолий сун сулоласи (960 – 1127) ва жанубий сун сулоласи (1127 – 1279). Жанубий сун сулоласига Чжао Гоу асос солиб, Гао-цзун номи билан 1127 – 1162 йилларда давлатни бошқарган. Жанубий сун сулоласи 1127 йил пойтахтни Миньан (ҳозирги Хангчжоу) шахрига кўчирган. Сун сулоласи 1141 йил жужанларнинг Цзинь давлати вассалига айланган. Бу сулола мўғуллар томонидан 1279 йилда тугатилди.

Шимолий сун сулоласи императорлари (960 – 1127): Тай-цзу [Чжао Куаньинь] (960 – 976), Тай-цзун [Чжао Куаньинь] (976 – 997), Чжэнь-цзун [Чжао Хэн] (997 – 1022), Жэнь-цзунь [Чжао Чжэнь] (1022 – 1063), Ин-цзун [Чжао Шу] (1063 – 1067), Шэнь-цзун [Чжао Сюй] (1067 – 1085), Чжэ-цзун [Чжао Сюй] (1085 – 1100), Хуэй-цзун [Чжао Цзи] (1100 – 1125), Цинь-цзун [Чжао Хуань] (1125 – 1127).

Жанубий сун сулоласи императорлари (1127 – 1279): Гао-цзун [Чжао Гоу] (1127 – 1162), Сяо-цзун [Чжао Шэнь] (1162 – 1189), Гуан-цзун [Чжао Дунь] (1189 – 1194), Нин-цзун [Чжао Ко] (1194 – 1224), Ли-цзун [Чжао Юнь] (1224 – 1264), Ду-цзун [Чжао Ци] (1264 – 1274), Гун-цзун [Чжао Сянь] (1274 – 1276), Дань-цзун [Чжао Ши] (1276 – 1278), Чжао Бин (1278 – 1279).

961 йил 10 февраль – Сомонийлар амирлиги томонидан таниқли турк лашкарбошиси Алптегин Хуросонга сипоҳсолор қилиб тайинланди. Шу тариқа Ғазна вилоятида Ғазнавий амирларининг ҳукмронлиги бошланди. Кейинчалик улар ғазнавийлар сулоласи сифатида машҳур бўлди (961 – 999 йилларда Ғазнавий амирлар Ғазнада ҳукмронлик қилди. 961 – 1186 йилларда ғазнавийлар сулоласи, 977 – 1030 йилларда Ғазнавийлар давлати мавжуд бўлган). Давлат раҳбари – амир; султон. Пойтахти – Ғазна. Дини – исломнинг суннийлик оқими. Тили – туркий. Аҳолиси – туркийлар.

961 йил 10 февраль – 963 йил 13 сентябрь – ғазнавийлар сулоласининг асосчиси Алптегиннинг Ғазнада амирлик даври.

961 – 998 йиллар – Ғазнавий амирларнинг Ғазнада ҳукмронлик даври.

961 – 1186 йиллар – ғазнавийлар сулоласининг ҳукмронлик даври.

Ғазнавий амирлари: Алптегин (961 – 963), Исҳоқтегин (963 – 966), Билгатегин (966 – 972), Пиритегин (972 – 977), Сабуктегин (Сомонийлар ноиби: 977 – 997; Сомонийлар давлати сипоҳсолори – Ғазна амири: 994 – 997), Исмоил ибн Сабуктегин (Ғазна амири: 997 – 998), Наср ибн Сабуктегин (Балх амири: 997), Бағрачуқ (Сабуктегиннинг укаси; Хирот амири: 997), Маҳмуд ибн Сабуктегин (995 – 997 йилларда Сомонийлар давлати сипоҳсолори: 998 – 999 йилларда Ғазна амири: 999 йилда Хуросон амири; 999 – 1030 йилларда Ғазна султони).

962 йил 2 февраль – герман Рим империяси ташкил топди, Германия кироли Оттон I император деб эълон қилинди (1806 йилда империя туга-

тилди) Пойтахти – Рим (номигагина), Вена (1483 – 1806 йилларда императорнинг қароргоҳи бўлган), Регенсбург (1663 – 1806 йилларда рейстаг мажлислари бўлган), Прага (1346 – 1437; 1583 – 1611). Тили – латин, немис, италия, чех, венгер, поляк. Дини – католик (императорлар), лютеранлик, кальвинизм (айрим князликлар). Пул бирлиги – герман дукати. Аҳолиси – 17 000 000 (1550). Сулоласи – 14 та сулола, 3 та алоҳида шоҳобча.

962 йил 2 февраль – 1806 йил 6 август – Муқаддас Рим империяси фаолият юритган давр. У герман қироли Отгон I томонидан Шимолий ва Ўрта Италия (Рим билан бирга) бўйсундирилгач (962), ташкил топди. Муқаддас Рим империяси таркибига Чехия, Бургундия (Арелат), Нидерландия, Швейцария ерлари ҳам кирган. Бу империя герман зодагонлари манфаатини ҳимоя қилган ва босқинчилик сиёсати олиб борган. Сўнгги император Франц II тахтдан воз кечишга мажбур бўлгач, у расман тугатилган (1806).

Муқаддас Рим империяси қироллари ва императорлар:

Каролинглар (843 – 918): Людовик Немис (843 – 876), Карл Бақалок (876 – 887) (879 йилдан Италияда, 885 йилдан Ғарбий Франк қироллигида қирол), Людовик III Кичик (865 – 882 йилларда Тюрингия, Саксония, Франкония, 879 йилдан Бавария, 880 йилдан Лотарингиянинг бир қисмида ҳукмронлик қилган), Арнульф Каринтийский (887 – 899), Людовик Болакай (900 – 911); Конрад I Франконский (911 – 918).

Саксон сулоласи (919 – 1024): Генрих I (919 – 936), Отгон I (936 – 973), Отгон II (973 – 983), Отгон III (983 – 1002), Генрих II (1002 – 1024).

Франконлар сулоласи (1024 – 1137): Конрад II (1024 – 1039), Генрих III (1039 – 1056), Генрих IV (1056 – 1106), Генрих V (1106 – 1125); Лотарь III Саксонский (1125 – 1137).

Штауфенлар (1138 – 1330): Конрад III (1138 – 1152), Фридрих I Барбаросса (1152 – 1190), Генрих VI (1190 – 1197), Филипп Швабиялик (1198 – 1208); Отгон IV (1198 – 1218); Фридрих II Штауфен (1212 – 1250); Вильгельм Голландиялик (1247 – 1256); Конрад IV Штауфен (1250 – 1254); Корнуэллик Ричард (1257 – 1272), Альфонс Кастилиялик (1257 – 1274), Рудольф I Габсбург (1273 – 1291), Нассаулик Адольф (1291 – 1298), Альбрехт I Австриялик (1298 – 1308), Генрих VII Люксембурглик (1308 – 1313), Людвиг IV Бавариялик (1314 – 1347), Фридрих Чиройли Австриялик (1314 – 1330).

Люксембурглар (1347 – 1437): Карл IV (1347 – 1378), Вацлав (1378 – 1400); Пфальцлик Рупрехт (1400 – 1410); Люксембурглик Сигизмунд (1410 – 1437).

Габсбурглар (1438 – 1745): Альбрехт II (1438 – 1439), Фридрих III (1440 – 1493), Максимилиан I (1493 – 1519), Карл V (1519 – 1556), Фердинанд I (1556 – 1564), Максимилиан II (1564 – 1576), Рудольф II (1576 – 1612),

Маггиас (1612 – 1619), Фердинанд II (1619 – 1637), Фердинанд III (1637 – 1657), Леопольд I (1658 – 1705), Иосиф I (1705 – 1711), Карл VI (1711 – 1740); Карл VII (1742 – 1745).

Габсбург-Лотаринглар хонадони (1745 – 1806): Франц I (1745 – 1765), Иосиф II (1765 – 1790), Леопольд II (1790 – 1792), Франц II (1792 – 1806).

Герман императорлари. Гогенцоллернлар (1871 – 1918): Вильгельм I (1871 – 1888), Фридрих III (1888 йил 9 март – 15 июнь), Вильгельм II (1888 – 1918).

963 йил – сомонийларнинг Хуросондаги сипоҳсолори Алптегин вафот этди ҳамда унинг вориси ва куёви Сабуктегин ҳокимият учун кураш бошлади.

965 – 1072 йиллар – Сицилия оролида Сицилия амирлиги номли мусулмон давлати бўлган. Пойтахти – Ал-Мадина (ҳозирги Палермо; Италия). Фотимийлар халифалиги номидан шиа амирларининг қалбийлар сулоласи ҳукмронлик қилган. Сулола асосчиси – Ҳасан ибн Абдуллоҳ. Норманлар Рожер I бошчилигида Сицилияни истило қилиб, мусулмонлар давлатини тугатишган.

Сицилия амирлигида ҳукмронлик қилган қалбийлар сулоласи: Ҳасан ибн Абдуллоҳ (948–953), Аҳмад ибн Ҳасан (953–970), Али ибн Ҳасан (970–982), Жоҳир ибн Али (982–983), Жаъфар ибн Муҳаммад (983–985), Абдуллоҳ ибн Муҳаммад (985–989), Юсуф ибн Абдуллоҳ (989–998), Жаъфар ибн Юсуф (998–1019), Аҳмад ибн Юсуф (1019–1038), Ҳасан ибн Юсуф (1040–1053) ва бошқалар.

967 – 1030 йиллар – давлат арбоби Маҳмуд Ғазнавий яшаган ва фаолият юритган давр.

967 – 1049 йиллар – таниқли мутасаввуф ва шоир Абу Сайид Абул Хайр (Мийна бобо) яшаган ва фаолият юритган давр.

968 – 971 йиллар – Киев Руси князи Святославнинг Византияга юриши.

969 йил – Мағриб ҳукмдори, фотимийлар халифаси ал-Муизз Миср, Фаластин ва Сурияни эгаллади. У Фустат шаҳри яқинида Қоҳирага асос солди. Қоҳира бу пайтда «Миср ал-Қоҳира» («Ғолиб Миср») номи билан машҳур бўлган.

969 йил – Биринчи Булғор подшолиги икки давлатга: Шарқий Булғор подшолиги ва Ғарбий Булғор подшолигига бўлинди.

970/980 – 1039 йиллар – форс шоири Унсурий яшаган ва фаолият юритган давр.

971 йил 2 октябрь – 1030 йил 30 апрель – Ғазнавийлар давлати амири ва подшоси Султон Маҳмуд Ғазнавий яшаган ва фаолият юритган давр.

973 йил – халифа ал-Муизз Фотимийлар давлатининг пойтахтини Қохирага кўчирди (шаҳар 973 – 1171 йилларда Фотимийлар халифалигининг пойтахти бўлган).

973 йил – Қохирада машҳур ал-Азҳар университети ташкил қилинди.

973 юритган – **983 йиллар** – Оттон II герман «Муқаддас Рим империяси»ни бошқарган давр.

973 йил 4 сентябрь – 1048 йил 11 декабрь – комусий олим Абу Райҳон Беруний яшаган ва фаолият юритган давр.

975 – 996 йиллар – Мисрни фотимийлар халифаси ал-Азиз бошқарган давр. Бу пайтда ислом дини христиан ва яҳудийларга нисбатан бағрикенг муносабатда бўлган.

976 – 1025 йиллар – македонлар сулоласидан бўлган Византия императори Василий III нинг ҳукмронлик даври. Бу пайтда Византия юксак куч-қудрат чўққисига чиқди.

977 йил 20 апрель – Ғазна амири Сабуктегин янги туркий давлат – мустақил Ғазнавийлар давлатига асос солди. Давлатни ғазнавийлар сулоласи бошқарди. Сулолага Алптегин, давлатга эса Алптегиннинг лашкарбошиси ва куёви, сомонийларнинг Ғазнадаги ноиб (амири) сипоҳсолор туркий ғулом Сабуктегин асос солган (Салжуқийлар 1038 йили Ғазнавийлар давлати ҳудудининг катта қисмида мустақил давлатга асос солишди. 1151 йилда пойтахт Ғазна ғурийлар томонидан яқсон қилинди, 1186 йили ғурийлар Ғазнавийлар давлатини бутунлай тугатди). Давлат раҳбари – султон. Пойтахти – Ғазна (Афғонистон), Лаҳор (Ҳиндистон). Дини – исломнинг суннийлик оқими. Тили – туркий тил. Аҳолиси – туркийлар.

977 йил 20 апрель – 997 йил август – Ғазнавийлар давлати асосчиси Сабуктегиннинг ҳукмронлик даври.

977 – 1186 йиллар – Ғазнавийлар давлати мавжуд бўлган.

Ғазнавийлар сулоласи вакиллари: Алптегин (962 – 963), Исхоктегин (963 – 966), Билгатегин (966 – 972), Пиритегин (972 – 977) ва бошқалар.

Ғазнавийлар давлати султонлари: Сабуктегин (977 – 997), Исмоил ибн Сабуктегин (997 – 998), Султон Маҳмуд Ғазнавий (998 – 1030), Муҳаммад ибн Маҳмуд (1030), Масъуд ибн Маҳмуд (1030 – 1041), Муҳаммад ибн Маҳмуд (1041), Мавдуд ибн Масъуд (1041 – 1049), Масъуд II ибн Мавдуд (1049), Али ибн Масъуд II (1049 – 1051), Абдуррашид ибн Маҳмуд (1051 – 1053), Тўгрул (1053), Фаррухзод ибн Масъуд (1053 – 1059), Иброҳим ибн Масъуд (1059 – 1099), Масъуд III ибн Иброҳим (1099 – 1115), Шерзод ибн Иброҳим (1115 – 1116), Арслоншоҳ ибн Масъуд (1116 – 1118), Баҳромшоҳ ибн Масъуд (1118 – 1153), Хусравшоҳ ибн Арслоншоҳ (1153 – 1160), Хусрав Малик ибн Хусравшоҳ (1160 – 1186).

980 – 1015 йиллар – Киев Руси давлатида князь Владимирнинг ҳукмронлик даври.

980 йил 16 август – 1037 йил 18 июнь – мутафаккир олим, табиб, файласуф ва шоир Абу Али ибн Сино яшаган ва фаолият юритган давр. У Европада Авиценна номи билан машхур бўлган. «Медицина» атамаси унинг табиблик маҳорати (мадади Сино) дан олинган.

982 йил – скандинавиялик Эрик Малла Гренландияда викинглар колониясини ташкил қилди.

987 – 1328 йиллар – капетинглар француз кироллари сулоласининг ҳукмронлик даври. Сулолага Гуго Капет асос солган. Капетинглар сулоласини 1328 йилда уларнинг тармоғи валуа сулоласи алмаштирган.

Капетинглар сулоласи: Гуго Капет (987 – 996), Роберт II (996 – 1031), Генрих I (1031 – 1060), Филипп I (1060 – 1108), Людовик VI Бақалоқ (1108 – 1137), Людовик VII (1137 – 1180), Филипп II Август (1180 – 1223), Людовик VIII (1223 – 1226), Людовик IX Муқаддас (1226 – 1270), Филипп III Жасур (1270 – 1285), Филипп IV Чиройли (1285 – 1314), Людовик X (1314 – 1316), Филипп V (1316 – 1322), Карл IV (1322 – 1328).

988 йил – Русда Киев князи Владимир томонидан христианлик дини қабул қилинди.

990 – 1040 йиллар – Ўғузлар давлати [Ўғуз ябғулари] фаолият кўрсатди.

Ўғуз ябғулари: Исроил Арслон Ябғу (990 – 1025), Юсуф Инонч Ябғу (1025 – 1028), Мусо Инонч Ябғу (1028 – 1032), Эртош Ябғу (1032 – 1040).

991 – 1027 йиллар – ширвоншоҳ Йазид ибн Аҳмаднинг ҳукмронлик даври.

992 – 1025 йиллар – Польша кироли Болеслав I Ботирнинг ҳукмронлик даври.

993 йил – 1063 йил 4 сентябрь – Машхур давлат арбоби Тўғрулбек яшаган ва фаолият юритган давр.

995 йил – хоразмшоҳ Маъмун ибн Муҳаммад Хоразмни бирлаштирди ҳамда африғийлар сулоласини тугатиб, маъмунийлар сулоласига асос солди.

995 – 1017 йиллар – Хоразм давлатида маъмунийлар сулоласининг ҳукмронлик даври. Султон Маҳмуд Ғазнавий томонидан Хоразмдаги маъмунийлар сулоласи тугатилди ҳамда Хоразм Ғазнавийлар давлатига қўшиб олинди.

Маъмунийлар сулоласи: Маъмун ибн Муҳаммад (995 – 997), Али ибн Маъмун (997 – 999), Маъмун ибн Маъмун (999 – 1017).

Маъмунийлар сулоласи (Беруний маълумотлари бўйича): Шаҳид Абу Абдулло Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ироқ ибн Мансур ибн Абдулло ибн Турқасбоса ибн Шовушфир ибн Аскажмук ибн Азкожвор ибн Сабрий ибн Сихр ибн Арсамух ва бошқалар.

998 – 1030 йиллар – Ғазнавийлар давлати амири ва подшоси Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ҳукмронлик даври.

998 – 1068 йиллар – Ғарбий Қорахонийлар давлати хоқони Иброҳим ибн Насрнинг яшаган ва фаолият юритган даври.

999 йил 23 октябрь – Қорахонийлар давлати илекхони Наср ибн Али пойтахт Бухоро шаҳрини жангсиз эгаллади. Сомонийлар амири Абдулмалик II ибн Нуҳ ҳамда сулоланинг бошқа аъзолари Ўзгенд [Ўзган]га жўнатилди. Сомонийлар давлати ҳукмронлиги барҳам топди. Мовароуннаҳр Қорахонийлар давлатига қўшиб олинди ва илекхонлар [элокхонлар] ҳокимияти ўрнатилди.

1001 – 1027 йиллар – Ғазнавийлар давлати султони Маҳмуд Ғазнавий Шимолий Ҳиндистонга ҳарбий юришлар қилиб, Ғанг дарёсигача бўлган ҳудудни эгаллади. Ҳиндистон (хусусан, ҳозирги Покистон)га ислом дини тарқалди.

1003 йил – скандинавиялик Эрик Малланинг ўғли Лейф Эриксон ҳозирги Америка қитъасининг Ньюфаундленд ярим оролини кашф қилди.

1004 йил – Гурганж (Кўхна Урганч)да хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун томонидан академия (Хоразм Маъмун академияси) ташкил топди. Беруний ва Абу Али ибн Сино академия фаолиятига раҳбарлик қилди.

1004 – 1088 йиллар – машҳур тожик-форс шоири ва файласуф олим Носир Хусрав [Абу Муин Носир Хусрав Қабодиёний Марвазий] яшаган ва фаолият юритган давр.

1005 йил – сомонийлар сулоласининг сўнги амири Мунтасир вафот этиши билан сомонийлар сулоласи барҳам топган.

1006 – 1008 йиллар – қорахонийларнинг Хуросонга икки марта ҳарбий юриши натижасида Балх, Тус ва Нишопур эгалланди. Сўнгра Маҳмуд Ғазнавий қорахонийларни енгиб, Чағониён, Хутталон, Қабодиён вилоятлари ва Термиз, Амулни ўз давлатига қўшиб олган.

1014 – 1024 йиллар – бухоролик Абу Али ибн Сино томонидан машҳур «Тиб қонунлари» (5 жилддан иборат) асари яратилган (Бу асар лотин тилига таржима қилиниб, Европадаги медицина тараққиётида XVII асргача жуда муҳим роль ўйнади).

1017 йил – Маҳмуд Ғазнавийнинг Хоразмга юриши ва Хоразмнинг Ғазнавийлар давлатига қўшиб олинishi. Маъмун академиясининг фаолияти тугатилган.

1017 – 1041 йиллар – Хоразмда ғазнавийларга қарам олтинтошлар сулоласининг ҳукмронлик даври. Бу сулолага ҳожиб Олтинтош (Олтунтош) асос солган.

Олтинтошлар сулоласи: Олтунтош (1017 – 1032), Ҳорун (1032 – 1035), Исмоил Хандон (1035 – 1041).

1017 – 1092 йиллар – Салжуқийлар давлатининг машҳур вазири Низомулмулк яшаган ва фаолият юритган давр.

1018 йил – Биринчи Булғор подшолиги емирилди.

1024 йил – «Муқаддас Рим империяси»да франконлар сулоласи ҳокимият тепасига келди. Бу сулола сали сулоласи деб ҳам аталади. Франконлар сулоласи герман кироллари ва «Муқаддас Рим империяси» императорлари сулоласи ҳисобланиб, асосчиси Конрад II ҳисобланади.

1024 – 1125 йиллар – франконлар сулоласи «Муқаддас Рим империяси»ни бошқарди.

1025 йил – ғазнавийлар томонидан салжуқий қабилаларининг Бухородан Хуросонга кўчирилиши; Маҳмуд Ғазнавийнинг Самарқанд яқинида қорахонийлар ҳукмдори Қодирхон билан учрашуви; Шарқий Қорахонийлар давлати ҳокони Қодирхон ва Маҳмуд Ғазнавий кўшинларининг Самарқанд яқинида қорахонийларнинг Самарқанддаги ноиби Алитегин ибн Ҳусайн устидан ғалабаси.

1126 – 1199 йиллар – форс шоири Ҳокон Ширвоний яшаган ва фаолият юритган давр.

1027 – 1382 йиллар – кесронийлар сулоласи (ширвоншоҳлар) Ширвон давлатини бошқарган. Бу сулола арабийликни йўқотиб, форслашган эди.

Ширвоншоҳларнинг иккинчи кесронийлар сулоласи: Минучеҳр ибн Ҳазид (1027 – 1034), Абу Мансур Али ибн Ҳазид (1034 – 1043), Кубод ибн Ҳазид (1043 – 1049), Бухт Нассор Али ибн Аҳмад (1049 – 1050), Саллар ибн Ҳазид (1049 – 1063), Малик Одил Фаҳриддин Абу Шуджа Фарибурз ибн Саллар (1063 – 1096), Адуд ад – Даула Абу – ал – Музаффар Минучихр ибн Фарибурз (1096 – 1105), Афридун I ибн Фарибурз амир Баб ал – Аббаба (1105 – 1120), Минучихр III ибн Афридун (1120 – 1160), Афридун ибн Минучихр (1160), Малик Муаззам Жалол Даула ва – д – Дин Абу Музаффар Ахситан (1160 – 1196), Малик Муаззам (1196—1200), Малик Одил Жалолиддин Фарибурз ибн Афридун (1200—1204), Фаррухзод ибн Минучихр (1204), Малик Муаззам Гершасп ибн Фаррухзод (1204 – 1225), Малик Муаззам Алоуддин Абу Музаффар Фарибурз ибн Гершасп (1225 – 1243), Жалолиддин Ахситан ибн Фарибурз (1244 – 1260), Малик Муаззам Носир Даула ва – д – Дин Абу – л – Фатх Фаррухзод ибн Ахситан (1260 – 1283), Ахситан III ибн Фаррухзод II (1283 – 1294), Қай Қобус ибн Ахситан (1294 – 1317), Қай Кубод ибн Ахситан (1317 – 1356), Қобус ибн Қай Кубод (1336 – 1372), Ҳушанг ибн Қобус (1372 – 1382).

1029 йил 20 январь – 1072 йил 15 декабрь – Салжуқийлар давлатининг машхур султони Алп Арслон яшаган ва фаолият юритган давр.

1031 йил – Курдобадаги Умавийлар халифалиги тугатилди. Андалусия жуда кўп мусулмон араб ва барбар давлатчаларига бўлиниб кетди.

1031 – 1060 йиллар – Францияда капетинглар сулоласидан Генрих I нинг ҳукмронлик даври.

1032 – 1227 йиллар – ғарбий ся сулоласи Хитойда ҳукмронлик қилди.

Ғарбий ся сулоласи императорлари (1032 – 1227): Цзин-цзун [Ли Юаньхао] (1032 – 1048), И-цзун [Ли Лянцзо] (1048 – 1067), Хуэй-цзун [Ли Бинчан] (1067 – 1086), Чун-цзун [Ли Цяньшунь] (1086 – 1139), Жэнь-цзун [Ли Жэньсяо] (1139 – 1193), Хуань-цзун [Ли Чунью] (1193 – 1206), Сян-цзун [Ли Аньцюань] (1206 – 1211), Шэн-цзун [Ли Цзуньсюй] (1211 – 1223), Сянь-цзун [Ли Дэван] (1223 – 1226), Мо-чжу [Ли Сянь] (1226 – 1227).

1036 йил – Киев князи Ярослав Мудрий (хукмронлик даври: 1019 – 1054) томонидан Днепр ва Дунай дарёлари ўртасида кўчиб юрган туркий печенеглар (кипчоклар) тор-мор қилинди. Бу ҳолат Русь давлати тараққиётида муҳим роль ўйнади.

1036 – 1094 йиллар – фотимий халифалардан ал-Мустансирнинг хукмронлик даври.

1037 йил – туркий Буюк Салжуқийлар давлати ташкил топди. Тўғрулбек Салжуқийлар давлати султони деб эълон қилинди. (1194 йилда Буюк Салжуқийлар давлати турли давлатларга парчаланиб кетди.) Давлат раҳбари – султон. Пойтахти – Нишопур (1037 – 1043), Рай (1043 – 1051), Исфохон (1051 – 1118), Ҳамадон (1118 – 1194; ғарбий қисмида), Марв (1118 – 1153; шарқий қисмида). Тили – турк, араб, форс. Дини – ислом. Майдони – 3 900 000 км². Аҳолиси – 30 млн киши (1080). Сулоласи – салжуқийлар.

1037 – 1194 йиллар – Хуросонда Буюк Салжуқийлар сулоласи хукмронлик қилди.

Салжуқийлар сулоласи бобокалонлари ҳамда вакиллари: Тўкак (Ўғузлар давлати сюбошиси), Салжуқ (Ўғузлар давлати сюбошиси; 985 йилдан ябғу), Исроил ибн Салжуқ (1029 – 1032 йилларда ябғу), Микоил ибн Салжуқ, Мусо ибн Салжуқ (1036 – 1056 йилларда Фарава [Фороб] деҳқони; 1056 йилдан ябғу), Юсуф ибн Салжуқ (йинал), Юнус ибн Салжуқ, Эртош ибн Юсуф (1029 йилдан ябғу), Иброҳим ибн Юсуф (1056 йилдан йинал), Ҳасан ибн Мусо (1040 йилдан Ҳирот амири; 1056 йилдан ябғу), Кутулмиш ибн Исроил (1055 – 1064 йилларда малик), Чағрибек ибн Микоил (1037 – 1060 йилларда Марв султони ва шаҳаншоҳ), Тўғрулбек (1037 – 1040 йилларда Нишопур султони; 1040 – 1055 йилларда Хуросон султони; 1055 – 1063 йилларда буюк султон ҳамда Машрик ва Мағриб малиги).

Хуросон султонлигидаги Буюк салжуқийлар сулоласи (1037 – 1157): Тўғрулбек (1038 – 1063), Алп Арслон (1063 – 1072), Маликшоҳ I (1072 – 1092), Маҳмуд ибн Маликшоҳ I (1092 – 1094), Барқийруқ ибн Маликшоҳ I (1094 – 1104), Маликшоҳ II ибн Барқийруқ (1104 – 1105), Муҳаммад ибн Маликшоҳ (1105 – 1118), Султон Санжар [Аҳмад Санжар] (1118 – 1157);

Ироқ султонлигидаги салжуқийлар сулоласи (1092 – 1194): Муҳаммад ибн Маликшоҳ (1092 – 1118), Маҳмуд ибн Муҳаммад (1118 – 1131), Довуд ибн Маҳмуд (1131 – 1132), Тўғрул I ибн Муҳаммад (1132 – 1133), Масъуд ибн Муҳаммад (1133 – 1152), Маликшоҳ ибн Маҳмуд (1152 – 1153),

Муҳаммадшоҳ ибн Маҳмуд (1153 – 1159), Сулаймоншоҳ ибн Муҳаммад (1159 – 1161), Арслоншоҳ ибн Тўғрул I (1161 – 1177), Тўғрул II ибн Арслоншоҳ (1177 – 1194).

Шом (Сурия) султонлигидаги салжуқийлар сулоласи (1074 – 1118): Тутуш ибн Муҳаммад (1074 – 1095), Ридван ибн Тутуш (Ҳалаб султони: 1095 – 1104); Дукак ибн Тутуш (Дамашқ султони: 1095 – 1104), Алп Арслон ибн Ридван (Ҳалаб султони: 1113 – 1114), Султоншоҳ ибн Ридван (1114 – 1117), Иброҳим ибн Ридван (1117 – 1118).

Хуросон султонлигидаги салжуқийлар сулоласи (1063 – 1096): Илёс ибн Довуд (Тоҳаристон амири), Сулаймон ибн Довуд (Балх амири: 1063 – 1066), Маъсуд ибн Эргаш Ябғу (Багшур амири: 1066), Маудуд ибн Эргаш Ябғу (Исфизор амири: 1066), Арслон Арғун ибн Муҳаммад (хоразмшоҳ: 1066 – 1072; Ҳамадон амири: 1072 – 1095; Хуросон султони: 1095 – 1096), Бёри Барс ибн Муҳаммад (Ҳирот амири: 1072 – 1095), Текиш ибн Муҳаммад (Балх султони: 1074 – 1085).

Кирмон султонлигидаги салжуқийлар сулоласи (1041 – 1187): Кавурдбек (1041 – 1073), Кирмоншоҳ (1073), Хусайн (1073 – 1074), Султоншоҳ I (1074 – 1085), Туроншоҳ I (1085 – 1097), Амироншоҳ (1097 – 1101), Арслоншоҳ I (1101 – 1142), Муҳаммадшоҳ I (1142 – 1156), Тўғрулшоҳ (1156 – 1167), Арслоншоҳ II (1167 – 1168), Баҳромшоҳ (1167 – 1168), Туроншоҳ II (1168 – 1174), Муҳаммадшоҳ II (1174 – 1187), Муборак Султон (1187) ва бошқа сулолалар.

1037 – 1063 йиллар – Салжуқийлар давлатининг асосчиси Тўғрулбекнинг ҳукмронлик даври.

1038 – 1227 йиллар – Си Ся давлати [Ғарбий Ся, Буюк Ся; Тангут подшолиги ёки Си Ся Тангут давлати] мавжуд бўлган. У тангутларнинг давлати бўлиб, Сун хитой подшогининг шимоли-ғарбида жойлашган эди.

1040 йил 23 май – салжуқийлар билан ғазнавийлар ўртасида Данданакон жанги бўлиб ўтган ва унда салжуқийлар ғалаба қилган.

1040 йил – Буюк Қорахонийлар давлати парчаланиши натижасида Ғарбий Қорахонийлар хонлиги пайдо бўлди. Пойтахти – Бухоро (1040 – 1130), Самарқанд (1130 – 1212). Тили – туркий [ўзбек]. Аҳолиси – туркийлар ва тожиклар. Сулоласи – қорахонийлар.

1040 йил – Буюк Қорахонийлар давлати икки қисм: Шарқий қисм (пойтахти – Боласоғун) ва Ғарбий қисм (пойтахти – Бухоро, Самарқанд) га бўлиниши натижасида Шарқий Қорахонийлар хонлиги ташкил топди. Пойтахти – Боласоғун (1042 – 1130), Кошғар (1130 – 1211), Ўзган (1141 – 1212). Тили – турк [хоқония туркчаси]. Аҳолиси – туркийлар. Сулоласи – қорахонийлар.

1040 – 1068 йиллар – Ғарбий Қорахонийлар давлати хоқони Иброҳим ибн Насрнинг ҳукмронлик даври.

1040 – 1212 йиллар – Ғарбий Қорахонийлар хонлиги мавжуд бўлган давр.

Ғарбий Қорахонийлар давлати хонлари [норасмий]: Насрхон I ибн Али (999 – 1012), Аҳмадхон (1012 – 1016), Муҳаммадхон (1016 – 1024), Али Тегин (1024 – 1034), Юсуфхон (1034), Ҳусайн (1034 – 1038), Муҳаммад (1038 – 1040); *Ғарбий Қорахонийлар давлати хонлари:* Иброҳим ибн Наср Табғачхон [Бора Тегин] (1040 – 1068) [*биринчи расмий хон*], Шамсулмулк (1068 – 1080), Хизрхон (1080 – 1087), Аҳмадхон I ибн Хизр (1087 – 1095), Маҳмудхон I (1095 – 1097), Сулаймон Тегин (1097 – 1098), Қодирхон Жиброил (1098 – 1102), Муҳаммад Тегин II [Муҳаммад Арслонхон] (1102 – 1129), Насрхон III (1129), Аҳмадхон (1129 – 1130; 1132), Иброҳим Буғрохон II (1130 – 1132, 1141 – 1156), Маҳмудхон III (1132 – 1141), Алихон (1156 – 1163), Маъсудхон (1163 – 1178), Иброҳим Буғрохон III (1178 – 1201), Усмонхон (1201 – 1212).

1040 – 1212 йиллар – Шарқий Қорахонийлар хонлиги мавжуд бўлган давр.

Шарқий Қорахонийлар давлати хонлари: Арслонхон Сулаймон ибн Юсуф ибн Ҳорун (1040 – 1056), Буғрохон Муҳаммад ибн Юсуф ибн Ҳорун (1056 – 1058), Арслонхон Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Юсуф (1058 – 1062), Тўғрул Қорахон Юсуф ибн Сулаймон ибн Юсуф (1062 – 1078), Тўғрул Қорахон Умар ибн Юсуф ибн Сулаймон (1078 – 1080), Табғач Буғрохон Ҳасан/Ҳорун ибн Сулаймон ибн Юсуф (1080 – 1091), Табғачхон Жаброил ибн Умар ибн Юсуф (1091 – 1102), Арслонхон Аҳмад ибн Ҳасан ибн Сулаймон (1102 – 1130); *Кошғардаги Шарқий Қорахонийлар давлати хонлари:* Иброҳим Буғрохон II (1130 – 1156), Муҳаммад Буғрохон III (1156 – 1180), Юсуф Тамғачхон II (1180 – 1205), Муҳаммад Буғрохон IV (1205 – 1211); *Ўзгандаги Шарқий Қорахонийлар давлати хонлари:* Ҳусайнхон (1141 – 1156), Маҳмудхон (1156 – 1162), Иброҳим Буғрохон III (1162 – 1178), Аҳмадхон (1178 – 1210), Маҳмудхон (1210 – 1212) Шунингдек, Туркистон минтақасининг Косон, Марғилон, Банокат, Фороб, Балх, Вахш, Термиз, Чағониён, Хутталон каби ҳудудларида Ғарбий Қорахонийлар ҳоконлигининг ярим мустақил ва тобе мулклари бўлиб, уларни ҳокон номидан турли унвондаги шахслар бошқаришган.

1041 йил – Чехия давлати Германияга вассал бўлди.

1044 йил – ғарбий ся ва сун сулолалари (Хитой) ўртасида тинчлик шартномаси имзоланди.

1044 йил – Ўрта аср буддавийларининг Паган подшолигига асос солинди. Бу давлат Бирма (ҳозирги Мьянма) ҳудудида вужудга келган (Паган давлати 1287 йилда тугатилди). Пойтахти – Паган. Тили – бирма, мон, пью. Дини – буддизм.

1045 йил – Константинополда ташкил қилинган университетда ҳуқуқ-шунослик ва фалсафа факультетлари мавжуд бўлган.

1048 йил 18 май – 1131 йил 4 декабрь – математик ва астроном, файласуф ва шоир Умар Хайём яшаган ва фаолият юритган давр.

1048 – 1140 йиллар – Юсуф Ҳамадоний яшаган ва фаолият юритган давр. У Ҳамадонда туғилган, Марвда вафот этган. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида хонақо ташкил қилиб, суфийларни тарбиялаган. Юсуф Ҳамадонийнинг Бухородаги шогирдлари Абдулхолиқ Гиждувоний ва Аҳмад Яссавий кейинчалик тасаввуфда хожагон-нақшбандия ва яссавия тариқатларига асос солишди.

1051 йил – салжуқийлар пойтахтни Исфаҳонга кўчирдилар.

1054 йил – Константинополь патриархи Михаил Керуларий ва Рим папаси Лев IX ўртасидаги зиддият натижасида христиан черкови иккига – шарқий (православ) ва гарбий (католик) черковига бўлинди.

1055 йил – сунний мазҳабига эътиқод қилган Тўғрулбек Аббосийлар халифасини шиалар (бувайҳийлар сулоласи) зулмидан қутқариш учун Бағдодни эгаллади. У халифадан «султон» унвонини олди. Бувайҳийлар сулоласи тугатилди (Шу пайтдан бошлаб мусулмон дунёсида халифалар эмас, балки турклар қўлида бутун сиёсий ва ҳарбий ҳокимият тўпланди. Аббосий халифалари фақат диний роль ўйнашди).

Салжуқийларга тобе аббосий халифалари (1055 – 1118): Қоим (1031/1055 – 1075), Муқтадий (1075 – 1094), Мустазҳир (1094 – 1118).

1055 йил 16 август – 1092 йил 19 ноябрь – салжуқийлар султони Маликшоҳ яшаган ва фаолият юритган давр.

1056 йил – Византиядаги македония сулоласи тугатилди.

1059 йил – Рим папаси Николай II черковни ҳар қандай императорлар ҳокимиятидан мустақил деб эълон қилди. Папа кардиналлар томонидан сайланадиган бўлди.

1063 – 1072 йиллар – салжуқийлар султони Алп Арслоннинг ҳукмронлик даври. У Византия империясига қарши ғолибона урушлар олиб борди.

1064 йил – салжуқийлар Арманистонга юриш қилишди ва Ани шаҳрини эгаллашди.

1066 йил – Франция шимолида жойлашган Нормандия герцоги Вильгелм кўшинлари томонидан Англия босиб олинди.

1068 – 1080 йиллар – Ғарбий Қорахонийлар давлати ҳоқони Шамсулмулкнинг ҳукмронлик даври.

1069 – 1074 йиллар – Хитойда Ван Анши (ҳукмронлик даври: 1069 – 1085) маъмурий, ҳарбий, молиявий ислохотлар ўтказди.

1069 – 1142 йиллар – машҳур тарихчи ва фақих, муҳаддис олим Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад Насафий яшаб ўтган давр.

1069 йил – 1157 йил 2 ноябрь – хожагония тарикати намояндаси Хожа Ҳасан Андокий яшаган ва фаолият юритган давр.

1070 – 1080 йиллар – машхур математик ва шоир Умар Хайём Самарканд ва Бухоро мадрасаларида ўқиди. У кейинчалик Исфахонда яшаб, ижод қилди.

1071 йил 26 август – Манцикерт жанги (Малазгирт жанги). Бу жангда салжуқийлар султони Алп Арслон Византия императори Роман IV Диоген кўшини устидан ғалаба қозонди. Ғалабадан сўнг турклар учун Кичик Осиёга йўл очилди.

Манцикерт жангидан сўнг Анатолияда вужудга келган турк бейликлари:

1. *Донишмандийлар бейлиги.* Пойтахти – Сивас, Малатия. Ҳукмронлик даври: 1071 – 1178.

2. *Мингучоқлар бейлиги.* Пойтахти – Арзинжон, Дивриги. Ҳукмронлик даври: 1072 – 1243.

3. *Чақабей бейлиги.* Пойтахти – Смирна (Измир). Ҳукмронлик даври: 1081 – 1098.

4. *Инал ўғиллари бейлиги.* Пойтахти – Диёрбакр. Ҳукмронлик даври: 1085 – 1183.

5. *Дилмач ўғиллари бейлиги.* Пойтахти – Битлис. Ҳукмронлик даври: 1085 – 1192.

6. *Солтуқийлар бейлиги.* Пойтахти – Арзирум. Ҳукмронлик даври: 1092 – 1202.

7. *Ортуқийлар бейлиги.* Пойтахти – Ҳисн Кайф. Ҳукмронлик даври: 1098 – 1408.

8. *Шоҳ арманийлар бейлиги.* Пойтахти – Ҳлат (Аҳлат). Ҳукмронлик даври: 1100 – 1207.

1071 – 1081 йиллар – Кичик Осиё (Анатолия)нинг асосий қисми Салжуқийлар давлатига кўшиб олинди.

1071 – 1178 йиллар – Марказий ва Шарқий Онадўлида туркий Донишмандийлар бейлиги мавжуд бўлган. Бу бейликка туркман амирларидан Малик Донишманд Ғозий асос солган. Марказий ва Шарқий Онадўлида ташкил топган бу давлатнинг пойтахти Сивас шаҳри бўлган.

Донишмандийлар сулоласи ҳукмдорлари:

Сивасдаги ҳукмдорлар (1071/1074 – 1174 йиллар): Малик Донишманд Ғозий (1071 – 1084), Амир Ғозий Гумуш тегин (1084 – 1134), Малик Муҳаммад (1134 – 1142), Малик Имодуддин Зуннун [Қайсарийада] (1142), Малик Низомуддин Ўғи-басан (1142 – 1164), Малик Мужоҳид Жалолуддин Иброҳим (1164 – 1166), Малик Шамсуддин Исмоил (1166 – 1168), Малик Зуннун [иккинчи марта, бу гал Носируддин деган фахрий унвон билан] (1168 – 1174).

Малатийадаги ҳукмдорлар (1142 – 1178 йиллар): Айнуддин ибн Гумуш тегин (1142 – 1152), Зулқарнайн (1152 – 1162), Носируддин Муҳаммад (1162 – 1170), Фахруддин Қосим (1170 – 1172), Афридун (1172 – 1175), Носируддин Муҳаммад [иккинчи марта] (1175 – 1178).

1072 йил 15 декабрь – салжукийлар султони Алп Арслон Манғишлоқ кипчоқларига ва Бухорога қарши ҳарбий юриш чоғида ёлланган қотил томонидан ўлдирилди.

1072 – 1092 йиллар – салжукийлар султони Маликшоҳнинг ҳукмронлик даври.

1072 – 1092 йиллар – Исфажонда Жума масжиди меъморий обидаси қурилди.

1072 – 1243 йиллар – Арзинжон, Кемах, Дивриги, Қораҳисорда туркий Мингучоқлар бейлиги мавжуд бўлди. Унга саркарда Мингучоқ Ғозий асос солди. Бейлик пойтахти – Арзинжон, Дивриги. 1142 йилда бейлик иккига бўлинди: Арзинжон ва Диврига мулклари. Бейлик 1243 йили мўғуллар томонидан истило қилинди.

Арзинжондаги мингучоқ ҳукмдорлар: Мингучоқ Ғозий (1072 – 1090), Исҳоқ, Мингучоқ ўғли (1090 – 1120), Довуд, Исҳоқ ўғли (1120 – 1155), Баҳромшоҳ, Довуд ўғли (1155 – 1218), Довудшоҳ, Баҳромшоҳ ўғли (1218 – 1228), Муҳаммад, Довудшоҳ ўғли (1228 – 1243).

Қораҳисордаги мингучоқ ҳукмдор: Муҳаммад, Баҳромшоҳ ўғли (1218–?).

Дивригадаги мингучоқ ҳукмдорлар: Сулаймон (1142 – ?), Сайфиддин Шаҳаншоҳ (? – 1197).

1075 – 1144 йиллар – машҳур тилшунос олим ва адиб Маҳмуд Замахшарий [Абулқосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий] яшаган ва фаолият юритган давр.

1076 йил – салжукийлар Қуддусни фотимийлар қўлидан тортиб олди.

1076 – 1122 йиллар – папа ва герман «Муқаддас Рим империяси» ўртасида ўзаро кураш борди.

1077 йил – Салжукийлар давлатининг Хоразмдаги ноиб Ануштегин Гарчои ануштегинийлар сулоласига асос солиб, Хоразмни мустақил давлат деб эълон қилди. (Хоразмшоҳлар давлати 1231 йилда мўғуллар томонидан тугатилди.) Давлат раҳбари – хоразмшоҳ, султон. Пойтахти – Гурганж [Эски Урганч] (1077 – 1220; 500 000 киши), Самарқанд (1212 – 1220; 400 000 киши), Ғазна (1220 – 1221), Деҳли (1221 – 1224), Табриз (1224 – 1231; 200 000 киши). Тили – хоразмий, туркий [кипчоқ], форс. Аҳолиси – 20 млн. киши [асосан туркий халқлар; эронийлар]. Дини – ислом. Сулоласи – ануштегинийлар.

1077 йил – Анатолияда Рум салжукийлари давлати [Кўния султонлиги] ташкил топди. Бу давлатга салжукийлар лашкарбошиси Сулаймон ибн

Қутулмиш асос солди. Давлат раҳбари – султон. Пойтахти – Никея (1077–1097), Қўния (1097 – 1307). Тили – турк.

1077 – 1086 йиллар – Рум салжуқийлари давлати [Қўния султонлиги] асосчиси Сулаймон ибн Қутулмишнинг ҳукмронлик даври.

1077 – 1097 йиллар – ануштегинийлар сулоласи асосчиси Ануштегин Гарчоининг ҳукмронлик даври.

1077 – 1231 йиллар – Хоразмда ануштегинийлар сулоласининг ҳукмронлик даври.

Хоразмшоҳлар давлатида ануштегинийлар сулоласи: Ануштегин Гарчои (1077 – 1097), Қутбиддин Муҳаммад I (1097 – 1127), Алоуддин Отсиз (1127 – 1156), Тождин Эл-Арслон (1156 – 1172), Султоншоҳ Маҳмуд (1172), Алоуддин Такаш (1172 – 1200), Алоуддин Муҳаммад II (1200 – 1220), Жалолиддин Мангуберди (1220 – 1231).

1077 – 1307 йиллар – Анатолияда Рум салжуқийлари давлати [Қўния султонлиги; Рум султонлиги; Салжуқийлар султонлиги] мавжуд бўлган. Кичик Осиёда ташкил топган Қўния султонлиги 1097 йилда Константинополдан 100 км узоқликдаги пойтахт Никеяни салибчиларга бой берди. 1176 йилда Қилич Арслон Мариокефалия жангида Византия қўшинини тор-мор этгач, Кичик Осиёдаги энг кучли донишмандийлар ҳам бўйсундирилди. XIII аср бошларида Қора денгиздаги Синоп эгалланди, Трапезунд қарам бўлди. Кайқубод 1222 йилда Қримнинг Судок бандаргоҳ шаҳарини қўлга киритди, Арзирум ва Арзинжон ҳам эгалланди. 1243 йилда Рум салжуқийлари мўғуллардан енгилди ва уларнинг вассали сифатида фаолият кўрсатди.

Рум султонлиги салжуқийлари (Қўния султонлиги салжуқийлари): Сулаймон I ибн Қутулмиш (1077 – 1086), Абулқосим (1086 – 1092), Қилич Арслон I (1092 – 1107), Маликшоҳ I (1107 – 1116), Масъуд I (1116 – 1156), Қилич Арслон II (1156 – 1188); Рукниддин Сулаймоншоҳ (1188/1196 – 1204), Баркиёруқшоҳ ибн Қилич Арслон (1188), Тўғрулшоҳ ибн Қилич Арслон (1188 – 1225), Султоншоҳ ибн Қилич Арслон (1188), Маликшоҳ II ибн Қилич Арслон (1188), Қайсаршоҳ ибн Қилич Арслон (1188), Санжаршоҳ ибн Қилич Арслон (1188), Арслоншоҳ ибн Қилич Арслон (1188), Низомиддин Арғуншоҳ ибн Қилич Арслон (1188), Мухйиддин Арғуншоҳ ибн Қилич Арслон (1188 – 1202), Кайхусрав I (1192 – 1196; 1205 – 1210), Қилич Арслон III (1204 – 1205), Кайковус I (1210 – 1219), Кайқубод I (1219 – 1236), Жаҳоншоҳ ибн Тўғрулшоҳ (1225 – 1230), Кайхусрав II (1236 – 1245), Кайковус II (1245 – 1257), Қилич Арслон IV (1257 – 1265), Кайхусрав III (1265 – 1283), Масъуд II (1283 – 1296), Кайқубод III (1296 – 1307), Масъуд III ибн Кайқубод (1307).

1080 – 1087 йиллар – Ғарбий Қорахонийлар ҳокони Хизрхоннинг ҳукмронлик даври.

1081 йил – Византия лашкарбошиси Алексей Комнин Византияда қоминлар сулоласи (1081 – 1185)га асос солди.

1081 – 1098 йиллар – маркази Смирна (Измир) бўлган ҳамда Чақабей ҳукмронлик қилган туркий Чақабей бейлиги мавжуд бўлган.

1084/1086 йил – 1157 йил 8 май – салжуқийлар султони Аҳмад Санжар [Султон Санжар] яшаган ва фаолият юритган давр.

1085 – 1183 йиллар – Диёрбакрда Инол ўғиллари туркий бейлиги мавжуд бўлган.

1085 – 1192 йиллар – Битлис ва Эрзенда Дилмач ўғиллари ҳукмронлик қилган туркий бейлик мавжуд бўлган. Сулолага Дилмач ўғли Муҳаммадбей асос солди.

1086 йил – Вильгелм томонидан Англия аҳолиси рўйхатга олинди.

1086 йил – Англияда «Даҳшатли суд китоби» яратилди.

1087 йил – Ганада халқ кўзғолон кўтариб, чет эллик босқинчиларни ўз ерларидан қувиб чиқарди.

1087 – 1089; 1092 – 1095 йиллар – Ғарбий Қорахонийлар хоқони Аҳмадхон Хизрхон ўғлининг ҳукмронлик даври.

1087 – 1143 йиллар – Елюй Даши яшаган ва фаолият юритган давр.

1090 – 1256 йиллар – Исмоилийлар давлати мавжуд бўлган. Давлат маркази – Аламут. Унга Эрон, Сурия ва Озарбайжон ҳудудининг бир қисми кирган. Бу давлат ҳашшошийлар [ассосинлар] ҳаракати натижасида вужудга келган. Унга Ҳасан ибн Саббоҳ асос солган. Шунингдек, 1100 – 1273 йилларда Сурияда ҳам Исмоилийлар давлати мавжуд бўлган.

1090 – 1256 йиллар (Эрон); **1100 – 1273 йиллар** (Сурия) – Исмоилийлар [ассосинлар] давлати.

Аламутдаги улуг тирлар: Ҳасан Саббоҳ (1090 – 1224), Кийо Бузургумид (1224 – 1138), Муҳаммад I (1138 – 1162), Ҳасан II Аъло зикриҳи-ссалом (1162 – 1166), Нуриддин Муҳаммад II (1166 – 1210), Жалолуддин Ҳасан III (1210 – 1221), Алоуддин Муҳаммад III (1221 – 1255), Рукниддин Хуршоҳ (1255 – 1256) ва бошқалар.

1092 – 1202 йиллар – Шарқий Анатолияда туркий солтуқийлар бейлиги мавжуд бўлган. Пойтахти – Арзирум. Бейликка саркарда Абулқосим (Солтуқнинг отаси) асос солди. Бейлик Кўния султонлиги томонидан тугатилди.

Солтуқийлар бейлиги ҳукмдорлари: Али ибн Абулқосим (1103 – 1123), Иззиддин Солтуқ, Али ўғли (1123 – 1168), Носириддин Муҳаммад, Солтуқ ўғли (1168 – 1189), Музаффар Маликшоҳ, Муҳаммад ўғли (1189 – 1197), Абу Мансур Аълоиддин, Маликшоҳ ўғли (1197 – 1202).

1094 – 1105 йиллар – салжуқийлар султони Барқийруқнинг ҳукмронлик даври.

1095 йил – папа Урбан II христианларни Шарқдаги мусулмонларга қарши курашга чақирди. Клермон собори (Жанубий Франция) томонидан салиб юришлари тайёрланди.

1096 йил – папанинг чақириғига кўра Амьенелик Пётр салиб юриши учун аҳолини тўплади. Салибчилар Кичик Осиёда турклардан биринчи жангдаёқ қақшатқич мағлубиятга учради.

1096 – 1099 йиллар – биринчи салиб юриши.

Салиб юришлари – Ғарбий Европа рицарларининг мусулмонлар, мажусийлар, православ давлатлари ва турли диний мазҳабларга қарши олиб борган доимий юришлари. Салиб юришларининг мақсади Фаластинни, биринчи навбатда, Қуддусни салжукий турклардан тортиб олиш эди. Бироқ салиб юришлари кейинчалик Болтиқбўйи мажусийларини христианлаштириш, Европада папа ҳукуматига қарши ҳаракатларни бостириш ёки папаларнинг сиёсий мақсадларини амалга ошириш воситаси бўлиб қолди. Юриш қатнашчилари салибчилар дейилган. Салибчилар атамаси салиб юриши иштирокчилари ўз кийимларига салиб (хоч, крест) тикиб олишгани учун пайдо бўлган. Салиб юришининг сабабларидан бири Византия императори Алексей I нинг Рим папасидан ёрдам сўраши эди (1096 – 1272 йилларда саккизта салиб юриши ўтказилган).

Шарққа мусулмонларга қарши салиб юришлари:

Клермон собори (1095).

Оломоннинг салиб юриши: 1096 йил апрель – октябрь.

Биринчи салиб юриши: 1096 – 1099.

Салибчиларнинг давлатлари.

Никея қамали (1097 йил 14 май – 19 июнь).

Антиохия қамали (1097 йил 21 октябрь – 1098 йил 2 июнь).

Мусулмонларнинг Антиохияни қамал қилиши (1098 йил 7 – 28 июнь).

Қуддуснинг салибчилар томонидан қамал қилиниши (1099 йил 7 июнь – 15 июль).

Асқалон жанги: 1099 йил 12 август.

1100 – 1101 йиллардаги салиб юриши.

Марзивон жанги.

Салибчилар барпо қилган давлатлар:

Эдесса графлиги – салибчилар томонидан тузилган биринчи давлат, 1098 – 1146 йилларда мавжуд бўлган.

Харран жанги.

Антиохия князлиги – биринчи салиб юришидан сўнг салибчилар тузган иккинчи давлат, 1098 – 1268 йилларда мавжуд бўлган.

Қуддус қироллиги – биринчи салиб юришидан сўнг салибчилар ташкил қилган қироллик. Бульон (Булон)лик Готфрид томонидан 1099 йилда асос солинган. У 1099 – 1291 йилларда мавжуд бўлган. Пойтахти – Қуддус

(1099 – 1187), Тир (1187 – 1191), Аккра (1191 – 1229), Куддус (1229 – 1244), Аккра (1224 – 1291).

Галилея князлиги: 1099 – 1187. Қуйидаги лордликлар князликнинг вас-саллари бўлган:

1) *Байрут лордлиги*: 1128 – 1164.

2) *Назарет лордлиги*: 1115 йилда ташкил топган.

3) *Хайфа лордлиги* (Назарет архиепископи вассали).

Яффа ва Асқалон графлиги: 1100 – 1268.

Сайда сеньорлиги (салибчилар 1110 йилда эгаллаган).

Триполи графлиги – биринчи салиб юришидан сўнг Фаластинда салиб-чилар томонидан тузилган тўрт давлатдан бири, 1105 – 1289 йилларда мав-жуд бўлган.

Фаластин биринчи ва иккинчи салиб юриши оралигида.

Норвегларнинг салиб юриши: 1107 – 1110.

Норвегларнинг Англияга келиши: 1107 – 1108.

Сайда қамали (1110).

Салибчиларнинг Норвегияга қайтиши (1110 – 1113).

Сармада жанги (1119 йил 28 июнь): Ҳалаб амири ва Антиохия князли-ги ўртасида бўлиб ўтган жанг.

Азаз жанги (1125 йил 11 июнь): салибчилар ва салжуқийлар ўртасида бўлиб ўтган жанг.

Иккинчи салиб юриши: 1147 – 1149.

Дамашқ қамали (1148 йил 23 – 27 июль).

Пиреней яриморлида олиб борилган салиб юриши ва реконкиста (1147).

Қуддуснинг Салоҳиддин Айюбий томонидан олинishi (1187 йил 2 ок-тябрь).

Учинчи салиб юриши (қироллар салиб юриши): 1189 – 1192.

Аккранинг қамал қилиниши (1189 йил август – 1191 йил 12 июль).

Арсуф жанги (1191 йил 7 сентябрь).

Кипр қироллиги.

1197 – 1198 йиллардаги салиб юриши.

Тўртинчи салиб юриши (1202 – 1204).

Латинократия.

Болаларнинг салиб юриши (1212).

Бешинчи салиб юриши (1217 – 1221).

Олтинчи салиб юриши (1228 – 1229).

Еттинчи салиб юриши (1248 – 1254).

Мансура жанги: 1250 йил 8 февраль.

Фарискур жанги: 1250 йил 6 апрель.

Саккизинчи салиб юриши (1270).

Аккра (Қуддус қироллиги)нинг қулаши (1290).

Европадаги салиб юришлари (1147 – 1444).

Славянларга қарши салиб юришлари (1147).

Шимолий салиб юришлари (1193 – 1240):

Эстонияга қарши Даниянинг салиб юриши (1219).

Финляндия ва Русга қарши салиб юришлари (1232 – 1240).

Смирнага қарши салиб юришлари (1343 – 1348).

Усмонли туркларга қарши салиб юришлари (1396).

Варнага қарши салиб юришлари (1443 – 1444).

1097 – 1127 йиллар – ануштегинийлар сулоласи вакили Қутбиддин Муҳаммад I нинг ҳукмронлик даври.

1097/1105 – 1156 йиллар – ануштегинийлар сулоласи вакили Алоуддин Отсиз яшаган ва фаолият юритган давр.

1098 – 1268 йиллар – Антиохия князлиги мавжуд бўлган. 1098 йилда Антиохия шаҳрини салибчилар босиб олишди ҳамда христиан давлатини ташкил қилишди. 1268 йилда мамлуклар султони Бейбарс томонидан Антиохия эгалланди ҳамда бу ерда қайтадан ислом дини қарор топди. Пойтахти – Антиохия. Тили – лотин, эски француз, италян, араб, грек. Дини – католик, грек православияси, сурия православияси, ислом, иудаизм. Давлат бошлиғи – князь (Антиохия 1516 йилдан Туркиянинг Хатай вилояти маркази Антакия шаҳри ҳисобланади).

1098 – 1408 йиллар – Диёрбакирда туркий Ортуқийлар бейлиги фаолият кўрсатди. Ортуқийлар ўғузлар қабиласидан бўлган дўғар уруғининг сардори Ортуқ ибн Ақсаб авлодларидир. Сулола 1121 йилда икки асосий уруғга бўлиниб кетди: Нажмуддин Эл Ғозийнинг авлодлари Мардин ва Маййафарикинда ҳукмронлик қилди; унинг укаси Сўкманнинг авлодлари эса Ҳисн Кайфада, кейинчалик Омидда ҳукм сурди.

Ортуқийлар сулоласи: Ҳисн Кайфа ва Омиддаги уруғ (1098 – 1232): Муъинуддин Сўкман I (1098 – 1105), Иброҳим (1105 – 1109), Рукну-д-давла Доъуд (1109 – 1144), Фаҳруддин Қора Арслон (1144 – 1167), Нуруддин Муҳаммад (1167 – 1185), Қутбуддин Сўкман II (1185 – 1201), Носируддин Маҳмуд (1201 – 1222), Рукнуддин Мавдуд (1222 – 1232), ал-Малик ал-Масъуд (1232).

Мардин ва Маййафарикиндаги уруғ (1104 – 1408): Нажмуддин Эл Ғозий I (1104 – 1122), Ҳусомуддин Темуртош (1122 – 1152), Нажмуддин Алпи (1152 – 1176), Қутбуддин Эл Ғозий II (1176 – 1184), Ҳусомуддин Йулук Арслон (1184 – 1201), Носируддин Ортуқ Арслон (1201 – 1239), Нажмуддин Ғозий I (1239 – 1260), Қора Арслон ал-Музаффар (1260 – 1292), Шамсуддин Доъуд (1292 – 1294), Нажмуддин Ғозий II (1294 – 1312), Имодуддин Алий Алпи (1312), Шамсуддин Солиҳ (1312 – 1364), Аҳмад ал-Мансур (1364 – 1368), Маҳмуд ас-Солиҳ (1368), Доъуд ал-Музаффар (1368 – 1376), Мажидуддин Исо аз-Зоҳир (1376 – 1406), ас-Солиҳ (1406 – 1408).

1099 йил – салибчилар Бульонлик Готфрид бошчилигида Қуддусни эгаллади. Қуддусда Муқаддас Иоанн госпитальерлари ордени ташкил топди.

XII аср – Инклар давлати ташкил топди.

XII аср – Японияда император ҳокимияти вужудга келди.

XII аср охири ва XIII аср бошлари – Дашти Қипчоқ худудида Найман давлати мавжуд бўлган.

Найман ҳукмдорлари: Таянхон (? – 1203), Кучлукхон (1203 – 1218) ва бошқалар.

XII аср – 1864 йил – Авар хонлиги Доғистонда фаолият юритди. Серир давлати ўрнида пайдо бўлган. Россия империяси томонидан 1864 йилда мусулмон Авар хонлиги босиб олинди. Пойтахти – Хунзах шаҳри.

1100 – 1118 йиллар – Қуддус (Иерусалим) қироллигини рицарлар бошқарди.

1100 йил – Ғарбий Европада спирт ишлаб чиқариш ихтиро қилинди.

1100 – 1207 йиллар – Анатолияда шоҳ арманийлар бейлиги мавжуд бўлган. Бейлик худуди Ван кўлининг шимоли-ғарбдаги ерлар (ҳозирги Туркиядаги Битлис ва Ван вилоятлари)ни ўз ичига олган. Пойтахти – Ҳлат (Аҳлат). Салжуқийлар давлати қулагач, аввал марвонийларга тегишли Арманистоннинг жанубий қисмида келиб чиқиши курд бўлган амир Сукмон I Қутбий ҳокимиятни қўлга олди. Унинг невараси Сукмон II ўзига шоҳ арманий унвонини олди. 1207 йил Ҳлат айнобийлар томонидан эгалланган.

Шоҳ арманийлар бейлиги ҳукмдорлари:

Сукмонийлар хонадони: Сукмон I Қутбий (1100 – 1112), Иброҳим, Сукмон I ўғли (1112 – 1127), Аҳмад, Сукмон I ўғли (1127 – 1128), Сукмон II, Иброҳим ўғли (1128 – 1185).

Сукмонийларнинг саркардалари: Сайфиддин Бег Темур (1185 – 1193), Бадриддин Оксунқур (1193 – 1197), Шужоьиддин Қутлуғ (1197), Муҳаммад, Бек Темур ўғли (1197 – 1206), Иззиддин Балбан (1206 – 1207).

1102 йил – Хорватия венгер қиролларига тобе бўлиб, ички ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини саклаб қолди.

1103 – 1166 йиллар – туркий дунёда дастлабки суфийлик тариқатининг асосчиси Аҳмад Яссавий [Ҳожа Аҳмад Яссавий; Ҳазрат Султон] яшаган ва фаолият юритган давр. У Тошкент яқинидаги Сайрам шаҳрида туғилди ҳамда Ясси (ҳозирги Туркистон) шаҳрида вафот этди. Ҳазрат Султон номи билан дунёга машҳур бу зот тасаввуфда яссавия тариқатига асос солди.

1103 – 1179 йиллар – Абдулхолиқ Ғиждувоний яшаган ва фаолият юритган давр. Ҳожаи Жаҳон номи билан машҳур бўлган бухоролик бу зот тасаввуфнинг хожагония тариқатига асос солди. Абдулхолиқ Ғиждувоний бухоролик етти пирнинг биринчиси ҳисобланади. Кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд томонидан хожагония тариқати нақшбандияга айлантирилди.

Хожа Юсуф Ҳамадоний ва Бухорои шарифнинг машҳур етти пири (хожагон-нақибандия тариқати назариятчилари):

Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048 – 1140).

1. Хожа Абдулҳолик Гиждувоний [Хожаи Жаҳон] (1103 – 1179)

2. Хожа Ориф Ревгарий [Моҳитобон] (тахминан 1165 – 1259).

3. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий (XII аср охири – 1286).

4. Хожа Али Ромитаний [Хожаи Азизон] (XIII аср ўртаси – 1321).

5. Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий (XIII аср сўнгги чораги – 1354).

6. Саййид Мир Кулол (XIII аср охири – 1370).

7. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд (1318 – 1389).

1104 – 1154 йиллар – Жанубий Сурияда бурийлар сулоласи ҳукмронлик қилди. Сулола асосчиси Шом (Сурия)даги салжуқийлар ҳукмдори Дукак ибн Тутушнинг оталиғи (отабеги) Туғтегиндир. 1154 йили Дамашқда Ҳалаб амири Нуриддин Зангий ҳокимияти ўрнатилди.

Бурийлар сулоласи ҳукмдорлари: Туғтегин (1104 – 1128), Борий ибн Туғтегин (1128 – 1132), Исмоил ибн Борий (1132 – 1135), Маҳмуд ибн Борий (1135 – 1139), Муҳаммад ибн Борий (1139 – 1140), Абақ ибн Муҳаммад (1140 – 1154).

1106 йил – Франция шимолидаги Ланс сеньори епископ Годри шаҳар аҳолисига катта тўлов эвазига қирол тасдиқлаган эркинлик ёрлиғини берди.

1108 – 1137 йиллар – Франция кироли Людовик VI ҳукмронлиги даври.

1113 – 1125 йиллар – Киев Русининг сўнгги буюк князи Владимир Мономах ҳукмронлиги даври.

1118 йил – Буюк Салжуқийлар давлати ғарбий ва шарқий қисмларга бўлинган. Ғарбий қисм Ироқ султонлиги (1118 – 1194 йиллар) номи билан юритилган. Шарқий қисмга Хуросон, Хоразм ва Мовароуннаҳр кирган (1118 – 1157 йиллар) ва пойтахти Марв бўлган.

1118 – 1157 йиллар – салжуқийлар султони Аҳмад Санжар [Султон Санжар]нинг ҳукмронлиги даври.

1119 йил – Қуддусда тамплиерлар (диний рицарлар) ордени ташкил қилинди.

1121 – 1269 йиллар – Шимолий Африка ва мусулмон Испаниясида Алмуҳадийлар сулоласи ва давлати мавжуд бўлган. Пойтахти – Марокаш, Севилья. Давлат раҳбари – халифа. Тили – барбар тиллари, мосараб. Дини – исломнинг суннийлик мазҳаби, рим-католик черкови, яҳудийлик. Пул бирлиги – динар. Майдони – 1 621 393 км².

1122 йил – 1190 йил 10 июнь – Германия кироли Фридрих I Барбаросса [Фридрих I Ғогенштауфен] яшаган ва фаолият юритган давр.

1124 йил – Қорахитойлар [Қоракиданлар] хонлигига асос солинди (Бу давлат 1200 йилда хонликка айлантирилди. У 1218 йилда Чингизхон то-

монидан тугатилди). Пойтахти – Боласоғун [Хусифдо]. Давлат раҳбари – гўрхон. Тили – кидан, хитой. Дини – христианлик, конфуцийлик, буддизм, ислом, маъжусийлик. Майдони – 2 500 000 км² (1210).

1124 – 1143 йиллар – Елюй Даши хукмронлик қилган давр.

1124 – 1218 йиллар – Қорахитойлар [Қоракиданлар] хонлиги мавжуд бўлган. Бу давлат хитой манбаларида Ғарбий Ляо деб номланган. Ляо империяси Жанубий Хитойнинг сун сулоласи билан бирлашган чжурчженлар томонидан мағлуб этилгач, кидан шаҳзодаси Елюй Даши ўз тарафдорлари билан ғарб томонга кетди. 1124 йилда Қорахитойлар давлати асосчиси Боласоғундаги Қорахонийлар давлатини тугатди ва кейинчалик уни ўз пойтахтига айлантирди. Киданлар 1137 йилда Ғарбий Қорахонийлар давлатига зарба берди. 1147 йилда бўлган машҳур Қатвон жангидаги ғалабадан кейин ҳозирги Ўзбекистон худудидаги Карманада янги давлатга асос солди. Ички фитналар туфайли заифлашган давлатни 1211 йили найманлар сардори Кучлук эгаллади. Чингизхон томонидан қорахитойлар мулки 1218 йилда босиб олинди ва Помир тоғларига қочиб кетган Кучлук қўлга олиниб, қатл этилди.

Қорахитойлар сулоласи вакиллари: Елюй Даши [Гўрхон] (1124 – 1143), Табуян (1143 – 1151), Елюй Илия (1151 – 1161), Елюй Пусувань (1161 – 1177), Елюй Чжулху (1177 – 1211), Кучлук (1211 – 1218).

1125 – 1234 йиллар – Хитойда чжурчженлар [ньюжэнглар]нинг Цзинь сулоласи ва давлати (манжурларнинг ванъян қабиласи вакиллари) хукмронлиги даври. Бу давлат Алтан хонлиги [Олтун хонлиги; Цзинь] деб ҳам аталади. Бу давлатга Хитойнинг шимоли-шарқида яшаган кўчманчи қабилалар иттифоқи – манжурлар асос солган. Манжурлар киданлар зулмига қарши қўзғолон кўтариб, 1125 йили Ляо давлатини парчалаб ташлаган. Улар бу даврда Хитойнинг шимолий сун сулоласига қарши кураш олиб бориб, Шимолий Хитойнинг катта қисми ва империя пойтахти Кайфин шаҳрини эгаллаган. 1139 йили Хитойнинг жанубий сун сулоласи ҳам манжурларга қарам бўлган. Цзинь давлати мўғуллар истилоси даврида 1234 йилда тугатилган.

Цзинь сулоласи (1115/1125 – 1234) императорлари: Тай-цзу [Ваньянь Агуда] (1115 – 1123), Тай-цзун [Ваньянь Укимай] (1123 – 1134), Си-цзун [Ваньянь Хэла] (1135 – 1149), Хайлин-ван [Ваньянь Лян] (1149 – 1161), Ши-цзун [Ваньянь Юн] (1161 – 1189), Чжан-цзун [Ваньянь Цзин] (1190 – 1208), Вайшео-ван [Ваньянь Юнцзи] (1209 – 1213), Сюань-цзун [Ваньянь Сюнь] (1213 – 1223), Ай-цзун [Ваньянь Шоусю] (1224 – 1334), Мо-ди [Ваньянь Чэнлинь] (1334).

1127 йил – Бухорода Қорахонийлар давлати ҳокони Арслонхон томонидан машҳур Арслонхон минораси қурилди (бу минора XX асрдан бошлаб

тарихий адабиётларда нотўғри равишда Минораи Калон номи билан тилга олинган).

1127 – 1233 йиллар – туркий Зангийлар сулоласи ва давлати Шимоллий Сурия, Ироқ ва Жазирада фаолият юритди. Султон Маҳмуд 1127 йилда Имодуддин Зангийни Мосулнинг ҳокими ва икки ўғлига отабек қилиб тайинлади (Сулола асосчиси Имодуддин Зангийнинг отаси туркий ғулом Оқ Сўнқур 1086–1094 йилларда Ҳалабда ҳукмронлик қилган салжуқий Маликшоҳнинг лашкарбошиси бўлган).

Зангийлар сулоласи:

Мосул ва Ҳалабдаги улуғ уруғ (1127 – 1233): Имодуддин Зангий ибн Оқ Сўнқур (1127 – 1146), Сайфуддин Ғозий I (1146 – 1149), Қутбуддин Мавдуд (1149 – 1169), Сайфуддин Ғозий II (1169 – 1176), Иззуддин Масъуд I (1176 – 1193), Нуруддин Арслоншоҳ I (1193 – 1211), Иззуддин Масъуд II (1211 – 1218), Нуруддин Арслоншоҳ II (1218 – 1219), Носируддин Маҳмуд (1219 – 1233).

Дамашқда, кейин Ҳалабда ҳукмронлик қилган уруғ (1146 – 1183): Нуруддин Маҳмуд ибн Зангий (1146 – 1174), Нуруддин Исмоил (1174 – 1183).

Синжорда ҳукмронлик қилган уруғ: Зангий II ибн Мавдуд (1171 – 1197), Муҳаммад ибн Зангий II (1197 – 1219), Шаҳаншоҳ ибн Муҳаммад (1219), Маҳмуд ибн Муҳаммад, Жалолиддин ибн Муҳаммад, Умар ибн Муҳаммад (биргалиқда) (1219 – 1220).

Жазирада ҳукмронлик қилган уруғ: Санжаршоҳ ибн Ғозий II ибн Мавдуд (1180 – 1208), Маҳмуд ибн Санжаршоҳ (1208 – 1241), Масъуд ибн Маҳмуд (1241 – 1250).

Шаҳразурда ҳукмронлик қилган уруғ: Зангий III ибн Арслоншоҳ II (? – 1233), Эл Арслон ибн Зангий III (1233 – 1251).

1128 – 1156 йиллар – ануштегинийлар сулоласи вакили хоразмшоҳ Алоуддин Отсизнинг ҳукмронлик даври.

1129 – 1331 йиллар – Францияда Ланс шаҳри аҳолисининг янги кўзғолони бўлди.

1132 – 1471 йиллар – Киев князлиги мавжуд бўлган. Пойтахти – Киев. Тили – қадимги рус. Дини – христианликнинг православ мазҳаби. Аҳолиси – шарқий славянлар. Сулоласи – рюриковичлар, гедиминовичлар.

1135 йил 22 декабрь – 1154 йил 25 октябрь – Англияда кироли Стефан Блуанинг ҳукмронлик даври.

1136 йил – новгородликлар йиғини Мономахнинг невараси Всеволод Мстиславични князликдан четлатиб, қамоққа олди. Новгород Республикаси эълон қилинди.

1136 – 1175 йиллар – элдегизийлар сулоласининг асосчиси Шамсуддин Элдегиз ҳукмронлик қилган давр. У Озарбайжонда биринчи Буюк отабек бўлган.

1136 – 1225 йиллар – туркий элдегизийлар сулоласи Озарбайжон ва Шимолий Ироқда ҳукмронлик қилган. Аслида келиб чиқиши қипчоқлардан бўлган отабеклар сулоласининг шохобчаси бўлмиш элдегизийлар сулоласига туркий ғулом Шамсуддин Элдегиз (ҳукмронлик даври: 1136 – 1175) асос солган. Шамсуддин салжуқийлардан Арслоншоҳнинг отабеги бўлган. 1136 йилда салжуқийлар султони Масъуд отабек Элдегизга иқто тариқасида Арронни беради, у Барда шаҳрига ўрнашгач, қўшни майда давлатчаларни бирлаштирди ва бутун Озарбайжон устидан назорат ўрнатди. 1225 йилда хоразмшоҳ Жалолиддин Мароға, Табриз ва Ганжа каби муҳим шаҳарларни олгач, элдегизийлар сулоласи тугатилди.

Элдегизийлар сулоласи: Шамсуддин (1137 – 1176), Нусратуддин Паҳлавон Муҳаммад (1176 – 1187), Музаффаруддин Қизил Арслон Усмон (1187 – 1191), Нусратуддин Абу Бакр (1191 – 1210), Ўзбек (1210 – 1225).

Элдегизийлар сулоласи вакиллари: Аррон ноиб: Шамсиддин Элдегиз (1137 – 1160). *Ҳукмдорлари:* Шамсиддин Элдегиз (1160 – 1174), Жаҳон Паҳлавон Муҳаммад ибн Элдегиз (1174 – 1187), Қизил Арслон Усмон ибн Элдегиз (1187 – 1191), Абу Бакр ибн Муҳаммад (1191 – 1211), Ўзбек ибн Муҳаммад (1211 – 1225), Кумуш ибн Ўзбек (1225).

Ҳамадон амирлари: Умар ибн Муҳаммад (1191), Ўзбек ибн Муҳаммад (1191 – 1211).

1136 – 1478 йиллар – Новгород Республикаси Руснинг шимоли-ғарби ва шимолида мавжуд бўлган. Пойтахти – Новгород шаҳри.

1137 – 1180 йиллар – Франция қироли Людовик VII Кичикнинг ҳукмронлик даври. Капетинлар сулоласидан. У Иккинчи салиб юриши йўлбошчиларидан бири.

1138 йил – 1193 йил 4 март – атоқли давлат арбоби, Миср ва Сурия султони Салоҳиддин Юсуф ибн Айюб [Султон Салоҳиддин] яшаган ва фаолият юритган давр.

1138 – 1250 йиллар – Конрад III Гогенштауфен Германияда асос солган гогенштауфенлар сулоласи Муқаддас Рим империясини бошқарди.

1141 йил 9 сентябрь – Қатвон жанги. Бу жанг қорахонийлар ва салжуқийларнинг бирлашган қўшини билан қорахитойлар ўртасида Самарқанд яқинидаги Қатвон даштида содир бўлган (Қорахонийларнинг Самарқанддаги ҳокими Маҳмудхон 1137 йил Хўжанд яқинида қорахитойлардан мағлубиятга учрагач, салжуқийлар султони Санжардан кўмак сўраган. 1141 йил июлида Санжар 100 минг (бошқа манбаларга кўра, 70 минг) жангчидан иборат қўшин билан Амударёдан ўтиб, Самарқандга йўл олади). Гўрхон Елюй Даши қўшини киданлар, хитойлар ва баъзи туркий қавмлар (50 минг кишилик қарлуқлар қўшини ҳам улар томонига ўтган)дан ташкил топган 100 мингдан зиёд жангчидан иборат бўлган. Бу жангда қорахитойлар киданларнинг сеvimли ҳарбий

хийласи: ракиб қўшинини ён томондан айланиб ўтиб, қўққисдан ҳамла қилиш усулини қўллашган. Жангда мағлубиятга учраган Султон Санжар ёнидаги 300 отлик шахсий қўриқчилари билан куршовни ёриб чиқиб, Термизга кетишга эришган. Бу жангда манбаларга кўра, 70 минг мусулмон шахид бўлган. Гўрхон жанг майдонида 3 ойга яқин туриб, сўнгра Карманага йўл олган. Бу ерда у янги давлат Қорахитойлар давлати (Ғарбий Ляо) барпо этилганини эълон қилган. Қорахитойлар томонидан Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари босиб олинган. Қорахонийлар уларнинг вассалига айланган, қорахитойлар давлати бошлиғи – гўрхонга солиқ тўлаб туришлари лозим бўлган. Қорахитойлар қорахонийларнинг ички ишларига аралашмаганлар, уларнинг пойтахти илгаригидек Боласоғун шаҳри бўлган.

1141 йил – хоразмшоҳ Алоуддин Отсиз Марвни эгаллаб олган; Бағдод халифаси Алоуддин Отсизни тўла ҳуқуқли ҳукмдор деб тан олган, унга султон мартабасини берган; Алоуддин Отсиз ўз номидан тилла тангалар зарб эттирган.

1141 – 1209 йиллар – машҳур озарбайжон шоири Низомий Ганжавий яшаган ва фаолият юритган давр.

1141 – 1287/1318 йиллар – Язд вилоятида туркий Язд отабеклари сулоласи ҳукмронлик қилди. Султон Санжар 1141 йилда Яздга Сом ибн Вардонрузни ноиб этиб тайинлаган. Дастлаб Язд оталиқлари Салжуқийларга тобе бўлишган, сўнгра мўгулларга ўлпон тўлашган. 1318 йилда Язд хулакуийларнинг вассали музаффарийлар сулоласи бошқарувига ўтди.

Язд отабеклари сулоласи вакиллари: Сом ибн Вардонруз (1141 – 1188), Лангар ибн Вардонруз (1188 – 1207), Вардонруз ибн Лангар (1207 – 1219), Сипоҳсолор ибн Лангар (1219 – 1229), Маҳмудшоҳ ибн Сипоҳсолор (1229 – 1241), Солғуршоҳ ибн Маҳмудшоҳ (1241 – 1252), Тўғоншоҳ ибн Солғуршоҳ (1252 – 1272), Аълоуддавла ибн Тўғоншоҳ (1272 – 1275), Юсуфшоҳ ибн Тўғоншоҳ (1275 – 1297); Ҳожишоҳ ибн Юсуфшоҳ (1315 – 1318).

1143 йил 5 октябрь – мустақил Португалия киролиги ташкил топди (Леон Қиролигидан).

Расмий номи – *Португалия Республикаси [República Portuguesa; República Pertuesa]*. Расмий тили – португал ва мирандес. Пойтахти – Лиссабон. Йирик шаҳарлари: Лиссабон – Порту. Бошқарув шакли – парламентар республика. Давлат ва ҳуқумат бошлиғи – президент. Президент – Анибал Каваку Силва. Бош вазир – Педру Пасуш Коэлью. Давлат тузилиши – федерация кўринишидаги унитар. Сиёсий режими – демократия. Худуди – 92 151 км². Аҳолиси – 10 799 270 киши. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент – Ассамблея (230 киши)дан иборат. Маъмурий-худудий тузилиши жиҳатидан 18 та музофот: Авейру (маркази – Авейру), Бежа (Бежа), Брага (Брага), Браганса (Браганса), Каштелу-Бранку (Каштелу-Бранку), Коимбра (Коимбра), Эвора (Эвора), Фару (Фару), Гуарда (Гуарда), Лейра (Лейра), Лиссабон (Лиссабон), Порталегри (Порталегри), Порту (Порту),

Сантарен (Сантарен), Сетубал (Сетубал), Виану-ду-Каштелу (Виану-ду-Каштелу), Вила-Реал (Вила-Реал), Визеу (Визеу), 308 та муниципалитет ва 2 та мухтор хууд: Азор ороли (Понта-Делгада), Мадейра (Фуншал)дан иборат. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қилади. Валютаси – евро.

1145 – 1221 йиллар – кубравийлик оқимининг асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро яшаган ва фаолият юритган давр.

1145 – 1233 йиллар – Шимоли-Шарқий Ироқ ва Курдистонда туркий бегтегинлар сулоласи хукмронлик қилди. Сулолага дастлаб Мосул, сўнгра Ирбилни бошқариш ҳуқуқини қўлга киритган зангийлар саркардаси Али Кучук ибн Бегтегин асос солди. Сулоланинг сўнгги хукмдори Кўкбўри ибн Али Кучук вориси бўлмаганлиги сабабли ўзига қарашли хуудларни аббосийлар халифаси Мустансирга ўлимидан олдин топширди. У 65 йил хукмронлик қилди.

Бегтегинлар сулоласи вакиллари: Али Кучук ибн Бектегин (1145 – 1168), Юсуф ибн Али Кучук (1168), Кўкбўри ибн Али Кучук (1168 – 1233).

1147 йил – князь Юрий Долгорукий Кучков қишлоғида бўлган жангда Киев устидан ғалабага эришди.

1147 йил – Москва тўғрисидаги дастлабки маълумот солномада берилган. Суздаль ва Буюк Киев князи Юрий Долгорукий анъана бўйича Москва шаҳрининг асосчиси ҳисобланади. Кейинчалик Москвада биринчи ёғоч қалъа қурилган (ҳозирги Кремль).

1147 – 1149 йиллар – иккинчи салиб юриши. Эдессани мусулмонлардан тортиб олишни кўзлаган бу юриш ҳам мағлубиятга учради.

1147 йил 9 май – 1199 йил 9 февраль – Японияда сёгонлар хукмдори Ёритомо Минамото яшаган ва фаолият юритган давр.

1148 – 1221 йиллар – мутасаввиф шоир ва мутафаккир Аттор [Шайх Фаридиддин Аттор] яшаган ва фаолият юритган давр.

1148 йил – ғурийлар сулоласи вакиллари Ғурийлар давлатига асос солишди. Ғурийлар сулоласига 879 йилда Сурий ибн Муҳаммад томонидан асос солинган. Давлат ака-ука Ғиёсиддин Муҳаммад (хукмронлик даври: 1162 – 1203) ва Шаҳобиддин [Муъизиддин ёхуд Муҳаммад Ғурий; хукмронлик даври: 1203 – 1206] султонлиги пайтида ҳозирги Афғонистон ва Ҳиндистоннинг катта қисмини ўз ичига олди. Давлат маркази Ғур вилояти, пойтахт шаҳарлари Ферузқўҳ ва Ғазна бўлган. Ғурийлар давлати 1206 йилда хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад томонидан тугатилди. Пойтахти – Ферузқўҳ, Ҳирот, Ғазна (1170 – 1215), Лаҳор (қишки пойтахт). Давлат раҳбари – султон. Тили – форс. Дини – исломнинг сунний оқими. Аҳолиси – туркийлар, форслар, хиндлар. Сулоласи – ғурийлар.

1148 – 1215 йиллар – Ғурийлар давлати мавжуд бўлган. Бу давлатга сурийлар хонадонига мансуб Ғур султонлари сулоласи асос солди.

Мандешдаги гурийлар сулоласи маликлари: Сурий ибн Муҳаммад, Муҳаммад ибн Сурий (? – 1011), Абу Али ибн Муҳаммад (1011 – 1035), Аббос ибн Шис (1035 – 1060), Муҳаммад ибн Аббос (1060 – 1080), Қутбиддин Ҳасан ибн Муҳаммад (1080 – 1100).

Бомиёндаги гурийлар сулоласи маликлари: Фахруддин Масъуд ибн Ҳусайн (1127 – 1145), Абул Музаффар Муҳаммад ибн Масъуд (1145 – 1163), Баҳоуддин Саам ибн Муҳаммад (1163 – 1192), Жамолиддин Али ибн Саам (1192 – 1206), Алоуддин ибн Саам (1206 – 1217).

Сарахсдаги гурийлар сулоласи малиги: Тожуддин Занги ибн Масъуд (1201 – 1202).

Ферузқўдаги гурийлар сулоласи малиги: Қутбуддин Муҳаммад ибн Ҳусайн (1127 – 1148).

Заминварддаги гурийлар сулоласи малиги: Носируддин Муҳаммад ибн Ҳусайн (1127).

Ғурдаги гурийлар сулоласи маликлари: Сайфуддин Сурий ибн Ҳусайн (1127 – 1148), Баҳоуддин Саам ибн Ҳусайн (1148), Иззуддин Ҳусайн ибн Сурий (1148 – 1150); *Ғурдаги гурийлар сулоласи султонлари:* Иззуддин Ҳусайн ибн Сурий (1150 – 1159), Алоуддин Ҳусайн ибн Ҳусайн (1159 – 1161), Сайфуддин Муҳаммад ибн Ҳусайн (1161 – 1163), Ғиёсиддин Абулфатх Муҳаммад ибн Саам (1163 – 1202), Мииззуддин Абул Музаффар Муҳаммад ибн Саам (1202 – 1206), Ғиёсиддин Маҳмуд ибн Муҳаммад (1206 – 1212), Баҳоуддин Саам ибн Муҳаммад (1212 – 1213), Отсиз ибн Алоуддин Ҳусайн (1213 – 1214), Зиёуддин Муҳаммад ибн Абу Али (1214 – 1215).

Хуросондаги гурийлар сулоласи малиги: Зиёуддин Муҳаммад ибн Абу Али (1201 – 1214).

1148 – 1270 йиллар – туркий солғурий отабеклар сулоласи Форс [Эрон]да фаолият кўрсатди. Солғурлар ёки солурлар қадимги туркий ўғуз қабилаларидан бири. Форсдаги солғурийлар сулоласи асосчиси Сўнкур [Сонкур] аввал туркий отабеги Бўз аба ҳукмида бўлган. Сўнгра салжуқий султон Масъуд ибн Муҳаммад даврида Жанубий Эронда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган.

Солғурий отабеклар сулоласи: Музаффаруддин Сўнкур (1148 – 1161), Музаффаруддин Зангий (1161 – 1175), Дагала (1175 – 1194), Тўғрул (1194 – 1203), Иззуддин Саъд I (1203 – 1231), Абу Бакр Қутлуғхон (1231 – 1260), Саъд II (1260), Муҳаммад (1260 – 1262), Муҳаммадшоҳ (1262 – 1263), Салжукшоҳ (1263 – 1265), Обиш хотун (1265 – 1270).

1148 – 1339 йиллар – туркий ҳазораспийлар сулоласи (Луристон отабеклари)нинг ҳукмронлик даври. Бу сулолага 1148 йил саркарда Абу Тоҳир Катта Луристон ва Ҳиндистонда асос солган. Давлат пойтахти Илаж шаҳри бўлган. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳазораспийлар сулоласининг

аждоглари Хоразмдаги Ҳазорасп атрофларидан бўлган (Кичик Луристонни XII аср охиридан то XVI аср бошларигача бошқарган бошқа туркий отабеклар сулоласи ҳам бўлган).

Ҳазорастийлар сулоласи (Луристон отабеклари): Абу Тоҳир ибн Муҳаммад (1148 – 1203), Насриддин Ҳазораспий (тахминан 1203 – 1252), Такла (тахминан 1252 – 1259), Шамсиддин Алп-Арғу (тахминан 1259 – 1274), Юсуфшоҳ I (тахминан 1274 – 1288), Афросиёб I (1288 – 1296), Насриддин Аҳмад (1296 – 1333), Рукниддин Юсуфшоҳ II (1333 – 1339), Музаффариддин Афросиёб II (1339 – 1355), Шамсиддин Хушанг [Нурал-верд] (1355 – 1378), Аҳмад (тахминан 1378 – 1408), Абу Саид (1408 – 1417), Ҳусайн (тахминан 1417 – 1423), Ғиёсиддин (1423).

1149 – 1209 йиллар – машҳур калом олими ва файласуф Фахриддин Розий яшаган ва фаолият юритган давр.

1150 йил – Киев Руси бир қанча мустақил князликларга бўлиниб кетди. Улар орасида Владимир-Суздаль князлиги алоҳида ажралиб турган.

1152 йил 4 март – 1190 йил 10 июнь – Германия қироли Фридрих I Барбаросса [Фридрих I Гогенштауфен]нинг ҳукмронлик даври.

1154 йил – Муқаддас Рим империясида диний ҳокимият билан қироллар ўртасида зиддиятлар бошланди. Бу зиддиятлар бир асрга яқин давом этган.

1154 йил 25 октябрь – Англияда плантагенетлар сулоласига қирол Генрих II асос солди.

1154 йил 25 октябрь – 1189 йил 6 июль – Англияда қирол Генрих II нинг ҳукмронлик даври.

1154 йил 25 октябрь – 1399 йил 29 сентябрь – плантагенетлар инглиз қироллари сулоласининг ҳукмронлик даври. Унга Анжу графи Генрих II асос солган. Плантагенетлар Анжу (Франция) графлигидан келиб чиққанлиги учун анжу сулоласи деб ҳам айтилади.

Плантагенетлар сулоласи: Генрих II (1154 – 1189), Ричард I Шерюрак (1189 – 1199), Иоанн Ерсиз (1199 – 1216), Генрих III (1216 – 1272), Эдуард I (1272 – 1307), Эдуард II (1307 – 1327), Эдуард III (1327 – 1377), Ричард III (1377 – 1399).

(Плантагенетлар сулоласидан *ланкастерлар* (1399 – 1461) ва *йорклар* (1461 – 1485) тармоқлари (сулолалари) ажралиб чиққанлиги учун уларнинг ҳукмронлиги 1399 йилда эмас, балки 1485 йилда тугаган деб ҳам ҳисобланади).

1154 – 1399 йиллар – анжу қироллар сулоласи даври. Улар Англия (плантагенетлар тармоғи)дан ташқари Жанубий Италия, Сицилия, Наполи (Неапол) қироллиги, Венгрия ва Польшада ҳукмронлик қилишган. Сицилия ва Жанубий Италиядаги анжу сулоласига Анжулик Карл, Венгриядаги сулолага Карл Роберт асос солган.

Жанубий Италия (1268 – 1442) ва Сицилия (1268 – 1302)даги анжу сулоласи: Карл I Анжулик (1266 – 1285) ва б.

Венгриядаги анжу сулоласи (1308 – 1387): Карл Роберт (1308 – 1342), Лайош I Буюк (1342 – 1382) ва б.

Польшадаги анжу сулоласи (1370 – 1382; 1384 – 1385): Лайош I Буюк ёки Людовик (1370 – 1382), Мария (1382 – 1387).

1155 йил 18 июнь – 1190 йил 10 июнь – Мукаддас Рим империяси императори Фридрих I Барбаросса [Фридрих I Гогенштауфен]нинг ҳукмронлик даври.

1155/1162 йил – 1227 йил 25 август – таниқли давлат арбоби Темучин [Чингизхон] яшаган ва фаолият юритган давр.

1156 йил 22 август – 1172 йил 7 март – ануштегинийлар сулоласи хоразмшоҳи Тожиддин Эл-Арслоннинг ҳукмронлик даври.

1157 йил 8 сентябрь – 1199 йил 6 апрель – Англия қироли Ричард I Шерюрак яшаган ва фаолият юритган давр.

1159 – 1174 йиллар – Маҳдийлар давлати мавжуд бўлган. Пойтахти – Забид (Яман). Маҳдийлар давлати Нажоҳийлар давлати ўрнида ташкил топган. Сулола асосчиси – Тихомада доийлик қилган Али ибн Маҳдий Руайний Химёрий. Бироқ орадан кўп ўтмай Яманга Салоҳиддин Айюбийнинг укаси Шамсиддин Туроншоҳ бошлиқ Миср қўшини кирди ва 1174 йили Забидни олди ҳамда Маҳдийлар давлати тугатилди.

Маҳдийлар давлати ҳукмдорлари: Али ибн Маҳдий (1137 – 1159), Маҳдий ибн Али ва Абдуннабий ибн Али (1159 – 1163), Абдуннабий ибн Али (1163 – 1174).

1160 йил 12 май – 1233 / 1234 йил – машҳур араб-курд тарихчиси Ибн ал-Асир яшаган ва фаолият юритган давр.

1166 йил – Бағдодда сўфийлик мактабини ташкил қилган машҳур мутасаввуф Абдулқодир Гилоний вафот этди.

1166 – 1209/1213 йиллар – Грузия маликаси Тамара яшаган ва фаолият юритган давр.

1169 – 1220 йиллар – хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад II яшаган ва фаолият юритган давр.

1171 йил – Салоҳиддин ибн Айюб (Суриядаги занжилар қўлида хизмат қилган курд жангчиси) Қоҳирада Фотимийлар халифалигини ағдариб ташлаб, суннийликни тиклади ва айюбийлар сулоласига асос солди. Айюбийлар давлати қудратли ислом мамлакати сифатида христианларнинг мусулмонларга қарши қаратилган салиб юришларига жиддий қаршилик кўрсатди. Айюбийлар сулоласи улкан давлатнинг Миср, Дамашқ, Ҳалаб, Ҳама, Хумс, Мияфрақин, Синжар, Ҳисн Кайфа, Яман, Карак, Мосул, Банияс, Баалбак, Урфа каби 14 та худудида ҳукмронлик қилишди.

1171 – 1193 йиллар – Султон Салоҳиддин [Салоҳуддин ал-Айюбий]нинг ҳукмронлик даври.

1171 – 1250 йиллар – айюбийлар сулоласи Миср, Сурия, Яман ва Ироқда ҳукмронлик қилди.

Айюбийлар давлати ҳукмдорлари:

1. *Мисрдаги айюбийлар сулоласи:* Асадиддин (1169 – 1171), Султон Салоҳиддин (1171 – 1193), Азиз Усмон (1193 – 1198), Мансур Муҳаммад (1198 – 1200), Одил I (1200 – 1218), Комил (1218 – 1238), Одил II (1238 – 1240), Солиҳ Айюб (1240 – 1249), Муаззам Туроншоҳ (1249 – 1250), Ашраф II (1250 – 1252).

2. *Дамашқдаги айюбийлар сулоласи:* Султон Салоҳиддин (1174 – 1186), Афзал ибн Салоҳиддин (1186 – 1196), Одил I (1196 – 1218), Муаззам (1218 – 1227), Носир Довуд (1227 – 1229), Ашраф (1229 – 1237), Солиҳ Комил (1237 – 1238), Комил (1238), Одил II (1238 – 1239), Солиҳ Айюб (1239), Солиҳ Исмоил (1239 – 1245), Солиҳ Айюб (1245 – 1249), Муаззам Туроншоҳ (1249 – 1250), Носир Юсуф (1250 – 1260).

3. *Ҳалабдаги айюбийлар сулоласи:* Султон Салоҳиддин (1183 – 1193), Зоҳир (1193 – 1218), Азиз (1218 – 1236), Носир Юсуф (1236 – 1260).

4. *Ҳамадаги айюбийлар сулоласи:* Музаффар I (1178 – 1191), Мансур I (1191 – 1221), Носир (1221 – 1229), Музаффар II (1229 – 1244), Мансур II (1244 – 1284), Музаффар III (1284 – 1298), Муайяд (1310 – 1331), Афзал (1331 – 1342).

5. *Хумсдаги айюбийлар сулоласи:* Асадиддин (1154 – 1169), Султон Салоҳиддин ибн Ширкуҳ (1169 – 1179), Қохир (1178 – 1186), Мужоҳид (1186 – 1239), Мансур (1239 – 1246), Ашраф (1246 – 1263).

6. *Мияфрақиндаги айюбийлар сулоласи:* Султон Салоҳиддин (1185 – 1193), Одил (1193 – 1200), Авҳад (1200 – 1210), Ашраф (1210 – 1220), Музаффар (1220 – 1247), Комил (1247 – 1260).

7. *Синжардаги айюбийлар сулоласи:* Ашраф (1220 – 1229), Солиҳ Айюб (1238 – 1239).

8. *Ҳисн Кайфадаги айюбийлар сулоласи:* Солиҳ Айюб (1232 – 1239), Муаззам Туроншоҳ (1239 – 1249), Авҳад (1249 – 1283), Комил ибн Абдуллоҳ (1283 – 1320), Муҳаммад ибн Муҳаммад (1320 – 1340), Ғозий ибн Муҳаммад (1340 – 1360), Абу Бакр ибн Ғозий (1360 – 1378), Сулаймон ибн Ғозий (1378 – 1397), Аҳмад ибн Сулаймон (1397 – 1433), Халил ибн Аҳмад (1433 – 1452), Аҳмад ибн Халил (1452 – 1457), Ҳалаф ибн Муҳаммад (1457 – 1462), Халил ибн Сулаймон (1462 – 1500), Сулаймон ибн Халил (1517 – 1535), Хусайн ибн Халил (1517 – 1525).

9. *Ямандаги айюбийлар сулоласи:* Муаззам Туроншоҳ (1174 – 1181), Азиз Туттегин (1181 – 1197), Муизиддин Исмоил (1197 – 1202), Носир

Айюб (1202 – 1214), Музаффар Сулаймон (1214 – 1215), Масъуд Юсуф (1215 – 1229).

10. *Каракдаги айюбийлар сулоласи*: Носир Довуд (1229 – 1249), Мухис (1249 – 1263).

11. *Мосулдаги айюбийлар сулоласи*: Қоҳир (1185 – 1186).

12. *Баниясдаги айюбийлар сулоласи*: Афзал ибн Салоҳиддин (1179 – 1186), Одил I (1186 – 1195), Азиз ибн Аҳмад (1195 – 1233), Ғозий ибн Усмон (1233), Ҳасан ибн Усмон (1233 – 1260).

13. *Баалбакдаги айюбийлар сулоласи*: Муаззам Туроншоҳ (1173 – 1179), Довуд ибн Туроншоҳ (1179 – 1182), Амжад ибн Фаррухшоҳ (1182 – 1229), Солиҳ Исмоил (1218 – 1237, 1238 – 1239).

14. *Урфадаги айюбийлар сулоласи*: Музаффар I (1186 – 1191), Одил I (1191 – 1218), Солиҳ Айюб (1232 – 1239).

1172 – 1200 йиллар – хоразмшоҳ Алоуддин Текеш ҳукмронлик қилган давр.

1176 йил 17 сентябрь – Византия императори Мануил I Комнин салжукийлар султонида Мириокефалон жангида енгилди.

1177 йил – Япониянинг Хейян шаҳри ёнғин оқибатида бутунлай ёниб кетди.

1180 – 1223 йиллар – Франция кироли Филипп II Августнинг ҳукмронлиги даври.

1181 – 1291 йиллар – машҳур форс-тожик шоири Саъдий Шерозий яшаган ва фаолият юритган давр.

1182 – 1227 йиллар – Чингизхоннинг катта ўғли Жўчи [мўғулча: Зучи] яшаган ва фаолият юритган давр.

Жўчи ўғиллари: Орда-Эжен (? – 1251), Боту (Жўчи улуси ҳукмдори: 1227 – 1255), Берке (Жўчи улуси ҳукмдори: 1257 – 1266), Беркечар, Шибон [Шейбан], Тангкут, Бувал [Мўғул], Жилаукун, Шингкур, Чимбой, Муҳаммад, Удур, Тука Темур, Сингку.

1184 – 1209/1213 йиллар – малика Тамаранинг Грузиядаги ҳукмронлик даври. Бу пайтда Грузия Кавказдаги энг қудратли давлатга айланди.

1185 йил – Византияда комнинлар сулоласи тугатилди. Исаак II Ангел янги ангеллар сулоласига асос солди.

1185 – 1204 йиллар – Византияни ангеллар сулоласи бошқарди.

1185 – 1242 йиллар – Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатой яшаган ва фаолият юритган давр.

1186 йил – Муизаддин Муҳаммад ибн Сам (Муҳаммад Фурий) ўз лашкарбошиси Қутбиддин Ойбек билан биргаликда Лаҳор (Панжоб)ни эгаллади. Қутбиддин Ойбек Ҳиндистонда янги туркий сулола (ғуломлар сулоласи)га, 1206 йилда эса янги давлат (Дехли султонлиги)га асос солди.

1186 – 1241 йиллар – Чингизхоннинг учинчи ўғли Ўқтой [Угэдэй] яшаган ва фаолият юритган давр.

1186 – 1396 йиллар – иккинчи Болгария подшолиги мавжуд бўлган. Усмонли турк султонлиги томонидан Болгария подшолиги 1396 йилда тугатилди.

1187 йил – Султон Салоҳиддин Ироқдаги кичик салжукий ҳукмдорлари ҳокимиятини ўзига бўйсундириб, салибчиларга қарши Хиттинда бўлган жангда ғолиб чиқди ҳамда Аккра ва Қуддусни қайта эгаллади.

1189 – 1192 йиллар – учинчи салиб юриши. Бу юришда Франция қироли Филипп II Август, Англия қироли Ричард I Шерюрак ва Мукаддас Рим империяси императори Фридрих I Барбаросса қатнашдилар.

1189 йил 6 июль – 1199 йил 6 апрель – Англия қироли Ричард I Шерюракнинг ҳукмронлик даври.

1190 йил 19 ноябрь – Мукаддас ерда Тевтон рицарлар ордени ташкил этилди.

1190/1193 – 1232 йиллар – Чингизхоннинг тўртинчи ўғли Тулу [Толуй] яшаган ва фаолият юритган давр.

Тулу ўғиллари: Менгу [Мункэ], Журика, Хутухту, Кубилай, Хулагу, Ариг-Буқа, Буджак, Мука, Сатуктой, Сабуктой.

1190 йил 8 сентябрь – 1261 йил 20 октябрь – кубровийлик тариқатининг йирик намояндаси, мутасаввуф ва шайх Сайфиддин Боҳарзий яшаган ва фаолият юритган давр.

Шайх Бухорода 40 йилдан ортиқ муқим яшаган. Олтин Ўрда хони Беркахон ҳам унга эътиқод қилиб Бухорога келган ва пирга мурид тушиб, XIII асрнинг 50 йилларида ислом динини қабул қилган. Беркахон мусулмон бўлгач, ўзига Баракахон номини олган ва Шимолий Кавказдан Сибиргача чўзилган улкан давлати ҳудудида ислом динини жорий қилиб, масжид ва мадрасалар қурдирган. Бу воқеадан сўнг Сайфиддин Боҳарзийга Шайхул Олам, яъни Олам шайхи унвони ва Бухоро шахрига эса Бухоройи шариф, яъни Шарофатли Бухоро мақоми берилган.

1192 йил август – учинчи салиб юришлари пайтида Яффа (Фаластин ҳудудида) жанги бўлди. Бу жангда Султон Салоҳиддин қўшини Ричард Шерюрак бошчилигидаги салибчилар қўшини билан тўқнашди.

1192 йил 2 сентябрь – Ричард Шерюрак ва Султон Салоҳиддин ўртасида 3 йил муддатга мўлжалланган сулҳ битими тузилди. Келишувга биноан Қуддус мусулмонлар қўлида қолди. Франклар фақат Тир дарёсидан Яффа соҳилларигача бўлган ҳудудни ўзида сақлаб қолди.

1192 йил – Япония шимолидаги ҳарбий зодагонлар ўз сардорлари Ёри-томо Минамотони сёгун [саркарда] унвони билан давлатнинг ҳукмдори деб эълон қилдилар. Бу пайтда Японияда императорлар номигагина сақлаб қолинди. Сёгунларнинг қароргоҳи Камакура шахрида жойлашган.

1192 – 1867 йиллар – Японияда сёгун [сёгунлик] даври. Бу даврда сёгун ҳокимияти Киотодаги императордан фарқли равишда Япониянинг катта қисмини бошқарган.

Камакура сёгунлиги – *Камакура бакуфу вакиллари* (1192 – 1333): Ми-намото уруғи (1192 – 1210; 3 та сёгун); Фудзивара уруғи (1226 – 1252; 2 та сёгун); император шахзодалари [синно] (1252 – 1333; 4 та сёгун);

Киото сёгунлиги – *Муромати бакуфу вакиллари* (1338 – 1573): Асикага уруғи (1338 – 1573, 16 та сёгун);

Эдоский сёгунлиги – *Эдо бакуфу вакиллари* (1603 – 1867): Токугава уруғи (1603 – 1867; 15 та сёгун).

1193 йил 4 март – Султон Салоҳиддин I вафот этди.

1198 – 1216 йиллар – Рим католик черкови папаси Иннокентий III дав-ри.

1198 йил – 1231 йил 20 август – Таниқли давлат арбоби Жалолоддин Мангуберди яшаган ва фаолият юритган давр.

1199 йил – Деҳлида Қутб Минораси ва Жаястамбха Ғалаба минораси қурилди.

1199 – 1216 йиллар – Англияда қирол Иоанн ҳукмронлиги даври.

XIII аср – Мексиканинг шимолидан атрофини қўл ўраб турган ерларга ацтеклар қўчиб келиб Теночтитлан шаҳрини барпо этишди. Шаҳар қўлдаги оролларни дамбалар билан бирлаштириш натижасида вужудга келди.

1200 – 1220 йиллар – хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад II ҳукмронлик қилган давр.

1201 йил 18 февраль – 1274 йил 26 июнь – астроном ва математик олим Носириддин Тусий яшаган ва фаолият юритган давр.

1202 йил – қиличбардорлар орденига асос солинди.

1202 – 1204 йиллар – тўртинчи салиб юриши.

1204 йил 12 апрель – тўртинчи салиб юриши натижасида Константинополь салибчилар томонидан босиб олинди ва таланди. Улар бу ерда янги Лотин империясига асос солдилар (9 май). Константинополь Лотин империясининг пойтахтига айлантирилди. Венеция ва франк баронлари ўзаро Фракия, Македония ва Пелопоннес (Ахайя)ни бўлиб олишди.

1204 йил – мўғуллар йўлбошчиси Темучин ҳокимият учун курашда ашаддий рақиби (собик иттифоқчиси) Жамухани мағлубиятга учратди ва қатл эттирди.

1204 – 1261 йиллар – Византияда Лотин империяси давлати мавжуд бўлган давр.

1206 йил 16 апрель – мўғуллар йўлбошчиси Темучин қурултойда Чингизхон деган номни олди ва Буёқ Мўғуллар давлатига асос солиб, ҳокон (қоон) унвонига эга бўлди (Мўғул империяси Мўғулистондаги марказий

худуддан ташкари Олтин Ўрда [Жўчи улуси], Юань империяси [Угэдэй улуси], Чигатой хонлиги [Чигатой улуси], Хулагуидлар давлати [Хулагу улуси] каби катта давлатлардан иборат эди. Буюк Мўғуллар давлати 1368 йилда турли майда давлатларга парчаланиб кетди). Пойтахти – Қоракурум, Хонбалиқ [Пекин]. Тили – мўғул тили. Майдони – 38 000 000 км² (1279). Аҳолиси – 110 000 000 киши (1279).

1206 йил март – Шимолий Ҳиндистонда Дехли султонлиги давлати ташкил топди. Бу давлатга Мовароуннаҳр турк ғуломларидан Лоҳур малиги Кутбиддин Ойбек [Ойбоқ] асос солди. Султонликни навбати билан туркийлар сулоласи: ғуломлар (1206 – 1211), шамсийа (1211 – 1265), балбаллар (1265 – 1290), халжийлар (1292 – 1320), туғлуқийлар (1320 – 1413), саййидлар (1414 – 1451), шунингдек, афғонлар сулоласи: лўдийлар (1413 – 1414; 1451 – 1526) ва сурийлар (1539 – 1555) бошқаришди. (Дехли султонлиги 1555 йилда бобурийлар сулоласи томонидан бутунлай тугатилди.) Пойтахти – Дехли. Дини – ислом динидаги суннийликнинг ҳанафия мазҳаби. Давлат раҳбари – султон [шоҳ].

1206 – 1210 йиллар – Кутбиддин Ойбекнинг Дехли султонлигида ҳукмронлик даври.

1206 – 1227 йиллар – Чингизхоннинг Буюк Мўғуллар давлатида ҳукмронлик даври.

1206 – 1290 йиллар – Дехли султонлигида туркий *ғуломлар* ёхуд *муъиззийлар* сулоласи фаолияти. Муъиззийлар сулоласига мансуб бўлган туркий сулолалар (ғуломлар, шамсийа, балбаллар сулолалари) бу даврда Дехли султонлигини бошқаришди.

Муъиззийлар сулоласи ёхуд ғулом султонлар: Кутбиддин Ойбек (1206 – 1210), Оромшоҳ (1210 – 1211), Шамсиддин Илтутмиш (Элтутмиш (1211 – 1236), Жалолуддин Розийа Бегум (1236 – 1240), Муъиззуддин Баҳромшоҳ (1240 – 1242), Алоуддин Масъудшоҳ I (1242 – 1246), Носируддин Маҳмудшоҳ I (1246 – 1266), Ғиёсуддин Балбан (1266 – 1287), Муъиззуддин Кай Кубод (1287 – 1290), Шамсиддин Кайумарс (1290).

1206 – 1368 йиллар – Осиё ва Шарқий Европада ташкил топган ва чингизийлар сулоласи томонидан бошқарилган Буюк Мўғуллар давлати мавжуд бўлган. Бу давлатга машҳур саркарда ва давлат арбоби Чингизхон [Темучин] томонидан асос солинди.

Мўғулистондаги Чингизхон сулоласи:

Мўғуллар давлатининг буюк хоқон(қоон)лари ва регентлари (1206 – 1271): Чингизхон [Тэмуджчин; Темучин] – Мўғул империясининг асосчиси ва биринчи буюк хоқони (1206 – 1227), Тулухон [Толуй] (Мўғул империясининг регенти: 1227 – 1229), Ўқтой [Угэдэй] (Мўғул империясининг буюк хони: 1229 – 1241), Торагана хотун [Дорегене хатун] (Мўғул империясининг регенти: 1241 – 1246), Куяк [Гуюк] (Мўғул империясининг буюк хони:

1246 – 1248), Ўғул Гаймиш [Огул Гаймиш] (Мўғул империясининг регенти: 1248 – 1251), Мангу [Мункэ] (Мўғул империясининг буюк хони: 1251 – 1259);

Мўғуллар давлатининг юань сулоласига мансуб буюк хоқон(қоон)лари: Хубилай [Кубилайхон; Сэцэн қоон] (1260 – 1294); Темур [Ўлжайту қоон] (1294 – 1307), Хайсан [Кулуг қоон] (1307 – 1311), Аюрбарибада [Буянту қоон] (1311 – 1320), Шидэбала [Гэгэн қоон] (1321 – 1323), Есун Темур (1323 – 1328), Ражапика (1328), Туғ-Темур [Жаяту қоон] (1328 – 1329; 1329 – 1332), Хошила [Кутукту қоон] (1329), Иринжибал қоон (1332), Тўғон Темур [Ухагату қоон] (1333 – 1370).

Мўғуллар давлатининг шимолий юань сулоласига мансуб буюк хоқон(қоон)лари: Билигтухон [Аюшридара] (1370 – 1378), Усхалхон [Тоғус-Темур] (1378 – 1388), Дзоригтухон [Есудэр] (1388 – 1392), Энкехон (1392), Элбэг Нигулэсугчихон (1392 – 1399), Гун Темурхон (1400 – 1402), Олдзей Темурхон [Пуньяшри] (1403 – 1412), Дэлбэгхан (1415), Ойрадайхон (1415 – 1425), Адайхон (1425 – 1438), Тайсунхон [Тўхта Буға] (1433 – 1452), Агбаржин жинон (1453), Махагургисхон [Укегту] (1454 – 1465), Молонхон (1465 – 1466), Мандуулхон (1475 – 1478), Даянхон [Боту Мункэ] (1478 – 1516), Барсболод жинон (регент: 1516), Боди Алагхон (1516 – 1547).

Цин империясига тобе мўғул хонлари: Дарайсун-Годэнхон (1547 – 1557), Тумэн-Дзасагтухон (1557 – 1592), Буян-Сэцэнхон (1592 – 1603), Лигдэнхон (1604 – 1634), Эжейхон (1634 – 1635) ва бошқалар.

1206 – 1526 йиллар – Ҳиндистонда мусулмон туркий давлат – Деҳли султонлиги фаолият кўрсатди. Давлат пойтахти Лохур, сўнгра Деҳли бўлган.

1207 йил 30 сентябрь – 1273 йил 17 декабрь – тасаввуфдаги мавлавия тариқатининг асосчиси, шоир ва мутафаккир Жалолиддин Румий [Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий Румий] яшаган ва фаолият юритган давр.

1208 – 1284 йиллар – машхур Хожа Насриддин яшаган ва фаолият юритган давр.

1209 – 1266 йиллар – таникли давлат арбоби Беркахон [Баракахон] яшаган ва фаолият юритган давр. У Олтин Ўрда хони (1255 – 1266), Чингизхоннинг набираси, Жўчихоннинг учинчи ўғли, Ботухоннинг укасиدير.

1211 йил – Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар Шимолий Хитойни босиб олишди. Цзинь сулоласи империяси худуди қисман таланди, кейинчалик Пекин эгалланди (1215).

1211 – 1236 йиллар – Деҳли султони Шамсиддин Элтутмишнинг хукронлик даври.

1211 – 1265 йиллар – Дехли султонлигида туркий *шамсийа* ёхуд *муъизийлар сулоласи* фаолият юритган.

1215 йил 15 июнь – Англияда «Буюк эркинлик хартияси» қабул қилинди.

1215 йил 15 ноябрь – папа Иннокентий III томонидан Латран собори қақирилди. Папа ҳокимияти ўзининг юқори мавқеига эришди.

1217 – 1221 йиллар – Бешинчи салиб юриши. У Мисрга қарши қаратилди.

1217 йил – 1265 йил 8 февраль – хулакуийлар (элхонийлар) сулоласи ҳамда Хулакуийлар давлати асосчиси Хулагухон (Хубилайхоннинг укаси) яшаган ва фаолият юритган давр.

1219 йил – Чингизхон буюк давлат ҳисобланган Хоразмшоҳлар салтанатига юриш бошлади.

1219 – 1221 йиллар – Чингизхон томонидан Ўрта Осиёдаги Хоразм ва Мовароуннаҳр босиб олинди.

1220 – 1231 йиллар – сўнги хоразмшоҳ Султон Жалолиддин Мангуберди [Жалолиддин Манкбурни]нинг Хоразмшоҳлар давлатида ҳукмронлик даври.

1220 – 1250 йиллар – герман императори Фридрих II Гогенштауфеннинг ҳукмронлик даври (1197 йилдан Сицилия қироли, 1212 йилдан Германия қироли деб эълон қилинган).

1221 йил 25 февраль – Марв шаҳри мўғуллар томонидан босиб олинди.

1221 йил 10 апрель – Нишопур мўғуллар томонидан босиб олинди. Кейин Ҳиротни босиб олди.

1221 йил апрель – Чингизхон қўшинлари Кўхна Урганчни қамал қилди (Турганж мудофааси) ва босиб олди. Жалолиддин Мангуберди Қандахор, Валиён қалъаси, Нисо, Чорикорда бўлган жангларда мўғулларга зарба берди.

1221 йил – Жалолиддин Мангуберди ва Чингизхон қўшинлари ўртасида машҳур Парвон жанги бўлди ва унда мўғуллар мағлубиятга учради.

1221 йил 24 – 26 ноябрь – Жалолиддин Мангуберди ва Чингизхон қўшинлари ўртасида Синд дарёси бўйида жанг бўлди.

1222 йил – Жалолиддин Мангуберди Шимолий Ҳиндистонга юриш қилди.

1222 – 1254 йиллар – Византия Никея империясида Иоанн III Дук Ватадзиснинг ҳукмронлик даври.

1223 – 1226 йиллар – Франция қироли Людовик VIII нинг ҳукмронлик даври. Францияда капетинглар сулоласи бошқаруви даври.

1123 йил 23 сентябрь – 1197 йил 29 октябрь – фақих Имом Марғиноний [Бурхониддин Марғиноний Рошидоний] яшаб ўтган давр.

1224 йил – *Олтин Ўрда* [мўғул: *Жўчи улуси*; туркий: *Улуғ улус*] давлати ташкил топди. Чингизхоннинг катта ўғли Жўчига тегишли худудларда Олтин Ўрда давлати ташкил топди. Жўчига Хоразм ва Дашти Қипчоқ теккан эди. Олтин Ўрда хони Ўзбекхон ислом динини давлат дини деб эълон қилди. Бу давлат таркибига Хоразм, Шимолий Кавказ, Волга булғорлари юрти, Дашти Қипчоқ, Қрим, Ғарбий Сибирь кирган, рус князлари унга ўлпон тўлаб турган. Олтин Ўрда маркази Ботухон даврида Қуйи Волганинг Сарой Боту шаҳри, Беркахон (Баракахон) даврида Сарой Берка бўлган. Олтин Ўрда хонлиги Қўк Ўрда ва Оқ Ўрда давлатларига бўлинган (XV аср охирида Олтин Ўрда давлати худуди кўплаб кичик туркий давлатларга парчаланиб кетди. Қрим хони Менгли Гирейхон бир неча бўлақларга бўлиниб кетган Олтин Ўрда хонлиги худудини 1502 йилда ўз давлатига қўшиб олди). Пойтахти – Ўрда Бозор (1224 – 1254), Сарой Боту (1254 – 1283), Сарой Берка (1283 – 1481; ҳозирги Волгоград шаҳри яқинида). Йирик шаҳарлари – Сарой Боту, Қозон, Аштархон, Увек ва бошқалар. Тили – мўғул, туркий тил (ҳозирги ўзбек тили), қипчоқ, татар. Дини – тангричилик, православ (қисман), ислом (1312 йилдан). Майдони – 6 млн. км² (1310). Аҳолиси – туркийлар, славянлар, фин-угор халқлари.

1224 йил – Чингизхон томонидан мўғуллар империяси тўрт ўғли (Жўчи, Чиғатой, Ўқтой [Угэдэй], Тулу [Толуй])нинг номи билан аталган тўрт улусга бўлинди.

1224 йил – Чиғатой улуси ташкил топди. Чиғатой улуси бутун Мовароуннахр, Еттисув ва Турфонгача бўлган Шарқий Туркистоннинг катта қисмини ўз ичига олган. Пойтахти – Олмалиқ [ҳозирги – Ғулжа] (1224 – 1266), Хўжанд ва Самарқанд (1266 – 1370). Тили – чиғатой турк тили (ҳозирги ўзбек тили), мўғул, форс. Майдони – 3,5 млн. км² (1310).

1224 – 1370 йиллар – Чиғатой улуси мавжуд бўлган.

Чигатой улуси ҳукмдорлари [чигатойлар] (1224 – 1370): Чиғатой, Чингизхон ўғли, Ясанинг буюк кўрикчиси (1224/1225 – 1242), Қора Хулакухон [Хара Хулагу], Мутугэн ўғли (*Чигатой улуси хони*: 1242 – 1247; 1252), Есу Мункэ, Чиғатой ўғли (1247 – 1252), Муборакшоҳ, Қора Хулакухон ўғли (1252 – 1261; 1266), Олғу [Алгу], Байдар Баатор ўғлон ўғли (1261 – 1266), Бароқхон, Есун-Тува ўғли (1266 – 1271), Никпай [Негубекхон], Ишарбан ўғлон ўғли (1271 – 1272), Буғо Темурхон, Кадан Сэчэн ўғлон ўғли (1272 – 1291), Дувахон, Бароқхон ўғли (1291 – 1306), Кунчак [Кунчек], Дува ўғли (1306 – 1308), Хизр Толикухон [Толику], Бўри ўғлон ўғли (1308 – 1309), Кебакхон [Кебекхон], Дува ўғли (1309; 1318 – 1326), Эсан Буқа [Эсен Буғо], Дува ўғли (1309 – 1318), Элчигадой [Ильчигидай], Дува ўғли (1326), Дурра Темурхон [Дува Темур], Дува ўғли (1326), Тармаширинхон, Дува ўғли (1326 – 1334), Бузанхон, Дурра Темурхон ўғли (1334 – 1336), Жингшихон [Жанкши], Эбугэн ўғлон ўғли (1336), Есун Темурхон, Эбугэн ўғлон ўғли

(1336 – 1342), Муҳаммадхон, Пўлод ўғлон ўғли (1342), Қозонхон, Ясовур ўғлон ўғли (*Чигатой улуси хони*: 1342 – 1346); Туғлуқ Темур, Йису Буғохон ўғли (*Мўғулистон улуси хони*: 1347 – 1359; *Чигатой улуси хони*: 1359 – 1362), Илёсхожа, Туғлуқ Темур ўғли (*Чигатой улуси хони*: 1362 – 1366; *Мўғулистон улуси хони*: 1362 – 1366);

Мовароуннаҳрдаги Чигатой улуси ҳукмдорлари [Мовароуннаҳр амир ва хонлари]: Маҳмуд Ялавоч (*Мовароуннаҳр амири*: 1224/1225–1238), Масъудбек [Масъуд Ялавоч] (*Мовароуннаҳр амири*: 1238 – 1289), Амир Қозоғон (*Мовароуннаҳр амири*: 1346 – 1358), Баёнқулихон, Сургу ўғлон ўғли (*Мовароуннаҳр хони*: 1348 – 1359), Темуршоҳхон, Йасур Темур ўғлон ўғли (*Мовароуннаҳр хони*: 1359), Туғлуқ Темурхон, Йису Буғохон ўғли (*Мўғулистон хони*: 1347 – 1359; *Чигатой улуси хони*: 1359 – 1362), Илёс Хожохон, Туғлуқ Темурхон ўғли (*Чигатой улуси хони*: 1362 – 1364/1365; *Мўғулистон хони*), Қобулшоҳ, Дурди ўғли (*Мовароуннаҳр хони*: 1364 – 1370), Хусайн, Қозоғоннинг невараси (*Мовароуннаҳр амири*: 1364 – 1370), Одилхон, Муҳаммад Пўлод ўғлон ўғли (*Мовароуннаҳр хони*: 1370), Суюрғатмишхон, Қозонхон ўғли (*Мовароуннаҳр хони*: 1370 – 1388), Султон Маҳмудхон, Суюрғатмишхон ўғли (*Мовароуннаҳр хони*: 1388 – 1398), Сотуқхон (*Мовароуннаҳр хони*: 1398 – 1405).

Чигатой улусининг Мўғулистондаги ҳукмдорлари: Туғлуқ Темурхон, Эмилхожи ўғли (*Мўғулистон хони*: 1347 – 1362; *Мовароуннаҳр хони*: 1360 – 1362), Илёс Хожа, Туғлуқ Темурхон ўғли (*Мовароуннаҳр ва Мўғулистон хони*: 1362/1363 – 1365/1366), Хизр Хожохон, Туғлуқ Темурхон ўғли (*Мўғулистон хони*: 1365/1366 – 1399), Шоми Жаҳонхон, Хизр Хожохон ўғли (*Мўғулистон хони*: 1399 – 1408), Муҳаммадхон I, Хизр Хожохон ўғли (*Мўғулистон хони*: 1408 – 1416), Шер Муҳаммадхон, Муҳаммадхон I ўғли (*Мўғулистон хони*: 1416; 1421 – 1424/1425), Нақши Жаҳонхон, Хизр Хожохон ўғли (*Мўғулистон хони*: 1416 – 1418), Султон Увайсхон, Шер Али ўғлон ўғли (*Мўғулистон хони*: 1418 – 1421; 1424/1425 – 1428), Эсан Буғохон, Султон Увайсхон ўғли (*Мўғулистон хони*: 1429/1430 – 1461), Дўст Муҳаммадхон, Эсан Буғохон ўғли (*Мўғулистон хони*: 1461 – 1468), Юнусхон, Султон Увайсхон ўғли (*Мўғулистон хони*: 1468 – 1487); Кебек Султон ўғлон (*Турфон ва Чалиш хони*: 1468 – 1473); Султон Маҳмудхон I, Юнусхон ўғли (*Мўғулистон хони*: 1487 – 1508; Тошкент хони: 1485 – 1501), Султон Аҳмадхон I [Алачахон], Юнусхон ўғли (*Мўғулистон хони*: 1485 – 1504), Мансурхон, Султон Аҳмадхон I ўғли (*Турфон мулки хони*: 1501 – 1543; *Мўғулистоннинг олий хони*: 1504 йилдан), Шоххон, Мансурхон ўғли (*Турфон мулки хони*: 1543 – 1570), Муҳаммадхон II, Мансурхон ўғли (*Турфон мулки хони*: 1570 – 1579) ва бошқалар.

Амир Темур тахтга чиқарган қўғирчоқ мўғул хонлари: Суюрғатмишхон Қозонхон ўғли (1370 – 1388), Султон Маҳмудхон Суюрғатмишхон ўғли (1388 – 1398), Сотуқхон (1398 – 1405).

1224 – 1483 йиллар – Жўчи улусида Олтин Ўрда давлати мавжуд бўлди. (Баъзи манбаларда Олтин Ўрда хонлигига 1242 йилда асос солинганлиги айтилади ҳамда хонлик номи Кўк Ўрда шаклида келтирилади).

Жўчи улуси хукмдорлари: Жўчи (1224 – 1227), Боту (1227 – 1255), Сартак (1255 – 1256), Улокчи (1256 – 1257), Берка [Баракахон] (1257 – 1266), Мункэ Темур (1266 – 1269);

Олтин Ўрда хонлари: Мункэ Темурхон (1269 – 1282), Тўда Менгухон (1282 – 1287), Тўла Буғохон (1287 – 1291), Гиёсиддин Тўқтуғухон (1291 – 1312), Гиёсиддин Муҳаммад Ўзбекхон (1312 – 1341), Тинибекхон (1341 – 1342), Жалолиддин Маҳмуд Жонибекхон (1342 – 1357);

Бошбошдоқлик даври (1357 – 1380): Бердибек (1357 – 1359), Кулпа (1359 – 1360), Муҳаммад Наврўзбек (1360), Маҳмуд Хизрхон (1360 – 1361), Темур Хожохон (1361), Ордумалик (1361), Келдибек (1361 – 1362), Муродхон (1362 – 1364), Мир Пўлодхон (1364 – 1365), Азиз Шайх (1365 – 1367), Абдуллохон (1367 – 1368; 1369 – 1370), Ҳасанхон (1368 – 1369), Муҳаммад Булоқхон (1370 – 1372; 1375), Ўруسخон (1372 – 1374; 1375), Черкасхон (1374 – 1375), Гиёсиддин Қағанбекхон [Ойбекхон] (1375 – 1377), Арабшоҳ Музаффар [Қорихон] (1377 – 1380).

Олтин Ўрда хонлари: Тўхтамишхон (1380 – 1395), Темур Қутлуғхон (1395 – 1399), Гиёсиддин Шодибекхон (1399 – 1408), Пўлодхон (1407/1408 – 1411), Темурхон (1411 – 1412), Жалолиддинхон (1412 – 1413), Карим Бердихон (1413 – 1414), Кепек (1414), Чокре (1414 – 1416), Жаббор Берди (1416 – 1417), Дарвеш (1417 – 1419), Қодир Бердихон (1419), Ҳожи Муҳаммад (1419), Улуғ Муҳаммадхон (1419 – 1423; 1426 – 1427; 1428; 1428 – 1432), Бароқхон (1423 – 1426; 1427 – 1428), Кичик Муҳаммад (1428; 1432 – 1459); Маҳмуд (1459 – 1465), Аҳмадхон (1465 – 1481) ва бошқалар.

Бекларбегилар: Курумиши (1227 – 1258), Бурундай (1258 – 1261), Нўғай (? – 1299/1300), Иксар [Элбосар] (1299/1300 – 1309), Қутлуғ Темур (1310 – 1322), Алау, Мамай (1357 – 1359; 1363 – 1364; 1367 – 1369; 1370 – 1372; 1377 – 1380), Эдигей (1395 – 1419), Мансурбий (1419) ва бошқалар;

Олтин Ўрда таркибидаги Оқ Ўрда хонлари (1226 – 1481): Ўрдахон, Жўчихоннинг ўғли (1226 – 1280), Кўчу (1280 – 1302), Байон (1302 – 1309), Саси Бука (1309 – 1315), Элбасан (1315 – 1320), Муборақхўжа (1320 – 1344), Чимтой (1344 – 1361), Ўруسخон (1361 – 1375), Тўктакийа (1375), Темур Малик (1375 – 1376), Гиёсуддин Тўхтамиш [Тўхтамишхон] (1376 – 1395), Темур Қутлуғ (1395 – 1401), Шодибек (1401 – 1407), Пўлод (1407 – 1410), Темур (1410 – 1412), Жалолуддин (1412), Каримберди (1412 – 1414), Кебек (1414 – 1417), Жабборберди (1417 – 1419), Улуғ Муҳаммад (1419 – 1420), Давлатберди (1420 – 1422), Барақ (1422 – 1427), Улуғ Муҳаммад (1427 – 1433), Сайид Аҳмад I (1433 – 1435), Кучук Муҳаммад (1435 – 1465), Аҳмад

(1465 – 1481), Сайид Аҳмад II (1481), Мургазо (1481), Шайх Аҳмад (1481 – 1502) ва бошқалар.

1225 – 1309 йиллар – туркий Чўпон ўғиллари бейлиги мавжуд бўлган. Мазкур туркий бейликка Хусомиддин Чўпон асос солган. Чўпонбей Судок [Қирим; Қрим] устига 1225 йилда қилинган ҳарбий юришга муваффақиятли раҳбарлик қилгач, унга Кўния Султони Кайқубод I Кастамон ҳудудини берган. 1291 йилда Кастамонни Темур Жондорнинг ўғли Сулаймон эғаллади ва 1309 йилда Чўпон ўғиллари бейлиги ҳукмронлиги тугади.

Чўпон ўғиллари бейлиги: Хусомиддин Чўпонбей (1225 – ?), Алпюракбей, Чўпонбей ўғли (? – 1284), Музаффариддин Юлуқ Арслон, Алпюракбей ўғли (1284 – 1291), Носириддин Маҳмуд, Юлуқ Арслон ўғли (1291 – 1309).

1226 йил – Пруссия тевтон ордени рицарлари томонидан босиб олина бошланди.

1226 – 1270 йиллар – Франция қироли Людовик IX нинг ҳукмронлик даври. Капетинглар сулоласидан. У еттинчи ва саккизинчи салиб юришларига бошчилик қилган.

1227 йил – мўғуллар томонидан Хитойдаги Ғарбий Ся империяси тор-мор қилинди.

1227 йил 25 август – Чингизхон вафот этди.

1227 – 1280 йиллар – Жўчи улусида Кўк Ўрда мавжуд бўлган.

1227 – 1280 йиллар – Шибан улуси мавжуд бўлган. У Жўчи улуси (Олтин Ўрда)дан ажралиб чиққан алоҳида улус эди.

1227 – 1241 йиллар – Рим католик черкови папаси Григорий IXнинг бошқарув даври.

1228 йил – Ғарнота амирлиги [Гранада амирлиги] ташкил топди. Ғарнота амирлиги Муваххидлар давлати таркибидан ажралиб чиққан (1492 йил 2 январда Ғарнота амирлиги Испания томонидан босиб олинди). Пойтахти – Ғарнота [ҳозирги Гранада; Испания]. Йирик шаҳри – Малага. Тили – араб, испан, сефард. Дини – ислом, христианлик, яҳудийлик. Майдони – 24 000 км². Сулоласи – насрийлар.

1228 – 1229 йиллар – олтинчи салиб юриши.

1228 – 1492 йиллар – Андалусияда Ғарнота амирлиги [Гранада амирлиги] мавжуд бўлган. Ҳозирги Испания ҳудудида мусулмонларнинг Ғарнота амирлиги бўлган.

Ғарнота амирлари (насрийлар сулоласи) ҳукмдорлари: Муҳаммад I ал-Ғолиб (1232 – 1273), Муҳаммад II ал-Фақиҳ (1273 – 1302), Муҳаммад III ал-Махлу (1302 – 1309), Наср ибн Муҳаммад (1309 – 1314), Исмоил I ибн Фараж (1314 – 1325), Муҳаммад IV ибн Исмоил (1325 – 1333), Юсуф I ибн Исмоил (1333 – 1354), Муҳаммад V ал-Ғани (1354 – 1359), Исмоил II ибн Юсуф (1359 – 1360), Муҳаммад VI ал-Аҳмар (1360 – 1362), Муҳаммад V ал-Ғани (1362 – 1391), Юсуф II ал-Мустағани (1391 – 1392), Муҳаммад VII

ал-Мустиин (1392 – 1408), Юсуф III ан-Носир (1408 – 1417), Муҳаммад VIII ал-Мутамассик (1417 – 1419), Муҳаммад IX ал-Ғолиб (1419 – 1427), Муҳаммад VIII ал-Мутамассик (1427 – 1429), Муҳаммад IX ал-Ғолиб (1429 – 1432), Юсуф IV (1432), Муҳаммад IX ал-Ғолиб (1432 – 1445), Муҳаммад X ал-Ахнаф (1445), Юсуф V (1445 – 1446), Муҳаммад X ал-Ахнаф (1446 – 1447), Муҳаммад IX ал-Ғолиб (1447 – 1453), Муҳаммад XI ибн Муҳаммад VIII (1451 – 1455), Абу Наср Саид ал-Мустиин (1454 – 1464), Али ибн Сад (1464 – 1482), Муҳаммад XII аз-Зухуби [Боабдил] (1482 – 1483), Али ибн Сад (1483 – 1485), Муҳаммад XIII аз-Загалл (1485 – 1490), Муҳаммад XII аз-Зухуби [Боабдил] (1490 – 1492).

1229 йил – герман императори Фридрих II Гогенштауфен ва Миср султони Малик ал-Комил ўртасида сулҳ тузилиб, Мисрга Қуддус, Вифлей ва Назарет қайтариб берилди.

1229 – 1454 йиллар – Жанубий Яман ва Тихомадаги туркий амирлар бўлган расулийлар сулоласининг бошқарув даври. Сулола номи унинг бо-бокалони Расулдан олинган бўлиб, у ўғуз туркларидан эди, Аббосийлар халифасининг элчиси (расули) лавозимида фаолият юритган. Сулола ва давлатга унинг невараси, айюбийлар султонининг Маккадаги ноиби Умар I Нуриддин 1229 йилда асос солган. Умар I Қизил денгиз соҳилидаги Забид шаҳрини пойтахт қилган. Зайдийларнинг исёнлари ҳамда ташқи хуружлар натижасида 1454 йилда Адан шаҳри тоҳирийлар томонидан босиб олинган, Расулийлар давлати тугатилди.

Расулийлар сулоласи ҳукмдорлари: Умар I ибн Али ибн Расул (1229 – 1250), Юсуф I ибн Умар I (1250 – 1295), Умар II ибн Юсуф I (1295 – 1296), Довуд ибн Юсуф I (1296 – 1321), Али ибн Довуд (1321 – 1363), Аббос ибн Али (1363 – 1377), Исмоил I ибн Аббос (1377 – 1400), Аҳмад ибн Исмоил I (1400 – 1424), Абдуллох ибн Аҳмад (1424 – 1427), Исмоил II ибн Абдуллох (1427 – 1428), Яҳё ибн Исмоил II (1428 – 1439), Исмоил III ибн Яҳё (1439 – 1442), Юсуф II ибн Умар (1442 – 1454).

1230 йил 10 август – Жалолиддин Мангуберди Арзинжон яқинидаги Йасси Чаман текислигида бўлган жангда Кўния султони Алоуддин Кайкубуд бош бўлган иттифоқчилар қўшинидан мағлуб бўлди.

1230 – 1255 йиллар – Мали давлатида кейт сулоласининг вакили Сундиата ҳукмронлиги даври.

1231 йил 20 август – Жалолиддин Мангуберди курд жангчиси найзасидан ҳалок бўлди. Хоразмшоҳлар (ануштегинийлар) сулоласи тугатилди.

1231 йил – Хитойда гранаталар илк марта манбаларда тилга олинган.

1231 йил – папа Григорий IX даҳрийларга қарши черков трибунали – инквизицияни ташкил қилди.

1231 – 1241 йиллар – мўғуллар Кореяга бостириб кирди.

1234 йил февраль – 1282 йил 1 апрель – хулакуийлар (элхонийлар) сулоласи вакили Абаға яшаган ва фаолият юритган давр.

1235 – 1242 йиллар – Чингизхоннинг невараси Ботухон (Жўчининг ўғли) Шарқий Европада жуда катта истилолар қилди.

1236 йил – мўғуллар томонидан Жанубий Хитойни босиб олиш бошланди.

1237 йил 17 май – тевтонлар орденининг қиличбардорлар ордени билан бирлашуви.

1237 – 1240 йиллар – мўғуллар Боту бошчилигида Русь ерларини истило қилишди.

1238 йил – Бухорода мўғуллар зулмига қарши Махмуд Торобий бошчилигида кўтарилган халқ кўзғолони.

1238 йил – Таиланд Қироллигига асос солинди. Таиланд Қироллиги (1939 йилгача Сиам деб юритилган. 1932 йил 10 декабрда Таиланд (Сиам) нинг биринчи конституцияси қабул қилинди).

Расмий номи – *Таиланд Қироллиги* (1939 йилгача Сиам деб юритилган). Расмий тили – тай. Пойтахти – Бангкок. Йирик шаҳри: Бангкок. Бошқарув шакли – конституциявий монархия. Қирол – Пумипон Адульядет [Рама IX] (1946 йил 9 июндан). Бош вазир – Ниватгхумронг Бунсонгпайсан. Давлат тузилиши – унитар. Сиёсий режими – авторитаризм элементлари бўлган бекарор демократия. Худуди – 514 000 км². Аҳолиси – 70 498 494 киши. Қонун чиқарувчи ҳокимият – икки палатали парламент Миллий Ассамблея, у Вакиллар палатаси (393 киши) ва Сенат (270 киши)дан иборат. Маъмурий-худудий тузилиши – 73 та вилоят [тъянчвата/чангват] (пойтахт музофоти Бангкок, Кампхэнгпхет, Лампанг, Лампхун, Мэхонгсон, Накхонсаван, Нан, Пхитсанулок, Пхаяу, Пхетчабун, Пхичит, Пхрэ, Сукхотхай, Так, Уттарадит, Утхайтхани, Чиангмай, Чианграй, Амнатчарен, Бурирам, Каласин, Кхонкэн, Лей, Махасаракам, Мукдахан, Наконпханом, Накхонратчасима, Нонгбуалампху, Нонгкхай, Ройет, Саконнакхон, Сисакет, Убонратчатани, Удонтхани, Сурин, Чайяпхум, Ясотхон, Ангтхонг, Аюттхая, Канчанабури, Лопбури, Накхоннайок, Наконпатом, Нонтхабури, Патхумтхани, Прачинбури, Прачуапкхирикхан, Пхетчабури, Ратчабури, Районг, Сакэу, Самутпракан, Самутсакхон, Самутсонгкхрам, Сарабури, Сингбури, Супханбури, Трат, Чайнат, Чантхабури, Чаченгсау, Чонбури, Краби, Накхонситхаммарат, Наратхиват, Паттани, Пхангнга, Пхаттхалунг, Пхукет, Ранонг, Сагун, Сонгкхла, Сураттани, Транг, Чумпхон, Яла), вилоятлар 878 та (ампхе) туман, 50 та шаҳар туманларига бўлинган. Давлат дини – буддавийлик (95%), ислом (4%). Валютаси – бат.

1239 – 1241 йиллар – Бобо Исҳоқ бошчилигида Рум (Анатолия)да салжукийлар ҳукмронлигига қарши кўзғолон кўтарилди. Султон Ғиёсуддин Кайхусрав II кўзғолонни бостирди ва Бобо Исҳоқ ўлдирилди.

1239 – 1289 йиллар – Чигатой улусида Масъуд Ялавочнинг ноиблиги.

1240 йил 15 июль – Нева дарёси бўйлаб Новгород ерларига швед феодалларининг катта қўшини бостириб кирди. Новгород ҳукмдори Алек-

сандр Ярославич ўзининг унча катта бўлмаган лашкари билан шведлар қароргоҳига кўкқисдан ҳужум қилди. Нева жангидаги ғалабаси учун у Александр Невский лақабини олди.

1240 йил – Киев князлиги мўғулларга таслим бўлди.

1240 – 1321 йил – турк тасаввуф шоири Юнус Эмро яшаган ва фаолият юритган давр.

1241 йил – мўғулларнинг Марказий Европа (Польша, Венгрия)га босқини. Улар Венецияга таҳдид қилиб, Адриатика денгизига чиқишди. Буюк хоқон Ўқтойнинг ўлими ҳақидаги хабардан кейин мўғуллар орқага қайтишди.

1242 йил 5 апрель – Новгород ҳукмдори Александр Невскийнинг немис рицарларига қарши жанги. Рус қўшинлари Чудь кўли устида немис рицарларини мағлуб этди (Муз устидаги жанг).

1242 – 1481 йиллар – Олтин Ўрда хонлиги (Жўчи улуси) мавжуд бўлган давр. Бу давлатга Жўчихоннинг ўғли Ботухон томонидан асос солинган (Баъзи манбаларда бу давлатга 1224 йилда асос солинганлиги айтилади).

1243 йил 26 июнь – Кўсадоғ жанги бўлди. Жанг Сивасдан шимоли-шарқдаги тоғ дарасида бўлди. Анатолияда мўғуллар Рум салжуқийларини мағлубиятга учратди. Бу мағлубиятдан сўнг салжуқийларнинг Кўния султонлиги (Рум султонлиги) таназзулга учради. Бу ҳолат Анатолияда кўплаб мустақил турк бейликлари вужудга келишига олиб келди, баъзи турк бейликлари эса мўғулларга тобе бўлиб қолди.

Кўсадоғ жангидан сўнг Анатолияда вужудга келган турк бейликлари:

1. *Чўпон ўғиллари бейлиги.* Пойтахти – Кастамон. Ҳукмронлик даври: 1225 – 1309.

2. *Қарамонийлар [Қа(ҳ)рамон ўғиллари] бейлиги.* Пойтахти – Қарамон, Аланья. Ҳукмронлик даври: 1256 – 1483.

3. *Ментеше бейлиги.* Пойтахти – Милас, Ментеше. Ҳукмронлик даври: 1261 – 1424.

4. *Инанч ўғиллари бейлиги.* Пойтахти – Денизли. Ҳукмронлик даври: 1262 – 1368.

5. *Соҳиб ота ўғиллари бейлиги.* Пойтахти – Қораҳисор. Ҳукмронлик даври: 1275 – 1333.

6. *Парвона (Парвона ўғиллари) бейлиги.* Пойтахти – Синоп. Ҳукмронлик даври: 1277 – 1322.

7. *Ашраф ўғиллари бейлиги.* Пойтахти – Бейшеҳр. Ҳукмронлик даври: 1284 – 1326.

8. *Караси (Караси ўғиллари) бейлиги.* Пойтахти – Бергам, Баликасир. Ҳукмронлик даври: 1285 – 1347.

9. *Гармиён (Гармиён ўғиллари) бейлиги*. Пойтахти – Кутахья. Хукмронлик даври: 1286 – 1429.

10. *Исфандиёр ўғиллари бейлиги*. Пойтахти – Кастамон. Хукмронлик даври: 1291 – 1460.

11. *Усмон ўғиллари (усмонийлар) бейлиги*. Пойтахти – Сёгут, Бурса, Димотика, Эдирна, Истанбул. Хукмронлик даври: 1299 – 1922.

12. *Сарухон (Сарухон ўғиллари) бейлиги*. Пойтахти – Магнисия, Маниса. Хукмронлик даври: 1300 – 1405.

13. *Ҳамид (Ҳамид ўғиллари) бейлиги*. Пойтахти – Эгердир, Анталья. Хукмронлик даври: 1300 – 1423.

14. *Ойдин ўғиллари бейлиги*. Пойтахти – Бирги, Ойдин, Измир. Хукмронлик даври: 1300 – 1425.

15. *Эретна (Эретна ўғиллари) бейлиги*. Пойтахти – Сивас, Арзинжон. Хукмронлик даври: 1337 – 1404.

16. *Зулқадар (Зулқадар ўғиллари) бейлиги*. Пойтахти – Мараш, Малатия. Хукмронлик даври: 1337 – 1522.

17. *Тожиддин ўғиллари бейлиги*. Пойтахти – Никсар. Хукмронлик даври: 1348 – 1428.

18. *Рамазон ўғиллари бейлиги*. Пойтахти – Адана. Хукмронлик даври: 1352 – 1608.

1244 йил – Хоразм ўзбеклари (турклари) Қуддусни эгаллади. Еттинчи салиб юриши қатнашчилари кейинчалик шаҳар яқинида мағлубиятга учради.

1248 йил – Фердинанд III томонидан Севилья иккинчи марта босиб олингач, мусулмонлар фақат Испаниянинг Гренада киролигида қолишди.

1248–1254 йиллар – еттинчи салиб юриши. Бу юриш ҳам мағлубиятга учради.

1249 йил – Оксфордда дастлабки коллеж очилди.

1250 йил – Мамлук султонлиги ташкил топди. Қоҳирада мамлуклар (турк жангчи ғуломлари) айюбийлар сулоласини ағдариб ташлаб, ҳокимиятни эгаллади (Мамлук султонлиги 1517 йилда Усмонли турк давлати томонидан тугатилди). Пойтахти – Қоҳира. Давлат раҳбари – султон. Тили – араб, кипчок, абхаз-абазий, черкас. Дини – ислом. Сулоласи – баҳрийлар (1250 – 1382), буржийлар (1382 – 1517).

1250–1517 йиллар – Миср ва Сурияда Мамлук султонлиги хукмронлик қилди. Мамлук сўзи бировнинг мулки деган маънони англатади. Мамлуклар қуллар (ғуломлар)дан келиб чиққан. Улар Миср ва Сурияда хукмронлик қилган айюбийлар сулоласи ўрнига келишди. Мўғуллар ва салибчиларга қарши ғолибона урушлар қилишган. Улар Миср, Сурия ва Ҳижозни тўлиқ назорат қилишган. Ўз навбатида мамлукларнинг икки сулоласи: *баҳрийлар*

(1250 – 1382) ва *буржийлар* (1382 – 1517) сулолалари давлатни бошқарди. Бахрийлар асосан Мовароуннахрдан борган туркий қавмларнинг вакиллари бўлса, буржийлар кўпроқ кавказликлардан иборат бўлган. 1517 йили Мисрдаги Мамлуқлар давлати Усмонли турк султонлиги томонидан тугатилди.

Мисрдаги Мамлуқлар давлати ҳукмдорлари: Мисрдаги аббосий халифалар (1252 – 1543): ал-Мустансир биллоҳ, Абулқосим Аҳмад ибн аз-Зоҳир би амриллоҳ ал-Аббосий (1252 – 1261), ал-Ҳақим би амриллоҳ, Абулаббос Аҳмад ибн ал-амир Ҳасан Мустаршидий (1261 – 1302), ал-Мустақфий биллоҳ, Абу Рабаи Сулаймон ибн ал-Ҳақим би амриллоҳ (1302 – 1340), Восиқ биллоҳ, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Мустамсик биллоҳ Аюбий Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Ҳақим би амриллоҳ (1340), ал-Ҳақим би амриллоҳ, Абулаббос Аҳмад ибн ал-Мустақфий биллоҳ (1340 – 1352), ал-Муътазид биллоҳ, Абулфатҳ Аби Бакр ибн Мустақфий (1352 – 1362), ал-Мутаваккил алаллоҳ, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Муъдазид (1362 – 1377), Муътасим Абу Яҳё Закариё (1377), Мутаваккил алаллоҳ (иккинчи марта) (1377 – 1383), Восиқ биллоҳ Абу Ҳафс Умар (1383 – 1386), Муътасим Абу Яҳё Закариё (иккинчи марта) (1386 – 1389), ал-Мутаваккил алаллоҳ, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Муъдазид (учинчи марта) (1389 – 1406), ал-Мустаин биллоҳ, Абулфайз Аббос ибн ал-Мутаваккил (1406 – 1414), ал-Муътазид биллоҳ, Абулфатҳ Довуд ибн ал-Мутаваккил (1414 – 1441), ал-Мустақфий биллоҳ, Абу Рабаи Сулаймон ибн ал-Мутаваккил (1441 – 1451), ал-Қоим би-амриллоҳ, Абу Бакр Ҳамза ибн ал-Мутаваккил (1451 – 1455), ал-Мустанжид биллоҳ, Абулмаҳосин Юсуф ибн ал-Мутаваккил (1455 – 1479), ал-Мутаваккил алаллоҳ, Абуллиз Абдулазиз ибн Яъқуб ибн ал-Мутаваккил (1479 – 1497), ал-Мустамсик биллоҳ, Абу Юсуф Яъқуб ибн ал-Мутаваккил (1497 – 1517), ал-Мутаваккил алаллоҳ, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Мустамсик (1517 – 1538).

Бахрийлар сулоласининг Мисрдаги Мамлуқлар давлатида ҳукмронлик даври (1250 – 1390):

Бахрийлар сулоласи: Шажар ад-Дур (1250), ал-Муъизз Иззуддин Ойбек (1250–1257), ал-Мансур Нуриддин Али (1257–1259), ал-Музаффар Сайфулдин Қутуз (1259 – 1260), ал-Зоҳир Рукнуддин Бейбарс I ал-Бундукдорий (1260 – 1277), ал-Саъид Носируддин Баракаҳон (ёки Беркаҳон) (1277 – 1280), ал-Одил Бадруддин Саломиш (1280), ал-Мансур Сайфулдин Қалаъун ал-Алфий (1280 – 1294), ал-Ашраф Салоҳуддин Халил (1294), ан-Носир Носируддин Муҳаммад (1294 – 1295), ал-Одил Зайнуддин Китбуғо (1295 – 1297), ал-Мансур Ҳусомуддин Ложин (1297 – 1299), ан-Носир Носируддин Муҳаммад (иккинчи марта) (1299 – 1309), ал-Музаффар Рукнуддин Бейбарс II ал-Жаҳонгир (1309), ан-Носир Носируддин Муҳаммад (учин-

чи марта) (1309 – 1340), ал-Мансур Сайфуддин Абу Бакр (1340 – 1341), ал-Ашраф Алоуддин Кужук (1341 – 1342), ан-Носир Шихобуддин Аҳмад (1342), ас-Солиҳ Имодуддин Исмоъил (1342 – 1345), ал-Комил Сайфуддин Шаъбон I (1345 – 1346), ал-Музаффар Сайфуддин Ҳожжий I (1346 – 1347), ан-Носир Носируддин ал-Ҳасан (1347 – 1351), ас-Солиҳ Салоҳуддин Солиҳ (1351 – 1354), ан-Носируддин ал-Ҳасан (иккинчи марта) (1354 – 1361), ал-Мансур Салоҳуддин Муҳаммад (1361 – 1363), ал-Ашраф Носируддин Шаъбон II (1363 – 1376), ал-Мансур Алоуддин Али (1376 – 1382), ас-Солиҳ Салоҳуддин Ҳожжий II (1382), аз-Зоҳир Сайфуддин Барқук (Буржий) (1382 – 1389), Ҳожжий II (иккинчи марта, ал-Музаффар деган фахрий унвон билан) (1389 – 1390).

Буржийлар сулоласининг Мисрдаги Мамлуқлар давлатида ҳукмронлик даври (1382 – 1517):

Буржийлар сулоласи: Зоҳир Сайфиддин Барқук ибн Анас (1382 – 1399), Носир Фараж ибн Барқук (1399 – 1405), Мансур Абдулазиз ибн Барқук (1405), Носир Фараж ибн Барқук (1405 – 1412), Муайяд Шайх Маҳмудий (1412 – 1421), Музаффар Аҳмад ибн Шайх (1421), Зоҳир Сайфиддин Тотор (1421), Солиҳ Носириддин Муҳаммад ибн Тотор (1421 – 1422), Ашраф Сайфиддин Барсбой (1422 – 1438), Азиз Жамолиддин Юсуф ибн Барсбой (1438), Зоҳир Сайфиддин Чақмоқ (1438 – 1453), Мансур Фаҳриддин Усмон ибн Чақмоқ (1453), Ашраф Сайфиддин Инол (1453 – 1460), Муайяд Шихобиддин Аҳмад ибн Инол (1460), Зоҳир Сайфиддин Хушқадам (1460 – 1467), Зоҳир Сайфиддин Билбой Муайядий (1467 – 1468), Зоҳир Темур Буғо Румий (1468), Ашраф Сайфиддин Қойитбой (1468 – 1496), Носир Муҳаммад ибн Қойитбой (1496 – 1497), Зоҳир Қонсух (1497), Носир Муҳаммад Қойитбой (1497 – 1498), Зоҳир Қонсух Ашрафий (1498 – 1500), Ашраф Жонбўлат (1500 – 1501), Одил Туманбой (1501), Ашраф Қонсух Фаврий (1501 – 1516), Одил Туманбой (1516 – 1517).

1253 – 1325 йиллар – машҳур форс шоири Амир Хусрав Дехлавий яшаган ва фаолият юритган давр.

1254 йил 15 сентябрь – 1324 йил 8 январь – венециялик сайёҳ Марко Поло яшаган давр.

1256 йил – мўғуллар Хулағухон (Хубилайхоннинг укаси) бошчилигида Эронни босиб олишди ва хулақуийлар (элхонийлар) сулоласига асос солишди. Сулолага Чингизхоннинг невараси Хулағухон (Хубилайхоннинг укаси) асос солди. Улар Яқин ва Ўрта Шарқда, хусусан, Эрон, Озарбайжон ва Ироқда ҳукмронлик қилишган. Хулақуийлар давлати ҳукмдорлари ўзига элхон (улус хони) унвонини олишган (Туркийлашган мўғул жалойир ва сулдуз уругларининг вакиллари бўлган жалойирийлар ва чўпонийлар сулолалари томонидан Хулақуийлар давлати 1353 йилда тугатилди). Пойтахти – Мароға, Табриз, Султония. Тили – мўғул, туркий ва форс.

1256 – 1353 йиллар – Эронда хулакуийлар (элхонийлар) сулоласи ҳокимиятни бошқарди.

Эронда ҳукмронлик қилган элхонийлар сулоласи (1256 – 1335): Хулакухон (1256/1261 – 1265), Абағохон (1265 – 1282), Султон Аҳмад Текудерхон (1282 – 1284), Арғунхон (1284 – 1291), Иринжи Доржи Гайхатухон (1291 – 1295), Байдухон (1295 йил апрель – октябрь), Султон Маҳмуд Ғозонхон (1295 – 1304), Ўлжайтухон (1304 – 1316), Султон Абу Саид Муҳаммад Баҳодирхон (1316 – 1335).

Бошқа сулолалар ҳомийлиги остидаги элхоний хонлари (1335 – 1353): Маҳмуд Арпа Қуюнхон (1335 – 1336), Мусохон (1336), Музаффариддин Муҳаммадхон (1336 – 1338), Сатибек (1338 – 1339), Сулаймонхон (1339 – 1344); Жаҳон Темурхон (1338 – 1344); Анушервонхон (1344 – 1353).

Хуросонда: Туға-Темур (1338 – 1352) ва бошқалар.

1256 – 1483 йиллар – туркий Қа(х)рамонийлар бейлиги Марказий Онадўлида фаолият юритган. Бу давлатга Қа(х)рамон ибн Нур Суфий томонидан асос солинган. Қаҳрамонийлар Онадўлида энг кучли ва узок умр кўрган туркий сулоладир. Қаҳрамонийлар туркманларнинг афшар уруғига мансуб бўлган. Қарамонийлар бейлиги 1483 йилда Усмонийлар давлатига кўшиб юборилди.

Қа(х)рамонийлар давлати бейларбей ҳукмдорлари:

Кўния султонлигига тобе қа(х)рамон улугбейлари: Қа(х)рамон, Нур Суфий ўғли (1256 – 1261), Шамсиддин Муҳаммад I, Қарамон ўғли (1261 – 1277), Гунери, Шамсиддин Муҳаммад ўғли (1277 – 1286).

Қа(х)рамонийлар давлати бейларбейлари: Гунери, Шамсиддин Муҳаммад ўғли (1286 – 1300), Бадриддин Маҳмуд, Шамсиддин Муҳаммад ўғли (1300 – 1308), Яхшихон, Бадриддин Маҳмуд ўғли (1308 – 1317), Сулаймон, Бадриддин Маҳмуд ўғли (1317), Бадриддин Иброҳим, Бадриддин Маҳмуд ўғли (1317 – 1341), Бурҳониддин Мусо, Бадриддин Маҳмуд ўғли (1341 – 1345), Аълоиддин Халил, Бадриддин Маҳмуд ўғли (1345 – 1349), Фаҳриддин Аҳмад, Бадриддин Иброҳим ўғли (1349), Шамсиддин, Бадриддин Иброҳим ўғли (1349 – 1352), Бурҳониддин Мусо, Бадриддин Маҳмуд ўғли (1352 – 1355), Сайфиддин Сулаймон, Аълоиддин Халил (1355 – 1381), Аълоиддин Али, Аълоиддин Халил ўғли (1381 – 1391), Носириддин Муҳаммад, Аълоиддин Али ўғли (1403 – 1419), Носириддин Муҳаммад, Аълоиддин Али ўғли (1421 – 1424), Тожиддин Иброҳим, Носириддин Муҳаммад ўғли (1424 – 1463), Исҳок, Тожиддин Иброҳим ўғли (1463 – 1464), Пир Аҳмад, Тожиддин Иброҳим ўғли (1464 – 1474), Қосим, Пир Аҳмад ўғли (1474 – 1483).

1257 йил – Парижда Сорбонна университетига асос солинди.

1258 йил – Бағдод шаҳри Хулагухон бошчилигидаги мўғуллар томонидан истило қилинди. Аббосийлар халифалигининг ҳукмронлиги тугатилди.

Халифанинг ворислари Қохирага кўчиб кетди ва мамлук турк султонлари қўлида қўғирчокка айланди.

1258 – 1282 йиллар – Никей подшоси ва Византия императори Михаил VIII Палеологнинг ҳукмронлиги даври.

1258 – 1326 йиллар – таникли давлат арбоби Усмон I Ғозий яшаб ўтган давр.

1260 йил – Хулағухон бошчилигидаги мўғуллар Алеппо ва Дамашқни эгаллади. Бироқ уларни мамлук турклари Айн-Жалют ва Галилейда тор-мор қилишди.

1260 йил – Хубилайхон [Қубилайхон] мўғулларнинг Буюк хони деб эълон қилинди (У 1294 йилгача Мўғуллар давлати ҳукмдори [қоон] бўлди).

1261 йил 13 март – Никея подшолиги ва Генуя Республикаси ўртасида Константинополни босиб олишга мўлжалланган Нимфей шартномаси тузилди.

1261 йил 25 июль – Никея подшоси Михаил VIII Палеолог томонидан Константинополь босиб олинди. Лотин империяси тугатилди. Константинополь яна Византия империясининг пойтахтига айлантирилди.

1261 йил – 1265 йил 8 февраль – хулақуийлар (элхонийлар) сулоласи ҳамда Хулақуийлар давлати асосчиси Хулағухон (Хубилайхоннинг укаси) нинг ҳукмронлик даври.

1261 – 1424 йиллар – Анатолияда туркий Ментеше бейлиги мавжуд бўлган. Бейликка Ментешебей бошлиқ ўғуз қабилаларидан бирининг сардори томонидан Муғла, Каша, Финика, Чина, Тавас, Чамэли, Ойдин ерларини ўз ичига олган ҳудудда асос солинган. Бейлик кейинчалик Усмонийлар давлатига тобе бўлди ва 1424 йилда тугатилди.

Ментеше бейлари: Ментешебей (1261 – 1295), Ментешебей Масъуд, Ментешебей ўғли (1295 – 1319), Шужоъиддин Ўрхун, Ментешебей ўғли (1319 – 1337), Иброҳим, Ўрхун ўғли (1337 – 1354), Мусо, Иброҳим ўғли (1354 – 1375), Тожиддин Аҳмад Ғозий, Иброҳим ўғли (1375 – 1391), Муҳаммад, Иброҳим ўғли (1391), Музаффариддин Илёс, Муҳаммад ўғли (1402 – 1421), Лайс, Илёс ўғли (1421 – 1424).

1261 – 1453 йиллар – Византия империясини палеологлар сулоласи бошқарди.

1261 – 1517 йиллар – Мисрда аббосий халифаларининг ҳукмронлик даври. Бу пайтда халифалик бошқенти (пойтахти) Қохира шаҳри бўлган. Бағдодни мўғуллар босиб олгач, аббосийлар 1261 йилда бу ерда ўз ҳукмронликларини ўрнатишди. Қохирадаги Аббосийлар халифалиги 1517 йилда Усмонли турк султонлиги томонидан тугатилди.

Қохирадаги аббосий халифалар: ал-Мустансир (1261), ал-Ҳоким I (1261 – 1302), ал-Мустақфий I (1302 – 1340), ал-Восиқ I (1340 – 1341), ал-Ҳоким II (1341 – 1352), ал-Муътазид I (1352 – 1362), ал-Мутаваккил I (1362 – 1377);

1377 – 1383; 1389 – 1406), ал-Муътасим (1377; 1386 – 1389), ал-Восиқ II (1383 – 1386), ал-Мустаъин (1406 – 1414), ал-Муътазид II (1414 – 1441), ал-Мустакфий II (1441 – 1451), ал-Қойим (1451 – 1455), ал-Мустанжид (1455 – 1479), ал-Мутаваккил II (1479 – 1497), ал-Мустамсик (1497 – 1517; 1508 – 1517), ал-Мутаваккил III (1517).

1262 – 1368 йиллар – туркий Анатолияда Инанч ўғиллари бейлиги мавжуд бўлган. Бейлик Денизли вилоятида ташкил қилинган. Бейлик 1368 йилда Гармиён ўғилларининг Денизлини олишидан сўнг тугатилди.

1263 йил – Москва князлигига асос солинди (1547 йилда князлик Бутун рус подшолигига айлантирилди). Пойтахти – Москва. Тили – рус. Дини – православлик. Майдони – 3 млн. км² (1547). Аҳолиси – 6 млн. киши (1530). Сулоласи – рюриковичлар.

Москва князлари: Даниил Александрович (1263 – 1303), Юрий Данилович (1303 – 1325), Иван I Данилович Калита (1325 – 1340), Симеон Иванович Гордый (1340 – 1353), Иван II Иванович Красный (1353 – 1359), Дмитрий Иванович Донской (1359 – 1389).

Владимир буюк князлари: Ярослав Ярославич (1263 – 1271), Василий Ярославич (1272 – 1276), Дмитрий Александрович Переяславский (1276 – 1281; 1284 – 1294), Андрей Александрович Городецкий (1281 – 1284; 1294 – 1304), Михаил Ярославич Тверской (1304 – 1318); Дмитрий Михайлович [Грозние Очи] (1322 – 1326), Александр Михайлович Тверской (1326 – 1327), Александр Васильевич (1328 – 1331); Дмитрий Константинович Суздальский (1360 – 1363) ва бошқалар.

Москва буюк князлари: Василий I Дмитриевич (1389 – 1425), Василий II Васильевич Тёмный (1425 – 1433; 1433 – 1434; 1434 – 1445; 1445 – 1446; 1447 – 1462), Юрий Дмитриевич (1433; 1434), Василий Юрьевич Косой (1434), Дмитрий Юрьевич Шемяка (1445; 1446 – 1447), Иван III Васильевич (1462 – 1505), Василий III Иванович (1505 – 1533), Иван IV Васильевич Грозный (1533 – 1584) ва бошқалар.

1264 йил – Пекин шахри Хонбалиқ номи билан Мўғуллар империяси пойтахтига айланди.

1265 йил – Англияда парламент жорий этилди.

1265 йил 19 июнь – 1282 йил 1 апрель – хулакуийлар (элхонийлар) сулоласи вакили Абаға ҳукмронлик қилган давр.

1265 – 1290 йиллар – Дехли султонлигида туркий балбанлар сулоласи фаолият юритган.

Балбанлар сулоласи ҳукмдорлари: Гиёсиддин Балбан (1265 – 1287), Муиззуддин Кайқубод (1287 – 1289), Шамсуддин Кайқумарс (1289 – 1290).

1265 йил май – 1321 йил 14 сентябрь – илк Ренессанс даврининг буюк шоири, публицисти, файласуф ва сиёсий арбоб Данте Алигъери яшаган ва фаолият юритган давр.

1266 – 1765 йиллар – Шибан улусида шибанийлар сулоласи ҳукмронлик қилган. Шибан улусига Жўчининг бешинчи ўғли Шибан томонидан асос солинди. Шибан арабшоҳлар, кучумхонлар ва шайбонийлар каби туркий сулолаларнинг ҳам бобокалони ҳисобланади.

Шибан улуси ҳукмдорлари: Шибан султон (1243 йилдан), Баҳодур султон (1266 – 1280), Жўчи-буға (1266 – 1280), Бадакул султон, Минг-Темур (? – 1359), Пўлод-Темур (1359 – 1367), Иброҳим ўғлон ва Арабшоҳ (1367; биргаликда), Алибекхон (1367 – 1375), Қоғонбек (1375 – 1380), Давлатшайх (1382 – ?).

Сибирь шибанийлари: Иброҳим ибн Пўлод [Чинги Тўра хони] (? – 1410), Давлатшайх ўғлон [Сибирь хони] (1410 – 1426), Мустафоҳон (1420 – 1431), Ҳожи Муҳаммад (1421 – 1428), Абулхайр Убайдуллаҳон [Ўзбек улуси хони] (1428 – 1468), Ибоқхон (1448 – 1495), Мамуқхон (1495 – 1496), Ағалак султон (1497 – 1500), Қутлуқхон (1500 – 1506), Муртазоҳон, Кучумхон (1563 – 1598), Алихон (1602 – 1608).

Жўчи улуси шибанийлари [Жўчи улуси хонлари]: Хизрхон (1360), Темур Хўжаҳон (1360), Ҳожи Муродхон (1360), Алибекхон (1359 – 1375), Ғиёсиддин Қоғонбекхон (1375 – 1421), Арабшоҳхон (1377 – 1378).

Қозон шибанийи [Қозон хони]: Мамуқхон (1495 – 1496).

Қосим шибанийлари [Қосим подшолиги хонлари]: Алп Арслонхон (1614 – 1626), Сайид Бурҳонхон (1626 – 1679).

Кўк Ўрда шибанийлари [Кўк Ўрда хонлари]: Жумадук (1425 – 1428), Абулхайр Убайдуллаҳон (1428 – 1468), Шайх Ҳайдархон (1468 – 1469), Ёдгорхон (1458 – 1468), Беркэ султон (1468 – 1469), Хуш Ҳайдархон (1469); Илоқхон (1469 – 1484), Аминакхон (1484 – ?), Элбарсхон Беркэ султон ўғли (1511 йилдан Хоразм хони: 1511 – 1518 ва бошқалар).

Хоразм шибанийлари шайбонийлари [Хоразм хонлари]: (1511 – 1728): Абулмансур Элбарсхон, Беркэ султон ўғли (1511 – 1518), Султон Ҳожихон (1518 – 1519), Ҳасанқулихон (1519), Сўфиёнхон (1519 – 1522), Бужуғаҳон (1522 – 1526), Аванешхон (1526 – 1538), Калхон (1541 – 1547), Агатайхон (1547 – 1557), Дўстхон (1557 – 1558), Ҳожи Муҳаммадхон (1558 – 1603), Араб Муҳаммадхон (1603 – 1621), Ҳабаш султон ва Элбарс султон (1621 – 1623), Исфандиёрхон (1623 – 1643), Абулғозихон (1643 – 1663), Абулмузаффар Муҳаммад Анушаҳон (1663 – 1686), Худойдодхон (1686 – 1689), Эренгхон (1689 – 1694), Жўчихон (1694 – 1697), Валихон (1697 – 1698), Шохниёзхон (1698 – 1702), Шохбахтхон (1702 – 1703), Сайид Алихон (1703), Мусахон (1703 – 1704), Ёдгорхон (1704 – 1714), Шерғозихон (1714 – 1728), Элбарс, Шох Ниёз ўғли (1728 – 1740), Абулғозий Муҳаммад, Элбарс ўғли (1740 – 1745) ва бошқалар.

1268 йил – мамлуқлар султони Бейбарс I Антиохияни эгаллади. Бу воқеалар саккизинчи салиб юришига баҳона бўлди.

1270 – 1272 йиллар – саккизинчи салиб юриши.

1270 – 1285 йиллар – Францияда Филипп III Жасурнинг ҳукмронлик даври.

1271 йил – Хитойда мўғулларнинг Буюк Юань давлати [мўғулча: Их Юан Улуси] ташкил топди (1368 йилда бу давлат парчаланиб кетди). Пойтахти – Хонбалик, Шанду. Тили – хитой, мўғул. Дини – буддизм, конфуцийлик, даосизм, тангричилик. Майдони – 14 000 000 км² (1310). Аҳолиси – 90 000 000 (1300; Ер юзи аҳолисининг 20 %). Сулоласи – юань.

1271 – 1291 йиллар – венециялик Марко Поло Хитойда мўғуллар хизматида бўлди.

1271 – 1368 йиллар – мўғулларнинг Буюк Юань давлати [мўғулча: Их Юан Улуси] мавжуд бўлган.

Хитойда юань сулоласи давридаги мўғул қоонлари императорлари (1271 – 1368): Кубилайхон [Хубилайхон] (1271 – 1294), Темур (1294 – 1307), Хайсан (1307 – 1311), Аюрбарибада (1311 – 1320), Шидэбала (1320 – 1323), Есун-Темур (1323 – 1328), Ражапика (1328), Туғ Темур (1328 – 1329; 1329 – 1332), Хошила (1329), Иринжибал (1332), Тўғон Темур (1333 – 1368/1370) ва бошқалар.

1275 – 1333 йиллар – Анатолияда туркий Соҳиб ота ўғиллари бейлиги мавжуд бўлган. Бейлик асосчиси Рум салжуқийлари (Кўния султонлиги) саройида 1266 – 1285 йилларда вазирлик қилган Соҳиб ота Фахриддин Алидир. У 1275 йили Афён шаҳрида бейлик тузди. Вилоят бунгача Қорахисор деб номланган, кейинчалик Афён Қорахисор деб аталди. Кейинчалик мазкур бейлик Гармиён бейлигига қўшилиб кетди.

1276 йил – мўғуллар Хитойдаги жанубий сун сулоласи пойтахти Ганьчжоуни босиб олди.

1277 – 1322 йиллар – Анатолияда туркий Парвона бейлиги мавжуд бўлган. Бейликка салжуқийлар саройида хизмат қилган Сулаймоннинг ўгли Муиниддин Муҳаммадбей асос солган. Кейинчалик бейлик худуди Исфандиёр ўғиллари бейлиги таркибига қўшилиб кетди.

1278 йил – Андорра давлати ташкил топган.

Расмий номи – *Андорра Князлиги [Principat d' Andorra]*. Расмий тили – каталон, испан, француз. Пойтахти – Андорра-ла-Велья. Йирик шаҳри: Андорра-ла-Велья. Бошқарув шакли – парламентар князлик. Давлат бошлиғи – иккита князь (Франция президенти ҳамда Испания епископининг маҳаллий вакиллари) томонидан бошқарилади. Князлар – Франсуа Олланд; Жоан Энрик Вивес Сисилия (2003 йил 12 майдан). Бош вазир – Антони Марти Петит (2011 йил 12 майдан). Давлат тузилиши – унитар. Худуди – 468 км². Аҳолиси – 76 098 киши. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент – Водийлар Бош кенгаши. Маъмурий жиҳатдан 7 та паррокий [каталонча: жамоа] (Андорра-ла-Велья, Канильо, Ла-Массана, Ордино, Сант-Жулия-де-Лория, Энкамп, Эскальдес-Энгордань)га бўлинади.

Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига (99%) эътиқод қилади. Валютаси – евро.

1280 – 1368 йиллар – Хитойда мўғулларнинг Юань ёки Да Юань (Буюк Юань) сулоласи ва давлати ҳукмронлик қилган (Юань сулоласига Мўғулистон буюк қоони Хубилайхон томонидан аслида 1271 йилда асос солинган. Хубилайхон Хитойда ҳам бу сулола ва давлатга асос солиб, Ши-цзу номи билан 1280 – 1294 йилларда давлатни бошқарган). Мўғуллар ҳукмронлигига қарши Хитойда кўтарилган «қизил кўшинлар» кўзғолони натижасида 1368 йилда юань сулоласи ағдариб ташланди ва ҳокимиятга хитойликларнинг мин сулоласи келди.

1281 – 1326 йиллар – Усмонли турк давлатининг асосчиси Усмон I Ғозийнинг ҳукмронлик даври.

1282 – 1342 йиллар – таниқли давлат арбоби Ўзбекхон [Султон Муҳаммад Ўзбекхон] яшаган ва фаолият юритган давр. У Олтин Ўрда хони (1312 – 1342), Мангу Темирхоннинг невараси.

1282 – 1918 йиллар – Австрияда ҳукмронлик қилган габсбурглар сулоласи (1282 йилдан герцоглар, 1438 йилдан императорлар, 1453 йилдан эрцгерцоглар, 1804 йилдан Австрия императорлари, 1867 йилдан Австрия-Венгрия императорлари)нинг бошқарув даври. Улар Австриядан ташқари Чехия ва Венгрияда (1526 – 1918), Италиянинг баъзи қисмларида (XVII асрдан то 1866 йилгача), Муқаддас Рим империясида (1438 – 1806 йиллар; 1740 – 1745 йиллар мустасно), Испанияда (1516 – 1700), Нидерландияда ҳукмронлик қилишган. Габсбурглар сулоласининг бобокалони Юқори Эльзасдан Гунтр Бадавлат бўлган (тахминан 900 йил). Габсбурглар Юқори Рейн ва Ўрта Швейцарияда 1090 йилдан графлар, 1135 йилдан ландграфлар бўлишган (улар Швейцария вилояти Ааргауда 1020 йили Габсбург қалъасини қуришган; сулола номи шундан олинган). Габсбурглар 1273 йилдан Германиянинг иккинчи даражали князлари, улар 1438 йилдан Муқаддас Рим империясининг илк императорлари қилиб сайланган. Рудольф I (ҳукмронлик даври: 1273 – 1291 йил) габсбурглар учун Австрия ва Штирия герцоглигини ташкил этган. 1438 йилда габсбурглар сулоласи вакили Альберт Габсбург Германия императори қилиб сайланди. Габсбурглар шу санадан бошлаб доимий равишда императорлар қилиб сайланган. Карл V даврида (1516 йилдан – Испания қироли Карл I; 1519 йилдан Муқаддас Рим империяси императори) габсбурглар ҳокимияти остида Германия, Австрия, Чехия, Венгрия, Нидерландия ва Италиянинг бир қисми, Испания ва унинг Америкадаги колониялари бўлган. 1867 йил Габсбурглар империяси Австрия-Венгрия монархиясига айланди. 1918 йилда габсбурглар сулоласи тугатилди.

Габсбурглар – герман қироллари ва Муқаддас Рим империяси императорлари, Австрия ҳукмдорлари (1282 – 1556): Рудольф I (1273/1282 – 1291), Альбрехт I (1298 – 1308), Фридрих Австриялик (1314 – 1330), Альбрехт II (1438 – 1439), Фридрих III (1440 – 1493), Максимилиан I (1493 – 1519), Карл V, император (1519 – 1556; испан қироли Карл I нинг ўзи).

Испан қироллари (1516 – 1765): Карл I (1516 – 1556), Филипп II (1556 – 1598), Филипп III (1598 – 1621), Филипп IV (1621 – 1665), Карл II (1665 – 1700).

Фердинанд I (1556 – 1564), Максимилиан II (1564 – 1576), Рудольф II (1576 – 1612), Маттиас (1612 – 1619), Фердинанд II (1619 – 1637), Фердинанд III (1637 – 1657), Леопольд I (1658 – 1705), Иосиф I (1705 – 1711), Карл VI (1711 – 1740); Мария Терезия, Австрия ҳукмдори (1740 – 1780; у Тоскания буюк герцоги Франц Стефан Лотарингиялик (1737 – 1765), унинг ўзи – император Франц I (1745 – 1765)га турмушга чиққан).

Тоскания буюк герцоглари (1765 – 1860): Леопольд I (1765 – 1790) (император Леопольд II); Фердинанд III (1790 – 1801, 1814 – 1824), Леопольд II (1824 – 1859), Фердинанд IV (1859 – 1860).

Габсбурглар – лотаринглар хонадони (1765 – 1918): Иосиф II, император (1765 – 1790), Австрия ҳукмдори (1780 – 1790); Леопольд II (1790 – 1792), яна Тоскания буюк герцоги; Франц II (1792 – 1806), Австрия императори сифатида Франц I (1804 – 1835); Фердинанд I (1835 – 1848), Франц Иосиф I (1848 – 1916), Карл I (1916 – 1918). Австрияда габсбурглар сулоласига тегишли бошқа тармоқлар ҳам ҳокимиятни бошқарган.

1284 – 1326 йиллар – Анатолияда туркий Ашраф ўғиллари бейлиги мавжуд бўлган. Бу туркий бейлик Бейшехр ва Сейдишехр худудларида ҳукмронлик қилган. Пойтахти – Бейшехр [Бекшаҳар]. Унга Сайфиддин Сулаймон ибн Ашраф асос солган. Мўғуллар томонидан тугатилган.

1285 – 1314 йиллар – Франция қироли Филипп IV Чиройлининг ҳукмронлик даври.

1285 – 1347 йиллар – Анатолияда туркий Кареси бейлиги мавжуд бўлган. У асосан Византиядан тортиб олинган худудларда ташкил топган. Бейлик 1308 – 1335 йилларда Хулакуийлар давлатига, 1335 – 1347 йилларда эса усмонийларга тобе бўлган. Усмонли турк султонлиги давлатига 1347 йилда қўшиб олинган.

Кареси бейлари: Каресибей, Каломшоҳ ўғли (1285 – 1332), Темурхон, Каресибей ўғли (1332 – 1336), Яхшибей, Каресибей ўғли (1336 – 1341), Ажлон, Яхшибей ўғли (1341 – 1345), Сулаймон, Ажлон ўғли (1345 – 1347).

1286 – 1429 йиллар – Анатолияда туркий Гармиён бейлиги мавжуд бўлган. Унга Али Шир асос солган. Пойтахти – Кутайя. Гармиён бейлиги Анатолиядаги энг кучли бейлик ҳисобланган. Кейинчалик бейлик Усмонийлар давлатига қўшиб юборилди.

Гармиён бейлари: Али Шир (1286 – 1299), Ёқуб I Гармиёнхон, Али Шир ўғли (1299 – 1330), Мухаммадбей, Ёқуб I ўғли, (1330 – 1360), Сулаймоншоҳ, Мухаммадбей ўғли (1360 – 1388), Ёқуб II, Сулаймоншоҳ ўғли (1388 – 1390).

1288 – 1359 йиллар – Усмонли турк хукмдори Ўрхон I Ғозий яшаган ва фаолият юритган давр.

1291 йил 1 январь – Швейцария давлати эълон қилинди (1648 йил 24 октябрь – Швейцария тан олинди. 1848 йил 21 ноябрь – Швейцария Федерацияси ташкил топди (Федератив хартиядан).

Расмий номи – *Швейцария Конфедерацияси* [немисча: *Schweizerische Eidgenossenschaft*; французча: *Confédération suisse*; италияча: *Confederazione Svizzera*; романшча: *Confederaziun svizra*]. Расмий тили – немис, француз, италия, романш (швейцар реторомани). Пойтахти – Берн (амалда). Йирик шаҳарлари: Цюрих, Женева, Базель, Берн, Лозанна. Бошқарув шакли – федератив республика. Давлат ва ҳукумат бошлиғи – федерация президенти. Федерал президентлар – Ули Маурер, Эвелине Видмер-Шлумпф, Дидье Буркхальтер. Вице-президентлар – Дорис Лойтхард, Симонетта Соммаруга. Федерал канцлерлар – Ален Берсе, Йоханн Шнайдер-Амманн, Корина Казанова. Давлат тузилиши – федератив. Худуди – 41 284 км². Аҳолиси – 7 996 026 киши. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали Федерал Мажлис: Миллий Кенгаш ва Кантонлар Сенати. Маъмурий-худудий тузилиши 26 та кантон, уларнинг 6 таси ярим кантон ҳисобланади: Аргау (маркази – Арау), Аппенцелль-Ауссерроден (Херизау), Аппенцелль-Иннерроден (Аппенцелль), Базель-Штадт (Базель), Базель-Ланд (Листаль), Берн (Берн), Вале (Сьон), Во (Лозанна), Гларус (Гларус), Граубюнден (Кур), Женева (Женева), Золотурн (Золотурн), Люцерн (Люцерн), Невшатель (Невшатель), Нидвальден (Штанс), Обвальден (Зарнен), Санкт-Галлен (Санкт-Галлен), Тичино (Беллинцона), Тургау (Фрауэнфельд), Ури (Альтдорф), Фрибур (Фрибур), Цуг (Цуг), Цюрих (Цюрих), Шаффхаузен (Шаффхаузен), Швиц (Швиц), Юра (Делемон) ва 2495 та жамоадан иборат. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг протестант ва католик мазҳабларига эътиқод қилади. Валютаси – швейцария франки.

1291 йил – салибчилар Шарқдаги барча мулкларидан ажралди.

1292 – 1320 йиллар – Деҳли султонлигида туркий халқийлар сулоласи фаолият юритган.

Халқийлар сулоласи ҳукмдорлари: Жалолиддин Фирузшоҳ ибн Йағруш (1292 – 1296), Рукнуддин Иброҳимшоҳ (1296), Алоуддин Мухаммадшоҳ (1296 – 1316), Шихобуддин Умаршоҳ (1316), Қутбиддин Муборакшоҳ (1316 – 1320).

1292 – 1460 йиллар – Анатолияда туркий Исфандиёр ўғиллари бейлиги мавжуд бўлган. У 1292 – 1307 йилларда Кўния султонлигига, 1307 – 1335 йилларда хулакуийларга, 1383 – 1402 ва 1413 – 1460 йилларда усмоний-

ларга тобе бўлган. Бошқа вақт мустақил бўлган. Бейлик худуди Кастамон, Синоп, Самсун, Чанкири ва Зонғулдоқ ерларини ўз ичига олган. Усмонли турк султони Муҳаммад II Фотиҳ Трапезунд империясига қарши юришдан қайтаётганда 1460 йилда Синоп ва Кастамонни Усмонийлар давлати таркибига қўшиб олди.

Исфандиёр ўғиллари бейлиги ҳукмдорлари: Темур Жондор Шамсиддин (1291 – 1301), Сулаймон I, Темур Жондор ўғли (1301 – 1339), Иброҳим I, Сулаймон I ўғли (1339 – 1345), Одил, Ёқуб ўғли, Темур Жондор невараси (1345 – 1374), Боязид, Одил ўғли (1374 – 1385), Сулаймон II, Боязид ўғли (1385 – 1393), Исфандиёр, Боязид ўғли (1403 – 1439), Иброҳим II, Исфандиёр ўғли (1439 – 1443), Абулҳасан Исмоил, Иброҳим II (1443 – 1460).

1293 йил – Индонезия худудида Мажапахит давлати ташкил топди (У 1520 йилда парчаланиб кетди). Пойтахти – Мажапахит. Тили – ява, санскрит. Дини – буддизм, шиваизм, ислом. Сулоласи – вижаи.

1296 йил – Рим папаси билан Франция қироли Филипп IV ўртасида низо келиб чиқди.

1296 йил – ҳозирги Таиланд худудида Тай давлати Ланна (пойтахти – Чанмай) ташкил топди.

1297 йил 8 январь – Генуядаги фуқаролар уруши даврида Монако худуди Франческо Гримальди ва унинг тарафдорлари томонидан эгалланди ҳамда мустақилликка эришди (Генуядан). Гримальди сулоласининг Монако давлатида ҳукмронлик даври бошланди (1798 йилда Монако Франция томонидан босиб олинди; 1814 йил 30 майда Монако князлиги худуди аввалги чегараларида тикланди).

Расмий номи – *Монако Князлиги* [французча: *Principauté de Monaco*]. Расмий тили – француз. Пойтахти – Монако. Йирик шаҳарлари: Монако [Монако-Виль], Монте-Карло, Ла-Кондамин ва Фонвей. Бошқарув шакли – конституциявий монархия (князлик). Давлат бошлиғи – князь. Князь – Альбер II. Давлат вазири – Мишель Роже. Давлат тузилиши – унитар. Худуди – 2,02 км². Аҳолиси – 35 986 киши. Қонун чиқарувчи ҳокимият князь ва бир палатали парламент Миллий Кенгашга тегишли. Маъмурий-худудий тузилиши жихатдан Монако, Монте-Карло ва Кондамин каби 3 та худудга бўлинган. Давлат дини – христиан динининг католик мазҳаби. Валютаси – евро.

1299 йил 27 июль – Усмонли турк султонлиги [усмонли туркчада: Devlet-i Aliyye-i Osmaniyye; Европа адабиётларида: Оттоман империяси; Россия адабиётларида: Осман империяси] давлатига асос солинди.

Анатолиянинг шимоли-ғарбий қисмида Усмон ўғиллари (Усмонийлар) бейлиги ташкил топди. Бейликка кўчманчи ўғуз қабиласининг қай уруғидан чиққан Усмон асос солди. Бейликни усмонийлар сулоласи вакиллари бошқаришди. Турк тарихчилари ёзишича, ўғузларнинг қай уруғи бир вақтлар хоразмшоҳлар қўшинида хизмат қилган. Кейин эса улар Туркис-

тондан Анатолияга кўчиб келишган. Аввалига қайлар ҳозирги Анқаранинг фарбидаги Қоражадага жойлашишди. Кейинчалик уларнинг бир қисми Ахлат, Арзурум, Арзинжон, Амас ва Ҳалабгача етиб бориб жойлашишди, хосилдор Чукурова худудига келиб ўрнашишди. Шу жойда қайларнинг Эртўғрул бошчилигидаги ҳарбий бўлинмаси (400 – 500 киши) мўғуллар ҳужумидан паноҳ истаб, Кўния султони салжуқий Кайқубод I ҳузурига боришди. Кайқубод I Эртўғрулга Вифиния чегарасидаги византияликлардан тортиб олинган уш (салтанат чеккасида махсус худуд) берди. Уш унча катта бўлмай, Мелангия (Қорачаҳисор) ва Сёгут (Эскишеҳрнинг шимоли-фарбида)дан иборат эди. Турк тарихчиларининг ёзишича, Эртўғрул 1281 йили 90 ёшида вафот этган. Унинг ўғли Усмон 1258 йил Сёгутда туғилган. Усмоннинг дастлабки ҳарбий муваффақияти 1291 йилда Мелангияни забт этиши бўлди. Византиянинг бу мўъжаз шаҳарчасини Усмонбей ўзига қароргоҳ қилиб олди. Орадан кўп ўтмай, Усмонбей ўзига қарашли уш (мулк)ни мустақил давлат, ўзини эса ҳеч кимга тобе бўлмаган ҳукмдор деб эълон қилди. Усмонбей 1299 йилда ўзига султон унвонини қабул қилди. У 1301 йилда Енишеҳр (Янги шаҳар)ни забт этиб, у ерга қалъа қургач, Бурса шаҳрини қўлга киритиш учун тайёрланди. Усмонли турк султонлиги 1922 йил 1 ноябрда тугатилди).

Пойтахти – Сёгут (1299 – 1329), Бурса (1329 – 1365), Эдирна (1365 – 1453), Истанбул (1453 – 1922). Тили – усмонли тили (ҳозирги турк тили) ва б. Давлат раҳбари – султон. Дини – ислом (суннийлик оқими). Пул бирлиги – акча, куруш, лира. Майдони – 5 200 000 км² (1683). Аҳолиси – 35 350 000 киши (1856; Ер юзи аҳолисининг 2,6 %).

1299 – 1922 йиллар – Усмонли турк султонлиги фаолият юритган давр.

Усмонлилар сулоласи аجدодлари: Шоҳ Сулаймон, Қай Алп ўғли (1178 – 1227; 1214 – 1227 йилларда Сёгут [Сёгут] ушбейи), Эртўғрулбей, Шоҳ Сулаймон ўғли (1191 – 1281; 1227 – 1281 йилларда Сёгут [Сёгут] ушбейи).

Усмонлилар [Усмонли турк] давлати ҳукмдорлари:

Улуғбейлар: Усмон I [Фаҳруддин Усмонбей, Эртўғрулбей ўғли] (1281 – 1299 йилларда Сёгут [Сёгут] ушбейи; 1299 – 1324 йилларда Усмонли давлатининг ҳукмдори), Ўрхон [Ихтиёриддин Ўрхонбей, Усмон I ўғли] (1326 – 1362);

Султонлар: Мурод I [Мурод Худовандкор, Ўрхон ўғли] (1362 – 1389), Боязид I Йилдирим, Мурод I ўғли (1389 – 1402), Сулаймон Чалабий, Боязид I ўғли (султон ва Европадаги мулкларнинг ҳукмдори: 1402/1403 – 1411), Мусо Чалабий, Боязид I ўғли (султон ва Европадаги мулкларнинг ҳукмдори: 1411 – 1413), Мехмед I Чалабий [Мухаммад I Чалабий], Боязид I ўғли (султон ва Кичик Осиёдаги мулкларнинг ҳукмдори: 1413 – 1421), Мурод II, Мехмед I ўғли (1421 – 1444; 1446 – 1451);

бейлиги ташкил топди. Кейинчалик бейлик Усманийлар давлатига қўшиб олинган.

Эгридир бейлари: Ҳамидбек Илёс (1300 – 1301), Фалакиддин Дундар, Ҳамид ўғли (1301 – 1324); Нажмиддин Исҳоқ, Дундар ўғли (1328 – 1344), Мустафо, Муҳаммад ўғли, Дундар невараси (1344 – 1358), Илёс, Мустафо ўғли (1358 – 1375), Камолиддин Ҳусайн, Илёс ўғли (1375 – 1391).

Анталия (Теке ўғиллари) бейлари: Юнусбей (1321 – 1328), Хидирбей, Дундар Ҳамид ўғли (1328 – 1340), Теккебей, Хидирбей ўғли (1340 – 1386), Муҳаммад, Маҳмуд ўғли (1386 – 1402), Усмон (1402 – 1404), Усмон Чалабий (1423).

1300 – 1425 йиллар – Анатолияда туркий Ойдин ўғиллари бейлиги мавжуд бўлган. Бейликка салжуқ саркардаси Ойдинраис томонидан асос солинган. Ойдинраис Менандра, Олашаҳар, Солихли водийларида ҳукмронлик қилган. Пойтахти – Смирна (Измир) шаҳри. Бейликнинг энг муҳим бандаргоҳи Айсалуг (Эфес) бўлган. Бейлик ҳудуди 1425 йилда Усманийлар давлатига қўшиб олинган.

Ойдин ўғиллари сулоласига мансуб бейлар: Ойдинраис (1300 – 1308), Муҳаммад, Ойдин ўғли (1308 – 1334), Умур I, Муҳаммад ўғли (1334 – 1348), Хидир, Муҳаммад ўғли (1348 – 1357), Исо I, Муҳаммад ўғли (1357 – 1390), Исо II, Муҳаммад Чалабий ўғли, Муҳаммад невараси (1402 – 1403), Умур II, Муҳаммад Чалабий ўғли, Муҳаммад невараси (1403 – 1405), Жунайд, Қора Иброҳим ўғли, Муҳаммад укасининг невараси (1405 – 1407; 1411 – 1414; 1422 – 1425).

1302 йил – Францияда Генерал штатлар иш бошлади.

1304 – 1374 йиллар – илк Ренессанс даврининг машҳур италия шоири Франческо Петрарка яшаган ва фаолият юритган давр.

1308 йил – Қўниядаги туркий Рум салжуқий султонлиги давлати тугатилди. Анатолия бир қанча кичик турк давлатлари (бейликлар ва бекликлар) га ажралиб кетди (Шундай бекликлардан бири Қа(х)рамон ўғиллари (Қахрамонийлар) беклиги бўлиб, улар билан усмонийлар ўртасида ҳокимият учун кескин кураш кетган. Бу бекликнинг асосчиси Қа(х)рамонбек бўлган).

1308 йил – 1355 йил 20 декабрь – қирол Стефан Урош IV Душан [Стефан Душан] яшаган ва фаолият юритган давр (У 1331 – 1346 йилларда Сербия қироли, 1346 – 1355 йилларда Серблар ва греклар подшоси бўлган).

1309 йил – Рим папаси Климент V папалик қароргоҳини Авиньонга кўчирди.

1309 – 1446 йиллар – Оқ Ўрда мавжуд бўлган.

1312 – 1342 йиллар – Олтин Ўрдада Ўзбекхоннинг ҳукмронлик даври.

1313 – 1337 йиллар – Мали империясини Манса Мунса бошқарди. Бу пайтда Мали равақ топди.

1313 – 1375 йиллар – италия ёзувчиси, Европа Уйғониш даври адабиётининг йирик вакили Жованни Боккаччо яшаган ва фаолият юритган давр.

1314 йил – Роберт Брюс бошчилигидаги шотландлар Эдуард II раҳбарлигидаги инглизлар устидан Баннокберн яқинида бўлган жангда галаба қозонди. Шотландия ўз мустақиллигини ҳимоя қилди.

1314 – 1393 йиллар – Музаффарийлар давлати Жанубий Эронда фаолият кўрсатди. Бу давлатни музаффарийлар сулоласи бошқарди. Музаффарийлар аввал элхонийларга тобе, сўнг мустақил бошқарувга эга бўлган сулола. Улар аввал Язд, сўнгра Форс, Кирмон ва Исфаҳон вилоятларини бошқаришди. Музаффарийлар араб фотиҳларининг авлоди бўлиб, тўла эронийлашган эди. Амир Темур томонидан 1393 йилда Музаффарийлар давлати тугатилган. Пойтахти – Шероз шаҳри.

Музаффарийлар сулоласи: Муборизиддин Муҳаммад ибн Музаффар (1314 – 1358), Шоҳ Маҳмуд (1358 – 1364), Жалолиддин Шоҳ Шужоъ (1364 – 1384), Имомуддин Аҳмад (Кирмонда; 1384 – 1393), Нусратуддин Яхё (Яздда; 1387 – 1393), Мансур (Шерозда; 1387 – 1393).

1318 йил март – 1389 йил март – нақшбандия тариқатининг асосчиси, буюк мутасаввуф Баҳоуддин Нақшбанд [Баҳоуддин Муҳаммад ибн Бурҳониддин Бухорий; Шоҳи Нақшбанд; Хожаи Бузург] яшаган ва фаолият юритган давр.

1319/1326 – 1389 йиллар – Усмонли турк султони Мурод I яшаган ва фаолият юритган давр.

1320 йил – Усмонли турк султонлигида вазир лавозими таъсис этилди. Кейинчалик бу лавозим Буюк вазир (бош вазир) лавозимига айлантирилди.

Усмонли турк султонлигининг вазирлари: Алоуддин пошо (1320 – 1331), Низомиддин Аҳмад (1331 – 1348), Ҳожи (1348 – 1349), Синонуддин Фақиҳ Юсуф (1349 – 1364); *Усмонли турк султонлигининг буюк вазирлари:* Чандарли Қора Халил Иброҳим пошо (1364 – 1387), Чандарли Али (1387 – 1406), Имомзода Халил (1406 – 1413), Амасьяли Боязид (1413 – 1421), Чандарли Иброҳим (1421 – 1439), Хожа Меҳмед Низомиддин (1429 – 1439), Чандарли Халил (1439 – 1453), Зағонос Меҳмед (1453 – 1456), Маҳмуд Ангелович (1456 – 1468; 1472 – 1474), Рум Меҳмет (1468 – 1469), Исҳок (1469 – 1472; 1481 – 1482), Гедик Аҳмад (1474 – 1476), Хожа Синон (1476 – 1477), Қараманли Меҳмед (1477 – 1481), Хожа Довуд (1482 – 1497), Херсекли Аҳмад (1497 – 1498; 1503 – 1506, 1511; 1512 – 1514; 1515 – 1516), Чандарли Иброҳим Кичик (1498 – 1499), Месих (1499 – 1501), Ходим Али (1501 – 1503; 1506 – 1511), Хожа Мустафо (1511 – 1512), Дукакинўғли Аҳмад (1514 – 1515), Ходим Синон (1515 йил 18 июнь – 23 сентябрь; 1516 – 1517), Девширма Юнус (1517 йил 22 январь – 13 сентябрь), Пири Меҳмед (1518 – 1523), Парғали Иброҳим (1523 – 1536), Айяс Меҳмед (1536 – 1539), Ҳожи Лутфи (1539 – 1541), Ходим Сулаймон (1541 – 1544),

Дамат Рустам (1544 – 1553; 1555 – 1561), Қора Аҳмад (1553 – 1555), Семиз Али (1561 – 1565), Соқоллу Меҳмед (1565 – 1579), Шамси Аҳмад (1579 – 1580), Лала Қора Мустафо (1580), Хожа Синон (1580 – 1582; 1589 – 1591; 1593 – 1595; 1595; 1595 – 1596), Канижели Сиёвуш (1582 – 1584; 1586 – 1589; 1592 – 1593), Усмон Ўздемируғли (1584 – 1585), Ходим Месих Меҳмет (1585 – 1586), Сардор Ферхат (1591 – 1592; 1595), Текели Лала Меҳмед (1595), Дамат Иброҳим (1596; 1596 – 1597; 1599 – 1601), Юсуф Синон (1596), Ходим Ҳасан (1597 – 1598), Жаррох Меҳмед (1598 – 1599), Йемишчи Ҳасан (1601 – 1603), Малқочўғли Явуз Али (1603 – 1604), Соқоллузода Лала Меҳмед (1604 – 1606), Дарвиш Меҳмед (1606), Куюжу Мурот (1606 – 1611), Гюмюлжинели Насух (1611 – 1614), Окюз Меҳмед (1614 – 1616; 1619), Марашли Халил (1616 – 1619; 1626 – 1628), Истанкёулю Гюзелжа Али (1619 – 1621), Охрили Хусайн (1621; 1622), Диловар (1621 – 1622), Қора Довуд (1622), Мере Хусайн (1622; 1623), Лефкели Мустафо (1622), Гюржю Ходим Меҳмед (1622 – 1623), Кеманкеш Қора Али (1623 – 1624), Черкес Меҳмед Али (1624 – 1625), Хофиз Аҳмад (1625 – 1626; 1631 – 1632), Ғозий Икром Хусрав (1628 – 1631), Топал Режеп (1632), Табаниясси Меҳмед (1632 – 1637), Байрам (1637 – 1638), Тайяр Меҳмед (1638), Кеманкеш Қора Мустафо (1638 – 1644), Султонзода Меҳмед (1644 – 1645), Невесинли Солих (1645 – 1647), Қора Муса (1647), Хезарпаре Аҳмад (1647 – 1648), Софу Меҳмед (1648 – 1649), Қора Мурод (1649 – 1651), Меллек Аҳмад (1651), Сиёвуш (1651; 1656), Гюржю Меҳмед (1651 – 1652), Тархунжу Аҳмад (1652 – 1653), Хожа Дарвиш Меҳмед (1653 – 1654), Ибшир Мустафо (1654 – 1655), Армани Сулаймон (1655 – 1656), Дели Хусайн (1656), Зурназен Мустафо (1656), Бойнуярали Меҳмед (1656), Кёпрюлю Меҳмед (1656 – 1661), Фозил Аҳмад (1661 – 1676), Мерзифонлу Қора Мустафо (1676 – 1683), Бойбурутлу Қора Иброҳим (1683 – 1685), Сарик Сулаймон (1685 – 1687), Кёпрюлю Абаза Сиёвуш (1687 – 1688), Нишонжи Исмоил (1688), Текирдўғли Бекри Мустафо (1688 – 1689), Фозил Мустафо Кёпрюлю (1689 – 1691), Баҳодирзода Арабажи Али (1691 – 1692), Мерзифонлу Чалик Ҳожи Али (1692 – 1693), Бозоклу Мустафо (1693 – 1694), Сурмали Али (1694 – 1695), Элмас Меҳмед (1695 – 1697), Амжазода Кёпрюлю Хусайн (1697 – 1702), Далтабан Мустафо (1702 – 1703), Рами Меҳмед (1703), Каваноз Аҳмад (1703), Морали Ҳасан (1703 – 1704), Қалайликўз Ҳожи Аҳмад (1704), Болтажи Меҳмед (1704 – 1706; 1710 – 1711), Чорлулу Дамат Али (1706 – 1710), Нўъмон Кёпрюлю (1710), Гюржю Юсуф (1711 – 1712), Силоҳдор Сулаймон (1712 – 1713), Ҳожа Иброҳим (1713), Силоҳдор Али (1713 – 1716), Ҳожи Халил (1716 – 1717), Нишонжи Меҳмед (1717 – 1718), Невшеҳирли Иброҳим (1718 – 1730), Силоҳдор Дамат Меҳмед (1730 – 1731), Кабакулок Иброҳим (1731), Топал Усмон (1731 – 1732), Ҳакимўғли Али (1732 – 1735; 1742; 1755), Гюржю Исмоил (1735), Силоҳдор Сайид

Мехмед (1736 – 1737), Мухсинзода Абдулла (1737), Йеген Мехмед (1737 – 1739), Ҳожи Иваз Мехмед (1739 – 1740), Нишанжи Шахло Ҳожи Аҳмад (1740 – 1742), Сайид Ҳасан (1742 – 1746), Тиряки Ҳожи Мехмед (1746 – 1747), Сайид Абдулла (1747 – 1750), Довотдор Мехмед Эмин (1750 – 1752), Чорлулу Кёса Бахир Мустафо (1752 – 1755; 1756; 1763 – 1765), Наили Абдулла (1755), Силоҳдор Бийикли Али (1755), Йирмисекиззода Мехмед (1755 – 1756), Хожа Мехмед Рагип (1757 – 1763), Ҳамза Ҳамид (1763), Мухсинзода Мехмед (1765 – 1768), Силоҳдор Моҳир Ҳамза (1768), Ягликжизода Мехмед (1768 – 1769), Молдованжи Али (1769), Иваззода Халил (1769 – 1770), Силоҳдор Мехмед (1770 – 1771), Мухсинзода Мехмед (1771 – 1773), Иззат Мехмед (1773 – 1775; 1781 – 1782; 1794 – 1798), Ягликжизода Дарвиш (1775 – 1777), Дарендели Мехмед (1777 – 1778), Калафат Мехмед (1778 – 1779), Силоҳдор Саид Мехмед (1779 – 1781), Йеген Сайид Мехмед (1782), Халил Ҳамид (1782 – 1785), Хазинадор Шаҳин Али (1785 – 1786), Хожа Юсуф (1786 – 1789; 1791 – 1792), Катхудо Ҳасан (1789 – 1790), Жазоирли Ғозий Ҳасан (1790), Русчуклу Челебизода Шариф (1790 – 1791), Мелек Мехмед (1792 – 1794), Кёр Юсуф Зиёуддин (1798 – 1805; 1809 – 1811), Бўстонжибоши Ҳофиз Исмоил (1805 – 1806), Иброҳим Хилми (1806 – 1807), Челебий Мустафо (1807 – 1808), Байроқдор Мустафо (1808), Човушбоши Мемиш (1808 – 1809), Чорҳожи Али (1809), Лаз Азиз Аҳмад (1811 – 1812), Хуршид Аҳмад (1812 – 1815), Мехмед Эмин Рауф (1815 – 1818; 1833 – 1839; 1841; 1842 – 1846; 1852), Бурдурлу Дарвиш Мехмед (1818 – 1820), Испартали Сайид Али (1820 – 1821), Бендерли Али (1821), Ҳожи Солиҳ (1821 – 1822), Дели Абдулла (1822 – 1823), Турнажизода Силоҳдор Али (1823), Мехмед Саид Галип (1823 – 1824), Бендерли Мехмед Салим Сирри (1824 – 1828), Топал Иззат Мехмед (1828 – 1829; 1841 – 1842), Рашид Мехмед (1829 – 1833), Хожа Хусрав Мехмед (1839 – 1841), Мустафо Рашид (1846 – 1848; 1848 – 1852; 1852; 1854 – 1855; 1856 – 1857; 1857 – 1858), Иброҳим Сарим (1848), Мехмед Эмин Али (1852; 1855 – 1856; 1858 – 1859; 1861; 1867 – 1871), Дамад Мехмед Али (1852 – 1853), Мустафо Наили (1853 – 1854; 1857), Қибрисли Мехмед Эмин (1854; 1859; 1860 – 1861), Мутаржим Мехмед Рушдий (1859 – 1860; 1866 – 1867; 1872 – 1873; 1876; 1878), Кечежизода Мехмед Эмин Фуад (1861 – 1863; 1863 – 1866), Юсуф Комил (1863), Маҳмуд Недим (1871 – 1872; 1875 – 1876), Мидҳад (1872; 1876 – 1877), Аҳмад Эсад (1873; 1875), Ширвонзода Мехмед Рушдий (1873 – 1874), Ҳусайн Авний (1874 – 1875), Ибраҳим Эдҳем (1877 – 1878), Аҳмад Ҳамдий (1878), Аҳмад Вофиқ (1878; 1882), Мехмед Содик (1878), Мехмед Савфет (1878), Хайридин (1878 – 1879), Аҳмад Орифий (1879), Кючюк Мехмед Саид (1879 – 1880; 1880 – 1882; 1882; 1882 – 1885; 1895; 1901 – 1903; 1908 йил 22 июль – 6 август; 1911 – 1912), Мехмед Қадрий (1880), Абдурахмон Нуриддин (1882), Мехмед Комил (1885 – 1891; 1895;

1908 – 1909; 1912 – 1913), Аҳмад Жавод (1891 – 1895), Халил Рифат (1895 – 1901), Меҳмед Фарид (1903 – 1908), Аҳмад Тавфиқ (1909 йил март – май; 1918 – 1919), Ҳусайн Хилмий (1909 йил май – декабрь), Иброҳим Ҳаққи (1910 – 1911), Аҳмад Мухтор (1912 йил июль – октябрь), Маҳмуд Шавкат (1913 йил январь – июнь), Саид Ҳалим (1913 – 1917), Меҳмед Талъат (1917 – 1918), Аҳмад Иззат (1918 йил октябрь – ноябрь), Дамат Меҳмед Фарид (1919 йил март – октябрь; 1920 йил апрель – октябрь), Али Ризо (1919 – 1920), Хулуси Солих (1920 йил март – апрель), Аҳмад Тавфиқ пошо (1920 йил 21 октябрь – 1922 йил 17 ноябрь).

1320 – 1413 йиллар – Деҳли султонлигида туркий туғлуқийлар сулоласи фаолият юритган.

Туғлуқийлар сулоласи ҳукмдорлари: Гиёсуддин Туғлуқшоҳ (1320 – 1325), Фаҳруддин Абулфатҳ Муҳаммадшоҳ; Муҳаммадшоҳ ибн Туғлуқшоҳ (1325 – 1351), Гиёсиддин Маҳмудшоҳ (1351), Фирузшоҳ (1351 – 1387), Муҳаммадшоҳ (1387 – 1388), Гиёсуддин Туғлуқшоҳ (1388 – 1389), Абу Бакршоҳ (1389 – 1390), Носируддин Муҳаммадшоҳ (1390 – 1393), Алоуддин Сикандаршоҳ (1393), Носируддин Маҳмудшоҳ (1393 – 1395, 1399 – 1413), Нусратшоҳ (1395 – 1399) ва б.

1321 – 1401 йиллар – машҳур форс-тожик шоири Камол Хўжандий яшаган ва фаолият юритган давр.

1325 – 1351 йиллар – Муҳаммадшоҳ ибн Туғлуқшоҳ Деҳли султонлигини бошқарган давр. Бу пайтда Деҳли султонлиги аввал равақ топди, сўнгра таназулга юз тутди. Султонлик мўғулларга қарам бўлиб қолди.

1325 ёки 1345 йиллар – ацтеклар Теночтитлан шаҳрига асос солишди. Бу шаҳар ўрнида кейинчалик ҳозирги Мехико шаҳри қурилди.

1325 – 1521 йиллар – Ацтеклар империясини акамапичтли сулоласи бошқарди. Теночтитлан шаҳри давлат пойтахти бўлган. Ацтеклар давлатини Эрнан Кортес бошчилигидаги испан конкистадорлари 1521 йилда тугатишди.

Ацтеклар империясини бошқарган акамапичтлилар сулоласи: Акамапичтли (1371 – 1396), Уилицилипутл (1396 – 1414), Чималпопока (1414 – 1428), Ицкоатл (1428 – 1440), Монтесума I (1440 – 1469), Ашьякатл (1469 – 1481), Тисок (1481 – 1486), Ауисотл (1486 – 1502), Монтесума II (1502 – 1520), Куитлауак (1520), Куаутемок (1520 – 1521).

1326 йил – Анатолияда Усмон Ғозийнинг ўғли Ўрхон Ғозий Бурсани эгаллади ва ўз давлати пойтахтини унга кўчирди.

1326 – 1359 йиллар – Усмонли турк ҳукмдори Ўрхон I Ғозийнинг ҳукмронлик даври.

1326 – 1390 йиллар – машҳур форс шоири ва тасаввуф шайхи Ҳофиз Шерозий яшаган ва фаолият юритган давр.

1327 – 1377 йиллар – Англияда қирол Эдуард IX нинг ҳукмронлик даври.

1328 йил – капетинглар сулоласининг сўнгги вакили Карл IV Чиройли вафот этди ва Франция тахтига Филипп VI Валуа ўтирди. У валуа француз қироллари сулоласига асос солди.

1328 – 1589 йиллар – валуа француз қироллари сулоласининг ҳукмронлик даври. Капетинглар шажарасидан. Валуа графлиги (Франция)дан ўз номини олган. Валуа сулоласи куйидаги 3 та тармоқ (шажара)га ажралган:

Валуа сулоласи. Асосий шажара (1328 – 1498): Филипп VI (1328 – 1350), Иоанн II (1350 – 1364), Карл V (1364 – 1380), Карл VI (1380 – 1422), Карл VII (1422 – 1461), Людовик XI (1461 – 1483), Карл VIII (1483 – 1498);

Орлеан шажараси: Людовик XII (1498 – 1515);

Ангулем шажараси (1515 – 1589): Франциск I (1515 – 1547), Генрих II (1547 – 1559), Франциск II (1559 – 1560), Карл IX (1560 – 1574), Генрих III (1574 – 1589).

1331 йил 8 сентябрь – 1346 йил 16 апрель – Сербия қироли Стефан Душаннинг ҳукмронлик даври.

1332 йил 27 май – 1406 йил 17 март – машхур араб тарихчиси ва файласуфи ибн Халдун яшаган ва фаолият юритган давр.

1333 – 1354 йиллар – Гренадада Наср султонлари томонидан ал-Ҳамро (Альгамбри) сарой-қалъаси қурилди.

1334 йил – Авиньонда папа саройи қурилиши бошланди.

1336 йил – Харихаро I томонидан Жанубий Ҳиндистон (Карнатака)да Виджаянагар ҳинд давлати ташкил топди.

1336 – 1392 йиллар – Харихаро I нинг Ҳиндистонда ҳукмронлик даври.

1336 йил 9 апрель – 1405 йил 18 февраль – машхур давлат арбоби ҳамда ҳарбий саркарда Амир Темур яшаган ва фаолият юритган давр.

1336 – 1432 йиллар – Жалойирийлар сулоласи ва давлати Ироқ, Курдистон ва Озарбайжонда мавжуд бўлди. Бу давлатга туркий халқ жалойир қавмининг вакили Тожиддин Ҳасан Бузург ибн Ҳусайн асос солган. Жалойирийлар давлатини Амир Темур истило қилган. Улар Шохрух Мирзога тобе бўлган. Кейинчалик Жалойирийлар давлатини Қора қуюнлилар 1432 йилда буткул тугатди. Давлат раҳбари – султон. Пойтахти – Табриз ва Бағдод.

Жалойирийлар сулоласи: Тожиддин Ҳасан Бузург ибн Ҳусайн (1336 – 1356), Увайс I ибн Ҳасан Бузург (1356 – 1374), Жалоуддин Ҳусайн I (1374 – 1382), Ғийосуддин Аҳмад (1382 – 1410), Бойазид (1382 – 1383; Курдистонда), Шох Валад (1410 – 1411), Маҳмуд [Шох Валаднинг беваси; 1411 – 1415; 1422 – 1424], Увайс II (1415 – 1421), Мухаммад (1421 – 1422), Ҳусайн II (1424 – 1432).

Шохрухга тобе жалойирий амирлар (1410 – 1431): Валид ибн Али ибн Қосим ибн Ҳасан Бузург (1410 – 1411), Маҳмуд ибн Валид (1411 – 1415),

Увайс ибн Валид (1415 – 1421), Данду хотун бинт Хусайн (1416 – 1419), Муҳаммад ибн Валид (1421 – 1422), Маҳмуд ибн Валид (1422 – 1427), Хусайн ибн Аълоуддавла ибн Аҳмад (1427 – 1431).

1337 – 1386 йиллар – Сарбадорлар давлати Жанубий Хуросонда мавжуд бўлди. Унга Нишопур, Тус, Гургон (Астробод) ва Кирмон ҳам кирган. Бу давлатга Абдураззоқ томонидан асос солинган ва у мўғулларга қарши кўзғолон кўтарган. Сарбадорлар давлати Амир Темур томонидан тугатилган. Давлат маркази – Сабзавор шаҳри.

Сарбадорлар сулоласи: Абдураззоқ (1337 – 1338), Хожа Масъуд ибн Фазлуллоҳ Боштиний (1338 – 1344), Оғамуҳаммад Темур (1344 – 1346), Колу Исфандиёр (1346 – 1347), Хожа Шамсиддин ибн Фазлуллоҳ (1347 – 1349), Хожа Али Шамсиддин Чашмий (1349 – 1355), Амир Аҳё Курробий (1355 – 1358), Хожа Заҳириддин Курробий (1358 – 1359), Паҳлавон Ҳайдар қассоб (1359 – 1360), Амирзода Лутфуллоҳ ибн Хожа Масъуд (1360 – 1361), Паҳлавон Ҳасан Домғоний (1361 – 1365), Хожа Нажмиддин Али Муайяд (1365 – 1386).

1337 – 1357 йиллар – Озарбайжон ҳудудида туркий чўпонийлар сулоласи ҳокимиятни бошқарди. Улар мўғулларнинг туркийлашган сулдуз уруғига мансуб бўлган. Чўпонийлар элхон Абу Саид вафотидан сўнг вужудга келган вазиятдан фойдаланиб, мустақил ҳукмронлик қилишга эришишди. Сулолага Хулаку улусини бошқарган Чўпон нуён томонидан асос солинган. Олтин Ўрда хони Жонибек 1356 – 1357 йилларда Табризни эгаллаб, сулола ҳукмронлигига барҳам берди.

Хулаку улуси бекларбеги Чўпон нуён (1307 – 1327) авлоди бўлган султонлар: Кичик Ҳасан (Темуртошнинг ўғли, Хулаку улуси бекларбеги ва Озарбайжон ноиби: 1327 – 1343), Малик Ашраф (Темуртошнинг ўғли, Хулаку улуси бекларбеги ва Озарбайжон ноиби: 1343 – 1353; Озарбайжон султони: 1353 – 1357).

1337 йил – Франция қироли Филипп VI Гиень вилоятини Англия қироли Эдуард III қўлидан тортиб олди. Инглиз қироли Франция тахтини талаб қилган. Бу воқеа билан Юз йиллик уруш бошланди.

1337 – 1453 йиллар – Англия билан Франция ўртасида Юз йиллик уруш бўлиб ўтган давр.

1337 – 1398 йиллар – Анатолияда туркий Эретна бейлиги мавжуд бўлган. Бейлик асосчиси Эретнабей 1327 – 1337 йилларда хулакуийларнинг Анатолиядаги бош ноиби бўлиб хизмат қилган. Бейлик ҳудуди 1398 йилда Усмонийлар давлати таркибига қўшиб олинган.

Сивас ва Қайсардаги Эретна бейлари: Аълоиддин Эретна ибн Жаъфар (1337 – 1352), Ғиёсиддин Муҳаммад, Эретна ўғли (1352 – 1366), Аълоиддин Али, Муҳаммад ўғли (1366 – 1380), Муҳаммад Чалабий, Али ўғли (1380),

Султон Аҳмад қози Бурҳониддин (1380 – 1398), Зайнулобиддин Муҳаммад (1398).

Арзинжон ва Арзирумдаги бей: Мутаҳҳарбей (1375 – 1404).

1337 – 1522 йиллар – Анатолияда туркий Зулқадар бейлиги мавжуд бўлган. Сулолага Зулқадар ўғли Аҳмад Қорачабей асос солган. Бейлик худуди 1522 йилда Усмонийлар давлатига қўшиб юборилди.

Зулқадар бейлиги бейлари: Зайниддин Қорачабей (1337 – 1353), Халил, Қорачабей ўғли (1353 – 1386), Сули Шаъбон, Қорачабей ўғли (1386 – 1398), Садақа, Сули Шаъбон ўғли (1398 – 1399), Муҳаммад, Халил ўғли (1399 – 1442), Сулаймон, Муҳаммад ўғли (1442 – 1454), Арслонбек, Сулаймон ўғли (1454 – 1465), Шох Будок, Сулаймон ўғли (1465), Шох Сувар, Сулаймон ўғли (1465 – 1472), Шох Будок, Сулаймон ўғли (1472 – 1479), Бузқурд, Сулаймон ўғли (1479 – 1515), Алибек, Шох Сувар ўғли (1515 – 1522).

1339 – 1589 йиллар – мусулмон Кашмир султонлиги мавжуд бўлган. Суфий Шох Мир 1339 йилда Кашмир султонлигига асос солди ва Шамсиддиншоҳ номи билан тахтга ўтирди. Султонликни 1339 – 1561 йилларда шоҳ мир (свати ёки саййидлар), 1561 – 1589 йилларда чак сулоласи вакиллари бошқарди. Буюк бобурийлар империяси томонидан 1589 йилда Кашмир султонлиги тугатилган. Давлат раҳбари – султон (подшоҳ). Пойтахти – Сринагар. Дини – ислом. Сулоласи – шоҳ мирлар [свати ёки саййидлар] (1339 – 1561), чаклар (1561 – 1589).

Кашмир султонлари: Шамсиддиншоҳ I (1339 – 1342), Жамшидшоҳ (1342 – 1343), Алоуддиншоҳ (1343 – 1354), Шаҳобиддиншоҳ (1354 – 1373), Қутбиддиншоҳ (1373 – 1389), Искандаршоҳ I Бутшикан (1389 – 1413), Алишоҳ I (1413 – 1420), ал-Азам Зайн ал-Абидин Будшоҳ (1420 – 1470), Ҳайдаршоҳ (1470 – 1472), ал-Азам Ҳасаншоҳ (1472 – 1484), ал-Азам Муҳаммадшоҳ (1484 – 1486; 1493 – 1505; 1514 – 1515; 1517 – 1528; 1530 – 1537), ал-Азам Фатҳшоҳ (1486 – 1517; 1505 – 1514; 1515 – 1517), ал-Азам Искандаршоҳ II (1517 – 1520), ал-Азам Иброҳимшоҳ (1528 – 1529; 1552 – 1555), ал-Азам Нодиршоҳ (1529 – 1530; 1540 – 1552), ал-Азам Шамсиддиншоҳ (1537 – 1540), ал-Азам Исмоилшоҳ (1540; 1555 – 1557), ал-Азам Маҳмудшоҳ (1557 – 1561), Муҳаммад Ғозишоҳ (1561 – 1563), Насриддин Муҳаммад Ҳусайнбодшоҳ I Ғози (1563 – 1570), Заҳриддин Алишоҳ II (1570 – 1579), Насриддин Муҳаммад Юсуфбодшоҳ Ғози (1578 – 1579; 1580 – 1586), Лоҳаршоҳ (1579 – 1580), Ёқубшоҳ (1586 – 1588), Ҳусайншоҳ II (1586) ва бошқалар.

1340 йил – инглизлар билан французлар ўртасида Слейс денгиз жанги бўлди.

1340 – 1444 йиллар – Сирдарёнинг ўрта оқимида туркий Сифноқ хонлиги мавжуд бўлган. Хонлик пойтахти – Сифноқ шаҳри. Олтин Ўрда хони Ўзбекхон амир Тинибекни Сифноқ хони қилиб тайинлайди. Тинибек ва-

фотидан сўнг Олтин Ўрда хони Жонибекхон қиёт уруғидан бўлган Тениз Буғони Сигноқ амири қилиб тайинлади. Сигноқ хонлиги Ўзбек улуси хукмдори Абулхайрхон томонидан 1444 йилда тугатилди.

Сигноқ хонлари: Тинибекхон (1340 – 1342), Тениз Буғо (1342 – 1361), Қарай Нўғай (1361 – 1364), Тўғли Темур (1364 – 1368), Ўрус (1368 – 1374), Тўхтамиш (1374 – 1375), Ўрус (1375 – 1376), Тўхтамиш (1376 – 1395), Бароқ (1422 – 1428), Аҳмад (1428 – 1444).

1341 – 1408 йиллар – Бибихоним [Сароймулкхоним] яшаган ва фаолият юритган давр. У Чигатой улуси хони Қозонхоннинг қизи, Турон давлати султони Амир Темурнинг бош хотини бўлган.

1343 йил – Англияда парламент икки палатага бўлинди.

1345 – 1419 йиллар – нақшбандия тариқати намояндаси Хожа Муҳаммад Порсо яшаган ва фаолият юритган давр.

1346 йил 26 август – Юз йиллик урушда инглизлар французлар устидан куруқликдаги Креси остоналаридаги жангда ғалаба қозонди. Европада Креси жангида инглизлар томонидан ўқ отадиган тўп биринчи марта ишлатилди.

1346 йил 17 октябрь – Англия ва Шотландия ўртасидаги Невиллс Кроссдаги жангда Шотландия мағлубиятга учрагандан сўнг Англия Мэн Ороли устидан тўлиқ ҳокимиятни ўрнатди.

1346 йил – энг даҳшатли қора ўлат эпидемияси Европада бошланди (У 1352 йилгача давом этиб, Европа аҳолисининг 1/3 қисмини ҳалок қилди).

1346 йил 16 апрель – 1355 йил 20 декабрь – Сербия кироли Стефан Урош IV Душан [Стефан Душан] ўзини Серблар ва греклар подшоси деб эълон қилди.

1346 – 1859 йиллар – Молдавия князлиги мавжуд бўлган (1352 йилдан Венгрия вассали, 1359 йилдан мустақил князлик, 1456 йилдан Туркия вассали бўлган. Кейинчалик Руминияга бирлашган). Пойтахти – Байя (1359 – 1365), Сирет (1365 – 1385), Сучава (1385 – 1572), Ясси (1572 – 1861). Тили – эски румин, эски славян. Дини – православ. Пули – Талер.

1347 йил – Деканнинг шимоли (Ҳиндистон)да мусулмонларнинг Бахманийлар султонлиги ташкил топди.

1347 йил – инглизлар томонидан Кале порти эгалланди.

1347 – 1696 йиллар – Шарқий Туркистоннинг Ғулжа ўлкасида Мўғулистон хонлиги мавжуд бўлган. Хонлик 1347 йилда Оксув шаҳрида эълон қилинган. У Чигатой улуси қулаганидан сўнг вужудга келган. Туркий дуғлат уруғи вакиллари давлатни ташкил қилишда муҳим роль ўйнашган. Мўғулистон хонлигини туғлуқ темурийлар сулоласи бошқарган. Бу сулолага Чигатойхон наслидан бўлган Туғлуқ Темур асос солган. Мўғулистон давлатининг бир қисми бўлган Кошғар, Ёркенд, Янги Ҳисор, Хўтан, Оксув,

Кусанда Султон Саидхон томонидан 1514 йилда Ёркенд хонлиги (айрим манбаларда: Мўғуллар мамлакати) ташкил топди. Туғлуқ темурийлар сулоласи 1696 йилда Жунгория хонлиги томонидан тугатилди. Давлат пойтахти – Олмалик (1346 – 1380; 1419 – 1706), Турфон (1380 – 1419). Давлат тили – уйғур тили.

Туғлуқ-темурийлар сулоласидан бўлган Мўғулистон хонлари (1347 – 1678): Туғлуқ Темур (1347 – 1362), Илёсхон [Илёсхўжа] (1362 – 1380), Хизрхўжа (1380 – 1399), Шоми Жаҳон (1399 – 1408), Муҳаммад (1408 – 1416), Шер Муҳаммад (1416), Нақши Жаҳон (1416 – 1418), Султон Увайс (1418 – 1429), Есу Буғо (1446 – 1461), Дўст Муҳаммад (1461 – 1466), Юнус (1456 – 1486), Султон Аҳмад (1486 – 1504), Мансур (1504 – 1544), Абдуррашид (1544 – 1565), Абдулкарим (1565 – 1592), Муҳаммад II (1592 – 1610), Шоҳ Шужоъиддин Аҳмад (1610 – 1619), Курайш (1619), Абдуллатиф Апақ (1619 – 1627), Султон Аҳмад Пўлод (1627 – 1632; 1635 – 1637), Султон Маҳмуд Қилич (1632 – 1635), Абдуллох (1637 – 1667), Жўлбарс (1667 – 1669), Абдуллатиф (1669 – 1670), Исмоил (1670 – 1678) ва б.

Жунгорияга тобе Мўғулистон хонлари (1681 – 1706): Муҳаммад Амин (1681 – 1682), Муҳаммад Мўмин (1692 – 1706).

1348 йил 7 апрель – Прага университети очилди.

1348 йил – оққуюнлилар [окқўйлилар] туркий сулоласига асос солинди (1468 йилда сулола томонидан Оққуюнлилар давлати ташкил қилинди).

1348 – 1428 йиллар – Анатолияда туркий Тожиддин ўғиллари бейлиги мавжуд бўлган. Бейликка 1348 йили амир Тожиддин асос солган. У Бафра ва Ўрда орасидан Никсаргача бўлган худудда ташкил топган. Бейлик маркази Никсар шаҳри эди. Бейлик худуди 1428 йилда Усманийлар давлати таркибига киритилган.

1350 йил – Сиём (Аютия) қироллигига асос солинди.

Сиём қироллари: Раматхободи I (1350 – 1369), Рамесуан (1369 – 1370), Бороморача I (1370 – 1388), Тонг Лан (1388), Рамесуан (1388 – 1395), Рамарача (1395 – 1409), Интарача I (1409 – 1424), Бороморача II (1424 – 1448), Боромотрайлоканат (1448 – 1488), Бороморача III (1488 – 1491), Раматхободи II (1491 – 1529), Бороморача IV (1529 – 1533), Ратсада (1533 – 1534), Чайрача (1534 – 1547), Йот Фа (1547 – 1548), Кхун Воравонгса (1548), Маха Чакрапат (1548 – 1564), Махин (1564 – 1569), Маха Чакрапат (1569), Маха Таммарача (1569 – 1590), Наресуан (1590 – 1605), Экатотсарот (1605 – 1611), Саовапак (1611), Сонг Там (1611 – 1628), Четта (1628 – 1629), Атигьявонг (1629), Прасат Тонг (1629 – 1656), Чай (1656), Сутаммарача (1656), Нарай (1656 – 1688), Пра Петрача (1688 – 1703), Сиа (1703 – 1709), Тай Са (1709 – 1733), Боромакот (1733 – 1758), Утумпон (1758), Экатат (1758 – 1767), Пья Таксин (1767 – 1782), Пья Чаكري [Рама I] (1782 – 1802), Рама II (1809 – 1824), Нанг Клао [Рама III] (1824 – 1851), Монг Кулот [Рама IV]

(851 – 1868), Чулалонгкорн [Рама V] (1868 – 1910), Вачиравуд [Рама VI] (1910 – 1925) ва б.

1351 йил – Хитойда деҳқонлар кўзғолони.

1351 – 1355 йиллар – Византия империясида императорлар Иоанн V Палеолог билан Иоанн VI Канталюзин ўртасида ҳокимият учун фуқаролар уруши.

1352 – 1608 йиллар – Анатолияда туркий Рамазон ўғиллари бейлиги мавжуд бўлган. Пойтахти – Элбистон, 1383 йилдан Адана шаҳри. Бейлик 1516 йилгача мамлукларга, сўнгра усмонийларга тобе бўлган. 1608 йилда сўнгги амир Пир Мансур вафот этгач, бейлик Усмонийлар давлати таркибига қўшиб олинди.

1353 йил – Эронда мўғулларнинг Хулакуийлар (Элхонийлар) давлати жалойирийлар ва чўпонийлар ҳамда бошқа сулолалар томонидан тугатилди. Бу ҳолат Мўғуллар империясининг умумий таназзулига тўғри келди.

1354 йил – Усмонли турк империяси Галлиполни эгаллаб, Европани забт этишга киришди.

1356 йил 19 сентябрь – Пуатье шаҳри яқинида Юз йиллик урушнинг энг йирик жангларидан бири бўлиб ўтди. Бу жангда инглизлар галаба қилиб, французлар қироли Иоанн II Мехрибонни асир олишди.

1356 йил – Қоҳирада Султон Ҳасан мадрасаси қурилди.

1356 – 1376 йиллар – Амир Темурнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо [Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо] яшаган ва фаолият юритган давр.

1356 йил – 1394 йил 16 январь – Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзо яшаган ва фаолият юритган давр.

1357 – 1403 йиллар – Усмонли турк султони Боязид I Йилдирим яшаган ва фаолият юритган давр.

1358 йил 22 февраль – Париж кўзғолони.

1358 йил май – Франциянинг шимоли шаркидаги Бове музофотида деҳқонлар кўзғолони. Унга парижликлар ва Иль-де-Франс (Жакерия) деҳқонлари қўшилди. Бу кўзғолон Жакерия кўзғолони сифатида тарихга кирди (10 июнда кўзғолон бостирилди).

1359 – 1389 йиллар – Усмонли турк султони Мурод I нинг ҳукмронлик даври.

1359 – 1389 йиллар – Москва князи Дмитрий Ивановичнинг ҳукмронлик даври.

1362 йил – Усмонлилар империяси Адрианополи (ҳозирги Эдирна; Туркия Европаси) шаҳрини эгаллаб, Болқон марказини забт этишда ундан жангга тайёргарлик майдони сифатида фойдаланди.

1364 йил – Ава (Марказий Бирма) давлати ташкил топди.

1364 – 1380 йиллар – Францияда Карл V Донишманднинг ҳукмронлик даври.

1365 йил 12 март – Вена университети ташкил топди.

1365 йил 22 май – Лой жанги бўлди. Бу тўқнашув Мўғулистон хони Илёсхўжа билан Мовароуннахр ҳукмдори Амир Ҳусайн ва Амир Темур кўшинлари ўртасида Сирдарё яқинидаги Чиноз атрофида бўлган.

1365 йил – Туркиянинг пойтахти Эдирна шаҳрига кўчирилди (Эдирна шаҳри 1453 йилгача Туркия пойтахти бўлган).

1366 йил – 1408 йил 21 апрель – Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ яшаган ва фаолият юритган давр (Мироншоҳ 1380 – 1399 йилларда Хуросон ноиб бўлган).

1366 – 1465 йиллар – машҳур ўзбек шоири Лутфий яшаган ва фаолият юритган давр.

1368 йил – Мўғуллар давлати парчаланиб, унинг ҳудудининг асосий қисмида Шимолий Юань [мўғулча: Мўғул улуси] ташкил топди. Бу давлат айрим манбаларда Юань давлатининг шимолий сулоласи деб ҳам юритилади (Бу давлат 1691 йилда парчаланиб кетди). Пойтахти – Шандун (1368 – 1369), Инчон (1369 – 1370), Қорақурум (1371 – 1388). Тили – халха-мўғул. Дини – шаманизм, тибет буддизми. Майдони – 5 000 000 км². Сулоласи – шимолий юань.

1368 йил – Хитой ҳудудининг асосий қисмида Буюк Мин империяси ташкил топди. Чжу Юань-Чжан [Хун У] Пекинни эгаллаб, Мин сулоласининг биринчи императори бўлди. Хитойда Мин сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилди (Чжу Юань-Чжан 1368 – 1398 йилларда ҳукмронлик қилди. Бу давлат 1644/1662 йилда парчланиб кетди). Пойтахти – Нанкин (1368 – 1421), Пекин (1421 – 1644). Тили – хитой. Дини – буддизм, даосизм, конфуцийлик. Сулоласи – мин.

1368 – 1644/1662 йиллар – Буюк Мин империяси мавжуд бўлган давр. Мўғулларнинг юань сулоласи ағдарилиши натижасида мин сулоласига Чжу Юань-Чжан томонидан асос солиниб, у Тай-Цзу номи билан 1368 – 1398 йилларда давлатни бошқарди. Бу пайтда Хитойнинг мин сулоласи босқинчилик сиёсатини олиб борди. Деҳқонлар уруши натижасида кўзғолончилар 1644 йилда Ли Цзичэн раҳбарлигида пойтахт Пекинни эгаллади ва мин сулоласини ағдариб ташлади. Мамлакатнинг кичик ҳудудида жанубий мин сулоласи (1645 – 1662) сақланиб қолди (Бу сулолага Чжу Ю-сун – Фу-ван 1645 йилда асос солган). Хитой мулкдорларининг бир қисми бу пайтда мамлакатга бостириб кирган манжурлар томонига ўтди ва мамлакатда манжурларнинг цин сулоласи қарор топишида ёрдамлашди (1616 – 1644 йиллар).

Мин сулоласи императорлари (1368 – 1644): Чжу Юаньчжан (1368 – 1398), Чжу Юньвэнь (1392 – 1402), Чжу Ди (1402 – 1424), Чжу Гаочи (1424 – 1425), Чжу Чжаньцзи (1425 – 1435), Чжу Цичжэнь (1435 – 1449),

Чжу Циюй (1449 – 1457), Чжу Цичжэнь (1457 – 1464), Чжу Цзяньшэнь (1464 – 1487), Чжу Ютан (1487 – 1505), Чжу Хоучжао (1505 – 1521), Чжу Хоуцун (1521 – 1567), Чжу Цзайхоу (1567 – 1572), Чжу Ицзюнь (1572 – 1620), Чжу Чанло (1620), Чжу Юцзяо (1620 – 1627), Чжу Юцзянь (1627 – 1644).

Жанубий мин сулоласи вакиллари (1644 – 1662): Чжу Юсун (1644 – 1645), Чжу Чанфан (1645), Чжу Ихай (1645 – 1646), Чжу Юцзянь (1645 – 1646), Чжу Юйюэ (1646 – 1647), Чжу Юань (1646 – 1659).

1368 – 1691 йиллар – Хитой худудининг бир қисмида мўғулларнинг Шимолий Юань [мўғулча: Мўғул улуси] давлати мавжуд бўлган.

1370 йил 10 апрель – Амир Темур Балхни эгаллади ва Амир Ҳусайн ўрнига тахтга чиқди. Амир Темур Турон давлати султони бўлди. Турон давлатини темурийлар сулоласи бошқарди (1507 йилда Муҳаммад Шайбонийхон томонидан темурийлар сулоласи ҳукмронлиги тугатилди). Пойтахти – Самарқанд, Ҳирот. Давлат раҳбари – буюк амир; султон [кейинчалик хон ва подшоҳ]. Тили – туркий (ўзбек тили), форс. Дини – ислом. Майдони – 4 600 000 км². Сулоласи – темурийлар.

1370 йил 24 май – Дания қироли Вальдемар IV билан Ганза иттифоқи ўртасида Штральзунд сулҳи тузилди. Бу пайтда Ганза иттифоқи Шимолий Германия, Болтиқ бўйи ва Скандинавиядан 150 та шаҳарни бирлаштириб, кудратли тузилмага айланди.

1370 йил июнь – Самарқандда Амир Темур томонидан катта қурултой чақирилди.

1370 – 1394 йиллар – Абу Аббос Аҳмаднинг ҳукмронлик даври. У Ифркияни эгаллаб, Ҳафсийлар давлати кудратини қайта тиклади.

1370 – 1405 йиллар – Амир Темур ибн Тарағай Баҳодирнинг Турон давлатида ҳукмронлик даври.

1370 – 1417 йиллар – таниқли озарбайжон шоири Насимий [Саид Имомиддин Насимий] яшаган ва фаолият юритган давр.

1370 – 1507 йиллар – темурийлар сулоласининг Турон давлатида ҳукмронлик даври. Амир Темур томонидан 1370 йилда янги туркий сулола – темурийлар сулоласи ҳамда давлат – Турон давлатига асос солинди. Амир Темур Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгизга қадар, Сирдарё ва Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадар ғоят катта худудни қамраб олган марказлашган улкан салтанатга асос солди. Бундан ташқари бу давлатга Кичик Осиё, Сурия, Миср ва шимоли-ғарбда Қуйи Волга, Дон бўйлари, шимоли-шарқда Балхаш кўли ва Или дарёсигача, жануби-шарқда эса Шимолий Ҳиндистонгача бўлган мамлакатлар бўйсундирилди. Амир Темур наслидан бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур кейинчалик Ҳиндистонда янги сулола ва давлатга асос солди.

Темурийлар сулоласи:

Марказлашган давлат тепасидаги темурий ҳукмдорлар (1370 – 1469): Амир Темур (1370 – 1405), Шохрух ибн Темур (1409 – 1447), Улуғбек ибн Шохрух (1447 – 1449), Абу Саид ибн Султон Муҳаммад (1457 – 1469).

Мовароуннаҳр (пойтахти – Самарқанд)даги темурий ҳукмдорлар (1405 – 1500): Халил Султон (1405 – 1409), Улуғбек (1409 – 1449), Абдуллатиф (1449 – 1450), Абдулло Мирзо (1450 – 1451), Абу Саид ибн Султон Муҳаммад (1451 – 1469), Султон Аҳмад Мирзо ибн Абу Саид (1469 – 1494), Султон Маҳмуд Мирзо ибн Абу Саид (1494 – 1495), Бойсункур Мирзо (1495 – 1497), Султон Али Мирзо ибн Султон Маҳмуд (1498 – 1500).

Хуросон (пойтахти – Ҳирот)даги темурий ҳукмдорлар (1396 – 1507): Шохрух (1396 – 1447), Улуғбек (1447 – 1449), Абулқосим Бобур (1449 – 1457), Шох Маҳмуд Мирзо (1457), Абу Саид ибн Султон Муҳаммад (1457 – 1469), Султон Ҳусайн Бойқаро (1469 – 1506), Бадиуззамон Мирзо ибн Султон Ҳусайн Бойқаро (1506 – 1507) ва Музаффар Ҳусайн Мирзо (1506 – 1507).

Темурий ва бобурий маликалар:

Сароймулкхоним [Бибихоним] (1341 – 1408) – Амир Темурнинг бош маликаси.

Гавҳаршодбегим (1379 – 1457) – Шохрух Мирзонинг рафиқаси.

Хонзодабегим [Севинбека] (? – 1411) – Ўзбекхоннинг невараси; аввал Жаҳонгир Мирзонинг хотини, сўнгра Мироншоҳнинг рафиқаси.

Шодимулк хотун (1384 – 1411) – Халил Султоннинг рафиқаси.

Хадичабегим (1451 – 1510) – Султон Ҳусайн Бойқаронинг рафиқаси.

Хонзодабегим (1478 – 1544) – Умаршайх Мирзонинг тўнғич қизи; Муҳаммад Шайбонийхоннинг рафиқаси.

Гулбаданбегим (1523 – 1603) – Бобуршоҳнинг қизи.

Нуржаҳонбегим [Меҳринисо] (1577 – 1637) – Жаҳонгиршоҳнинг рафиқаси.

Аржумандбону [Мумтозмаҳалбегим] (1595 – 1636) – Шох Жаҳоннинг рафиқаси.

Жаҳоноробегим (1614 – 1681) – Шох Жаҳоннинг катта қизи.

Зебуннисобегим (1639 – 1702) – Аврангзеб Оламгирнинг қизи.

1371 йил июль – Амир Темур Хоразмга қарши биринчи ҳарбий юришни амалга оширди. Юриш Кот шаҳрининг олиниши ва Гурганж шаҳрини қамал қилиш билан якунланди. Кейинчалик Амир Темур Хоразм худудига 5 марта ҳарбий юриш қилди ҳамда ўз давлати таркибига уни қўшиб олди.

1371 йил – 1415 йил 6 июль – Чехияда Ян Гус яшаган ва фаолият юритган давр.

1371 – 1714 йиллар (Шотландия) ва **1603 – 1649, 1660 – 1714 йиллар (Англия)** – стюартлар қироллар сулоласининг ҳукмронлик даври. Стюарт-

лар нуфузли шотланд уруғидан келиб чиккан. XI – XII асрларда улар «Шотландия стюарти» лавозимида (сулола номи шундан) фаолият юритишган. Сулолага Шотландияда кироли Роберт II 1371 йилда асос солган. Мария Стюартнинг ўғли Яков VI 1603 йилда Яков I номи билан Англия, Шотландия ва Ирландия қироли бўлган. Стюартлар сулоласи 1714 йилда Англия ва Шотландияда хокимиятни бой берди.

Стюартлар сулоласининг энг машҳур вакиллари: Мария Стюарт, Яков I [Шотландияда Яков VI], Карл I, Карл II, Яков II ва бошқалар.

1373 йил февраль – март – Амир Темур қўшини Хоразмга қарши иккинчи юришни амалга оширди.

1375 йил март – Амир Темур қўшини Хоразмга қарши учинчи юришни амалга оширди.

1375 йил – Миср мамлуқлари Кичик Арманистон ва Киликияни эгаллади.

1375 йил – Қорақуюнлилар [Қорақўйлилар] туркий давлатига асос солинди. Давлатни қорақуюнлилар сулоласи вакиллари бўлган туркманлар бошқарган (Қорақуюнлилар давлати 1468 йилда ашаддий ғаними оққуюнлилар сулоласи томонидан тугатилган). Пойтахти – Табриз. Давлат раҳбари – султон, хон. Тили – озарбайжон туркчаси, туркман. Дини – исломнинг шиа оқими.

1375 йил – 1403 йил 12 март – темурийзода Муҳаммад Султон Мирзо яшаган ва фаолият юритган давр. У Амир Темурнинг набираси, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг тўнғич ўғли. Амир Темур севимли фарзандининг катта ўғли ҳамда суюкли набирасини дастлаб ўзининг валиахди деб эълон қилган.

1375 – 1468 йиллар – Қорақуюнлилар [Қорақўйлилар] туркий сулоласи ва давлати Олд Осиё худуди (ҳозирги Озарбайжон, Туркиянинг шарқи, Арманистон, Эрон ва Ироқнинг шимоли-ғарби)да мавжуд бўлган (Дастлаб 1351 – 1410 йилларда ўғуз турклари қабилалари [конфедерацияси] таркибига кирувчи баҳорлу қабиласи тепасида шиалардан бўлган туркманлар турган). Сулолага Қора Муҳаммад, давлатга Қора Юсуф томонидан Жалойирийлар давлати ўрнида асос солинган. Оққуюнлилар давлати ҳукмдори Узун Ҳасан томонидан Қорақуюнлилар давлати 1468 йилда тугатилди.

Қорақуюнли беклар (1351 – 1410): Байрам Хожабек Қорақуюн (1351 – 1380), Абу Наср Қора Муҳаммад ибн Байрам Хожабек (1380 – 1389), Қора Юсуф ибн Қора Муҳаммад (1389 – 1410).

Қорақуюнли султонлар (1410 – 1468): Қора Юсуф ибн Қора Муҳаммад (1410 – 1420), Искандархон ибн Қора Юсуфхон (1420 – 1429; 1431 – 1435), Абу Саидхон ибн Қора Юсуфхон (1429 – 1431), Музаффариддин Жаҳоншоҳхон ибн Қора Юсуфхон (1435 – 1467), Ҳасан Алихон ибн Жаҳоншоҳхон (1467 – 1468).

1376 йил – 1407 йил 22 февраль – темурийзода Пирмуҳаммад Мирзо яшаган ва фаолият юритган давр. У Амир Темурнинг набираси, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг ўғли. Пирмуҳаммад Мирзо соҳибкирон Амир Темурнинг расмий валиаҳди саналади.

1377 – 1399 йиллар – Англияда қирол Ричард II нинг ҳукмронлик даври.

1377 йил 20 август – 1447 йил 12 март – Амир Темурнинг тўртинчи [Энг кичик] ўғли Шохрух Мирзо яшаган ва фаолият юритган давр (Шохрух Мирзо 1397 йилдан Хуросон ҳукмдори, 1409 йилдан Темурийлар давлати ҳукмдори, 1420 йилдан Ирок ҳукмдори бўлган).

1378 – 1417 йиллар – католик черковида «Буюк ажралиш» даври.

1379 йил январь – февраль – Амир Темур қўшини Хоразмга қарши тўртинчи юришни амалга оширди.

1380 йил 8 сентябрь – Куликово жанги. Дон дарёси соҳилидаги Куликово майдонида Москва князи Дмитрий Иванович (Дмитрий Донской) Олтин Ўрда хони Мамай лашкарлари устидан ғалаба қозонди.

1380 йил – мўғул хони Тўхтамишхон Олтин Ўрда тахтини эгаллади.

1380 – 1422 йиллар – Францияда Карл VI ҳукмронлиги даври. Қиролнинг амакиси Анжу ва Бургундия герцоги Филипп Жасур 1380 – 1388 йилларда унинг регенти бўлди.

1381 йил 30 май – ноябрь – Англияда Уот Тайлер бошчилигида деҳқонлар қўзғолони бўлиб ўтди. Лондон 3 кун давомида (13 – 15 июнь) қўзғолончилар қўлида бўлди.

1382 – 1410 йиллар – Жалойирийлар давлати султони Аҳмад Жалойир [Султон Аҳмад]нинг ҳукмронлик даври.

1382 – 1538/1602 йиллар – Дарбанд ва Ширвонда учинчи ширвоншоҳлар сулоласи бўлган дарбандийлар ҳукмронлик қилган. Уларнинг келиб чиқиши ширвоншоҳ Қай Кубод ибн Ахситанга бориб тақалади. 1538 йилда Сафавийлар давлати томонидан дарбандийлар сулоласи пойтахти Ширвон шаҳри эгалланган ҳамда сўнгги ширвоншоҳ Шохрух қатл қилинган.

Дарбандийлар сулоласи ширвоншоҳлари: Шайх Иброҳим I, Муҳаммад ўғли (1382 – 1417), Халилуллоҳ I, Шайх Иброҳим I ўғли (1417 – 1465), Фаррух Ясар I, Халилуллоҳ I ўғли (1465 – 1500), Баҳромбек, Фаррух Ясар I ўғли (1500 – 1501), Ғозибек, Фаррух Ясар I ўғли (1501 – 1502), Маҳмуд, Ғозибек ўғли (1502), Шайх Иброҳим II, Фаррух Ясар I ўғли (1502 – 1524), Халилуллоҳ II, Шайх Иброҳим II ўғли (1524 – 1535), Фаррух Ясар II, Шайх Иброҳим II ўғли (1535), Шохрух, Фаррух Ясар II ўғли (1535 – 1538).

Сўнгги ширвоншоҳлар: Бурҳон Али, Халилуллоҳ II ўғли (1548 – 1550), Абу Бакр, Бурҳон Али ўғли (1578 – 1602).

1384 йил – Бургундия герцоги Филипп II Бакалок (Жасур) Бургундия давлатини ташкил қилди.

1384 йил 14 сентябрь – 1411 йил 4 ноябрь – темурийзода Халил Султон яшаган ва фаолият юритган давр. У Амир Темурнинг набираси, Мироншоҳнинг ўғли бўлган.

1385 йил 14 август – Польша ва Литва иттифоқи (крев унияси). Литванинг Буюк князи Ягайло (1386 йил 15 февралда) чўкинтирилди ва Владислав II номи билан Польша қироли бўлди.

1386 йил 1 октябрь – Германия худудидаги энг қадимги Ҳейдельберг университети ташкил топди.

1386 – 1388 йиллар – Амир Темурнинг уч йиллик ҳарбий юришлари натижасида Эрон, Озарбайжон, Грузия, Арманистон забт этилди. Табризни эгаллаган Тўхтамишхон қўшинлари Амир Темур томонидан Дарбанд ортига қувиб юборилди.

1387 – 1421 йиллар – Усмонли турк султони Меҳмед I Чалабий яшаган ва фаолият юритган давр.

1389 йил 28 июнь – Косово жанги бўлди. Жанг арафасида султон Мурод I чодирига хийла йўли билан кирган серб князи Милош Обилич томонидан хиёнаткорона ўлдирилди. Усмоний турклар сербларни Косово майдонидаги жангда мағлубиятга учратди. Сербия Усмонийлар давлатига қўшиб олинди. Серблар томонидан ўлдирилган Султон Мурод I ўрнига ҳокимиятни унинг ўғли Боязид I эгаллади.

1389 – 1402 йиллар – Усмонли турк султони Боязид I нинг ҳукмронлик даври.

1389 – 1420 йиллар – Қорақуюнли давлати султони Қора Юсуфнинг ҳукмронлик даври.

1391 йил 28 апрель – Амир Темур Дашти Қипчоқда Тўхтамишхонга қарши ҳарбий юриши мобайнида Улуғтоғда тошдан минора қурдирди. У араб ва қадимги уйғур ёзувида тошга ўйиб қолдирган битигида ўзини «Турон султони Темурбек» деб атади.

1391 йил 18 июнь – Қундузча жанги. Амир Темур қўшинлари Қундузча мавзеида Тўхтамишхонни қувиб етди ҳамда бу ерда бўлган беаёв жангда ғалаба қозонди. Тўхтамишхон Литвага қочиб кетди.

1391 йил – Тибетда Далай лама унвони жорий қилинди. Ламаизм буддавийлик динидаги йўналиш бўлиб, Далай лама олий диний раҳбар саналган. Далай лама Тибетнинг энг олий диний ва дунёвий ҳукмдоридир. У Тибет пойтахти Лхаса шаҳрида яшайди (1959 йилдан Далай лама қароргоҳи Шимолий Ҳиндистоннинг Дхарамсала шаҳрида жойлашган).

Далай – ламалар: Далай лама I [Гендун Дуп] (1447 – 1474), Далай лама II (1475 – 1542) [иккаласига ҳам вафотидан сўнг берилди], Далай-лама III (1578 – 1588), Далай лама IV (1589 – 1616), Далай лама V (1642 – 1682),

Далай лама VI (1683 – 1706), Далай лама VII (1751 – 1757), Далай лама VIII (1786 – 1804), Далай-лама IX (1808 – 1815), Далай лама X (1816 – 1837), Далай лама XI (1844 – 1856), Далай лама XII (? – 1875), Далай лама XIII (1895 – 1933), Далай лама XIV [Тензин Гьяцо] (1935 йилда туғилган; 1950 йилдан хозиргача).

1392 – 1396 йиллар – Амир Темурнинг беш йиллик ҳарбий юришлари. У беш йиллик уруш давомида Ғарбий Эрон, Ироқи Ажам ва Кавказни эгаллади, натижада музаффарийлар ва жалоирийлар сулоласининг ҳукмронлиги барҳам топди.

1392 – 1910 йиллар – Кореяда ли сулоласининг ҳукмронлик даври. Сулолага Ли Сон Ге томонидан 1392 йилда асос солинди. Корё давлати Чосон номини олди, пойтахт Кэгёндан Хансон (XIX аср охирида Сеул)га кўчирилди. Ли сулоласи 1897 йилгача қироллар, 1897 йилдан 1910 йилгача императорлар сулоласи бўлган. 1910 йилда сулола тугатилиб, Корея Япониянинг мустамлакасига айланди (Корея мамлакатининг номи корейсча Чосон (Тонгги тароват) маъносини билдиради).

Чосон ҳукмдорлари: Тхэжо (1392 – 1398), Чонжон (1398 – 1400), Тхэжон (1400 – 1418), Сежон (1418 – 1450), Мунжон (1450 – 1452), Танджон (1452 – 1455), Седжо (1455 – 1468), Йеджон (1468 – 1469), Сонджон (1469 – 1494), Йонсангун (1494 – 1506), Чунжон (1506 – 1544), Инжон (1544 – 1545), Мёнжон (1545 – 1567), Сонжо (1567 – 1608), Кванхэгун (1608 – 1623), Инжо (1623 – 1649), Хёжон (1649 – 1659), Хёнжон (1659 – 1674), Сукжон (1674 – 1720), Кёнжон (1720 – 1724), Йонжо (1724 – 1776), Чонжо (1776 – 1800), Сунжо (1800 – 1834), Хонжон (1834 – 1849), Чхолжон (1849 – 1864), Кожон (1864 – 1907), Сунжон (1907 – 1910).

1393 йил 22 август – Амир Темур томонидан халифаликнинг собиқ пойтахти Бағдод шаҳри эгалланди.

1393 йил – турклар Болгария пойтахти Тирново шаҳрини эгаллади.

1394 йил – Усмонли турк султони Боязид I Константинополни қамал қилди. У бу пайтда бутун Кичик Осиёнинг хўжайини эди (Амир Темурнинг Анатолияга ҳужуми натижасида 1402 йилда Константинополь қамалдан озод бўлди).

1394 йил 22 март – 1449 йил 27 октябрь – темурийзода ҳукмдор, машҳур астроном ва математик, қомусий аллома Мирзо Улуғбек [Муҳаммад Тарағай] яшаган ва фаолият юритган давр.

1395 йил 15 – 17 апрель – Терек жанги. Амир Темур ва Олтин Ўрда [Дашти Қипчоқ] ҳукмдори Тўхтамишхон қўшинлари ўртасида Шимолий Кавказдаги Терек дарёси бўйи ҳамда Нўғай даштида жанг содир бўлди. Бу жангда Амир Темур қўшини ғалаба қозонди. Амир Темур ҳарбий юришлари оқибатида Қуйи Идил (Волга) вилоятлари, Сарой Берка, Саройчиқ ва

Ҳожитархон каби шаҳарлар ғорат қилинди. Амир Темур Тўхтамишни қувиб Рязань вилоятигача борди ва Елец шаҳрини ишғол қилди.

1395 – 1400 йиллар – Бурсада дастлабки усмонли турк меъморчилиги вужудга келди ва ривожланди. Катта масжид қурилди.

1395 – 1914 йиллар – Конго қироллиги мавжуд бўлган. Пойтахти – Мбанза-Конго (Сан-Сальвадор ду Конгу). Ҳудуди 129 400 (1650). Аҳолиси – 509 250 (1650). Халқи – баконго.

1396 йил 25 сентябрь – турклар Никополь остоналарида венгер, валах, болгар ва бошқа европалик салибчи рицарларнинг бирлашган 60 минг кишилик қўшинини мағлуб қилди.

1396 – 1447 йиллар – темурийлар сулоласи вакили Шоҳрух Мирзонинг Хуросонда ҳукмронлик даври.

1397 йил – Лондондаги Блекуелхолл биринчи ёпиқ бозори очилди.

1397 – 1466 йиллар – таниқли давлат арбоби Ҳожи I Гарай яшаган ва фаолият юритган давр.

1397 – 1467 йиллар – таниқли давлат арбоби Музаффариддин Жаҳоншоҳ яшаган ва фаолият юритган давр.

1398 йил май – 1399 йил март – Амир Темур Шимолий Ҳиндистонга қарши юриш қилди. Юриш натижасида Деҳли султонлиги тор-мор қилинди ва Амир Темур узил-кесил ғалабага эришди.

1398 йил 17 декабрь – Деҳли яқинидаги Панипат яланлигида Амир Темур қўшини билан Деҳли султони Султон Маҳмудхон қўшини ўртасида бўлган шиддатли жангда Амир Темур ғалаба қозонди. Соҳибқирон қўшини жангдан кейин қаршиликсиз Деҳли шаҳрини эгаллади.

1399 йил – Англияда плантагенетлар сулоласи тугатилди ва қирол Генрих IV томонидан ланкастерлар сулоласига асос солинди.

1399 – 1404 йиллар – Амир Темурнинг етти йиллик ҳарбий юришлари. Амир Темурнинг ҳарбий юришлари натижасида Шомнинг Ҳалаб (Алеппо), Хумс, Баалбек (Баъалбак), Димишқ (Дамашқ) каби йирик шаҳарлари ва Ироқи Арабнинг Убулистон ўлкаси (қадимги Каппадокия) билан Бағдод, шунингдек, ҳозирги Туркиянинг катта қисми забт этилди.

1399 – 1413 йиллар – Англияда қирол Генрих IV Ланкастернинг ҳукмронлик даври.

1399 – 1461 йиллар – ланкастерлар қироллар сулоласининг Англиядаги ҳукмронлик даври. Плантагенетлар тармоғидан. Сулола Ланкастер герцоги Жон Гонт (Эдуард III нинг ўғли)дан бошланади. Ланкастерлар Қизил ва Оқ гуллар уруши даврида ҳокимиятни йорклар сулоласига топширди.

Ланкастерлар сулоласи: Генрих IV (1399 – 1413), Генрих V (1413 – 1422), Генрих VI (1422 – 1461).

1399 – 1635 йиллар – Мўғулистонда Ойрат хонлиги [тўртта ойрат қабилаларининг иттифоқи] мавжуд бўлган.

XIV асрнинг сўнги чораги – Мўғуллар империяси барҳам топди.

XIV аср охири – XVI аср бошлари – Самарқанд теурийлар даврида мусулмон цивилизациясининг марказларидан бирига айланди. Амир Теуур томонидан Самарқандда Гўри Амир мақбараси, Бибиҳоним Жоме масжиди ва бошқалар қурилди.

XIV – XVI асрлар – Европада Ренессанс даври (Ренессанс тушунчаси француз тилидаги *Renaissance* сўзидан олинган, «уйғониш» деган маънони англатади). Табиийки, бу ижтимоий-тарихий жараён турли мамлакатларда турлича кечди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, Ренессанс даври Европада уч асосий босқич: илк босқич (XIV аср), етуклик босқичи (XV аср) ва сўнги босқич (XVI аср)ни босиб ўтди.

XV аср – Оқ Ўрда (рус манбаларида Кўк Ўрда) давлати Олтин Ўрданинг бир қисми сифатида мавжуд бўлган. Оқ Ўрда худудида Олтин Ўрданинг давоми сифатида янги давлатлар: Катта Ўрда, Нўғай Ўрда, Қосимийлар подшолиги ҳамда Ўзбек улуси, Қрим, Қозон, Сибирь ва бошқа хонликлар вужудга келди.

XV аср – хитойлик буюк денгизчи Чжен Хе (мусулмон динида бўлган) етти марта йирик денгиз саёҳатлари уюштирган.

1401 йил январь – Амир Теуур томонидан халифаликнинг собиқ пойтахти Дамашқ шаҳри эгалланди.

1402 йил 20 июль – Анқара жанги. Амир Теуур билан Усмонли турк султони Боязид I Йилдириим кўшинлари ўртасида бўлиб ўтган улкан жангда Амир Теуур кўшини ғалаба қозонди. Кейинчалик Амир Теуур Анадолу ярим оролини эгаллаб, Ўрта Ер денгизининг шарқий соҳилида жойлашган Измир шаҳрини забт этди ва салибчиларнинг Яқин Шарқдаги охириги қароргоҳига барҳам берди. Сўнгра Эгей денгизида жойлашган Хиос ва Лесбос оролларидаги Генуя мулкларининг ҳукмдорлари унга таслим бўлдилар, Миср ҳам ўз итоткорлигини изҳор этди. Амир Теуур Анқара, Никея, Бурса ва Измир шаҳарларини эгаллаб, Византия ва бутун насоро оламининг Боязидга йиғиб берган божларидан иборат катта бойликни қўлга киритди.

1403 – 1427 йиллар – мин сулоласидан Чэн Цзу (Чжу Ди)нинг ҳукмронлик даври.

1403 – 1511 йиллар – Жануби-Шарқий Осиёда мусулмон давлати – Малакка султонлиги мавжуд бўлган. Унинг маркази Малаккада эди. 1403 йилда Мажапахит давлати шаҳзодаси Парамесвара унга асос солган. Сиёсий ҳокимият учун курашда мусулмон задагонлари ғалабага эришиб, 1446 йилда ҳокимиятга Малакканинг биринчи султони, тахтга Музаффаршоҳ номи билан чиққан рожа Қосим келди. Султонлик энг қудратли даврида унга Малакка ярим ороли, Риау ва Линга архипелаглари, Суматранинг шарқий соҳиллари кирган. Малакка исломнинг Жануби-Шарқий Осиёда тарқалиш

марказига айланган. Султонлик таназзулга учрагач, 1511 йилда португаллар Малаккани истило қилди. Сулола вакиллари Малайя ярим оролида хукмронликни давом эттиришди.

Малакка султонлиги хукмдорлари: Парамесвара (1403), Мегат Искандаршоҳ, Парамесвара ўғли (1414 – 1424), Шри махораж султон Муҳаммадшоҳ, Мегат Искандаршоҳ ўғли (1424 – 1445), Рожа Иброҳим, Шри Парамесвара Девашоҳ, Муҳаммадшоҳ ўғли (1445 – 1446), Рожа Қосим, султон Музаффаршоҳ, Муҳаммадшоҳ ўғли (1446 – 1459), Рожа Абдалиах, султон Мансуршоҳ, Музаффаршоҳ ўғли (1459 – 1477), Султон Аълоиддин Риоят, Мансуршоҳ ўғли (1477 – 1488), Султон Маҳмудшоҳ, Риоятшоҳ ўғли (1488 – 1528), Султон Аҳмадшоҳ, Маҳмудшоҳ ўғли (1510), Султон Маҳмудшоҳ (1510 – 1528).

1404 – 1451 йиллар – Усмонли турк султони Мурад II яшаган ва фаолият юритган давр.

1404 – 1489 йиллар – нақшбандия тариқатининг таниқли намояндаси Хожа Аҳрор [Хожа Убайдуллоҳ Валий ибн Хожа Маҳмуд] яшаган ва фаолият юритган давр.

1405 йил 18 февраль – Амир Темур Хитойга ҳарбий юриш пайтида Ўтрор шаҳрида вафот этди. У кейинчалик Самарқанд шаҳридаги ўзи қурдирган Гўри Амир мақбарасида дафн этилди.

1405 йил 18 март – 1409 йил май – темурийзода Халил Султоннинг Мовароуннаҳрда хукмронлик даври.

1405 – 1433 йиллар – Хитой императорининг ҳарам оғаси Чжэн Хэ етти марта денгиз орқали ҳарбий юришлар уюштириб (Малакка, Ява, Цейлон, Арабистон яриморолли ва Африкага), Ҳиндихитой, Зонд ороллар тўплиги (архипелаги), Шри-Ланка ва Ҳиндистонгача бўлган ҳудудларни босиб олди ва мин сулоласига бўйсундирди.

1405 йил 8 февраль – 1453 йил 29 май – Византия императори Константин XI [XII] Палеолог яшаган ва фаолият юритган давр.

1406 йил – мин сулоласи кўшинлари Вьетнамни босиб олди.

1406 йил – Хитой Мўғулистонни босиб олди.

1406 йил – мин сулоласининг янги пойтахти Пекинда Тақиқланган шаҳар (Император саройи) қурилиши бошланди.

1408 – 1410 йиллар – Амир Темур ўлимидан сўнг тикланган туркманларнинг Қорақуонли конфедерацияси Озарбайжон ва Ироқда ҳокимиятни эгаллади.

1409 йил – Брюггеда савдо биржаси очилди.

1409 – 1447 йиллар – Амир Темурнинг тўртинчи [энг кичик] ўғли Шохрух Мирзонинг Хуросон ва Мовароуннаҳрда хукмронлик даври.

1409 – 1449 йиллар – темурийзода Мирзо Улуғбекнинг Мовароуннаҳрда хукмронлик даври.

1410 йил 15 июль – Грюнвальд жангида Польша қироли Владислав II Ягайло ва Литва князи Витаутас тевтон ордени рицарлари устидан ғалаба қозонди.

1412 – 1431 йиллар – Франциянинг миллий қаҳрамони Жанна д'Арк яшаган давр.

1412 – 1468 йиллар – таниқли давлат арбоби Абулхайрхон яшаган ва фаолият юритган давр.

1413 – 1421 йиллар – Султон Меҳмед I нинг ҳукмронлик даври. У Анатолияни Рум усмонлилар ҳокимияти остига қайтарди.

1414 – 1418 йиллар – Констанцада собор бўлди.

1414 – 1451 йиллар – Деҳли султонлигида туркий саййидлар сулоласи фаолият юритган.

Саййидлар сулоласи ҳукмдорлари: Саййид Хизрхон ибн Малик Сулаймон (1414 – 1421), Муизуддин Муборақшоҳ (1421 – 1434), Мухаммадшоҳ (1434 – 1445), Алоуддин Аламшоҳ (1445 – 1451).

1414 йил 18 август – 1492 йил 19 ноябрь – форс-тожик шоири ва тасаввуф тариқати намояндаси Жомий [Нуриддин Абдурахмон ибн Аҳмад Жомий] яшаган ва фаолият юритган давр.

1415 йил 6 июль – Констанца соборида инглиз Уиклиф ва чех Ян Гус даҳрий деб эълон қилинди. Кейинчалик Чехияда Ян Гус ўтда куйдирилди, унинг тарафдорлари Богемияда гусчилар лигасини туздилар.

1415 йил 25 октябрь – инглизлар ва французлар ўртасида Азенкур шаҳри ёнида жанг бўлди. Бу жангда ҳам французлар мағлубиятга учради.

1415 – 1420 йиллар – Житой императори Самарқандга – Улугбек саройига икки марта ўз элчиларини юборди.

1415 – 1918 йиллар – гогенцоллернлар сулоласининг ҳукмронлик даври. Бранденбург курфюрстлари (1415 – 1701), Пруссия қироллари (1701 – 1918), Германия императорлари (1871 – 1918) сулоласи. Гогенцоллернлар сулоласи келиб чиқиши жиҳатидан Швабия графлигидаги нуфузли уруғга бориб тақалади. У 1227 йилда икки тармоққа: швабияликлар (катта) ва франконлар (кичик)га ажралган. Нюрнберг бургграфи (франконлар тармоғидан) Фридрих VI 1415 йилда Бранденбургда лен (мустақил мулк) олиб, Фридрих I номи билан Бранденбург – Пруссия давлатидаги сулола асосчисига айланди.

Гогенцоллернлар сулоласи: Фридрих I (1415 – 1440), Альбрехт Ахиллес (1470 – 1486), Фридрих Вильгельм (1640 – 1688), Фридрих III (1688 – 1713, 1701 йилдан Пруссия қироли Фридрих I), Фридрих II (1740 – 1786), Фридрих Вильгельм IV (1840 – 1861), Вильгельм I (1861 – 1871 йилларда Пруссия қироли ва 1871 – 1888 йилларда Германия императори), Вильгельм II (1888 – 1918) ва бошқалар.

1417 йил – Констанцадаги соборда Мартин V папа қилиб сайланди. «Буюк ажралиш» даври тугади.

1418 йил – Англия қироли Генрих V Нормандияни босиб олди.

1419 йил – Монако мустақил князлиги ташкил топди.

Монако князлиги князлари: Оноре I (1531 – 1581); Оноре II (1604 – 1662); Антуан I (1701 – 1731), Оноре III (1731 – 1793); Оноре IV (1814 – 1819), Оноре V (1819 – 1841), Флорестан I (1841 – 1856), Карл III (1856 – 1889) ва бошқалар.

1419 йил 30 июль – 1434 йил 30 май – Чехияда гусчиларнинг урушлари.

1420 йил – Мадейра давлати ташкил топди.

1420 йил – Пекинда Осмон ибодатхонаси қурилди.

1420 йил – Франция қироли Карл VI Франция учун таҳқирли Труа шартномасини имзолади.

1421 – 1444, 1446 – 1451 йиллар – Усмонли турк султони Мурад II нинг ҳукмронлик даври.

1422 йил – Англия қироли Генрих V 36 ёшида вафот этди. Ҳокимият тепасига унинг олти ойлик ўғли Генрих VI келди.

1422 йил – Франция қироли Карл VI вафот этди. Франция ва Англия тожи олти ойлик чақалоқ Генрих VI фойдасига ҳал қилинди. Бироқ шахзода Карл ўзини Карл VII номи билан Франция қироли деб эълон қилди.

1422 йил – 1457 йил март – Хуросон ҳукмдори, темурийзода Абулқосим Бобур яшаган ва фаолият юритган давр.

1422 – 1466 йиллар – Франция қироли Карл VII нинг ҳукмронлик даври.

1423 йил – 1478 йил 6 январь – Оққуюнли давлати султони Узун Ҳасан яшаган ва фаолият юритган давр.

1424 – 1469 йиллар – темурийзода ҳукмдор Султон Абу Саид Мирзо яшаган ва фаолият юритган давр.

1425 – 1448 йиллар – Византия императори Иоанн VIII Палеологнинг ҳукмронлик даври.

1428 йил – Ацтек империяси (Анаука конфедерацияси) ташкил қилинди. Унинг таркибига Теночтитлан, Текоко ва Тлакопан кирган.

1428 йил – Ле Лои Вьетнамни хитойликлар ҳукмронлигидан озод қилиб, сўнгги ле сулоласига асос солди.

1428 йил – Ўзбек улуси [Ўзбек хонлиги ёки Ўзбеклар мамлакати] Дашти Қипчоқда ташкил топди. Унга шибан наслидан бўлган 16 ёшли ҳарбий саркарда Абулхайрхон (Давлатшайх ўғлоннинг ўғли) томонидан асос солинди. Бу давлат Дашти Қипчоқнинг шарқий қисми (Жануби-Ғарбий Сибирь)да ташкил топган. Ўзбек улусига Орол денгизининг шимолий қирғоқларидан Иртиш дарёсининг ўрта оқимларигача, шарқда Сарисув ва Чу дарёларидан, ғарбда Ёйиқ (Урал) дарёсининг сўл соҳилларигача бўлган ерлар кирган. Пойтахти – Чинги-Тўра (1428 – 1446), Ўрда Бозор (1446), Сигноқ (1446 –

1480), Хожитархон (1468 – 1501). Давлат раҳбари – хон. Сулоласи – жучидийлар. Тили – ўзбек тили. Дини – ислом. Майдони – 3 млн. км².

1428 – 1429 йиллар – Мирзо Улуғбекнинг машхур расадхонаси Самарқандда куриб битказилди.

1428; 1432 – 1459 йиллар – Олтин Ўрданинг амалдаги сўнгги хони Кичик Муҳаммаднинг ҳукмронлик даври.

1428 – 1468 йиллар – Ўзбек улуси хони Абулхайрхоннинг ҳукмронлик даври.

1428 – 1470 йиллар – Ўзбек улуси хонлиги мавжуд бўлди.

Ўзбек улуси хонлари: Абулхайрхон [Абулхайр Убайдуллахон], Давлатшайх ўғлон ўғли (1428 – 1468), Ёдгор (1468 – 1469), Шайх Ҳайдархон, Абулхайрхон ўғли (1469 – 1471), Хуш Ҳайдархон (1469), Муҳаммад Шайбонийхон, Шоҳбудок ўғли Абулхайрхон невараси (1469 – 1480) ва бошқалар.

1428 – 1789 йиллар – Вьетнамда сўнгги ле сулоласи ҳукмронлик қилди. Бу пайтда конфуцийлик тантана қилди ва санъат ривожланди.

1429 йил – Францияда Жанна д’Арк иштирокида Реймс ва Орлеан озод қилинди (Юз йиллик уруш). Реймсда оддий деҳқон қизи Жанна д’Арк қирол Карл VII га тож кийдирди.

1430 йил май – Компьен остоналарида бўлган жангда Жанна д’Арк асирга олинди.

1431 йил 30 май – Жанна д’Арк жодугарликда айбланиб, Руан шаҳри марказий майдонида гулханда куйдирилди.

1431 йил – Париждаги Биби Марьям ибодатхонасидаги соборда Генрих VI Франция ва Англия кироли деб эълон қилинди.

1432 йил 30 март – 1481 йил 3 май – Усмонли турк султони Меҳмед II Фотиҳ яшаган ва фаолият юритган давр.

1433 – 1502 йиллар – Катта Ўрда (Улуғ Ўрда) мавжуд бўлган. У Олтин Ўрдан ажралиб чикқан туркий (татарлар) давлати ҳисобланади. Катта Ўрдада туркий мангит амирларининг сиёсий мавқеи кучли бўлган.

1435 – 1467 йиллар – туркманларнинг Қорақуюнли давлати султони Музаффариддин Жаҳоншоҳнинг ҳукмронлик даври. Бу пайтда у ўз ҳокимиятини Эроннинг катта қисмига тарқатди.

1438 йил – габсбурглар сулоласи вакили Альберт Габсбург Германия императори қилиб сайланди. Габсбурглар шу санадан бошлаб доимий равишда императорлар қилиб сайланган.

1438 йил – Қозон хонлигига асос солинди (1552 йилда хонлик Россия империяси томонидан босиб олинди). Пойтахти – Қозон. Давлат раҳбари – хон. Тили – эски татар [ўрта волгабўйи турклари]. Дини – исломнинг ханафийлик мазҳаби. Майдони – 75 000 км². Аҳолиси – татарлар, черемислар, чувашлар, удмуртлар, бошқирдлар ва б.

1438 йил – 1506 йил 4 май – темурийлар ҳукмдори Султон Хусайн Бойқаро яшаган ва фаолият юритган давр.

1438 – 1533 йиллар – хозирги Перу худудида Инклар давлати Тауантинсуйу мавжуд бўлган. Испанлар томонидан 1533 йилда тугатилган. Пойтахти – Куско. Худуди – 800 000 км² (1438), 2 000 000 км² (1527). Аҳолиси – 12 000 000 киши (1438), 20 000 000 киши (1527). Давлати тили – кечуа (асосий), аймар, пукина, мочика. Давлат бошлиғи Олий инк.

Инклар давлати ҳукмдорлари: Пачакутек Юпанки (1438 – 1471), Тупак Инка Юпанки (1471 – 1493), Уайна Капак (1493 – 1525), Уаскар (1525 – 1532), Атауальпа (1532 – 1533).

1438 – 1552 йиллар – Қозон хонлиги фаолият юритган. Олтин Ўрда давлати инқирозидан сўнг Ўрта Волга бўйи – Волга-Кама Булғорияси худудида ташкил топган давлат. Қозон хонлари сулоласига Улуғ Муҳаммад (ҳукмронлик даври: 1438 – 1445) асос солган. Маркази – Қозон шаҳри.

Қозон хонлиги хонлари: Улуғ Муҳаммадхон (1438 – 1445), Маҳмудхон (1445 – 1466), Халилхон (1466 – 1467), Иброҳим (1467 – 1479), Муҳаммад Аминхон (1484 – 1485; 1487 – 1496; 1502 – 1518), Илҳомхон (1485 – 1487), Мамук (1496 – 1497), Абдуллатифхон (1497 – 1502), Шоҳ Али (1518 – 1521; 1546), Соҳиб Гирейхон (1521 – 1524), Сафо Гирейхон (1524 – 1531; 1536 – 1546; 1546 – 1549), Жон Алихон (1532 – 1535), Ўтамин Гирейхон (1549 – 1551), Ёдгор Муҳаммадхон (1552).

1439 йил 5 июль – Флоренция собори. Византия императори Иоанн VIII Палеолог турклар ҳужумидан қўрқиб, юнон ва рим черкови билан иттифок тузди.

1440 – 1634 йиллар – Нўғай Ўрдаси мавжуд бўлган. Олтин Ўрда давлати таркибидан ажралиб чиққан туркий Нўғай Ўрда (Манғит Ўрдаси) фаолият кўрсатди. Унга Олтин Ўрда лашкарбошиси, туркийларнинг манғут (манғит) уруғи вакили Эдигубий [Идику] Балтичакбий ўғли томонидан 1392 йилда асос солинди. Дастлаб Эдигубий манғитлар улугбеги бўлган. Манғит Ўрдасини унинг ўлиmidан сўнг фарзандлари бошқарди. 1440 йилда Манғит Ўрдаси мустақил давлат деб тан олинди ҳамда Нўғай Ўрдаси деб атаи бошланди. Бу давлат Шимолий Каспий ва Орол денгизлари бўйидан Тўра ҳамда Камагача, Волгадан Урал дарёси ва Иртишгача бўлган худудда тарқалган кўчманчи нўғай халқининг давлати ҳисобланади. Пойтахти – Саройчик шаҳри (Ёйик дарёси атрофида). Ҳукмдор унвони – нўғай бийи. Аҳолиси – манғитлар ва нўғайлар (қипчоқ тилида гаплашишган). Кейинчалик Нўғай Ўрдаси мурзалар бошқарган улусларга бўлинган. XVI аср иккинчи ярмида Нўғай Ўрда давлати Катта Нўғай Ўрдаси, Кичик Нўғай Ўрдаси ва Олтиовул Ўрдаси каби турли давлатларга парчаланиб кетган.

Нўғай бийлари:

Нўғай Ўрда бийлари (ҳукмдорлари): Эдигубий [Идуку], Балтичакбий ўғли (1392 – 1412), Нуриддин Ботирбий (1412 – 1419), Мансурбий (1419 –

1427), Ғозийбий (1427 – 1428), Ваққосбий (1428 – 1447), Хоразмийбий (1447 – 1473), Аббосбий (1473 – 1491), Мусобий (1491 – 1502), Йағмурчибий (1502 – 1504), Ҳасанбий (1504 – 1508), Шайх Муҳаммадбий (1508 – 1510; 1516 – 1519), Алчагирбий (1508 – 1516), Агишбий (1521 – 1524), Саъид Аҳмадбий (1524 – 1541), Ҳожи Муҳаммадмирза (1537 – 1541), Шайх Мамай (1537 – 1541; 1541 – 1549), Юсуфбий (1549 – 1554), Исмоилбий (1557 – 1563);

Катта Нўғай Ўрда бийлари: Тинехматбий, Исмоилбий ўғли (1563 – 1578), Ўрусбий (1563 – 1578; 1578 – 1590), Динбаймирза (1578 – 1584), Саид Аҳмадмирза (1584 – 1587), Ўроз Муҳаммадбий (1584 – 1590; 1590 – 1598), Дин Муҳаммадбий (1590 – 1598; 1598 – 1600), Иштерек (1600 – 1619), Кучукмирза (1600 – 1604), Йаш Таракмирза (1600 – 1619), Шай Таракмирза (1604 – 1619), Каракел Муҳаммадмирза (1604 – 1622; 1622 – 1631), Канайбий (1622 – 1634).

Мансур Ўрдаси бийлари: Мансурбий, Эдигубий ўғли (1419 – 1427), Дин Сўфибий (1427 – 1440), Тимурбий (1440 – 1486), Жон Қувватбий (1486 – 1490), Ҳожи Аҳмадбий (1490 – 1505), Таваккулбий (1505 – 1532), Боқибий (1532 – 1535; 1540 – 1542), Хўжа Аҳмадбий (1535 – 1540), Дивейбий (1542 – 1573), Есенейбий [Ҳасан] (1573 – 1588), Арслонийбий (1588 – 1595), Муҳаммадбий (1595 – 1615), Сулномбий (1615 – 1635), Арслоншоҳ (1635 – 1650).

Олтиовул Ўрдаси бийи: Қосимбий, Шайх Маматбий ўғли (1541 – 1549; 1549 – 1555).

Кичик Нўғай Ўрдаси бийлари: Қозий мурза, Ўроқ мирза ўғли (1554 – 1569; 1569 – 1576), Йахшисадбий (1576 – 1590), Барон Газибий (1600 – 1621), Қосимбий (1621 – 1639), Алибек Батралиев (1643 – 1739) ва бошқалар.

1441 йил – туркий Қрим хонлиги [қрим-татар тилида: Қирим хонлиги] га асос солинди [Қрим хонлиги ҳудуди 1783 йилда Россия империяси томонидан босиб олинган]. Пойтахти – Қирқ Ер (1441 – 1490), Эски Қирим [Салачик] (1490 – 1532), Боқчасарой (1532 – 1783). Давлат раҳбари – гирейхон. Тили – қрим-татар, усмонли турк. Дини – ислом. Майдони – 52 200 км². Сулоласи – гирейлар [гарайлар].

1441 – 1466 йиллар – таниқли давлат арбоби, Қрим хонлиги асосчиси Ҳожи I Гарайнинг ҳукмронлик даври.

1441 йил 9 февраль – 1501 йил 3 январь – буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий яшаган ва фаолият юритган давр.

1441 – 1783 йиллар – туркий Қрим хонлиги фаолият кўрсатди. Олтин Ўрда давлатидан ажралиб чиққан ва Қрим ярим оролида жойлашган туркий давлат. Қрим хонлигига Давлат Ҳожи Гарай асос солган. Бу давлатга

Қуйи Днепр бўйи ҳам кирган. Қрим хонлигини гарайлар (гирейхонлар) сулоласи бошқарган.

Гарайлар (гирейлар) сулоласи: Ҳожи Гарай (1428/1441 – 1456; 1466), Ҳайдар Гарай (1456 – 1466), Нур Давлат Гарай (1466 – 1474; 1474 – 1475; 1476 – 1478), Менгли Гарай I (1474; 1475 – 1476; 1478 – 1514), Муҳаммад Гарай I (1514 – 1523), Ҳозий Гарай I (1523 – 1524), Саодат Гарай I (1524 – 1532), Ислоҳ Гарай I (1532), Соҳиб Гарай I (1532 – 1551), Давлат Гарай I (1551 – 1577), Муҳаммад Гарай II (1577 – 1584), Ислоҳ Гарай II (1584 – 1588), Ҳозий Гарай II (1588 – 1596; 1596 – 1608), Ҳатҳ Гарай I (1596), Тўхтамиш Гарай (1608), Саломат Гарай I (1608 – 1610), Муҳаммад Гарай III (1610; 1623 – 1627), Жонибег Гарай (1610 – 1623; 1627 – 1635), Иноят Гарай (1635 – 1637), Баҳодур Гарай I (1637 – 1641), Муҳаммад Гарай IV (1641 – 1644; 1654 – 1666), Ислоҳ Гарай III (1644 – 1654), Одил Гарай (1666 – 1671), Салим Гарай I (1671 – 1678; 1684 – 1691; 1692 – 1699; 1702 – 1704), Мурод Гарай (1678 – 1683), Ҳожи Гарай I (1683 – 1684), Саодат Гарай II (1691), Сафо Гарай (1691 – 1692), Давлат Гарай II (1699 – 1702; 1708 – 1713), Ҳозий Гарай III (1704 – 1707), Қоплон Гарай I (1707 – 1708; 1713 – 1716; 1730 – 1736), Давлат Гарай III (1716 – 1717), Саодат Гарай III (1717 – 1724), Менгли Гарай II (1724 – 1730; 1737 – 1740), Ҳатҳ Гарай II (1736 – 1737), Саломат Гарай II (1740 – 1743), Салим Гарай II (1743 – 1748), Арслон Гарай (1748 – 1756; 1767), Ҳалим Гарай (1756 – 1758), Қирим Гарай (1758 – 1764; 1768 – 1769), Салим Гарай III (1764 – 1767; 1770 – 1771), Максуд Гарай (1767 – 1768; 1771 – 1772), Давлат Гарай IV (1769 – 1770; 1775 – 1777), Қоплон Гарай II (1770), Соҳиб Гарай II (1772 – 1775), Шохин Гарай (1777 – 1783) ва бошқалар.

1444 йил 10 ноябрь – Ғарб томонидан Византияга ёрдам бериш учун уюштирилган салиб юриши барбод бўлди. Усмонлилар султони Мурод II христиан қўшинини Варна жангида янчиб ташлади.

1444 – 1446, 1451 – 1481 йиллар – Усмонли турк султони Меҳмед II Фотиҳнинг ҳукмронлик даври. Султон Меҳмед II Истанбулни забт этганлиги учун Фотиҳ унвонини олган.

1445 йил – Иоганн Гуттенберг китоб босиш дастгоҳини кашф этди.

1445 – 1515 йиллар – давлат арбоби Менгли I Гарайхон яшаган ва фаолият юритган давр.

1447 – 1467 йиллар – Исфаҳонда Кўк масжид қурилди.

1447 йил 3 декабрь – 1512 йил 26 май – Усмонли турк султони Боязид II яшаган ва фаолият юритган давр.

1449 йил 6 январь – 1453 йил 29 май – сўнгги Византия императори Константин XI [XII] Палеологнинг ҳукмронлик даври.

1449 йил – 1457 йил март – Хуросон ҳукмдори темурийзода Абулқосим Бобурнинг ҳукмронлик даври.

1451 – 1469 йиллар – темурийзода ҳукмдор Султон Абу Саид Мирзонинг Мовароуннаҳрда ҳукмронлик даври.

1451 – 1481 йиллар – турк султони Меҳмет II Фотиҳнинг ҳукмронлик даври.

1451 – 1494 йиллар – темурийзода ҳукмдор Султон Аҳмад Мирзо яшаган ва фаолият юритган давр.

1451 – 1506 йиллар – саёҳатчи Христофор Колумб яшаган давр.

1451 йил – 1510 йил 28 декабрь – таниқли давлат арбоби Муҳаммад Шайбонийхон [Шайбонийхон; Шайбек, Шойбек, Шоҳибек] яшаган ва фаолият юритган давр.

1451 – 1526 йиллар – Деҳли султонлигида афғон лўдийлар сулоласи фаолият юритган.

Лўдийлар сулоласи ҳукмдорлари: Баҳлул Лўдий (1451 – 1489), Искандар Лўдий (1489 – 1517), Иброҳим Лўдий (1517 – 1526).

1452 йил – Қосим хонлиги [Қосимийлар подшолиги] ташкил қилинди (Бу давлат 1681 йилда Россия империяси таркибига киритилди). Пойтахти – Қосим (Касимово) шаҳри. Аҳолиси – қосим татарлари.

1452 – 1519 йиллар – флоренциялик Уйғониш даври маданиятининг буюк арбоби, гениал мусаввир, таниқли файласуф, табиатшунос олим ва муҳандис Леонардо да Винчи яшаган ва фаолият юритган давр.

1452 – 1530 йиллар – давлат арбоби Қўчқунчихон яшаган ва фаолият юритган давр.

1452 – 1681 йиллар – туркий Қосим хонлиги [Қосимийлар подшолиги] фаолият юритган давр. Олтин Ўрда давлати парчаланганидан сўнг Мешерада, яъни Ока дарёси атрофида (ҳозирги Рязань вилоятининг шимолишарқий қисми) мавжуд бўлган кичик подшолик. Сулолага Қозон хони Улуғ Муҳаммадхоннинг ўғли Қосимхон асос солган ва хонликнинг биринчи ҳукмдори бўлган (1452 – 1469). Подшолик ва шаҳарнинг номи унинг асосчиси Қосимхон исмидан олинган.

Қосим хонлиги ҳукмдорлари:

Қозон сулоласи: Қосимхон, Улуғ Муҳаммадхон ўғли, Қосим хонлиги шахзодаси (1445 – 1469), Дониёрхон, Қосимхон ўғли (1469 – 1486);

Крим сулоласи: Нур Давлатхон, Ҳожи-Гирей ўғли, Қосим хони (1486 – 1491), Сотилган (1491 – 1506), Жанай (1506 – 1512);

Катта Ўрда сулоласи [Аштархон сулоласи]: Шайх Авлиёр султон, Бахтиёр султон ўғли, Қосим хонлиги шахзодаси (1512 – 1516), Шоҳ Алихон (1516 – 1519; 1533 – 1546), Жон Алихон (1519 – 1531), Саин Булатхон [чўқинтирилгандан сўнг: Симеон; Қосим хони] (1567 – 1573), Мустафо Али (1584 – 1590);

Қозоқ сулоласи: Ўроз Муҳаммадхон, Ондан султон ўғли, Қосим хони (1600 – 1610);

Сибирь сулоласи: Арслонхон, Али ўғли, Қосим хони (1614 – 1627), Саид Бурхон [чўкинтирилгандан сўнг: Василий Арслонович (1627 – 1679), Фотима Султонбегим, Арслонхоннинг хотини (1679 – 1681) ва бошқалар.

1453 йил 2 апрель – Султон Меҳмет II бошчилигидаги Усмонли турк кўшини Византия империяси пойтахти Константинополь шаҳрини қамал қилишга киришди. Султон Меҳмет II Константинополь қамалига 120 000 – 160 000 кишилиқ кўшин ташлаган эди (6 апрелда шаҳар бутунлай қуршаб олинди. Тарихчилар қамал жараёнини 3 босқичга ажратишади: 1. 2 – 5 апрель; 2. 6 апрель – 18 май; 3. 19 – 29 май).

1453 йил 29 май – Константинополь шаҳри Усмонли турк кўшини томонидан эгалланди. Шаҳар қамалнинг 55-қунида забт этилгач, 21 яшар Султон Меҳмет II ўзига Фотиҳ унвонини қабул қилди. Византия императори Константин XI Драгаш ва унинг 10 000 кишилиқ кўшини жангда ҳалок бўлди. Бу жангда турклардан ҳам 90 000 киши ўлдирилди. Византия империяси кулади. Византия империясининг пойтахти *Константинополь* шаҳрининг номи *Истанбул [Ислом шаҳри]* деб ўзгартирилди ва у Усмонли турк султонлигининг янги пойтахтига айлантирилди (*Бу сана Ўрта асрлар даврининг тугаши ва Янги даврнинг бошланиши деб қабул қилинган*).

Истанбул шаҳри *Босфор бўғози* [туркча: *Истанбул бўғози*]нинг икки тарафи: Европа ва Осиё қитъалари ҳудудида жойлашган. Истанбул бўғизи Европа ва Кичик Осиёни Қора денгиз ва Мармар денгизи орқали боғлайди. Шаҳарнинг Европа қисми *Рум эли*, Осиё қисми эса *Анадўли* деб аталади. Шаҳарнинг Европа қисми Босфор бўғози ва Мармар денгизи оралигида *Олтин Шох қўлтиғи* [туркча: *Халич қўлтиғи*] орқали яна икки қисм: шимолӣ ва жанубий қисмларга ажралади.

(Олимларнинг фикрига кўра, шаҳар XIII асрдаёқ араблар томонидан *Истинполи* деб номланган. Турклар эса уни ўша пайтлардаёқ *Исломбул [Ислом шаҳри]* деб аташган. 1760 йилда Усмонли турк султонлиги томонидан чиқарилган махсус фармонга кўра, шаҳар расмий равишда XV аср ҳужжатларида кўрсатилганидек, *Исломбол [Ислом бўлган шаҳар]* деб номланди. XVIII аср охирларида Европа мамлакатлари, жумладан, Россияда шаҳар номи бузилган тарзда *Стамбул* деб атала бошланди. Юнонлар эса уни эскичасига Константинополь деб аташда давом этишди. 1930 йилдан бошлаб шаҳар барча халқаро расмий ҳужжатларда *Истанбул* номи билан тилга олинадиган бўлди).

1453 йил – Константинополь шаҳри Усмонли турк кўшинлари томонидан эгалланганидан сўнг, султон Меҳмет II томонидан Истанбулда махсус Фотиҳ мадрасаси ташкил қилинди. У кейинчалик Истанбул Фотиҳ университети номи билан дунёга машҳур бўлди.



ЯНГИ ТАРИХ ДАВРИ (XV АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ)

1453 йил – Янги давр бошланди.

1453 йил – Истанбул Буюк Усмонли турк султонлигининг янги пойтахтига айлантирилди.

1453 – 1478 йиллар – Узун Ҳасаннинг Оққуюнлилар давлатида ҳукмронлик даври.

1454 – 1517 йиллар – Жанубий Яман ва Тихомада ҳукмронлик қилган тоҳирийлар сулоласининг бошқарув даври. Улар расулийлар сулоласидан ҳокимиятни тортиб олган. Давлат худуди Тихомадан Дофаргача чўзилган. Сулола Миср мамлуклари томонидан 1517 йилда тугатилди. Пойтахти – Микрон ва Жубон.

Яманда ҳукмронлик қилган тоҳирийлар сулоласи ҳукмдорлари: Амир I ибн Тоҳир ва Али ибн Тоҳир [биргаликда] (1454 – 1460), Али ибн Тоҳир [бир ўзи] (1460 – 1478), Абдулваҳҳоб ибн Довуд ибн Тоҳир (1478 – 1489), Амир II ибн Абдулваҳҳоб (1489 – 1517).

1455 – 1485 йиллар – Англияда Қизил ва Оқ гуллар уруши. Англия тахти учун плантагенетлар сулоласининг икки йўналиши: ланкастерлар (Генрих VI; гербида – қизил гул) ва йорклар (Эдуард IV, Ричард III; гербида – оқ гул) ўртасидаги ўзаро уруш. Урушда иккала сулоланинг асосий вакиллари ҳалок бўлгач, ҳокимиятни тюдорлар сулоласи (Генрих VII Тюдор) эгаллади.

1455 – 1536 йиллар – миниатюрочи мусаввир, Шарқ уйғониш даврининг етук санъаткори, Ҳирот миниатюра мактаби асосчиси Камолиддин Бехзод яшаган ва фаолият юритган. У «Иккинчи Моний» номи билан машҳур бўлган.

1456 йил – турклар томонидан Афина шаҳри эгалланди.

1457 йил 28 январь – 1509 йил 21 апрель – Англия қироли Генрих VII Тюдор яшаган ва фаолият юритган давр.

1458 йил – Матъяси Хуньяди (Янош Хуньядининг ўғли) Венгрия қироли бўлди.

1458 йил – Ацтеклар давлати Марказий Мексикада (Мексика қўлтиғидан Тинч океанигача) ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

1458 – 1490 йиллар – Венгрия қироли Матъяси Хуньядининг ҳукмронлик даври. Будапештдаги қироллик саройи равақ топди.

1459 йил – Ҳожитархон хонлиги [татар ва нўғайчаси: Ҳожитархон хонлиги, ўзбекчаси: Аштархон хонлиги, русчаси: Астрахань хонлиги]га асос солинди (Хонлик ҳудуди 1556 йилда Россия томонидан босиб олинди). Пойтахти – Ҳожи Тархон [Аждархон; Аштархон, ҳозирги – Астрахань]. Тили – татар, нўғай. Дини – исломнинг сунний оқими.

1459 – 1556 йиллар – Ҳожитархон хонлиги мавжуд бўлган. У Олтин Ўрда давлати таназзулидан сўнг пайдо бўлди. Дастлаб Олтин Ўрда амири Ҳожи Черкес XIV асрда Ҳожитархонни эгаллаб, мустақил мулкка асос солди. Бу давлат Олтин Ўрданинг инқироzi натижасида вужудга келган туркий хонлик эди. Ҳожитархон хонлигига тахминан 1459 йилда Катта Ўрданинг собиқ хони Маҳмудхон ва унинг ўғли Қосимхон асос солди. Ҳожитархон хонлари Жўчи наслидан Ботухоннинг кичик укаси Тўқай Темур авлодлари саналган. Русь подшоси Иван Грозний томонидан 1556 йилда Ҳожитархон хонлиги тугатилди.

Ҳожитархон хонлиги ҳукмдорлари: Маҳмуд [Саид Маҳмуд], Кичик Муҳаммад ўғли (1459 – 1476), Қосим I (1476 – 1495), Абдулкарим (1495 – 1515), Жонибек (1515 – 1523), Хусайн (1524 – 1531), Ислом – Гирей (1531), Қосим II (1531 – 1532), Оқ – Кубек (1532; 1545 – 1546), Абдур – Раҳмон (1533 – 1537; 1540 – 1545), Дарвиш Али (1537 – 1540; 1550 – 1552; 1554 – 1556), Ямғурчи (1546 – 1547; 1549; 1552 – 1554) ва б.

1460 йил – Антверпенда савдо биржаси очилди.

1461 – 1483 йиллар – Франция қироли Людовик XI нинг ҳукмронлик даври. Валуа сулоласидан. Марказлаштириш сиёсатини олиб борган.

1461 – 1485 йиллар – йорклар қироллар сулоласининг Англиядаги ҳукмронлик даври. Плантагенетлар тармоғидан. Сулола Йорк герцоги Эдмунддан бошланган. Ҳокимиятни ланкастерлардан олган йорклар уни тюрдорлар сулоласига топширдилар.

Йорклар сулоласи: Эдуард IV (1461 – 1483), Эдуард V (1483), Ричард III (1483 – 1485).

1462 йил – Лионда савдо биржаси очилди.

1462 йил – Нигер дарёсининг ўрта ҳавзасида Сонгай давлати пайдо бўлди (1591 йилда бу давлат тугатилди). Пойтахти – Гао. Тили – сонгай. Дини – ислом.

1462 – 1505 йиллар – Рус давлатида Иван III нинг ҳукмронлик даври.

1463 йил – подшо Муҳаммад ҳукмронлиги даврида Канъон [Кано] шаҳар-давлати (Нигерия) ислом динини қабул қилди.

1464 – 1542 йиллар – йирик диний арбоб, нақшбандия тариқати раҳнамоси Маҳдуми Аъзам [Саййид Аҳмад Хожаги ибн Саййид Жалолиддин Косоний Даҳбедий] яшаган ва фаолият юритган давр.

1465 йил – Қозок хонлиги Еттисувда вужудга келди. Қозок элатининг узоқ давом этган шаклланиши ниҳоясига етди. Бу давлатга Жонибекхон ва Керейхон асос солишган. Кейинчалик ички низолар натижасида Қозок хонлиги 1718/1729 йилда учта жуз (Катта жуз, Ўрта жуз, Кичик жуз) га бўлиниб кетди. Пойтахти: Сузоқ (1466 – 1469; 1511 – 1521), Сиғноқ (1469 – 1511; 1521 – 1599), Туркистон (1599 – 1729). Тили – туркий ўзбек (адабий тил), қозок. Майдони – 2,5 млн. км². Аҳолиси – қозоқлар, ўзбеклар, қорақалпоқлар, Мўғулистоннинг мўғуллари.

1465 йил 10 октябрь – 1520 йил 22 сентябрь – Усмонли турк султони Салим I Ёвуз яшаган ва фаолият юритган давр.

1465 – 1729 йиллар – Қозок хонлиги мавжуд бўлган.

Қозок хонлиги ҳукмдорлари: Керейхон ибн Пўлод султон (1466 – 1474), Жонибекхон (1474 – 1480), Бурундик (1480 – 1511), Қосим (1511 – 1522), Мамаш (1522 – 1523), Тоҳир (1523 – 1533), Тоғим (1533 – 1538), Ҳақназар (1538 – 1580), Шиғай (1580 – 1582), Тавакал (1586 – 1598), Есим (1598 – 1628), Жонибек (1628 – 1643), Салкам Жаҳонгир (1643 – 1652), Ботир (1652 – 1680), Тавке (1680 – 1715), Қайип (1715 – 1718), Бўлат (1718 – 1729).

1467, 1469 – 1475, 1478 – 1515 йиллар – таниқли давлат арбоби, Қрим хони Менгли I Гарайхоннинг ҳукмронлик даври.

1468 йил – Оққуюнлилар [Оққўйлилар] туркий давлати ташкил топди. Давлатга боёндур қабиласи вакили Узун Ҳасан томонидан асос солинди. Ўғуз турклари қабилалари [конфедерацияси] таркибига кирувчи боёндур қабиласи бошқарувида суннийлардан бўлган туркманлар турган. Оққуюнлилар ҳам худди қорақуюнлилар сингари туркман бўлишган. Узун Ҳасан томонидан Қора қуюнлилар давлати тугатилди. Узун Ҳасан «Қонуннома» чиқарган (Оққуюнлилар давлати 1501 йилда Сафавийлар давлати томонидан тугатилди). Пойтахти – Табриз. Давлат раҳбари – султон. Тили – форс, туркий. Дини – исломнинг сунний оқими.

1468 йил – Скандербегнинг ўлиmidан сўнг турклар ҳозирги Албанияни (1463 йилда ҳозирги Боснияни, 1467 йилда ҳозирги Герцеговинани) эгаллади.

1468 – 1495 йиллар – туркий Туман хонлиги мавжуд бўлган. У аввал Ибир номи билан Олтин Ўрда таркибида бўлган. Давлат ҳудуди Тоболь дарёси ўрта оқими ҳамда унинг ирмоқлари – Тавда ва Тўра орасида жойлашган. Пойтахти – Туман (ҳозирги Тюмень). Шайбонийзода ака-укалар Ибоқ ва Мамуқ ҳокимиятни эгаллагач, Олтин Ўрда тахтини олиш учун курашган (Туман хонлиги ҳудуди XVI аср бошларида Сибирь хонлиги таркибига кириб кетган).

Туман хонлиги ҳукмдори: Ибоқхон (1468 – 1495).

1468 – 1496 йиллар – Миср ва Суриядаги мамлуқлар султони Каитбейнинг ҳукмронлик даври.

1468 – 1501 йиллар – Оққуюнлилар [Оққўйлилар] туркий сулоласи ва давлати Диёрбакир, Шарқий Онадўли ва Озарбайжонда фаолият юритди.

Оққуюнлилар [оққўйлилар] номи билан туркий ўғуз қабилалари Дажла дарёсининг юқори оқими бўйларида дастлаб XIV аср бошларида ўзаро бирлашма ташкил қилишди. Боёндурлардан чиққан оққуюнлилар сулоласи 1348 – 1468 йилларда бу бирлашмага раҳбарлик қилди. Оққуюнлилар сулоласи раҳбарлари сунний туркманлари бўлган. Оққуюнлилар сулоласи ўзининг асосий ғаними Қорақуюнлилар давлатини 1468 йилда тор-мор этиб, Арманистон, Озарбайжон, Ироқи Араб ва Ғарбий Эронни эгаллаб, Табриз шаҳрини пойтахт қилди. Сулолага Қора Усмон ибн Аҳмад, давлатга эса Узун Ҳасан ибн Али томонидан асос солинган. Давлат Сафавийлар давлати асосчиси Исмоил Сафавий бошлиқ қизилбошлар томонидан тугатилган.

Оққуюнлилар сулоласи:

Оққуюнли беклар (1348 – 1468): Паҳлавонбек Оққуюнли (XIII аср ўрталари), Тур Алибек ибн Паҳлавонбек (1348), Фахруддин Қутлуғбек ибн Тур Алибек (1348 – 1378), Аҳмадбек ибн Қутлуғбек (1378 – 1403), Фахруддин Қора Йулук Усмонбек ибн Аҳмадбек (1403 – 1435), Нуруддин Ҳамзабек ибн Усмонбек (1435 – 1444), Жалолуддин Алибек ибн Усмонбек (1435 – 1438), Муиззуддин Жаҳонгирбек ибн Алибек (1444 – 1453), Узун Ҳасан ибн Алибек (1453 – 1468).

Оққуюнли султонлар (1468 – 1501/1508): Узун Ҳасан ибн Алибек (1468 – 1478), Султон Халилхон ибн Узун Ҳасанхон (1478), Ёқубхон ибн Узун Ҳасанхон (1478 – 1490), Бойсункурхон ибн Ёқубхон (1490 – 1493), Рустамхон ибн Махсудбек (1493 – 1497), Аҳмадхон ибн Утурлу Муҳаммадбек (1497 – 1502), Муродхон ибн Ёқубхон (1502 – 1508).

Оққуюнлиларнинг жойлардаги султонлари: Қумда: Муродхон ибн Ёқубхон (1497 – 1502); Форсда: Муҳаммадхон ибн Юсуф мирза (1497 – 1500); Озарбайжонда: Абулмузаффар Нур Алвандхон ибн Юсуф мирза (1497 – 1504).

1468 – 1607 йиллар – туркий Сибирь хонлиги Ғарбий Сибирда мавжуд бўлган. Уни шибанийлар сулоласи вакиллари бошқарган. Ўзбеклар ва татарлар давлати. У баъзи манбаларда кўчманчи ўзбеклар давлати ёки Тюмень хонлиги ҳам дейилган. Бу туркий хонликнинг пойтахти Чинги – Тўра (Туман), Қашлик шаҳарлари эди. Хонликнинг асосий аҳолиси ўзбеклар, татарлар ва қозоқлар бўлган. Хонлик ҳудуди Қозон хонлиги, Нўғай Ўрдаси ҳамда Иртиш бўйларидаги телеутлар ва Пермь ерлари билан чегараланган. Хонлик ҳудуди 1375 – 1468 йилларда Чинги Тўра вилояти, 1468 – 1495 йилларда Туман хонлиги, 1495 – 1582 йилларда Искерлар юрти, 1563 – 1582 йилларда Кучумоннинг Сибирь хонлиги деб ҳам аталган. XV аср охирида тайбуға мирзаси Муҳаммад Туман хонлигига зарба бериб, пойтахтни

Қашлиқ шахрига кўчиргач, давлат Сибирь хонлиги деб номланди. Русь подшолиги кўшинлари томонидан 1582 – 1607 йилларда бу туркий давлат босиб олинган.

Сибирь хонлари: Ибоқхон (1465 – 1495), Мамуқхон (1495 – 1502), Қутлуғхон (1500 – 1506), Ағалакхон (1502 – 1530); Кулукхон, Муртазоалихон (1563 – 1565), Аҳмад Гирейхон (1565 – 1569), Кучумхон (1563 – 1598), Алихон (1598 – 1616; 1607 йилдан номигагина ҳукмдор), Ишимхон (1616 – 1624), Аблат Гирейхон (1628 – 1631), Давлат Гирей султон, Кучук султон ва бошқалар.

Искерлар юрти [Сибирь тайбуға мирзалари]: Мар [Умар] (1450 – 1480), Муҳаммад Тайбуға (1496 – 1502), Қосим (1502 – 1530), Едигер (1530 – 1563), Бек Булат (1555 – 1558), Саид Аҳмад (1583 – 1588) ва бошқалар.

1469 – 1494 йиллар – темурийзода ҳукмдор Султон Аҳмад Мирзонинг Мовароуннаҳрда ҳукмронлик даври.

1469 – 1506 йиллар – Султон Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Хуросон пойтахти Ҳирот йирик маданият марказига айланди.

1471 – 1528 йиллар – германиялик рассом Альбрехт Дюрер яшаган ва фаолият юритган давр.

1473 йил 14 февраль – 1543 йил 24 май – поляк мутафаккири ва астрономи Николай Коперник яшаган ва фаолият юритган давр.

1475 йил – Усмонли турк султони Меҳмет II Кафани эгаллаб, Қрим ярим оролини забт этди.

1475 йил 6 март – 1564 йил 18 февраль – Уйғониш (Ренессанс) даврининг буюк арбобларидан бири хайкалтарош, рассом, меъмор, ҳарбий муҳандис ва шоир Буонарроти Микеланжело яшаган ва фаолият юритган.

1477 йил – Нанси шахрини қамал қилган Карл Жасур учинчи бор швейцарияликлар кўшинидан мағлуб бўлди.

1480 йил – Москва князи Иван III Русь давлатини мўғуллар зулмидан узил-кесил озод қилди. Русь давлати мустақилликка эришди. Италия меъморларининг ёрдамида Москвада дастлабки тош бино – Кремль курила бошланди.

1480 йил – Испанияда инквизиция таъсис этилди.

1481 йил – Франция жанубидаги Прованс вилояти порт шаҳри Марсель билан бирга қирол Людовик XI ҳукми остига ўтди.

1481 – 1512 йиллар – Усмонли турк султони Боязид II нинг ҳукмронлик даври.

1483 – 1498 йиллар – Франция қироли Карл VIII нинг ҳукмронлиги даври.

1483 – 1520 йиллар – Италиянинг буюк рассомларидан бири Рафаэль Санти яшаган ва фаолият юритган давр.

1483 йил 14 февраль – 1530 йил 26 декабрь – давлат арбоби ва ҳарбий саркарда, бобурийлар сулоласи асосчиси темурийзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур яшаган ва фаолият юритган давр (Бобур 1494 – 1500 йилларда Фарғона амири, 1497 – 1498 йилларда Мовароуннаҳр амири, 1504 – 1530 йилларда Кобул амири, 1507 – 1526 йилларда Темурийлар салтанати подшоси, 1511 йилда Қандаҳор амири, 1526 йил 30 апрелдан Буюк Бобурийлар давлатининг подшоси бўлган).

1485 йил – Босворт жангида инглиз қирол сулоласининг узок қариндоши Генрих Тюдор ғолиб чиқди. У ланкастерлар сулоласининг сўнгги вакили эди. Генрих VII номи билан Англия тахтига ўтирди ва тюдорлар сулоласига асос солди.

1485 йил 22 август – 1509 йил 21 апрель – Англия қироли Генрих VII Тюдорнинг ҳукмронлик даври.

1485 – 1603 йиллар – тюдорлар Англия қироллари сулоласининг ҳукмронлик даври. Қизил ва Оқ гуллар урушидан сўнг ҳокимият тепасига келган Генрих VII янги сулолага асос солди ва йорклар сулоласига барҳам берди.

Тюдорлар сулоласи: Генрих VII (1485 – 1509), Генрих VIII (1509 – 1547), Эдуард VI (1547 – 1553), Мария I (1553 – 1558), Елизавета I (1558 – 1603).

1486 – 1520 йиллар – мусаввир Камолиддин Бехзод Ҳиротда миниатюра мактабини бошқарди.

1486 йил – 1540 йил 17 март – Бухоро хони, шайбонийзода Убайдуллоҳхон яшаган ва фаолият юритган давр.

1487 йил 17 июль – 1524 йил 23 май – туркий Сафавийлар давлатининг асосчиси Шоҳ Исмоил I Хатойи яшаган ва фаолият юритган давр.

1487 – 1532 йиллар – инглиз гуманист ёзувчиси Томас Мор яшаган ва фаолият юритган давр.

1490 – 1588 йиллар – меъмор Хўжа Синон Усмонли турк султонлигида яшаган ва фаолият юритган.

1490 – 1633 йиллар – Аҳмаднагар давлати (Ҳиндистон; Деканнинг шимоли-ғарбида)ни низомшоҳлар сулоласи бошқарган давр. Сулолага баҳманийлар лашкарбошиси Малик Аҳмад Баҳрий асос солган. Кейинчалик бобурийлар сулоласи бу ҳудудни ўз давлатига қўшиб олган.

1491 йил – қирол Карл VIII Бретан герцоги қизи Аннага уйланди. Бургундия қўшиб олиниши билан Франциянинг марказлашуви тўлиқ яқунланди.

1491 – 1547 йиллар – Англияда реформация қирол Генрих VIII ҳукмронлиги даврига тўғри келди.

1492 йил 3 август – Христофор Колумб (генуялик денгизчи) ўзининг 92 кишилик жамоаси билан 3 та кемада: «Ниня», «Пинта» ва «Санта-Мария»да испан порти Паласдан «Ҳиндистон томон» денгиз саёҳатига чиқди.

1492 йил 12 октябрь – Колумб томонидан Янги ер – Америка қитъаси кашф этилди.

1492 йил – христианлар томонидан мусулмонларнинг Европадаги сўнги худуди – Гренада босиб олинди. Мусулмонлар қатл этилди. Яҳудийлар Испаниядан бадарға қилинди.

1492 йил – араб халифалиги мустамлакаси Испания мустақилликка эришди. Испания империяси ташкил топди (1898 йилда империя парчаланиб кетди). Пойтахти – Толедо (1492 – 1561), Мадрид (1561 – 1601), Вальядолид (1601 – 1606), Мадрид (1606 – 1898). Тили – испан. Дини – католик. Пул бирлиги – реал, песета. Майдони – 20 000 000 (1790). Аҳолиси – 60 000 000 (1790 йилда Ер юзи аҳолисининг 6 %).

1493 – 1519 йиллар – герман императори Максимилиан I нинг хукмронлик даври. У мамлакатда марказий-маъмурий бошқарув органларини тузди.

1493 йил – 1563 йил 15 октябрь – Жўйбор хожаларининг машхур намояндаси Хожа Муҳаммад Ислом яшаган ва фаолият юритган давр.

1494 йил – италия уруши бошланди. Биринчи италия кампанияси. Франция қироли Карл VIII Наполи қироллигини босиб олди.

1494 – 1556 йиллар – озарбайжон шоири Фузулий [Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий] яшаган ва фаолият юритган давр.

1494 йил 6 ноябрь – 1566 йил 6 сентябрь – таниқли давлат арбоби Сулаймон I Мухташам [Сулаймон I Қонуний] яшаган ва фаолият юритган давр.

1496 – 1903 йиллар – Суматра шимолида мусулмон давлат – Ачех султонлиги мавжуд бўлган (Бу худуд VIII асрдан исломни ёйиш маркази бўлган. Султонлик ўз даврида индонез мусулмонлигининг йирик маркази ҳисобланган. XVII аср ўрталаридан Ачех таназзули бошланган. 1903 йилда Ачех султонлиги қулаган).

Ачех султонлиги хукмдорлари: Иноятшоҳ (1450), Музаффаршоҳ (?), Шамсиддиншоҳ (?), Али Муғхаётшоҳ (1496 – 1530), Салоҳиддин ибн Али (1530 – 1537), Риоятшоҳ ибн Али (1537 – 1571), Али (ёки Ҳусайн) Риоятшоҳ (1571 – 1579), Султон Муда (1579), Султон Шри Аълам (1579), Зайнулобидин (1579), Аълоиддин Мансуршоҳ (1579 – 1586), Али Риоятшоҳ (ёки рожа Буюнг) (1586 – 1588), Аълоиддин Риоятшоҳ (1588 – 1604), Али Риоятшоҳ (ёки султон Муда) (1604 – 1607), Искандар Муда (1607 – 1636), Аълоиддин Искандар Тани (1636 – 1641), Софийя, Искандар Муда қизи (1641 – 1675), Накийя (малика) (1675 – 1678), Закийя (малика) (1678 – 1688), Каломат (малика) (1688 – 1699), Шариф Нашим (1699 – 1702), Перкаса Аълам (1702 – 1703), Бадр ул-мунир (1703 – 1726), Аминиддиншоҳ (1726), Шамс ул-аълам (1726 – 1727), Аълоиддин Аҳмадшоҳ (1727 – 1735).

1497 йил – Британия империясига асос солинди. Пойтахти – Лондон. Йирик шаҳарлари – Лондон, Дехли, Сидней, Монреаль. Тили – инглиз.

Пул бирлиги – фунт стерлинг. Майдони – 34 650 407 км² (1922). Аҳолиси – 458 000 000 киши (1922 йилда Ер юзи аҳолисининг 24 %).

1497 – 1498 йиллар – Португалия қироли Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини топиш учун Васко да Гама бошчилигида экспедиция жўнатди.

1497 – 1949 йиллар – Британия империяси мавжуд бўлган.

1498 йил май – Васко да Гама Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини кашф этди. У араблар йўл бошловчилигида Яхши Умид бурни орқали ўтиб, ҳинд шаҳри Калькуттага келди.

1498 – 1500 йиллар – Христофор Колумб ўзининг учинчи саёҳатида Америка қитъасининг Перуа кўрфази (Венесуэла)га етиб борди.

1498 – 1515 йиллар – Франция қироли Людовик XII нинг ҳукмронлик даври. Валуа сулоласидан. У ҳарбий, суд, солиқ, пул тизимида ислохотлар ўтказди.

1499 йил – Франция қироли Людовик XII Италияда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориб, Миланни босиб олди.

1499 йил – флоренциялик Америго Веспуччи буюк Колумб кашф қилган ерларнинг янги қитъа эканлигини исботлади. У Гвиана қирғоқларига сузиб борди. Янги ер кейинчалик унинг номи билан Америка деб аталди.

XV аср охири – Франция марказлашган давлатга айланди. Мамлакатда мутлақ монархия ўрнатилди.

XV аср охири – Истанбулда Усмонли турк султонларининг қароргоҳи – Тўпқопи саройи курила бошланди.

XVI аср – Европада реформация асри.

XVI аср – Уганда бир неча мустақил давлатлар (Уньоро, Нкоре, Торо)га парчаланиб кетди.

XVI аср бошлари – Олтин Ўрда хонлиги кулади.

XVI аср бошлари – 1824 йил – Кичик жуз давлати [ҳозирги Ғарбий Қозоғистон ҳудудида] мавжуд бўлган. Кейинчалик у турли кичик мулкларга бўлинган ва Россия империяси таркибига қўшиб олинган.

XVI аср бошлари – XVII асрнинг 40-йиллари – Ўрта жуз давлати [ҳозирги Марказий, Шимолий ва Шарқий Қозоғистон ҳудудида] мавжуд бўлган. Жунғорларнинг босқинчилик юришлари натижасида Ўрта жуз қозоқларининг Россия империяси таркибига ихтиёрий қўшилиш жараёни тезлашган.

XVI аср бошлари – 1847 йил – Еттисувда Катта жуз [Улуғ жуз; уйшун] давлати мавжуд бўлган. Кейинчалик Россия империяси томонидан тугатилган.

XVI асрнинг 40-йиллари – Японияга биринчи бўлиб Португалия савдогарлари кириб келди.

XVI аср биринчи ярми – «Қонли қонунлар»га биноан Англияда 70 минг киши дорга осилди.

XVI аср ўрталари – Россия Волгабўйи ва Ғарбий Сибирни босиб олишга киришди.

1500 йил июнь – Турон давлати худудида Муҳаммад Шайбонийхон (Ўзбек улуси давлати хони Абулхайрхоннинг невараси; Шохбудок султоннинг ўғли) томонидан янги туркий сулола ва давлатга асос солинди. Бу сулола ўз асосчисининг номи билан шайбонийлар деб номланган (Кейинчалик Турон давлати парчаланиб, унинг ўрнида Бухоро хонлиги ташкил топди. Бухоро хонлигини аввал шайбонийлар сулоласи (1500 – 1601), сўнгра аштархонийлар сулоласи (1601 – 1756) вакиллари бошқарди). Пойтахти – Самарқанд (1500 – 1533), Бухоро (1533 – 1601). Давлат бошлиғи – хон. Тили – ўзбек. Аҳолиси – бухороликлар [ўзбеклар, тожиклар] Сулоласи – шайбонийлар.

1500 йил – Ҳиндистонга йўл олган Педру Алвариш Кабрал (1460 – 1526) экспедицияси йўлдан адашиб, Бразилия қирғоқларига тушиб қолди ва Бразилияни кашф қилиб, уни Португалия қироли ерлари деб эълон қилди.

1500 – 1501 йиллар – Исмоил I Сафавий томонидан олиб борилган урушлар натижасида Эронда улкан худудлар эгалланди.

1500 – 1510 йиллар – Мовароуннаҳрда шайбонийлар сулоласи ва янги туркий давлатнинг асосчиси Муҳаммад Шайбонийхоннинг ҳукмронлик даври.

1500 – 1530 йиллар – Италияда Ренессанс даврининг классик босқичи (Бу даврда Браманге, Леонардо да Винчи, Микеланжело, Рафаэль, Андреа дель Сарто, Коррежо каби рассом ва ҳайкалтарошлар ижод қилишган).

1500 – 1601 йиллар – Бухоро хонлигида шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги. Шайбонийлар сулоласи Мовароуннаҳрда темурийлар сулоласи (Бобур Мирзо) ўрнига ҳокимият тенасига келди. Давлатни мустаҳкамлашда унинг асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон, сўнгра Убайдуллахон катта иш қилишди. Бухоро хонлиги, хусусан, Абдуллахон II даврида равақ топди. Убайдуллахон томонидан 1533 йилда пойтахт Самарқанддан Бухоро шаҳрига кўчирилгач, давлат номи Бухоро хонлиги деб аталган. 1601 йилда Бухоро хонлигида ҳокимият тепасида шайбонийлар сулоласи ўрнига туркий аштархонийлар (жонийлар) сулоласи вакиллари келишди.

Шайбонийлар сулоласига мансуб Бухоро ҳукмдорлари:

Шайбонийлар сулоласидан бўлган Бухоро хонлари: Абулғози Муҳаммадхон, Шохбудок Султон ўғли [Шайбонийхон] (1500–1510), Кўчкунчихон, Абулхайрхон ўғли (1510/1512 – 1530), Музаффаруддин Абу Саид Султон, Кўчкунчихон ўғли (1530 – 1533), Муиззуддин Абулғозий Убайдуллахон, Маҳмуд Султон ўғли (1533 – 1540), Абдуллахон I (1540); Абдулазизхон (1540–1550: Бухорода), Абдуллатифхон (1540–1551: Самарқандда), Наврўз

Аҳмадхон [Бароқхон] (1551 – 1556); Абулфатх Пирмухаммадхон, Жонибек Султон ўғли (1556 – 1561), Абулфатх Искандархон, Жонибек Султон ўғли (1561 – 1583), Абулғози Абдуллахон, Искандархон ўғли (1583 – 1598), Абулфатх Абдулмўминхон, Абдуллахон ўғли (1598), Пирмухаммадхон II, Исфандиёр Султон ўғли (1598 – 1601).

Шайбонийлар сулоласининг мамлакат вилоятларидаги турли султонлари:

Бухоро вилоятидаги султонлар: Маҳмуд, Шохбудок Султон ўғли (1501 – 1511), Убайдуллоҳ, Маҳмуд Султон ўғли (1512 – 1533), Абдулазизхон, Убайдуллоҳ ўғли (1533 – 1550), Муҳаммадёр Султон, Суюнч Муҳаммад Султон ўғли (1550 – 1554), Бурҳон Султон, Муҳаммад Раҳим Султон ўғли (1554 – 1557), Абулғози Абдуллоҳхон, Искандархон ўғли (1555 – 1556; 1557 – 1561; 1561 – 1583).

Самарқанд вилоятидаги султонлар: Аҳмад Султон, Убайдуллоҳхон ўғли (1501 – 1506), Муҳаммад Темурхон, Шайбонийхон ўғли (1506 – 1511), Абдуллатифхон, Кўчкунчихон ўғли (1540 – 1552), Султон Саид, Абу Саидхон ўғли (1552 – 1555), Наврўз Аҳмад Бароқхон, Суюнчхожахон ўғли (1555 – 1556), Муҳаммад Иброҳим Гадоихон, Абдуллатифхон ўғли (1556 – 1557), Бобохон, Наврўз Аҳмад Бароқхон ўғли (1556 – 1557), Жавонмард Али Султон, Абу Саидхон ўғли (1557).

Тошкент вилоятидаги султонлар: Суюнчхожахон, Абулхайрхон ўғли (1501 – 1524), Келди Муҳаммад, Суюнчхожахон ўғли (1524 – 1532), Наврўз Аҳмадхон [Бароқхон] Суюнчхожахон ўғли (1532 – 1556), Дарвишхон, Наврўз Аҳмадхон [Бароқхон] ўғли (1556), Бобохон, Наврўз Аҳмадхон [Бароқхон] ўғли (1582).

Миёнқўл вилоятидаги султонлар: Абулфатх Искандархон, Жонибек Султон ўғли (1512 – 1533).

Қарши вилоятидаги султонлар: Қилич Қора Султон, Кистин Қора Султон ўғли (1552), Абулғози Абдуллоҳхон, Искандархон ўғли (1552 – 1554).

Шаҳрисабз вилоятидаги султонлар: Хошим Султон, Бурундук Султон ўғли (1553 – 1556).

Кармана вилоятидаги султонлар: Абулфатх Искандархон, Жонибек Султон ўғли (1529 – 1533), Дўст Муҳаммад Султон, Жонибек Султон ўғли (1553 – 1556), Абулғози Абдуллоҳхон, Искандархон ўғли (1556 – 1561).

Туркистон вилоятидаги султонлар: Кўчкунчихон, Абулхайрхон ўғли (1501 – 1512), Наврўз Аҳмад Бароқхон, Суюнчхожахон ўғли (1539 – 1556).

Ҳисор вилоятидаги султонлар: Ҳамза Султон, Бахтиёр Султон ўғли (1501 – 1510), Маҳдий Султон, Бахтиёр Султон ўғли (1501 – 1510).

Фарғона вилоятидаги султонлар: Абулфатх Жонибек Султон, Ҳожи Муҳаммад Султон ўғли (1504 – 1529).

Балх вилоятидаги султонлар: Хуррамшоҳ, Муҳаммад Шайбонийхон ўғли (1506 – 1511), Кистин Қора Султон, Жонибек Султон ўғли (1526 – 1544), Қилич Қора Султон, Кистин Қора Султон ўғли (1544 – 1545), Абулфатх Пирмуҳаммадхон, Жонибек Султон ўғли (1546 – 1566), Абулфатх Абдулмўминхон, Абдуллоҳхон ўғли (1582 – 1598), Абдуламинхон, Абдулатиф Султон ўғли (1598) ва бошқалар.

1501 йил – иккинчи италия кампанияси. Франция қироли Людовик XII Наполи қиролигини қайта эгаллади.

1501 йил – Эрон ва Озарбайжонда сафавийлар сулоласи ҳокимият тепасига келди. Сафавийлар давлатига Шох Исмоил I Хатойи [Шох Исмоил I Сафавий] томонидан асос солинди (1722 йилда давлат, 1736 йилда сулола тугатилди). Пойтахти – Табриз (1501 – 1555), Қазвин (1555 – 1598), Исфаҳон (1598 – 1736). Давлат раҳбари – шаҳаншоҳ. Тили – форс [расмий тил], озарбайжон [сарой ва қўшин тили]. Аҳолиси – форслар, озарбайжонлар, курдлар, туркманлар, қизилбошлар, кожарлар ва б. Дини – исломнинг шиа оқими.

1501 – 1524 йиллар – Эронда ҳукмронлик қилган туркий Сафавийлар давлатининг асосчиси Шох Исмоил I Хатойининг ҳукмронлик даври.

1501 – 1722/1736 йиллар – Эронда сафавийлар сулоласи шу номдаги давлатни бошқарди. Сафавийлар давлатига Шох Исмоил I Хатойи [Шох Исмоил I Сафавий] томонидан 1501 йилда асос солинган. Сафавийлар туркий тилда гаплашганлар, улар этник жиҳатдан туркийлар (озарбайжонлар) бўлишган. Исломнинг шиа мазҳабига эътиқод қилишган. Уларнинг аجدодлари Ардабилдан бўлиб, сафавийлик тариқатининг асосчилари ҳисобланган. Сафавийлар давлатининг асосчиси Исмоил I Хатойининг отаси Ҳайдар қизилбошлар қабила иттифоқи раҳбари, онаси Олимшоҳ бегим Узун Ҳасаннинг қизи. Қизилбошлар 1500 – 1501 йилларда Ширвон ҳукмдори ширвоншоҳ Фаррух Ясор ҳамда Табризда оққуюнлилар ҳукмдори Алвандни енгач, Исмоил I тахтга ўтирган ва ўзига шиалар шоҳи унвонини ҳам олган. Эронни 1722 – 1729 йилларда афғонлар истило қилди, 1736 йилда сафавийлар сулоласи ўрнини туркий афшорлар сулоласи эгаллади.

Эрон ва Озарбайжонда сафавийлар сулоласи ҳукмдорлари:

Сафавийларнинг аждодлари: Сайфиддин Исҳоқ (1253 – 1334), Садриддин Мусо ибн Сайфиддин Исҳоқ (1305 – 1334), Али ибн Мусо (вафоти: 1429);

Ардабил тирлари: Иброҳим ибн Али (1429 – 1447), Жунайд ибн Иброҳим (1447 – 1460), Ҳайдар ибн Жунайд (1460 – 1488), Султон Али ибн Ҳайдар (1488 – 1497), Исмоил ибн Ҳайдар (1497 – 1502);

Сафавийлар сулоласига мансуб Озарбайжон ва Эрон шаҳаншоҳлари: Шох Исмоил I Хатойи [Шох Исмоил I Сафавий] (1501 – 1524), Таҳмасп

I (1524 – 1576), Исмоил II (1576 – 1577), Муҳаммад Худобанда (1577 – 1587), Аббос I (1587 – 1629), Сафий I (1629 – 1642), Аббос II (1642 – 1666), Сулаймон I (Сафий II) (1666 – 1694), Ҳусайн I (1694 – 1722), Таҳмасп II (1722 – 1732), Аббос III (1735 – 1736).

1502 йил 1 январь – Португалиялик сайёҳ Гаспар де Лемуш томонидан Гуанабара бўғизи кашф этилди. Португалияликлар бўғизни дарё деб ўйлаб, унга Январь дарёси деб ном бердилар ҳамда шу ном билан Рио-де-Жанейро шаҳрига асос солинди.

1502 йил – Христофор Колумбнинг Янги дунёга тўртинчи ва сўнгги саёҳати. У Панама бўйига борди.

1503 йил – португалияликлар Занзибарни босиб олиб, бу ерни Шаркий Африкадаги босиб олинган ерларнинг марказига айлантirdи.

1503 – 1507 йиллар – Леонардо да Винчи «Жоконда» портретини яратди.

1505 – 1533 йиллар – Русда Василий III князлиги даври.

1506 – 1543 йиллар – Альфонсо I нинг Африкадаги ҳукмронлик даври. Конгонинг дастлабки католик кироли Альфонсо I мамлакатни португаллар ёрдамида қайта ташкил қилди.

1507 йил – Япония тарихида нотинч давр бошланди. Бу давр Япония тарихига «Курашувчи вилоятлар даври» номи билан кирди.

1508 йил 6 март – 1556 йил 27 январь – бобурийзода Ҳумоюн яшаган ва фаолият юритган давр.

1509 – 1510 йиллар – Афина мактаби. Рафаэль суратлари яратилди.

1509 – 1547 йиллар – Англияда Генрих VIII Тюдорнинг ҳукмронлик даври.

1509 – 1550 йиллар – Бухоро хони, шайбоний Абдулазизхон яшаган ва фаолият юритган давр.

1509 – 1564 йиллар – Швейцарияда янги черков ғоясини тарқатган реформатор Жан Кальвин яшаган ва фаолият юритган давр (у кальвинизм таълимотига асос солган).

1510 йил 28 декабрь – Муҳаммад Шайбонийхон Исмоил I Сафавий билан Марв яқинида бўлган жангда ҳалок бўлди.

1510 йил – Америка истило қилинишининг иккинчи даври бошланди. Конкистадорлар (истилочилар) Панамада дастлабки истеҳкомларни қура бошладилар (XVII аср ўрталарига қадар давом этган бу давр конкиста – истило даври дейилади).

1510 – 1530 йиллар – Мовароуннаҳр хони, шайбоний Кўчкунчихоннинг ҳукмронлик даври.

1511 йил – папа Юлий II Францияга қарши қаратилган «Муқаддас лига»ни тузди.

1511 – 1512 йиллар – Рафаэль «Мадонна ди Фоменьо» суратини яратди.

1511 – 1659 йиллар – Марокашда саъдийлар (саййидлар) сулоласи ҳокимиятни бошқарган давр. Саъдийлар сулоласи Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг невараси Ҳасан ибн Аминнинг авлодлари наслидан тарқалган. Бу сулола вакиллари ҳасанийлар деб ҳам айтишган. Сулолага Суса шаҳрида 1511 йилда Муҳаммад ул-Махдий ал-Қойим асос солган. Саъдийлар сулоласи Марокаш султонлари сифатида давлатни бошқарганлар. Кейинчалик уларнинг ўрни филолийлар сулоласи билан алмашди.

1511 – 1561 йиллар – Бухоро хони, шайбоний Пирмуҳаммадхон яшаган ва фаолият юритган давр.

1512 йил – Элбарсхон томонидан мустақил Хоразм [Хива] хонлиги ташкил килинди. Хива хонлигини шайбонийлар [шибанийлар] сулоласининг арабшоҳийлар шохобчаси (1512 – 1804) ва қўнғиротлар сулоласи (1804 – 1920) вакиллари бошқардилар. Пойтахти – Вазир, Кўхна Урганч, Хива (1602 йилдан). Давлат раҳбари – хон. Тили – ўзбек. Аҳолиси – ўзбеклар, туркманлар, қозоқлар ва қорақалпоқлар. Дини – ислом (суннийлик, сўфизм). Сулоласи – шибанийлар [арабшоҳийлар].

1512 – 1516 йиллар – Хоразм хонлиги асосчиси Элбарсхон [Абулмансур Элбарсхон]нинг ҳукмронлик даври.

1512 – 1520 йиллар – Усмонли турк султони Салим I Ёвузнинг ҳукмронлик даври. У Миср ҳамда Ҳижоз ўлкаси (Қоҳира, Макка ва Мадина шаҳарлари)ни эгаллаб, ўзининг султон унвони ёнига халифа унвонини ҳам қўшди.

1512 – 1804 йиллар – Хоразм [Хива] хонлигида туркий шайбонийлар [шибанийлар] сулоласининг арабшоҳийлар шохобчаси вакиллариининг ҳукмронлик даври. Беркэ султоннинг ўғиллари Элбарс ва Бейбарс Хоразмда Эрон сафавийлари [қизилбошлар]нинг қисқа ҳукмронлигига барҳам беришгач, 1512 йилда Элбарсхон томонидан мустақил Хоразм хонлигига асос солинди. Элбарсхон шайбонийлар сулоласининг арабшоҳийлар шохобчасига мансуб бўлган. Бироқ улар Абулхайрхон хонадонига душманлиги боис Муҳаммад Шайбонийхон олиб борган юришларда қатнашмаган. Аслида Муҳаммад Шайбонийхон ва Элбарсхоннинг бобокалони битта шахс – Жўчининг ўғли Шибон Баҳодирхонга бориб тақалади. Кейинчалик Хоразм хонлиги пойтахти Вазир ва Кўхна Урганч шаҳарларидан Хивага кўчирилди ҳамда мамлакат Хива хонлиги деб атала бошланди. Хива хонлигида 1763 йилдан бошлаб инок (бош вазир) лавозимида турган қўнғиротлар уруғи вакиллариининг мавқеи ошган ҳамда улар аввал де-факто (1760 йилдан), сўнгра де-юре (1804 йилдан) Хива хонлигини мустақил бошқарганлар.

Хоразм хонлари:

Шайбонийлар (шибанийлар) сулоласининг арабшоҳийлар шохобчасига мансуб Хива хонлари (1512 – 1804 йиллар): Элбарсхон [Абулмансур Элбарсхон] (1512 – 1516), Султон Ҳожихон (1516), Ҳусайнкулихон (1516),

Сўфиёнхон (1516 – 1522), Бужақохон (1522 – 1526), Аванешхон (1526 – 1538), Алихон (1538 – 1547), Ақатойхон (1547 – 1556), Юнусхон (1556 – 1557), Дўстхон (1557 – 1558), Ҳожи Муҳаммад [Ҳожимхон] (1558 – 1594; 1598 – 1603), Араб Муҳаммадхон (1603 – 1623), Элбарс султон ва Ҳабаш султон (1623), Асфандиёрхон (1623 – 1643), Абулғозий Баҳодирхон (1643 – 1663), Анушахон (1663 – 1686), Аранг Муҳаммадхон (1686 – 1687), Худойдодхон (1687 – 1688), Ўзбекхон [Арнакхон] (1688 – 1690), Жўжи султон (1694 – 1697), Валихон (1697 – 1699), Шохниёзхон (1699 – 1702), Шохбахтхон (1702 – 1703), Сайид Алихон (1703 – 1705), Мусахон (1705 – 1706), Ёдгорхон (1706 – 1713), Шерғозихон (1714 – 1728), Элбарсхон II (1728 – 1739), Тоҳирхон (1739 – 1740), Нуралихон (1740 – 1742), Абулғозихон II (1742 – 1746), Ғойибхон (1746 – 1756), Қорабойхон (1756 – 1757), Темурғозихон (1757 – 1764), Абдулғозий III (1770 – 1804) ва бошқалар.

Хоразм хонлари (интернет талқини):

Шайбонийлар сулоласига мансуб Хоразм хонлари (1512 – 1694): Абулмансур Элбарсхон, Беркэ ўғли (1512 – 1538), Султонхожа, Билбарс Паланж ўғли (1538 – 1539), Ҳусайнкули, Илоқ ўғли (1539 – 1558), Суфён, Имнок ўғли (1558 – 1564), Бужунчиға, Имнок ўғли (1564 – 1568), Аванеш, Имнок ўғли (1568 – 1581), Каҳлон, Имнок ўғли (1581 – 1590), Ўқтой, Имнок ўғли (1590 – 1598), Ҳожи Муҳаммад, Ўқтой ўғли (1598 – 1603), Араб Муҳаммад, Ўқтой ўғли (1603 – 1623), Асфандиёр, Араб Муҳаммад ўғли (1623 – 1643), Абулғозий, Араб Муҳаммад ўғли (1643 – 1663), Муҳаммад Ануша, Абулғозий ўғли (1663 – 1686), Худойдод, Муҳаммад Ануша ўғли (1686 – 1689), Эренк, Муҳаммад Ануша ўғли (1689 – 1694).

Чингизийлар сулоласига мансуб Хоразм хонлари (1694 – 1745): Жўчи (1694 – 1697), Вали (1697 – 1698), Шох Ниёз, Жўчи ўғли (1698 – 1703), Шохбахт, Шох Ниёз ўғли (1703 – 1704), Ёдгор, Муҳаммад Ануша ўғли (1704 – 1714), Эсим, Ёдгор ўғли (1714 – 1715), Шер Ғозий, Эсим ўғли (1715 – 1728), Элбарс, Шох Ниёз ўғли (1728 – 1740), Абулғозий Муҳаммад, Элбарс ўғли (1740 – 1745).

Тузо-темурийлар сулоласига мансуб Хива хонлари (1745 – 1770): Ғоип (1745 – 1757), Абдуллоҳ Қорабой (1757), Темур Ғозий (1757 – 1763), Тауке (1763 – 1764), Шох Ғозий (1764 – 1767), Абулғозий (1767), Нур Али (1767 – 1769), Жаҳонгир (1769 – 1770), Булакай (1770).

1512 – 1583 йиллар – Бухоро хони Искандархон яшаган ва фаолият юритган давр.

1513 йил – Н.Макиавеллининг «Хукмдор» рисоласи ёзилди (у 1532 йилда нашр этилди).

1514 йил – Усмонли турк султони Салим I Эрон шоҳи Исмоил Сафавий кўшинини тор-мор этди ва Месопотамия худудини назорат қила бошлади

(Хар икки туркий сулола – Усмонли давлати ва Эрондаги Сафавийлар давлати ўртасидаги ўзаро рақобат икки аср давом этди).

1514 йил – Мўғулистон давлати (уйғурча: Мўғулистон мамлакати; Ёркенд хонлиги; Кошғар хонлиги; Саидия номлари билан ҳам аталади) ташкил топди. Хонлик ҳудуди 1514 йилда Мўғулистон хонлигидан ажралиб мустақил давлат бўлди. Султон Саидхон дуғлат амирларига қарашли Манглай Субени эгаллаб, Кошғар, Ёркенд, Янги Ҳисор, Хўтан, Оксув, Қусан шаҳарларини эгаллаб, мустақил Ёркенд хонлигига асос солган. Бу хонликни ҳам туғлуқ темурийлар сулоласи вакиллари бошқарган. Бу давлатга Султон Саидхон асос солганлиги учун у айрим манбаларда Саидия давлати деб ҳам тилга олинади. 1544 йилда мамлакат хони Абдурашидхон Мўғулистон хонлиги пойтахти Олмаликни эгаллади ҳамда Мўғулистон хонлигини ўз давлатига қўшиб олди. 1596 йилда пойтахт Кошғарга қўчирилгач, давлат Кошғар хонлиги номи билан машҳур бўлган. 1665 йилда Кошғар хонлиги Жунғория хонлиги томонидан босиб олинди. Бу давлат Хитойнинг Цин империяси томонидан 1706 йилда бутунлай тугатилган. Пойтахти – Ёркенд (1514 – 1596), Кошғар (1596 – 1665), Хўтан (1665 – 1706). Давлат тили – туркий тил (эски ўзбек тили). Сулоласи – туғлуқ темурийлар.

1514 – 1679 йиллар – Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида туркий Мўғулистон давлати (мўғулча: Мўғулистон мамлакати; Ёркенд хонлиги; Кошғар хонлиги; Саидия номлари билан ҳам аталади) мавжуд бўлган.

Туғлуқ-темурийлар сулоласидан бўлган Ёркенд, Кошғар ва Хўтан хонлари: Султон Саидхон (1514 – 1533), Абдурашидхон I (1533 – 1559), Абдулқаримхон (1559 – 1591), Муҳаммадхон III (1592 – 1610), Шужоаддин Аҳмадхон (1610 – 1618), Қурайшхон II (1618), Абдулатифхон I [Оппокхон] (1618 – 1630), Султон Аҳмадхон II [Пўлатхон] (1630 – 1632; 1635 – 1638), Султон Маҳмудхон II [Қиличхон] (1632 – 1635), Абдуллохон (1638 – 1668), Йўлбарсхон (1668 – 1669), Абдул Латифхон II (1669 – 1670), Исмоилхон (1670 – 1678), Абдурашидхон II (1680), Муҳаммад Аминхон (1681 – 1692), Муҳаммад Мўминхон [Оқбошхон] (1694 – 1696) ва б.

Хўжалар сулоласи: Бурҳониддин хўжа (? – 1759).

Хонликни бошқарган улусбеги: Саййид Муҳаммад мирза (дуғлатлардан; 1514 – 1533).

1515 йил – бутун Испания ҳудуди бирлаштирилди.

1515 – 1547 йиллар – Францияда қирол Франциск I нинг ҳукмронлик даври.

1516 йил – султон Салим I Сурия ва Фаластинни босиб олди.

1516 йил – Нунес Балбао Панама ерларини Шарққа кесиб ўтиб, Тинч океанининг шимолига чиқди.

1517 йил – султон Салим I Миср пойтахти Қоҳира шаҳрини эгаллади. У Мамлуқлар давлатини ағдариб ташлаб, аббосийлар халифасини тахтга

Ўтказди ва Истанбулга олиб келди (Усмонли султонлари 1517 – 1924 йилларда бир вақтнинг ўзида ислом дунёсининг халифалари ҳам бўлганлар).

1517 йил – Виттенберг университети илохият профессори, роҳиб Мартин Лютер индульгенция ёрликларини сотишга қарши чиқди. У университет черкови эшикларига ўзининг «95 тезислар»ини елимлади. Германияда реформация бошланди.

1518 йил – барбарлар қарокчиси Хайриддин Барбарий (Барбаросса) Жазоирни Усмонлилар султонлигига бўйсундирди.

1519 йил 13 декабрь – португалиялик Магеллан бошчилигидаги сайёҳлар Рио де Жанейро кўрфазига кирди.

1519 йил – Усмонли турк султонлигида деҳқонлар кўзғолон кўтардилар. Унга шайх Жалол раҳбарлик қилди.

1519 йил – Карл V Муқаддас Рим империяси императори бўлди. У амалиси Максимилиан I дан Австрияга ворисийлик ҳуқуқини мерос олди.

1519 йил – Майя давлатини забт этиш учун ўзининг 16 та отлиқ ва 400 кишилиқ бўлинмаси билан испаниялик босқинчи Эрнан Кортес Мексика соҳилларига тушди.

1519 йил – Америка қитъасидаги дастлабки шаҳар – Панамага испанлар асос солдилар.

1519 йил – Диего Веласкес Кубада Гавана шаҳрига асос солди.

1519 – 1521 йиллар – ҳозирги Мексика ҳудуди испаниялик босқинчи Эрнан Кортес томонидан босиб олинди. У Юкатан дарёси соҳилларига келиб ўрнашди.

1519 – 1522 йиллар – Америго Веспуччининг Колумб кашф қилган ерларнинг янги қитъа эканлиги ҳақидаги фаразини португалиялик Герман Магеллан дунё айлана биринчи саёҳатида тўла тасдиқлади.

1519 – 1603 йиллар – Хоразм хони Ҳожи Муҳаммадхон [Ҳожимхон] яшаган ва фаолият юритган давр.

1520 йил 21 октябрь – Магеллан экспедицияси жанубий кенгликнинг 52 даражасида кейинчалик унинг номига кўйилган қўлтиққа кирди.

1520 йил 10 декабрь – Мартин Лютер папа ёрлиғини Виттенберг университети профессорлари ва талабалари ҳузурида ёндириб ташлади.

1520 йил 22 сентябрь – 1566 йил 6 сентябрь – усмонийлар султони Сулаймон I Мухташам [Сулаймон I Қонуний]нинг ҳукмронлик даври. Сулаймон I Қонуний салтанатга Европа (Родос, Венгрия), Шимолий Африка (Жазоир, Триполия, Тунис), Ўрта Шарқ (Ироқ, Адан) ҳудудларини кўшиб олди. Бу даврда салтанат ўзининг энг юқори тараққиёт даражасига эришди.

1521 йил 6 март – испан сайёҳи Магеллан томонидан Шимолий Мариана Ороллари кашф қилинди.

1521 йил – Теночтитлан (Мехико) Эрнан Кортес бошчилигидаги испан истилочилари томонидан босиб олинди ва бузиб ташланди. Ацтек салта-

нати тугатилди (ацтекларнинг сўнгги ҳукмдори Куатемок 1525 йилда қатл қилинди).

1521 – 1557 йиллар – Жуан II нинг Португалиядаги ҳукмронлик йилларида мамлакат ўзининг олтин асрини бошдан кечирди. Португалия Европа бозорларида шарқ зираворлари, канд ва куллар сотиш бўйича етакчи бўлган.

1524 – 1526 йиллар – Германияда деҳқонлар уруши.

1524 йил 28 май – 1574 йил 13 декабрь – Усмонли турк султони Салим II яшаган ва фаолият юритган давр.

1524 – 1576 йиллар – Таҳмасп I Сафавийнинг Эронда ҳукмронлик даври.

1525 йил март – Германиянинг Меминген шаҳрида тўпланган кўзғолончилар йиғилишида «12 модда» дастурини туздилар.

1525 йил – темурийзода Бобур Мирзо Деҳли султонлигига ҳужум қилди.

1526 йил 21 апрель – Панипат жанги. Бу жангда Бобур кўшини билан Деҳли султони Иброҳим Лўдий кўшини курашиб, унда Бобур ғалаба қозонди.

1526 йил 30 апрель – темурийлар сулоласининг вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобур Шимолий Ҳиндистонда янги туркий сулола ва давлат – Буюк Бобурийлар давлатига асос солди (1526 йил сентябрда Британия империяси томонидан Буюк Бобурийлар давлати тугатилди). Пойтахти – Деҳли, Лаҳор, Агра. Давлат раҳбари – подшо, шох. Тили – туркий [ўзбек], форс ва урду. Дини – ислом. Пул бирлиги – рупия. Майдони – 3 млн. км². Аҳолиси – 150 млн. киши (1700). Сулоласи – бобурийлар.

1526 йил 29 август – Сулаймон I Қонуний Мохачада бўлган жангда венгерлар устидан ғалаба қозонди. Венгрия қироли Людовик II [Лайош] Ягеллон жангда ўлдирилди. Венгрия қиролиги хулудининг катта қисми султонлик ихтиёрига ўтди. Венгрия парламенти Венгрия ва Богемия қироли қилиб Фердинанд Габсбург (Карл V нинг укаси)ни сайлади. Бу ҳолат Австрия-Венгрия монархияси вужудга келишини бошлаб берди.

1526 – 1538 йиллар – Хоразм хони Аванешхоннинг ҳукмронлик даври.

1526 – 1540; 1555 – 1858 йиллар – буюк бобурийлар сулоласининг Ҳиндистонда ҳукмронлик даври. Сулолага темурийзода Бобур томонидан 1526 йилда асос солинди. 1858 йилда инглизлар зулмига қарши кўтарилган кўзғолон мағлубиятга учрагач, бобурийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Муҳаммад Баҳодиршоҳ II инглизлар томонидан асир олиниб, Бирмага сургун қилинди. Ҳиндистонда Буюк Британия империясининг мустамлакачилиги тўлиқ ўрнатилди.

Ҳиндистондаги буюк бобурий ҳукмдорлар:

Бобурийлар сулоласи: Бобур (1526 – 1530), Ҳумоюн (1530 – 1540; 1555 – 1556), Акбаршоҳ (1556 – 1605), Жаҳонгиршоҳ (1605 – 1627), Шох Жаҳон (1627 – 1658), Аврангзеб Оламгир (1658 – 1707), Баҳодиршоҳ I (1707 – 1712),

Жаҳондоршоҳ (1712 – 1713), Фаррух Сияр (1713 – 1719), Муҳаммадшоҳ (1719 – 1748), Аҳмадшоҳ (1748 – 1754), Оламгир II (1754 – 1759), Шоҳ Олам II (1759 – 1806), Акбар II (1806 – 1837), Баҳодиршоҳ II (1837 – 1858).

1557 йил – Португалия босиб олинishi натижасида Макао [Аоминь] ташкил топди.

1528 йил 24 – 28 сентябрь – шайбоний султонлар билан Эрон шоҳи Таҳмасп I қўшинлари ўртасида Жом вилоятининг Зўробод мавзеида Жом жанги бўлди. Унда шайбонийлар мағлубиятга учрадилар.

1528 йил – Гренадада Уйғониш даврининг классик услубида собор қурилиши бошланди.

1529 йил – Вена шаҳри турклар томонидан биринчи марта камал қилинди.

1530 – 1533 йиллар – Бухоро хони Абу Саид Султоннинг ҳукмронлик даври.

1530 йил 26 декабрь – 1540 йил 17 май; 1555 йил 22 февраль – 1556 йил 27 январь – Буюк Бобурийлар давлатида Ҳумоюншоҳ ҳукмронлик қилган давр.

1530 йил 25 август – 1584 йил 18 [28] март – Иван IV Васильевич [Иван Грозний] яшаган ва фаолият юритган давр.

1531 – 1535 йиллар – Франсиско Писсаро бошчилигидаги испан иштилочилари Перуни босиб олдилар. Инклар давлати 1533 йилда тугатилди.

1531 йил – 1589 йил 23 октябрь – Жўйбор хожаларининг машҳур намояндаси Хожа Саъдуддин [Хожаи Калон Хожа] яшаган ва фаолият юритган давр.

1532 йил – Англияда реформация бошланди.

1533 йил – 1540 йил 17 март – Бухоро хони шайбоний Убайдуллоҳхоннинг ҳукмронлик даври.

1533 йил 17 сентябрь – 1603 йил 24 март – Англия қироличаси Елизавета I яшаган ва фаолият юритган давр.

1534 йил – Англияда қиролнинг черковдан устун туриши ҳақидаги акт қабул қилинди.

1534 йил – 1598 йил 8 февраль – Бухоро хони шайбоний Абдуллахон II [Абдуллахон ибн Искандархон ибн Жонибек Султон] яшаган ва фаолият юритган давр.

1535 йил – Франция билан Усмонли турк султонлиги ўртасида иттифоқчилик шартномаси имзоланди.

1535 йил – Русда ягона пул жорий қилинди.

1540 йил – Игнатий Лойол томонидан иезуитлар ордени таъсис этилди.

1540 – 1550 йиллар – Бухоро хони шайбоний Абдулазизхоннинг ҳукмронлик даври.

1541 – 1614 йиллар – машҳур испан рассоми Эль Греко яшаган ва фаолият юритган давр.

1542 йил – кардиналлар Краффа ва Бургас папага Италияда инквизиция судини тиклашни таклиф қилди.

1542 йил 14 октябрь – 1605 йил 17 октябрь – Буюк бобурий Акбаршоҳ яшаган ва фаолият юритган давр.

1543 йил – португалиялик Мендиш Пинту Бунго вилояти ҳукмдори билан Японияга турли товарлар, қурул-аслаҳа, порох олиб келиш ва уларни олтин ҳамда кумушга айирбошлаш тўғрисида шартнома имзолади.

1545 – 1563 йиллар – Павел III томонидан Тридент собори чақирилиб, протестантларнинг ислохотларига қарши католик черкови ўз ислохотларини ўтказди.

1546 йил 4 июль – 1595 йил 15 январь – Усмонли турк султони Мурад III яшаган ва фаолият юритган давр.

1547 йил – протестантизм тарихида биринчи марта женевалик оддий фуқаро Жан Грюе даҳрийликда айбланиб, Кальвин шахсига оид ёмон гапиргани учун гулханда ёндирилди.

1547 йил – Русь подшолиги [византияча: Россия подшолиги] ташкил топди. Русь князи Иван IV ўзини Бутунрусь подшоси деб эълон қилди ва биринчи рус подшоси бўлди (1721 йилда Россия подшолиги Россия империясига айлантирилди). Пойтахти – Москва (1547 – 1712), Санкт-Петербург (1712 – 1721). Давлат бошлиғи – Бутун русь подшоси. Тили – рус. Дини – православ. Майдони – 14,5 млн. км² (1700). Аҳолиси – 15 млн. киши (1719). Сулоласи – рюриковичлар, годиновлар, романовлар. Йирик шаҳарлари – Москва, Ярославль, Қозон, Новгород. Пул бирлиги – рубль.

Бутунрусь подшолари:

Рюриковичлар: Иван IV Васильевич [Иван Грозный] (1547 – 1584), Симеон II Бекбулатович (1575 – 1576), Фёдор I Иванович (1584 – 1598). *Годуновлар:* Ирина I Фёдоровна (1598), Борис I Фёдорович (1598 – 1605), Фёдор II Борисович (1605). *Нотинчлик даври:* Лжедмитрий (Сохта Дмитрий) I [расман: Дмитрий Иванович] (1605 – 1606), Василий IV Иванович Шуйский (1606 – 1610), Владислав I Жигимонтович (1610 – 1613) ва бошқалар.

1547 – 1550 йиллар – Иван IV қўшинларининг Волгабўйи халқларига қарши дастлабки юришлари муваффақиятсизлик билан тугади.

1547 – 1556 йиллар – Хоразм хони Ақатоӣхоннинг ҳукмронлик даври.

1547 йил 16 январь – 1584 йил 18 [28] март – Иван IV Васильевич [Иван Грозный]нинг ҳукмронлик даври.

1547 – 1616 йиллар – испан ёзувчиси Мигель де Сервантес яшаган ва фаолият юритган давр.

1548 – 1600 йиллар – италия мутафаккири Жордано Бруно яшаган ва фаолият юритган давр.

1549 йил – Русь подшоси Иван IV Земство собори (феодаллар турли қатламлари вакилларининг биринчи йиғилиши)ни чақирди.

1551 йил – Усмонлилар империяси Триполи (Ливия)ни эгаллади.

1551 – 1556 йиллар – Мовароуннахр хони шайбонийлар Наврўз Аҳмадхон [Барокхон]нинг ҳукмронлик даври.

1551 – 1607 йиллар – давлат арбоби Ғозий II Гарай яшаган ва фаолият юритган давр.

XVI аср иккинчи ярми – 1634 йиллар – Нўғай Ўрда давлатидан ажралиб чиққан Катта Нўғай Ўрда давлати фаолият юритган. Волгадан Урал дарёсигача чўзилган Каспий бўйидаги ҳудудлардан иборат бўлган. Кейинчалик Кичик Нўғай Ўрда таркибига қўшилиб кетган.

XVI аср иккинчи ярми – XVIII аср иккинчи ярми – Нўғай Ўрдадан ажралиб чиққан Кичик Нўғай Ўрда давлати фаолият юритган. Волга дарёсининг ўнг қирғоғи ва Азов бўйидаги ҳудудларни қамраб олган. Бу давлатга Қози мурза асос солган (1577 йилда вафот этган).

1552 йил август – Русь подшоси Иван IV 150 минг кишилик қўшини билан Қозон шаҳрини қамал қилди.

1552 йил 2 октябрь – Иван IV туркий давлат Қозон хонлигини босиб олди.

1553 йил – Женева орқали Германияга кетаётган машҳур испан олими Мигель Серветт ўтда ёндирилди.

1553 – 1558 йиллар – Генрих VIII нинг қизи Англия қироличаси Мария Тюдор (Мария Қонхўр)нинг ҳукмронлиги даври. У насронийликнинг католик мазҳабини давлат дини деб қайта эълон қилди.

1555 йил 25 сентябрь – Аугсбург диний сулҳи имзоланди. Унга кўра Муқаддас Рим империяси протестантликни эътироф этиб, христианлик диний эътиқоди католик ва протестантликка ажралишини тан олди.

1555 йил – Хумоюн Ҳиндистон тахтига даъвогар афғонларни тор-мор этиб, яна ҳокимиятни ўз қўлига олди.

1556 йил 16 январь – Муқаддас Рим империяси императори Карл V (императорлик даври: 1519 – 1556) ҳокимиятдан воз кечишга мажбур бўлди. У ўз империясини 2 қисмга бўлди: Фарбий қисм (Голландия, Испания, Италия ва Америкадаги колониялар) ўғли Филипп II га, Шарқий қисм (Габсбургларнинг Австриядаги мулклари) ва императорлик мақоми – укаси Фердинандга берилди.

1556 йил – Русь подшоси Иван IV туркий Аштархон хонлигини босиб олди.

1556 – 1598 йиллар – Филипп II ҳукмронлиги даврида Испания жаҳон йўлбошчилигига интилди.

1556 йил 27 январь – 1605 йил 17 октябрь – Акбаршоҳнинг Ҳиндистонда ҳукмронлик даври. У Ҳиндистонда бошқа дин ва халқ вакилларига нисбатан бағрикенглик сиёсатини олиб борди.

1557 – 1561 йиллар – Бухоро хони Пирмуҳаммадхоннинг ҳукмронлик даври.

1558 йил – Россия Болтиқбўйи ерларини босиб олиш учун Ливония уруши (Ливон уруши)ни бошлади. Бу уруш 25 йил давом этди.

1558 – 1583 йиллар – Ливония урушида Россия подшолиги ливония ордени, Швеция, Польша ва Буюк Литва князлигига қарши курашди. Бу урушда дастлаб ливония ордени мағлубиятга учради. Рус кўшинлари ғалаба қозониб турдилар. Кейинчалик Россия кўшини мағлубиятга учраб, ўзи учун ноқулай битимларни имзолади.

1558 йил 17 ноябрь – 1603 йил 24 март – Елизавета I нинг Англиядаги ҳукмронлик даври. У Мария Тюдорнинг ўрнига ҳокимиятга келди ва протестантликни тиклади.

1558 – 1603 йиллар – Хоразм хони Ҳожи Муҳаммадхон [Ҳожимхон] нинг ҳукмронлик даври.

1559 йил – Ҳиндистон ва Афғонистонда тахт учун бобурийларга қарши курашнинг етакчи кучлари – афғонларнинг сур сулоласи бутунлай янчиб ташланди.

1560 йил – Жан Нико (1530 – 1600) томонидан Францияга истеъмол килиш учун тамаки келтирилди.

1560 – 1574 йиллар – Франция кироли Карл IX нинг ҳукмронлик даври.

1561 – 1583 йиллар – Бухоро хони Искандархоннинг ҳукмронлик даври.

1561 – 1626 йиллар – янги давр Англия фалсафасининг асосчиси Френсис Бэкон яшаган ва фаолият юритган давр.

1562 – 1563 йиллар – Францияда биринчи Гугенотлар (диний) уруши. Воссидан протестантлар оммавий равишда ўлдирилди.

1563 – 1598 йиллар – сўнгги Сибирь хони шайбонийзода Кучумхоннинг ҳукмронлик даври.

1564 йил 26 апрель – 1616 йил 23 апрель – инглиз драматурги Вильям Шекспир яшаган ва фаолият юритган давр.

1564 йил 18 февраль – 1642 йил 8 январь – астроном ва физик Галилео Галилей яшаган ва фаолият юритган давр.

1564 – 1576 йиллар – герман императори Максимилиан II нинг ҳукмронлик даври.

1565 йил – Жанубий Ҳиндистонда Буюк Бобурийлар Таликот жангида ғалаба қилиб, ҳинд давлати Виджаянагарни тугатди.

1565 йил – Русь подшоси Иван IV давлат ерларидан катта қисмини алоҳида шахсий мулкка айлантирди. Бу мулк опричнина деб аталди.

1566 йил – Испанияда «бутга қарши» халқ ҳаракатлари. Қўзғолон бир йилдан сўнг бостирилди.

1566 йил – Нидерландияда католиклар Испанияси зулмига қарши халқ қўзғолони бошланди. Кальвинистлар қатнашган бу ҳаракат «Гёзлар қўзғолони» номини олди.

1566 – 1574 йиллар – усмонлилар султони Салим II нинг ҳукмронлик даври.

1566 йил 19 июнь – 1625 йил 27 март – қирол Яков I [Яков VI] яшаган ва фаолият юритган давр (Яков I 1567 – 1625 йилларда Шотландия қироли, 1603 – 1625 йилларда Англия қироли, 1603 – 1625 йилларда Ирландия қироли бўлди).

1567 йил – Шотландияда қўзғолон бўлди ва Мария I Стюарт ўз ўгли Яков VI (бўлғуси Яков I Англиялик) фойдасига тахтдан воз кечишга мажбур бўлди.

1567 – 1573 йиллар – Нидерландияда герцог Альба ҳукмронлиги даври.

1568 йил – Нидерландияда герцог Альбанинг қатағонларига қарши қўзғолон бўлди. Саксон йиллик урушнинг бошланиши.

1569 йил 28 июнь – Польша ва Литва ўзаро иттифоқ тузиб, Люблин униясини ташкил қилишди.

1569 йил – Муқаддас Рим империясида энг юқори олий ҳарбий унвон: генералиссимус жорий этилди. Кейинчалик Россия империяси, СССР, Хитой, КХДР ва бошқа мамлакатларда ҳам генералиссимус унвонига айрим таниқли саркарда ва давлат арбоблари сазовор бўлишди.

Генералиссимуслар:

Муқаддас Рим империяси генералиссимуслари: князь Альбрехт Валленштейн (1583 – 1634), князь Раймондо Мантекукколи (1609 – 1680), шахзода Максимилиан Бавариялик (1662 – 1726), шахзода Евгений Савойялик (1663 – 1736), граф Леопольд Йозеф Даун (1705 – 1766), шахзода Карл Лотарингиялик (1712 – 1780), граф Эрнст Гидеон Лаузон (1716 – 1790), эрцгерцог Карл Тешенлик (1771 – 1847), князь Карл Филипп Шварценберг (1771 – 1819).

Россия империяси генералиссимуслари: лашкарбоши Алексей Семёнович Шеин (норасмий равишда 1696 йил 28 июнда берилган), князь Александр Данилович Меньшиков (1727 йил 12 майда берилган; бироқ ўша йилдаёқ бу унвондан маҳрум қилинган), шахзода Антон Ульрих Браун-

швейглик (император Иван VI нинг отаси; 1740 йил 11 ноябрда берилган), Александр Васильевич Суворов (1799 йил 28 октябрда берилган).

Совет Иттифоқи Генераллисимуси: Иосиф Виссарионович Сталин (1945 йил 27 июлда берилган).

Хитой генераллисимуслари: Юань Шикай (1859 – 1916), Сунь Ятсен (1866 – 1925), Тан Цзияо (1882 – 1927), Чан Кайши (1887 – 1975), Чжан Цзолинь (1875 – 1928), Пу И (1906 – 1967).

Бошқа машҳур генераллисимуслар: Франсиско Франко Баамонде (Испания; 1892 – 1975), Фредерик I (Швеция қироли), Рафаэль Трухильо (Доминикан Республикаси), Франсиско Миренда (Венесуэла), Ким Ир Сен (КХДР), Альфредо Стресснер (Парагвай), Ким Чен Ир (КХДР) ва б.

1569 – 1574 йиллар – Эдирнада меъмор Синан томонидан Салим масжиди қурилди.

1569 йил 30 август – 1627 йил 8 ноябрь – бобурийзода Жаҳонгиршоҳ [шаҳзода Султон Салим Баҳодир] яшаган ва фаолият юритган давр.

1569 йил 1 июль – 1795 йил 24 октябрь – Речь Посполита давлати фаолият юритди. Бу давлат Польша ва Литва ўртасидаги Люблин унияси-дан сўнг ташкил топди. Пойтахти – Краков (1596 йилдан амалда Варшава). Давлат раҳбари – Польша қироли ва Литва буюк князи. Дини – рим-католик (давлат), грек-католик, православ, протестантизм, яҳудийлик, ислом. Пул бирлиги – поляк злотийси. Майдони – 878 000 км² (1650). Аҳолиси – 11 000 000 (1650).

1570 йил – Акбаршоҳ томонидан Агра яқинида Фатехпур-Сикри (Уттар-Прадеш) шаҳрига асос солинди; сарой ва масжидлар қурилди.

1570 – 1571 йиллар – Усмонли турк империяси Кипрни забт этди.

1571 йил – Томас Грешём Лондон биржасига асос солди.

1572 йил 24 август – Варфоломей туни. Гугенотлар қирғини уюштирилди. Париж ва унинг атрофларида протестантлар оммавий равишда қирғин қилинди. Уч кунлик қотиллик давомида 30 минг киши қурбон бўлди.

1572 – 1573 йиллар – Францияда тўртинчи диний уруш.

1573 йил – Японияда ўзаро ички урушлар сўнгги сёгун Асикага сулоласи ҳокимиятининг ағдарилиши билан ниҳоясига етди. Ода Нобунага Асикагани сёгунликдан маҳрум этди ва Японияни бирлаштирди (Японияда сёгун (ҳарбий саркарда) унвони авлоддан авлодга ўтган ва у давлатнинг ҳукмдори ҳисобланган).

1573 – 1630 йиллар – Хитойда император Ваньли (Шэн Цзун, Чжу Ицзюнь) ҳукмронлиги даври.

1574 йил – Тунис Усмонлилар давлатига қарашли подшоликка айланди.

1574 – 1589 йиллар – Франция қироли Генрих Шнинг ҳукмронлик даври.

1574 – 1595 йиллар – усмонлилар султони Мурад III нинг ҳукмронлик даври.

1575 йил – Луанда (Ангола)да Португалия колониялари пайдо бўлди.

1575 – 1755 йиллар – Марказий Явада йирик мусулмон давлати – Матарам мавжуд бўлган. У Мажапахит империяси кулаганидан сўнг вужудга келган. Голландларнинг фаол аралашуви натижасида Матарам 1755 йилда Нидерландияга қарам Суракарта ва Жокьякарта султонликларига бўлиниб кетди.

Матарам ҳукмдорлари: Мас Нгабехи Сутавижая Сенапати, Кжаи Геде Паманахон ўғли (1575 – 1601), Панембахон Седа Крапьяк, Мас Жоланг ўғли (1601 – 1613), Тжакракусума Агунг (1613 – 1645), Прабу Амангкурат I (1645 – 1677), Амангкурат II (1677 – 1703), Амангкурат III (1703 – 1705), Пакубувана I (1705 – 1719), Амангкурат IV (1719 – 1725), Пакубувана II (1725 – 1749), Пакубувана III (1749 – 1755).

1576 йил – Бенгалия бобурий ҳукмдор Акбаршоҳ томонидан эгалланди.

1579 йил – Испания ҳужумига қарши Нидерландия шимолидаги еттита кальвинистлар провинцияси иттифоқ туздилар. Бу иттифоқ Утрехт унияси деб аталди.

1579 – 1605 йиллар – Бухоро хонлигида аштархонийлар сулоласи асосчиси Боқи Муҳаммадхон яшаган ва фаолият юритган давр.

1580 йил – мўғул хони Алтунхон ўзига далай лама унвонини олиб, Тибет будда монархлар орденининг раҳбарига айланди.

1581 йил 26 июль – Нидерландия ташкил топди.

1581 йил – Шимолий Нидерландиядаги иттифоқчи еттита провинция испаниялик Филипп II ни қирол деб тан олишдан бош тортди.

1582 йил 15 октябрь – Рим папаси Григорий XIII томонидан Юрий таквими ўрнига Григорий таквими қабул қилинди (Бу таквим Перужий университети ўқитувчиси Луижи Лилио томонидан 1576 йилда таклиф этган лойиҳага биноан тузилган. Григорий календари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 1918 йил 14 февралдан (эски ҳисобда 1 февралдан) амал қилган).

1582 йил – Европадаги биринчи академия Флоренцияда ташкил қилинди.

1582 – 1598 йиллар – рус қўшини юришлари пайтида яна бир туркий давлат – Сибирь хонлиги тугатилди.

1582 – 1598 йиллар – Японияда Тоётоми Хидэёсининг ҳукмронлик даври.

1583 йил – 1598 йил 8 февраль – Бухоро хони шайбоний Абдуллахон II [Абдуллахон ибн Искандархон ибн Жонибек Султон]нинг ҳукмронлик даври.

1584 йил – Нидерландиянинг шимолида жойлашган Голландия ва Зеландия вилоятлари штатхаудери (ҳукмдори) Ораньелик Вильгелм Иезуитлар

ордени вакили франциялик Жерар Бальтазар томонидан отиб ўлдирилди. Кейинчалик Жерарнинг ўзи ҳам қатл қилинди.

1584 йил – Русь подшоси Иван IV Грозний вафот этди. Унинг ўғиллари Фёдор ва Дмитрий заиф ва ёш бўлганлари боис давлатни амалда Борис Годунов бошқаришга киришди.

1584 – 1598 йиллар – Русь подшоси Иван IV нинг ўғли Фёдор Ивановичнинг ҳукмронлик даври. Шундан сўнг Россияни 700 йил бошқарган Юриковичлар сулоласи ҳукмронлиги барҳам топди.

1585 – 1598 йиллар – Францияда саккизинчи диний уруш.

1585 йил 9 сентябрь – 1642 йил 4 декабрь – машҳур давлат арбоби Арман Жан дю Плесси Ришелье (кардинал Ришелье) яшаган ва фаолият юритган давр.

1586 йил – Акбаршоҳ томонидан Кашмир забт этилди.

1587 йил – Тоётоми Хидэёси барча насроний руҳонийларнинг Японияни тарк этиши ҳақида қонун чиқарди.

1587 – 1629 йиллар – шоҳ Аббос I нинг Эронда ҳукмронлиги даври. У сафавийлар сулоласини равақ топтирди.

1588 йил – Испания қироли Филипп II томонидан Англияга қарши юборилган «Енгилмас Армада» Англия қиргоқларида мағлубиятга учради.

1588 йил – Англия билан Голландия ўртасида уруш бошланди.

1588 – 1596, 1596 – 1607 йиллар – давлат арбоби, Крим хони Ғозий II Гарайхоннинг ҳукмронлик даври.

1588 йил 5 апрель – 1679 йил 4 декабрь – инглиз файласуфи Томас Гоббс яшаган ва фаолият юритган давр.

1589 йил – Москвада православ патриархияси ташкил этилди.

1589 йил – Францияда валуа сулоласининг сўнгги вакили қирол Генрих III ўлдирилди. У ўзидан валиаҳд қолдирмади. Франция тахтига бурбонлар сулоласининг асосчиси гугенотлар йўлбошчиси Генрих IV ўтирди.

1589 – 1610 йиллар – Франция қироли Генрих IV нинг ҳукмронлик даври.

1589 – 1650 йиллар – Бухоро хони аштархонийлардан Имомқулихон яшаган ва фаолият юритган давр.

1589 – 1792, 1814 – 1815, 1815 – 1830 йиллар – бурбонлар сулоласининг Францияда ҳукмронлик даври. Сулолага Генрих IV асос солди (Бурбонлар сулоласи Франция, Испания ва Италияда XVI – XX асрларда ҳукмронлик қилди).

Францияда бурбонлар сулоласи. Катта шахжара (1589 – 1830): Генрих IV (1589 – 1610), Людовик XIII (1610 – 1643), Людовик XIV (1643 – 1715), Людовик XV (1715 – 1774), Людовик XVI (1774 – 1792), Людовик XVII (шаҳзода), Людовик XVIII (1814 – 1815; 1815 – 1824), Карл X (1824 – 1830).

Кичик (Орлеан) шахжараси: Луи-Филипп (1830 – 1848).

Бурбонлар сулоласининг Испанияда 1700 – 1808, 1814 – 1868, 1874 – 1931 йиллар ва 1975 йилдан ҳукмронлик даври. Бурбонларнинг испан шажарасига Людовик XIV нинг невараси Филипп V асос солган.

Испанияда бурбонлар сулоласи (1700 – 1931): Филипп V (1700 – 1724; 1724 – 1746), Людовик I (1724), Фердинанд VI (1746 – 1759), Карл III (1759 – 1788), Карл VI (1788 – 1808), Фердинанд VII (1808; 1814 – 1833), Изабелла II (1833 – 1868), Альфонс XII (1874 – 1885), Альфонс XIII (1886 – 1931).

Бурбонлар сулоласининг иккала Сицилия қироллиги (Неаполитань қироллиги ва Парма герцоглиги)даги 1735 – 1805, 1814 – 1860 йиллар ва 1748 – 1802, 1847 – 1859 йиллардаги ҳукмронлик даври. Иккала Сицилия қироллигида шажара асосчиси Филипп V нинг ўғли Карл VII ҳисобланади.

Наполи шажараси (1735 – 1860): Карл VII (Карл IV номи билан Наполи (Неаполь) қироли: 1735 – 1759 ва Сицилия қироли: 1735 – 1759; Карл III номи билан Испания қироли: 1759 – 1788); Фердинанд IV (Фердинанд III номи билан Наполи қироли: 1759 – 1798; 1799 – 1805; 1814 – 1816 ва Сицилия қироли: 1759 – 1816; Фердинанд I номи билан иккала Сицилия қироли: 1816 – 1825); Франческо I (иккала Сицилия қироли: 1825 – 1830); Фердинанд II (иккала Сицилия қироли: 1830 – 1859); Франциск II (иккала Сицилия қироли: 1859 – 1860).

Парма шажараси: Филипп (Парма ва Пьяченца герцоги: 1748 – 1765); Фердинанд (Парма ва Пьяченца герцоги: 1765 – 1801); Людовик I (Этрурия қироли: 1801 – 1803), Карл Людовик II (Этрурия қироли: 1803 – 1807; Лукка герцоги: 1814 – 1847; Карл II номи билан Парма ва Пьяченца герцоги: 1847 – 1849); Карл III (Парма ва Пьяченца герцоги: 1849 – 1854); Роберт (Парма ва Пьяченца герцоги: 1854 – 1859).

1590 йил 18 апрель – 1617 йил 22 ноябрь – Усмонли турк султони Аҳмад I яшаган ва фаолият юритган давр.

1590 – 1665 йиллар – Голландия Республикаси қишлоқ хўжалигида 110 минг гектар ботқоқ ерлар ўзлаштирилди.

1592 йил – Хидэёси Тоётоми бошлиқ япон кўшинлари Кореяга ҳужум бошлади.

1592 йил – 1639 йил 20 январь – Усмонли турк султони Мустафо I яшаган ва фаолият юритган давр.

1592 – 1651 йиллар – Бухоро хони аштархонийлардан Нодир Муҳаммадхон [Надр Муҳаммадхон] яшаган ва фаолият юритган давр.

1592 йил 5 январь – 1666 йил 22 январь – бобурийзода Шохжаҳон I яшаган ва фаолият юритган давр.

1593 – 1594 йиллар – Генрих IV протестантликдан воз кечиб, Парижга кирди.

1596 йил – Сигизмунд III Ваза Польша давлати пойтахтини Краковдан Варшавага кўчирди.

1596 йил – инглизлар Пиреней ярим оролидаги Кадис портида испан флотини тор-мор қилди.

1598 йил – Японияда Хидэеси Тоётоми вафот этди. Узоқ курашлардан сўнг сёгунлик ҳокимиятини Иэясу Токугава эгаллади.

1598 йил – қирол Генрих IV диний урушларни тўхтатиш ва мамлакат яхлитлигига эришиш учун Нант эдиктини имзолади. Нант яраш битими-га кўра, Францияда католик черкови расмий ҳукмрон дин деб тан олинди. Шунингдек, протестантликка эътиқод қилишга рухсат берилди. Францияда диний эътиқод эркинлиги ўрнатилди.

1598 йил – Сафавийлар давлатининг пойтахтига айланган Исфаҳон шаҳрида меъморий обидалар (Чорбоғ, Майдони Шоҳ ва б.) қурилди.

1598 – 1605 йиллар – Борис Годуновнинг Рус тахтида ҳукмронлик даври.

1598 – 1621 йиллар – Испания ва Португалия қироли Филипп III нинг ҳукмронлик даври.

1599 йил – Аббос I Буюк ўзбеклардан (Бухоро хонлигини бошқарган шайбонийлар сулоласидан) Машҳад ва Ҳиротни тортиб олди.

1599 йил – Лондонда «Глобус» театри очилди.

1599 йил 25 апрель – 1658 йил 3 сентябрь – Англияда Оливер Кромвель яшаган ва фаолият юритган давр.

1600 йил 17 февраль – Жордано Бруно даҳрийликда айбланиб, Рим шаҳридаги Гуллар майдонида гулханда қуйдирилди.

1600 йил 8 октябрь – Сан-Марино Республикасининг амалдаги конституцияси («Статут» – Сан-Марино Республикаси давлат тузилиши тизими тўғрисидаги қонунлар мажмуаси) маъқулланган. Кейинчалик 1906 йил 26 мартда конституциявий ислохотлар натижасида унга тузатишлар киритилган. Катта Бош Кенгаш томонидан 6 ой муддатга сайланадиган икки капитан-регент давлат бошлиғи вазифасини бажаради.

1600 йил 31 декабрь – Англияда Елизавета I томонидан ташкил этилган Ост-Индия компанияси инглизларнинг Ҳиндистонга кириб келиши ва истило қилишини таъминлади (1707 йилда Британия Ост-Индия компанияси деб ўзгартирилди. 1874 йил 1 январда тугатилди).

1601 йил июнь – Бухоро хонлигини янги туркий сулола – аштархонийлар [жонийлар] бошқаришга киришди (1756 йилда Бухоро хонлиги манғитлар томонидан Бухоро амирлигига айлантирилди). Пойтахти– Бухоро. Давлат раҳбари – хон. Тили – ўзбек.

1601 – 1605 йиллар – Бухоро хонлигида аштархонийлар сулоласи асосчиси Боқи Муҳаммадхоннинг ҳукмронлик даври.

1601 – 1756 йиллар – Бухоро хонлигида аштархонийлар сулоласининг ҳукмронлик даври. Улар жонийлар деб ҳам аталган. Аштархонийлар сулоласи вакиллари Ҳожитархонда ҳукмронлик қилган хонлардан келиб чиққан.

Ҳокимият тепасига 1601 йилда шайбонийлар сулоласи ўрнига келган. Сулола асосчиси Жоний Муҳаммад [Муҳаммад Жонибек] ҳисобланса ҳам, у расмий равишда тахтга ўтирмаган. Жоний Муҳаммад Бухорога келиб, шайбоний Абдуллахон II нинг синглисига уйланган. Жонибекнинг ўғли Боқи Муҳаммадхон сулола вакили сифатида дастлабки расмий хон бўлган. Бу даврда ўзбеклар [Бухоро аштархонийлари] мамлакатни бирлаштириш учун Хива хонларига қарши сиёсий кураш олиб борганлар. 1756 йилда Бухоро хонлиги тахтини туркий манғитлар сулоласи вакиллари эгаллашган ҳамда давлат номи ҳам Бухоро амирлиги деб аталган.

Бухорода аштархонийлар сулоласи хонлари:

Бухоро хонлигини бошқарган аштархонийлар (жонийлар) сулоласи: Боқи Муҳаммадхон (1601 – 1605), Вали Муҳаммадхон (1605 – 1611), Имомқулихон (1611 – 1642), Надр Муҳаммадхон (1642 – 1645), Абдулазизхон (1645 – 1680), Субҳонқулихон (1680 – 1702), Убайдуллахон II (1702 – 1711), Абулфайзхон (1711 – 1747), Абдулмўминхон (1747 – 1751), Убайдуллохон III (1751 – 1754), Шерғоziхон (1754 – 1756).

Балхни бошқарган аштархонийлар сулоласи вакиллари (1681 – 1720): Искандар, Субҳонқули ўғли (1681 – 1683), Абулмансур, Субҳонқули ўғли (1683), Сиддиқ Муҳаммад, Субҳонқули ўғли (1683 – 1687), Муҳаммад Муқим, Искандар ўғли (1687 – 1707), Абдуллох, Валий Муҳаммад чевараси (1711 – 1712), Санжар, Абдуллох ўғли (1712 – 1717), Муҳаммад, Абдуллох ўғли (1717 – 1720).

1602 йил – Голландия (Нидерландия)нинг Ост-Индия компанияси ташкил топди.

1602 йил – Польша қироли Сигизмунд III Россияга бостириб кирди.

1603 йил – Россияда крепостной деҳқонлар кўзғолони бошланди. Кўзғолонга Холопка лақабли шахс бошчилик қилди.

1603 – 1617 йиллар – Усмонли турк султони Аҳмад I нинг ҳукмронлик даври.

1603 – 1621 йиллар – Хоразм хони Араб Муҳаммадхоннинг ҳукмронлик даври.

1603 йил 24 март – 1625 йил 27 март – Англия қироли Яков I нинг ҳукмронлик даври.

1603 йил 24 август – 1664 йил апрель – Хива хони Абулғозийхон [Абулғозий Баҳодирхон] яшаган ва фаолият юритган давр.

1603 – 1867 йиллар – Японияни токугава сёгунлари сулоласи бошқарган давр. Бу сулолага асос солган Токугава 1603 – 1616 йилларда сёгун сифатида мамлакатни бошқарган. Унинг қароргоҳи Эдо (ҳозирги Токио)га кўчирилди.

1604 йил – Амритсарда Олтин ибодатхонага асос солинди, бу ибодатхона сикхизм динининг асосий муқаддас жойи бўлди.

1604 йил 3 ноябрь – 1622 йил 20 май – Усмонли турк султони Усмон II яшаган ва фаолият юритган давр.

1605 йил 30 июль – 1606 йил 17 май – подшо Лжедмитрий I Кремлга ўрнашди. Россияда «нотинчлик даври» бошланди.

1605 – 1611 йиллар – Бухоро хони аштархоний Вали Муҳаммадхоннинг ҳукмронлик даври.

1605 йил 17 октябрь – 1627 йил 27 октябрь – бобурийзода Жаҳонгиршоҳ [шаҳзода Султон Салим Баҳодир]нинг Хиндистонда ҳукмронлик даври.

1605 – 1658 йиллар – Шимолий Хиндистон Жаҳонгиршоҳ ва Шоҳжаҳон ҳукмронлиги даврида юксак тараққиётга эришди.

1606 – 1607 йиллар – Россияда Иван Болотников бошчилигида деҳқонлар кўзғолони кўтарилди.

1606 – 1610 йиллар – подшо Василий Шуйский Россияга ҳукмронлик қилди.

1606 – 1669 йиллар – голландиялик рассом Харменс ван Рейн Рембрандт яшаган ва фаолият юритган давр.

1607 йил – Польша қироли Лжедмитрий II Россияга бостириб кирди.

1607 йил – Шимолий Америкада инглизларнинг доимий яшаш жойи – биринчи колонияси Виргиния курилди.

1608 йил – Самюэль Шамплейн французларнинг Канада (Янги Франция)даги мустамлакаси – Квебекка асос солди.

1609 йил 9 апрель – Гаагада Испания билан Голландия ўртасида ўн икки йилга тинчлик сулҳи тузилди. Испания Голландиянинг мустақиллигини тан олди.

1609 йил – Польша қироли Сигизмунд Россияга бостириб кирди. Сигизмунднинг ўгли Владислав рус подшоси деб тан олинди.

1609 – 1621 йиллар – Испания билан Бирлашган провинциялар ўртасидаги урушда ўн икки йиллик яраш.

1610 йил – деҳқонларни ўзлари ташлаб кетган ерларга қайтариш учун турк султони Салим I махсус «Адолат фармони» деб номланган фармон чиқаришга мажбур бўлди.

1610 – 1613 йиллар – Россияда етти боённинг ҳукмронлик даври.

1610 – 1925 йиллар – ҳозирги Эрон ҳудудида озарбайжонларнинг Мароға хонлиги бўлган. Хонлик пойтахти – қадимий Мароға шаҳри. Эрон ҳукмдори Ризошоҳ Паҳлавий томонидан 1925 йилда хонлик тугатилган.

1611 йил – Нижний Новгородда Кузьма Минин бошчилигида халқ кўзғолони бошланди.

1611 – 1631 йиллар – Швецияда қирол Густав II Адольфнинг ҳукмронлик даври.

1611 – 1642 йиллар – Бухоро хони аштархоний Имомқулихоннинг ҳукмронлик даври.

1612 йил – Москва учун бўлган жангларда Польша кўшини мағлубиятга учради.

1612 – 1620 йиллар – Парижда Сде Брюс томонидан Люксембург саройи қурилди.

1612 – 1637 йиллар – Исфаҳонда Жоме масжиди қурилди.

1613 йил 21 февраль [3 март] – Русда «нотинчлик вақти» тугади. Москвада чақирилган Земство собори Русь подшоси қилиб Иван IV Грозний хотинининг қариндоши Михаил Фёдорович Романовни сайлади (романовлар сулоласи рус тахтида 1917 йилгача қолди).

1613 йил 21 февраль [3 март] – 1645 йил 13 [23] июль – Михаил Фёдоровичнинг Русда ҳукмронлик даври.

1613 – 1917 йиллар – Россияда романовлар сулоласи ҳукмронлик қилган давр.

Романовлар [Россия подшолари]: Михаил Фёдорович (1613 – 1645), Патриарх Филарет (1619 – 1633), Алексей I Михайлович [Тишайший] (1645 – 1676), шаҳзода Алексей Алексеевич (1654 – 1670), Фёдор III Алексеевич (1676 – 1682), Софья Алексеевна (регент: 1689 йил 8 февраль), Иван IV Алексеевич (1696 йил 8 февраль), Буюк Пётр I Алексеевич (1682 – 1721).

Романовлар сулоласи [Россия императорлари]: Пётр I Алексеевич [Буюк Пётр] (1721 – 1725), Екатерина I (1725 – 1727), Пётр II (1727 – 1730), Анна Иоанновна (1730 – 1740), Елизавета Пётровна (1741 – 1761), Пётр III (1761 – 1762), Екатерина II (1762 – 1796), Павел I (1796 – 1801), Александр I (1801 – 1825), Николай I (1825 – 1855), Александр II (1855 – 1881), Александр III (1881 – 1894), Николай II (1894 – 1917).

1614 – 1681 йиллар – Бухоро хони аштархоний Абдулазизхон яшаган ва фаолият юритган давр.

1615 йил – Японияда сёгун Иэясу Токугава христиан динини тақиқловчи қонун чиқарди. Қонун христиан динини империя душмани деб эълон қилди.

1615 йил 5 ноябрь – 1648 йил 12 август – Усмонли турк султони Иброҳим I яшаган ва фаолият юритган давр.

1616 йил – Хитойда манжурлар томонидан цин сулоласига асос солинди (1644 йилда сулола томонидан Буюк Цин империяси барпо этилди (1912 йилда Цин империяси тугатилди). Пойтахти – Мукден (1636–1644), Пекин (1644 – 1912). Тили – манжур, мўғул, хитой, тибет. Дини – конфуцийлик, даосизм, буддизм. Майдони – 14,7 млн. км² (1790). Аҳолиси – 383 100 000. Сулоласи – цин.

1616 – 1636 йиллар – Хитойда манжурларнинг сўнгги цзинь сулоласи ҳукмронлиги даври. Бу сулолага манжурлар қабиласи етакчиси Нурхачи (Нурхаци) 1616 йилда асос солди ва Тай-Цзу номи билан 1616 – 1626 йилларда хон (император) бўлди. У асос солган сулола манбаларда Чин Тайзу

номи билан аталади. Тай-Цзунинг ишини 8-ўғли Хунтайжи ва 9-набираси Ойсингоро-Фулин давом эттирди.

1618 йил – Манжурия хукмдори Нурхачи Хитойга ҳарбий юриш бошлади.

1618 йил 23 май – 1648 йил 24 октябрь – Ўттиз йиллик уруш. Уруш дастлаб диний сабаблар (католиклар ва протестантлар ўртасидаги зиддият) асосида бўлди. Бу уруш габсбурглар блоки (папа ва Речь Посполита томонидан қўллаб-қувватланган Испания ва Австрия габсбурглари, Германиянинг католик князлари) билан габсбургларга қарши коалиция (Англия, Голландия ва Россия қувватлаб турган герман протестант князлари, Франция, Швеция, Дания) ўртасида бўлди. Сўнгра Европада етакчилик қилиш учун габсбурглар Австрияси ва Испания билан бурбонлар Францияси ўртасида кечди. Уруш натижасида габсбургларнинг «жаҳоншумул империя» тузиш ва миллий давлатларни бўйсундириш ҳақидаги режалари барбод бўлди, сиёсий ҳукмронлик Франция қўлига ўтди.

1618 йил 3 ноябрь – 1707 йил 3 март – бобурийзода Аврангзеб [Оламгир I] яшаган ва фаолият юритган давр.

1620 йил 21 ноябрь – Шимолий Америкага келган инглиз диний диссиденти Виржиния компанияси билан ички ўзини ўзи бошқариш учун Мэйфлауэр шартномасини тузди.

1620 – 1621 йиллар – Эрон шоҳи Аббос I бобурийлардан Қандахор шаҳрини жангда тортиб олди.

1621 – 1665 йиллар – Испания ва Португалия кироли Филипп IV нинг ҳукмронлик даври.

1622 – 1642 йиллар – Ришелье Францияда кардинал вазифасини бажарди (1624 йилдан қироллик кенгаши раҳбари, амалда Франция ҳокими).

1623 – 1640 йиллар – Усмонли турк султони Мурад IV нинг ҳукмронлик даври.

1623 – 1643 йиллар – Хоразм хони Асфандиёрхоннинг ҳукмронлик даври.

1623 – 1662 йиллар – франциялик математик, физик, файласуф ва ёзувчиси Блез Паскаль яшаган ва фаолият юритган давр.

1625 – 1649 йиллар – Англияда Қирол Карл I нинг ҳукмронлик даври.

1625 йил – 1702 йил 14 сентябрь – Бухоро хони аштархоний Субҳонқулихон яшаган ва фаолият юритган давр.

1626 йил – голландияликлар Шимолий Америкада Янги Амстердам колониясига асос солишди.

1626 – 1643 йиллар – Хитойда Нурхачининг вориси Абахай ҳукмронлиги даври.

1627 йил 30 декабрь – 1658 йил 8 март – Ҳиндистонда Акбаршоҳнинг набираси Шоҳжаҳон I нинг ҳукмронлик даври.

1627 – 1672 йиллар – Вьетнамда фуқаролар уруши. Шимолдаги Чинь (пойтахти Ханой) ва жанубдаги Нгуен (пойтахти Хюэ) аслзодалари ўртасида ҳокимият учун кураш.

1628 йил – парламент Англия қироли Карл I нинг «Ҳуқуқлар тўғрисидаги билл» ва «Ҳуқуқлар тўғрисидаги петиция»ни имзолашига эришди.

1629 йил – Муқаддас Рим империяси ва Дания ўртасида Любек тинчлик шартномаси имзоланди. Дания (Кристиан IV) Ўттиз йиллик урушда протестантларни қўллаб-қувватлади.

1630 йил 29 май – 1685 йил 6 февраль – Англия қироли Карл II Стюарт яшаган ва фаолият юритган давр.

1630 – 1697 йиллар – Бразилияда негрларнинг «Пальма Республикаси» даври.

1631 йил – Марокашда филолийлар сулоласи вакиллари ҳокимият тепасига келдилар. Бу сулолага Муҳаммад I Шариф Тафилалт шаҳрида асос солди. Бу сулола вакиллари тузган кўшин ал-Бухорий қуллари ёхуд занжилари деб аталади. Улар 1659 йилда Марокашни ўзларига бўйсундириб, саъдийлар сулоласини ҳокимиятдан четлаштиришди. Айни пайтда Марокаш Подшоҳлигини филолийлар сулоласига мансуб подшоҳ Муҳаммад VI (1999 йилдан) бошқармоқда.

1631 – 1641 йиллар – Агра шаҳрида Шоҳжаҳон томонидан севимли рафиқасига атаб Тожмаҳал мақбараси қурилди.

1632 йил 24 октябрь – 1723 йил 26 август – голланд олими Антони ван Левингук яшаган ва фаолият юритган давр. У 300 марта катталаштириб кўрсатадиган микроскоп яратди.

1633 йил – Қалмиқ хонлигига асос солинди (Россия императрицаси Екатерина II буйруғи билан 1771 йил октябрда Қалмиқ хонлиги тугатилган). Пойтахти – Аюки (1697 – 1724). Давлат раҳбари – тайша, хон. Тили – қалмиқ, рус. Дини – буддизм [гелут, кармакагью]. Аҳолиси – қалмиқлар [хошоутлар, торғоутлар, дербетлар], нўғайлар, бошқирдлар, руслар.

1633 – 1771 йиллар – Қалмиқ хонлиги мавжуд бўлган. У баъзи манбаларда Торғоут хонлиги дейилади. Торғоутлар қалмиқлардан бўлиб, улар Иртиш дарёси атрофларига, кейинчалик Волга бўйлари ва Шимолий Кавказга кўчиб келиб ўрнашган. Хонлик ҳудуди жанубда Терекдан шимолда Самарагача, ғарбда Дондан шарқда Ёйиқ (Урал) дарёсигача чўзилган.

Қалмиқ хонлари: Хо-Урлюк (1633 – 1644), Шукур-Дайчин (1644 – 1661), Мончак (1661 – 1672), Аюка (1672 – 1714), Чакдор-Джаб (1714 – 1722), Церен-Дондук (1724 – 1735), Дондук-Омбо (1735 – 1741), Дондук-Даши (1741 – 1761), Убаши (1761 – 1771) ва б.

1635 йил 29 январь [10 февраль] – кардинал Ришелье томонидан Парижда Франция Фанлар академиясига асос солинди.

1635 йил – кардинал Ришелье Ўттиз йиллик урушда Швеция томонида бўлди ва Испанияга қарши уруш эълон қилди.

1635 йил – Жунғория хонлигига асос солинди (Хонлик 1755 йилда Хитойнинг Цин-манжур империяси томонидан тугатилган). Пойтахти – Гулжа. Давлат раҳбари – хунтайжи, хон. Тили – қалмиқ. Дини – буддизм [гелуг]. Аҳолиси – 1 000 000 киши. Сулоласи – чорос.

1635 – 1755 йиллар – Балхаш кўли, Тянь-шань тоғлари ва Иртиш дарёси оралиғида Жунғория хонлиги [ойратлар давлати] мавжуд бўлган. Хонлик ҳудуди Балхаш кўли, Тянь-Шань тоғлари ва Иртишнинг юқори қисмида жойлашган. Хонликка Ботур хунжайти асос солган ва хонлик Ёркенд хонлигидан ажралиб чиққан. Ойрат хонлиги Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудларига бир неча марта босқинчилик юришларини олиб борган.

Жунғория хонлари [Ойратлар давлати хунжайтилари]: Эрдэни Ботур хунжайти (1635 – 1660), Сенгехон (1660 – 1671), Галдан (1671 – 1697), Цэван – Рабдан (1697 – 1727), Галдан – Цэрэн (1727 – 1746), Цэван – Дорджи (1746 – 1749), Лама – Даржа (1749 – 1753), Давочи (1753 – 1755) ва бошқалар.

1636 йил – Америкада дастлабки университет – Гарвард университети-га асос солинди.

1636 йил – Абахай ўзини Хитой императори деб эълон қилди.

1636 – 1637 йиллар – Франциянинг жануби-ғарбида катта солиқларга қарши деҳқонлар кўзғолони бўлди.

1637 йил – Корея Манжуриянинг вассал давлатига айлантирилди.

1637 – 1657 йиллар – герман қироли Фердинанд III нинг ҳукмронлик даври.

1639 йил – сафавийлар Эрони ва Усмонли турк империяси ўртасида Қасри Ширин ёки Зуhab шартномаси тузилди. Бағдод ва Басра усмонлилар ихтиёрида қолди.

1640 йил 3 апрель – 5 май – Англияда парламент ташкил топди ва қисқа муддат давомида фаолият юритди.

1640 йил 3 ноябрь – 1653 йил 20 апрель – Англияда узоқ муддатли парламент чақирувни. Англия инқилоби бошланди.

1640 – 1660 йиллар – Англия буржуа инқилоби.

1641 йил август – Англия парламенти «Буюк реформация» деб номланган ҳужжат қабул қилди.

1642 йил 4 декабрь – Ришелье вафот этди ва Мазарини қирол Людовик XIII кенгашига кирди.

1642 йил – голландиялик Тасман саёҳатлари натижасида Ван Димен Ери (ҳозирги Тасмания), Янги Зеландия ва Австралия қитъасини кашф қилди.

1642 йил – Англия қироли Карл I билан парламент ўртасида ажралиш юз берди.

1642 – 1645 йиллар – Бухоро хони аштархоний Нодир [Надр] Муҳаммадхоннинг ҳукмронлик даври.

1642 – 1646 йиллар – Англияда биринчи фуқаролар уруши.

1642 – 1649 йиллар – Буюк Англия инқилоби бошланди. Қирол Карл I тарафдорлари билан 1640 йилда чақирилган парламент ўртасидаги зиддият туфайли фуқаролар уруши бўлди.

1642 – 1860 йиллар – Доғистонда Ғозикумух хонлиги мавжуд бўлган. Пойтахти – Кумух. Йирик шаҳарлари – Кумух, Хосрех. Тили – лак. Дини – исломнинг суннийлик оқими. Аҳолиси – лаклар, дарғинлар, аварлар, лезгинлар. Сулоласи – шамхалхонлар.

1643 йил 20 сентябрь – Англияда буржуазия қўлида бўлган парламент билан Шотландия ўртасида иттифоқ тузилди.

1643 йил – Ли Сзи-чен Хитой императори деб эълон қилинди.

1643 – 1646 йиллар – Василий Поярков экспедицияси Амур дарёсига чиқиб, у орқали Тинч океани қирғоғига етди.

1643 – 1663 йиллар – Хива хони Абулғозийхон [Абулғозий Баҳодирхон] нинг ҳукмронлик даври.

1643 – 1715 йиллар – Францияда Людовик XIV нинг қироллик даври. У Людовик XIII ўрнига тахтга келганида 5 ёшда эди. Бурбонлар сулоласидан. Унинг номидан Францияни онаси австриялик Анна бошқарди. Амалда ҳокимият Франциянинг бош вазири Мазарини қўлида бўлган. Кейинчалик Людовик XIV даврида Францияда мутлақ ҳокимият ўзининг энг юқори даражасига чиқди. Бурбонлар сулоласидан бўлган Людовик XIV га қуйидаги фикр тегишли бўлган: «Давлат – бу мен». У Францияни 72 йил бошқарди.

1643 йил 4 январь – 1727 йил 31 март – машҳур физик ва математик олим Исаак Ньютон яшаган ва фаолият юритган давр.

1643 – 1756 йиллар – қозоқ-жунғор урушлари бўлиб ўтди. Бу урушлардаги айрим мағлубиятлар натижасида қозоқлар ўз яшаб турган ҳудудларидан ғарбга томон чекиниб, ўзбеклар азалдан ўтроқ яшайдиган ҳудудларга келиб ўрнашди.

Биринчи босқич: Орбулоқ жанги (1643 – 1650).

Иккинчи босқич (1680 – 1708).

Учинчи босқич: Буюк фалокатлар йили (1723 – 1727).

Тўртинчи босқич: Анрақай жанги (1729 йил декабрь – 1730 йил январь).

Сўнгги босқич (1755 – 1756).

1644 йил – Марстон – Муредда бўлган жангда Англиядаги парламент тарафдорлари роялистлар устидан ғалаба қозонди.

1644 йил – Манжурия Хитойга бостириб кирди ва Пекинни ишғол қилди. Абахайнинг ўғли Хитой императори деб эълон қилинди. Тахтдан

ағдарилган мин сулоласининг сўнгги императори ўз жонига қасд қилди. Шу тарика Хитой тарихида манжурларнинг цин сулоласи ҳукмронлиги бошланди ва 1912 йилгача давом этди.

1644 – 1658 йиллар – Шоҳ Жаҳон томонидан Дехлида катта Жоме масжиди қурилди.

1644 – 1721 йиллар – ҳиндистонлик шоир ва файласуф олим Бедил [Мирзо Абдулқодир Бедил] яшаган ва фаолият юритган давр.

1644 – 1912 йиллар – Хитойда цин манжур императорлари сулоласи ҳукмронлиги даври. Бу сулолага манжурлар хони Нурхаочининг 9-набраси Ойсингоро-Фулин [Ши-цзу] асос солди. У 1636 – 1644 йилларда мин сулоласини ағдариб ташлаб, 1644 йил Хитой ҳудудида Цин [Чин] империясига асос солди. Цин сулоласи ҳукмронлигининг охирида Хитой мустамлакага айланди. Синьхай инқилоби натижасида цин сулоласи ҳукмронлиги ағдариб ташланди ва сўнгги манжур императори Пу И [Сюаньгун] 1912 йил 12 февралда тахтдан воз кечди.

Цин сулоласи (манжурлар) императорлари (1644 – 1912): Фулинъ [Ши-цзу (Шуньчжи)] (1644 – 1661), Сюанье [Канси] (1661 – 1722), Инъчжэнь [Юнчжэнь] (1722 – 1735), Хунгли [Цъянлунъ] (1735 – 1796), Юнгъянь [Цзяцин] (1796 – 1820), Миннинг [Даогуан] (1820 – 1850), Ичжу [Сяньфэн] (1850 – 1861), Цзайчунъ [Тунчжи] (1861 – 1875), Цзайтянь [Гуансуй] (1875 – 1908), Пу И (1908 – 1912).

1645 йил 11 январь – Англияда янги турдаги армияни ташкил қилиш тўғрисидаги Оливер Кромвель қўл кўйган қонун (акт) кучга кирди.

1645 йил 14 июнь – Нейзби (Нэйсби) жангида Кромвель бошчилигидаги парламент кўшинлари роялистлар (кирол тарафдорлари) устидан ғалабага эришди.

1645 – 1649 йиллар – Англияда левеллерлар ҳаракати. Левеллерлар (инглизча: *тенглаштирувчилар*) – демократик буржуазия вакиллари, сиёсий ҳуқуқ ҳаммага берилиши тарафдорлари. Уларнинг раҳбари – Жон Лилберн. Буюк Англия инқилоби даврида вужудга келган бу ҳаракат радикал демократик ҳаракат бўлиб, унинг тарафдорлари монархияни тугатиш, Англияни бир палатали парламент республикасига айлантириш, демократик сайловни жорий қилиш учун курашдилар. Кейинчалик бу ҳаракат турли майда буржуа гуруҳларига бўлиниб кетди.

1645 – 1680 йиллар – Бухоро хони аштархоний Абдулазизхоннинг ҳукмронлик даври.

1646 йил 1 июль – 1716 йил 14 ноябрь – немис файласуфи, физик, математик, тарихчи олими Готфрид Вильгельм Лейбниц яшаган ва фаолият юритган давр.

1648 йил 30 январь – Нидерландия киролигининг мустақиллиги эътироф этилди (Испаниядан). 1815 йил 24 августда собиқ Бирлашган провин-

циялар, Австрия Голландияси (бўлғуси Бельгия) ва Люксембург асосида Нидерландия қироллиги ташкил топди (Нидерландия қироллигини норасмий равишда Голландия деб аташади).

Расмий номи – *Нидерландия Қироллиги [Koninkrijk der Nederlanden]*. Расмий тили – нидерланд. Пойтахти – Амстердам. Йирик шаҳарлари: Амстердам, Роттердам, Гаага. Бошқарув шакли – конституциявий парламентар монархия. Давлат бошлиғи – қирол (киролича). Қирол – Виллем-Александр. Бош вазир – Марк Рютте. Давлат тузилиши – номарказлашган унитар давлат. Сиёсий режими – демократия. Худуди – 41 526 км². Аҳолиси – 16 805 037 киши. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент Генерал Штатлар: Биринчи ва Иккинчи палатадан иборат. Маъмурий-худудий тузилиши 12 та провинция: Гелдерланд (маркази – Арнем), Гронинген (Гронинген), Дренте (Ассен), Зеландия (Мидделбург), Лимбург (Маастрихт), Оверэйссел (Зволле), Шимолий Брабант (Хертогенбос), Шимолий Голландия (Харлем), Утрехт (Утрехт), Флеволанд (Лелистад), Фрисландия (Леуварден), Жанубий Голландия (Гаага), 4 та федератив субъект мақомидаги ороллар (Аруба, Синт-Мартен, Кюрасао Бонэйр, Синт-Эстатиус ва Саба), 3 та алоҳида обшина (Бонэйр, Саба, Синт-Эстатиус) ва 403 та жамоалардан иборат. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик ва протестант мазҳабларига эътиқод қилади. Валютаси – евро.

1648 йил 24 октябрь – Вестфалия тинчлик сулҳи тузилди. Ўттиз йиллик уруш тугади. Германияда диний эркинлик жорий қилинди. Кальвинистлар лютеранлар сингари тенг ҳуқуқларни қўлга киритди. Немис шахзодалари мустақиллиги ва Муқаддас Рим империясида эркин шаҳарлар ҳуқуқи, шунингдек, кантонларнинг мустақиллиги тан олинди.

1648 йил – Англияда иккинчи фуқаролар уруши.

1648 йил – Прайд тозалаши. Қиролни мағлуб этган Оливер Кромвель Лондонни қуршаб олди ва қўшин полковниги Прайд парламентни пресвитерианлардан тозалади. Парламентда фақат Кромвелга бўйсунадиган 100 индипендентлар қолди. Пресвитерианлар – черковга ташриф буюрадиган мулкдор диндорлар томонидан сайланадиган черков раҳбарлари бўлган.

1648 йил – Шарқий Украинада Литва – Польша зулмига қарши Запорожье казаклари Богдан Хмельницкий раҳбарлигида кўзғолон кўтарди. Яхудийлар қирғини.

1648 йил – Семён Дежнёв раҳбарлигидаги рус денгизчилари Осиёнинг шарқий нуқтасини кашф қилдилар.

1648 – 1687 йиллар – Усмонли турк султони Меҳмед IV нинг ҳукмронлик даври.

1649 йил 26 январь – Англия, Шотландия ва Ирландия қироли Карл I Англия парламентиغا ва халқига хиёнат қилганликда айбланиб, ўлимга маҳкум этилди. Ўлим жазоси тўрт кундан кейин (30 январь) амалга оширилди.

1649 йил 30 январь – Англияда қирол Карл I қатл қилинди. Кромвель Ирландияда тинчлик ўрнатди (қонли усуллар билан), роялистларни қирғин қилди, Шотландия билан уруш (1649 – 1651) давом этди. Левеллерларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаракати бостирилди.

1649 йил 3 февраль – Англияда қирол Карл I қатл қилинганидан сўнг, унинг Голландияга қочиб кетган ўғли шаҳзода Карл II ўзини қирол деб эълон қилди.

1649 йил 17 март – Англия парламенти монархия бекор қилинганлигини эълон қилди. Шу билан бирга Лордлар палатаси ҳам бекор қилинди.

1649 йил 19 май – Англия республика деб эълон қилинди.

1649 йил – деҳқон Ерофей Хабаров экспедицияси русларнинг Узоқ Шарққа кўчишини бошлаб берди.

1649 йил – Россияда крепостной ҳуқуқ қонунийлаштирилди.

1649–1651 йиллар – Англия Ирландияни босиб олди.

1649–1651 йиллар – Англия – Шотландия уруши. Шотландия Англияга кўшиб олинди.

1649 йил 19 май – 1653 йил 16 декабрь – Англияда Индепендент республикаси мавжуд бўлди. Республика ўрнатилгач, мутлақ монархия тузуми бекор қилинди. Бироқ эълон қилинган республика аслида индепендентлар генераллари диктатураси эди. Индепендентлар (муस्ताқилчилар) – саноат буржуазияси ва «янги дворянлар» (жентри) вакиллари, парламент республикаси тузуми тарафдорлари. Уларнинг раҳбари генерал Оливер Кромвель. Кейинчалик индепендентлар кўшини орасида ғоявий-сиёсий парчаланиш рўй берди: грантлар – генераллар, кўшин қўмондонлари, Оливер Кромвель тарафдорлари; пресвитерианлар – оддий аскарлар, Оливер Кромвель сиёсатига қарши чиққанлар.

1652 – 1654 йиллар – биринчи Англия – Голландия уруши. Бу уруш Англия билан Бирлашган провинциялар ўртасида савдо-сотик ва денгиздаги рақобат туфайли келиб чиқди.

1652 – 1674 йиллар – Англия – Голландия урушлари (1652 – 1654, 1665–1667, 1672 – 1674).

1653 йил 16 декабрь – Англияда Оливер Кромвель протекторати ҳарбий диктатураси: пуритонлар ғалабаси (Оливер Кромвель протекторати 1659 йил 25 майгача мавжуд бўлган).

1654 йил январь – Украина ва Шарқий Белоруссия Россияга кўшиб олинди.

1655 – 1658 йиллар – инглизлар томонидан Жамайка (Ямайка) босиб олинди.

1656 йил – Меҳмет Кўпрўлу Усмонлилар империясининг Бош вазири бўлди (Кўпрўлулар хонадонининг вакили, келиб чиқиши албанларга бориб

тақалади, 5 та Буюк вазирнинг бири сифатида салтанатни XVII аср охирида инқироздан чиқариш учун курашди).

1656 йил – Франциянинг Лион шаҳри аҳолисига «камбағалларга, тиланчиларга ҳомийлик қилиш, бошпана ва егулик бериш» тақиқлаб қўйилди.

1658 йил 3 сентябрь – Англияда Оливер Кромвель вафот этди (Унинг ўғли Ричард Кромвель лорд протекторат бўлди, бироқ 1660 йил 29 майда у ҳокимиятдан воз кечди).

1658 йил 18 июль – 1705 йил 5 май – герман Мукаддас Рим императори Леопольд I нинг ҳукмронлик даври.

1658 йил – Ҳиндистонда Шох Жаҳоннинг ўғли Аврангзеб Деҳли шаҳрини эгаллади.

1658 йил 8 март – 1707 йил 3 март – Ҳиндистонда Аврангзеб [Оламгир I]нинг ҳукмронлик даври. У Деканни ўз салтанати таркибига киритди. Сикхлар, ражпутлар ва маратхлар каби диний мазҳабларнинг муҳолифлиги кучайди.

1659 йил 7 ноябрь – Франция ва Испания ўртасида Пиреней сулҳи тузилди.

1660 йил 27 май – Дания давлати меросий монархия деб эълон қилинди.

Дания Қироллигида ольденбурглар сулоласининг ҳукмронлик даври (1448 – 1863): Кристиан I (1448 – 1481), Ганс (1481 – 1513), Кристиан II (1513 – 1523), Фредерик I (1523 – 1533), Кристиан III (1534 – 1559), Фредерик II (1559 – 1588), Кристиан IV (1588 – 1648), Фредерик III (1648 – 1670), Кристиан V (1670 – 1699), Фредерик IV (1699 – 1730), Кристиан VI (1730 – 1746), Фредерик V (1746 – 1766), Кристиан VII (1766 – 1808), Фредерик VI (1808 – 1839), Кристиан VIII (1839 – 1848), Фредерик VII (1848 – 1863);

Дания Қироллигида глюксбурглар сулоласининг ҳукмронлик даври (1863 йилдан): Кристиан IX (1863 – 1906), Фредерик VIII (1906 – 1912), Кристиан X (1912 – 1947), Фредерик IX (1947 – 1972), Маргрете II хоним (1972 йилдан).

1660 йил 29 май – 1685 йил 6 февраль – Англияда қирол Карл II нинг ҳукмронлик даври.

1660 йил 29 май – 1688 йил 11 декабрь – Англияда стюартлар сулоласининг тикланиш даври. Англияда монархия қайта тикланди. Тахтга Карл II ўтирди (Унинг қироллиги 1685 йилгача давом этди).

1660 йил 13 сентябрь – 1731 йил 24 апрель – ёзувчи Даниэль Дефо яшаган ва фаолият юритган давр.

1661 йил 9 март – Жулио Мазарини биринчи вафот этди. Людовик XIV нинг яққа ҳукмронлиги бошланди.

1663 йил – Людовик XIV томонидан Янги Франция (Канада) қироллик мулкларига қўшиб олинди.

1663 – 1686 йиллар – Хоразм хони Анушахон [Абулмузаффар Муҳаммад Анушахон]нинг ҳукмронлик даври.

1664 йил – французлар томонидан Ост-Индия компанияси ташкил қилинди. Иккинчи инглиз-голланд урушида инглизлар Янги Амстердамни эгаллади (ҳозирги Нью-Йорк).

1665 йил 17 сентябрь – 1700 йил 1 ноябрь – Испанияда Карл II нинг ҳукмронлик даври. Нимжон қирол габсбурглар сулоласининг Испаниядаги сўнги вакили бўлиб, у вафот этгач, ўзидан авлод қолдирмади.

1665 йил 6 февраль – 1714 йил 1 август – давлат арбоби Анна Стюарт яшаган ва фаолият юритган давр.

1666 йил 2 – 5 сентябрь – Катта Лондон ёнғини.

1666 – 1672 йиллар – Аврангзеб Оламгир Ҳиндистонда бобурийлар ҳукмронлигига қарши кўтарилган кўзғолонни бостирди.

1667 йил 30 январь – Украина худуди Россия (Шарқий Украина) ва Польша ўртасида тақсимланди.

1667 йил 30 ноябрь – 1745 йил 19 октябрь – ёзувчи Жонатан Свифт яшаган ва фаолият юритган давр.

1668 йил 2 май – Испания Ахен тинчлик битимига кўра Португалия мустақиллигини тан олди.

1670 йил 24 июнь – Россияда Степан Разин бошчилигида деҳқонлар уруши бўлди. Степан Разин Астраханни эгаллади.

1671 йил – Исаак Ньютон шиша линзани, энг катта телескоплардан кўра осмон жисмларини яхши кўрсатадиган кичкина ойнали телескопни ихтиро қилди.

1672 йил – Людовик XIV қўшини Голландияга бостириб кирди. Францияга қарши биринчи коалиция (Бирлашган провинциялар, Испан империяси, Лотарингия, Дания) ташкил топди.

1672 – 1674 йиллар – денгизда учинчи инглиз – голланд уруши бўлди.

1672 – 1678 йиллар – Англия, Франция ва Швециянинг Голландия коалициясига қарши уруши.

1672 йил 30 май [9 июнь] – 1725 йил 28 январь [8 февраль] – давлат арбоби Пётр I Алексеевич Романов яшаган ва фаолият юритган давр.

1675 йил – Гринвич астрономия обсерваторияси ташкил қилинди.

1675 – 1710 йиллар – Лондонда Муқаддас Павел собори қурилди.

1676 – 1706 йиллар – Парижда Мажруҳлар собори қурилди.

1678 йил – Ёркенд хонлиги Жунғор хонлигига тобе бўлди.

1678 йил 11 август – Франция ва Провинциялар Бирлашган Республикаси ўртасида тинчлик сулҳи тузилди.

1678 йил 11 август – 1679 йил 2 октябрь – Нимвеген тинчлик сулҳи имзоланди. Голландиядаги уруш тугади.

1678 йил 17 сентябрь – Франция ва Испания ўртасида тинчлик сулҳи тузилди.

1679 йил 5 февраль – Франция ва Муқаддас Рим империяси ўртасида тинчлик сулҳи тузилди.

1679 йил 5 февраль – Швеция ва Муқаддас Рим империяси ўртасида тинчлик сулҳи тузилди.

1679 йил 19 март – Швеция ва Мюнстер ўртасида тинчлик сулҳи тузилди.

1679 йил 2 октябрь – Швеция ва Провинциялар Бирлашган Республикаси ўртасида тинчлик сулҳи тузилди. Голландиядаги уруш тугади.

1679 йил – Людовик XIV Францияда марказлаштириш сиёсатини олиб борди.

1680 йил 2 февраль – 1702 йил 14 сентябрь – Бухоро хони аштархоний Субҳонқулихоннинг ҳукмронлик даври.

1681 йил – 1711 йил 16 март – Бухоро хони аштархонийлардан Убайдуллахон II яшаган ва фаолият юритган давр.

1682 йил – Людовик ва унинг сарой аъёнлари Версалга кўчиб ўтишди.

1682 йил 27 апрель [7 май] – 1721 йил 22 октябрь [2 ноябрь] – Бутун Русь подшоси Пётр I нинг ҳукмронлик даври.

1683 йил 14 июль – Усмонли турклар томонидан Вена шаҳри иккинчи марта қамал қилинди. Польша қироли (11 сентябрь) Каленбергда ғалаба қозонди. Австрия – Туркия уруши бошланди.

1683 йил 14 июль – 1699 йил 26 январь – Австрия – Туркия уруши.

1684 йил – Европа давлатлари Туркияга қарши «Муқаддас лига» тузди.

1684 йил 5 [15] апрель – 1727 йил 6 [17] май – Россия императрицаси Екатерина I Алексеевна Михайлова яшаган ва фаолият юритган давр.

1685 йил 6 февраль – Англия тахтини қирол Карл II нинг укаси Яков II эгаллади.

1685 йил 31 март – 1750 йил 28 июль – немис композитори Иоганн Бах яшаган ва фаолият юритган давр.

1687 йил 9 ноябрь – 1691 йил 22 июнь – Усмонли турк султони Сулаймон II нинг ҳукмронлик даври.

1688 йил 29 апрель – Бранденбург герцоги Фридрих Вильгельм (1640 йил 1 декабрдан) вафот этди. У қудратли Бранденбург – Пруссия давлатига асос солган.

Пруссия герцоглиги герцоглари: Альбрехт (1525 – 1568), Альбрехт Фридрих (1568 – 1618), Иоанн Сигизмунд (1618 – 1619), Георг Вильгельм (1619 – 1640), Фридрих Вильгельм I [Георг Вильгельм ўғли] (1640 – 1688), Фридрих I (1688 – 1701).

1688 йил 15 ноябрь – Бирлашган провинциялар стагтхаудери Ораньелик Вильгельм III Англияга қўшин тушириб, Лондонга кириб келди. Англия қироли Яков II Францияга (декабрь) қочиб кетди.

1688 йил 15 ноябрь – 11 декабрь – Англияда «шонли инқилоб» даври.

1688 йил 24 сентябрь – 1697 йил 20 сентябрь – Франция билан Аугсбург лигаси (1686 йил 9 июлда тузилган) ўртасидаги уруш.

1688 йил 22 октябрь – 1747 йил 20 июнь – Эрон шоҳи Нодиршоҳ яшаган ва фаолият юритган давр.

1689 йил 13 февраль – Вильгельм III ва Мария II «Хуқуқлар тўғрисида Билл (қонун)» қабул қилиб, монархия ва парламент ўртасидаги хуқуқларни белгилаб олгач, Англия қироли ва қироличаси деб эълон қилинди (Мария беш йилдан сўнг вафот этди, мамлакатни Вильгельм III ёлғиз бошқарди).

1689 йил 27 август – Россия ва Хитой ўртасида Нерчинск шартномаси имзоланди. Россия Амур ерларидан воз кечди.

1689 йил 9 сентябрь – Вильгельм III Францияга қарши Аугсбург лигасига қўшилди.

1689 йил 23 октябрь – Англияда давлат тўнтариши («Шонли инқилоб»). Тори ва виги партиялари бирлашиб, «Шонли инқилоб»ни амалга оширди. Тори роялистлар партияси бўлиб, катта ер эгалари вакиллари, конституцион монархия тузуми тарафдорлари (ҳозирги консерваторлар); виги партияси инглиз саноатчилари ва янги дворянлар вакиллари, парламент республикаси тузуми тарафдорлари (ҳозирги либераллар).

1689 – 1693 йиллар – француз қўшини Пфальц шахрини вайрон қилди.

1689 йил 18 январь – 1775 йил 10 февраль – француз файласуфи Шарль де Монтескье яшаган ва фаолият юритган давр.

1691 йил 22 июнь – 1695 йил 6 февраль – Усмонли турк султони Аҳмад II нинг ҳукмронлик даври.

1693 – 1748 йиллар – Кичик Жуз хони Абулхайрхон яшаган ва фаолият юритган давр.

1694 йил 21 ноябрь – 1778 йил 20 февраль – француз адиби ва файласуфи Франсуа Мари Вольтер яшаган ва фаолият юритган давр.

1695 йил 6 февраль – 1703 йил 22 август – Усмонли турк султони Мустафо II нинг ҳукмронлик даври.

1695 – 1747 йиллар – Бухоро хони аштархоний Абулфайзхон яшаган ва фаолият юритган давр.

1697 йил – Швецияда қирол Карл XII нинг ҳукмронлик даври бошланди.

1699 йил 26 январь – Усмонли турк султонлиги ва «Муқаддас лига» ўртасида Карловицкий шартномаси тузилди. Унга кўра Венгрия ва Трансильвания габсбурглар Австриясига берилди.

1699 – 1712 йиллар – Муқаддас Рим империяси таркибидаги Шелленбург ўлкасини Австрия князи Лихтенштейн сотиб олди.

1699 йил 2 январь – 1757 йил 30 октябрь – Усмонли турк султони Усмон III яшаган ва фаолият юритган давр.

XVIII аср – Франция, Англия ва Германия файласуфлари ўртасида маърифатпарварлик ғоялари муҳим роль ўйнади. Маърифатпарварларнинг асосий вакиллари: Англияда – Локк, Францияда – Монтескье, Вольтер, Руссо ва энциклопедистлар, Германияда – Кант, Лессинг ва б.

1700 йил 11 июль – Готфрид Вильгельм Лейбниц Берлин Қироллик академиясига асос солди ва унинг биринчи президенти этиб сайланди.

1700 йил 19 ноябрь – Шимолий уруш пайтида Нарва жангида Швеция қироли Карл XII қўшини Пётр I қўшини устидан ғалаба қозонди.

1700 йил 22 февраль – 1721 йил 10 сентябрь – Россия – Швеция ўртасида Шимолий уруш бўлди. Урушда Швеция енгилди.

1700 – 1850 йиллар – Жанубий Туркистон (ҳозирги Шимолий Афғонистон худуди)да ўзбек давлати – Қундуз хонлиги мавжуд бўлган. Хонлик Муродбек даврида (XIX аср 20 йилларида) равақ топган. Афғон амири Дўст Муҳаммад томонидан 1850 йилда босиб олинган. Давлат раҳбари– хон. Пойтахти – Қундуз шаҳри.

1701 йил 18 январь – Бранденбург курфюрсти (мустақил мулки) ўрнида Пруссия қироллиги ташкил топди. Фридрих I Пруссия қироллигига асос солди (1701 – 1871 йилларда Пруссия қироллиги бўлган. У 1871 йил 18 январда Пруссия империясига айлантирилди).

Пруссия қироллиги қироллари: Фридрих I (1701 – 1713), Фридрих Вильгельм I [Фридрих I ўғли] (1713 – 1740), Фридрих II Буюк (1740 – 1786), Фридрих Вильгельм II (1786 – 1797), Фридрих Вильгельм III (1797 – 1840), Фридрих Вильгельм IV (1840 – 1861), Вильгельм I (1861 – 1871); *Пруссия қироллиги императорлари:* Вильгельм I (1871 – 1888), Фридрих III (1888 йил 9 март – 15 июнь), Вильгельм II (1888 – 1918).

1701 йил 18 январь – 1713 йил 25 февраль – Пруссия қироли Фридрих I нинг ҳукмронлик даври.

1701 йил 18 январь – 1871 йил 18 январь – Пруссия қироллиги мавжуд бўлган.

1702 йил 8 март – 1707 йил 1 май – Анна Стюартнинг Англия ва Шотландияда ҳукмронлик даври.

1702 йил – 1711 йил 16 март – Бухоро хони аштархоний Убайдуллахон II нинг ҳукмронлик даври.

1703 – 1711 йиллар – князь Ференц II Ракоци (1676 – 1735) раҳбарлигида Венгрияда озодлик ҳаракати. Габсбурглар ҳокимиятига қарши кураш.

1703 йил 22 август – 1730 йил 1 октябрь – Усмонли турк султони Аҳмад III нинг ҳукмронлик даври.

1704 – 1714 йиллар – Хоразм хони Ёдгорхоннинг ҳукмронлик даври.

1704 – 1774 йиллар – тасаввуф таълимоти намояндаси, шоир Хўжа-назар Хувайдо яшаган ва фаолият юритган давр.

1705 йил – Тунисда хусайнийлар сулоласи ташкил топди.

1705 йил 5 май – 1711 йил 17 апрель – Рим императори Иосиф I нинг ҳукмронлик даври.

1706 йил – Саидия давлатининг ҳукмдори Оқбошхон вафот этгач, Ёркенд, Кошғар ва Хўтан парчаланиб кетди. Мамлакатни оқтоғли ва қоратоғли хўжалар силсиласи бошқарди. Кейинчалик Кошғар Хитойнинг цинь сулоласи таъсирига тушиб қолди.

1706 йил 17 январь – 1790 йил 17 апрель – давлат арбоби Бенжамин Франклин яшаган ва фаолият юритган давр.

1707 йил 3 март – Аврангзеб Ҳиндистонда вафот этди. Буюк Бобурийлар империясининг таназзули бошланди.

1707 йил 1 май – *Англия* парламенти Англия ва Шотландия ўртасидаги унияни қонунлаштирди. Энди мамлакат *Буюк Британия* деб аталадиган бўлди.

1707 йил 13 июнь – Венгрия парламенти габсбурглар ҳокимияти ағдарилганлиги ва мамлакат мустақилликка эришганлигини эълон қилди.

1707 йил 1 май – 1714 йил 1 август – Анна Стюартнинг Буюк Британияда қироличалик даври.

1707 йил 9 декабрь – 1750 йил 31 июль – Жуан V Мурувватлининг Португалияда ҳукмронлик даври.

1707/1711 йил – 1785 йил 9 июнь – манғитлардан бўлган Бухоро амири Дониёлбий [Муҳаммад Дониёлбий оталик] яшаган ва фаолият юритган давр.

1707 йил 30 апрель – 1801 йил 1 январь – Буюк Британия қироллиги мавжуд бўлган.

1709 йил 27 июнь (8 июль) – Полтава жангида Пётр I бошчилигидаги рус қўшини Швеция қироли Карл XII қўшинини тор-мор этди. Шимолий уруш натижасида Швеция Болтиқ денгизи устидан ўз назоратини йўқотди.

1709 йил – Қўқон хонлиги ташкил топди. У дастлаб беклик бўлган. Беклик ва хонликни минглар сулоласи вакиллари бошқарди. Пойтахти – Эски Қўрғон (1709 – 1732), Қўқон (1732/1740 – 1876). Давлат раҳбари – хон. Тили – ўзбек [расмий тили – форс]. Аҳолиси – ўзбеклар, қирғизлар, тожиклар, козоқлар. Майдони – 220 000 км².

1709 йил – Қандахор вилоятида Эрон босқинчиларига қарши кўзғолон кўтарилди. Кўзғолонга афғонларнинг гилза қабиласи хони Мир Вайсхон раҳбарлик қилди.

1709 – 1735 йиллар – Японияда Ёсихито Токугаванинг ҳукмронлик даври.

1709 – 1738 йиллар, Қандаҳор: 1722 – 1729 йиллар, Эрон – Қандаҳордаги гилза қабиласининг хотакий уруғига мансуб пуштун Мир Вайс асос солган хотакийлар сулоласининг ҳукмронлик даври. Эрон шоҳи Нодиршоҳ Қандаҳордаги хотакийлар сулоласига барҳам берди.

Хотакийлар уруғи аждодлари: Мир Алихон, Оламхон Шоҳ ибн Мир Алихон.

Қандаҳор ҳукмдорлари: Мир Вайс, Оламхон Шоҳ ўғли (1709 – 1715), Мир Абдулазизшоҳ, Оламхон Шоҳ ўғли (1715 – 1717), Мир Маҳмудшоҳ, Мир Вайс ўғли (1717 – 1722), Ҳусайн Султоншоҳ, Мир Маҳмудшоҳ ўғли (1722 – 1738).

Эрон шоҳлари: Мир Маҳмудшоҳ, Мир Вайсшоҳ ўғли (1722 – 1725), Мир Ашрафшоҳ, Мир Абдулазизшоҳ ўғли (1725 – 1729).

1709 йил 18 [29] декабрь – 1761 йил 25 декабрь [1762 йил 5 январь] – романовлар сулоласидан бўлган Россия императричаси Елизавета I яшаган ва фаолият юритган давр.

1709/1715 йил – 1758 йил 24 март – манғитлардан бўлган Бухоро амири Муҳаммад Раҳимхон [Муҳаммад Раҳимбий] яшаган ва фаолият юритган давр.

1709 – 1876 йиллар – Қўқон хонлигида минглар сулоласи ҳукмронлик қилган давр. Минглар сулоласига қабила бийи Шоҳрухбий томонидан 1709 йилда асос солинган. Қўқон беклиги дастлаб Бухоро хонлиги ва Бухоро амирлиги таркибида бўлган. 1801 йилда Норбўтабий ўғли Олимхон ҳуқуқий жиҳатдан мустақил давлат – Қўқон хонлигига асос солди. 1876 йил 13 февралда Қўқон хонлиги Россия империяси томонидан тугатилган.

Қўқон бийлари ва хонлари:

Минглар сулоласи: Шоҳрухбий (1709 – 1721), Абдурахимбий (1721 – 1733), Абдулкаримбий (1733 – 1750), Абдурахмон (1750 – 1751), Эрдонабий (1751 – 1752; 1753 – 1766), Бобобек (1752 – 1753), Сулаймонбек (1766), Норбўтабий (1766 – 1801); Олимхон (1801 – 1810), Умархон (1810 – 1822), Муҳаммад Алихон (1822 – 1841), Султон Маҳмуд (1841 – 1842), Шералихон (1842 – 1845), Муродхон (1845), Худоёрхон (1845 – 1858; 1863; 1865 – 1875), Маллахон (1858 – 1862), Шоҳмуродхон (1862 – 1863), Султон Муродхон [Султон Сайидхон] (1863 – 1865), Насриддинбек (1875 – 1876).

Қўқон бийлари ва хонлари (инернет талқини):

Минглар қабиласи бийлари ва Қўқон беклари: Шоҳрухбий, Ашуркул Шоҳмастбий ўғли (1709 – 1721), Абдуррахимбий, Шоҳрухбий ўғли (1721 – 1739), Абдулкаримбий, Шоҳрухбий ўғли (1739 – 1751), Бобобий, Абдуррахимбий ўғли (1751 – 1752), Эрдонабий, Абдуррахимбий ўғли (1752 – 1769), Сулаймонбий (1769 – 1770), Норбўтабий, Абдуррахимбий невараси (1770 – 1798).

Минглар сулоласидан бўлган Қўқон хонлари: Муҳаммад Олимхон, Норбўтабий ўғли (1798–1810), Муҳаммад Умар, Норбўтабий ўғли (1810–1822), Муҳаммад Али, Муҳаммад Умар ўғли (1822–1842), Шер Али, Ҳожибий ўғли (1842–1844), Саримсоқ, Шер Али ўғли (1844), Мурод, Олимхон ўғли (1844), Худоёрхон, Шер Али ўғли (1844–1858), Мулла (Малла), Шер Али ўғли (1858–1862), Шохмурод, Саримсоқ ўғли (1862), Худойқулихон, Масъудбек ўғли (1862), Худоёрхон, Шер Али ўғли (1862–1863), Султон Муҳаммад Саййид (1863–1865), Худоёрхон, Шер Али ўғли (1865–1875), Насриддинбек, Худоёрхон ўғли (1875–1876).

1710 йил – Эрон шоҳи Султон Ҳусайн деҳконларнинг ерни ташлаб кетишларини тақиқловчи фармон чиқарди.

1710 – 1750 йиллар – Қўқон бийи Абдулкаримбий яшаган ва фаолият юритган давр.

1710 йил 15 февраль – 1774 йил 10 май – киро́л Людовик XV яшаган ва фаолият юритган давр.

1711 йил октябрь – венгер аслзодалари ва Австрия императори Карл VI ўртасида ўзаро келишув шартномаси тузилди (Бу шартномага кўра, 1715 йилда Карл VI Венгрияни Габсбурглар империясининг ажралмас қисми деб эълон қилди).

1711 йил 18 март – 1747 йил – Бухоро хони аштархоний Абулфайзхоннинг ҳукмронлик даври.

1711 йил 8 ноябрь – 1765 йил 4 апрель – рус олими Михаил Васильевич Ломоносов яшаган ва фаолият юритган давр.

1711 – 1835 йиллар – Триполитания (Ливия)да туркий қарамонли сулоласи ҳукмронлик қилди. Сулола асосчиси – Усмонийлар султонидан бейларбей унвонини олган Аҳмадбей I ибн Юсуф Қарамонли. Триполитания 1835 йилдан Истанбулга бевосита бўйсундирилган.

Триполитаниядаги қарамонли сулоласи бейлари: Аҳмадбей I ибн Юсуф Қарамонли (1711–1745), Муҳаммад ибн Аҳмадбей I (1745–1754), Али I ибн Муҳаммад (1754–1795), Аҳмад II ибн Али I (1795–1796), Юсуф ибн Али I (1796–1832), Али II ибн Юсуф (1832–1835).

1712 йил 19 май – Пётр I ўз давлати пойтахтини Москвадан Санкт-Петербург (1703 йил 16 (27) май Нева дарёси соҳилида ўзи асос солган) шаҳрига кўчирди.

1712 йил 28 июнь – 1778 йил 2 июль – француз маърифатпарвари Жан Жак Руссо яшаган ва фаолият юритган давр.

1712 – 1861 йиллар – Африканинг ғарбида Бамбара [Баман империяси ёки Сегу империяси] мавжуд бўлган.

1712 йил 24 январь – 1786 йил 17 август – Пруссия кироли Фридрих II яшаган ва фаолият юритган давр.

1713 йил апрель ва июль – Утрехт шартномаси имзоланди. Унга мувофиқ ва кейинги йили имзоланган Рапштат тинчлик сулҳига кўра, Янги дунёда испан мулклари учун бўлган уруш тугади (Филипп V Испания кироли деб тан олинди, Франция Гудзон қўлтиғи, Акади ва Ньюфаундленд оролидан ажралди).

1713 йил 25 февраль – 1740 йил 31 май – Пруссияни Фридрих – Вильгельм I бошқарган давр.

1713 йил 5 октябрь – 1784 йил 31 июль – француз қомусий олими Дени Дидро яшаган ва фаолият юритган давр.

1714 – 1723 йиллар – Венада Бельведер саройи қурилди.

1714 – 1728 йиллар – Хоразм хони Шерғозихоннинг ҳукмронлик даври.

1714 – 1901 йиллар – ганноверлар инглиз қиrollари сулоласининг ҳукмронлик даври. Стюартлар сулоласи ўрнига ҳокимият тепасига келган. Ганноверлар сулоласини кейинчалик виндзорлар сулоласи алмаштирган.

Ганноверлар сулоласи: Георг I (1714 – 1727), Георг II (1727 – 1760), Георг III (1760 – 1820), Георг IV (1820 – 1830), Вильгельм IV (1830 – 1837), Виктория (1837 – 1901).

1715 йил – Франция тахтига Людовик XIV ўрнига Людовик XV ўтирди.

1715 – 1774 йиллар – Францияда қирол Людовик XV нинг ҳукмронлик даври (1715 – 1722 йилларда қирол саройи Версални тарк этиб, Парижда (Пале-Руаяль) жойлашди).

1716 йил – Англияда парламент ваколоти 6 йил қилиб белгиланди. Шу тариқа профессионал парламентга асос солинди.

1717 йил 24 июнь – Англияда франкмасонлик жамияти вужудга келди.

1718 йил – меъмор Арман-Клод Молле томонидан Парижда Елисей саройи қурилди.

1718 йил – французлар Луизиананинг пойтахти Янги Орлеанга асос солишди.

1718 йил – Қозоқ хонлиги ички курашлар натижасида учта жуз: Катта жуз, Ўрта жуз, Кичик жузга бўлиниб кетди. Кичик жузнинг иккинчи номи Алиши бўлиб, пойтахти Қазали шаҳри эди (1822 йилда қозоқ жузлари Россия империяси таркибига бутунлай киришган).

Катта жуз хонлари (1718 – 1822): Абулхайрхон (1718 – 1730), Йўлбарсхон (1730 – 1740) ва б.

Ўрта жуз хонлари (1718 – 1822): Каип (1718 – 1719), Самеке (1719 – 1734), Абилмамбетхон (1734 – 1771), Абилайхон (1771 – 1781), Уалихон (1781 – 1815), Бокейхон (1815 – 1817), Губайдулла (1819 – 1822), Кенесари (1841 – 1847) ва б.

Кичик жуз хонлари (1718 – 1731): Абулхайрхон (1718 – 1748); *Россия тарафидан қўйилган ҳукмдорлар:* Нуралихон (1748 – 1786), Жармухамбет-

хон (1786 – 1791), Ералихон (1791 – 1794), Есимхон (1795 – 1797), Айшуак (1797 – 1806), Жанторехон (1806 – 1810), Шерғозихон (1812 – 1824) ва б.

1718 – 1748 йиллар – Кичик Жуз хони Абулхайрхоннинг ҳукмронлик даври.

1718 – 1806 йиллар – ҳозирги Озарбайжон худудида Боку хонлиги бўлган. Хонлик пойтахти – Боку шаҳри. 1806 йилда хонлик Россия империяси томонидан босиб олинган.

Боку хонлари: Муҳаммад Ҳусайнбек (1718 – 1723), Даргоҳ Қулибек (1723 – 1736), Мирза Муҳаммадхон I (1736 – 1768), Фаталихон [Қубо хони] (1768 – 1770), Абдуллабек [Шемали хони] (1770 – 1772), Малик Муҳаммад (1772 – 1783), Мирза Муҳаммадхон II (1783 – 1791), Муҳаммад Қулихон (1791 – 1792), Ҳусайн Қулихон ибн Ҳожи Али (1792 – 1806).

1719 йил 23 октябрь – Вадуц билан Шелленберг бирлашиб, Лихтенштейн князлиги ташкил топди. [1866 йил 23 август – Лихтенштейн Князлиги ўз мустақиллигига эришди (Герман иттифоқидан)].

Расмий номи – *Лихтенштейн Князлиги [Fürstentum Liechtenstein]*. Расмий тили – немис. Пойтахти – Вадуц. Йирик шаҳри: Шан. Бошқарув шакли – конституциявий монархия. Давлат бошлиғи – князь, ижроия ҳокимиятини ҳукумат – бош вазир бошқаради. Князь – Ханс-Адам II. Бош вазир – Адриан Хаслер. Давлат тузилиши – унитар. Худуди – 160,475 км². Аҳолиси – 36 838 киши. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни князь ва парламент (Ландтаг) амалга оширади. Маъмурий-худудий тузилиши – Лихтенштейн тарихан 2 қисмдан иборат: Оберланд – Юқори Лихтенштейн, маркази – Вадуц шаҳри ва Унтерланд – Қуйи Лихтенштейн, маркази – Шелленберг шаҳри. Давлат дини – христиан (католиклар 87%, протестантлар 7%). Валютаси – швейцария франки.

Лихтенштейн князлиги князлари: 1. Карл I (1608 – 1627). 2. Карл Эйсебиус (1627 – 1684). 3. Ханс Адам I (1684 – 1712). 4. Иосиф Венцель I (1712 – 1718). 5. Антон Флориан (1718 – 1721). 6. Иосиф Иоганн Адам (1721 – 1732). 7. Иоганн Непомук Карл (1732 – 1748). 8. Иосиф Венцель I (1748 – 1772), 8. Франц Иосиф I (1772 – 1781). 9. Алоиз I (1781 – 1805). 10. Иоганн I (1805 – 1836). 11. Алоиз II (1836 – 1858). 12. Иоганн II (1858 – 1929), 13. Франц I (1929 – 1938). 14. Франц Иосиф II (1938 – 1989). 15. Ханс Адам II фон Лихтенштейн (1989 йил 13 ноябрдан).

1721 йил 4 апрель – 1742 йил 11 февраль – Орфорд графи Роберт Уолпол Буюк Британиянинг дастлабки бош вазири бўлди.

Буюк Британия бош вазирлари: 1. Роберт Уолпол (1721 – 1742). 2. Уилмингтон Спенсер Комптон (1742 – 1743). 3. Генри Пелхэм (1743 – 1754). 4. Ньюкасл Томас Пелхэм-Холлс (1754 – 1756). 5. Девоншир Уильям Кавендиш (1756 – 1757). 6. Ньюкасл Томас Пелхэм-Холлс (1757 – 1762). 7. Бьют Жон Стюарт (1762 – 1763). 8. Жорж Гренвиль (1763 – 1765). 9. Рокингам Чарльз Ватсон-Вентворт (1765 – 1766). 10. Четэм Уильям Питт катта (1766 – 1768). 11. Графтон Огастас Фиц Рой (1768 – 1770). 12. лорд Фредерик Норт

(1770 – 1782). 13. Рокингам Чарльз Ватсон-Вентворт (1782 йил 27 март – 1 июль). 14. Шелберн Уильям Петти (1782 – 1783). 15. Портленд Уильям Кавендиш-Бентинк (1783 йил 2 апрель – 19 декабрь). 16. Уильям Питт кичик (1783 – 1801). 17. Генри Эддингтон (1801 – 1804). 18. Уильям Питт кичик (1804 – 1806). 19. Уильям Гренвиль (1806 – 1807). 20. Портленд Уильям Кавендиш-Бентинк (1807 – 1809). 21. Спенсер Персеваль (1809 – 1812). 22. Ливерпуль Роберт Женкинсон (1812 – 1827). 23. Жорж Кэннинг (1827 йил 10 апрель – 8 август). 24. Годрик Фредерик Жон Робинсон (1827 – 1828). 25. Веллингтон Артур Уэлсли Веллингтон (1828 – 1830). 26. Чарльз Грей (1830 – 1834). 27. Мельбурн Уильям Лэм (1834 йил 16 июль – 14 ноябрь). 28. Веллингтон Артур Уэлсли Веллингтон (1834 йил 14 ноябрь – 10 декабрь). 29. Роберт Пиль (1834 – 1835). 30. Мельбурн Уильям Лэм (1835 – 1841). 31. Роберт Пиль (1841 – 1846). 32. Жон Рассел (1846 – 1852). 33. Дерби Эдвард Смит-Стэнли (1852 йил 23 февраль – 17 декабрь). 34. Абердин Жорж Гамильтон-Гордон (1852 – 1855). 35. Пальмерстон Генри Темпль (1855 – 1858). 36. Дерби Эдвард Смит-Стэнли (1858 – 1859). 37. Пальмерстон Генри Темпль (1859 – 1865). 38. Жон Рассел (1865 – 1866). 39. Дерби Эдвард Смит-Стэнли (1866 – 1868). 40. Бенжамин Дизраэли (1868 йил 27 февраль – 1 декабрь). 41. Вильям Эварт Гладстон (1868 – 1874). 42. Бенжамин Дизраэли (1874 – 1880). 43. Вильям Эварт Гладстон (1880 – 1885). 44. Роберт Гаскойн-Сесил Солсбери (1885 – 1886). 45. Вильям Эварт Гладстон (1886 йил 1 февраль – 20 июль). 46. Роберт Гаскойн-Сесил Солсбери (1886 – 1892). 47. Вильям Эварт Гладстон (1892 – 1894). 48. Розберри Арчибальд Примроуз (1894 – 1895). 49. Роберт Гаскойн-Сесил Солсбери (1895 – 1902). 50. Артур Бальфур (1902 – 1905). 51. Генри Кэмпбелл-Баннерман (1905 – 1908). 52. Герберт Генри Асквит (1908 – 1916). 53. Дэвид Ллойд-Жорж (1916 – 1922). 54. Эндрю Бонар Лоу (1922 – 1923). 55. Стэнли Болдуин (1923 – 1924; 1924 – 1929). 56. Рэмси Макдональд (1924 йил 22 январь – 4 ноябрь). 58. Рэмси Макдональд (1929 – 1935). 59. Стэнли Болдуин (1935 – 1937). 60. Невилл Чемберлен (1937 – 1940). 61. Уинстон Черчилль (1940 – 1945; 1951 – 1955). 62. Клемент Эттли (1945 – 1951). 64. Энтони Иден (1955 – 1957). 65. Гарольд Макмиллан (1957 – 1963). 66. Александр Дуглас-Хьюм (1963 – 1964). 67. Гарольд Вильсон (1964 – 1970; 1974 – 1976). 68. Эдвард Хит (1970 – 1974). 70. Жеймс Каллаган (1976 – 1979). 71. Маргарет Тэтчер (1979 – 1990). 72. Жон Мейжор (1990 – 1997). 73. Тони Блэр (1997 – 2007). 74. Гордон Браун (2007 – 2010). 75. Дэвид Кэмерон (2010 йил 11 майдан).

1721 йил 10 сентябрь – Ништадт шартномаси тузилди. Шимолий уруш Россиянинг ғалабаси билан тугади. Россия Швеция таркибидаги Ингрия, Ливония, Карелиянинг бир қисми ва Финляндияни ўзига қўшиб олди.

1721 йил 22 октябрь (2 ноябрь) – Пётр I император деб эълон қилинди. Россия подшолиги Россия империяси номини олди.

1722 йил 8 март – афғонлар Мир Маҳмуд бошчилигида Эронга хужум қилди. Исфаҳон яқинидаги Гулнобод қишлоғида Эрон сафавийлари (шиалар) ва афғон қўшинлари (суннийлар) ўртасида жанг бўлиб, унда сафавий қўшинлари енгилди. Сафавийларнинг пойтахти Исфаҳон афғонлар қўлига ўтди. Шиалар форс зодагонлари муқаддас шаҳарлар Карбало ва Нажаф (Ироқ) дан бошпана топишди.

1722 йил – Океанияда голландлар томонидан Пасха ва Самоа ороллари очилди.

1723 йил 5 июнь – 1790 йил 17 июль – америкалик иқтисодчи Адам Смит яшаган ва фаолият юритган давр.

1724 йил – Монтевидео (Уругвай) шаҳрига асос солинди.

1724 йил 22 апрель – 1804 йил 12 февраль – немис файласуфи Иммануил Кант яшаган ва фаолият юритган давр.

1724 – 1807 йиллар – машҳур туркман мутафаккири Махтумқули яшаган ва фаолият юритган давр.

1724 – 1948 йиллар – Ҳиндистонда Ҳайдаробод султонлиги мавжуд бўлган. Пойтахти – Аврангобод (1724 – 1763), Ҳайдаробод (1763 – 1948) [Ҳайдаробод шаҳри айни пайтда Жанубий Ҳиндистондаги Теленгана штатининг маъмурий маркази ҳисобланади]. Тили – урду, телугу, форс, маратхи, каннада. Дини – ислом, ҳиндуийлик. Пул бирлиги – ҳайдаробод рупияси. Сулоласи – низомийлар.

1725 йил 7 январь – Санкт-Петербургда Россия Фанлар академияси ташкил қилинди.

1726 йил – 1743 йил 29 январь – кардинал Андре Эркуль де Флөри Людовик XV нинг Бош вазири бўлди.

1727 йил 11 июнь – 1760 йил 25 октябрь – Англияда қирол Георг II нинг ҳукмронлик даври. Бу даврда Англияда парламент идора усули механизми: конституциявий монархия ишлаб чиқилди.

1728 йил – Россия флотида хизмат қилган даниялик Витус Ионассен [Иван Иванович] Беринг (1681 – 1741) Сибирь ва Камчатка қирғоқларини тадқиқ этиб, Осиё ва Америка қитъаларини ажратувчи бўғозни сузиб ўтди (у ҳозирда Беринг бўғизи деб аталади).

1728 йил 15 июнь – 1806 йил 19 ноябрь – бобурийзода Шох Олам II яшаган ва фаолият юритган давр.

1729 – 1731 йиллар – Эрон афғон босқинчиларидан озод этилди. Туркий афшор қабиласининг етакчиси, моҳир лашкарбоши, ҳукмдор Нодиршоҳ Исфаҳон ва Машҳаддан афғонларни қувиб чиқарди.

1729 йил 21 апрель [2 май] – 1796 йил 6 [17] ноябрь – Россия императрицаси Екатерина II Алексеевна яшаган ва фаолият юритган давр.

1730 йил 15 февраль – 1740 йил 17 октябрь – Россия императрицаси Анна Иоанновнанинг ҳукмронлик даври. Бу пайтда Россияда ҳокимият «немис партияси» (Болтиқбўйи зодагонлари) қўлида бўлган.

1730 йил 2 октябрь – 1754 йил 13 декабрь – Усмонли турк султони Маҳмуд I нинг ҳукмронлик даври. У француз генерали Боннвалга ўз лашкарини қайта ташкил қилишни ишониб топширди.

1730 – 1790 йиллар – Хива ҳукмдори Муҳаммад Амин Иноқ яшаган ва фаолият юритган давр.

1732 йил 24 январь – 1799 йил 18 май – француз драматурги Пьер Огюстен Карон де Бомарше яшаган ва фаолият юритган давр.

1733 – 1738 йиллар – Польша мулклари учун бўлган уруш. Испания ва Франция давлатлари Австрия ва Россияга қарши курашди. Вена шартномаси Польша учун урушларга чек қўйди.

1733 – 1750 йиллар – Қўқон бийи Абдулкаримбийнинг ҳукмронлик даври.

1735 йил 21 март – Туркияга қарши урушга тайёрланаётган Россия Ганжа шаҳрида Эрон билан иттифоқ шартномасини тузди.

1735 – 1739 йиллар – рус-турк уруши. Франциянинг ўзаро воситачилигида урушга якун ясаб, Белград сулҳи тузилди (1739 йил 18 сентябрь).

1736 йил – туркман афшор қабиласининг етакчиси Нодиркули Таҳмасп Қулихон [Нодиршоҳ] Сафавийлар давлатининг таркибига кирувчи барча худудларда ўз ҳокимиятини ўрнатди ва Афшорийлар империясига асос солди. У Эронда марказлашган йирик давлатга асосланган империяни ташкил қилди (1796 йили Эронда афшорийлар сулоласи ўрнига туркий қожорлар ҳокимият тепасига келди). Пойтахти – Машҳад. Давлат раҳбари – шаҳаншоҳ, шоҳ. Тили – форс.

1736 – 1747 йиллар – Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг ҳукмронлик даври.

1736 – 1796 йиллар – Эронда туркманларнинг афшор қабиласидан чиққан афшорийлар сулоласи ҳукмронлиги даври. Сулола асосчиси Нодиршоҳ [Нодирқулибек] Эрондан афғонларни ҳайдаб чиқарди ва сафавийларнинг сўнги шоҳи Аббос III дан ҳокимиятни тортди олди. Афшорийлар сулоласи Кавказдан Ҳинд дарёсигача бўлган улкан худудни қўлга киритишган. Мовароуннаҳр, Хоразм, Афғонистон, Ҳиндистон, Ироқда босқинчилик сиёсатини олиб борди. Эрон сосонийлар давридан буён бунча худудга эга бўлмаган эди.

Эронда афшорийлар сулоласи ҳукмдорлари:

Афшорийлар сулоласи: Нодиршоҳ (1736 – 1747), Али Одилшоҳ (1747 – 1748), Султон Иброҳимшоҳ (1748 – 1749), Шахроҳшоҳ (1749 – 1795).

Давлат ноиблари: Нодиршоҳ, Имомқулибек ўғли (1732 – 1736), Ризоқули, Нодиршоҳ ўғли (1738 – 1740), Насруллоҳ, Нодиршоҳ ўғли (1740 – 1747).

Давлат ҳукмдорлари: Нодиршоҳ, Имомқулибек ўғли (1736 – 1747), Али Одил, Муҳаммад Иброҳим ўғли (1747 – 1748), Иброҳим, Муҳаммад Иброҳим ўғли (1748 – 1749), Шохруҳ, Ризоқули ўғли (1749 – 1796).

1736 – 1795 йиллар – Хитойда император Гао Цзун [Хун Ли; Цян Лун] нинг ҳукмронлик даври. Бу даврда Цин сулоласи ҳокимиятининг раванк топган даври бўлди.

1738 йил 18 ноябрь – Польша учун урушларга чек қўйиш мақсадида Вена шахрида Австрия (граф Филипп Цинцендорф) ва Франция, Испания, Сардиния (Жан де ла Бон) ўртасида Вена тинчлик шартномаси тузилди (Бу тинчлик сулҳи 1735 йил 3 октябрда тузилган шартнома шартларини асосан такорлади).

1740 йил – Эски Ўрдада сарой қурилиши билан янги шаҳар – Хўқанд [ҳозирги Қўқон] шахрига асос солинди. Қўқон шахри янги ташкил топган Қўқон беклиги, кейинчалик эса Қўқон хонлигининг пойтахтига айланди.

1740 йил – Нодиршоҳ Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига юриш қилиб, ўзбек хонликларини ўзига бўйсундирди.

1740 йил – Пруссияда Фридрих II (ҳукмронлик даври: 1740 – 1786) ва Австрияда Мария Тереза (ҳукмронлик даври: 1740 – 1780) ҳокимият тепасига келди (Улар «Маърифатпарвар монархлар» авлодининг вакиллари ҳисобланади. Тадқиқотчилар бу рўйхатга яна испан қироли Карл III (1759), рус императричаси Екатерина II (1762), Швеция қироли Густав III (1771), Австрия қироли Иосиф II (1765)ни ҳам киритишади).

1740 йил 20 октябрь – 1780 йил 29 ноябрь – Австрия империясида Мария Тереза (Амалия Кристина)нинг бошқаруви даври.

1740 йил 31 май – 1786 йил 17 август – Пруссия қироли Фридрих II нинг ҳукмронлик даври.

1741 – 1748 йиллар – Австрия мулклари учун бўлган уруш. Пруссия, Франция, Бавария, Саксония, Испания бир томонда туриб Австрия ва унинг денгиздаги иттифоқчиси Англияга қарши курашди. Фридрих II Силезияни босиб олди.

1741 йил 25 ноябрь [6] декабрь – 1761 йил 25 декабрь [1762 йил 5 январь] – Россия императричаси Елизавета I нинг ҳукмронлик даври.

1741 йил – 1797 йил 17 июнь – қожорлар сулоласи асосчиси, Форс шоҳи [шаҳаншоҳи] Оға Муҳаммадшоҳ Қожор яшаган ва фаолият юритган давр.

1741/1749 йил – 1800 йил 30 ноябрь – манғитлардан бўлган Бухоро амири Шохмурод [Амири маъсум] яшаган ва фаолият юритган давр.

1745 йил – Арабистон ярим оролида Саудия давлати ташкил топди. Бу ерда Муҳаммад ибн Абдул Ваххоб ваххобийлик таълимотига асос солди. Саудийлар сулоласи Шимолий ва Марказий Арабистон (ҳозирги Саудия Арабистони)да ҳокимият тепасига келди. Бу сулолага Саъуд ибн Муҳаммад ибн Микрин асос солди (Уларни ваххобийлар сулоласи ҳам дейишадди). Бу сулола ҳозиргача Саудия Арабистони подшоҳлигида ҳокимиятни бошқармоқда.

Саудийлар сулоласи вакиллари: Муҳаммад ибн Саъуд (1745 – 1765), Абдулазиз I (1765 – 1803), Саъуд ибн Абдулазиз (1803 – 1814), Абдуллох I ибн Саъуд (1814 – 1818), Туркий (1823 – 1834), Файсал I (1834 – 1837; 1843 – 1865), Холид ибн Саъуд (1837 – 1841), Абдуллох II ибн Сунаййан (1841 – 1843), Абдуллох III (1865 – 1871; 1874 – 1887), Саъуд ибн Файсал (1871 – 1874), Абдурраҳмон ибн Файсал (1889 – 1891), Муҳаммад ибн Файсал ал-Мутавви (1891 – 1902), Абдулазиз II (1902 – 1953), Саъуд (1953 – 1964), Файсал II (1964 – 1975), Холид ибн Абдулазиз (1975 – 1982), Фахд ибн Абдулазиз (1982 йилдан).

1745 – 1747 йиллар – Потсдамда Сан-Сусси саройи қурилди.

1745 – 1811 йиллар – биринчи Саудийлар давлати мавжуд бўлган.

1746 йил 2 июнь – Россия ва Австрия ўртасида иттифоқ шартномаси тузилди.

1747 йил 20 июнь – Нодиршоҳ сарой фитнаси натижасида Хуросон ноиб, ўзининг жияни Али Қулихон томонидан Машҳадда ўлдирилгач, Эрон давлатини марказлаштириш жараёни тўхтаб қолди. Эрон ва Озарбайжон худуди бир қатор кичик туркий давлатларга парчаланиб кетди.

1747 йил – афгонларнинг абдалилар қабиласи бошлиғи Аҳмадхон (Аҳмадшоҳ Дурроний) қабила хонларининг жирғаси (кенгаши)да Афғонистон шоҳи деб эълон қилинди. Дурронийлар сулоласи ҳокимиятга келди. Афғонистон мустақилликка эришди.

1747 – 1802 йиллар – Жанубий Озарбайжон худудида туркий Табриз хонлиги бўлган. Хонлик пойтахти – Табриз шаҳри. Кейинчалик Табриз хонлиги Эронга қўшилиб кетган.

1747 – 1804 йиллар – Кура дарёси бўйида (ҳозирги Озарбайжон худудида) Ганжа хонлиги бўлган. Хонлик пойтахти – Ганжа шаҳри, унга қожорларнинг зиёд ўгли сулоласи асос солган. Кейинчалик хонлик Россия империяси томонидан босиб олинган.

Ганжа хонлари: Шаҳвердихон (1747 – 1760), Муҳаммад Ҳасанхон (1760 – 1782; 1784), Иброҳим Халилхон [Қорабоғ хони] (1782 – 1784), Раҳимхон (1785 – 1786), Жаводхон (1787 – 1804).

1747 – 1805 йиллар – туркий Ширвон хонлиги мавжуд бўлган. Хонлик пойтахти – Шемаха шаҳри.

1747 – 1806 йиллар – ҳозирги Озарбайжон худудида туркий Қубо хонлиги бўлган. Бу хонликка давлат арбоби Фаталихон Кубовий (1736 – 1889) асос солган, уни 1758 – 1789 йилларда бошқарган. Давлат пойтахти – Қубо шаҳри.

1747 – 1806 йиллар – Озарбайжоннинг шимолий қисми ва Доғистоннинг жанубий қисмида туркий Дарбанд хонлиги бўлган. Хонлик пойтахти – Дарбанд шаҳри. Кейинчалик хонлик Россия империяси томонидан босиб олинган.

1747 – 1808 йиллар – Жанубий Озарбайжон (ҳозирги Эроннинг шимоли-ғарби)да туркий Ардабил хонлиги бўлган. Унга шахсевен уруғи вакили Бебирхон асос солган. Хонлик пойтахти – Ардабил шаҳри. Аҳолиси озарбайжонлар. Кейинчалик хонлик Эронга қўшилиб кетган.

Ардабил хонлари: Назаралихон (1747 – 1783), Носирхон (1783 – 1808).

1747 – 1819 йиллар – ҳозирги Эроннинг шимоли-ғарбида (тарихий Озарбайжон)да туркий Сараб хонлиги бўлган. Хонлик пойтахти – Сараб шаҳри. Кейинчалик хонлик Эроннинг қожорлар сулоласи томонидан тугатилган.

Сараб хонлари: Алихон (1747 – 1786), Содикхон (1786 – 1800), Жангирхон (1800 – 1806), Мустафоҳон (1806 – 1819).

1747 – 1822 йиллар – Озарбайжонда туркий Қорабоғ хонлиги бўлган. Унга Паноҳ Алихон асос солган. Хонлик пойтахтлари Баят, Шоҳбулок, Шуша [Паноҳобод] шаҳарлари бўлган. Хонлик кейинчалик Россия империяси таркибида бўлган ва 1822 йилда унга қўшиб олинган.

Қорабоғ хонлари: Паноҳ Алихон (1747 – 1759), Иброҳим Халилхон (1759 – 1806), Мехтиқулихон (1806 – 1822).

1747 – 1823 йиллар – Афғонистонда дурронийлар сулоласининг ҳукмронлик даври.

1747 – 1826 йиллар – Талиш хонлиги (баъзи манбаларда Ленкоран хонлиги) бўлган. Хонлик пойтахти – Ленкоран шаҳри. Россия империяси томонидан хонлик тугатилган.

Талиш хонлари: Саид Аббос Ардабил (1747 – 1749), Саид Жамолиддинхон (1749 – 1786), Мир Мустафоҳон (1786 – 1814), Мир Ҳасанхон (1814 – 1826).

1747 – 1828 йиллар – озарбайжонларнинг Нахичевань хонлиги фаолият юритган. Хонлик пойтахти – Нахичевань шаҳри. Россия империяси томонидан 1828 йил 21 мартда тугатилган.

Нахичевань хонлари: Гейдар Қулихон I (1747 – 1764), Гажихон I (1764 – 1765), Раҳимхон I (1765 – 1770), Али Қулихон I (1770 – 1773), Вали Қулихон I (1773 – 1781), Аббос Қулихон (1781 – тахминан 1808), Қалб Алихон (тахминан 1801 – 1810), Керимхон (1813 – 1816; 1827), Эҳсонхон (1828) ва б.

1747 – 1929 йиллар – Эроннинг шимоли-ғарби (тарихий Озарбайжон) да озарбайжонларнинг Маку хонлиги бўлган. Хонлик пойтахти – Маку шахри. Эрон ҳукумати томонидан 1929 йилда расман тугатилган.

1747 – 1973 йиллар – Афғонистон амирлиги ва қироллиги мавжуд бўлган. У афғонларнинг дастлабки давлати ҳисобланади. Афғонистон амирлигини дурронийлар сулоласи (1747 – 1823), баракзайлар сулоласи (1823 – 1839, 1842 – 1973), садозайлар сулоласи (1839 – 1842) бошқарган. 1973 йил июлда Афғонистон республика деб эълон қилинган, баракзайлар сулоласи вакили Муҳаммад Зоҳиршоҳ ҳокимиятдан четлатилди. У хорижда яшашга мажбур бўлди. Пойтахти – Қандаҳор (1747 – 1776), Кобул (1776 – 1873). Давлат раҳбари – шоҳ, амир, қирол. Давлат тили – дарий (форс-тожик), пуштун тиллари.

И. Афғонистон амирлиги

Дурронийлар сулоласи: Аҳмадшоҳ Дурроний (1747 – 1772), Темуршоҳ Дурроний (1772 – 1793), Замоншоҳ Дурроний (1793 – 1801), Маҳмудшоҳ Дурроний (1801 – 1803), Шужоъшоҳ Дурроний (1803 – 1809), Маҳмудшоҳ Дурроний (1809 – 1818), Алишоҳ Дурроний (1818 – 1819), Айюбшоҳ Дурроний (1819 – 1823).

Баракзайлар сулоласи: Ҳабибуллоҳ (1823), Султон Муҳаммад (1823 – 1826), Дўст Муҳаммадхон (1826 – 1839).

Садозайлар сулоласи: Шужоъшоҳ (1839 – 1842), Фатх Жанг (1842), Шоҳпур (1842).

Баракзайлар сулоласи: Дўст Муҳаммадхон (1842 – 1863), Шер Али (1863 – 1866), Муҳаммад Афзал (1866 – 1867), Муҳаммад Аъзам (1867 – 1868), Шер Али (1868 – 1879), Муҳаммад Ёқуб (1879), Муҳаммад Жон (1879 – 1880), Абдурахмон (1880 – 1901), Ҳабибуллоҳ (1901 – 1919), Насруллоҳ (1919).

II. Афғонистон қироллиги

Баракзайлар сулоласи: Омонуллоҳхон (1919 – 1929), Иноятуллоҳ (1929); Ҳабибуллоҳ Калакони (1929 йил 17 январь – 13 октябрь; тожик), Нодиршоҳ (1929 – 1933), Муҳаммад Зоҳиршоҳ (1933 – 1973).

1748 йил 18 октябрь – Ахен тинчлик сулҳи тузилди. Австрия мулклари учун бўлган уруш тугади. Пруссия Силезияни босиб олди. Франция Австрия Голландияси (Бельгия)ни беришга мажбур бўлди.

1749 – 1832 йиллар – машҳур немис шоири ва мутафаккири Иоганн Вольфганг Гёте яшаган ва фаолият юритган давр.

1750 йил – Испания Уругвай худудини бутунлай эгаллаб олди ва 1776 йилда Шарқий соҳил (мустамлака даврида Уругвай шундай деб номланган) Испанияга қарашли Ла-Плата вице-қироллиги таркибига киритилди.

1750 йил – Эронда қабилалар ўртасида тахт учун кураш занд қабиласи ғалабаси билан тугади.

1750 йил 31 июль – 1777 йил 24 февраль – Португалияда Жозеф I Ислохотчи (Реформатор)нинг ҳукмронлик даври.

1750 – 1779 йиллар – Эронда қабила бошлиғи Каримхон Занднинг ҳукмронлик даври.

1750 – 1794 йиллар – Эронда зандлар сулоласининг ҳукмронлиги даври. Сулола асосчиси лур қабиласига мансуб Муҳаммад Карим Занд. У Нодиршоҳ Афшор ўлимидан сўнг вужудга келган тартибсизликлардан фойдаланиб тахтни эгаллади. 1763 йилда Озарбайжонни эгаллаб, Эронни бирлаштирди. Пойтахти – Шероз. Фақат Хуросонда Нодиршоҳ Афшор авлоди вакиллари ҳукмронлик қилди. Зандлар сулоласи ўрнини 1794 йилда қожорлар эгаллашди.

Эронда зандлар сулоласи ҳукмдорлари: Муҳаммад Карим (1750 – 1779), Абулфатх, Муҳаммад Карим ўғли ва Муҳаммад Али, Муҳаммад Карим ўғли (1779), Муҳаммад Содик, Муҳаммад Иноқ ўғли (1779 – 1782), Али Мурад, Кайтус ўғли (1782 – 1785), Жаъфар, Муҳаммад Содик ўғли (1785 – 1789), Лутф Али, Жаъфар ўғли (1789 – 1794).

1750 – 1804 йиллар – Хива ҳукмдори Аваз Иноқ яшаган ва фаолият юритган давр.

XVIII аср иккинчи ярми – Буюк Британияда, сўнг бутун Европада биринчи саноат инқилоби рўй берди. Йирик техника кашфиётлари ва ихтиролар натижасида Англия бутун жаҳон саноатининг етакчисига айланди.

1751 йил – цин сулоласи Тибет устидан ҳукмронлик ўрнатди. Хитой босқинчилик сиёсати ўзининг юқори даражасига чиқди.

1751 – 1772 йиллар – Дени Дидро бошчилигида Францияда 35 томлик «Энциклопедия» нашр қилинди.

1753 йил – Париж парламенти (1715 йилдан мамлакат сиёсий ҳаётида етакчилик қилишга даъвогар) ўзини «Қиролликдаги фундаментал қонунлар ҳимоячиси» деб эълон қилди.

1753 – 1792 йиллар – Австрия давлат канцлери Антон фон Кауницнинг канцлерлик даври.

1754 – 1762 йиллар – Санкт-Петербургда италия меъморлари томонидан Қишки сарой қурилди (1762 йил 8 апрелда очилиш маросим бўлди).

1754 – 1762 йиллар – Парижда Муроса майдони қурилди.

1755 йил 25 январь – М. В. Ломоносов биринчи рус университети (ҳозирги Москва Давлат университети)га асос солди.

1756 йил 16 январь – Пруссия ва Англия ўртасида Вестминистер конвенцияси тузилди.

1756 йил 1 май – Версалда Франция ва Австрия ўртасида ҳимоя иттифоқи Версаль шартномаси тузилди.

1756 йил 17 май – Англия Францияга уруш эълон қилди.

1756 йил 16 декабрь – Бухоро хонлиги Бухоро амирлигига айлантирилди. Бухорода туркий манғитлар сулоласи аштархонийлар сулоласи

ўрнига ҳокимият тепасига келди. Туркий уруғ бўлган манғитлар сулоласига Муҳаммад Ҳакимбий оталикнинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий [Муҳаммад Раҳимхон] томонидан асос солинди. Шунингдек, Муҳаммад Раҳимхон Бухоро амирлигига ҳам асос солди. Манғитлар сулоласи Бухоро амирлигида ҳокимиятни бошқаришди (Россия империяси 1868 йилда Бухоро амирлиги устидан ўз протекторатини ўрнатди. 1920 йил 2 сентябрда совет Россияси Бухоро амирлиги худудини босиб олди). Пойтахти – Бухоро. Давлат раҳбари – амир. Тили – ўзбек, форс [тожик]. Аҳолиси – ўзбеклар, туркманлар, тожиклар, форслар ва б. Дини – суннийлик, сўфизм (нақшбандия), яхудийлик. Пул бирлиги – тилла [бухоро тилласи]. Сулоласи – манғитлар.

1756 йил – жунғорлар қириб ташланди ва Хитой томонидан Или дарёси воҳаси (Марказий Осиё худудининг бир қисми) босиб олинди.

1756 йил 16 декабрь – 1758 йил 24 март – манғитлардан бўлган Бухоро амири Муҳаммад Раҳимхоннинг ҳукмронлик даври.

1756 – 1763 йиллар – Етти йиллик уруш Австрия, Франция, Россия, Испания, Саксония, Швеция билан Пруссия, Буюк Британия, Португалия ўртасида бўлган. Пруссия Европа қитъасида француз-австрия, сўнгра Европа коалициясига; денгизда ва Ҳиндистонда Англия ва Францияга қарши курашди. Урушнинг асосий натижаси – Буюк Британиянинг Франция устидан мустамлака ва савдо соҳасидаги курашда қозонган ғалабаси бўлди.

1756 йил 27 январь – 1791 йил 5 декабрь – австриялик композитор Вольфганг Амадей Моцарт яшаган ва фаолият юритган давр.

1756 – 1920 йиллар – Бухоро амирлигида туркий манғитлар сулоласи ҳукмронлик қилган давр.

Бухоро амирлигида манғитлар сулоласи:

Манғитлар сулоласи: Муҳаммад Раҳимхон (1756 – 1758), Муҳаммад Дониёлбий оталиқ (1758 – 1785; расмий равишда Абул Ғозихон), Шоҳмурод (1785 – 1800), Ҳайдар (1800 – 1826), Мир Ҳусайн (1826), Мир Умар (1826 – 1827), Насруллоҳхон (1827 – 1860), Музаффархон (1860 – 1885), Абдулаҳадхон (1885 – 1910), Саид Олимхон (1910 – 1920).

1757 йил 11 январь – Франция ва Австрия ўртасида тузилган Версаль шартномасига Россия қўшилди.

1757 йил 22 январь – Россия ва Австрия ўртасида иттифоқ шартномаси тузилди.

1757 йил 29 январь – Рим империяси Пруссияга қарши уруш эълон қилди.

1757 йил 1 май – Версалда Франция ва Австрия ўртасида хужум олиб бориш учун иттифоқ шартномаси тузилди.

1757 йил 23 июнь – Плесси жанги. Ҳиндистонда Англия босқини бошланди. Инглиз қўшини Бенгалияни босиб олди.

1757 йил – Росбаҳда Пруссия кироли Фридрих II австрия ва француз қўшинлари устидан голиб чиқди.

1757 йил – Хитойда Гуанчжу бандаргоҳ (порт)идан бошқа барча бандаргоҳлар Европа кемалари учун ёпиб қўйилди.

1757 йил ноябрь – 1774 йил 21 январь – Усмонли турк султони Мустафо III нинг ҳукмронлик даври. У ҳарбий соҳада ислохотлар ўтказди.

1757 – 1790 йиллар – Марокаш (Марокко)да Муҳаммад III ибн Абдуллоҳнинг ҳукмронлик даври. У Европа давлатлари билан савдо-сотик алоқаларини олиб бориш учун шартномалар тузди.

1757 – 1849 йиллар – Ҳиндистонни босиб олиш учун инглизларнинг ҳаракатлари бошланди.

1758 йил 4 май – Франция ва Дания ўртасида иттифоқ шартномаси тузилди.

1758 йил – Хитой Шимолий ва Ғарбий Мўғулистонда ташкил топган Жунғория (Ойрат) хонлигини босиб олди.

1758 йил 24 март – 1785 йил 9 июнь – манғитлардан бўлган Бухоро амири Дониёлбий [Муҳаммад Дониёлбий оталиқ]нинг ҳукмронлик даври.

1758 йил 6 май – 1794 йил 28 июль – француз давлат арбоби Максимилиан Робеспьер яшаган йиллар.

1759 – 1788 йиллар – Испания қироли Карл III нинг ҳукмронлик даври. Испан ҳарбий флоти халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлди.

1759 йил 10 ноябрь – 1805 йил 9 май – немис шоири, драматург, тарихчи Фридрих Иоганн Кристоф Шиллер яшаган ва фаолият юритган давр.

1759 йил 24 декабрь – 1806 йил 19 ноябрь – бобурийзода Шоҳ Олам II ҳукмронлик қилган давр.

1760 йил 17 сентябрь – 1825 йил 19 май – француз иқтисодчиси Анри де Сен-Симон яшаган ва фаолият юритган давр.

1760 йил 25 октябрь – 1820 йил 29 январь – Буюк Британия қироли Георг III нинг ҳукмронлик даври.

1760 йил 22 апрель – 1837 йил 28 сентябрь – бобурийзода Акбаршоҳ II яшаган ва фаолият юритган давр.

1761 йил 2 апрель – Туркия (Усмонли турк султонлиги) ва Пруссия ўртасида тинчлик ва савдо-сотик тўғрисида шартнома тузилди.

1761 йил 8 август – Франция ва Испания ўртасида Англияга уруш эълон қилиш ҳақида конвенция тузилди.

1761 йил – Жунғория хонлиги ҳудуди Хитойнинг Шинжон музофотига айлантирилди.

1761 йил – Панипат жангида маратх ва афғонлар ўзаро тўқнашди. Мағлубиятга учраган маратхлар инглиз босқинчилари хужуми олдида ожизланиб қолди.

1761 йил 24 декабрь – 1808 йил 28 июнь – Усмонли турк султони Салим III яшаган ва фаолият юритган давр.

1762 йил 4 январь – Англия Испанияга уруш эълон қилди.

1762 йил 5 январь – Россия императричаси Елизавета Петровна вафот этди.

1762 йил 4 февраль – Франция ва Испания ўртасида иттифок пакти тузилди.

1762 йил 5 май – Санкт-Петербургда Пруссия ва Россия ўртасида тинчлик шартномаси тузилди.

1762 йил 22 май – Гамбургда Пруссия ва Швеция ўртасида тинчлик шартномаси тузилди.

1762 йил 19 июнь – Россия ва Пруссия ўртасида иттифок шартномаси тузилди.

1762 йил 28 июнь – Санкт-Петербургда давлат тўнтариши. Петр III тахтдан ағдарилди, ҳокимиятга Екатерина II келди.

1762 йил – Франциядан иезуитлар қувғин қилинди.

1762 йил 28 июнь [9 июль] – 1796 йил 6 [17] ноябрь – Россияда Екатерина II нинг ҳукмронлик даври. Крепостной ҳуқуқи кучайди.

1762 йил 3 ноябрь – 1817 йил 13 июль – карагеоргиевичлар сулоласи асосчиси Георгий Петрович Карагеоргий яшаган ва фаолият юритган давр.

1763 йил 10 февраль – Англия, Франция ва Испания ўртасида Париж тинчлик сулҳи тузилди.

1763 йил 15 февраль – Пруссия, Австрия ва Саксония ўртасида Губертусбург тинчлик сулҳи тузилди.

1763 йил 10 февраль – Етти йиллик уруш тугади. Париж тинчлик битимига асосан Франциядан Буюк Британияга Канада, Шарқий Луизиана, французларнинг Ҳиндистондаги мулкларининг кўп қисми ўтди. Англия Испаниядан Флоридани ҳам олди (Буюк Британия империясининг кучқудрати юксалиши бошланди. У тез орада энг йирик мустамлакачи давлатга айланиб, дунёга ҳукмронлик қила бошлади). Губертусбург сулҳига кўра, Австрия Силезияни Пруссияга топширди. Саксонияни ҳам Пруссия ўзига кўшиб олди.

1765 йил – Мэн Оролига асос солинди (Буюк Британия мулки)

Расмий номи – *Мэн Ороли* [инглизча: *The Isle of Man*; мэнча: *Ellan Vannin*]. Расмий тили – инглиз, мэнс. Пойтахти – Дуглас. Йирик шаҳри: Дуглас. Бошқарув шакли – конституциявий монархия. Давлат бошлиғи – Мэн Ороли лорди; лейтенант-губернатор. Лейтенант-губернатор – Адам Вуд. Бош вазир – Аллан Белл. Буюк Британия мулки. Давлат тузилиши – унитар. Сиёсий режими – демократия. Ҳудуди – 572 км². Аҳолиси – 84 497 киши. Қонун чиқарувчи ҳокимият – икки палатали парламент Тинвальд: Қуйи палата ва Юқори палата. Маъмурий-ҳудудий тузилиши 6 та туман [шэдинг] (Гарфф, Гленфаба, Майкл, Мидл, Рашен, Эйр), 24 та маъмурий туман (*Шаҳар тумани*: Дуглас, Рамси, Каслтаун, Пил. *Қишлоқ тумани*: Лакси, Майкл, Онкан, Порт-Эрин, Порт-Сент-Мери. *Жамоат тумани*: Андреас, Арбори, Баллоу, Брэддан, Брайд, Жёман, Жерби, Лезаир, Лонан, Малью, Мароун, Майголд, Патрик, Рашен, Сантон)га бўлинган. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динига эътиқод қилади. Валютаси – фунт стерлинг.

1765 йил – Жеймс Харгривс бир йўла 15 – 18 йигиргич ишлайдиган механик урчук ихтиро қилди. Бу ихтирони у кизининг номи билан «Женни» деб атади.

1765 йил – америкалик инглизлар «Озодлик фарзандлари» деб аталувчи ташкилот тузди.

1765 йил 18 август – 1790 йил 20 февраль – Рим империяси императори Иосиф II нинг ҳукмронлик даври.

1766 йил – Лотарингия Францияга қўшиб олинди.

1767 йил – Бирма томонидан Сиам пойтахти Аютия босиб олинди.

1768 йил – Непал қироллиги ташкил топди. *1923 йил 1 январь* – Непал қироллиги Буюк Британия билан дўстлик ҳақида шартнома тузиб, номигагина мустақил бўлди (2008 йил 28 майда Непал Республикаси эълон қилинди).

Расмий номи – *Непал Федератив Демократик Республикаси [Sanghiya Loktāntrik Ganatantra Nepāl]*. Расмий тили – непали. Пойтахти – Катманду. Йирик шаҳри: Катманду. Бошқарув шакли – парламентар республика. Давлат бошлиғи – президент. Президент – Рам Баран Ядав (2008 йил 23 июлдан). Вице-президент – Пармананд Жа. Бош вазир – Сушил Коирала (2014 йил 10 февралдан). Давлат тузилиши – федератив. Худуди – 140 800 км². Аҳолиси – 30 430 267 киши. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент Таъсис мажлиси (601 киши)дан иборат. Маъмурий-худудий тузилиши – 5 та минтақа, 14 та анчал (музофот). *Шарқий минтақа*: Сагарматха, Коси, Мечи; *Марказий минтақа*: Багмати, Жанакпур, Нараяни; *Ғарбий минтақа*: Дхавалагири, Гандаки, Лумбини; *Ўрта Ғарбий минтақа*: Карнали, Бхеои, Рапги; *Узоқ Ғарбий минтақа*: Махакали, Сетхи. Улар 75 та туманга бўлинади. Сигнувчиларнинг асосий қисми ҳиндуийлик динига эътиқод қилади. Валютаси – непал рупияси.

1768 – 1774 йиллар – иккинчи рус-турк уруши. Россия Усмонли турк султонлигини Кичик Қайнаржа шартномасини имзолашга мажбур этди. Шартномага кўра Россия Қора денгизга чикди.

1769 йил 15 август – 1821 йил 5 май – давлат арбоби ва ҳарбий саркарда Наполеон I Бонапарт яшаган ва фаолият юритган давр.

1769 – 1849 йиллар – давлат арбоби Муҳаммад Али яшаган ва фаолият юритган давр. У 1805 йилда Мисрда янги Муҳаммад Али сулоласига асос солди.

1770 – 1790 йиллар – Хива ҳукмдори Муҳаммад Амин Иноқнинг ҳукмронлик даври.

1770 йил 16 декабрь – 1827 йил 26 март – немис композитори Людвиг ван Бетховен яшаган ва фаолият юритган давр.

1770 йил 27 август – 1831 йил 14 сентябрь – немис файласуфи Георг Вильгельм Фридрих Гегель яшаган ва фаолият юритган давр.

1771 йил – Венада савдо биржаси очилди.

1771 йил 14 май – 1858 йил 17 ноябрь – инглиз ёзувчиси Роберт Оуэн яшаган ва фаолият юритган давр.

1772 йил 19 февраль – Санкт-Петербургдаги Пруссия ва Россия келишувига (6 февраль) асосан, Польша биринчи марта Россия, Пруссия ва Австрия ўртасида тақсимланди.

1772 йил – Нью-Йоркда савдо биржаси очилди.

1772 йил 7 апрель – 1832 йил 10 октябрь – француз маърифатпарвари Шарль Фурье яшаган ва фаолият юритган давр («Феминизим» атамасининг муаллифи).

1773 йил 17 сентябрь – 1775 йил июнь – Россияда Емельян Пугачёв бошчилигида деҳқонлар кўзғолони. Кўзғолон императрица Екатерина II томонидан шафқатсизларча бостирилди. Емельян Пугачёв 1775 йил 10 январда қатл этилди.

1773 йил 21 июль – 1814 йил 7 август – Климент XVI томонидан иезуитлар жамияти тақиқланди (1814 йилдан кейин қайта тикланди).

1774 йил 5 сентябрь – 26 октябрь – Филадельфия шаҳрида 13 та штат вакилларида 12 таси иштирокида I Континентал конгресс йиғилди.

1774 йил – Жон Уилкинсон чўян бўлаги марказидан ўқ чиқадиган тешик очишга имкон берувчи дастгоҳни ихтиро қилди. Бу замонавий тўп яшаш имконини берди.

1774 йил 21 январь – 1789 йил 21 январь – Усмонли турк султони Абдулҳамид I нинг ҳукмронлик даври.

1774 – 1792 йиллар – Франция кироли Людовик XVI нинг ҳукмронлик даври. Бурбонлар сулоласидан. Буюк француз инқилоби даврида Конвент томонидан қирол суд қилиниб, қатл этилган (Париж, 1793 йил 21 январь).

1775 йил 19 апрель – Англия қирол ҳукумати мустамлака штатлар ҳукуматларига қарши уруш эълон қилди. Америкадаги инглиз колонияларида мустақиллик учун уруш бошланди.

1775 йил 10 май – АҚШда II Қитъа конгресси бўлиб ўтди.

1775 йил – инглиз олими Жеймс Уайтт буғ машинасини яратди.

1775 – 1783 йиллар – Англиянинг Шимолий Америка мустамлакаларида мустақиллик учун кураш бўлди ва АҚШ ташкил топди.

1775 – 1825 йиллар – Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I яшаган ва фаолият юритган давр.

1775 йил 24 октябрь – 1862 йил 7 ноябрь – бобурийлар сулоласининг сўнгги подшоси Баҳодиршоҳ II яшаган ва фаолият юритган давр.

1776 йил 4 июль – Филадельфияда бўлган иккинчи қитъа конгресси Қўшма Штатлар мустақиллигини эълон қилди (Буюк Британиядан; 1783 йил 3 сентябрда тан олинган).

Расмий номи – *Америка Қўшма Штатлари [United States of America]*. Расмий тили – инглиз [америка инглизчаси]. Пойтахти – Вашингтон. Йирик шаҳарлари: Нью-Йорк, Лос-Анжелес, Чикаго, Хьюстон, Филадельфия, Финикс, Сан-Антонио, Сан-Диего, Даллас. Бошқарув шакли – президентлик республикаси. Президент – Барак Ҳусайн Оба-

ма II. Вице-президент – Жозеф Робинетт Байден (Кичик). Давлат котиби – Жон Форбс Керри. Давлат тузилиши – федератив. Сиёсий режими – демократия. Худуди – 9 519 431 км². Аҳолиси – 320 194 478 киши. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент Конгресс, у Сенат (юқори палата; 100 киши) ва Вакиллар палатаси (қуйи палата; 435+6 киши)дан ташкил топган. АҚШ таркибига 50 та штат: Айдахо (штат маркази – Бойсе), Айова (Де-Мойн), Алабама (Монтгомери), Аляска (Жуно), Аризона (Финикс), Арканзас (Литл-Рок), Вайоминг (Шайенн), Вашингтон (Олимпия), Вермонт (Монтпилиер), Виргиния (Ричмонд), Висконсин (Мэдисон), Гавайи (Гонолулу), Делавэр (Довер), Жоржия (Атланта), Фарбий Виргиния (Чарлстон), Иллинойс (Спрингфилд), Индиана (Индианаполис), Калифорния (Сакраменто), Канзас (Тописка), Кентукки (Франкфорт), Колорадо (Денвер), Коннектикут (Хартфорд), Луизиана (Батон-Руж), Массачусетс (Бостон), Миннесота (Сент-Пол), Миссисипи (Жексон), Миссури (Жефферсон-Сити), Мичиган (Лэнсинг), Монтана (Хелена), Мэн (Огаста), Мэриленд (Аннаполис), Небраска (Линкольн), Невада (Карсон-Сити), Нью-Гэмпшир (Конкорд), Нью-Жерси (Трентон), Нью-Йорк (Олбани), Нью-Мексико (Санта-Фе), Огайо (Колумбус), Оклахома (Оклахома-Сити), Орегон (Сейлем), Пенсильвания (Харрисбург), Род-Айленд (Провиденс), Шимолий Дакота (Бисмарк), Шимолий Каролина (Роли), Теннесси (Нэшвилл), Техас[аслида: Тексас] (Остин), Флорида (Таллахасси), Жанубий Дакота (Пирр), Жанубий Каролина (Колумбия), Юта (Солт-Лейк-Сити) ва Колумбия музофоти ҳамда орол худудлар (АҚШ Виргин Ороллари, Америка Самоаси, Гуам, Пуэрто-Рико, Шимолий Мариан Ороллари), ташқи кичик орол худудлар (Бейкер, Жарвис, Жонстон, Кингмен, Милуэй, Навасса, Пальмира, Уэйк, Хауленд) киради. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг протестант (53%) ва католик (26%) мазҳабларига эътиқод қилади. Валютаси – АҚШ доллари.

АҚШ президентлари: 1. Жорж Вашингтон (федералист; 1789 – 1797). 2. Жон Адамс (федералист; 1797 – 1801). 3. Томас Жефферсон (республикачи; 1801 – 1809). 4. Жеймс Медисон (республикачи; 1809 – 1817). 5. Жеймс Монро (республикачи; 1817 – 1825). 6. Жон Куинси Адамс (республикачи; 1825 – 1829). 7. Эндрю Жексон (демократ; 1829 – 1837). 8. Мартин Ван Бурен (демократ; 1837 – 1841). 9. Уильям Генри Гаррисон (виг; 1841). 10. Жон Тайлер (виг; 1841 – 1845). 11. Жеймс Нокс Полк (демократ; 1845 – 1849). 12. Закари Тайлор (виг; 1849 – 1850). 13. Миллард Филмор (виг; 1850 – 1853). 14. Франклин Пирс (демократ; 1853 – 1857). 15. Жеймс Бьюкенен (демократ; 1857 – 1861). 16. Авраам Линкольн (республикачи; 1861 – 1865). 17. Эндрю Жонсон (демократ; 1865 – 1869). 18. Уилс Симпсон Грант (республикачи; 1869 – 1877). 19. Ратерфорд Хйес (республикачи; 1877 – 1881). 20. Жеймс Артур Гарфилд (республикачи; 1881). 21. Честер Алан Артур (республикачи; 1881 – 1885). 22. Стивен Гровер Кливленд (демократ; 1885 – 1889). 23. Бенжаминь Гаррисон (республикачи; 1889 – 1893). 24. Стивен Гровер Кливленд (демократ; 1893 – 1897). 25. Уильям Маккинли (республикачи; 1897 – 1901). 26. Теодор Рузвельт (республикачи; 1901 – 1909). 27. Уильям Хауард Тафт (республикачи; 1909 – 1913). 28. Томас Вудро Вильсон (демократ; 1913 – 1921). 29. Уоррен Гардинг (республикачи; 1921 – 1923). 30. Кальвин Кулиж (республикачи; 1923 – 1929). 31. Герберт Кларк Гувер (республикачи; 1929 – 1933). 32. Франклин Делано Рузвельт (демократ;

1933 – 1945). 33. Гарри Трумэн (демократ; 1945 – 1953). 34. Дуайт Эйзенхауэр (республикачи; 1953 – 1961). 35. Жон Финджеральд Кеннеди (демократ; 1961 – 1963). 36. Линдон Жонсон (демократ; 1963 – 1969). 37. Ричард Никсон (республикачи; 1969 – 1974). 38. Жералд Рудольф Форд (республикачи; 1974 – 1977). 39. Жеймс (Жимми) Эрл Картер (демократ; 1977 – 1981). 40. Рональд Рейган (республикачи; 1981 – 1989). 41. Жорж Буш (республикачи; 1989 – 1993). 42. Билл Клинтон (демократ; 1993 – 2001). 43. Кичик Жорж Буш (республикачи; 2001 – 2009). 44. Барак Хусайн Обама II (демократ; 2009 йил 20 январдан).

АҚШ вице-президентлари: 1. Жон Адамс (1789 – 1797). 2. Томас Жефферсон (1797 – 1801). 3. Аарон Бёрр (1801 – 1805). 4. Жорж Клинтон (1805 – 1812). 5. Элбридж Жерри (1813 – 1814). 6. Дэниел Томкинс (1817 – 1825). 7. Жон Кэлхун (1825 – 1832). 8. Мартин Ван Бюрен (1833 – 1837). 9. Ричард Жонсон (1837 – 1841). 10. Жон Тайлер (1841 – 1841). 11. Жорж Даллас (1845 – 1849). 12. Миллард Филлмор (1849 – 1850). 13. Уильям Кинг (1853 – 1853). 14. Жон Брекинриж (1857 – 1861). 15. Ганнибал Гамлин (1861 – 1865). 16. Эндрю Жонсон (1865 – 1865). 17. Шайлер Колфакс (1869 – 1873). 18. Генри Уилсон (1873 – 1875). 19. Уильям Уилер (1877 – 1881). 20. Честер Артур (1881 – 1881). 21. Томас Хендрикс (1885 – 1885). 22. Леви Мортон (1889 – 1893). 23. Эдлай Стивенсон (1893 – 1897). 24. Гаррет Гобарт (1897 – 1899). 25. Теодор Рузвельт (1901 йил 4 март – 14 сентябрь). 26. Чарльз Фэйрбэнкс (1905 – 1909). 27. Жеймс Шерман (1913 – 1921). 28. Кальвин Кулиж (1921 – 1923). 29. Чарльз Дауэс (1925 – 1929). 30. Чарльз Кертис (1929 – 1933). 31. Жон Гарнер (1933 – 1941). 32. Генри Уоллес (1941 – 1945). 33. Гарри Трумэн (1945 йил 20 январь – 12 апрель). 34. Олбен Беркли (1949 – 1953). 35. Ричард Никсон (1953 – 1961). 36. Линдон Жонсон (1961 – 1963). 37. Хьюберт Хамфри (1965 – 1969). 38. Спиро Агню (1969 – 1973). 39. Жеральд Форд (1973 – 1974). 40. Нельсон Рокфеллер (1974 – 1977). 41. Уолтер Мондейл (1977 – 1981). 42. Жорж Буш (1981 – 1989). 43. Дэн Куэйл (1989 – 1993). 44. Альберт Гор (1993 – 2001). 45. Ричард Чейни (2001 – 2009). 46. Жозеф Байден (2009 – 2011). 47. Жозеф Робинетт Байден (Кичик) (2011 йил 20 январдан).

АҚШ Давлат котиблари: 1. Томас Жефферсон (1790 йил 22 март – 1793 йил 31 декабрь). 2. Эдмунд Рэндольф (1794 йил 2 январь – 1795 йил 20 август). 3. Тимоти Пикеринг (1795 йил 10 декабрь – 1800 йил 12 май). 4. Жон Маршалл (1800 йил 13 июнь – 1800 йил 4 февраль). 5. Жеймс Мэдисон (1801 йил 2 май – 1809 йил 3 март). 6. Роберт Смит (1809 йил 6 март – 1811 йил 1 апрель). 7. Жеймс Монро (1811 йил 2 апрель – 1817 йил 3 март). 8. Жон Куинси Адамс (1817 йил 5 март – 1825 йил 3 март). 9. Генри Клей (1825 йил 7 март – 1829 йил 3 март). 10. Мартин Ван Бюрен (1829 йил 28 март – 1831 йил 23 май). 11. Эдвард Ливингстон (1831 йил 24 май – 1833 йил 29 май).

12. Луис Маклейн (1833 йил 29 май – 1834 йил 30 июнь).
13. Жон Форсайт (1834 йил 30 июль – 1841 йил 3 март).
14. Дэниэл Уэбстер (1841 йил 6 март – 1843 йил 8 май).
15. Абель Аппер (1843 йил 24 июль – 1844 йил 28 февраль).
16. Жон Кэлхун (1844 йил 1 апрель – 1845 йил 10 март).
17. Жеймс Бьюкенен (1845 йил 10 март – 1849 йил 7 март).
18. Жон М. Клейтон (1849 йил 8 март – 1850 йил 22 июль).
19. Дэниэл Уэбстер (1850 йил 23 июль – 1852 йил 24 октябрь).
20. Эдвард Эверетт (1852 йил 6 ноябрь – 1853 йил 3 март).
21. Уильям Л. Марси (1853 йил 7 март – 1857 йил 6 март).
22. Льюис Касс (1857 йил 6 март – 1860 йил 14 декабрь).
23. Жеремайя Блэк (1860 йил 17 декабрь – 1861 йил 5 март).
24. Уильям Сьюард (1861 йил 5 март – 1869 йил 4 март).
25. Элияху Уошберн (1869 йил 5 – 16 март).
26. Гамильтон Фиш (1869 йил 17 март – 1877 йил 12 март).
27. Уильям Эвартс (1877 йил 12 март – 1881 йил 7 март).
28. Жеймс Блэн (1881 йил 7 март – 19 декабрь).
29. Фредерик Фрелингхойзен (1881 йил 19 декабрь – 1885 йил 6 март).
30. Томас Бейард (1885 йил 7 март – 1889 йил 6 март).
31. Жеймс Блэн (1889 йил 7 март – 1892 йил 4 июнь).
32. Жон Фостер (1892 йил 29 июнь – 1893 йил 23 февраль).
33. Уолтер Квинтин Грешам (1893 йил 7 март – 1895 йил 28 май).
34. Ричард Олни (1895 йил 10 июнь – 1897 йил 5 март).
35. Жон Шерман (1897 йил 6 март – 1898 йил 27 апрель).
36. Уильям Дэй (1898 йил 28 апрель – 16 сентябрь).
37. Жон Мильтон Хей (1898 йил 16 сентябрь – 1905 йил 1 июль).
38. Элиу Рут (1905 йил 19 июль – 1909 йил 27 январь).
39. Роберт Бэкон (1909 йил 27 январь – 5 март).
40. Филандер Нокс (1909 йил 6 март – 1913 йил 5 март).
41. Уильям Женнингс Брайан (1913 йил 5 март – 1915 йил 9 июнь).
42. Роберт Лансинг (1915 йил 24 июнь – 1920 йил 13 февраль).
43. Бейнбриж Колби (1920 йил 23 март – 1921 йил 4 март).
44. Чарльз Эванс Хьюз (1921 йил 5 март – 1925 йил 4 март).
45. Франк Келлог (1925 йил 5 март – 1929 йил 28 март).
46. Генри Л. Стимсон (1929 йил 28 март – 1933 йил 4 март).
47. Корделл Халл (1933 йил 4 март – 1944 йил 30 ноябрь).
48. Эдвард Стеттиниус кичик (1944 йил 1 декабрь – 1945 йил 27 июнь).
49. Жеймс Бирнс (1945 йил 3 июль – 1947 йил 21 январь).
50. Жорж Маршалл (1947 йил 21 январь – 1949 йил 20 январь).
51. Дин Ачесон (1949 йил 21 январь – 1953 йил 20 январь).
52. Жон Фостер Даллес (1953 йил 21 январь – 1959 йил 22 апрель).
53. Кристиан Гертер (1959 йил 22 апрель – 1961 йил 20 январь).
54. Дин Раск (1961 йил 21 январь – 1969 йил 20 январь).
55. Уильям Рожерс (1969 йил 22 январь – 1973 йил 3 сентябрь).
56. Генри Киссинжер (1973 йил 23 сентябрь – 1977 йил 20 январь).
57. Сайрус Вэнс (1977 йил 20 январь – 1980 йил 28 апрель).
58. Эдмунд Маски (1980 йил 8 май – 1981 йил 20 январь).
59. Александр Хейг (1981 йил 22 январь – 1982 йил 5 июль).
60. Жорж Шульц (1982 йил 16 июль – 1989 йил 20 январь).
61. Жеймс Бейкер (1989 йил 25 январь – 1992 йил 23 август).
62. Лоуренс Иглбергер (1992 йил 8 декабрь – 1993 йил 19 январь).
63. Уоррен Кристофер (1993 йил 20 январь –

1997 йил 20 январь). 64. Мадлен Олбрайт (1997 йил 23 январь – 2001 йил 19 январь). 65. Колин Пауэлл (2001 йил 20 январь – 2005 йил 26 январь). 66. Кондолиза Райс (2005 йил 26 январь – 2009 йил 20 январь). 67. Хиллари Клинтон (2009 йил 21 январь – 2013 йил 1 февраль). 68. Жон Форбс Керри (2013 йил 1 февралдан).

АҚШ Конгрессининг Сенати раиси: Жозеф Робинетт Байден (Кичик) [айни пайтда вице-президент] (2011 йил 20 январдан).

АҚШ Конгрессининг Вакиллар палатаси спикери: Нэнси Пелоси хоним (2007 йил 4 январдан).

1776 йил 20 декабрь – АҚШ пойтахти Филадельфиядан Балтимор шаҳрига кўчирилди.

1776 йил – Берлинда савдо биржаси очилди.

1776 йил – Марокаш дунёда биринчи бўлиб АҚШнинг мустақиллигини тан олди.

1776 – 1812 йиллар – татар уламози ва тасаввуф тариқати намояндаси Абдуносир Курсавий яшаган ва фаолият юритган давр.

1777 йил – Португалияда Педр III (хукмронлик даври: 1777 – 1786) ва Мария I (хукмронлик даври: 1777 – 1816) ҳокимият тепасига келди.

1777 йил 15 январь – 1791 йил 4 март – Вермонт Республикаси мавжуд бўлган. АҚШ томонидан аннексия қилинган. У АҚШ таркибига 14-штат мақоми билан кирди.

1777 йил 12 [23] декабрь – 1825 йил 19 ноябрь [1 декабрь] – Россия императори Александр I яшаган ва фаолият юритган давр.

1778 йил – Франция ва Қўшма Штатлар ўртасида Дўстлик ва тижорат битими, кейинчалик эса Иттифоқ шартномаси имзоланди. Америкада мустақиллик учун бўлаётган урушда Франция ҳам иштирок этиб, Англияга қарши курашди.

1778 йил – 1826 йил 6 октябрь – манғитлардан бўлган Бухоро амири Ҳайдар яшаган ва фаолият юритган давр.

1779 йил – Дарбилар оиласи вакиллари дунёда биринчи чўян кўприк ихтиро қилди.

1779 – 1882 йиллар – Ҳиндистонда инглизлар билан маратхлар ўртасида биринчи уруш бўлди.

1780 йил 13 ноябрь – 1839 йил 27 июнь – Сикхлар давлатининг асосчиси маҳарожа Ранджит Сингх яшаган ва фаолият юритган давр.

1780 – 1884 йиллар – тўртинчи инглиз-голланд уруши.

1782 йил 20 март – чакри сулоласининг биринчи вакили Буддха Йодфа Чулалокке Таиланд қироли бўлди (1809 йил 7 сентябргача).

1782 йил 30 ноябрь – Америка ва Франция қўшинлари инглизларнинг асосий қўшинларини таслим этди.

1783 йил 8 апрель – туркий давлат Қрим хонлиги Россия империяси томонидан босиб олинди. Россия императрицаси Екатерина II Қрим, Таман ва Кубаннинг Россияга ўтганлиги ҳақида манифест эълон қилди.

1783 йил 3 сентябрь – Қўшма Штатлар ва Буюк Британия ўртасида Версаль тинчлик шартномаси имзоланди. Шартномага кўра, Буюк Британия томони Қўшма Штатларнинг 1776 йилда эълон қилинган мустақиллиги ва суверенитетини тан олди.

1783 йил – Монтсеррат Буюк Британия томонидан тўлиқ аннексия қилинди.

1783 йил 19 декабрь – 1801 йил 14 март – Буюк Британия ҳукуматини бош вазир Кичик Уильям Питт бошқарган давр.

1783 йил 24 январь – 1830 йил 17 декабрь – Лотин Америкасининг қахрамони Симон Боливар яшаган ва фаолият юритган давр.

1784 – 1809 йиллар – Тошкент ҳокимлиги мавжуд бўлган. Унга 1784 йилда Юнусхўжа томонидан асос солинган. Мустақил Тошкент ҳокимлиги 1809 йилда Қўқон хонлиги таркибига кўшиб олинди.

Тошкент ҳокимлари: Юнусхўжа (1784 – 1801), Муҳаммадхўжа (1802 – 1805), Султонхўжа (1805 – 1807), Ҳамидхўжа (1807 – 1809).

1785 йил 11 январь – АҚШ пойтахти Трентондан Нью-Йорк шаҳрига кўчирилди.

1785 йил 4 апрель – Эдмунд Картрайд (1748 – 1823) чархпалак билан ҳаракатга келтириладиган йигирув машинаси учун патент олди.

1785 йил 9 июнь – 1800 йил 30 ноябрь – манғитлардан бўлган Бухоро амири Шохмурод [Амири маъсум]нинг ҳукмронлик даври.

1786 йил 17 август – 1797 йил 16 ноябрь – Пруссияда Фридрих Вильгельм II нинг ҳукмронлик даври.

1787 йил 17 сентябрь – АҚШ Конституцияси Филадельфия конвенциясида қабул қилинди (Бу конституция ҳозиргача амал қилади, унга шу кунгача 27 та қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган).

1787 – 1822 йиллар – Қўқон хони Умархон [Амир Умархон; Амирий] яшаган ва фаолият юритган давр.

1788 йил 21 июнь – 1790 йил 3 август – Швеция Россия ва Данияга қарши уруш олиб борди.

1788 йил 14 декабрь – 1808 йил 19 март – Испанияда Карл IVнинг ҳукмронлик даври.

1788 йил 22 февраль – 1860 йил 21 сентябрь – файласуф Артур Шопенгауер яшаган ва фаолият юритган давр.

1789 йил январь – Брабант инқилоби натижасида австрияликлар мамлакатдан ҳайдалди (Улар Бельгияга 1790 йил февралда қайтишди).

1789 йил 4 март – АҚШ Конституцияси кучга кирди. Конституцияга кўра АҚШда президентлик бошқаруви жорий қилинди (АҚШнинг бирин-

чи президенти қилиб Федералистлар партиясидан Жорж Вашингтон сайланди).

1789 йил 5 май – Француз инқилоби бошланди: Генерал штатлар (Юкори палата) йиғилиши очилди (Инқилобнинг биринчи кунларида Францияда бир неча сиёсий гуруҳлар ва сиёсий партиялар ташкил топди: 1. Роялистлар – чекланмаган монархия тарафдорлари, зодагонлар ва рухонийлар; 2. Мўътадил либераллар – конституцион монархия тузуми тарафдорлари, савдогарлар ва банкчилар. Уларнинг раҳбари Оноре де Мирабо; 3. Жирондистлар – (Жиронде вилояти номидан) мўътадил республикачилар, янги зодагонлар ва саноатчилар; 4. Якобчилар (Яков ибодатхонаси номидан) – қатъий республикачилар, ўрта ва майда буржуазия вакиллари. Уларнинг раҳбари Максимилиан Робеспьер).

1789 йил 17 июнь – Францияда Миллий Кенгаш эълон қилинди.

1789 йил 9 июль – Миллий Кенгаш ўзини Таъсис Мажлиси деб эълон қилди.

1789 йил 14 июль – Бастилия олинди: Францияда монархиянинг асосий таянчи – Бастилия қалъа-қамокхонаси қуролланган халқ томонидан эгалланди, чекланмаган монархия ағдарилди.

1789 йил 4 август – Францияда имтиёзлар ва табақалар нуфузи бекор қилинди.

1789 йил 26 август – Францияда Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси қабул қилинди.

1789 йил 25 сентябрь – АҚШ Конституциясига биринчи ўнта қўшимча: «Ҳуқуқлар тўғрисидаги билль» (Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатловчи тарихий ҳужжат) қабул қилинди.

1789 йил 2 ноябрь – Францияда черков мулклари бекор қилинди.

1789 йил 14 июль – 1799 йил 9 ноябрь – Буюк Француз инқилоби юз берди.

1789 йил 7 апрель – 1807 йил 29 май – Усмонли турк султони Салим III нинг ҳукмронлик даври. У салтанатда катта ислохотлар ўтказди.

1790 йил 23 февраль – Франция 83 та департаментга ажратилди.

1790 йил май – француз қироли Людовик XVI билан Лафайет ва Мирабо ўртасида зиддият кескинлашди.

1790 йил 12 июль – «Рухонийларнинг фуқаролик жойлашуви» Қонунига биноан Францияда рухонийлар аввалги имтиёзларини йўқотишди.

1790 йил 14 июль – Францияда Федерация байрами.

1790 йил ноябрь – Францияда рухонийларнинг Конституцияга содиқлиги ҳақидаги касамёд қилувчи декрет қабул қилинди.

1790 – 1804 йиллар – Хива ҳукмдори Аваз Инокнинг ҳукмронлик даври.

1791 йил 3 сентябрь – Франциядаги Конституция комиссиясининг йиғилишида конституция қабул қилинди.

1791 йил 17 сентябрь – Конституция комиссиясининг декретига кўра яхудийлар Францияда тенг ҳуқуқли бўлди.

1791 йил 1 октябрь – Францияда Қонун чиқарувчи мажлис [Таъсис Мажлиси] чакирилди.

1792 йил 20 апрель – Франция Қонунчилик мажлиси Австрияга қарши уруш эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

1792 йил 10 август – Франция қироли Людовик XVI ва оиласи қамоққа олинди: Францияда қирол ҳокимияти ағдариб ташланди.

1792 йил 20 август – Франция Австрияга қарши уруш эълон қилди.

1792 йил 21 сентябрь – Францияда монархия бекор қилинди ва Конвент томонидан биринчи республика эълон қилинди.

1792 йил 21 сентябрь – 1804 йил 14 май – Францияда Биринчи республика даври.

1792 – 1842 йиллар – ўзбек шоираси ва давлат арбоби Нодира [Моҳларойим] яшаган ва фаолият юритган давр.

1793 йил 21 январь – қирол Людовик XVI қатл қилинди.

1793 йил 23 январь – Польша иккинчи марта тақсимланди.

1793 йил 1 февраль – Англияга қарши уруш эълон қилинди. 1-иттифок (Австрия, Пруссия, Англия, Россия, Испания, Наполи ва Сардиния) тузилди ва инқилобий Францияга қарши уруш эълон қилди. Францияда Фавкуллодда ҳуқумат. Инқилобий трибунал ва Ижтимоий нажот кўмитаси тузилди.

1793 йил 2 июнь – Парижда жирондистлар ва яacobчилар орасида ҳокимият учун кураш натижасида жирондистлар маҳв этилди (яacobчилар ҳокимият тепасига келди). Кейинчалик яacobчилар инқилобни сақлаб қолиш мақсадида инқилобий ҳокимиятни эълон қилди.

1793 йил 10 август – Лувр биринчи жамоат музейига айланди.

1793 йил 24 июнь – Францияда Конституция (II йил Конституцияси)га овоз берилди.

1793 йил 5 сентябрь – Францияда Конвенция томонидан террор эълон қилинди. Террорга яacobчилар етакчиси Максимилиан Робеспьер бошчилик қилди. «Шубҳали одамлар ҳақида» қонун қабул қилинди (Террорда қатл этилганлар: 1. Қиролича Мария Антуанетта – Людовик XVI нинг рафиқаси, Австрия императорининг синглиси бўлган. Халқ орасида «Дефицит хоним» лақабини олган. 2. 22 нафар жирондист депутатлар. 3. Камил Демулен – 1789 йил 14 июлда Бастилияни истилосини уюштирган. 4. Жан Поль Марат – яacobчи, Шарлотта Корде номли аёл томонидан ўлдирилган. 5. Жорж Жак Дантон (1759 – 1794) – инқилоб «йўлбарси», яacobчи).

1793 йил сентябрь – октябрь – Хондмут ва Ватиньйдаги ғалабалар. Иттифокчилар армиясининг Франциядаги босқини тўхтатилди.

1793 йил 31 октябрь – Францияда жирондистлар қатл қилинди.

1793 йил 23 декабрь – 1863 йил 9 июнь – афғон амири Дўстмухаммадхон яшаган ва фаолият юритган давр.

1794 йил 24 март – Тадеуш Костюшко бошчилигидаги поляк ватанпарварлари кўзғолон кўтарди [Костюшко Мацеевиц жангида (10 октябрь) мағлубиятга учрагач, Варшава рус генерали Александр Суворовга (25 октябрь) таслим бўлди].

1794 йил 24 март – 5 апрель – Францияда Ижтимоий нажот қўмитаси (Робеспьер) томонидан Жак-Рене Эбер (24 март) ва Жорж Жак Дантон (5 апрель) қатл қилинди.

1794 йил 26 июнь – Флерюса Жан Батист Журдон ғалаба қозонди.

1794 йил 27 июль [9 термидор] – Конвентдаги фитначилар яқобчилар ҳокимиятини афдариб, Робеспьерни гильотинада қатл этди. Ижтимоий нажот қўмитасининг собиқ аъзолари Гвианага бадарға қилинди. Ҳокимият тепасига инқилоб йиллари бойиб олган янги буржуазия келди.

1794 йил 2 сентябрь – Қора денгизда Одесса бандаргоҳига асос солинди.

1794 йил – 1842 йил 23 ноябрь – Хива хони Оллоқулихон яшаган ва фаолият юритган давр.

1795 йил апрель, июль – Пруссия ва Испания аксилфранцуз коалициясида қатнашишдан бош тортди.

1795 йил июнь – Францияга юборилган эмиграция кўшини Киберонда Луи Лазар Гош томонидан мағлубиятга учради. Республикачиларга қарши Оқ террор жорий қилинди.

1795 йил 22 август – Францияда янги Конституция (III йил Конституцияси) қабул қилинди, унга кўра коллегиял ижро қилувчи ҳокимият (Директория) жорий этилди (мамлакатда икки палатали парламент ташкил топди).

1795 йил 1 октябрь – Франция кўшинлари томонидан Бельгия босиб олинди.

1795 йил 26 октябрь – Польша учинчи марта тақсимланди (Польша мустақил давлат сифатида тугатилди. Поляклар мустақиллик учун XIX аср давомида курашди. 1830, 1846, 1863 йиллардаги кўзғолонлар шафқатсизларча бостирилди).

1795 йил 26 октябрь – Конвентнинг бўлиниши.

1795 йил 4 ноябрь – 1799 йил 10 ноябрь – Францияда Директория бошқаруви даври.

1795 йил – Эронда туркий қожорлар сулоласи ҳокимият тепасига келди (1925 йилда қожорлар сулоласи ҳокимиятдан четлаштирилди). Пойтахти – Техрон. Давлат раҳбари – шаҳаншоҳ. Тили – форс.

1795 – 1925 йиллар – Эронда қожорлар сулоласи ҳукмронлик қилди. Сулолага туркий қожор уруғининг сардори Оға Муҳаммад Қожор томонидан 1779 йилда асос солинган (Қожорлар туркман халқига мансуб туркий уруғ, улар мўғуллар босқинидан сўнг дастлаб Арманистон ҳудудига ўрнашишган. Кейин сафавийларнинг тарафдори сифатида қизилбошларнинг бирлашиш жараёнида иштирок этишган. Улар 1554 йилда Ганжага ўрнашишган ва Қорабоғда ҳукмронлик ўрнатишган). Қожорлар сулоласи зандлар сулоласи ўрнига ҳокимият тепасига келди. Қожор ҳукмдорлари «Шаҳаншоҳи Эрон, вужуди аъло ҳазрат ақдаси ҳумоюн» деб улуғланган. Қожорлар даврида пойтахт Техронга кўчирилган. Эрон Таъсис мажлиси томонидан 1925 йил декабрда қожорлар сулоласи тахтдан ағдарилди ва форсий паҳлавийлар сулоласи Эронда ҳокимият тепасига келди.





МУНДАРИЖА

Сўзбоши (Қаҳрамон Ражабов).....	5
Ибтидий жамоа тузуми.....	9
Қадимги Шарқ.....	15
Қадимги Миср	15
Қадимги Месопотамия	19
Кичик Осиё ва Олд Осиё мамлакатлари	26
Қадимги Турон ва Эрон.....	30
Қадимги Ҳиндистон.....	50
Қадимги Хитой.....	53
Қадимги Юнонистон ва Рим	63
Қадимги Юнонистон.....	63
Қадимги Рим.....	72
Илк ўрта асрлар даври (V – VIII асрлар).....	94
Ривожланган ўрта асрлар даври (IX аср – XV асрнинг биринчи ярми).....	116
Янги тарих даври (XV асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари).....	218



ISBN 978-9943-28-381-7



9 789943 283817

«O'ZBEKISTON»